

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти

---

# ФАЛСАФА

## ЭНЦИКЛОПЕДИК ЛУҒАТ

4

922434

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»  
Давлат илмий нашриёти  
Тошкент—2010

### Таҳрир ҳайъати

М.Абдуллаева (масъул муҳаррир), А.Жалолов, Қ.Назаров, Р.Носиров,  
С.Отамуродов, А.Очилдиев, Р.Рузиев (раҳбар), А.Шарипов,  
С.Шермухамедов, Ш.Ҳаитов, И.Ҳошимова.

**Фалсафа:** энциклопедик дугат/ЎЗР ФА, И.Мўминов номидаги  
Ф22 фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»  
Давлат илмий нашриёти, 2010. – 344 б.

Ушбу энциклопедик дугат фалсафа йўналишидаги фанларда, ижтимоий-сиёсий ва илмий-оммабоп адабиётларда ишлатиладиган ҳамда мазъавий ҳаётга кенг қўлланилаётган айрим илмий, фалсафий ағам, тушунча, оқим, йўналиш, назария, таълимотларни изоҳлайди. Мазкур дугат фалсафа муаммолари билан қизиққан ўқувчилар, талабалар, ўқитувчилар ҳамда кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

ББК 87я2

Ф  $\frac{0300000000-005}{358-2010}$  04

ISBN 978-9943-07-115-5

© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»  
Давлат илмий нашриёти, 2010.

*Ўзбекистон Фанлар академияси-  
нинг академиги И.М.Мўминов  
хотирасига бағишланади.*

Кейинги вақтда жаҳон миқёсида, айниқса, она Ватанимиз Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳаётида беқиёс жараёнлар юзага келди. Эл-юрт ўз тақдирини ўзи ҳал қилишга эришди.

Миллий истиқлол шарофати туфайли якка мафкура ҳукмронлигидан халос бўлинди, азалий бой тарихий меросимизга бўлган муносабат ўзгарди. Маънавий қадриятларимиз сарчашмасига, мозийга мурожаат этиш одат тусига кириб бормоқда. Миллий истиқлол мафкурасини кишилар онги, шуурига етказиб бориш ижтимоий ҳаётнинг навбатдаги долзарб масаласига айланди. Умуман, маънавият, маърифатга қизиқиш кучайди. Бу тушунарли ҳолдир, чунки маънавий ва руҳий жиҳатдан тетик, бардам ва соғлом кишиларгина ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг ҳақиқий соҳиблари бўла оладилар. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда маънавиятга алоҳида эътибор берилади. Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида «маънавият» тушунчасига қуйидагича таъриф берилади: «Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-этиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир»<sup>1</sup>.

Фалсафадан қисқача изоҳли луғат биринчи бор Ўзбекистон ФА И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти олимлари томонидан тайёрланиб, 2004 йилда «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририятида чоп этилган эди. Унда қатнашган муаллифлар ўзимизнинг ички имкониятларимизга, тарихий тажриба ва жаҳон халқларининг турли тиллардаги қомус ва луғатлар яратиш тажрибасига таяндилар. Луғатда муайян даражада жаҳон фалсафий тафаккури жараёнининг салоҳиятли ва эътиборли қирралари, жумладан, Яқин ва Урта Шарқ фалсафий фикри эришган ютуқлар, замонамизнинг долзарб фалсафий муаммолари ўз ифодасини топган.

Луғат юзасидан ўқувчилар кўплаб фикр-мулоҳазалар билдириб, унинг ютуқ ва камчиликларини қайд этдилар, муаллифлар буларни эътиборга олган ҳолда, шунингдек, бугунги кун нуқтаи назаридан ҳар бир мақолани қайта кўриб чиқиб жиддий ўзгаришлар қилдилар, кўплаб янги мақолалар киритдилар. Луғатни тузишда 12 жилдли «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»да босилган фалсафага оид мақолалар-

<sup>1</sup>Ислом Каримов. Юксак маънавият — енгилмас куч. Т., «Маънавият», 2008. 19-бет.

дан фойдаланилди. Тушунчалар олдинги луғатга қараганда анча кенг ёритилгани учун китоб «Фалсафа энциклопедик луғат»и деб аталди.

Энциклопедик луғатда бир-бирига алоқадор мақолаларда баъзи маълумотлар такрорланиб қолмаслиги ва улар бир-бирини тўлдириши учун, шунингдек, айрим мақолаларни китобхоннинг қийналмай топишига ёрдам бериш мақсадида ҳавола тизимидан фойдаланилди. Ҳавола этилаётган мақола номи *қия ҳарфлар (курсив)* билан ёзилди.

Китобда жойни тежаш мақсадида кўп қўлланадиган сўзлар қисқартириб ишлатилди (бу ҳақда қисқартмалар рўйхатига қаранг). Хусусан мақола номини ташкил этган сўзлар матнда уларнинг биринчи ҳарфлари билан олинди.

Жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилинаётган ушбу луғатда баъзи камчиликлар, мунозара ва мулоҳаза талаб ўринлар бўлиши табиий. Биз ҳурматли китобхонларнинг фикр ва мулоҳазаларини самимият билан қабул қилиб, келгуси нашрларда фойдаланамиз.

Ўзбекистон ФА И.Мўминов номидаги  
Фалсафа ва ҳуқуқ институти  
Манзил: Тошкент шаҳри,  
Иброҳим Мўминов кўчаси, 9.

#### Китобда қабул қилинган асосий қисқартмалар

а.	— аср (рақам билан ёнма-ён келганда)
араб.	— арабча
ва б.	— ва бошқа(лар)
ва ш.к.	— ва шу каби(лар)
ва ҳ.к.	— ва ҳоказо(лар)
д-р	— доктор, доктори
инг.	— инглиз, инглизча (этимологик маълумотларда)
ин-т	— институт
й.	— йил, йили (рақам билан ёнма-ён келганда)
лот.	— лотинча (этимологик маълумотларда)
мас.	— масалан
мл.	— милодий
мл. ав.	— милоддан аввал(ги)
проф.	— профессор(и)
тахм.	— тахминан, тахминий
ун-т	— университет
ФА	— Фанлар академияси
форс.	— форсча (этимологик маълумотларда)
юн.	— юнонча (этимологик маълумотларда)
ш.	— шаҳар(и) (шаҳар номидан кейин)
шим.	— шимол(ий)
қ.	— қаранг
ҳоз.	— ҳозирги

## А

**АБСТРАКТЛИК** (лот. abstractio — мавҳумлик) — тафаккурнинг асосий методларидан бири. А. икки маънода қўлланилади. Биринчидан, А. дейилганда, ақлий билиш жараёни англашилади, яъни буюмнинг кўпгина томонлари, хусусиятлари ва уларнинг ўзаро алоқалари ҳаёлан тасаввур қилинади; айни пайтда, улар бир-биридан фикран ажратилади, қандайдир бизни қизиқтирган томонлари, хусусиятлари алоҳида-алоҳида тартибда фарқланади. Объектив борлиқдаги ҳар бир моддий буюмнинг ўзига хос кўпгина томонлари, хусусияти, сифати мавжуд бўлиб, улар бошқа буюм ва ҳодисалар билан сон-саноксиз иллар билан боғланган. Билиш жараёнида биз буюмнинг ҳамма томонларини, хусусиятини, сифатини, унинг бошқа буюм ва ҳодисалар билан бўлган сон-саноксиз алоқаларини бирдан қамраб ололмаймиз. Буюмни яхлит ҳолда, ҳар томонлама таҳлил қилиш ёрдамида чуқур ўрганмоқ учун уни фикран парчалаб, бўлиб юбориш негизида муҳим хусусият, алоқа ва нисбатларини аниқламоқ лозим. Яъни, буюмнинг алоҳида бир хусусиятини унинг бошқа хусусиятларидан фикран айририш ва унинг барча бошқа хусусиятлари, сифатларидан диққат-эътиборни вақтинча нари тутмоқ керак ёки бошқача айтганда, буюмнинг иккинчи даражали муайян жиҳатларидан узоқлашиб, унинг муҳим белгилари ажратилади. Бу — абстракциялаштиришдир. Абстракциялаштириш умумлаштириш билан узвий боғлиқ бўлганлиги учун ҳам мазкур буюмлар қаторидаги ҳар бир буюмга хос муайян жиҳатлар эътибордан четда қолиб, уларнинг ҳаммасида учрайдиган жиҳат, белгилар бу ерда муҳим аҳамият касб этади. Демак, А. умумий жиҳат сифатида ўзини намоён қилади.

Иккинчидан, А. сўзи инсон билиш жараёнининг натижаси деган маънода ҳам англашилади. Ушбу маънодаги А. инсон миясида дунёни билиш жараёнида вужудга келган тушунчалардан иборатдир. Шундай қилиб, А. буюмнинг қандайдир бир муҳим, умумий томонини соф кўринишда қамраб олади, яъни буюмнинг борлиқда муайян алоҳида кўринишда мавжуд бўлмаган томонларини ифодалайди.

Инсоннинг А. қобилияти абстракциялаштириш методлари, ижтимоий таъриба ва илм-фан тараққиёти таъсири остида ривожлана боради. А.нинг энг оддий шакллари инсоннинг меҳнат фаолияти, сўз ва тилнинг ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлади. Инсон ўзининг қундалик тажрибасида меҳнат қуролининг бир турини унинг бошқа бир тури билан алмаштириш мумкин эканлиги, шундай қилинганда меҳнатнинг самараси ошиб борганини кўради ва бу жараёнда меҳнат қуролининг умумий хусусиятини фаҳмлаб олади. Бинобарин, амалий фаолият инсонда абстракциялаштириш қобилиятини юзага келтиради. А. турли даражада бўлиши мумкин. Мас., энг содда А.нинг бевосита сезги, муайян тасаввурлар билан боғлиқлиги кўзга ташланиб туради. Мураккаб А. объектларнинг сезгидан яширинган ҳар хил томон ва хусусиятларини акс эттиради, буюмнинг гўб моҳияти замирига кириб бора билиш жараёнини ривожлантиради.

А. жараёни тўғрисида биз нарса ва ҳодисаларнинг муҳим томонларини уларнинг бошқа томонларидан фикран ажратиш оламиз, зотан, худди мана шу ажратилган хислатлар ўзининг келиб чиққан ҳақиқий манбаига мутлақо хос бўлади.

**АВЕРРОИЗМ** — мусулмон Шарқда машҳур бўлган араб мутафаккири Ибн Рушд (1126–1198) фалсафий мероси таъсирида Фарбда вужудга келган фалсафий йўналиш. Аристотель, Абу Наср Фөробий, Ибн Сино гоялари Ибн Рушд томонидан изчиллик билан ривожлантирилди ва унинг қарашлари негизда Фарбда давом эттирилди. Париж ун-ти магистри Сигер Брабантскийни (тахм. 1235 – тахм. 1282) А.нинг йирик намояндаси деб эътироф этиш мумкин. У унинг «Оламнинг абадийлиги ҳақида», «Сабабларнинг зарурийлиги ва узаро бир-бирига боғлиқлиги ҳақида» каби асарларида фалсафанинг илоҳийдан мустақиллиги, ташқи оламнинг абадийлиги, табиатда детерминизм таъмоилининг мустаҳкам мақомига эга эканлигини эътироф этади. А.нинг ҳаётбахш фалсафий анъаналари Оксфорд ун-тида феолият кўрсатган Рожер Бэкон (1214–1294) нинг қарашларида ҳақиқат-равшан намоян бўлади. А. мусулмон ақидачилиги ва католицизм фалсафасига қарши чиқиб, Араб халифалигида ва Фарбий Европа мамлакатларида схоластикага қарши кураш олиб боришда қўл келди. Дунёнинг абадийлиги, унинг ҳеч ким томонидан яратилмаганлиги ҳақидаги гоялари, шунингдек билимни эътиқодга, фалсафани илоҳийга қарши қўйганлиги сабабли А. руҳонийларнинг қазабига дучор бўлди. Узоқ муддат инквизиция томонидан давом этган тақиқлар, қуввинларга қарамасдан, А. анъаналари илм аҳли хотирасидан ўчиб кетмади. 14-а.нинг бошларидан бу анъана яна уйғона бошлади. Жан Жанден (1340 й. вафот этган) падуялик Марсилиий (1340 й. вафот этган) билан ҳамкорликда А.ни тарғиб қилади. Улар папа Иоанн XXII га қарши муҳолифатда бўладилар. Жан Жанден ўзининг кўплаб

асарларида аверроистик аристотелизм мавқеини ҳимоя қилади, илм-фанни схоластика исканжасидан озод қилишга уринади. Европада 15–16-а.ларда А. бирмунча кучаяди. Бу даврга келиб бу оқим бирмунча тартибга тушади ва бир меъёрга қиради. Умуман олганда, А.нинг аксарият тарафдорлари фалсафа ва фанни бир-бирига яқинлаштиришга катта аҳамият бера бошлайдилар. Янги давр фани ва фалсафий тафаккурида бу оқимга бўлган муносабат бирмунча ўзгарди, фаннинг турли соҳа вакиллари унга нисбатан янгича методлар, нуқтан назарлар асосида муносабатда бўлмоқдалар.

**АВЕСТО** (парфиёнча *apastak* — матн; кўпинча «Зенд-Авесто», яъни «таъсир қилинган матн» деб аталади) — зардуштийлик динининг муқаддас китоблари тўплами. Турон, Хуросон, Озарбайжон, Ироқ, Эрон, Кичик Осиё халқларининг мил. авги даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, диний қарашлари, одам ва одам тўғрисидаги тасаввур, урф-одат ва маънавий қадриятлари ҳақида маълумот берувчи асосий маҳба. Кўнглик тадқиқотчилар фикрига кўра, А. Ўрта Осиёда, ҳусусан Хоразмда мил. ав. I-нинг йилликнинг I-ярмида вужудга келган. Мил.ав. 13-адан мил. 4-а.гача бўлиб ўтган тарихий воқеаларни ўзида акс эттиргани учун миллий гояларни асраб авайлаш, халқни жипслаштириш, уни маънавий юксакликка даъват этиш, одамлар ўртасида меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлаш ва миллий анъаналарни сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этган.

Зардуштийлик динининг асосий ақидаларини ўзида мужассам этган бу китобда уша даврдаги устувор гоялар, маъбудалар шайнига айтинган маъқиллар, дуолар ҳам ўз ифо-

дасини топган. Абу Райхон Беруний асарларида ёзилишича 12 минг ошланган мол терисига тилло сувида ёзилган 32 китобдан иборат нуҳаси бўлган. Македониялик Александр Ўрта Осиёни забт этган даврда оташхоналарни вайрон қилган. Шу даврда А.нинг бир қанча бўлимлари ҳам ёндирилиб юборилган. Айни замонда унинг тиббиёт, фалакиёт, фалсафа ва адабиётга доир бўлимлари юнон тилига таржима қилинган. Мил. I-ада Парфиядаги аршакийлар ҳукмдори Вологес I (51—78) даврида қайта тупланган, лекин у сақланмаган. Шунингдек, сосонийлар сулоласи ҳукмронлик қилган даврда зардуштийлик динига бўлган қизиқиш кучайган. Подшо Ардашир I (224—239) ва унинг ўғли Шопур (239—272) ҳукмронлик қилган даврда зардуштийлик яна давлат динига айланган ва А. яна алоҳида китоб ҳолига келтирилган. Хусрав I Ануширвон (531—579) ҳукмронлик қилган даврда ҳатто руҳонийлар ҳам тушувиши қийин бўлгани учун А. замонасининг адабий тили ҳисобланган паҳлавий тилига ўгирилган ҳамда асосий матига шарҳлар ёзилиб, изоҳлар ҳам берилган. А. 21 наск (қисм) дан иборат бўлган. Ҳажми катта бўлганлиги сабабли диндорлар кундалик фалсафиятида фойдаланиши учун қулайлаштирилиб, ихчамлаштирилган шакли «Кичик А.» яратилган. Унга, асосан, танлаб олинган дуо ва мадҳиялар киритилган.

7—8-а.ларда Ўрта Осиёнинг араблар томонидан истило қилиниши ва исломнинг кенг тарқалиши билан зардуштийлик ва унинг бош китоби А. таъқиқланган. Шу сабабли унинг аксарият қисми йўқолиб кетган ва гўла мағни ҳозирга қадар топилмаган. Бугунги кунда унинг «Яшт», «Вендиат», «Висперат», «Ясна»,

«Хордо А.» (Кичик А.) номли қисмларигина сақланиб қолган. Ада зардуштийлик даврининг ҳуқуқий, ахлоқий меъёрлари ўз ифодасини топган. Ада баён этилган гоёларга кўра, олам нур ва зулмат, ҳаёт ва ўлим, тана ва жон, яхшилик ва ёмонлик, эркинлик ва тобелик сингари ҳодисаларнинг азалий ва абадий курашидан иборат. Шунга кўра, ҳаётнинг кечиши табиатда (нур ва зулмат), борликда (ҳаёт ва ўлим), ижтимоий ҳаётда (яхшилик ва ёмонлик), нафосат оламида (гўзаллик ва хунуқлик), динда (Ахурамазда билан Аҳриманнинг азалий ва абадий келишмаслиги) турли кучлар ўртасидаги кураш шакллари сифатида намоён бўлади.

А. таълимотига кўра, олов — оламни нурафшон қилувчи, одамларни гуноҳлардан покловчи сеҳрли куч, ер ва сув — ризқ, ҳаёт манбаи. Унинг ақидалари бўйича қариндош-уруғларнинг ўзаро қўда-аюда бўлиши таъқиқланади. Қадимги аждоқларимизнинг эгу гоёлари ва миллий давлатчилик анъаналари ўз аксини топган бу китоб фақат мустақиллик йилларида ҳақиқий кадр-қимматини топди. Унинг халқимиз ва миллий давлатчилигимиз тарихидаги улкан аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси А.нинг 2700 йиллигини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди (2000 й. 29 март). Унга кўра 2001 й.нинг октябрь ойида Ўзбекистонда халқаро илмий конференция ва тантанали байрам тадбирлари ўтказилди.

**АВТОКРАТИЯ** (юн. autos — ўзим, kratos — ҳокимият) — алоҳида субъект томонидан ҳокимиятни чекловсиз, назоратсиз тўлиқ эгаллаб олган ҳолда бошқариш. Ушбу субъект, давлат бошлиғи давлат ҳокимиятини идора этишининг манбаи ва эгаси бўлади. Мазкур субъект олий қонун чиқарув-

чилик, ижро этувчилик ва суд ҳокимиятларини ўз қўлида эгаллаб туради. Аҳоли, шунингдек, иқтисодий ҳукмрон ижтимоий синф давлат ҳокимияти идораларини ташкил этишда бевосита, ҳуқуқий тарзда иштирок этмайди; уларнинг иштироки расмий хусусиятга эга бўлади ва давлат муассасаларининг амал қилишига жиддий таъсир кўрсатмайди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари юқори органлар кўрсатмаларини бажарувчисигина бўлиб қолади. А. меросий (мутлақ монархия) ва легал, очик (ўтказилган сайловлар натижасига кўра, муайян шахснинг ҳокимиятга келиши ва унга чекланмаган ваколатларнинг берилиши) А. бўлиши мумкин.

Давлат ҳокимияти органлари томонидан жамият ҳаётини бошқаришдаги вазибалар кўламига кўра (шу жумладан иқтисодиёт соҳасида), А. тоталитар ва авторитар тарзда давлатни бошқариш шаклларига бўлинади. Агар тоталитар А. давлат ҳокимияти идораларининг шаклланишига таъсир расмий ва намоийшкорона бўлса, давлат ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига фаол аралашса, авторитар А. давлат ҳокимияти ва аппаратининг нисбий мустақиллигига асосланади.

**АГНОСТИЦИЗМ** (юн. а — инкор қўшимчаси, gnosis — билиш) — моддий системалар, табиат ва жамият қонуниятлари моҳиятининг билиш имкониятларини рад этиб, билишни воқеаликка мувофиқлигини исботлаш мумкин эмас, деб ҳисобловчи фалсафий таълимот. А. антик скептицизм ва ўрта аср номинализмдан келиб чиққан бўлиб, А. атамаси 1869 й. инглиз табиатшунос олими Т.Гексли томонидан киритилган.

19—20-а.ларда, айниқса, марксистик фалсафада мазкур таълимот соддалаштирилди ва унга, умуман, би-

лишни инкор этувчи таълимот сифатида қаралди. Ваҳоланки, агностиклар ҳодисаларни билиш мумкинлигини рад этишмайди, моҳиятний ҳаққоний билиш ҳам мумкин эмас, деб ҳисоблашмайди, балки билиш имкониятлари чекланганлигини таъкидлашади. Ҳақиқатан ҳам дунёни бутунлигича, уни охиригача билиш мумкин эмас, инсон ақли дунёни қанчалик ўрганмасин, у барибир чексиздир. Ушбу ғоя қадимги юнон фалсафасида скептицизм шаклида пайдо бўлган (Протагор, Пиррон). Кейинчалик бу таълимотни Д.Юм, И.Кант ва б. файласуфлар ривожлантирганлар. Мазкур ғоянинг моҳияти инсоннинг билиш қобилияти доираси чекланганлигини тасдиқлашдан иборат. Агностиклар воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини билиш мумкин, деган таълимотларга қарши ҳар қандай моддий системанинг моҳиятини ҳаққоний билиш мумкин эмас, дейдилар. Уларнинг фикрича, дунёни яхлитликда, бир бутунликда билиб бўлмайди. Инсон ақли қанча уринмасин, дунё тузилишини етарли даражада била олмайди, у дунёнинг бир қисминигина била олишга қодир, холос. Ушбу фикрни улар оқибат сабабдан фарқ қилиши билан асослаб бердилар ва шунинг учун ҳам нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини оқибатда англаш мумкин эмаслигини таъкидладилар. Уларнинг фикрига кўра, оқибат сабабдан фарқланади, шунинг учун нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини англаш мумкин эмас. Объектив равишда мавжуд бўлган сабаб-оқибат боғланишини исботлаш мумкин эмаслигига асосланиб, улар тажрибадан чиқарилмайди, яъни улар апостериори, шу билан бир вақтда мантиқ йўли билан ҳам оқибатнинг сабаб билан боғлиқлигини аниқлаш мумкин эмас, дейиша-



ди. Айни вақтда, субъектив сабаб мавжуддир, чунки биз битта ҳодисанинг бошқа ҳодисадан келиб чиқишини кутишимиз мумкин. Биз ушбу психологик боғланишлардан нарига ўта олмаймиз. Юмнинг фикрига кўра, табиат бизни ўз сирларидан йироқроқ масофада сақлаб туради ва бизга объектларнинг айрим юзаки сифатларини ўрганишга йўл қўяди, холос.

19–20-а.ларда А.нинг хилма-хил кўринишлари баъзи файласуфлар томонидан қўллаб-қувватланди ва ривожлантирилди. Мас., И.Мюллер А.и (физиологик идеализм), Г.Гельмгольцнинг иероглиф А.и, вульгар материалистлар А.и (Л.Бюхнер, Я.Молешотт), Ж.А.Пуанкаре конвенциализми, П.С.Юшкевичнинг «праксеологик» А.и бунга яққол мисол бўла олади.

**АГРЕССИЯ** (лот. *agressio* — ҳужум қилиш) — бир давлат (давлатлар гуруҳи) томонидан бошқа давлат ёки халқ (миллат)нинг суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши БМТ Устави нуқтаи назаридан ғайриқонуний бўлган ҳар қандай куч ишлатилиши. Тинчликка ва инсоният хавфсизлигига қарши оғир халқаро жиноят ҳисобланади. Билвосита, иқтисодий ва ғоявий А. тушунчалари ҳам бор.

**АДАПТАЦИЯ** (лот. *adaptatio* — мослашув, ўрнашув) — организмнинг турли яшаш шароитларига мослашиши. Бу атама дастлаб биологияда организмлар ва уларнинг тузилиши ҳамда функциясининг ташқи муҳит шароитига мослашиш жараёнини белгилашда қўлланилган. А. организм ҳаёт циклининг барча босқичида шаклланади. Ривожланиш жараёнида шаклланган мослашишлар йиғиндиси жонли системаларнинг мақсадга мувофиқлигини ташкил этади. Шу билан бирга А. жонли системаларнинг

ташқи муҳит билан муносабатида содир бўладиган мослашув жараёни — адаптогенезнинг маълум натижаси саналади. Ч.Дарвин А. табиий танланиш ҳаракати натижасида келиб чиқишини кўрсатган. А. атамаси ҳоз. вақтда биология доирасидан чиққан. У техника, табиий ва ижтимоий-гуманитар фанларда қўлланилади. Тиббиётда инсоннинг оптимал ҳаёт фаолияти ва меъёрий ижтимоий биологик ривожланишини таърифлашда ишлатилади. Техника фанлари ва кибернетикада А. атамаси асосида «адаптив системалар» тушунчаси ишлаб чиқилади.

Ижтимоий фанларда, хусусан психологияда шахс ва ижтимоий гуруҳларнинг ижтимоий муҳит билан ўзаро боғланиш жараёни. Бу жараён асосида шахс ва ижтимоий гуруҳлар ҳамда ижтимоий муҳитнинг ривожланишини таъминловчи муносабатлар ўрнатилади. Бунда ижтимоий А. инсон турмушининг биологик, психологик ва ижтимоий соҳаларини қамраб олади. А. ташқи ва ички муҳит таъсирини инъикос этувчи тизимларнинг алоҳида тури бўлиб, улар билан динамик мувозанат ҳосил қилувчи тенденцияга қаратилган. Бу мувозанат тизимларни, уларнинг ички ҳамда ташқи муҳит билан ва ўша тизимлар ривожига уйғун муносабатини таъминлайди.

**АДЕКВАТ** (лот. *adaequatus* — айнан бир, ўхшаш, тенглашган) — билиш назариясида нарса ва ҳодисаларнинг хосса ва алоқаларини уларнинг объектив мазмунига тўғри келадиган, аниқ ва мос қилиб олиш. Алик даражаси, яъни объектни акс эттиришининг аниқлиги, чуқурлиги ва тўлаллиги ҳақидаги масала нисбий ва абсолют ҳақиқатлар билан билимнинг тўғрилиги, мезони ўртасидаги ўзаро муносабат муаммосига боғлиқ бўлади.

**АДОЛАТ** — ижтимоий-фалсафий, ахлоқий ва ҳуқуқий тушунча. Кишилар ижтимоий-сиёсий онгида катта роль уйнайди. Муайян ижтимоий гуруҳлар ва айрим шахсларнинг тушунчаларини ўзида акс эттиради. Сиёсий хатти-ҳаракатлар, ҳуқуқ ва бурч меъёрлари, ахлоқий муносабатлар, меҳнат ва тақдирланиш, жиноят ва жазо, хизмат ва уни тан олиш, қадр-қимматни эътироф қилиш ва ҳ.к.га мазкур тушунча орқали баҳо берилади. А. тушунчаси муайян тарихий шарт-шароит ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар билан белгиланади. А.нинг ижтимоий-фалсафий жиҳати жамият аъзоларининг хилма-хил муносабатларидаги ўзаро тенглигини назарда тутadi. Ахлоқий жиҳати инсонлараро муомалада бир хил муносабатда бўлиши, бир-бирининг иззат-нафсига тегмасликни, ахлоқ-одоб қоидаларига амал қилишни билдиради. А.нинг ҳуқуқий томони қонунларга риоя этишни, сиёсий томони эса давлатни адолат қондалари асосида бошқаришни, фуқаролар гамини ейишни аниглади. Ривожланган жамиятда А. кишиларнинг демократик қонунлар асосида иш юритишини тақозо этади, унда ҳар бир одам ўз меҳнати, тадбиркорлиги, ақл-заковати туфайли топган мол-мулки ҳисобига яшайди. Давлат уз фаолиятида фуқаролар томонидан А. қоидалари ва қонунларига амал қилинишини назорат этади, жамият аъзоларининг мол-мулки дахлсизлиги ва қонун олдида тенглигини таъминлайди.

**АДОРНО** (Визенгруд-Адорно) Теодор (1903.11.9, Франкфурт-Майн — 1969.6.8, Фисп, Швейцария) — немис файласуфи, Франкфурт фалсафа мактаби вакили, социолог, муסיқашунос. Буюк Британияда, 1939—49 й.ларда АҚШда яшаган. 1949 й.дан

Франкфурт-Майнда. Модернизм эстетикаси тараққиётига катта хисса қўшган тадқиқотчи сифатида танилган. Ижтимоий фаолиятини танқидий йўналтирилган «Экспрессионизм ва бадиий ҳақиқат» мақоласи (1920)ни чоп этиш билан бошлаган. Сўнгра, муסיқа ҳақида баҳо-мунозараларга кенг йўл очиб берган танқидий руҳдаги қатор мақолалар ёзган.

А. фалсафаси жамият ҳақидаги ҳар қандай эътиборли назарияларга танқидий ёндашиш тамойилига амал қилади. А.нинг ilk фалсафий изланишлари С.Кьеркегор ва Э.Гуссерел-нинг ижтимоий реализмга эътиборсизлик билан қараш ва субъект ролни ўта бўрттиришга қарши қаратилганлиги билан ажралиб туради. А.нинг М.Хоркхаймер билан ҳамкорликда ёзган «Матрифат диалектикаси» (1948) асариде тарихий тараққиёт мавзусига мурожаат қилади. Унда жамият тарихи кўп қатровли матрифатнинг умумбаъшарий тарихи сифатида олиб қўрилиб, инсон ҳаёт учун кураш жараёнида деимо мукаммаллашиб, ақлий жиҳатдан улғайиб боради. А. ўзининг тарихий тараққиётга бўлган танқидий муносабати орқали адолатли жамият концепциясини яратди. У ўз тадқиқотларида негатив диалектикага асос солиди. Унинг таъкидлашича, ашёлар ва уларни ўзида ифода этадиган тушунчалар ўртасида бир-бирига мос келмайдиган, муайян қарама-қаршилиқ, ўзаро келишмовчилик юзага келади. «Негатив диалектика» асарида маънавий ҳаётнинг барча кўринишлари ижтимоий жиҳатдан белгиланганлиги қайд этилиб, ижтимоий-тарихий реализмнинг инсонга бўлган бераҳм, ўта зўравонлигига алоҳида ургу берилadi.

А.нинг фалсафий қарашлари ҳоз. замон Габ фалсафаси, социологияси, эстетикаси, муסיқашунослиги,

1960-й.ларда шакллана бошлаган сўл-радикал талабалар ҳаракатига фаол таъсир кўрсатди. А.нинг асосий асарлари: «Янги мусика фалсафаси» (1949), «Авторитар шахс» (1950), «Негатив диалектика» (1966).

**АЙНИЯТ ҚОНУНИ** – формал мантикнинг тўрт асосий қонунларидан бири. А.қ.га кўра, бирор предмет ёки ҳодиса ҳақида фикр юритилганда уларга ҳос бўлган барча муҳим белгилар, томонлар қамраб олинади. Предмет ҳақидаги фикр неча марта ва қандай ҳолатларда такрорланишига қарамастан доимий, ўзгармас ва қатъий мазмунига эга бўлади. Тафаккурга ҳос бўлган бу аниқлик хусусияти А.қ.нинг моҳиятини таъкил этди. А.қ.га кўра, маълум бир предмет ёки ҳодиса ҳақида айтилган айни бир фикр айни бир муҳокама доирасида айни бир вақтда ўз-ўзига тенгдир. А.қ. формал мантикда «А-А» шакли билан ифодаланади. А.қ.нинг асосий талаби қуйидагича: фикрлаш жараёнида турли фикрларни айнанлаштириш ва аксинча, ўзаро айнан бўлган фикрларга тенг эмас, деб қараш мумкин эмас. Бу мантиқий тафаккурнинг муҳим шартларидан биридир. Фикрлаш жараёнида бу қонунни билиб ёки билмасдан бузиш ҳолатлари учрайди. Баъзан бу ҳолат бир фикрнинг тилда турли хил ифодаланиши билан боғлиқ бўлади. Мас., «диалектика қонунлари» ва «табиат, жамият ва инсон тафаккурининг энг умумий қонунлари» тушунчалари шаклига кўра турлича бўлса ҳам мазмунан аинандир. Тилда мавжуд бўлган омоним ва синоним сўзларнинг қўлланиши ҳам баъзан турли фикрларнинг ўзаро айнанлаштирилишига, яъни нотўри муҳокамага олиб келади. Мас., фалсафий нуқта назардан «сифат» тушунчаси ўзига ҳос мазмунига эга бўлса, бирор ҳунарманд томонидан

бу тушунча бошқа мазмунда (яроқли, фойдали) қўлланилади. Баҳс-мунозара жараёнида қандай қилиб бўлса ҳам рақибни алдаш ва ютиб чиқиш мақсадида А.қ. талабларини атайлаб бузувчида софистлар, уларнинг таълимоти эса софистика дейилади. А.қ. предмет ва ҳодисаларнинг нисбий барқарорлигини ифода этган ҳолда, тафаккурнинг ривожланиши, тушунчалар ва билимимизнинг ўзгариб, бойиб боришини инкор этмайди. А.қ. фикрнинг мазмуни предмет ва ҳодисаларни ўзларок билиб боришимиз билан ўзгаришини эътироф этади ва уни ҳисобга олишни тақозо қилади. А.қ. тафаккурга, унинг барча элементлари, шаклига ҳос бўлган умумий мантиқий қонундир. Бу қонуннинг талаблари тафаккурнинг ҳар бир шаклига ҳос бўлган конкрет ҳолатларда ифодаланади. Тафаккурнинг тушунча, мулоҳаза (ҳукм), хулоса чиқариш шакллари, улар ўртасидаги муносабатлар шу қонунга асосланган ҳолда амалга ошади.

**АКМЕОЛОГИЯ** (юн. akme – етуклик, чўққи, камолот, юксалиш, logos – таълимот, сўз) – инсоннинг касб-ҳунарни эгаллашида энг юксак босқичларга етиш муаммоларини ўрганувчи фан. Асосан, инсоннинг етуклик, ижод чўққиси, камолот ва мукаммаллик даражасига етган даври ҳамда ривожланиш жараёнини ўрганади. А. мазмун-моҳияти инсон касб-ҳунарни билими орқали чуқур эгаллаши, касбнинг жамият ривожини, миллат равнақини, турмуш фаровонлигини ҳамда ижтимоий тараққиётнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий-ҳуқуқий жиҳатларига ижобий таъсирини кучайтиришга хизмат қилишини англаши, ўз ижодий фаолиятини бурч ва масъулиятни адо этишга сарфлаш мақсадида мукамаллик ва камолотга энтилиш жи-

ҳатларини бошқа фанлар билан уй-ғунликда ўрганишдан иборат. А. шу жиҳатдан фалсафа, социология, генетика, психология, педагогика, этика, эстетика, маданият, герен-тология фанлари билан ҳамкорликда ўз йўналиши, муаммолари ва уларнинг ечимларини топишга қаратилгандир. А.нинг тадқиқот объекти — объектив қонуниятларга асосланган ҳолда касб-ҳунар эгалари ижодий фаолиятининг методологик, технологик ва гуманитар (инсонпарварлик) жиҳатларидир.

А.нинг мазмун-моҳияти ва ижтимоий-фалсафий аҳамиятини англаш ҳар бир кишидан илм-фанни чуқур эгаллаш, ўз қобилияти, характер ва салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда масъулият ва ишонч билан касб-ҳунар танлаш, унга меҳр-муҳаббат, эътиқод билан ёндашишни талаб қилади.

**АКСИОЛОГИЯ** (юн. *axio* — қадрият ва *logos* — сўз, таълимот) — қадриятлар ҳақидаги фан. А. атамаси 1902 й. француз файласуфи П.Лари томонидан киритилган. 1964 й.да немис файласуфи Э.Гартман фалсафасида унинг қисмларидан бирини англатган (қ. *Қадрият*).

**АКСИОМА** (юн. *axioma* — сўзсиз қабул қилинган қоида, илк асос) — шартсиз силлогистик ҳукм-муҳокаманинг асосий тамойили. А. атамаси биринчи марта Аристотель асарларида учрайди. У ўзининг билиш назариясида жонли мушоҳада ва ақлий билиш босқичларининг ўзаро муносабатини тадқиқ этар экан, ута мураккаб муаммога дуч келиб қолади. Бир томондан, унинг назарида барча билим, янги ғоялар истисносиз, пировард натижада мантиқ қонун-қоидалари, аподиктик муҳокаманинг ишончли далилларга асосланган ҳукм далил-исботи синовидан ўтган

бўлмоғи лозим. Иккинчи томондан эса, бундай исботлашнинг интиҳоси йўқ ҳисоб. Оқибатда муайян илмлар тизимини бошқа тизимлардан келтириб чиқариш «бемаъни чексизликни» тақозо қилади. Натижада ўзгача ечимнинг мавжуд эканлигига ишонч ҳосил қилмаган Аристотель ҳеч қандай мантиқий исбот талаб қилмайдиган илк. ибтидо тамойиллар — А.ларни эътироф этишга мажбур бўлган. Аристотель ўз асарларида кўп ҳолларда бу муаммога мурожаат қилади, лекин унинг узил-кесил ҳал бўлаши, ўз ечимини топишга ишонч ҳосил қила олмайди. Пировард натижада, у ҳар қандай билимларнинг ибтидоси исботсиз қабул қилинмоғи лозим, деган хулосага келади. Мас., «бутун қисмдан каттадир», «учбурчак бурчакларининг йигиндиси иккита тўғри бурчак йигиндисига тенг» каби ҳукмлар айнан шундай А.ларни ташкил этади. Кўп ҳолларда муайян илм соҳасида тажриба орқали илмий ҳақиқатни бошқа илм соҳасида яна қайтадан исботлаб ўтиришга ҳеч қандай зарурий эҳтиёж йўқ. Шу билан бирга мураккаб тажриба ва кузатувларни қайта-қайта амалга оширавериш қўшимча маблағ сарф этишни талаб қилиши табиийдир. Шунинг учун бундай билимлар А. тарзида қабул қилиниб, улардан назариянинг муайян жиҳатлари сифатида фойдаланилади. Бунга аслида етарли асос ҳам йўқ эмас, чунки А. мақомига эга бўлган билим кўп марта талаб амалга оширилган кузатув ва тажрибаларга таянади.

Ҳоз. замон мантиқ соҳаси анъанавий мантиқдан фарқ қилиб, силлогистик муҳокама масаласини бирмунча конкрет ва тўла ҳал этишни ўзига мақсад қилиб қўяди. Мана шу талабдан келиб чиқиб, силлогистик характерга эга ҳукмларни аксиома-

тик ёки мантиқий далил асосида ҳал қилишни муайян муаммоларнинг моҳиятига қараб талқин қилинади. А. мақомига эга билим, қонун-қоида, илмий-назарий ибтидолардан ўз урнида самарали фойдаланиш фан раўнақига хизмат қилиб келади.

**АКЦИДЕНЦИЯ** (лог. *accidentia* – тасодиф) – фалсафий атама. Бирор нарсанинг муҳим бўлмаган, тасодифий, узгарувчан, аҳамиятсиз хоссасини билдиреди. А. нарсаларнинг муҳим, барқарор, «етарли» хоссаларини англатадиган субстанция тушунчасига қарама-қарши қўйилади. Мазкур атама биринчи бор Аристотелнинг «Метафизика» ва «Физика» асарларида, Порфирий (неоплатонизм анъаналари) ва ўрта аср схоластикасида учрайди. Б.Спиноза А. атамаси ўрнига умумий субстанциянинг алоҳида кўринишини ифодалайдиган модус тушунчасини қўллайди. 18–19-а. фалсафаси (И.Кант, И.Фихте)да ҳам А. атамаси учрайди.

**АЛГОРИТМ** (алгоритм) (лот. *algorithmi, algoritmus* – ибтидо) – маълум бир турга оид масалаларни ечишда ишлатиладиган жараёнлар тизимининг муайян тартибда бажарилиши ҳақидаги аниқ қоида. Ўрта асрларда саноқнинг ўнли тизими бўйича тўрт арифметик амал бажариладиган қондани А. деб аташган. Бу қоидаларни математикага 9-а.да ўртаосиёлик буюк математик Муҳаммад ал-Хоразмий киритган. Европада бундай қоидалар унинг номи билан аталиб, «алгоритм» дейилган. Кейинчалик бу ном «алгоритм»га айланган. Фанда «Евклид алгоритми», «Фиёсиддин Коший алгоритми», «Лаурье алгоритми», «Марков алгоритми» деб аталувчи А.лар маълум. Бундай А.лар сони борган сари кўпаймоқда. А. тушунчаси тобора кенгайиб бориб, А.лар назарияси пайдо бўлди. А.лар

назарияси эса кибернетиканинг назарий ва мантиқий асосидир.

Қўшиш, айириш, кўпайтириш ва бўлиш каби арифметик амаллар, квадрат илдиз чиқариш қоидалари, ҳар қандай икки натурал сон учун энг умумий бўлувчини топиш усули – А.нинг энг оддий мисолларидир. Аслини олганда, бирон-бир вазифани умумий тарзда яъни, унинг вариация қилинувчи шартларининг бутун туркуми учун ҳал қилиш воситаларига эга бўлганимизда биз ҳамиша А. билан иш кўрамыз. А. буйруқлар тизими сифатида расмий тусга эга бўлганлиги сабабли унинг асосида ҳамиша ҳисоблаш машиналари учун амаллар дастурини ишлаб чиқиш ва вазифани машина орқали ҳал этилишини амалга ошириш мумкин. А.нинг кенг қамровли вазифаларни ҳал этиши А.ни аниқлаш ҳамда А. назариясини ишлаб чиқиш, ҳисоблаш техникаси ва кибернетика тараққий этиб бораётган даврда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Электрон ҳисоблаш машиналари яратилгандан кейин (20-а. ўрталарида) одам билан машина ўртасидаги сунъий тиллар яратилиб, улар алгоритмик тиллар деб ном олди. Дастлабки шундай тил 1958 й. Парижда яратилган ва инглизча – «Algorithmic Language» деб аталган. Уни қисқартириб «Algo» дейишган. Шундай экан, «Algo»нинг ўзбекчаси «Алхотил» («Ал-Хоразмий тили»нинг қисқартмаси) деб номланади. Ҳозир ҳақонда 500 дан ортиқ алгоритмик тиллар мавжуд. Алгоритмик метод – билишнинг умумий методларидандир.

**АЛИШЕР НАВОЙЙ**, Н а в о й й (тахаллуси; асл исми Низомиддин Мир Алишер) (1441.9.2 – Ҳирот – 1501.3.1); – буюк ўзбек шоири, мутафаккир, давлат арбоби. А.Н. 10–12 ёшларидан шеър ёза бошлаган. А.Н.

бутун умр теурийлар давлатини мустаҳкамлашга, унинг мустақиллигини сақлаб қолишга, мамлакатда тинчлик ва осейиниталик ўрнатилишига ҳаракат қилди. А.Н. бизга бой адабий ва илмий мерос қолдирган. А.Н. «Хамса»га кирган дostonлар — «Хайрат ул-аброр» («Яхшилар хайрати»), «Фарҳод ва Ширин», «Сабъан сайёр» («Етти сайёра»), «Лайли ва Мажнун», «Садди Искандарий»ни ёзди. Шунингдек, А.Н. «Мезон ул-авзон» («Вазнлар ўлчови»), «Лисон ул-тайр» («Қушлар тили»), «Муҳокамат ул-дугатайн» («Икки тил муҳокамаси»), «Маҳбуб ул-қулуб» («Қалблар севгилиси»), «Хазойин ул-маоний» («Мавнолар хазинаси»), «Бадоеъ ул-бидоя» («Бадийлик ибтидоиси»), «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Мажолис ул-нафоес» («Нафислар мажмуаси»), «Насойим ул-муҳаббат» («Муҳаббат шабадалари»), «Вақфия», «Назм ул-жаҳир», «Тарихи анбиё ва ҳукамо» («Пайғамбарлар ва подшоҳлар тарихи»), «Сирож ул-муслимин» («Муслимонлик нури») ва б. асарлар муаллифидир. Унинг асарлари адабиёт, фалсафа, сиёсатшунослик, ахлоқшунослик, тилшунослик, тарих, педагогика ва б. соҳалардаги муаммоларни ўз ичига олади.

А.Н. ўз асарларида борлиқ ва унинг моҳияти, нарса ва ҳодисаларни идрок этиш, давлат ва уни бошқариш йўллари, инсон ва унинг жамиятда тутган ўрни, етук жамоа, комил инсон, ахлоқ, ҳулқ-одоб ва таълим-тарбия ҳақида ўз даври учун қимматли фикрларни илгари суради. А.Н. ўз қарашларини мажозий, рамзий тусунчалар орқали баён қилади. Унинг дунёқарашини ушундай Шарқда кенг тарқалган ваҳдат ул-вужуд (борлиқ ва худонинг бирлиги) таълимотига асослангандир. Бу таълимотта кўра борлиқ, нарса ва ҳодиса-

лар, шу жумладан, инсон ҳам Аллоҳ томонидан яратилган. Аллоҳ табиатда намoён булади, зухур этилади. А.Н. таъқинида инсон бошқа мавжудотлар ичида аълоси, уларнинг гултожиси ҳисобланади. Зероки, у сезги ва ҳиссиётлари орқали табиат ва унинг сир-асрорини билишга қодирдир. А.Н. айниқса, инсон тафаккури, ақли ва уни билиш қобилиятига ишонади. Инсон ақли табиат ва жамиятни идрок қилишда, давлатни бошқаришда, ахлоқ ва таълим-тарбияда фаол қатнашади. А.Н. «Хамса» асариде мукаммал давлат, инсонларни бахт-саodatга елтувчи фозил ва адолатли шоҳ тимсолини яратди, халқнинг эзгу орзусини, фикр-уйларини баён этди. А.Н. тасаввуфнинг нақшбандийлик тариқатига эътиқод қилиб, ундаги меҳнатсеварлик, покланиш, ҳалоллик, имон-эътиқодли бўлиш каби гояларни янада ривожлантирди. Шоир «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Маҳбуб ул-қулуб» ва б. асарларида инсон ва унинг энг яхши фазилатларини тасвирлаб, комил инсон тимсолини яратди. А.Н. ҳақиқий инсонпарвар мутафаккир бўлган. Зероки, у инсонни улуғлаб, уни юксакликка кўтарди, ўз асарларида адолатлилик, вафо, дўстлик, севги, садоқат, ватанпарварлик, тўғрилиқ, софдиллик, одиллик, сархийлик, мардлик, донолик, ширинсуханлик, олий ҳимматлилик каби хислатлар ҳақида гапирди, кишиларни илм-фан ва касб-ҳунарни егаллашга, ҳулқ-одобли бўлишга чақирди. Шоир инсонлардаги салбий иллатлар, жамиятга қарши ҳагги-ҳаракатлар, ахлоқсизликларни қаттиқ қоралади. Айниқса, у ислом дини ва шариатнинг қонуи-қоидаларига зид иш қилаётган қози ва муллалар, зоҳидлар, шайхлар, муҳтасиблар ва б.нинг риёкорлиги, худбинлиги,

фирибгарлиги ва иккиюзламачилигини фош қилди. А.Н. назмий ва насрий асарларида миллий ва умуминсоний қадриятлар ривожига катта эътибор берди. У эски ўзбек тилини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшди, форс тили билан бир қаторда туркий тилининг имкониятлари чексиз эканлигини амалда исботлади. Шунинг учун шоир ва машҳур давлат арбоби Бобур Мирзо: «Алишербек назир ийўқ киши эрди. Туркий тил била то шеър айтибтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас», — деб бежиз айтмаган. Олим ва шоир ер юзида тинчлик уриатиш йўлида, босқинчилик урушлари, зўравонлик, истибдод, адолатсизликка қарши кураш олиб борди. Унинг инсонпарварлик руҳи билан суғорилган ғоялари ҳозир ҳам башариятга хизмат қилмоқда.

**АЛЬТРУИЗМ** (лог. alter, французча altruisme — бовққа) — ахлоқий тушунча. Эгоизмга қарама-қарши ахлоқий тамойил бўлиб, шахсий манфаатларидан кечиб, ўзгалар манфаати, бахт-саодати йўлида бегараз хизмат қилиш деган маънони англатади. А. атамаси фалсафага француз файласуфи О.Конт томонидан киритилган. А. шахсининг ички ўз-ўзини баҳолаш. «ягона бир ўзим» дейиш қондасидан воз кечишни англатади. А. ахлоқийликни ташқаридан баҳолаш орқали таъминланади, шунинг учун А. инсонни ўз фаолиятига виждон билан, ҳолисона баҳолашга мажбур этади. А. буддизм ва христианлик этикасида яхши фазилат сифатида тавсифланган. А. тушунчаси кейинчалик 18-а. инглиз этикаси (А.Шефтсбери, Ф.Хатчессон, А.Смит)да ва француз маърифатпарварлари ғояларида ўз ифодасини топган. Ўз қадрига етиш, бошқаларнинг қайғусини енгиллаштиришга қаратилган ғоялар А. Шо-

пенгауэр томонидан ҳам ривожлантирилди. Ф.Ницше томонидан инкор қилинган гуманизм этикаси альтруистик кўрсатмаларни ўз ичига олади.

**АНАКСАГОР** (мил.ав. тахм. 500—428) — юнон файласуфи, математиги ва астрономи. Тахм. 30 йил давомида Афинада яшаган. Афина фалсафа мактаби асосчиси, Анаксименнинг шогирди. Қуёш чўғ ҳолатидаги жисмдан иборат, деб ўқтирган. Даҳрийликда айбланиб қувғин қилинган (мил. ав. 431). А. астрономия ва метеорология соҳасидаги тадқиқотлари билан танилган. Қуёш тутилишининг сабаби — унинг Ой томонидан тўсиб қолиниши, Ой тутилишининг сабаби эса, уни Қуёшдан Ер тўсиб туриши эканлигини тушунтириб берган. Францияга метеорит тушишини башорат қилган. А. табиатдаги жисмлар хилма-хиллигининг асосини ҳақиқий оламдаги аввал тартибсиз қўшилиб кетиб, алғов-далғовларни вужудга келтирган турли хил ўзгармас, кўп ва чексиз кичик унсурлар (нарсаларнинг уруғи, кейинчалик улар гомеомериялар деб аталган) ташкил этади, деб ҳисоблаган. А. бўшлиқнинг мавжудлигини инкор этган, кичик ва каттанинг нисбийлигини, модданинг чексиз бўлиниши мумкинлигини эътироф этган. Унинг фикрича, ҳеч бир нарса йўқдан бор бўлмади ва исзис йўқолиб кетмайди, балки мавжуд нарсанинг трансформацияси (ўзгариши) натижасида шаклланади («ҳар бир нарсада умумнинг қисми мавжуд»). А. фикрича, олам бунёдкори ақл (нус) энг енгил ва нозик модда сифатида барча нарсалар тўғрисида билимга ҳамда буюк қудратга эга бўлиб, уларни ҳаракатга келтиради, тартибга солади, турли хил унсурларни бир-биридан ажратади, бир хилларини эса қўшади. А.

Европа фалсафаси тарихида ҳамда оламнинг фалсафий намунасини яратибди биринчилардан бўлиб, дастлабки фаол куч — ҳар қандай моҳиятни белгилаб берувчи эканлиги ҳақидаги таълимотни яратди.

А. Афина демократиясининг бош ғоявий етакчиси бўлган. Куёш табиатининг илоҳий сабабларини инкор этгани учун худосизликда айбланиб, ўлим жазосига ҳукм қилинган.

**АНАКСИМАНДР** (мил.ав. тахм. 610–545) — иониялик натурфайласуф. Милет фалсафий мактаби вакили. Юнон мутафаккири, Милет мактаби асосчиси Фалес шогирди ва издоши. «Табиат ҳақида» — юнон тилидаги дастлабки фалсафий асар муаллифи. А. бир қанча экспедицияларда қатнашгач, бир қатор географик асарлар яратган ҳамда уша даврга хос бўлган жаҳон чегараларини харитада аке эттирган. Бир қатор муҳандислик кашфиётларини ҳам қилган. Буларнинг орасида Куёш соати («гномон») ва б. бор. Астрономия билан шугулланиб, Ернинг катталигини уша даврда маълум бўлган сайёралар билан солиштиришга ҳаракат қилган.

А. моддий чексиз апейронни бутун мавжудотнинг ибтидоси сифатида эълон қилди. Унинг фикрича, шу пайтгача мавжуд ва вужудга келадиган нарсалар апейрондан ажралиб пайдо бўлади. Апейрон — барча нарсалар ундан пайдо бўладиган ва охиروқибат унга айланадиган доимо мавжуд ҳамда йўқ бўлмайдиган, чексиз ва айни вақтда абадий ибтидодир. А. қадимий диалектика асосчиларидан бири. Хусусан, у апейроннинг турли кўринишларда мавжудлиги ҳақида фикр юритиб, барча моддий ҳолатларнинг тенг ҳуқуқли эканлиги ҳақидаги ғояни илгари сурди. А. таълимотига кўра, намлик қуриши, қуруқлик эса намланиши мумкин ва

ҳ.к., яъни моддийликнинг турли ҳолатлари ўзаро алоқадор бўлиб, улар бир-бирига ўтиб туради. Шунингдек, қарама-қарши томонлар ягона асосга эга ва уларнинг ҳаммаси апейронда мужассамлашган бўлади ҳамда ундан ажралиб чиқади. А. гарб интеллектуал анъаналари руҳида биринчи бўлиб, материянинг сақланиш қонунини яратган («барча асосий нарсалар охируқибатда ўзини ташкил этган нарсаларга ажралади»).

А. коинотнинг шаклланиши барча нарсани ўз ичига қамраб олган жаҳоннинг ибтидодий ҳолатидаги ажралиш босқичи бўлган нам, совуқ ядро ва алангадаги қобиқнинг ажралиши ҳамда улар ўртасидаги ўзаро таъсир ва курашидан бошланади, деб ҳисоблаган.

А. ижтимоий амалиёт тушунчасини табиатга татбиқ этган ҳолда қонун тушунчасини муомалага киритган. А. барча тирик мавжудотлар Куёш таъсирида намликнинг бугланиши натижасида юзага келишини, жумладан, инсон ҳам шу тариқа балиқсимон мавжудотлардан келиб чиққانлиги ҳақида фикр билдирган.

**АНАЛИЗ ВА СИНТЕЗ** (юн. analysis — ажратиш ва synthesis — бирлаштириш) — кишилар дунёни билиш жараёнида ишлатадиган, ўзаро чамбарчас бонланган текшириш усуллари. Бутунни таркибий қисмларга фикран ажратиш анализ ва қисмлардан бутунни худди шундай тарзда қайта бирлаштириш синтездир. А. ва с. билиш жараёнида муҳим аҳамиятга эга ва унинг ҳамма босқичларида амалга оширилади. А. ва с. қилиш фаолиятининг маркази бош миёна катта ярим шарлари нуқсондир. Мантиқий анализ тадқиқ қилинувчи объектни фикран таркибий қисмларга бўлишдан иборат бўлиб, янги билимлар олиш методини ташкил этади. Тадқиқ



қилинувчи объектнинг табиатига қараб, анализ турли шаклларда намоён бўлади. Бутунни таркибий қисмларга бўлиш тадқиқ қилинувчи объектнинг тузилиши, унинг таркибини аниқлаб олишга имкон беради. Нарса ва ҳодисаларни туркумларга бўлиш анализ шаклларида бири бўлиб хизмат қилади.

Ривожланаётган жараённинг таҳлил қилиниши унда турли босқичларни ажратиб қарашга имкон беради. Таҳлил этиш фаолияти жараёнида фикр мураккабликдан оддийликка, тасодифдан заруратга, хилма-хилликдан айниятга ва бирликка қараб ҳаракат қилади. Анализнинг мақсади – қисмларни мураккаб бутуннинг унсурлари сифатида билиш ва улар ўртасидаги алоқа ва қонуниятларни аниқлашдан иборатдир. Бироқ анализ моҳиятни ажратиб қарашга олиб келадик, мавҳум ҳолда қолаётган бирлик хилма-хилликдаги бирлик сифатида ҳали очилмаган бўлади. Синтез аксинча, анализ воситаси билан ажратилган қисмлар, хоссалар, муносабатларнинг ягона бир бутунга бирлаштириш жараёнидан иборатдир. Синтез бирликдан тафовутга ва хилма-хилликка қараб йўналтирилган бўлиб, умумийлик ва айримликни, бирлик ва хилма-хилликни муайян жонли бутунга бирлаштиради. А. ва с. электрон ҳисоблаш машиналар учун тайёрланган дастурларда ҳам қўлланилади. Сода кўринишдаги стихияли аналитик-синтетик қобилият ҳайвонларда ҳам учрайди. Инсонда, у маълумотли бўлганлиги сабабли А. ва с. тафаккурнинг туркумдаги тушунчалари даражасига кўтарилади.

**АНАЛИТИК ФАЛСАФА** – 20-а. фалсафасида фалсафий муаммоларни тил доирасида ҳал қилишга асосланган ғарбий йўналиш. Непозитивизм

билан аралашиб кетган. А.ф.нинг назарий-концептуал томонларига қуйидагилар киради: Сократ индуктив схемалари, Платон диалектикаси, Аристотель аналитикаси, софист ва стоикларнинг семантик изланишлари, У.Оккам ва И.Д.Скотнинг мантиқий семантик қарашлари, Ф.Бэконнинг «бозор идоллари» тўғрисидаги ғоялари, Ж.Локкнинг тушунчалар пайдо бўлиши тўғрисидаги ғоялари, Р.Декартнинг фалсафий тафаккур тўғрисидаги фикрлари, И.Кантнинг концептуал тажриба ва илмий билиш объектини лойиҳалаштириш тўғрисидаги фаразлари.

А.ф. йўналиши, асосан, АҚШ, Буюк Британия, Скандинавия мамлакатлари, Австралияда кенг тарқалган бўлиб, унинг асосчиси Б.Рассел ҳисобланади. У «мантиқий атомлар» концепциясининг муаллифи ҳамдир. Б.Рассел шу концепцияга асосланиб, ўз аналитик методларини ишлаб чиққан. Бу методларнинг мақсади «мантиқий атомлар» концепциясига асосланиб, зиддиятсизлик хусусиятига эга бўлган фалсафий ва мантиқий назарияни яратиш, мантиқ тили билан тажриба ва мазмунли фан тили ўртасидаги ҳамоҳангликни кўрсатиб беришдан иборатдир. А.ф. ичида икки оқимни ажратиш мумкин: 1) мантиқий таҳлил қилиш фалсафаси; таҳлил воситаси сифатида замонавий математик мантик аппаратидан фойдаланади; 2) лингвистик фалсафа оқими; унга кўра, таҳлилнинг мақсади тил ифодаларини аниқлаштиришдан иборат.

А.ф.нинг ривожланишида австрия файласуфи Л.Витгенштейннинг «Мантиқий-фалсафий рисола» номи асари муҳим аҳамият касб этди. А.ф.нинг кенг тарқалиши натижасида «неопозитивизм» атамаси сиқиб чиқарила бошланди. Бунга, асосан, нео-

## АНАЛОГИЯ

позитивизм дастуридаги баъзи бир камчиликлар сабаб булди. дейиш мумкин.

**АНАЛОГИЯ** (юн. analogia – айнанлик, ўхшашлик) – предмет ва ҳодисаларда бирор хусусиятнинг ўхшашлиги. Шундай ўхшашликка асосланган индуктив ҳулоса логик фанида А.га асосланган ҳулоса деб юритилади. Бундай ҳулоса одада қуйидаги схема бўйича чиқарилади: В объекти *a, b, c, d, e* белги ёки сифатларга эга, С объекти эса *b, c, d, e* белги ёки сифатларга эга, демек С объекти *a* белги ёки сифатга эга бўлиши эҳтимолли мавжуд. Мас., Марс ва Ер сайёралари кўп белгилар (сифатлар) жиҳатидан бир-бирига ўхшайди: улар Кўёш системасида бир-бирига яқин жойлашган, атмосфрасининг атмосфераси бор ва ҳ.к.; Ерда ҳаёт мавжуд; ҳаёт учун зарур бўлган шарт-шароитлар борлиги нуқтан назардан Марснинг Ерга ўхшашли Марсда ҳам ҳаёт бор деган ҳулосага олиб келади.

Фан тараққиётининг илк босқичларида А. системали кўзатиш ва тажриба ўрнини эгаллаган. унинг асосида чиқарилган ҳулосалар ташқи ва иккиламчи белгиларнинг ўхшашлигига асосланган. Қадимги мутафаккирларнинг илмий (натурфалсафа) қуриламалари шу йўсинда вужудга келган. Кейинчалик А.нинг тушунтириш воситаси сифатидаги аҳамияти йўқолиб борган, ammo унинг муаммоларга ишора қилиш роли сақланиб қолган. Мас., Х.Гюйгенс ёруғлик ва товуш хусусиятлари А.сини аниқлагандан сўнг, ёруғлик тўлқинсимон табиатга эга деган ҳулосага келган; Ж.Максвелл эса бу ҳулосани электромагнит майдонини таърифлашда қўллаган. Алоҳида олинган А. эҳтимоллик хусусиятига эга бўлганлиги сабабли исботловчи кучга эга эмас. Шунинг учун уни билишнинг

бошқа шакллари билан биргаликда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

А.га асосланган ҳулосанинг эҳтимоллик даражасини ошириш мақсадида қуйидаги талаблар илгари сурилади: 1. А. муҳим ва аҳамияти катта бўлган белгиларга ва таққосланаётган объекتلарнинг, имкон борича, кўпроқ хусусиятларига асосланиши лозим. 2. Тадқиқ этилаётган объектининг алоҳида белгиси унинг умумий белгилари билан алоқадор бўлиши керак. 3. А.нинг асосий вазифаси – объекتلарнинг мослигани ҳар томонлама эмас, балки муайян муносабатда аниқланишдан иборатдир. 4. Мақсадли объекتلарнинг ўхшашлигини ўрганиш бўлганини учун А. объекتلарнинг фаоқларини ўрганиши билан тўлдирилиши лозим.

Ҳоз. давр фанида А. моделлаштиришида фойдаланиладиган ўхшашлик назарияси доирасида кенг қўлланилади ва ундан моделлаштирувчи қуриламалар, бошқариш, илмий тадқиқотлар ва амалиётда кенг фойдаланилади.

**АНАМНЕЗИС** (юн. anamnesis – эслаш, ёлга олиш) – Платон таълимотидаги тушунча. Билиш жараёнининг асосий тарғиби таърифланган. Платон фикрича, билиш жараёни инсон руҳининг тана билан қўшилмасдан олдин, «вариги дунёда» мавжуд бўлган ҳаяларни «бу дунёда» эслашлар.

**АНАРХИЗМ** (юн. anarchia – бебошлик, ҳокимиятсизлик) – ижтимоий-сиёсий таълимот. Шахсни ҳар қандай иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳокимиятдан озод қилишни мақсад қилиб қўяди. 19-а.нинг 40–70-й.ларида Фарбий Европада вужудга келган. Назарий асосларини М.Штирнер, П.Ж.Прудон, М.А. Бакунинлар ишлаб чиққан. А. ҳар қандай давлат ҳокимиятини йўқотишни ёқлай-

ди. А. таълимотида ишлаб чиқариш уюшмаларининг ўз хоҳишига кўра бирлашуви ижтимоий тизимнинг олий мақсади саналади.

**АНИМИЗМ** (лот. *anima* — рух, жон) — жон ва руҳлар борлигига ишониш. Анимистик тасаввурлар ибтидоий жамиятда пайдо бўлган. Ибтидоий кишилар тасаввурида нарса, ўсимликларнинг жони бордек туюлган. Яъни, жон одамлардан бошқа айрим мавжудотларда ҳам бор. Рух эса эгаларидан ажралган ҳолда ҳам мавжуд бўлиб, у ҳар қандай нарсаларга таъсир кўрсатиши. А. тушунчаси биринчи бор немис олими Г.Э.Шгаль томонидан киритилган (1768). Унинг таълимотида кўра, А. — ҳаёт манбаи, рух барча ҳаётий жараёнлар заминида ётади, у тана ҳайкатларошидир. Ушбу тушунчани инглиз олими Э.Б.Гендор ўз концепциясида ўзгартирилган ҳолда қўллаб, уни динни пайдо бўлиш назариясига асос қилиб олган. А. барча динларга хос элемент.

**АНТИНОМИЯ** (юн. *antipnomia* — қонундаги зиддият) — мантиқий исботланадиган икки қонун, мулоҳаза ёки ҳулоса ўртасидаги зиддият. Илк бор ҳуқуқий ҳужжатларда қўлланилган. Юстиниан кодекси (529)да қонун ўз ўзи билан зиддиятга киришиш ҳолати назарда тутилди ва бу ҳолат А. номини олган. Схоластик мантиқ вакиллари А.нинг таъриф ва таълимига кўп эътибор берганлар. И.Кант А. тушунчасидан ўз фалсафасининг асосий тезиси сифатида фойдаланган. Унинг мазкур тезисига кўра, ақл ҳиссий таъриба доирасидан чиққишига ва «нарсалар ўзида»лигини билишига қодир эмасдир. Кантнинг таълимотида кўра, бу ҳилдаги уринишлар ақлий зиддиятларга олиб келади, яъни кейин келувчи «соф ақл Аларидан ҳар бирининг инкор этилиши (антитезис)ни ҳам асослаб бери-

лишига имконият яратади ва 4 А. вужудга келади: 1. Олам чекли ва чексиз. 2. Ҳар бир мураккаб субстанция оддий қисмлардан таркиб топган ва ҳеч қандай оддий нарса йўқ. 3. Оламда эркинлик бор ва оламда эркинлик йўқ, унда фақат сабабият ҳукм суради. 4. Оламнинг бош сабабчиси (худо) мавжуд ва оламнинг бош сабабчиси йўқ.

Немис файласуфи Г.В.Ф. Гегель Кант Аларининг аҳамиятини қайд этиб, уларни Кант қарашларининг диалектик элементи, деб кўрсатган. Лекин, зиддиятларни фақат фикр, ақл соҳасига кўчирганлиги учун Кантни танқид қилган. Гегель А., яъни зиддиятлар ҳар бир нарса, барча тасаввур, тушунча ва ғояларда мавжуддир, деб кўрсатган. Кант А.си ҳоз. замон формал мантиқ шаклидаги А. эмас, чунки унда тезисни ҳам, антитезисни ҳам асослаш мантиқий жиҳатдан тўғри муҳокама юритиш шаклидаги тасаввурга сиғмайди. 19-а. охири 20-а. бошларида мантиқ ва математикада чин маънода бир қанча А.лар топилган. Бу эса, мантиқ ва математикани асослаш юзасидан қилинадиган талқиқотларнинг фаоллашуви сабабларидан бири бўлди.

А., одатда, асл маънодаги А. ва семантик А.га бўлинади. Модда ва майдоннинг корпускуляр ва тўлқинсимон моҳияти тўғрисидаги таълимотнинг нисбийлик назариясида ҳаракатнинг «траектория» моҳияти ва квант физикасида траектория тушунчасининг инкор этилишини ҳам А. деб таърифлаш мумкин. А.нинг пайдо бўлиши инсоннинг субъектив хатосининг натижаси эмас. У билиш жараёнининг табиати, жумладан, шакл ва мазмун ўртасидаги зиддият билан боғлиқдир.

**АНТРОП ТАМОЙИЛИ** (юн. *antropos* — инсон) — замонавий космология

тамоийилларидан бири. Коинот ривожланишининг ҳоз. ҳолати ва келажаги унинг ўтмишдаги имкониятлари билан чамбарчас боғлиқ эканлигини тушунтиради ҳамда башорат қилиб беради. У коинотнинг таркибий тузилиши ва ривожланишида физиканинг фундаментал параметрлари ўзаро мос келиши, деб аталади. А.т. коинотнинг дастлабки ҳолати билан унинг келгуси ҳолати ўртасидаги қонуний алоқадорликларни таҳлил этиш асосида ўртага ташланган. Бу тамойил инсонни мураккаб система ва космик мавжудот деб қараб, унинг мавжудлиги коинотнинг физикавий ўлчовларига боғлиқ, деб қарайди (жумладан, фундаментал физикавий доимийлик – Планк доимийлиги, ёруғлик тезлиги, протон ва электрон массаси). Физикавий тадқиқотлар бўйича агар фундаментал доимийликларнинг бирон-бири ўзгарса (бунда бошқа ўлчамлар ўзгармаслиги ва барча физикавий қонунларининг сақланиши шарт, модомики бундай бўлмаса бошқа физикавий объектлар мавжуд бўлмас эди, мас., ядро, атом ва ҳ.к.), мас., протон массаси 30% камайганда физикавий дунёда водород атомидан бошқа ҳеч қандай атомлар бўлмас эди, яъни ҳаёт бўлмас эди. Ушбу ўзаро боғлиқликнинг англаниши фалсафа ва фанда А.т.ни шаклланишга олиб келди. А.т.нинг турли таърифлари мавжуд, бироқ у кўпинча 1973 йда гравитация назарияси мутахассиси Б.Картер томонидан илгари сурилган икки хил (кучли ва кучсиз) назария шаклида ишлатилади. А.т. моҳияти коинот ва кузатувчиси ўртасидаги алоқадорлик ҳамда коинот ривожланишини башорат қилиш имкониятлари билан боғлангандир. А.т. дунёқараш вазифасини ҳам бажаради, яъни инсон ва универсум (коинот)нинг ўзаро бир-би-

рига боғлиқлиги ҳақидаги фалсафий гояни ўз ичига олади. Бу гоя антик даврда ва кейинчалик бир қатор файласуф ва табиатшунослар томонидан ривожлантирилган (Протагор, Ж.Бруно, К.Циолковский, В.Вернадский, А.Чижевский, П.Тейяр де Шарден, Ф.Крик, Ф.Дайсон, Ф.Хойл ва б.). А.т.ни диний ва илмий талқин қилиш мумкин. А.т. кучсиз ва кучли тамойилларга бўлинади. Кучсиз А.т. бўйича кузатувчининг ҳолати коинот эволюциясининг имкониятларига мос келади, кучли А.т. бўйича эса, коинотдаги барча имкониятлар кузатувчи воқелигини таъминлаш учун мўлжаллангандир. Илмий А.т.га кўра, коинотда кўпданкўп дунёлар мавжуд бўлиш имкониятига эга, уларда физика параметрлари ва қонунлари турли хил комбинацияларда намоён бўлади. Ҳоз. даврда А.т.нинг аҳамияти инсоннинг коинотдаги фаоллигининг ортиши ва замонавий фаннинг инсонпарварлик муаммосига жиддий ёндашуви орқали намоён бўлади.

**АНТРОПОЛОГИЗМ** (юн. anthropos – инсон ва logos – таълимот) – фалсафий назария; фалсафанинг биринчи ва асосий мақсади сифатида инсонни эътироф этади. Инсон фалсафанинг тизим ҳосил қилувчи тамойилдир деб қаралади. Антропологик фалсафа мавжудликни асосий реалик бўлган инсондан келиб чиқиб талқин этади. Бу назарияга кўра, инсон бутун бориқ, табиат, жамият, ҳақиқат, гўзаллик, бурч ва худо ҳақидаги тасаввурларнинг асоси ҳисобланади. 17–18-а.ларда шаклланган. А.ни фалсафий фикр юритиш тамойили сифатида Л.Фейербах жорий этган. Л.Фейербах таълимотида инсон – фалсафанинг ягона, универсал ва олий предмети. Унингча, инсон моҳиятининг бирлиги, тана ва

руҳ, материя ва руҳ қарама-қарши-лигини баргараф этиш бу тамойилнинг асосий ғоясидир.

А. «субстанция», «мутлақ руҳ» каби схоластик метафизик конструкцияларга қарши чиқиш натижасида пайдо бўлди. Фалсафа фани томонидан инсон фаолияти, жонли тушуниш, инсон онги тажрибаси каби ҳодисаларни ўрганилиши фалсафий фикрнинг сезиларли даражада ривожланишига олиб келди. Шу билан бирга фалсафада А. ва уни баргараф этиш ҳаракати ўртасидаги кураш ҳар доим мавжуд бўлган. Бир томондан, фалсафанинг барча соҳалари ўртасида фалсафий А.нинг марказий ўрин эгаллашига қаратилган интилишлар бўлган бўлса, иккинчи томондан, антропологияга қарши турган файласуфлар инсон кинот маркази, мавжудлик «эгаси» эмаслигига тўхтовсиз ишора қилишар эди. 19–20-ада антропологик тамойил ўзининг етарли эмаслиги ва фалсафа ривожига тусқинлик қилаётганлигини намойиш эди. М. Фуконинг фикрига кўра, фалсафа яна бир бор уйқуга кетмоқда, фақат эндиликда догматизм уйқусига эмас, балки антропологияга уйқусига. Инсон моҳиятини тушуниш учун унинг мавжудлигининг метафизик асосларини таҳлил қилиш керак, бундай таҳлилни эса ҳозирги давр антропологияси амалга оширолмайдди (М.Хайдеггер), бунинг учун янги давр маданияти ҳосиласи (натижаси) сифатидаги инсон доирасидан ташқарига чиқиш лозим (М. Фуко).

**АНТРОПОСОФИЯ** (юн. *anthropos* – инсон, *sophia* – донишмандлик) – теософиядаги йўналишлардан бири. 1909 й.да ундан ажралиб чиққан. Инсонни ҳиссий юқори таъсирчан мавжудот, яширин руҳий кучлар эгаси, деган мистик таълимот бўлиб,

1912 й.да немис олими Р.Штейнер (1861–1925) томонидан асос солинган ва «Яширин фан» (1910), «Антропософия тезислари» (1925) китобларида баён қилиб берилган. Слам марказига инсоннинг илоҳийлигини қўйган. Худо ўрнида илоҳийлаштирилган оламга эътиқод қилишни тарғиб этган. Буддизм ҳамда Шарқ оккультизмга таянган теософиядан фарқли равишда А.да христиан мистикаси ва Европа идеалистик анъаналари мавжуд.

А. асосида пифагорейизм ва неоплатонизм мистикаси, веданта ва немис натурфалсафаси ҳам ўз аксини топган. А. концепциясига кўра, инсон тана, руҳ ва жон биригидан иборат деб қаралади. А. бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишни эволюцион тамойил деб ҳисоблаб, инсон руҳи реинкарнация (қайта тикланиш) қонунига амал қилади, деб кўрсатади. Алоҳида олинган ҳаёти давомида инсон руҳи ўзининг ўтмишдаги содир бўлган ҳис-ҳаяжонлари, тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда ўз-ўзини такрорлайди. Танани ворислик қонуни, руҳни эса, унинг томонидан яратилган тақдир бошқаради. Ўлимдан сўнг жон ўзининг жисмоний борлиққа бўлган яқинлигидан халос бўлгунга қадар руҳ ва жоннинг боғлиқлиги сақланиб қолади. 1913 й. Р.Штейнер томонидан Антропософик жамият тузилган. А. ғоялари сўнги пайтларда педагогикада (Вальдорф мактаблари), санъатда (эвритмия), тиббиётда (шу жумладан, фармацевтикада), қишлоқ хўжалигида намоён бўла бошлади.

**АНТРОПОЦЕНТРИЗМ** (юн. *anthropos* – инсон ва лот. *centrum* – марказ) – инсон олам, коинотнинг маркази ва унинг пировард мақсади эканлиги тўғрисидаги қараш. А. нарса ва ҳодисаларни фақат мақсадга муво-

фиқрини, яъни телеологик нуқтаи назардан келиб чиқиб кўриш, ўрганиш билан боғлиқлигини ифодалайди. А. элементлари юнон файласуфи Сократ қарашларида, Ўрта асрлар Европа фалсафасида ҳамда радикал гуманизм таълимотида мавжуд бўлган. А.нинг бартараф этилишига Н.Коперник назарияси (гелиоцентризм), Ч.Дарвин таълимоти (эволюция назарияси) ва бошқа илмий кашфиётлар ўз таъсирини кўрсатган.

**АНЪАНА** — маданий тажрибанинг у ёки бу унсурларини сақлайдиган, авлоддан-авлодга ўтадиган, ўтмишдан келажакка мерос қоладиган, жамият ҳаётининг турли соҳаларида намоён бўладиган, ижтимоий жараёнларнинг тарихий-генетик (наслий) узвийлигини боғлашга хизмат қиладиган моддий ва маънавий қадрият. Миллий, маданий, маиший, ижтимоий-сиёсий, диний ва б. Алар бор. Алар ҳақларнинг тарихий ривожланиш жараёнида шаклланади. А. тараққиётнинг аввалги босқичидан кейинги босқичга қандай мерос қолаётганлигини ва ушбу жараён қандай амалга ошаётганлигини ўз ичига олади. А. инсон ҳаётининг барча маънавий-маърифий шакллари сақлаш ва такомиллаштириш вазифасини бажариш учун хизмат қилади. А. маънавийликнинг мавжудлик шакли саналади. А. воқеликни маънавий ўзлаштиришнинг энг қадимги шаклларида бири бўлиб, тарихий билимларнинг ўзига хослигини сақлайди. Шу аснода ўзининг шакллари сифатида афсона, эртақ, ривоят, дoston ва б. инсон ҳаётининг барча тарихий босқичларини акс эттирадиган кўринишларни ўз ичига олади. А. инсониятнинг табиий ўзига хос «кутубхонаси» бўлиб, тарихий, даврий воқеаларнинг маънавий-руҳий маъноларини ўзида мужассамлаштиради.

Шунинг учун А. маданий ижод асоси деб тушунилади. Шахс А. таъсиридагина камол топа олади.

Фанда А.ни тор ва кенг маънода қўллаш усули мавжуд. Тор маънода А. инсон фаолияти ва у билан боғлиқ бўлган ижтимоий ахлоқ ҳамда ижтимоий-маданий тажрибани белгилайди. Кенг маънода А.га инсонлар учун аҳамиятли бўлган маданият ва унинг шакллари таърибга солиш ҳамда амалга ошириш усули сифатида қаралади. А. жамиятда турган ўрни, амалга ошириш воситаси, мақсадига кўра, салбий ва ижобий турларга бўлинади. А. тарихийлик табиатиغا эга. Чунки у миллат ё элнинг тарихий илдизларига бориб тақалади. А. ўзига хос қонуниятлар билан яшайди. Яъни, у нисбий муносабатликка эга бўлиб, у ёки бу А.ни вужудга келтирган шарт-шароитлар вақт ўтиши билан ўзгариб ёки бутунлай йўқолиб кетса ҳам А. яшайверади.

А. ўз мазмун-моҳияти билан замон руҳига қанчалик мос тушиб, ҳамон ҳаман бўлса жамият тараққиётини шунчалик осонлаштиради, жадаллаштиради ва аксинча, унга тўғри келмаса, ижтимоий тараққиётга тов бўлиши мумкин. Жамиятда А. ўзига хос вазифаларни бажаради: кишиларни маърифатли қилиш, уларни тарбиялаш, одамларга эстетик завқ бериш, уларни ўзаро яқинлаштириш, ахборот билан таъминлаш ва ҳ.к. А. ҳар бир халқнинг ҳаёт тажрибаси, билими, ақл-заковати, зеҳнидоки, донишмандлиги, руҳияти, ички кечинмалари, меҳнат кўникмаларида ўз ифодасини топади. А. маълум маънода ворисликни ҳам касб этади, чунки тарих сахнасига энди кириб келаётган ёш авлод қайтадан маданий-маънавий қадриятлар яратмайди, балки олдинги авлод қолдираётган маънавий бойликка ворислик

қиллади; айни вақтда, уни ривожлантиради ҳамда келгуси авлодларга мерос қилиб қолдиради. Шундай қилиб, А. авлодларни узаро боғловчи «кўприк» вазифасини бажаради.

А. миллатнинг табиий-тарихий ривож, ижтимоий турмуши, яшаш тарзи, ўтмиши, урф-одати, диний қадриятлари, тили ва б. билан узаро узвий боғланган. А. таъсирида табиий-тарихий бирликни таъминловчи қадриятлар — қон-қардошлик, маданий-маънавий мерос, она юрт туйғуси ва б. нисбатан барқарор бўлади. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг сўбки шўролар тузумида жорий этилган А.вий байрам ва тантанали кунларнинг кўплари ўз аҳамиятини йўқотди. Ўзбек халқининг қадимдан таркиб топган, ҳозир ҳам кенг амал қилинадиган А.лари бор. Булар жумласига кексаларга ҳурмат, қариндош-уруғ, маҳалла-куй билан оқибатли, яқин шўқоқда бўлиш, эл-юртга садоқат, ҳашар, меҳмондўстлик, нонни эъвозлаш ва б. киради. Ўзбекистонда Наврўз, Мустақиллик куни, Конституция куни, Рўза ҳайити, Қурбон ҳайити ва б. халқ байрамлари яхши А.лар сифатида ҳаётга сингиб кетган.

**АПОРИЯ** (юн. ἀπορία — қийинчилик) — предмет ёки тушунчаларнинг ўзида зиддиятлар мавжудлиги сабабли муаммони ҳал қилишнинг иложи йўқлиги, чорасиз ҳолат. Ани парадоксдан фарқлаш лозим. Парадокс А.дан фарқли ўлароқ, реалликда мавжуд бўлган, аммо мантиқан тушунтириш мушкул ёки тушунтириш мумкин бўлмаган ҳолат ҳисобланади. Антик давр файласуфлари ҳаракат, макон ва замонни англашда ҳал қилишнинг иложи бўлмаган зиддиятларни, ҳар қандай ечими бўлмаган мантиқий қийинчиликларни А.лар ёрдамида ифодалаганлар. А.лар

юнон файласуфи Сократ давридан маълум бўлишига қарамасдан, А.атамасини биринчи марта Платон ва Аристотель қўллаган.

Юнон файласуфи элеялик Зеноннинг борлиқнинг чексизлиги, ҳаракатнинг борлиқда мавжуд эмаслиги тўғрисидаги «Ахиллес ва тошбақа», «Дихотомия», «Учаётган камон ўқи» ва «Стадий» номли А.лари машҳур. «Ахиллес ва тошбақа» А.сининг мазмунига кўра, вақт чексиз давомийликка эга бўлса, унда жисм чекланган масофани босиб ўта олмайди ва ҳаракат ҳеч қачон тугамайди. Зенон фикрича, энг тез югурувчи Ахиллес секин ҳаракат қилувчи тошбақага ҳеч қачон ета олмайди. Чунки масофа камайишига қарамасдан, тошбақа доим олдинда бўлаверади. Бу фикрга эътирозлар Зенон фикрича, инсон сезгилари алданишининг натижаси ҳисобланади. Бундан Зенон, «аслида ҳеч ким тошбақани қувиб етиши мумкин эмас», деган мантиқий хулосага келади. «Дихотомия» — икки қисмга бўлиниш деган маънони англатади. Бу А.га асосан, инсоннинг А нуктадан В нуктага бориши мумкин эмас. Чунки оралиқ масофа чексиз миқдордаги ярим бўлақларга бўлиниб кетади, сўнги бўлинмас қисмга эришиш мумкин эмас. Вақт чекланган бўлса, ҳаракат бошланиши мумкин эмас. Шундай экан, А нуктадан В нуктага ҳеч қачон етиб бориб бўлмайди. Бу А. орқали чексиз қисмларни босиб ўтиш учун чексиз вақт зарурлиги исботланади. Кундалик тажрибадан маълум бўлган, ҳар қандай чекли масофани чекли вақт оралигида босиб ўтиш мумкин, деган фикр инкор этилади. «Учаётган камон ўқи» А.сида Зенон отилган камон ўқининг нишонга бориб тегishi мумкин эмаслигини исботлайди. Чунки Зенон фикрича, камон ўқи ҳаракатланаёт-

ган йўл сокинликдаги нуқталар йиғиндисидан иборат. Камон ўқи ҳаракатининг ҳар бир нуқтасида сокинлик мавжуд бўлиб, бундай сокинлик қаторида ҳаракатнинг бўлиши мумкин эмас. Бундан Зенон камон ўқи ҳаракат қилиб нишонга тегмайди, деган мантикий ҳулоса чиқаради.

Зенон Алларида макон алоҳида нуқталар йиғиндисидан иборат эканлиги эътироф этилади. Замон ва маконнинг диалектик ўзаро боғлиқлиги, улар ҳаракатидаги узлуксизлик ва узлукчиликнинг бирлиги очиб берилмаган. Шунга қарамасдан, Зенон ўз Алларида биринчи бўлиб ҳаракат ва кўплик, макон ва замоннинг диалектик моҳиятини кўрсатиб беришга уриди ва уларнинг мантиқ тушунчаларида аке этишининг муайян қийинчиликларини кўрсатиб беришга муваффақ бўлди. Зенон Аллари антик математика, мантиқ ва диалектиканинг тараққий этишига туртки бўлди. Шу сабабли Зенон Алларига қизиқиш ҳалигача сусайгани йўқ.

**АПРИОРИ** (лот. a priori — тажрибагача) — фалсафада билиш назариясида оид атама. Оннга хос бўлган туғма билимни англатади. И.Кант таълимотида тажрибага боғлиқ бўлмаган ҳолда олинган билимни ифодалайди ва унинг оннга ҳосилгини билдиради. А. апостериорининг акси ҳисобланади. Аристотель фалсафасида А. нарсаларни уларнинг сабабларидан келиб чиқиб урганиш, яъни уларнинг заминини ташкил этувчи сабабларни билишдир. Г.В.Лейбниц фикрича, нарсаларни уларнинг сабабларидан келиб чиққан ҳолда тулиқ ўрганиш мумкин. Унинг фаразига кўра, А. ақлнинг мушоҳадалилиги, асосланганлиги, равшанлиги, олдинги билимларга боғланмаганлигини билдиради. А. атамаси немис файласуфи Х.Вольф туфайли немис фалсафаси-

га кириб келди ва И.Кант томонидан ривожлантирилди.

Кант фикрига кўра, нарсалар ҳиссиётимизга таъсир қилиши билан бир вақтда, инсонга хос бўлган билиш фаолиятини ҳам уйғотади. Шунинг учун ҳам тажриба орқали олинган билим «ҳиссиёт ва билиш қобилияти ёрдамида олинган билимлар йиғиндисидан иборатдир». Ушбу билиш фаолияти инсоннинг тажрибага асосланган ва тажрибага асосланмаган билиш имкониятига эгаллигини намоён этади. Шундай билимни Кант А. деб атади.

Кант фикрига кўра, А. тажрибагача ёки тажрибага асосланмаган ҳолда шаклланади. Кант А.сининг моҳияти — ҳар бир инсон билиш жараёнини бошлаганда унга қадар мавжуд бўлган билим шакллари тўғрисида олдиндан хабардор бўлади. Билимларга хос бўлган хусусият бу зарурийлик ва умумийлик гоёларида ўз ифодасини топади. А.нинг ҳиссий шакллари макон ва замон, ақл А.си шакллари эса соф ақл, тафаккур тушунчалари, категориялари сифатида мавжуддир. Улар ўз навбатида, миқдор, сифат, модаллик ва муносабатдан иборатдир.

Ҳоз. замон фан методологиясида билимнинг А. шакллари фаннинг дастлабки постулатларига мансуб деб қаратади.

**АРГУМЕНТ** (лот. argumentum — далил) — бирор фикр, мулоҳаза ёки мулоҳазалар тизимини воқеликка бевосита мурожаат қилиш (кузатиш, тажриба-эксперимент ва ҳ.к. асосида) йўли билан ёки чинлиги аввалдан тасдиқланган бошқа мулоҳазалар ёрдамида асослаб бериш.

Бевосита ва билвосита А. бўлади. Бевосита А. ҳиссий билиш, яъни кўриш, тажриба-эксперимент орқали амалга оширилади. Билвосита А.



эса чинлиги аввалдан тасдиқланган бошқа мулоҳазалар орқали амалга оширилади ва хулоса чиқариш кўринишида намоён бўлади. А.нинг биринчи усули эмпирик, иккинчи усули назарий билимларга асосланади. Назарий ва эмпирик билимларнинг чегараси нисбий бўлмаганлиги каби, А.нинг юқоридаги икки усулга ажратилиши ҳам нисбийдир.

А.нинг хусусий кўриниши мантиқий исботлашдир. Мантиқий исботлаш деб, бирор фикр, мулоҳазанинг чинлигини чинлиги аввалдан тасдиқланган бошқа мулоҳазалар орқали асослашга айтилади. Исботлашдан мақсад бирор фикрнинг чинлигини аниқлаш бўлса, А.дан мақсад фикрнинг чинлигини аниқлаш, унинг ахамиятини ва муайян фаолият учун қўллаш мумкинлигини кўрсатишдир. Исботлаш жараёнида қўлланиладиган чин мулоҳазалар (асослар) берилган фикрнинг чинлигини тасдиқлаш учун хизмат қилса, А. бундан ташқари, далилланаётган фикрнинг бошқа шу каби фикрлардан афзалроқ эканлигини асослаш учун ҳам хизмат қилади. А. учун келтирилган асослар исботлаш учун келтирилган асосларга нисбатан ранг-баранг бўлади. А. шакллари билан исботлаш шакллари бир-бирига айнан мос тушмайди. Исботлаш хулоса чиқариш кўринишида амалга ошади. А. кўпроқ суҳбат (диалог) кўринишида бўлиб, унинг иштирокчиларидан ҳар бири ўз фикрнинг чинлигини исботлашга, рақибининг фикрини рад этишга ва тингловчиларнинг ўзини ҳам фикр қилишга, ўз фикрларига ишонтиришга ҳаракат қилади. А. жараёнида тингловчиларга бирор фикрнинг тўғри ёки хатолиги асослаб берилди ва уларда шу фикрга нисбатан ишонч туйғуси шакллантирилади. Далилловчи шахснинг сўз санъати-

ни қай даражада эгаллаганлиги, яъни нотиклик маҳорати тингловчиларда ишонч-этиқоднинг шаклланишида муҳим роль уйнайди.

Мантиқда А. бирон бошқа ҳукмнинг (ёки ҳукмлар тизимининг) ҳақиқатлигини тасдиқлаш учун келтирилладиган ҳукм (ёки ҳукмлар тизими); исботнинг асоси ёки далили. **АРИСТОТЕЛЬ** (Арасту) (мил.ав. 384, Тагирит – 322, Эвбея ороли, Халкида) – юнон файласуфи ва қомусий олими. 17 ёшида Платон ташкил қилган академияга кириб, унда йигирма йил давомида таҳсил олган. Кейинчалик Македония подшоҳи Филипп таклифи билан шаҳзода Александр Македонский (Искандар Зулқарнайн) тарбияси билан машғул бўлган. У Афина шаҳрида лицей ташкил қилган. Бу мактаб перипатетик – сайр қилувчи файласуфлар мактаби деб аталган.

А. «Топика», «Метафизика», «Поэтика», «Риторика», «Жон тўғрисида» «Органон», «Никомах этикаси», «Эвдем этикаси». «Сиёсат» ва б. асарлар муаллифи. Бу асарлар фалсафа, этика, эстетика, психология, мантиқ, табиатшунослик, тарих ва сиёсатга бағишланган. Шуни таъкидлаш лозимки, А. гарчи Платоннинг шогирди бўлиб, унинг гояларидан баҳраманд бўлса-да, бироқ Платон таълимоти ва мутлақ гоясини қаттиқ танқид остига олган.

А. «гоялар»нинг фойдасизлигини, унинг сабабий боғланишини инкор этади. Борлик ҳақидаги таълимотида моддий нарсаларнинг объектив мавжудлигини тан олади. Материя умумий сабабдир, чунки усиз борлик бўлмаслигини таъкидлайди. Нарсаларнинг моҳияти гояларда эмас, ўзидадир. А. оламдаги ҳодиса ва предметларнинг сабабларини 4 гуруҳга бўлади: 1) моддий сабаб ёки материя; 2)

шаклий сабаб ёки шакл; 3) ишлаб чиқарувчи сабаб; 4) охириги сабаб ёки мақсад. Материя буюм, жисмларнинг моддий асоси бўлиб хизмат қилади. Мас., ҳайкал учун бронза, идиш ясаш учун кумуш моддий асос бўлиб хизмат қилади. А. шаклий сабабни бирламчи деб ҳисоблайди. Рух тўғрисида ҳам у уз фикрини билдиради. А.нинг эътиқодига кўра, инсон руҳи тананинг шакли ва моҳияти, тирик организмнинг ибтидоси ва сабаби, ҳаракат манбаидир. У руҳни учга бўлади: 1) ўсимликлар ёки наботот дунёси руҳи; 2) ҳис қилувчи руҳ (бу ҳайвонларга ҳос); 3) инсонга ҳос бўлган руҳ. А. билиш борасида Платоннинг «ғоялар дунёсига» қарши чиқади. У Демокрит сингари табиат ва материяни билишни тажриба ва ҳис қилиш манбаи деб ҳисоблайди. Сезиш жонли мавжудотларга ҳос бўлиб, уни нарсалар ва ҳодисаларнинг инсон организмда ақс этишидир, деб таъкидлайди. Сезиш айрим нарсаларни ҳис этса, тафаккур нарсаларнинг умумий томонларини идрок этади. А. сезгини тафаккурдан ажратади, тафаккурнинг манбаи мутлақ ақл, деган нуқтаи назарда туради. А. мантиқни билиш учун зарур бўлган тафаккур шакллари ва неботлаш тўғрисидаги фанлар, деб кўрсатади. У мантиқ туркумларини унга бўлади: 1) моҳият; 2) миқдор; 3) сифат; 4) муносабат; 5) ўрин; 6) вақт; 7) ҳолат; 8) ҳаракат; 9) таъсир; 10) азоблаш. Бу тушунчалар ўзаро алоқада бўлади.

А. диалектик услубни онгли равишда илмнинг барча соҳаларида қўлайди. Бу билан у диалектиканинг фан соҳасида ривожланишига катта туртки беради. А. ҳаракат, материя ва буюм ҳамда жисмлар бир-бирисиз мавжуд бўлмаслигини исботлаб берган. Материя ҳаракати куйидаги қури-

нишларда бўлади: 1) оддий ўрин алмашув ҳаракати; 2) миқдорий сифат ўзгариши; 3) сифат ўзгариши; 4) имкониятнинг воқеликка айланиши. А. сабаб, тасодиф, мазмун ва шакл, имконият ва воқелик каби фалсафий тушунчалар ҳамда улар ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилиб берган

А. қарашларида ижтимоий-сиёсий масалалар муҳим ўрин эгаллайди. У Юнонистоннинг бошқа файласуфлари каби мавжуд қулдорлик тузумини ҳимоя қилади. Жамиятнинг икки қарама-қарши синф — қулдорлар ва қулларга бўлинишини табиий ҳол, деб ҳисоблайди. Қулдорлар — эркин фуқаролар бўлиб, улар ақлий меҳнат соҳибларидир, қуллар эса жисмоний меҳнат учун дунёга келган. А. қулларни эшит, таҳқирлаш ва хўрашни ҳар томонлама оғдашга интилади.

А. Платоннинг мукаммал давлат тўғрисидаги хаёлий қарашларини рад этиб, қулдорлик тузумини давлатнинг мукаммал шакли, деб билади. А.нинг фикрича, давлатни урта ҳол қулдорлар идора қилиши керак. У кишиларни уч табаққа ажратади: 1) энг бой табақа; 2) энг камбағал табақа; 3) ўрта ҳол табақа. А. этикани махсус фан тармоғи деб қарайди ва у кишиларга яхши фазилатларни эгаллаш йўлларини кўрсата олиши керак деб ҳисоблайди. А. Платондан фарқли ўлароқ, ахлоқни кишиларнинг реал муносабатидан қидирган ва уни жамият билан боғлаган ҳолда талқин қилган.

А. Платоннинг «туъма» ғояларини танқид қилиб, инсон табиатдан туғилгандан яхши ҳислат эгаси бўла олмайди, балки яшаши давомида яхши малака ёки ёмон одатларни эгаллайди, дейди. У Платоннинг «умуман яхшилик», «умуман фаровонлик» каби тушунчаларини мавжум

ва ҳаёт билан боғланмаган, деб таъкидлайди. А. этикасининг муҳим хусусияти шундан иборатки, у ахлоқни ўрганишдан мақсад амалий фойда олиш эканлигини, уни сиёсат ва ижтимоий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқлигини уқтиради. Олим энг яхши фазилатларга муътадиллик, дўстлик, шижоаткорлик, адолат ва бахтга интилиш кабиларни киритади. Буларнинг ичида энг мукаммали адолат деб ҳисоблайди. Мутафаккирнинг фикрича, адолат, бу қонунларга тўғри келадиган хатги-ҳаракатлардир.

А.нинг ахлоқ ва таълим-тарбияга оид фикрлари ўз даврида ва кейинчалик ахлоқшунослик (этика)ни ривожланишида муҳим аҳамият касб этди. А.нинг фалсафий таълимоти Фарб ва Шарқ мамлакатларининг фалсафий фикри ривожига катта таъсир кўрсатди. Айниқса, у Шарқ, хусусан, Ўрта Осиё мутафаккирлари — Ибн Мискавайҳ, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Тусий, Улугбек, Навоий, Давоний, Жомий, Кошифий ва б.нинг табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий қарашларининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

**АРХЕТИП** (юн. arche — ибтидо ва typos — тасвир, шаклнинг намоён бўлиши) — антик давр фалсафасида образ, гоё. К.Г. Юнг томонидан ишлаб чиқилган «аналитик психология»да асосий роль ўйнавчи тушунча. А. тушунчаси замирида Платон фалсафасидаги ақл ёрдамида англаб етиш мумкин бўлган образ — «эйдос», схоластларда миёда муҳрланган табиий образ, Авлиё Августинда эса инсоннинг билиши асосида мавжуд бўлган ҳақиқий образ тушунилган. Юнг психоаналитик назариясида А.лар жамоа онгсизлигининг асосий белгилари, мифологик фантазиянинг қандайдир априор шакллари ҳисобланади. А.ларнинг

ўзига хослиги уларнинг мифологик хусусиятга эга эканлигидадир. Мас., қаҳрамон, халоскор, даҳшатли маллуқ ва ҳ.к.лар шулар жумласидан.

Юнгнинг фикрига кўра, А.ларни сақловчи онгсизлик қатлами инсон табиатдан ажралмаган, тарихгача бўлган энг қадимги даврлар тўғрисидаги хотираларни яширин сақлайдиган жойдир. Онгсизлик қатлами, бу — жамоа онгсизлиги бўлиб, бунда инсон алоҳида индивид сифатида мавжуд бўлмай, балки бутун инсоният ва табиат билан уйғун равишда қўшилиб кетади. Агар шахсий онгсизликда асосий ролни «комплекслар» уйнаса (мас., Эдип комплекси, ҳар томонлама мукаммал бўлмаслик комплекси), «Алар» жамоа онгсизлиги таркибини ташкил қилувчи унсурлар бўлиб, улар инсон тафаккури ҳамда ўзини тутишини белгилувчи онгсиз руҳий фаоллигининг универсал намуналари ҳисобланади. Алар инстинктлар билан биргаликда туғилиш билан пайдо бўлган психик структуралар ҳисобланиб, «жамоа онгсизлиги»нинг тубида ётади ва умуминсоний белгиларнинг асосини ташкил этади. Алар куйидагилар билан тавсифланади: а) интуциянинг туғма шароити, бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай тажрибанинг асосий қисмлари бўлиб, уларни априор тарзда белгилайди; б) ташқи оламни идрок этишнинг энг оддий усули; в) объектив ҳаёт жараёнининг ички образлари; г) ўзида барча азалий мифологик мавзу бойлиқларини қамраб олган, бутун инсоният фикр ва ҳиссиётларини ифодаловчи, вақтга буйсунмайдиган схема ва асосларни жамлайди; д) барча авлодларга хос бўлган, одамлар хотирасида сақланиб ундаги қандайдир умумийликни ташкил қилувчи тарихий ўтмишнинг жамоа ўзагидир. Муайян

символларнинг тарихий ўзгарувчанлиги масаласида Юнг А.ларнинг ўзаро умумий жиҳатларини аниқлашга ҳаракат қилган, турли хил мифология ва диний тизимларда уйқудаги далилларнинг қайта тикланиши ва эзотерик тизимлардаги психологик талваса лавҳаларининг ниҳоятда ўхшаш томонлари борлигини аниқлаган. Юнг томонидан ишлаб чиқилган А.лар концепцияси замонавий маданиятшуносликка муайян таъсир кўрсатган.

**АССОЦИАЦИЯ** (лот. *associo* — бирлашиш, қўшиш) — психика элементлари ўртасидаги алоқа. Мазкур алоқа туфайли бир унсурнинг юзага келиши муайян шароитда у билан боғлиқ бўлган бошқа унсурни вужудга келтиради. А.нинг энг оддий натижасига инсоннинг алифбедаги ҳарфларни изчиллик билан такрорлаши мисол бўлади. А. субъект билан объектининг ўзаро таъсири жараёнида ўзаро таъсирнинг оддий маҳсулларидан бири сифатида пайдо бўлиб, буюм ва ҳодисаларнинг реал алоқаларини ўзида акс эттиради. А. психик фаолиятнинг зарур шартидир. А. инсон психикаси (руҳияти)нинг барча мураккаб тузилишлари асосини ташкил этади.

Фалсафада А. ҳис-туйғулар ўртасидаги алоқа сабаби сифатида қўлланади. Аристотель уларнинг ўхшашлиги ва фарқини кўрсатиб берган. Кейинчалик тасаввурларнинг макон ва замондаги яқинлиги ҳисобга олина бошланди ва ниҳоят, уларнинг вақтдаги яқинлигига тўхталинди.

А. билвосита тасаввур, ҳиссиёт, мақсад, аҳамият, исм, фикр жамлиги каби ўзаро боғловчи воситалар сифатида ишлатилади. Барча ҳолатларда А. ёрдамида ҳамма нарсани ўзаро боғлаш мумкин, деб қаралган. Бу умумий психология томонидан хато сифатида инкор этилди. А. назарияси

ўрнини гештальтпсихология алоқалари эгаллади. Ассоциатив алоқалар хотирада ахборотни сақлашнинг энг яхши усулидир. А.лар қуйидаги йўллар орқали ташкил топади: тасодифий; кўрсатма, майл, ҳавас, қизиқиш ва априорцепциялар таъсирида тасаввурнинг тажриба, билимлар захираси ва инсон маънавий ҳаётининг умумий мазмуни, шунингдек тасаввур қилиш пайтида унинг руҳий ҳолатига боғлиқ равишда; онгли ёки ғайришуурий (онгсиз), ёхуд тўлалигича англамаган равишда. Ассоциатив алоқалар фикр юритиш йўлини белгилаб беради. А.ларни тажриба асосида ўрганишга В.Вундт, З.Фрейд, К.Юнг каби олимлар катта ҳисса қўшганлар. Ғайришуурий жараёнларда ассоциатив қонуниятлар бу жараёнларни бошқариб, устувор роль ўйнайди.

**АТАРАКСИЯ** (юн. *ataraxia* — хотиржамлик) — юнон этикасида руҳий осойишталик, хотиржамлик ҳолатини ифодаловчи тушунча. А. шодлик, қайғуга бепарволик, ҳиссиётларга берилмасликни билдиради.

**АТЕИЗМ** (юн. *a* — инкор қўшимчаси, *theos* — худо; худони, динни инкор этиш) — фалсафий-материалистик таълимот. А. динлар воқеликни нотўғри акс этади, деб эътироф этади. А. ҳар қандай дин, ғайритабiiий куч, худолар, руҳлар мавжудлигини, руҳнинг абадийлиги ва бир мавжудоддан бошқасига ўтиши, дунё ва ундаги барча нарсаларни йўқдан бор бўлишини инкор этади. А. моддий дунёнинг абадийлиги ва яратилмаганлиги, табиат ва жамиятларнинг ўз қонунларига кўра ривожланишини, ғайритабiiий кучларни инкор этиб, ҳаётнинг фақат бу дунёда мавжудлигини таъкидлайди. А. атеистик фикр тарихини, материалистик дунёқарашнинг шаклланиш усули ва воситаларини ўрганади.

Ҳоз. даврда А. «худо» сўзини ағлатувчи нарсанинг мавжудлигини мутлақо инкор этиш шаклида (радикал А.) ёки агар худо мавжуд бўлса, унинг инсонлар томонидан билиш мумкинлигини рад этиш шаклида (агностицизмга асосланган А.) намоён бўлади. Диний таълимотлар турли-туман бўлганлиги (бутпарастлик, кўпхудолик, христианлик, ислом, яҳудийлик ва ҳ.к.) сабабли уларнинг инкор этилиши ҳам турли шаклларда ифодаланади. Мас., Европа маданиятида А. деганда, одатда, шахсий худони, яъни ақл ва иродага эга ҳамда ғойибона равишда барча молдий ва маънавий жараёнларга таъсир этувчи ғайритабiiй мавжудотни, бошқача қилиб айтганда, теизмни инкор этиш тушунилади.

Турли маданий-тарихий контекстларда А. деганда, диний хурфикрлилик (ҳукмрон дин томонидан белгиланган худо тўғрисидаги тасаввурлардан воз кечиш), диний агностицизм (худони билиш мумкинлигига шубҳаланиш), айни маънодаги А.нинг ўзи (худонинг мавжудлигини мутлақо инкор этиш) тушунилади. Ёрқин ифодаланган шаклдаги радикал А. ҳозирги замон материализм тарафдорлари, айниқса марксизм ва позитивизмга хосдир. Агностицизмга асосланган А. юнон файласуфлари ўртасида тарқалган бўлиб, Сократ, ундан аввал яшаб ўтган файласуфлар (Демокрит ва б.), софистлар (Протагор, Горгий), Эпикур ва унинг мактаби, илк киниклар ва скептиклар қарашларида акс этган. Ўрта асрларда ҳукмрон диннинг танқиди диссидентлик, хурфикрлилик, у ёки бу диний ақидаларни рад этиш (антиклерикализм) ва бу асосда янги диний йўналишлар (сектантлик)-нинг вужудга келиши билан ифодаланади. Капитализмнинг шакллани-

ши А.нинг ривожланиши ва жамиятдаги секуляризация жараёнларида тўртки берди.

20-а. давомида содир бўлган ижтимоий фалокатлар (жаҳон урушлари ва тоталитаризм жинойтлари) оқибатида турли антисциентистик ва диний-мистик таълимотлар қайта жонланди. «Дин – атеизм» антитезиси янги шаклларда намоён бўлди. Шу билан бирга инсоний ақлнинг ижтимоий тараққиётни таъминлаб беришга қодир эканлигига ишонган рационалистларнинг таъсири кучайди (Б. Рассел – фалсафада, У.С. Моэм, М. дю Гар – адабиётда), атеистик экзистенциализм йўналишига хос қарашлар (Ж.П. Сартр, А. Камю ҳамда М. Хайдеггер) кенг тарқалиб борди. Турли диний-мистик, ибтидоий динларга хос таълимотлар, фанга қарши бўлган ва хурофотга оид тасаввурлар жонланди. Ер юзидан турли динлар ва майда диний фирқалар мисли кўрилмаган даражада кўпайиб кетган бугунги реал воқеликда А.нинг ўзига ҳам эътиқод сифатида қараш урф бўляпти. Кўпгина халқаро ҳужжатларда, хусусан, Инсон ҳуқуқлари декларациясида: «Ҳар бир инсон фирк, виждон, дин ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эгадир», деб ёзилган. Замонавий демократик жамиятларда, шу жумладан, Ўзбекистонда фуқаролар учун ҳақиқий виждон эркинлиги ҳуқуқи, яъни ҳар қандай динни эркин танлаб олиш ёки ҳеч қандай эътиқод қилмаслик Конституция билан кафолатланган.

**АТОМИЗМ** (юн. atomon – бўлинмас) – материянинг узлукли, дискрет (дона-дона) тузилиши ҳақидаги таълимот. А. тушунчаси қадим замонларда пайдо бўлган. Бу таълимотни дастлаб юнон мутафаккирлари Левкипп, Демокрит ва Эпикур яратган. Кейинроқ уни Лукреций Кар ривожлантир-

ган. Улар олам асосини атомлар ва бўшлиқ ташкил этади, деб таъхил-лаганлар. Бўшлиқ чексиздир ва у муайян шаклга эга эмас. Борлиқнинг унсурлари ҳисобланган атомлар эса муайян зичликка эга, ички тузил-шида уларни таркибий қисмларга ажратиб турадиган бўшлиққа ўрин йўқ. Борлиқ, бу чексиз миқдордаги майда зарралар — атомлар мажмуаси. Атомистлар табиатнинг тез-тез содир бўлиб турадиган ҳодисалар — тилла чақалар, мармар пиллавояларининг сийқаланishi, ҳидлар тарқалиши, хўл нарсаларнинг қуриши ва б. нарсаларни кузатиши натижасида атомларнинг ҳақиқатан мавжуд эканли-гига ишонч ҳосил қилганлар. Атомлар бўлинмас зарралар. Улар миқдор жиҳатидан чексиз бўлгани каби шаклан ҳам бениҳоя абдий ва ўзгармасдир. Пайдо бўлиш ва йўқ бўлиш-нинг атомларга алоқаси йўқ. Атомларнинг ўзаро ҳаракати эътироф этилса-да, уларнинг ички ҳаракати тан олинмайди. Атомлар шар, бурчаксимон, илгаксимон, якорсимон, букилган ва ҳ.к. шаклларда намоён бўлади. Атомлар шаклларининг хил-ма-хиллиги орқали нарсалар турли-туманлигини изоҳлаб бериш мумкин. Бундан ташқари, атомлар муайян тартиб ва ҳолатга ҳам эгадир. Левкипп ва Демокрит атомлар муайян сифатларга эга эмас, уларнинг ранг, ҳид, товуш ва шунга ўхшаш хоссаларга алоқаси йўқлигини, моддаларнинг ўша вақтларда маълум бўлган ҳар қандай ўзгариши (ёниши, эриши, буғланиши ва ҳ.к.)да уларнинг маълум сифат тафовути сақланиб қоли-шини, яъни бир нарса иккинчи нарсага айланавермаслигини билганлар. Мас., ош тузини металлга, темирни эса олтинга айлантириш мумкин эмас. Бу ҳолда материя турли атомларнинг муайян миқдоридан ташкил

топган, атомлар бўлинмаслиги нати-жасида улар орасидаги тафовут сақ-ланиб қолади, деган хулосага келган-лар.

Атомлар катталиги ва геометрик шакли билан бир-биридан фарқ қилади. Атомларнинг маълум йиғин-диси муайян жисми ташкил этади. Оламдаги жисмлар ҳаракати мана шу атомлар ҳаракатидандир. Қадимги атомистлар материянинг узлуклили-гини юзаки тушунганлар. Уларнинг таълимотлари материализмнинг илк шакли бўлиб, нарса йўқдан пайдо бўлмайди, бор нарса йўқ бўлиб кет-майди, деган тушунчани берадилар. А. гоилари ҳамма олимлар томонидан эътироф этилаверган эмас. Айниқса, Аристотель бунга қарши бўлган. Унингча, табиатдаги ажойиб тарти-бот атомларнинг тасодифий ҳаракат ва уланishiларидан келиб чиқади, деб тасаввур қилиш мумкин эмас; «ўлик», пассив материя, самовий жисмлар (юлдуз ва сайёралар) қатъ-ий тартибли ҳаракат, ҳаёт жараёнла-рининг оламдаги ранг-баранг ҳоди-салар сабабчиси бўла олмайди. Булар-нинг сабаби, Аристотель фикрича, нарсаларнинг «ички жонидир».

Ўртаосиёлик буюк олим Муҳам-мал ал-Хоразмий бўлиниш-бўлин-маслик муаммосини арифметик, гео-метрик ҳамда вақт нуқтаи назаридан тадқиқ этди. У моддийликнинг чек-сиз мавжуд бўлиши тарафдори эди. Кўпгина олимлар, хусусан Абу Рай-ҳон Беруний Аристотелнинг узлук-сизликни инкор этишига қарши чиқ-ди. Беруний фикрича, моддани чек-сиз парчалаш мумкин эмас. Ўрта аср Шарқ фалсафасида, мутакаллимлар ва муътазиллийлар оқимлари уртаси-даги курашда А. масалаларида турли қарашлар илгари сурилган. Муътази-лийлар Демокрит А.ини ривожлан-тириб материализм моддийчилик

гоясига амал қилган бўлсалар, мутакаллимлар Пифагор А.ини ёқладилар (Пифагор А.и атомларни ғайритабiiий куч ҳаракатта келтиради, деган эди).

Антик дунё фалсафий тафаккури эътироф этган атомлар (бундай қараш фан соҳасида то 19-а.га қадар яшаб келди) замонавий атомистикадаги элементар зарраларга ўшаб кетади, лекин элементар зарраларнинг бир-бирига айланиши беқийёсдир. 17–18-а.ларда Г.Галилей, Р.Бойль, И.Ньютон, М.Ломоносов А. назариясини яратдилар. 19-а.га келиб, Ж.Дальтон, Д.Менделеев ва А.Бутлеров кимёвий А.ни шакллантирдилар. Лекин, шунга қарамастан, атомлар «олам биносининг гиштчалари», деган тасаввур ҳукмронлик қилиб келди.

Одий кузатувларга асосланган А. ўрнига замонавий тажриба, назарий тафаккур ютуқлари билан бойитилган гоялар юзага келди.

**АТРИБУТ** (лот. attribuo – бағишлайман) – 1) нарса ёки ҳодисанинг уларнинг тасодифий хусусиятларидан фарқи ўлароқ, энг муҳим туб белгиси, хосаси (мас., фалсафада материя А.и – ҳаракат); 2) тилшуносликда – аниқловчи.

**АФФЕКТ** (лот. affectus – руҳий ҳаяжон) – кайфият ва эътиросдан фарқли ўлароқ, инсоннинг кучли, шиддат билан кечадиган ва нисбатан қисқа муддатда ўтиб кетадиган ҳиссий ҳолати. А. кескин ифодали ҳаракат (бадан ва кўлнинг узига хос ҳаракатлари) ва баланд овозлар (ийги, бақирқиқ) билан бирга юз беради. Баъзан аксинча, одам индамасдан, ҳаракатсиз қотиб қолади. Ташқи ифода шакллари ички А. сингари, кўп жиҳатдан одамнинг шахсий хусусиятларига, жумладан унинг иродаси, тарбияси, олий асаб системаси фао-

лиятининг типологик хусусиятларига боғлиқ. А.нинг йўқлиги маълум даражада инсоннинг ҳаётга мослашмаганлигидан дарак беради. А. мавжудлиги эса инсонни ҳаётга мослашганлигини билдиради. А. тушунчаси юнон, Шарқ мутафаккирларининг асарларида қайд этилган. А.ни тўхта-тиш учун кучли ирода керак бўлади. **АХБОРОТ** – фаннинг энг умумий тушунчаларидан бири. А. қандайдир маълумот, баъзи бир далиллар, билимлар ва ҳ.к.лар моҳиятини англатади. Ҳозирга қадар А.нинг ягона таърифи ишлаб чиқилмаган. Энг кўп қўлланилаётган таърифлари қуйидагича ифодаланади: ахборот ташқи муҳитга мослашиш жараёнида ундан олинган маълумот, сигнал мазмунини ифодалаш (Н.Винер); энтропияни инкор эттириш (Бриллюэн); коммуникация ва алоқа, ноаниқликни йўқ қилиш жараёни (К.Шеннон); ранг-барангликни ифодалаш (Р.Эшби); ўзига хослик, янгилик, структураларнинг мураккаблиги мезони (А.Моль); танлаш эҳтимолиги (Т.Яглом), хилма-хилликни акс эттириш (А.Урсул); мавжуд ва тенг вариантларда эслаб қолинган битта вариантнинг танлови (Г.Кастлер). Ушбу ёндашувлар серқирра ва турли-туман маънога эга бўлиб, А. тушунчасининг у ёки бу қиррасини очиб беради. Шу билан бирга, ҳар қандай ахборот учта асосий параметрга эга: мазмун, миқдор, қадрият. Миқдор асосан математик статистикада, аксиологик ва мазмун томонлари семантик назария асосида ўрганилади. А. миқдорини ифодаловчи формула К.Шенон томонидан изоҳланган: «Маълумот узатилганда ноаниқликнинг миқдорини ўзгариши ахборотнинг миқдорини белгилайди». А. тушунчасига атрофлича ёндашиш ва аниқ миқдор ўлчо-ви пайдо бўлиши А.ни ўрганишга

катта қизиқиш уйғотди. 20-а.нинг 60-й.ларидаги кўп тадқиқотлар А.ни қидириш муаммолари билан узвий боғлиқ бўлиб, айни шу даврда А.ларни қидириш системаси ва усуллари яратилди. А.ни мустақил ўрганиш мумкин деган гоя илм-фанда кибернетика билан бир вақтда пайдо булди. А.нинг миқдор тушунчаси А. устида сўз борган воқеанинг аҳтимолли даражасига тескари пропорционал миқдор сифатида таърифланади. А. илмий тушунчасининг ишлаб чиқиши олам моддий бирлигининг янги қиррасини очиб беради. Илгарилари бутунлай турлича бўлиб кўринган кўпгина жараёнлар -- алоқанинг техник каналлари бўйича А.лар бериш, асаб системасининг ишлаши, ҳисоблаш машиналари ишини бошқаришнинг хилма-хил жараёнлари ва ҳ.к.га ягона бир нуқтан назардан қарашга имкон берди. Буларнинг ҳаммаси А.ни узатиш, сақлаш ва қайта ишлаш жараёнлари билан боғлиқдир. А.га семантик ёндашув А.ни баъзи тил белгиларидан ташкил топган матнни англаш деб тушунилади. Бунда келтирилган А.ларни бир қийматли англашда тил бўйича мувофиқлик, яъни инсон тили билан электрон ҳисоблаш машиналари тилининг ўзаро мос келадиган усуллари топилади. Баъзи системаларда бу белгилар ўзаро фарқ қилинади ва англанади (ахборот етказувчи). Англаш қабул қилувчи томонга белгиларни маълум бўлишини тақозо этади (ахборот қабул қилувчи). А. тушунчаси кибернетика назариясининг асосини ташкил этади. Жонли табиат, жамият ва машиналардаги барча бошқарув ва алоқа жараёнлари ахборот узатиш, сақлаш ва қайта ишлаш жараёнлари сифатида қаралади. А. тушунчаси билан боғлиқ тадқиқотларда жуда кўп муаммолар мавжуд. А. барча

моддий организмларга хосми ёки фақат жонли организмларга ёхуд фақат онгли фаолият кўрсатувчи мавжудотларга хосми, деган баҳс ҳамон давом этмоқда. А. муаммоси ҳоз. компьютер инқилоби натижасида А.ни сақлаш ва узатиш функциялари деярли машиналар зиммасига юкланган замонда кескин ва долзарб ҳисобланади. А. назариясида А. бирон воқеа ҳақида маълумот бериш.

**АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ** — ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, энг аввало, ахборот тайёрлаш, унга «ишлов бериш», сақлаш ва жамият аъзоларига етказиш билан боғлиқ бўладиган ишларга шароит яратувчи жамият. А.ж. муаммолари билан шуғулланган олимлардан Д.Белл, А.Тоффлер, М. Кастельс, У.Ростоу, П.Дракер, Ж.Гелбрейт, Ф.Уэбстер ва б.нинг ишларини алоҳида қайд этиш керак. Улар «постиндустриал жамият» ва А.ж. концепцияларини синоним сифатида тадқиқ этишган. А.ж. ҳақида олимлар турлича фикр юритдилар. Япон олимларининг ҳисоблашчи, А.ж.да компьютерлаштириш жараёни одамларга ишончли ахборот манбаидан фойдаланиш, ахборотларни тайёрлаш ва ижтимоий соҳаларда ахборотни қайта ишлашни автоматлаштиришнинг юкори даражасини таъминлашга имкон беради. А.ж. тушунчаси 1960-й.ларнинг 2-ярмида пайдо бўлиб, уни биринчи бўлиб фанга Токио технологик ун-тининг проф. Ю.Хаяш киритган. Муаллифнинг фикрича, моддий маҳсулот эмас, ахборотлашув маҳсулоти жамиятнинг шакллантирувчи ва ривожлантирувчи кучига айланади. А.ж. тушунчасининг ривожиди америкалик жамиятшунос олим Д.Беллнинг «Индустриал жамият даврининг келажаги. Ижтимоий башорат қилиш тажрибалари» (1973) номидаги китоби



муҳим аҳамиятга эга. Унда муаллиф инсоният жамияти тарихини уч асосий босқичга: аграр, индустриал ва постиндустриал (индустриал даврдан кейинги) даврларга бўлиб чиқади. Индустриал жамиятнинг асосий ривожланиш манбаи — энергетик манбалар ва энергияни ишлаб чиқариш, тарқатиш имкониятлари мавжудлигидир. А.ж.да эса ишлаб чиқаришнинг манбаи билимни тўплаш технологиялари, ахборотни қайта ишлаш ва ахборот коммуникацияларига боғлиқ. Билим ва ахборот ҳоз. кунда жамият ривожланишининг асосий манбаи ҳисобланади. А.ж.га оид қизиқарли фалсафий концепциялардан бири япон олими И.Масудага тегишлидир. И.Масуда фикрича, А.ж.да инсоний қадриятлар ўзгаради, бу жамият синфларга бўлинмайди ва зиддиятсиз яъни, аҳил, тинч-тоғувликда ҳаёт кечирувчи жамият бўлиб, уни чоғроқ ҳукумат ва давлат аппарати бошқаради. А.ж.нинг яна бир назариячиси Э.Тоффлер «Учинчи тўлқин» деб номланган китобида тамаддун тарихидан учта тўлқин (биринчи тўлқин — аграр, 18-а.гача; иккинчи тўлқин — индустриал, 20-а.нинг 50-й.ларигача; учинчи тўлқин — индустриал даврдан кейинги давр, 20-а.нинг 50-й.ларидан бошлаб)ни ажратиб кўрсатади. 1980—90-й.ларни А.ж. концепциялари ривожига янги босқич деб айтиш мумкин. Бу даврдаги концепциялар асосан П.Дракер ва М.Кастельс тадқиқотлари натижалари билан ҳамбарчас боғлиқ. П.Дракер концепциясининг моҳияти анъанавий капитализмни енгиб ўтишдан иборат. Унинг концепциясига кўра, юз бераётган силжишнинг асосий белгилари индустриал ҳужаликдан билим ва ахборотга асосланган иқтисодий системага кириб бориш, капиталистик хусусий мулкчиликдан

воз кечиш, ҳоз. замон кишиси учун янги қадриятларни яратиш, иқтисодиёт ва жамиятдаги глобаллашув жараёнлари таъсирида миллий давлатнинг ўзгаришидан иборат. М.Кастельс глобал иқтисодиёт ва халқаро молиявий бозорларни шаклландирган янги дунёнинг асосий белгилари сифатида кўради. Унингча, А.ж. моҳиятини бир-бирига боғлиқ қуйидаги жараёнлар белгилайди: ахборот ва билимлар ижтимоий-иқтисодий, технологик ва маданий ривожланишнинг ҳақиқий ўзак қудратига, унинг қимматли манбаига айланади; ишлаб чиқариш омили бўлмиш хом ашё, меҳнат, маблағ ресурсларига тенглаштирилган ахборот ва билим бозорлари шакллана бошлайди; ахборот етказиб бериш ва ундан фойдаланишни таъминловчи соҳалар аҳамияти шиддатли тарзда оша боради. Жамиятни ахборотлаштириш жараёни бир-бири билан боғлиқ бўлган уч қисмдан таркиб топади: медиатизация (лог. mediatius — воситачи) — ахборот тўплаш, сақлаш ва тарқатиш воситаларини такомиллаштириш жараёни; компьютерлаштириш — ахборот излаш ва унга ишлов бериш воситаларини такомиллаштириш жараёни; интеллектуализация — ахборот яратиш ва уни идрок этиш қобилиятини ривожлантириш, яъни жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, шу жумладан сунъий интеллектдан фойдаланиш жараёни. Умуман олганда, жамиятни ахборотлаштиришни замонавий ахборот-техника воситалари ёрдамида ижтимоий тузилма ва жараёнларни такомиллаштириш деб талқин қилиш лозим. Ахборотлаштириш ижтимоий интеллектуализация жараёнлари билан уйғун ҳолда бўлиши керак. Зотан, бу шахс ва у яшаётган ахборот муҳитининг ижодий салоҳиятини ошириш-

га имкон яратади. А.ж. олдинги жамиятлардан сифат жиҳатидан фарқ қилади. Бу ерда моддий омиллар эмас, балки идеал омиллар – билим ва ахборот биринчи ўринда туради. Ахборот ва билим олиш, уларга ишлов бериш ҳамда уларни сақлаш ва етказиш жараёнида жамият абзола-рининг аксарияти банд бўлади. А.ж. да ахборот тайёрлаш моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланишига туртки бўлади.

**АХБОРОТЛАШТИРИШ** – замонавий ахборот-технологик воситалар ёрдамида илмий, ижтимоий тузилмаларни ривожлантириш, такомиллаштириш ва кескин кучайтириш жараёни. А. бу сифат жиҳатидан янги жамият (ахборотлашган жамиятни) барпо этиш мақсадидаги интеллектуал гуманистик қайта қуришдир. А.ни айнан мана шундай тушунган ҳолда демократиянинг ривожланиши ва умуман сиёсий ҳаётга информатиканинг таъсири тўғрисида сўз юритиш мумкин. Ҳоз. кунда жамиятни А. жараёни ижтимоий ҳаётнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий ва б. жиҳатларини қамраб олмоқда. Шу маънода А. кўп қиррали жараён бўлиб, унда технологик, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатлар уйғунликда олиб борилади. Бу жараёнда нафақат ишлаб чиқариш ва технологиялар соҳасида, балки ижтимоий, иқтисодий ҳамда маънавий ҳаётда туб ўзгаришлар содир бўлади. А. жараёнининг моддий негизи ишлаб чиқариш, бошқарув, илм-фан, таълим-тарбия ҳамда ижтимоий ва маиший соҳаларни компьютерлаштириш ва роботлаштиришдан иборат. Ҳоз. пайтда ахборот майдони, коммуникация воситалари замонавий жамият ҳаётига ўзининг жиддий таъсирини кўрсатмоқда. Ахборот, компьютерлаштириш, ҳисоблаш техни-

каси, ахборот технологияси, моделлаш, маълумотлар манбаи, дастурлаштириш, шахсий компьютерлар, дастур билан таъминлаш ва б. илмий тушунчалар А. жараёнининг муҳим хусусиятларини ташкил этади. А. жараёни кишилик жамияти динамикасининг навбатдаги йўналиши сифатида ҳаётнинг турли соҳаларида юксак тараққиётни тақозо этади. Илм-фан инқилоби ва А. туфайли таълим самарадорлигини янада ошириш имконияти яратилмоқда. Иқтисодиёт соҳасида ишлаб чиқариш билан хизмат кўрсатиш соҳасида биринчисининг ҳисобига иккинчисининг кенгайиши рўй бермоқда. А. ижтимоий-техник жараён сифатида жамиятнинг сиёсий ҳаёти, энг аввало, уни демократлаштириш билан чамбарчас боғлиқ. Ҳоз. шароитда А. унинг қўла-ми, суръати ва йўналиши жамиятда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий ва маданий жараёнларга, шу жумладан фан, таълим, маданиятнинг глобаллашув даражасига боғлиқдир. Бу биринчидан, ижтимоий-сиёсий муносабатларни демократлаштириш, унинг ахборот базасини тақозо қилиб, цивилизация манфаатлари асосида мақсадга мувофиқ баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишни талаб қилади; иккинчидан, жамиятни демократлаштириш хусусиятлари регионал ва миллий характерга эга бўлишини ҳисобга олиб, А.га ҳам дифференциал ёндашмоқ лозим; учинчидан, «очиқ жамият» тушунчасининг демократик характери А. жараёнига нисбатан шартли характерга эга, чунки ҳар қандай ахборотни «ижобий» деб баҳолаш нисбийдир: тўртинчидан, жамиятда «ахборот эркинлиги» тушунчаси «ахборот масъулияти»ни истисно қилмайди. Шунга кўра, «ахборот эркинлиги»ни демократия белгиси, тамойили, хусу-

сияти деб баҳолаш мутлақо шартли ва нисбийдир.

**АХЛОҚ** (араб. хулқ сўзининг кўплиги) — кишилар орасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос тартиб, қоидалари йиғиндиси. Адаби «яхшилик», «яхши одатлар» инсоннинг ўз манфаатини жамият манфаатига мослашга, айрим ўринларда жамият манфаатлари йўлида ўз ҳаётини мақсадлари, манфаатларини ўзгартиришга имкон беради. Кишилар хатти-ҳаракатини тартибга солишнинг белгиланган ҳамда муайян ижтимоий-таъкилий тузилмалар фаолиятига асосланган (ҳуқуқий, диний) шаклларида фарқли улароқ. А. кишилар хулқ-атворлари, мулоқотлари, муносабатларининг ёзилмаган, лекин жамият томониан қабул қилинган ҳамда қўллаб-қувватландиган «олтин қоидалар»ни ифодалайди. А. биринчидан, умумижтимоий аҳамиятга молик бўлган қадриятларни (бошиқа кишилар ҳуқуқларини тан олиш, адолат, ҳалоллик, ишонч, садоқат, мулоимлик, бошиқалар билан келиша олиш, тўй топишиш, жамоада ўзини тута билиш каби) қамраб олади. Иккинчидан, А. кишиларга хос сифатлар (хислатлар)нинг муҳим томонини ифодалайди.

Кишилик жамиятининг тарихий ривожланиш давомида А. дин билан чамбарчас боғлиқ ҳолатда ривожланди. А. мураккаб тузилишга эга бўлган яхлит ижтимоий ҳодиса бўлиб, ахлоқий онг, ахлоқий хатти-ҳаракатлар, ахлоқий муносабатларни ўз ичига олади. Ахлоқий онг ахлоқий хатти-ҳаракатлар ва муносабатларнинг ифодаси ҳисобланади. Унинг таркибига ахлоқий ҳис-туйғу, ирода, ақлзаковат, интуиция, ҳаёл, хотира қабилар қиради. А.нинг субъекти инсон, унинг мезони, баҳоси — виждон. А.қа доир хатти-ҳаракатлар, му-

носабатлар алоҳида олинган инсон, жамоа, ижтимоий гуруҳга хос бўлган хусусиятдир.

А. кишилар орасидаги муносабатларнинг барча тур ва кўринишларига мансуб ва тааллуқли бўлиб, у ёки бу хатти-ҳаракатлар, алоқа ва муносабатлар ҳақида фикр юритиш (маъқуллаш ёки қоралаш)дир. Ахлоқий баҳолаш жамоатчилик фикрига таянади. А. барча учун бирдек хизмат қиладиган, қотиб қолган қоидалар йиғиндиси эмас, у инсон ва жамият ҳаёти давомида шаклланиб, сайқалланиб, тақомиллашиб борадиган ижтимоий жараёндир. А.нинг шаклланишида ва унинг ижтимоий ўрнида диннинг аҳамияти катта. Диннинг асосий мақсадларидан бири «инсонга ёмонликнинг зарарларини баён қилиш» ҳамда ёмон йўлга кириб кетганларни тўғри йўлга даъват этишдир.

Ўзбекистонда шўролар истиблоти даврида А.қа бир томонлама, яъни синфийлик ва партиявийлик нуқтан назаридан ёндашилди. Мамлакатда истиқомат қилувчи ҳамма халқлар учун бир хил А. қоидалари яратишга ҳаракаат қилинди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг А. муаммоларига катта эътибор берилди бошлади. Кишиларро муносабатда, ўзаро муомалада унутилиб кетган исломий қадриятлар, шарқона хулқ-одоб қоидалари, урф-одатлар, маросимлар қайтадан расм бўла бошлади.

**АШЪАРИЙ** Абул Ҳасан Али ибн Исмоил (873, Басра — 935, Бағдод) — диний назариётчи, ислом илоҳиёти — *калом*нинг асосчиларидан бири. Манҳадда таҳсил кўрган, *муътазилитлар* назариётчиларидан бири сифатида танилган. 912 й.да ўз қарашларини кескин ўзгартириб, ислом илоҳиётига фалсафий услубни кири-

тишга уринган. А. муътазилийликка хос бўлган жуда очиқ ифодаланган рационализмни ҳам, диний эътиқодда ўта кетган формализмни ҳам рад этган. А. асос солган таълимотни унинг изидан борган илоҳиётчилар (хусусан Абу Ҳомид ал-Ғаззолий) янада такомиллаштирганлар. Калом 12–13-а.ларга келиб барча суннийлар ўртасида эътироф этилган.

**АШЪАРИЯ** — калом мактабларидан бири. Намояндалари: Абул Ҳасан ал-Ашъарий (935 й. вафот этган), Абу Бакр Муҳаммад ал-Боқиллоний (1013 й. вафот этган), Ибн Фурак (1015 й. вафот этган), Абу Исҳоқ ал-Исфароний (1027 й. вафот этган), Абдул Қоҳир ал-Бағдодий (1037 й. вафот этган), Абдуллоҳ ал-Жувайний (1086 й. вафот этган), аш-Шаҳристоний (1153 й. вафот этган) ва Фаҳриддин Розий (1209 й. вафот этган). 10-а. ўрталарида муътазилийлар таълимотининг мавқеи пасайиши натижасида пайдо бўлган. Ал-Ашъарий ва унинг маслақдошлари мутакаллимлар таълимотини фалсафий жиҳатдан асослашга уринганлар. Илгари ўтган илоҳиётчилардан фарқли равишда Ашъарий ва унинг издошлари илк исломни мантиқий ва фалсафий далиллар ёрдамида саклаб қолишга уринганлар. Ашъарий ақлий ва нақлий усулни қўллаб, тақдирга ишониш ва ирода эркинлиги ҳақидаги таълимотнинг ички қарама-қаршилигини ҳал қилмоқчи бўлган. Гарчи ашъарийлик оқими муътазилийлардан ажралган бўлса ҳам, улар учун умумий бўлган ирода эркинлиги ва ақлга асосланган йўналишни давом эттирганлар. А. мутакаллимлари «табiiий илоҳиёт» яъни, худони ваҳийдан мустақил равишда ақл йўли билан билиб бўладими ёки йўқми ҳамда ахлоқда, яъни ваҳийнинг ишорасисиз яхши ва ёмон тўғрисида маърифат ҳосил қилиш

мумкинми ёки йўқми, деган савол масаласида муътазилийлар қаршисида мустаҳкам қарашларга эга бўлганлар. Шу билан бирга ашъарийлар муътазилийларга эргашган ҳолда, ақлнинг эътиқоддан устунлигини маъқуллаганлар. Худо ва оламнинг муносабати масаласида кўпинча худонинг оламга имманентлиги тезисини ёқлаганлар: «Худо ҳар бир нарса ёнида ва ҳар бир нарсада мавжуд, яъни у билан ўзининг борлиги туфайли боғланган». Оламдаги қонуний алоқалар муаммосини ҳал этиб, ашъарийлар асосан муътазилийларнинг табiiий жиҳатдан сабаб-оқибат хусусиятини қабул қилмаганлар. Уларнинг сабабий боғлианишини худо жорий этганлиги, илоҳий илм томонидан олдиндан белгиланган одат, тартиб билан изоҳлаганлар.

**АҚИДА** (араб. — билиш, бир нарсага ишониш. эътиқод кўйиш. тушуниш) — диндорлар учун мажбурий ҳисобланган, шак келтирмасдан, муҳокама юритмасдан эътиқод қилиниши лозим бўлган диний талаблар. Али одам деганда диндор, художўй одам, Ақидатул ражл деганда бирор-бир дин ёки мазҳабга эътиқод кўйган киши тушунилади. Яхши А.га эга бўлган киши шак-шубҳадан холи бўлган, соғлом ва тўғри, динга эътиқод кўйган шахс ҳисобланади. А.нинг кўплик шакли ақойид. А.нинг «қўшимча» ва «дил» деган маънолари ҳам мавжуд. Рамзий маънода «ҳолва» деган маъноси ҳам бор. А. шундай нарсаки, унга юз тутадилар ва уни тасдиқлайдилар. Нимага ишонилса ва унга ихлос кўйилса, уша нарса Адир. А. ишонч, виждон эркинлиги демакдир. А. барча мусулмонлар учун жуда қадимги тушунча булиб, оддий халқ ва аслзодалар учун ҳам эркин фикр юритиш ва бирор нарсага ишониш маъносида келади. Икки киши қараш-

ларининг бир-бирига ўхшашлиги ва яқинлигини ҳам А. дейилади.

**АҚЛ** — инсон миясининг дунёни акс эттириш ва шахснинг воқеликка бўлган муносабатларини бошқариб турадиган фаолияти. А. объектив дунё нарса-ҳодисаларининг муҳим қонуний алоқа-муносабатларини акс эттириш ва шу тариқа воқеликни ижодий ўзгартириш имконини беради. Фикрнинг теранлиги, танқидийлиги, уйғунлиги, кенглиги, тезлиги А.нинг энг муҳим сифатлари ҳисобланади. А. янаш шароити таъбирида, фаолият ва айниқса таълим-тарбия жараёнида ривожланади. Бир неча фалсафий оқимларда А. олий ибтидо ва моҳият (панлогизм), инсонларнинг билиши ва ҳуққи асоси (рационализм) деб тушунилади.

**АҲМАД ЯССАВИЙ**, Хожа Аҳмад Яссавий (Ясси яқинидаги Сайрам ш., тахм. 11-а.нинг 2-ярми — 1168) — тасаввуфнинг машҳур намоёндаларидан бири, шоир, яссавийлик тариқати асосчиси. «Пири Туркистон», «Туркистон мулкнинг Шайх ул-машойихи», «Султон ул-орифон» номи билан машҳур. Отаси Шайх Иброҳим жавонмардлик тариқатига мансуб нуфузли зотлардан бўлган. А.Я. туғилгач, онаси вафот этган. 7 ёшида отасидан ҳам ажралган. Ўша замоннинг машҳур шайхларидан бири — Арслонбобдан таълим олган. Арслонбоб вафот этганидан кейин, Бухорога келиб Хожа Юсуф Ҳамадонийдан таълим олган ва у киши вафотидан сўнг Бухорода учинчи халифа сифатида шайхлик қилган. Бухоро шайхлигини Абдухалиқ Ғиждувонийга топшириб Яссига жунаб кетган ва у ерда хонақоҳ очиб шайхлик қилган. Олғмиш уч ёшдан ошгач, ерости чиллахонасига кирган ва фоний дунёдан алоқасини узиб шайхликни давом эттирган. А.Я. форс адабиёти вазн ва услубида эмас, бал-

ки турк миллий вазнида, халқ адабиёти услубида шеърлар ёзган. А.Я. шеърларининг ҳар парчасига «ҳикмат» унвони берилган ва улар китоб шаклига келтирилган. Яссавийлик тариқатининг барча ақидалари унинг асосий асари бўлмиш «Девони ҳикмат»да муфассал баён этилган. А.Я. Аллоҳ, коинот ва инсон муносабатларини омма тушунадиган тарзда ифодалаган ва шеърий услуб билан уни уйғунлаштиришга ҳам эришган. А.Я. ахлоқ ҳақидаги қарашларида ҳаддан ошмаслик, Аллоҳ ва инсонни севиш, шафқат ва мурувват каби фазилатларга кенг ўрин берилган. Унингча, инсон нима иш қилган тақдирда ҳам чекланган бир қувватга соҳиб. Бошқаларни хўрлаш, мағрурланиш ўринсиздир. Инсон мукаммал бўлмоқ учун доимий ҳаракатда бўлиши керак. Ғурур ва кибру-ҳаво комилликка тўсиқ бўлади. Бу эса Яратувчи билан қул орасида парда ҳосил қилади. А.Я. инсон омилига, хусусан унинг жамиятни эзгуликка йўналтирадиган қудратига алоҳида аҳамият беради. Олимлар илмга, ҳокимлар ҳақ ва адолатга қараб иш тутмасалар, жамият парокандаланиб, давлат таназулга юз тутлади. А.Я. таълимоти инсонни нафсепарастликдан, маърифатсизлик ва йирткичлашувдан сақлайди. Дарвешлик осон эгалланадиган маслак эмаслигини жуда яхши билган А.Я. дарвешсифат инсонларнинг етишишини замон, макон ва иршод унсурларига боғлайди. А.Я. нуқтаи назарида тасаввуф аҳдининг бир маслаги, касб-ҳунари бўлиши шарт. Маърифатсиз кишининг кашфу каромати ёлгондир. Зеро, А.Я. ўз ақида-сига содиқ қолиб, қошиқтарошлик билан умргузаронлик қилган. Унингча, инсон ким бўлишидан қатъий назар, бошқаларга юк бўлмаслиги, ўз пешона тери билан тирикчилик қилиши керак.

## Б

**БАДЕН МАКТАБИ** – 19-а. охири ва 20-а. бошида неокантчиликдаги йўналиш. И.Кантнинг трансцендентал-психологик таълимотига асосланган. Бу таълимотга кўра, билиш психологик жараён бўлиб, тажрибанинг трансцендентал натижасининг интенсивлиги ва экстенсивлиги билан боғлиқдир, яъни умумий ва зарурий биландир. Агар уни мақсад (ҳақиқат)га эришиш йўлидаги умуммажбурий қадриятлар предмети сифатида тан олinsa, фалсафа қадриятлар туррисидаги фан бўлиб қолади. Б.м. таълимотида метод масаласи асосий урин эгалдайди. Бу мактаб аъёчилари В.Виндельбанд ва Г.Риккерт фанларни табиат (табиатшунослик) ва маданият (тарихий фанлар) туррисидаги фанларга бўлиш керак, деган фикрни илгари сурдиган. Шунга асосан, уларнинг фикрича, фанлар табиатшунослик ва тарихий фанлардан ibорат.

Б.м.нинг фанлигига немис файласуфи Э.Гуссерланинг таъсири катта бўлди. Б.м. тоъларини М.Вебер социологияда, Г.Мюне-ерберг психологияда қўлади. 20-а.нинг 20-йилларига келиб Б.м.нинг кўп вакиллари неогегелчилик тарафига ўтиб кетди (Й.Кон, Р.Кронер ва б.).

**БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ** – давлат, халқ, миллатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва экологик муҳитнинг бир-бири билан узвий боғлиқлигини йфдаловчи атама. Бу тушунчани Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Ташқи муҳит ва тараққиёт халқаро қўмитасининг раиси Г.Х.Брутланд 1987 й.да таклиф қилган. Б.р. тушунчаси остида, биринчи навбатда, иқтисодий, ижтимоий ривожланиш, бизни ўраб турган муҳит алоҳида соҳалар эмас, балки улар бир-бири билан узвий

боғлиқ деган фикр ётади. Илм-фан, техниканинг ривожланиши, янги технологияларнинг турмушга кириб келиши, бир томондан кишиларнинг турмуш тарзини оширса, иккинчи томондан, табиий муҳитга салбий таъсир ўтказмоқда. Шу билан бирга, кўпгина давлатлар иқтисодийnochорлик, ижтимоий қолоқлик, экологик танглик шароитида яшаб келмоқда. Шу маънода давлат, халқ, миллатлар ўз тараққиёт фалсафасида иқтисодий самарадорликни ижтимоий адолатли ва экологик оқиллик билан ҳамоҳанг тарзда кўзда тутмоқликларни даркор. Аке ҳолда, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш табиий муҳитга катта зиён етказиши мумкин. Натижада биз келажак авлодга гуллаб-яшнаш имконига эга бўлган ижтимоий муҳитни эмас, аксинча сувсиз чул ҳамла саҳроларини, қовжираб ётган ерларни мерос қолдирармиз. Б.р. концепцияси ўз олдига бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган кўпгина вазибаларни қўяди. Уларнинг асосийлари: 1) nochорликка қарши кураш, уни тугатиш масалалари; 2) янги иш ўринларини яратиш; 3) табиий муҳитни тиклаш ва сақлаб қолиш; 4) соғлиқни сақлаш, айблар ва болаларнинг ҳаётини шароитларини яхшилаш; 5) кишиларнинг турмуш фаровонлигини ошириш ва ҳ.к. лардан иборатдир. Б.р. кенг тушунча бўлиб, у юқорида кўрсатилган масалаларни қамраб олибгина қолмай, балки уларни ҳал қилишнинг ташкилий масалаларини ҳам ўз ичига олади. Б.р. тоъсига 1972 й.да Стокгольмда бўлиб ўтган инсонни ўраб турган ташқи муҳит масалаларига бағишланган биринчи Халқаро анжуманда асос солинди. 1983 й.да БМТнинг Ташқи муҳит ва тараққиёт халқаро қўмита-

си тузилди. Орадан тўрт йил ўтгач, кўмита «Бизнинг умумий келажагимиз» деб номланган дастлабки ҳисоботида инсоният ўз фаолиятини ва турмуш тарзининг кўп жиҳатларини ўзгартироғи керак деб огоҳлантирди. Акс ҳолда, инсоният олдида оғир синовлар ва ташқи муҳитнинг кескин ёмонлашуви кутилмоқда, деб таъкидланди. Брутланд кўмитаси (ўз раиси номи билан аталган) фикрига кўра, иқтисодий соҳа кишиларнинг эҳтиёж ва қонуний талабларини қондириши керак, лекин иқтисоднинг ривожланиши Ер қуррасининг экологик имкониятлари чегарасидан чиқиб кетмаслиги лозим. 1992 й.нинг июнь ойида Рио-де-Жанейро ш.да БМТнинг ташқи муҳит ва тараққиётга бағишланган анжумани бўлиб ўтди. Бу анжуманда дунёнинг 179 давлати қатнаши ва анжуман «21 асрнинг кун тартиби» деб номланган Декларацияни қабул қилди. 700 бетдан иборат бу дастурда Б.р.нинг барча жиҳатлари ёритиб берилди. Декларация икки масалани, яъни ташқи муҳитнинг юқори сифатлилиги ва бутун дунё халқлари учун соғлом иқтисодни яратиш мақсадлари йўлида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш лозимлигини ўз ичига олади. Б.р. тушунчаси эса «21 аср кун тартиби» дастурида қашшоқлик ва ташқи муҳитнинг емирилишига қарши кураш услубидир, деб таъриф берилган. Бу анжуманда Ўзбекистон Республикаси ҳам ушбу Декларацияга қўшилган.

**БАРҚАРОРЛИК ВА ЎЗГАРУВЧАНЛИК** -- диалектик фалсафанинг жуфт тушунчалари. Барқарорлик нарса ва ҳодисаларга хос муайянликни ифодаласа, ўзгарувчанлик уларнинг маълум бир ҳолатдан бошқа бир ҳолатга ўтиш жараёнини билдиради. Ўзгарувчанлик кенг маънодаги ҳаракат тушунчасини ифодалаб, шу маънода

мутлақ характерга эга. Тайин нарсаларга оид хосса сифатида эса у нисбийдир, чунки нарсаларнинг ўзгариши бирон-бир муайянликка нисбатангина содир бўлади. Ўзгарувчанликни барқарорликдан ажратиб мутлақлаштириш *скептицизм* ва *релятивизм*га олиб келса, аксинча, барқарорликни мутлақлаштириш ақидапарастликка олиб келади. Диалектика Б. ва ў.ни ўзаро узвий бирликда, мавжуд диалетик қарама-қаршиликлар тарзида олиб қарайди. Аниқ фанларда Б. ва ў. тушунчалари тегишли тайин тушунчалар билан ифодаланади ва илмий тадқиқотларда муҳим методологик аҳамият касб этади.

**БАХТ** -- маънавий-ахлоқий тушунча. Киши ўз фаолияти натижаларидан, ҳаётда қўлга киритган ютуқларидан тўла қониқиш, яшаш тарзидан мамнулик, муайян мақсадга етганлик, орзу-умиднинг ушалиши, беармонлик ҳолати сифатида намоён бўлади.

Б. қадимги даврда эвдомонизм фалсафасининг асосий тушунчаси бўлган. Унинг вакиллари Б.га ҳаётнинг асосий мақсади, кишилар интиладиган масрурликка эришилган ҳолатнинг, шод-хуррам бўлишнинг энг олий кўриниши сифатида қараганлар. Аристотель, Эпикур, Диогенлар ҳам шундай тушунганлар. Форобий, Беруний, Ибн Сино, Саъдий, Навоий каби олим ва мутафаккирлар ижодида бу мавзу муҳим ўрин эгаллаган. Замоनावий ўзбек адабиётида ҳам бу мавзуга катта эътибор берилмоқда.

Б. нисбий тушунча, мутлақ Б. йўқ. Б.ни қандай маънода тушуниш шахснинг ижтимоий ўрнига, билими, ёши, дунёқарошига боғлиқ. Б. ҳақидаги кишиларнинг тасавурлари ижтимоий тузум ва ундаги ижтимоий муносабатлар мажмуаси билан узвий боғлиқ. Чинакам Б.ли бўлиш учун ҳар бир шахс эркин, тенг, ўз истеъдоҳ

ва қатъиятини ҳар томонлама намоён қилиши, моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга бўлмоғи зарур. Шунингдек, Б.га эришиш учун ҳар бир шахс жамиятда, оилада ўз ўрнини топган, бурч ва масъулиятни англаган бўлиши лозим. Одам ўз онги, тафаккури, дунёқараши, хатти-ҳаракати, хулқи, ақл-заковати билан Б.ли бўлиш учун интилиши ва курашиши керак. Инсон ўз тақдирини халқ, Ватан тақдирини билан уйғунлаштиришдагина тўла Б.ли бўлиши мумкин.

**БАШОРАТ** (араб. — хушхабар) — илмий билишнинг бир шакли, ҳали фанга тўла маълум бўлмаган, имконият тариқасидаги ҳодисалар, турли жараёнлар тўғрисида олдиндан фикр айтиш. Б.нинг қадимги дунёда мавжуд унсурлари 15–17-а.ларда фанлар ривожини билан маълум бир тизимга солинган. Бу жараён, айниқса, 19-а. ўрталарида янада кучайган. Илмий Б. табиат ва жамият қонунлари ва далилларига асосланган, келажакда нимадир бўлиши ва қандай кашфиётлар қилиниши ҳақидаги билимлар бўлиб, у интуитив асосда, инсоннинг олдиндан сезиши, кундалик асосда инсон ҳаётий тажрибасига ўхшаш белгилардан, диний-гайритабиий кучларга ишонишдан келиб чиқади. Б. турли шаклларда, мас., тирик организмларга хос бўлган олдиндан сезиш, олдиндан пайқаш, яъни инсон интеллектуал фаолиятида ўз тажрибаларига асосланган ҳолда келажак ҳақида фикрлаш сифатида юзага келади. Ўтмиш ва бугуннинг номаълум ҳодисаларини Б. қилиш, келажак ҳодисаларига муносабатни ўрнатиш мақсадида Б. қилиш, реконструктив ўтмиш ҳодисалари, унинг баъзи сақланиб қолган бўлақлари асосида Б. қилиш, реверсив Б. (ҳоз. тенденцияларни ўтмишга қараб мантикий да-

вом эттириш), презентив Б. (мас., рақиб томонидан амалга оширилган ёки амалга оширилаётган ҳаракат Б.и; бу Б. ҳаракат субъектига ҳали маълум бўлмаслиги мумкин), имитацион Б. (у ёки бу методнинг ишончлилигини аниқлаш мақсадида ҳодисанинг узоқ ўтмишдан яқин ўтмишга ривожланиши ҳақида) ҳам учрайди. Илмий Б.нинг фалсафий масалаларига Б. мантиғи ва гносеологияси ҳамда Б. ва гипотезанинг ўзаро муносабати, воқеликни инсон онгида олдиндан акс эттириш ва б. ҳам тегишлидир. Ҳоз. давр жамият ҳаёти барча жабҳаларининг кейинги ривожини илмий мулоҳазаларсиз ва унинг асосида келажакни илмий Б. қилиш асосида олдиндан кўра билишсиз мумкин бўлмайди. Воқеалар давомчилигини олдиндан кўра билишлик, уларни мулоҳаза этиш, ҳодисалар ўзаро алоқалорлигини очиб фан мавжудлигининг зарурияти бўлиб, улар амалий фаолият учун хизмат қилади. Ҳар қандай фан илмий Б.ларсиз уз маъносини йўқотиши мумкин. Ҳар қандай назариянинг қиммати унинг илмий Б. қилиш имкониятлари билан белгиланади.

**БАҚО ВА ФАНО** (араб. бақо — боқилик, барқарорлик; фано — фонийлик, ўткинчилик) — ўрта аср Шарқ фалсафасидаги тушунча. Чексизлик ва чеклилик маъноларини билдиради. Исломий ақидаларда инсон ҳаёти дорилбақо ва дорилфано шаклларида талқин қилиб келинади. Исломи фанида бақо Аллоҳ сифатларидан бири. Тасаввуфда бақо Аллоҳнинг боқий дўсти бўлиб қолиш учун ўзидан воз кечиш, барча яхши сифатларни ўзида мужассам қилиш деб ҳам тушунилади. Фано ўзигада барча ёмон сифатларни йўқ қилиш йўли билан Аллоҳга яқинлик ҳосил қилишликдир. Тасаввуфда солиқ



фано мақомига етгач, Аллоҳнинг ҳақлиги ва улуғлиги тўғрисидаги фикру зикрга фарқ бўлиб, бу фоний дунёдаги жамики нарсаларни унутиб юборади. Бу мақом «фано филлоҳ» деб аталади.

**БАҲОУДДИН НАҚШБАНД**, Муҳаммад ибн Муҳаммад Баҳоуддин ан-Нақшбанд ал-Бухорий (кўпроқ Баҳоуддин ёки Хожа Баҳоуддин, Балоғардон, Хужаи Бузрук, Шоҳи Нақшбанд номлари билан машҳур) (1318 — Бухоро вилояти, ҳоз. Когон тумани — 1389) — машҳур авлиё, нақшбандия тариқати асосчиси. Б.Н. ҳаёти ва таълимоти 14–16-а.ларда ёзилган манбаалар — Салоҳиддин ибн Муборак ал-Бухорийнинг «Анис ул-толибин ва удат ус-соликин» («Толибларнинг дўсти ва солик — ҳақиқат изловчиларнинг жамғармаси»), Муҳаммад Бокир ибн Муҳаммад Алининг «Мақомоти ҳазрат Хожа Нақшбанд», Муҳаммад Порсонинг «Рисолаи қудсия», Яъқуб Чархийнинг «Рисолаи уссия», Шаҳобиддин бинти Амир Ҳамзанинг «Мақомоти Амир Кулол», Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» ва Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарларида ёритилган. Б.Н. устозлари — Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий, Халил Ота, Амир Кулол, Ориф Деггароний, Кусам Шайхлардир. Ўз таълимотини яратишда Юсуф Ҳамадоний, Абдуллоҳиқ Фиждувоний ва б. машойихлар гояларига асосланган. Б.Н. нақшбандия таълимоти асосчиси сифатида хожагон тариқатининг орифлик ақидалари мажмуи-таълимотини акс эттирувчи 8 та «калимаи қудсия»га қуйидагиларни қўшган: 1) вуқуфи замони — инсон замон қандай кечаётганлигидан огоҳ бўлиши, уларга умр, ҳаёт бир марта берилиши, хайрли ва эзгу ишлар қилишлари лозим-

лиги, умрнинг бирор дақиқасини ҳам бекорга ўтказмай, касб-хунар ўрганишлари, фойдали ишлар билан шугулланишлари, ҳар дақиқа-сониядаги амалларида ҳисоб беришлари, гафлатда қолмасликлари ва лоқайд бўлмасликлари; 2) вуқуфи адади — бутун борлиқ ягона илоҳий моҳиятга эга эканлигини англаб, унинг инъикоси бўлганлиги учун бир-бирига боғлиқлиги, ҳар бири илоҳий ҳикмат билан яралганлигини англаш ва уларга муҳаббат билан қараш; 3) вуқуфи қалби — инсон уз қалбидан воқиф бўлиши, доимий уни поклаш зарурлиги. Зикри ҳафийни тасаввуфдаги зикрнинг асосий шаклларида бири сифатида қарор топтирган. Табиат, барча тирик жонзоту ўсимликларга, ҳайвону инсонларга бирдек мутлақ эзгулик, меҳр-шафқат кўрсатишдек орифий талабни илк бор башарият ва коинот, борлиқнинг умумий ва бирдан-бир фундаментал тамойили даражасига кўтарган. Б.Н. маърифатни кенг маънода тушунади. У руҳий камолотнинг асосий мақсадини маърифатли бўлишдир, деб билади. Маърифатни — ижмолий (қисқа) ва тафсилий (тулиқ) деб иккига ажратади. Ижмолий маърифат босқичида далилу ҳужжат воситаси билан, яъни ақлу тафаккур ила амал қилиш мумкинлигини айтади. Тафсилий маърифат мартабаси эса кашф ва аёнлик ила, яъни Тангри инояти орқали ҳосил бўлади, дейди. У илм ва ақлнинг йўли то фано соҳилигачадир, яъни бу моддий олам билан боғланган нарсаларни ўрганишда илм ва ақл кўмаклашади, деб таъриф беради. Фано ҳолатига етиб йўқлик оламига киргандан кейин ҳайрат ва бенишонлик бошланади. Яъни, тафсилий билиш жараёнида далил ва исбот эмас, норационал билиш усуллари зарурлигини айтмоқчи бўлади.

Б.Н. ирфоний жараёнда ақл эмас, рухий билиш, қалб кўзи асосий ўрин эгаллашини таъкидлайди. Б.Н. маърифатли бўлиш жараёнида ҳалол луқма ва ҳушёрликка алоҳида эътибор берган.

Б.Н. Мухосибийнинг ўз-ўзини, нафсини назорат этиш, вақтни қадрлаш гоёларини. Жунайид Бағдодий асослаган ҳушёрлик йўлини. Ҳақим Термизийнинг валийлик таълимоти-ни ривожлантирган.

Б.Н. таълимоти бунёдкорлик руҳи билан сугорилган. Зероки, бу таълимот «Дил-ба ёр-у, даст-ба қор» («Кўнғил худода бўлсин-у, қўл иш билан банд булаверсин») деган шиорни ўзига қоида қилиб олган. Маънавиятимизни юксалтиришда нақшбандийликда илгари сурилган ҳалоллик, меҳнатсеварлик, тўғрилиқ, софдиллик, ўлгаларга ёрдам бериш, саҳийлик, имонли ва эътиқолли бўлиш, меҳр-шафқат каби хулқ-одоб қоидалари катта аҳамиятга эга. 1993 й. Ўзбекистонда Б.Н. таваллудининг 675 йиллиги кенг нишонланди. Унга бағишлаб қатор асарлар нашр этилди, халқаро илмий анжуманлар бўлиб ўтди. Б.Н. номи билан боғлиқ ёдгорликлар қайта тикланди.

**БЕГОНАЛАШУВ** — ижтимоий-фалсафий тушунча; кишининг жамиятдан, уни бошқаришдан, ўзи яратган муносабатлар ва объективлаштирилган нарсалардан четланганлигини билдирувчи ижтимоий жараён. Амалий фаолиятда яратилган муносабат ва нарсаларнинг объективлашиб кишидан ташқарида турувчи, кишини ўз истакларига итоат эттирувчи, ҳатто, ёв сифатида унга қарши турувчи кучга айланиши Б.ни келтириб чиқаради. Инсон қадри ва манфаатлари чеккада қолиб, у объектлаштирилган нарсалар, вужудга келтирилган тизимлар, муносабатлар қадри

улуғланса ҳамда жамиятда мулкий, ирқий, гуруҳий ва синфий табақаланиш авж олса, кишининг жамият ва объектлаштирилган нарсалардан Б.ни янада кучаяди. Г.В.Гегель фалсафасида Б. асосий ўрин эгаллайди. Унинг фикрига кўра, Б. мутлақ руҳнинг моҳияти, хислати, кишининг борлиққа ўзига хос тарздаги муносабати. Б. руҳнинг бегоналашуvidан иборат. Б.ни бартараф этиш эса, унинг ҳақиқий эмаслигини назарий идрок этишдан иборат. Л.Фейербах эса Б.га антропологик нуқтан назардан ёндашган. Яъни, унинг фикрига кўра, Б.ни қўрқув, қарамлик каби кишининг руҳий ҳолатлари келтириб чиқаради. Б.га кишининг руҳий ҳолати деб қараш социология, психология ва ижтимоий психологияда кенг тарқалган. Уларда кишиларнинг ўз кучларига ишонмаслиги, уларнинг руҳий-маънавий заифлиги, зарур чоралар кўришни бекорлик деб эпиши, ижтимоий муҳитда қабул қилинган қоидаларни бузиб ҳаракат қилишга мажбур бўлишни зайқашни, ўзи яшаётган муҳит ёки жамият мақсадларининг ёталиши ёки мақсадларига мос келмаслиги, кишининг ўзидан ўзи қониқмаслиги, ўзидан ўзини бегона сезиши, ўз ижодий кучига ёт фазилат сифатида қарашни қабилар қайд этилади. Индивидуал руҳий хислат ва муносабатларнинг Б.даги ўрнини инкор қилиб бўлмайди. Аммо, бу руҳий ҳолатлар кишининг ижтимоий борлиқ, муҳит ва жамият билан ҳақиқий алоқалари маҳсулидир. Демак, Б. негизда бир-бирига доимо диалектик боғлиқ ижтимоий муҳитга тегишли ҳамда индивидуал ва шахсий омиллар ётади. Бу омилларни тула бартараф қилиб бўлмайди, аммо инсон қадри ва манфаатларини олий мақсадга айлантириш орқали уларни ўзаро мослантириш, мувофиқ-

лаштириш ва уйғунлаштириш мумкин. 20-ада инсон ва табиат захира-ларининг экстенсив исроф қилиш амалиёти Б. масаласининг ижтимоий ва инсоншунослик фанларида янги маъно касб этишига олиб келди.

**БЕДИЛ** (тахаллуси; асл исми Мирзо Абдулқодир) (1644, Бенгалия, Азимобод ш. – 1721, Деҳли) – Ҳиндистонда яшаб ижод этган машҳур шоир ва мутафаккир. Ота-бобоси кеш (шаҳрисабз)лик, туркий барлос уруғидан. Форс тилида ижод қилган. Б. ўзининг «Ирфон» («Билим», 1711–12; «Комде ва Мудан», «Нукот» асарлари ҳам шунинг таркибидан), «Чор унсур» («Тўрт унсур», 1703), «Рубо-нёт» номли асарларида Юнонистон мутафаккирлари Пифагор, Платон, Аристотель, Гиппократ, Демокрит, Эпикур меросига мурожаат қилди, Жомий, Саъдий Шерозий, Навоий ва б. мутафаккирларнинг аъёналарини ҳаёлом эътирд. Б. ўз асарларида Аристотелнинг фалсафий ва табиий-илмий қарашлари ва Ал-Киндий, Фарабий, Ар-Розий, Ибн Сино каби мутафаккирларнинг аъёналарини тасаввуф таълимоти билан яқинлаштиришни мақсад қилиб қўйган. Унинг қарашларига кўра, рудий борлик ва моддий олами, вужуди вожиб ва вужуди мумкинни бир-биридан ажратиб бўлмайди, чунки ягона илҳиз икки хил дала бермаганидек, «ҳақиқат ҳам ҳар хил қисмларга бўлинмайди». Б. Алоҳқа бўлган ишқни барча нарсадан юқори қўяди. Оламда содир бўлаётган барча ҳодалар табиий жараёндир, табиат – ижодкор, ўзгариш бу – мутлақ йўқ бўлиш эмас, бирон нарзанинг интиҳоси бошқа нарсаларнинг ибтидосидир, дейди. Улар пайдо бўлгунга қадар яширин ҳолда руҳлар ҳақиқатида макон топади. Буни кўзанинг гупроқда яширин имконият тарзида мав-

жудлигига қиёсласа бўлади. Нарсаларда улар пайдо бўлганидан кейин фикр ўзига хос тарзда намоён бўлишини баён қилади. Унингча, инсоннинг билиш имкониятлари чексиз, чунки унга буюк неъматлар – сезги аъзолари, ақл ва уларнинг фаоллиги инъом этилган. Ақл ўз вазифасини ҳид билиш («шома»), кўриш («биноий»), таъм сезиш («зоика»), эшитиш («шунидани») ва тана орқали сезиш («ломиса») ҳамда фикр («хаёл») кўмагида амалга оширади. Ақл олам сирасероридан инсонни воқиф қилади. Имоннинг нури ақл туфайли. Инсон илм орқали маънавий камолотга эриша олиши мумкин бўлганидек, ахлоқий фазилатлар қанотида илм-ирфонни эгаллайди. Б.нинг фикрича, ахлоқ – инсон жавҳари, ҳирс эса шу жавҳарнинг заволдир. Фазлу камол завқи кам топиладиган фазилатдир. Дўстлик инсон камолотини безаб турадиган фазилат. Шундай экан, агар душманингни дўст қила олмасанг, дўстингни душманинга айлантирмаслигинг лозим. Таъби илиқ, дили беғубор кишида ҳасратга ўрин йўқ, лекин, совуқ таъб кишидан яхшилик исташнинг нафи йўқ, чунки музлаган чечакнинг ҳиди бефайз ва ёқимсиздир. Б. жамият, давлат ва уларнинг моҳиятига алоҳида эътибор қаратди. Ижтимоий тараққиётда иқтисодий омил устунлигини таъкидлади. Деҳқоннинг меҳнати туфайли аҳолининг сони тез суръатда ўсиб боради, ҳунарлар, илм-фан, савдо-сотиқ, тижорат юзата келади ва ривож топади. Қўл хизматини тил орқали, тил хизматини эса қўл воситасида амалга ошириб бўлмаслигини баён этади. Б.нинг ижтимоий-фалсафий, айниқса, жамият тўғрисидаги гоаяри, адабий аъёналари Зебуннисо, Анбар отин, Дилшод отин, Муқимий, Фурқат, Аҳмад До-

ниш, С.Айний ижоди ва дунёқарашининг шаклланишига самарали таъсир кўрсатган.

**БЕЛГИ** — моддий, ҳиссий равишда идрок этиладиган предмет, воқеа ва ҳаракат. Бу ҳаракат билишга кўрсатмалар, ишоралар ёки бошқа предмет, хусусият, муносабатларда намоён бўлади. Б. тушунчаси фалсафа, математик, тилшунослик, психология, социологияда таҳлил қилинади, яъни инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳамма фанларда муҳим ўрин тутadi. Антик файласуфлар (Платон, Аристотель, стоиклар), 14–18-а. мутафаккирлари (Локк, Лейбниц, Кендильяк) билишда Б.ларнинг ролига катта эътибор берар эдилар. 19–20-а.ларда тилшунослик ва математик математик Б.ни тадқиқ қилишга кўп янгилик киритди. Б. ҳақида махсус фан — семиотика вужудга келди. Б.лар тил ва ғайритил Б.ларига бўлинади. Ғайритил Б. ҳам ўз навбатида белги-нусхалар, белги-аломатлар, белги-сигналлар ва ҳ.к.га бўлинади. Б.нинг ахборот уватиш жараёни билан алоқаси муҳимдир. Бирон моддий объектдан иборат бўлган Б. бошқа бирон нарсага белгилөө учун хизмат қилади. Б.нинг предмет маъносини, мазмун маъносини, экспрессив маъносини аниқдамасдан туриб Б.ни тушуниш мумкин эмас.

**БЕРГСОН** Анри (1859.18.10 — Париж — 1941.4.1) — француз файласуфи, фалсафадаги интуитивизм ва ҳаёт фалсафаси оқимлари вакили. Коллеж де Франс проф. (1900), Франция академияси аъзоси (1914), адабиёт соҳаси бўйича Нобель мукофоти лауреати (1927). Б. 19-а. француз руҳиятшунослик анъаналарини давом эттирди. У «позитив метафизика»ни вужудга келтириш вазифасини илгари сурди. Б. «позитив метафизика»сининг асосий талаблари — бевосита

тажрибага суяниш, унинг ёрдамида мутлақликка эришиш. Б. фикрига кўра, метафизикада иккита асосий тушунча бор: ҳақиқий, аниқ вақт (давомийлик) ва унга эришадиган ҳақиқий фалсафий услуб сифатидаги ноинтеллектуал интуиция. Б.нинг «Онгнинг бевосита маълумотлари» асари (1889)да давомийлик ҳамма онгли, руҳий жараёнларнинг асоси сифатида тушунилади. Давомийлик фандаги маъхум вақтдан фарқли равишда доимий янги шакллари ижод қилиш билан аниқланади. У доимий шаклланиш, ўтмишни ҳозирга аста-секин айланиши келажакни, эркинликни башорат қилиб бўлмастидир. Интуиция давомийликка эришиш услуби сифатида интеллектуал билиш услубига қарама-қарши туради. У онг ҳодисалари, ҳаёт олдида кучсиздир, амалий ва ижтимоий эҳтиёжларга бўйсиндирилган, у фақат инсбий билим беради, мутлақ билим бера олмайди. «Материя ва хотира» асари (1896)да Б. интеллект ҳақидаги концепциясини ривожлантириб, ҳиссий функциялар, уларга хос бўлган қабул қилиш, ақлга асосланган қабул қилиш муайян кўниккан шароитга мослашиб ҳаракат қилади, амалий ҳаракатларни рўёбга чиқаради, буюмларнинг ўзи реаллик ҳақида тасаввурларни вужудга келтира олмайди, деган тезисни илгари суради. Билиш назариясини Б. эволюцион таълимот орқали асослайди. «Ижодий эволюция» асари (1907)ни Б. Плотин фалсафаси таъсирида ёзди. Бу асар эволюцияда муайян режа, мақсадни кўрадиган механистик ва илоҳий эволюционизмга қарши яратилган. Б. фикрига кўра, эволюциянинг мақсади олдинда эмас, балки орқадидир. У «порглоб» шаклида амалга ошади, ҳаётнинг жараёнининг очилишига олиб келади. Ҳаёт тушунчаси онг жараён-

ларига ўхшаган ҳолда тузилади. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳаёт ижодкорлик оқимига айланади, узлуксиз сифатий кашфиётлар, ўзгаришлар содир бўлади. Интеллект ва интуицияни Б. объектив шартланган ҳаёт ва билиш шакллари сифатида тасвирлайди. Улар дастлаб ҳаётини жўшқинлик орқали бирлашади, лекин эволюция жараёнида ажралади, ривожланиш даврида қарама-қарши хусусиятларга эга бўлади. Б.нинг эволюция назарияси «Ахлоқ ва диннинг икки манбаи» асари (1932)да ўз ниҳоясига етади. Унда ижтимоий-ахлоқий ва диний қарашлар баён қилинади. Б. ўзига хос бўлган «муқим-статик» ахлоқ ва динга эга аждодлар манфаатини, урф-одатларини ҳимоялашга буйсундирилган «ёпиқ жамиятга» қарши «очиқ жамиятни» (унга хос «ҳаракатчан-динамика» ахлоқ ва динга эга) қўяди. Бу жамият инсоният эзгулигига хизмат қиладиган алоҳида танланган шахсларга, «буюк қаҳрамонлар»га ва диний арбобларга эга. Биринчи турдаги жамият. Б. фикрига кўра, эволюциянинг боши берк кўчасига ўхшайди ва абадий доирада ҳаракат қилишига маҳкум этилган. Фақат «очиқ жамият» вакилларигина инсониятни кейинги эволюцион жараёнга бошлаш мумкин, ҳаётини жўшқинликни очишига олиб келади. Б. фалсафаси персонализм, экзистенциализм, католик модернизм, А.Тойнби, П.Тейяр де Шарден фалсафий қарашларига катта таъсир кўрсатди.

**БЕРДЯЕВ** Николай Александрович (1874.6.3, Киев — 1948.23.3, Кларам, Франция) — рус файласуфи ва публицист. Киевдаги Авлиё Владимир ун-тида ўқиган. 1898 йлда «Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш иттифоқи» билан боғлиқ бўлгани ва марксизмни тарғиб қилгани учун ундан ҳайдалган. 1900 йда Вологдада,

кейин Житомирда бадарга қилинган. 1904—1908 й.лар Петербургда, 1908 й. Москвада яшаган. Ўзининг дастлабки адабий фаолиятида легал марксизм томонида бўлган, кейинчалик Маркс таълимотига қарши чиққан. Кадетлар фирқасида бўлган. Москва ун-тида фалсафа фанидан дарс берган. 1922 й.да хорижга сургун қилинган. 1925 й.дан Францияда яшаган. Асосий асарлари: «Ижтимоий фалсафада субъективлик ва индивидуаллик» (1901), «Озодлик фалсафаси» (1911), «Ижод мазмуни» (1916), «Тенгсизлик фалсафаси» (1923), «Янги ўрта аср» (1924), «Озод руҳ фалсафаси» (1927—1928), «Инсон бурчи ҳақида» (1931), «Парадоксал этика тажрибаси» (1931), «Рус гоёиси» (1946), «Эсхатологик метафизика тажрибаси» (1947). «Ижод мазмуни» асарида инсоннинг икки дунё — бу «дунё» (мазкур дунё, инсон ҳаётининг эмпирик шароитлари, унда тарқоқлик, бўлиниш, душманлик, қуллик ҳукм суради) ва ҳақиқий дунё (кўштирноқсиз дунё, «коинот», идеал турмуш, унда муҳаббат ва озодлик ҳукм суради)га мансуб эканлиги тўғрисидаги дунёқарашни ўз ифодасини топган. Инсоннинг вазифаси тутқунликдан ўз руҳини озод қилиш, «қулликдан озодликка чиқиш, душманлик «дунёсидан» фазовий муҳаббатга ўтиш». Бунга фақат инсонга берилган қобилият, ижод тўғривали эришилгани, чунки инсон табиатан ижодкор, худонинг тимсоли ва унинг аксидир. Бу гоёлар Б.нинг кейинги асарларида, жумладан, унинг «Европада христиан экзистенциализми» асарида ўз ифодасини топди. Бунда мавжудотнинг бош субъекти руҳ бўлиб қолади. Объективлаштириш дунёсидаги дин мураккаб ижтимоий ҳодисадир. Тарих охирини Б. объективлаштиришни янгилаш, дунёнинг,

борлиқнинг янги сифат даражасига ўтиши, деб тушунади.

**БЕРКЛИ** Жорж (1684.12.3. Дайзарт-Касл, Ирландия — 1753.23.1, Оксфорд) — инглиз илоҳиёт олими ва файласуфи, субъектив идеализм вакили. Унинг таълимотига биноан, ташқи дунё идрок ва тафаккурдан мустақил ҳолда мавжуд эмас, аксинча нарсалар қандай идрок қилинса, шундай ҳолдагина мавжуддир, инсон тасаввури ундаги илоҳий руҳнинг инъикосидир. Асосий асарлари: «Инсон билимларининг принциплари ҳақида трактат» (1710), «Гилас ва Филонус ўртасидаги уч суҳбат» (1913), «Ал-сифрон» (1732), «Сейрис» (1744). Б.нинг таълимоти эмпириокритицизм каби оқимларнинг шаклланишига асос бўлган.

**БЕРТАЛАНФИ** Людвиг Фон (1901.19.9. Атцгерддорф, Австрия — 1972.12.6. Буффало, АҚШ) — австриялик биолог, тизимлар умумий назарияси асосчиларидан. Б. объекتلарни ўрганишнинг ўзига хослигини аниқлади. Фанлар объектнинг қием ва унсурларини ўрганиб, уни яхлит ҳолатини эътибордан четда қолдирди, ваҳоланки, яхлит ҳолатдаги объект ўз бўлаклари йиғиндисидан фарқ қилади, дейди. Бундан ташқари, у ҳар бир фаннинг ўз метод, тушунча ва қондаларидан фойдаланган ҳолда объектни тадқиқ қилди, кўп ҳолларга воқеалар бир неча фанларга алоҳида ёндашувни талаб этди. Б. ўрганилаётган ҳодисаларга тизимли ёндашиш кераклигини таъкиф этди. У тизимларнинг ўзига хослигига қараб, уларнинг реал ҳаётда мавжудлигини, очиқ турда эканлигини, бир-бирлари билан ўзаро муносабатда бўлишини, ўз тарихий эволюцияси давомида янги шаклларни ўзига мужассамлаштиришини эътиборга олди ва умумий на-

зария асосини, янги тизимларнинг расмий аппаратини, билишнинг турли соҳалари изоморфизминини яратди. Унинг фикрича, тизимли ёндашувда нафақат унсурлар ва уларнинг функциялари, балки ушбу унсурларни бир бугунликка йиғувчи муносабатлар ҳам ўрганилмоғи лозим. Ушбу муносабатлар ўз унсурлари хусусиятларидан мустақил равишда фаолият кўрсата оладиган, тизимларни аниқлашда муҳим аҳамият касб этадиган бўлмоғи шарт. Тизимлар ўз ичига иерархия босқичларига эга бўлган кичик тизимларни олишлари билан бирга ўзлари бошқа йирик тизимда бўлишлари мумкинлигини кўрсатди. Шунинг учун тизимли ёндашув чоғида қайси иерархия поғоналарини ўрганиш лозимлигини аниқлаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Умумий тизим назарияси умумий концептуал аппаратни ишлаб чиқишга қаратилган. Б.нинг фикрлари кибернетика, психотерапия, экология ва менежмент тараққиётига жиддий таъсир кўрсатди.

**БЕРУНИЙ**, Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад (973.4.9, қадимги Қот ш. — 1048.11.12, Ғазна, ҳоз. Афғонистон) — улуг ўзбек мутафаккир олими, ўрта асрнинг буюк даҳоларидан. Илм-фаннинг барча соҳаларида самарали ижод этиб, 152 та китоб ва рисола ёзган, шулардан 28 таси бизгача етиб келган. Ҳоз. вақтда Б.нинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Геодезия», «Минералогия», «Масъуд қонуни», «Мунажжимлик санъатидан бошлангич тушунчалар» асарлари, Ибн Сино билан ёзишмалари турли тилларга таржима қилинган ҳамда нашр этилган.

Б.нинг табиий-илмий қарашлари муҳим аҳамиятга эга. У тажриба ва кузатувлар орқали Ой ва Қуёшнинг

тутилиши, уларнинг Ердаги ҳаётга таъсири, гидрогеология, иқлим, календар (тақвим), сақланиш каби мураккаб муаммоларни янги метод ва ёндашувлар кўмагида ҳал этишга эътиборини қаратди. Одамлар яшайдиган аҳоли манзиллари, маъдан ва металлларнинг солиштирма оғирлигини белгилаш, табиий ва сунъий танланиш ғоялари, оламнинг хилма-хиллиги ҳақидаги башоратлар, тажриба-синов ва кузатувга изчил муносабатда бўлиш аллома илмий фаолиятининг сержило қирраларидир.

Олимнинг борлиқ тўғрисидаги ғоялари унинг табиий-илмий қарашлари билан узвий боғланган. Унинг эътиборини борлиқ, материя, фазо ва вақт, қонуният, зарурият ва тасодиф, сабаб ва оқибат, ҳаракат ва ривожланиш, зиддият каби муаммолар жалб этади. Аристотель, Форобий ва Ибн Синонинг «турткисига» ҳайрихоҳлик билдирмаса-да, пиروвард натижада оламнинг Аллоҳ томонидан яратилганлигини эътироф этади. Б. фазо ва вақт конкрет мазмун касб этишини ва уларнинг муайян ашёлар билан чегараланганлигини танилади. Унинг фикрича, абдийлик биринчи сабаб билан боғлиқдир, чунки у яратувчининг умридир.

Б.нинг тараққиёт, қонуният, зарурият ва тасодиф ҳақидаги мулоҳазалари беҳад қизиқарлидир. Мас., дарахт баргларининг сони ҳам заруриятдан холи эмас. Баргларнинг миқдори камдан-кам еттига ёки тўққизга бўлади. Қатъий зарурият ва қонуният тамойилларига бўйсунадиган ҳодисаларга даврий тарзда содир бўладиган жараёнлар кириди. Бунга мисол тарихида ҳайвонларнинг урчиши, ўсимликларнинг чангланishi, экинларнинг экилиши, меваларнинг пайдо бўлиши кабиларни олиш

мумкин. Лекин, зарурият ва қонуният тасодиф билан узвий алоқала бўлади, чунки ҳамма нарсалар ҳам муайян вақт, тартиб, фазода руй беравермайди.

Б. дунёқарашда билиш муаммолари устувордир. Жонли мушоҳада ақлнинг яқин кўмакчисидир. Ақл жонли мушоҳада етказиб берган маълумотларга таянган ҳолда ашёларнинг ички моҳиятига кириб боради. Инсон ўзининг табиат ҳодисаларини билишга бўлган интилишида икки нарсадан илҳомланади. Булардан бири — Аллоҳ томонидан азалдан берилган табиий қизиқиш, барча нарсаларнинг мазмун-моҳиятига етиб боришга бўлган интилишдир. Иккинчиси эса, билиш туфайли қўлга киритилган ютуқлардан манфаатдорликдир. Унинг фикрича, «агар фанга асосланилмаса, ундан воз кечиш лозим бўлар эди». Фаннинг асосий вазифаси ҳақиқатнинг тантана қилишига хизмат қилишдир. Янглишиш, ёлғон-яшиқнинг фанга кириб келишига сафсатабозлик, салафлар эришган ютуқларга танқидий ёндашмаслик, тадқиқотчининг ноизчиллиги, илмдаги сусткашлик, объектни тадқиқ этишни оддий ҳайратланиш билан қарши олиш, билиш субъектининг хасталиги ёки табиий ҳолатдан четга чиқиши, уқувсизлик, нодонлик, қайсарлик, тарафкашлик ва б. сабаб бўлади. Билимнинг чин ёки ёлғонлиги тажриба-синов, кузатув мезони орқали аниқланиши шарт.

Б.нинг фикрича, инсон Аллоҳ томонидан яратилган. Унинг ҳаёти ва фаолияти моддий омиллар асосида кечади. Одамларнинг бир-бирлари билан бирлашиши, жамятнинг пайдо бўлиши моддий эҳтиёжлар натижасидир. Кишилар ўз ҳолича зарурий эҳтиёжларни қондира олмайдилар. Айнан шу зарурият уларни бирла-

шишга даъват этади. Меҳнат инсоннинг буюк бурчи, чунки ҳар қандай орзу қилинган мақсад меҳнат туфайли рўёбга чиқади. Пул ижтимоий муносабатларнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Лекин шу билан бирга пул зўравонлик, мажбуран меҳнат қилинишига ҳам сабаб бўлади.

Унинг юксак орзусига кўра, жамиятни бошқариш амалдорлардан ўз ҳузур-ҳаловатларидан муайян аниқ муддат мобайнида маҳрум бўлишни, зўравонлардан жабрланувчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, гуноҳкорларни эса жазолашни тақозо этади. Мағрибда жамиятни бошқариш «юқори тоифа кишилари ва деҳқонлар» орасида навбатма-навбат амалга оширилар экан. Идора қилиш муддати тугагач, ҳукмдор масъулиятли вазифани соғ-саломат ўз зиммасидан соқит қилганлигига атаб, фуқароларга зиёфат берар, кишиларга совғалар ҳадя қилар экан. Одиал ҳукмдорнинг вазифаси юқори ва қўйи табақа кишилари ўртасида адолат ўрнатиш, кучли ва ожизлар ўртасида тенгликни барқарор этишдан иборат. Б. «Тенглик ҳукмронлик қилган жойда қайғу-алам ва очофатлик ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади», деган гоани илгарин сурати.

Б. ўзининг табиий-илмий, фалсафий, ижтимоий қарашлари билан жаҳон фалсафий тафаккури равиқига самарали ҳисса қўшди. Мутафаккир қолдирган маънавий дурдоналар миллий ўзликни англашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

**БИЛИМ** — борлиқнинг идеал образи. Б. ижтимоий-тарихий амалиётда текширилган ва мантиқан тасдиқланган, воқеаликнинг билиш жараёнида эришилган натижаси; шу воқеаликнинг инсон онгида тасаввур, тушунча, муҳокама, идрок ва назари-

ялар орқали ифодаланган инъикоси. Кишиларнинг табиат ва жамият ҳодисалари ҳақида ҳосил қилган маълумотлари; воқеаликнинг инсон тафаккурида акс этишидир. Б. кенг маънода тасаввур, тушунча, назариялар йиғиндиси. Тор маънода Б. бирор предмет ҳақида тушуниш ва қўйилган мақсадга етиш имконини берувчи ахборотдан иборат. Б. тасаввурларимизнинг атрофимиздаги воқеа ва предметларга мос келиши бўлиб, у бизга маълумотларни тушуниш ва муаммоларни ҳал қилиш имконини беради.

Б. тушуниш сифатида эътироф этилади. Б.нинг тушуниш даражаси ва чегаралари индивиднинг психофизиологик имкониятлари ва индивид яшайётган ижтимоий-маданий борлиқ билан боғлиқдир. Воқеалик ҳақидаги билган маълумотларимизнинг Б. даражасига кўтарилиш мезонлари қўйидагилардан иборат: биринчидан, бу маълумотлар воқеаликка мутаносиб бўлиши; иккинчидан, етарли даражада ишонarli бўлиши; учинчидан, бу маълумотлар далиллар билан асосланган бўлиши лозим. Бу шартлар бажарилса, мавжуд маълумотлар билим даражасига кўтарилади. Б. турли мезонларга кўра тавсифланади. Билимнинг дастлабки таснифини Аристотель асарларида кўриш мумкин. У Б.ни мазмунига кўра назарий ва универсал ҳамда маълум амалиётга асосланувчи Б. турларига ажратган. Адабиётларда илмий, фалсафий, диний, шахсий, ижтимоий, очик, яширин, қолданган ва қолданмаган, интуитив ва рефлексив, кундалик ва бошқа Б. турлари тавсифланади.

Б. инсоний қадриятлардан бирidir. Шу сабабли жамиятда тўпланган илмий Б.лар ўз далиллари билан биргаликда одамларнинг хилма-хил амалий ҳаракатларига асос бўлган



умумий бойликни ташкил этади. Бутун ижтимоий амалиёт ва ижтимоий муносабатлар тизими эгалланган Б.ларнинг барчасини ўзида намоён этади. Ана шу Б.ни умумий тажрибага айлантиради. Тажриба эса Б. ҳақиқийлигининг мезони ҳисобланади. Буни ислом цивилизациясининг ривожланиши мисолида кўришимиз мумкин. Ислום цивилизацияси ривожланиши асосида Б. концепциясининг мавжудлиги ётади. Зеро, ўша даврда мавжуд бошқа цивилизацияларда бу ҳол учрамайди. Б. концепцияси ислом оламининг илм-фан соҳасида улкан ютуқларни кўлга киритиш имконини берди. Натижада оддий мусулмоннинг кундалик фаолиятдан тортиб, ислом маънавий, сиёсий, диний ҳаёти ҳам Б.га асосланган ҳолда ривожланди. Ислום оламида Б. сиёсий қонунчилик бошқарувининг ҳам асосий шартларидан бири эди.

Б.га нисбатан технологик ва экзистенциал ёндашувлар мавжуд. Б.га экзистенциал ёндашув 20-а.нинг иккинчи ярмигача устувор бўлиб келди. Унда Б. қандай мавжуд бўлади, унинг ўзи қандай, Б. қандай ривожланади каби саволларга жавоб изланади. Б.га технологик ёндашувда, асосан, билимларни эгаллаш, сақлаш ёки қайта ишлаш, билимларни намоён қилиш усуллари ўрганилади. Б.га технологик ёндашувга ҳозирда шаклланиб келаётган ахборот эпистемологиясини мисол қилиш мумкин. Унда Б.ларни намоён қилишнинг турли усуллари ва техник системалар ёрдамида Б.ларни қуриш имкониятлари ўрганилади. Бундан ташқари, одатдаги фан соҳаларида таъқиқ этиладиган экзотерик (кузга танланадиган) ва эзотерик (пинҳоний) Б.турлари тавсифланади. Экзотерик Б.лар илм-фан қоидаларига зид келмаслиги, эзоте-

рик Б.лар эса бундай қоидаларга зид келиши мумкин.

Б. моҳияти фалсафада доимо асосий муаммолардан бири бўлиб келган. Буни антик давр файласуфлари, Сократ, Аристотель асарларида ҳам кўриш мумкин. Аммо Б.нинг ўсиши, ривожланиши муаммоси биринчи бор фалсафадаги постпозитивизм концепцияси вакиллари К.Поппер, Т.Кун, И.Лакатос, П.Фейерабе томонидан кўриб чиқилган. Мас., Поппернинг Б.нинг ўсиши концепциясида Б. ўсиб борувчи яхлитлик ҳисобланади. Олимнинг таъкидлашича, Б.нинг ўсиши оддий кузатишлар йиғиндиси эмас, балки назарияларнинг рад этилиши, уларнинг афзалроқларига алмаштириш, шунингдек хатоларни бартараф этишдан иборат.

Постпозитивизм вакилларида бири Т.Кун эса фан ривожланишининг умумий механизмини «нормал фан» ва «нокумулятив сакрашлар» (илмий инқилоблар) нинг яхлит бирлиги сифатида эътироф этади. Лакатос эса фаннинг ўсишини илмий тадқиқот дастурларининг алмашинуvidан иборат деб ҳисоблайди.

Б. табиий ва сунъий тилларнинг белги-символ воситалари ёрдамида ифодаланadi. Б.нинг кенг объективлашуви ва тарқалишига ёзув ва китоб чоп этилишининг вужудга келиши инқилобий таъсир кўрсатди. Компьютер технологиялари ва электрон коммуникация тизимларининг ривожланиши натижасида эса Б.ларни қайд этишнинг ахборот банки, эксперт тизимлари ва ҳ.к. тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

**БИЛИШ** — инсон фаолиятининг объектив воқеликни онгда акс эттиришга қаратилган ижтимоий-тарихий жараёни. Жамият ақл-идроқка эга бўлган кишилар ўртасидаги моддий ва маънавий муносабатлар

ҳамда боғланишларга асосланган мураккаб тизим бўлиб, у доимо ривожланишда бўлади. Жамиятдаги барча ҳодисалар кишилар ўртасидаги муносабатларни ифодалайди, бу муносабатларни эса инсон ўз фаолияти орқали амалга оширади. Инсоннинг Б. фаолияти ижтимоий муносабатларни акс эттиради. Уларнинг тарихий тараққиёти мураккаб, зиддиятли жараён бўлиб, унинг натижасида олинган билим объектив борлиқдаги турли-туман боғланишлар ва муносабатларни тушунча, қонун, тамойил, назария ва ҳоказолар сифатида акс эттиради. Шунинг учун объектив дунёни ўргатар эканмиз, интелкос объектининг ўзи эмаслигини, унинг объект билан айнан эмаслигининг доимо эсла тутишимиз лозим. Б. воқелик қонунларини очиб бериб, табиатнинг буюм-ашёларини уларнинг ҳар томонлама бойлиги ва хилма-хиллиги билан таявин-маънавий шаклда қайта ҳосил қилади. Ташқи олам буюмлари Б. объеклари бўлганлиги сабабли инсон фаолияти доирасига тортилади, инсоннинг фаол таъсирига йўлиқди, фақат ана шу ҳолат туфайли уларнинг хоссалари очилиб, намён бўлади. Ўз тараққиётида Б. муайян босқичлардан ўтади, унинг босқичлари оламни акс эттириш даражасига, Б.нинг шакл ва методларига қараб бир-биридан фарқ қилади. Инсоннинг Б. фаолияти ҳиссий ва ақлий Б. шаклларига ажратилади. Ҳиссий Б. жонли мушоҳада бўлиб, билимнинг дастлабки манбаидир. Ҳиссий Б.да нарса ва ҳодисалар бевосита акс эттирилади. Ҳиссий Б.нинг сезги, ҳиссий қабул (ёки идрок), тасаввур каби шакллари мавжуд. Ҳиссий Б. босқичида нарса ва ҳодисаларни алоҳида-алоҳида, бир-биридан ажратил-

ган ҳолда акс эттираемиз. Шу сабабли бу босқичда нарса ва ҳодисалар ўртасидаги алоқадорлик, боғланиш назардан четда бўлади ва уларнинг моҳияти очилмай қолади. Ҳиссий Б. жараёнида сезгиларимиз ақлий Б. учун замин, муайян далиллар тайёрлайди. Ақлий Б. бу — далилларга асосланиб, нарса ва ҳодисалар, уларнинг хусусиятлари ўртасидаги ухшашликни аниқлайди, уларни умумлаштиради ва объектив дунё қонунларини Б.га қаратади. Шу билан бирга тафаккур нисбий мустақилликка ҳам эга, бу эса тафаккурнинг воқеликка бевосита мувожазасиз, мантиқий ҳулоса чиқариш ёрдамида амалга оширилади қўринади. Ҳиссий Б.дан ақлий Б.га ўтиш сифат ўзгариши ҳисобланади. Ақлий Б.нинг шакллари — тушунча, ҳукми ва ҳулоса. Илмий Б. инсон фаолиятининг эмпирик Б. билан назарий Б.нинг ҳамбарчас боғлиқлигидан иборатдир. Эмпирик Б. инсоннинг нарсаларга бевосита (ёки асбоблар ёрдамида) таъсир кўрсатиши жараёнида юзага келади. Унинг методлари кузатиш, таъсирлаш, тажриба, ушловдир. Назарий Б. инсон воқелик ҳодисалари моҳиятини чуқур англаб олишидир. Унинг шакллари маъхумлик ва муайянлик, моделлаштириш, формализациялаштириш, назариялар яратиш ва б.дир. Б. жараёнида инсон турли мантиқий методлар (анализ ва синтез, дедукция ва индукция ва б.)дан фойдаланади. Бу методлар ўрганиладиган объектга назарий жиҳатдан такроран, яхлит ёндашувни, нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиш жараёнини акс эттиради. Б.да тил ва турли белги тизимлари ҳам катта аҳамият касб этади, чунки уларда инсон Б. фаолиятининг натижалари ўз ифодасини топади. Фалсафий

Б.нинг ўз қонун ва талаблари мавжуд. Фалсафа Б.нинг умумий назарияси сифатида намоён бўлади. Аристотелнинг айтишича, алоҳида фанлар борлиқнинг айрим томонларини ўрганса, фалсафий Б. борлиқнинг энг умумий томонларини ўз ичига олади, фалсафа кенг кўламдаги тоифалар, тушунчалар воситаси билан ғояларни умумлаштиради. Фалсафий Б.нинг назарий билим сифатида ўз вазифалари бор. Маълумки, инсонга хос бўлган хусусият, бу ўз билимини доимо чуқурлаштиришга интилиш, билим чегарасини янада кенгайтиришга ҳаракат қилишдир. Фалсафий Б. дунёни кенгроқ, чуқурроқ идрок этишдан иборат. Инсон кундалик тажриба асосидангина эмас, балки ўз тафаккури имкониятларидан ҳам кенг фойдаланади. Бу ҳар бир кишига хос хусусият бўлиб, инсон ақли, идроки, фикри кучдир. Фалсафий Б.нинг моҳиятини яхшироқ тушуниш, ҳис қилиш учун «Нималарни Б.имиз мумкин?», «Дунёни Б. мумкинми?», «Агар дунёни Б. керак бўлса, фан унинг қайси томонини билди, фалсафага Б.нинг қайси масалалари қонади?», «Олинган билимларнинг тўғрилиги ва ҳақиқатлигига қандай қилиб кафолат берилди?» каби саволлар берилди. Ушбу саволлар фалсафага хос бўлиб, бунда муқаррар равишда инсоннинг дунёга муносабати, яъни «дунё-мен» масаласи ўз аксини топади. Шу билан бир қаторда бундай саволларга бирдангина, тўғридан-тўғри жавоб беришнинг қийинлигига фалсафий Б. муаммосининг мураккаблигини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Фалсафий Б. масаласида Шарқ табиатшунос олимларининг фикрлари ҳам эътиборга лойиқ. Ибн Синонинг Б. борасидаги қара-

ши ўзининг табиий-илмий кашфиётларининг аҳамияти билан мустаҳкамланганлиги, табиат фалсафаси ҳақидаги ғояларнинг унда устун бўлиши ила кўзга ташланади. Хусусан бу жиҳатдан, унинг тиббиёт соҳасидаги қомусий билим ва кузатишлари муҳим аҳамият касб этади. Бир неча китобдан иборат биргина «Тиб қонунлари»нинг ўзи унинг тиббиётдаги улкан аҳамиятидан ташқари, олимнинг ўз ғоясига содиқ қолганлигини билдиради. Инсон гавда тузилишини билмасдан туриб, комиллик ғоясини амалга ошириб бўлмайди. Шунингдек, ушбу китобда инсон организми билан муҳит, табиатнинг узвий муносабати каби бошқа масалаларда илмий Б.нинг муҳимлиги ҳамда аҳамияти ҳар томонлама баён этилди.

Абу Райҳон Беруний замонасининг деярли барча билимларини пухта эгаллаган ва уларнинг ривожига муносиб ҳисса қўшган аялломалардан бири бўлиб, мазкур ҳолат унинг табиий-илмий ва фалсафий қарашларининг муайян томонларини аниқловчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Унинг ўз даврининг илмий тадқиқотчиси ҳамда табиатни зийраклик билан кузатувчи олими бўлганлигини «Минерология» асари орқали ҳам билса бўлади. Умуман, Берунийнинг табиий-илмий мероси, унинг аниқ фанлар бўйича кўтарган муаммолари ўз даврида оламнинг умумий манзарасини яратишда, унинг қонуниятлари ҳақида аниқ билимга эга бўлишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бдаги муҳим масалалардан бири ҳақиқатдир. Ҳақиқат нафақат фалсафа, балки бошқа қатор фанлар, чунончи, математика, физика, иқтисодиёт, педагогика, сиёсатшуносликнинг ҳам асосий муаммоларидан бири ҳисоб-

ланади. Фалсафа тарихида ҳақиқат масаласида турли қарашлар мавжуд бўлганлигини кузатиш қийин эмас. Аристотель, ҳақиқатни фикрнинг воқеликка мос келиши, деб қайд этган эди. Ўрта асрнинг машҳур олими Мирзо Улуғбек илми бўлиш, илмий ҳақиқатни ечиш тадқиқотчи учун улугъ фазилат эканлигини, бунинг учун математик восита ва мантикий методлар муҳим аҳамиятга моллик бўлишини алоҳида таъкидлаган.

**БИЛИШ МЕТОДИ** – билиш жараёни тамойили, қонун-қоидаси, талаблар тизими, услуб ва воситаси. Қадимги файласуфлар Б.м.га катта эътибор беришган. Аристотель, Ўрта Осиё мутафаккирлари (Беруний, Ибн Сино, Форобий) билиш жараёнида методнинг тутган ўрни ва аҳамиятини кенг ёритиб берганлар. Б.м. муаммоси янги даврга келиб мустақил ўрганила бошланди. 17–18-а. файласуфлари – Ф.Бэкон, Р.Декарт ва б. бу масалага катта эътибор бериб, унинг яратувчанлик аҳамиятини таъкидлашган. Билиш жараёнида эмпирик ва ақлий методлардан қайси бирининг устуворлиги масаласи илмларни эмпиризм (Ф.Бэкон) ва рационализм (Р.Декарт) йўналишларга буриб юборди. Фан тараққиётни илмий билиш методларини юзага келтириб, билиш ўз навбатида икки поғона – эмпирик ва назарий методларга булинишини, кузатиш, тажриба, тавсифлаш, ўлчаш ва б. эмпирик Б.м.лари сифатида ўрганилишини курсатди. Назарий Б.м.лари деганда мавҳумлаштириш, формаллаштириш, моделлаштириш ва ҳоказолар тушунилади. Лекин ҳозирги кунгача Б.м.лари ривожни фан тараққиётидан анча орқада қолган (Ж.Бернал). Ҳар қандай методнинг бир қанча жиҳатлари, жумладан

объектив моҳияти, операционал, қадриятлилиқ жиҳатлари мавжуд. Биринчи жиҳатда метод назария бўлиб, у орқали нарсанинг жиҳатлари ва моҳиятни билиш ётади, яъни бу ҳолда метод назария билан тенглаштирилиб амалиётда у объектларни билишга қаратилган. Операционал жиҳат асосида субъектнинг билимдонлиги, қобилияти ётади. Қадриятлилиқ жиҳати эса методнинг самарадорлиги, аниқлиги, тушунарлилиги, ишончлилиги каби хусусиятлардан иборат. Замонавий фанлар ривожини турли хил методларнинг шаклланишига асос солди. Фан усулларини турли асосларга кўра, сифат ва миқдор, моҳият ва формал, тарихий, мантикий ва б. методлар сифатида таснифлаш мумкин.

**БИЛИШ НАЗАРИЯСИ** (гносеология, эпистемология) – фалсафа бўлими бўлиб, инсоннинг дунёни билиш имконияти, ўзлигини англаш жараёни, билимлар табиати ва уларнинг мазкур билимларда акс этувчи нарсалар билан ўзаро нисбатини ўрганади, билишнинг билмасликдан билим сари юксалиши тадқиқ қилинади. Қадимги юнон олими Демокрит оламни билиш мумкинлигини таъкидлайди. У билиш жараёнида ҳиссий билимлар ва тафаккурнинг урнини оддий ва содда ҳолда кўрсатади. Ўрта Осиё мутафаккирлари – Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий борлиқни билиш, билиш жараёнида ҳиссий билиш ва ақлнинг роли ҳақида ўз гоёларини илгари сурганлар. Б.н. ҳақида 17–18-а. файласуфлари ҳам ўз фикрларини баён қилганлар. Б.н.нинг асосий муаммоси куйидаги «оддий» масалани ечишдан иборат: бизнинг барча билимларимиз тажрибада синалганми? Бу

саволга жавоб излаш ва масала ечимини топишда гносеологияда икки муҳолиф анъана: билимларимиз тажрибада синалганини қайд этувчи тажрибада ва буни инкор этувчи рационализм тўқнашади. Инглиз файласуфи Ф.Бэкон билиш жараёнида фан ва турмушнинг ўзаро боғлиқ эканлигини таъкидлайди. У, билиш сезишдан бошланади, унинг манбаи тажриба, деган гоёни илгари сурди. Сезгилар орқали олинган объектив олам ҳақидаги билимлар тафаккур ёрдамида тўлдирилади, деган фикри билан Ф.Бэкон Б.н.да ўзини эмпирик эканлигини кўрсатди. Француз файласуфи Р.Декарт эса билиш манбаи тафаккур эканлигини эътироф қилади. Унинг фикрича, билим тажриба билан эмас, ақл билан вужудга келади. Дунёни, унинг моҳияти ва қонуниятлари ҳамда ҳақиқатни билиш мумкинлигини инкор этувчи таълимот фалсафада *агностицизм* дейилади. Агностицизмнинг йирик вакиллари инглиз файласуфи Д.Юм ва немис файласуфи И.Кантдир. Билиш жараёни кўп қирралидир. Инсоният ўз фаолиятида кундалик ва илмий билимлардан фойдаланади. Кундалик билим ҳар бир инсонга тегишлидир ва у касб фаолияти натижасида пайдо бўлмаган. Илмий билим эса, нарса ва ҳодисалар тўғрисида чуқур, махсус хусусиятларини ўзида акс эттирган касбий фаолиятнинг маҳсулидир. Билиш жараёни ўз предмети билан ҳам бир-биридан фарқланади. Табиатни ўрганиш физика, кимё, биология, геология ва б. фанларни вужудга келтиради ҳамда шакллантиради, уларнинг мажмуи эса табиатшуносликни ташкил этади. Инсоннинг ўзлигини ва жамиятни билиши ижтимоий фанларнинг шаклланишига асос бўлади.

Мавжуд диний билим дин ақидалари ва сирларини ўрганишга қаратилгандир. Объектив олам ҳақидаги билимларнинг ҳақиқийлигига амалда гувоҳ бўлиш мумкин. Амалиёт билимларнинг келиб чиқиш манбаи ва ҳақиқат мезонидир. Билиш икки босқичдан: жонли мушоҳада ва мавҳум тафаккурдан иборат. Жонли мушоҳада сезги, идрок, тасаввур орқали ташқи оламнинг мияга бевосита таъсири натижасида пайдо бўладиган инъикос шаклидир. Сезги борлиқни инъикос этишининг бошланғич шакли ҳисобланади. Идрок ҳиссий билишнинг мураккаброқ шакли. Идрок сезги аъзолари берган маълумотларни, яъни бир бутун образни яхлит акс эттиради. Тасаввур мавҳум тафаккурга ўтиш босқичидир. Тасаввур янги образларни аввалги образлар билан таққослаш орқали юзага келади. Билиш жараёнининг жонли мушоҳада ва мавҳум тафаккур босқичлари бир бутун билиш жараёнининг сифат жиҳатдан турлича, айна вақтда, бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган босқичлардир. Мавҳум тафаккур, мантиқий билиш борлиқнинг ривожланиш қонунларини очиб беради. Мавҳум тафаккур шакллари тушунча, муҳокама (ҳукм), хулосадир. Б.н. билишнинг бу босқичларини бири-бири билан диалектик бирликда олиб қарайди. Билишнинг бу икки босқичи бир-бирини тўлдиради ва бойитади. Ҳиссий ва ақлий билиш жараёнининг диалектик бирлиги ҳақиқатга эришишнинг бирдан-бир ягона йўли саналади. Ҳақиқат борлиқни тўла ва чуқур билишнинг энг юқори чўққисидир. Илмий билиш фан орқали амалга ошади. Илмий билишнинг таркибий қисми илмий усулдир.

**БИОСФЕРА** (юн. *bios* — ҳаёт ва *sphaigra* — шар) — Ернинг тирик организмлар тарқалган қобиги. Б.нинг таркиби ва энергетикаси ундаги тирик организмларнинг фаолияти билан боғлиқ. Б.ни «ҳаёт соҳаси», Ернинг сиртқи қобиги тўғрисидаги дастлабки фикрни француз табиатшуноси Ж.Б.Ламарк билдирган. «Б.» терминини эса фанга австралиялик геолог Э.Зюсс киритган (1875). Фалсафий нуқтаи назардан Б. тўғрисидаги таълимотни рус олими В.Вернадский ишлаб чиққан. В.Вернадский ўз тадқиқотларида Ер юзини қоплаган организмлар йиғиндисига «тирик модда» тушунчасини киритди.

Б. атмосферанинг озон экранига-ча баландлиқда бўлган қисми (20—25 км), литосферанинг сиртқи қисми ва гидросферани тўлиқ ўз ичига олади. Б.нинг қўйи чегараси қуруқликда 2—3 км, океан тубида 1—2 км чуқурликкача боради.

Ердаги ҳаёт мураккаб ва хилма-хил организмлар комплексидан иборат. Тирик организмлар ва улар яшайдиган муҳит ўзаро ҳамбарчас боғланган бир бутун динамик система — биогеоценозларни ҳосил қилади.

Ердаги ҳаётнинг ривожланиши давомида организмларнинг бир гуруҳи иккинчисининг ўрнини олиб турган бўлсада, у ёки бу геокимёвий функцияларни бажариб турадиган организмлар нисбати ўзгармасдан қолган. Шу туфайли турли геологик даврларда молдалар бир хил тезликда Ер қобигида тўпланиб борган. Шундай қилиб, тирик организмлар ҳаётнинг муҳим шарти бўлган аорганик муҳитнинг доимийлиги (гомеостаз ҳолати)ни сақлаб туради.

Инсон фаолияти Ер юзини тубдан ўзгартиришга қодир бўлган ҳоз. даврда Б.нинг ривожланиши янги поғонага кўтарилади. Сўнгги йиллар-

да инсоннинг Б.га биокимёвий таъсири бошқа барча тирик организмларга нисбатан жуда катта кучга айланди. Лекин табиий ресурслардан фойдаланишни Б.нинг ривожланиши ва функцияси қонуниятларини назар-писанд қилмасдан амалга оширилиши (мас., ўрмонларнинг кесилиши, ерларнинг ўзлаштирилиши, шаҳарлар, завод, фабрикалар, сунъий сув ҳавзалари, йўллар қурилиши ва б.) Б.даги биокимёвий жараёнларга катта таъсир ўтказмоқда. Ер ости бойликларини қазиб олиб жуда кўп миқдорда ёқилги ёқилиши молдалар алмашинувини тезлаштириб, Б. таркиби ва унинг гомеостаз ҳолатига таъсир кўрсатади. Шу туфайли Б.ни бир бутун, муайян даражада тартибга солинган мураккаб динамик система деб қаралиши унда кечадиган жараёнларни тўғри тушуниб олишга ёрдам беради. Биосфера тўғрисидаги таълимот экология, биоценология ва б. фанларнинг ривожланишида, табиат ва жамиятнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган жуда кўп ўта мураккаб муаммоларни ҳал этишда катта аҳамиятга эга.

**БИОЭТИКА** (юн. *bios* — ҳаёт ва *ethos* — ҳуқ, одат) — ҳоз. замон этикасининг муҳим йўналишларидан бири. Инсон ҳаётига энг олий этик қадрият сифатида қарайди. Шу билан бирга яхшилик ва ёмонликни фарқлашнинг муҳим мезони, деб ҳисобланади. Ҳоз. замон фанида Б. тирик мавжудотлар, шу билан бирга инсонга ҳам бўлган муносабатларнинг этика регулятиви, деб қаралади. Инсоннинг табиат билан узлуксиз боғлиқлигини маънавий таҳлил этиш асосида табиатни муҳофаза этишда ахлоқий жавобгарлик Б.нинг маданий негизини ташкил этади. Б. ижтимоий масалалар билан бярғалиқда қадри-

яллар муаммосини ҳам қамраб олади. Б. вазифаларидан бири шахсни турли ҳолатларга солиш имкониятини яратувчи ҳамда инсон хатти-ҳаракати, руҳиятини ўзгартириш мумкин бўлган хилма-хил тадқиқотларни чеклаш мезонларини ишлаб чиқиш. Б. масалаларининг долзарб масалата айланиши илмий-техника тараққиёти, биотехнология, ирсият технологиясининг ривожланиши билан боғлиқ. Ирсиятга қандай маънавий мезонларга кўра, қайси идеаллар ва қадриятларга асосланиб араланиш масалалари Б.нинг тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилади.

**БИХЕВИОРИЗМ** (инг. behaviour — хулқ, хатти-ҳаракат) — 19-а. охири — 20-а. бошларида психологияда пайдо бўлган йўналиш. Б. асосчиси америкалик психолог Э.Торндайк (1874–1949) ҳисобланади. Б. дастури ва атамаси биринчи марта Ж.Б.Уотсон томонидан киритилган (1913). Б. замирида инсон хулқининг ташқи муҳитда ҳаракатлантирувчи вербал ва эмоционал таъсирлар мажмуасини тушуниш ётади. Б.нинг умумий манбаи сифатида позитивизм фалсафий тамойиллари ангишилади, чунки фаннинг вазифаси бевосита кузатувни таҳлил ва баён этишдан иборат, деб ҳисоблайди. Б. таълимоти бўйича инсонда у тутилган вақтда мавжуд бўлган хатти-ҳаракат ва фаолият тизими инсон тажрибаси давомида мустаҳкамланиб боради ва билишда шартли реакциялар, таъсирлар мажмуи сифатида муҳим роль уйнайди. Б. ҳайвонлар руҳиятини тажрибавий кузатишлар орқали аниқланган шартли рефлекслар услубини ижтимоий ҳаётга татбиқ этмоқчи бўлади. Б. 20-а.нинг 20-й.ларида янада кенг ривожланди, унинг методлари антропология, педагогика ва социологияга татбиқ

этиди. Бихевиористлар руҳиятнинг шартли рефлексор даражасини ижтимоий ҳаётга татбиқ этиб, ижтимоий ҳодисаларни тушунтиришда катта қийинчиликларга дуч келдилар. Руҳиятнинг ижтимоий табиғатини инкор этиш, ундан онг, тафаккур, ирода тушунчаларини чиқариб ташлаш, инсон фаолиятини соддалаштириш ҳақидаги қарашлари кескин танқидга сабаб бўлди. 1930-й.ларга келиб, Б. таълимотини янгилашга уриниш необихевиоризмда ўз аксини топди. Лекин необихевиоризм томонидан киритилган янгилликлар бу таълимотни танқиддан қутқара олмади. Ҳоз. кунда Б. усули асосида таъсирланиш ва жавоб реакциясини урганиш ётади. Бу Б. ўз этика ва социологияси асосини ташкил ётади. Б. тарафдорлари фикрича, инсон руҳиятини маълум бир шароитда ўрганмоқ зарур.

**БОРЛИҚ** — бутун мавжудотни, унинг ўтмиши, ҳоз. даври ва келажакини инфодаловчи фалсафий тушунча. Файласуфлар Б. ҳақида турли гояларни илгари суришган. Ўрга Осие тупроғида вужудга келган зардуштийлик таълимотида Б. Қуёш ва оловнинг ҳосиласидир, алангаланиб турган олов Б.нинг асосий моҳиятини ташкил ётади, деб ҳисобланган. Чунки, зардуштийликда ҳар қандай ўзгариш ва ҳаракатнинг асосида олов ётади ва у Б.қа жон бахш ётади, деган гоя унинг асосини ташкил ётади. Юнон файласуфи Сократ Б.ни билим билан қиёслайди ва унингча, бирор нарса, биз уни билсаккина бор бўлади, инсоннинг билими қанча кенг бўлса, у шунча кенг Б.ни қамраб олади, деб ҳисоблайди.

Қадимги дунёнинг атомист олим Демокрит Б.ни мавжуд бўлган атомлар мажмуасидан иборат, деб тушунтирган. Демокрит фикрича,

Б.нинг моҳияти унинг мавжудлиги-дадир. Мавжуд бўлмаган нарса йўқликдир. Ислом таълимотида эса, Б. илоҳий воқеликдир. Яъни, у Аллоҳ яратган мавжудотдир. Бу борада таълимотлари бўлган. Ислом динига мансуб мутафаккирлар Б. ҳақидаги таълимотни ҳар тарафлама ривожлантирганлар. Мас., Форобийнинг фикрича, илк Б., бу Аллоҳнинг ўзидир, у азалийдир. Берунийнинг фикрича, Б. ҳамма нарсанинг асосида ётади, демак Б. ҳамма нарсанинг асосидир. Европа сенсуалистлари Ж.Беркли ва Д.Юм Б.ни сезгиларимиз мажмуаси, деб таъқин этдилар. Г.В.Ф.Гегель эса, Б.ни мавҳумлик, мутлақ руҳнинг намоён бўлиши, деб таърифлайди. Купгина натурфалсафий қарашларда Б.ни ҳозирги замон, яъни фаол олам билан боғлаб тушунтирилади. Б. объектив ва субъектив реалликни, шунингдек мавжуд бўладиган оламни ҳам ўзига қамраб олади. У моддийлик, маънавийлик, ўтмиш, келажак, ўлим, ҳаёт, руҳ ва жисми қамраб олувчи тушунчадир. Атрофимиздаги одам, олам, табиат, жамият, тафаккур, гоё, ўй-хаёлларимизнинг бари бирдай мавжуддир, улар турли тарз ва шаклларда намоён бўлиб, мавжудлик белгиси остида умумлашиб Б. тушунчасига киради. Б. мавжудлик ва реаллик тушунчаларига қараганда ҳам кенгрок тушунчадир. Мавжудлик Б.нинг ҳоз. пайтда намоён бўлиб турган қисми. Мавжуд бўлиб ўтган ва мавжуд бўладиган нарса ва ҳодисалар ҳам Б. тушунчасига киради. Реаллик эса мавжудликнинг ҳаммага аён бўлган, улар томонидан тан олинган қисми. Б. ўзига реалликни ҳам, мавжудликни ҳам қамраб олади. Анъанавий фалсафий қарашларда Б.нинг учта соҳаси ажратиб кўрсатилади. Уларга табиат борлиги, жа-

мият борлиги, онг борлиги киради. Булар учун энг умумий белги уларнинг мавжудлигидир. Барча мавжуд нарсалар кенг миқёсда «бутун олам», деб аталади. Олам эса моддий ва маънавий, ҳақиқий ва мавҳум, имкониётдаги (виртуал) ва реал, актуал ва потенциал шаклларда бўлиши мумкин. Шунингдек, фалсафий адабиётларда табиат борлиги ва жамият борлиги ҳам фарқланади.

**БОҒЛАНИШ**, а л о қ а д о р л и к , а л о қ а — фазо ва вақт жиҳатидан ажралган ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги. «Б.» тушунчасининг тарихи жуда қадимги даврга бориб тақалади. Антик давр файласуфлари коинотни бир бутун боғланган ҳолда қабул қилиб, ундаги бир ҳодиса иккинчиси билан чамбарчас боғлиқликда, деб тушунтирганлар. Уларнинг фикрича, бир ҳодиса албатта иккинчисидан келиб чиқади. Гераклитнинг фикрича, дунё бир бутун бўлиб, уни олам ҳам, худо ҳам яратмаган, у доим мавжуддир. Р.Декартнинг фикрича, дунёдаги нарса ва ҳодисалар бир-бири билан боғланган, алоқадорликда бўлиб, улар худо томонидан яратилгандир, худо ҳаракатга келтирган, бу импульсни олган табиат «биринчи хаос»ни тартибга келтириб, янги шакллари яратиб бошлаган. Аристотель асарларида Б. муносабат, алоқа категориялари сифатида кўрсатилади. Гегель асарларида эса, у категория даражасига кўтарилиб, тўлиқ мазмуни очиб берилди. «Б.», «алоқа» тушунчалари ҳар бир яхлит системадаги барча элемент ва хоссаларнинг янги структурали бирлигини, шунингдек, айни системанинг бошқа система ёки ҳодисалар билан ниҳоятда хилма хил алоқа ва муносабатларини ифодалайди. Бу алоқа, Б.лар турли кўринишда юз бериб туради. 19-а.га келиб «Б.», «алоқа» тушунчалари тўғрисидаги тасаввур



янада ривожланди. 20-ага келиб уларнинг шакллари мазмунига қараб типларга ажратилди ва таснифланди. Ҳоз. даврда фалсафий адабиётларда ҳаракатнинг шакллари детерминация бўйича таснифланган. Ундан ташқари Б. алоқаларнинг кучи, натижаси, таъсир йўналиши, ривожланиши, бошқарилиши, энергия, модда ва информациянинг бир-бирига ўтиши бўйича ҳам типлари мавжуд.

Бларнинг мазмуни табиат ва жамиятдаги ўзгариш ва ривожланиш жараёнида ўзгариб боради. Мас., собиқ шўро давридаги ички Б. алоқалар республикалар мустақилликка эришгандан сўнг ташқи алоқаларга айланди, яъни билвосита Блар бевосита Бларга айланди. Жамиятдаги алоқа, муносабатлар бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлиб, маълум мазмунга эга бўлади. Мас., халқаро алоқалар иқтисодий, маданий алоқаларсиз мазмунга эга эмас. Жамиятнинг ривожланиши алоқалар, Бларнинг тўғри йўлга қўйилиши ва уларнинг мазмунини амалдаги ишлар билан бойитишга ҳам боғлиқдир. Ижтимоий Блар субъектларнинг муносабатларини ифодалайди. Биргаликда меҳнат қилиш, ўзаро алоқалар ўрнатиш ҳам ижтимоий Бларнинг бир тури бўлиб, маълум бир мақсад сари фаолиятни англатади. Ижтимоий Блар туфайли кишилар бир-бирларининг фикр ва ҳаракатларини тушунишлари мумкин бўлади. Ижтимоий Бларда бузғунчилик билан тартиб, қонуnlарни ҳурмат қилмай, ижобий муносабатлардаги мувозанатни бузиш асосида ҳам одамлар бирлашади ва боғланади. Бу эса, жамият тараққиётига салбий таъсир қилади. Ижтимоий ҳаётда бир авлод даврида эришилган ютуқлар кейинги авлодга ўтади. Кейинги авлод эса, уни ривожлантириш ва му-

каммаллаштириш устида иш олиб боради. Бу ҳам Бларнинг бир туридир. Шуни таъкидлаш керакки, ички Блар, алоқалар ташқи Блар билан диалектик бирликни ташкил қилади. Ҳар қандай жамият мураккаб система бўлиб, унинг турли томонлари ўртасидаги Блар, алоқадорликларни ўрганишни талаб қилади. Б.ни ўрганишнинг турли метод ва усуллари мавжуд.

**БРУНО** Жордано Филиппо (1548, Нола — 1600. 17.2, Рим) — италян файласуфи, шоири, пантеизм намояндаси. 15 ёшида монахликни қабул қилди. Кейинчалик черков ақидаларини танқид қила бошлади. 1575 й.да монахликдан воз кечиб, Неаполдан Римга келди, кейин Швейцария, Франция, Англия, Германияда яшайди. Ун-тларда астрономия ва философиядан маърузалар ўқиди. Схоластик фалсафа, католик черковига қарши асарлар ёзди. 1592 й.да роҳиблар уни алдаб Венецияга таклиф қилдилар ва инквизиция қўлига топширдилар. Б. динсизликка айбланиб 8 йил қамоқда ётди. Лекин ўз дунёқарашидан қайтмади. Бундан гзабланган католик черкови Б.ни гулханда ёқиб юборди.

Б.нинг дунёқараши юнон материалистлари, Коперникнинг гелиоцентрик гояси таъсирида шаклланди. Қуёш системасидан ташқарида тирик мавжудотлар яшайдиган оламлар борлиги ҳақида замонаси учун дадил фикрлар баён этди. Б. Коперник системаси камчиликларини тўлдирди: олам чексиз, юлдузлар, қуёшлар бениҳоя кўп, бинобарин, жониворлар яшайдиган оламлар ҳам кўп, деган материалистик гояни журъат билан тарғиб қилди. Ҳамма нарса ҳаракатда, узлуксиз ривожланишда, еру осмонда табиат қонуnlари мавжуд деб билди. Лекин, худо табиатда — нар-

саларнинг ўзида, деб тушунди. Муҳим асарлари: «Ғоялар сояси ҳақида» (1582), «Сабаб, принцип ва бирлик ҳақида» (1584), «Чексизлик, олам ва дунёлар ҳақида» (1584). Ўзбек шоири Султон Жура ўзининг «Бруно» достонида машҳур италян файласуфининг бадий образини яратган.

**БУДДИЗМ** (Будда номидан олинган). Буддавийлик — диний-фалсафий таълимот, жаҳонда кенг тарқалган динлардан бири (христианлик ва ислом дини билан бирга). Унга эътиқод қилувчилар тахм. 500 млндан ортиқ. Милав 6–5-а.ларда Ҳиндистонда пайдо бўлган. Марказий Осиё, Жан.-Шарқий Осиё мамлакатларида ва Узоқ Шарқда тарқатган. Ҳоз. кунда Б. Шри Ланка, Мьянма (Бирма), Таиланд, Лаос, Камбоджа, Вьетнам, Бутан ва Япония каби давлатлар, Тибетнинг асосий динидир. Б. муайян тарихий даврларда Хитон, Ҳиндистон, Корея ва Индонезияда, деярли бутун Осиё халқлари, яъни жаҳоннинг салкам 2/3 қисми аҳолиси маънавий қадриятларига жуда жуда катта таъсир қўраётган. Ривоятларга кўра, Б.та Сиддхартха Гаутама (Будда) асос солган. Б.да 2 асосий йўналиш мавжуд: хинаяна ва махаяна. Кейингиси жуда кўп секта ва мазҳабларга бўлинади.

Бошқа динлардан фарқли равишда Б.да ҳеч бир ўзгармас нарса йўқ, ҳатто худо ҳам ўзгарувчан, деб уқтирилади. Фақат он ёки лаҳзалар силсиласи мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири йўқолиб, кейингисига ўрин беради. Б. таълимотига кўра, инсон доимо азоб-уқубатга маҳкум ва бунга унинг ўзи сабаб бўлади. Зеро у, гарчанд бефойда бўлса-да, ўз ҳаёти ва фаровон турмушини сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Азоб-уқубатдан қутулиш учун кўнгил хуш кўрган барча нарсалардан ўзини

тийиш даркор. Мунтазам равишда ёлгондан, ўғрилиқдан, бошқага зарар етказишдан, зинодан ўзини тийиш ҳамда медитация (онгни олий ҳақиқатга етишишга қаратиш) «бодхи», яъни «хотиржамлик»ка ва охир-оқибатда нирванага (азоб-уқубатнинг тугашига) олиб келади. Нирванага етишиш учун талаб қилинадиган ахлоқий баркамоллик бир эмас бир неча ҳаётни тақозо этиши мумкин. Б. заминида 3 нарса — Будда, Дхарма ва Сангхага эътиқод ётади. Будда (Сиддхартха Гаутама) олий ҳақиқатга етишишнинг ёрқин тимсоли. Дхарма — Гаутама қолдирган таълимот. Бу таълимотнинг энг қисқа баёни «тўрт олий ҳақиқат»дан иборат: 1) азоб-уқубат мавжуд; 2) азоб-уқубатнинг сабаби (истак) мавжуд; 3) азоб-уқубатнинг тугаши (нирвана) мавжуд; 4) азоб-уқубатнинг тугашига олиб келувчи саккиз босқичли йўл мавжуд. Сангха — Будда асос солган ва ҳозиргача фаолий қўрсатиб келаётган роҳиблар жамоаси. Тўр маънода бу — ўтган асрларда «олий ҳақиқат»га етишган кўнлаб авлиёлардир. Сангха жамоасига қабул этилган шахс қуйидаги 10 фарзни адо этишга қасамёд қилади: 1) ҳеч ким ёки ҳеч нарсани ҳаётдан жудо қилмаслик; 2) ёлгон сўзламастик; 3) ўғрилиқ қилмаслик; 4) жинсий алоқага кирмаслик; 5) маст қилувчи ичимлик ичмаслик; 6) куннинг иккинчи ярмидан то эртинги саҳаргача овқат тановул қилмаслик; 7) уч кийимдан ортиқ ҳеч нарса билан танани беамаслик; 8) оммавий кўнгил-хушликларда иштирок этмаслик ва томошабин сифатида қатнашмаслик; 9) баланд ва юмшоқ ўринда ётмаслик; 10) пул ишлатмаслик. Роҳиблар жамоаси асосан Б. тхеравадаси (айнан — оқсўқоллар таъли-

моти)га хосдир. Махаянада «ҳақиқат йўли» ҳар ким учун очик; роҳибларга ҳам, дунёвий кишилар (яъни олдий қавм)га ҳам; Буддага эътиқод қилинса, бас. Кенгроқ қаралганда, Сангха — муқаддаслик ва қудрат хазинаси. Қисқаси, Б. — Буддага эргашиб, Дхарма талабларини бажариш ва Сангха жамоасининг аъзоси бўлиб қолишдир.

**БУТУН ВА ҚИСМ** — предметлар мажмуасини ва уларнинг ўзаро алоқадорлигини ифодаловчи фалсафий категориялар. Нарсадаги ўзаро алоқада бўлган унсурлар бирлиги тизими бутундан иборат бўлса, уни ташкил этувчи унсурлар бутуннинг қисмлари тарзида мавжуд бўлади. Қисмлар нарсани ҳосил қилувчи унсурлардир. Бутун доирасида уларнинг айрим кичик гурuhlари, унсурлари ўртасидаги алоқалар турли хил шаклда бўлиши мумкин. Қисмлар алоқаларининг тури улар ҳосил қиладиган бутуннинг турини белгилаб беради. хусусан тузилишга тегишли алоқалар тузилишни жиҳатидан бутунликни, мавжудлик алоқалари функционал бутунликни, тараққиётни ифодаловчи алоқалар ривожланиб борувчи бутунликни билдиради ва ҳоказо.

Б. ва қ.нинг ўзаро алоқасини тушунишда икки хил қарашни фарқласа бўлади. Биринчисида бутуннинг қисмга нисбатан устунлиги таъкидланса, иккинчисида қисмнинг аҳамияти бўрттирилади. Антик давр фалсафаси мисолида олсак, биринчи хил қараш элагларга хос эканлигини кўрамиз. Уларнинг фикрича, олам фақат бутун, узгармаслик ҳолатидагина реал ҳаққоний борлиқдан иборат бўлади. Дунёдаги нарсаларнинг хилма-хиллиги, уларнинг ўзгариб туриши оламнинг ташқи томондан кўриниши, холос. Иккинчи хил қарашни юнон фалсафаси Эмпедокл

таълимоти мисолида кўриш мумкин. У оламнинг асосида тўртта унсур — олов, ҳаво, сув ва тупроқ ётади, деб ҳисоблаган. Унинг бутунлиги, яхлитлиги ана шу унсурларнинг ўзаро бирикishi натижасида ҳосил бўлади, деган фикрни асослайди. Б. ва қ.нинг ўзаро муносабати масаласига фалсафий фикрлар тараққиётининг умумий қоидаси нуқтаи назаридан қарасак, Б. ва қ.ни антиномияларнинг турли хил концепциялари курашида кўриш мумкин. Диалектик концепцияга кўра, Б. ва қ. ўртасидаги муносабатнинг мураккаблиги куйидаги бутунлик (яхлитлик) антиномияларининг ҳосил бўлишига олиб келади: 1) тезис: бутун қисмлар йиғиндисидан иборат; антитезис: бутун — ўз қисмлари йиғиндисидан катта; 2) тезис: қисмлар бутундан аввал вужудга келади; антитезис: бутун қисмлардан аввал пайдо бўлади; 3) тезис: бутуннинг вужудга келишига қисмлар сабабчи; антитезис: нарсага бутун сифатида ёндашиш сабабий ёндашишни истисно қилади; 4) тезис: бутунни уни ташкил этувчи қисмларни ўрганиш асосида билиб олинади; антитезис: қисмлар бутуннинг бўлаклари бўлиб, фақат шу бутун ҳақидаги билимларга таянгандагина уни билиб олиш мумкин. Мазкур антиномиялар ва уларга ўхшаш мураккаб масалаларни ҳал этиш учун Б. ва қ. ўртасидаги алоқаларнинг узвийлиги, уларнинг бир-бирини тақозо этишини эъгироф этиш зарур. Бутуннинг табиати, моҳияти, миқдор ва сифат жиҳатидан аниқлиги уни ташкил этувчи қисмларнинг табиатига, уларнинг ўзаро алоқасига боғлиқ. Ўз навбатида қисмлар бутуннинг ўзига таъсирини ҳис қилади, маълум бир даражада унинг моҳиятини ифодалайди. Б. ва қ. категориялари борлиқни аниқлашнинг шакллари сифатида

оламнинг бирлиги масаласини, тўғрироғи уни ифода этувчи бирлик ва кўплик, бирлик ва бўлиниш, ҳодисаларнинг турли-туманлиги ва ўзаро алоқадорлигига хос хусусиятларни тушунишга ёрдам беради. Ҳоз. пайтда мураккаб тизимдан иборат объектларни ўрганиш жараёнида Б. ва қ. категориялари анализ ва синтез, система ва тузилиш, унсур категориялари билан биргаликда қўлланилади.

**БЭКОН** Фрэнсис (1561.22.1, Лондон — 1626.9.4, Хайгет) — инглиз файласуфи, табиатшуноси, сиёсий арбоб ва тарихчи. «Фанларнинг буюк тикланиши», «Янги органон», «Ахлоқий, иқтисодий ва сиёсий эссе», «Янги Атлантида» каби асарларни ёзган. Б.нинг мақсади фан тарихини бир бор кўздан кечириш, унда учрайдиган камчиликларни бартараф этиш, схоластикага зўра бериш, янги давр фанининг индуктив методини яратишдан иборат бўлган. Б. амалиёт фани методологиясини яратувчиси ҳисобланади. Унинг таълимоти янги даврнинг тафаккур услуби белгилаб берди. Алкимё, астрология, сеҳргарликни ўтмиш қолдирган мерос сифатида талқин қилди. Лекин уларнинг заминида ётган кузатув, тажрибалар самарали натижа берганлигини эътироф этди.

Б. фалсафа тарихида биринчилардан бўлиб билиш методларининг аҳамиятини кўрсатиб берди. Билиш назариясида олам, табиат билишнинг асоси эканлигини эътироф этди. Б. томонидан ишлаб чиқилган индуктив метод далилларни кузатиш, уларни муайян тизимга келтириш ва таснифлаш, зарур деб ҳисобланмаган далиллардан воз кечиш, тадқиқ қилинаётган нарсаларни таркибий қисмларга ажратиш, далилларни тажриба синовидан ўтказиш

ва умумлаштиришдан иборатдир. Б.нинг таъкидлашича, жонли мушоҳада чегараланган. Илм аҳли кўп ҳолларда эмпирик ёки ақлпараст бўлганлар. Эмпириклар чумолига хос тарзда кўрганларини йиққанлар, ақлпарастлар эса ўргимчакларга ўхшаб ўзларидан мато ишлаб чиқарадилар. Мутафаккир ўзини асаларига ўхшатади. Асалари ўрғача методни танлайди: у гуллардан ашё йиғиб, уни ўз қобилияти ва имкониятидан келиб чиққан ҳолда тақсимлайди ва ўзгартиради. Фалсафанинг ҳақиқий вазифаси бундан фарқ қилмаслиги лозим.

Б. ўзининг «Янги Атлантида» асаарида жамият, фан ва техника кўмагида ишлаб чиқариш асосларини тубдан ислоҳ қилиши лозимлигини тўғрисидаги гояларини ривожлантирди. «Ахлоқий ва сиёсий тажрибалар» асаарида ўзининг ижтимоий идеали тўғрисида фикр юритади. У ижтимоий раванқ нуқтаи назаридан феодал зодагонларга ён босмаслик, мутлақ ҳокимиятни муайян даражада чегаралаб қўйиш тарафдори бўлган.

**«БҲАГАВАДГИТА»** («Илоҳий қўшиқлар») — қадимги ҳиндларнинг диний-фалсафий тафаккури ёдгорлиги. «Б.» қадимги ҳинд қахрамонлик эпоси бўлмиш «Маҳабҳарата» 6-китоби эпизодларидан бири бўлиб, 750 байтдан иборат. 18 бобга бўлинган. «Б.»нинг пайдо бўлиши мил.ав.ги 6–4-а.ларга тўғри келади. «Б.»да ҳинд халқининг ибтидоий жамиятда инқирозга юз тутган даврда ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўзига хос хусусиятлари акс эттирилган. «Б.» жамиятнинг табақаларга бўлинишини объектив деб ҳисоблайди. Шунинг учун «Б.» ҳиндуизмнинг асосий гояларидан бири сифатида эътироф этилган.

## В

**ВАЙШЕШИКА** (санскритча више-ша — алоҳида, ўзига хос) — қадимги ҳинд фалсафий мактаби. Асосчиси — донишманд Канада (Улука). Унинг асари «Вайшешика сутра» деб аталади. В. таълимотига кўра, объектив равишда икки хил дунё мавжуд. Биринчиси ҳиссий дунё, иккинчиси ноҳиссий дунё. Бу таълимот табиий-илмий тасаввурлар билан чамбарчас боғлиқ. В. вакиллари атомистик таълимотни илгари суришган. Уларнинг фикрича, ҳиссий дунё асосида атомлар ётади, улар маконда сон-саноксиз ва доимо ҳаракатда бўлади, атомлар борлиқнинг асосини ташкил этади. В.нинг коинот ҳақидаги назариясига кўра, у сув, тупроқ, нур, ҳаводан таркиб топган. В. таълимотича, барча мавжуд нарсалар 6 тушунчада ўз ифодасини топади: жавҳар, сифат, ҳаракат, умумийлик, хусусийлик ва мансублик. Сутраларнинг шарҳловчилари бунга 7-тушунча — инкор ёки мавжуд бўлмасликни ҳам қўшадилар. В. фалсафаси субстанция сифатларга эга эканлигини кўрсатади. Сифатлар объектив ва субстанция сингари абадийдир. Сифатлар бир ёки бир неча субстанцияларга тегишлидир. Улар умумий ва хусусий сифатларга бўлинади. Умумий сифатларга сонлар, кўпайиш, бирикиш, ажралиш, таъм, ранг, оғирлик ва б. киради. Хусусий сифатлар бир жисмга хос сифатдир. Мас., сув унсурининг хусусий сифати совуқликдир. Ер унсурининг хусусий сифати ҳиддир. В. фалсафасида сабаб ва оқибат масаласига катта ўрин берилган. В. таълимотида уч хил сабаб: 1) моддий сабаб; 2) яратувчи сабаб; 3) тегишли бўлмаган ёки номоддий сабаб кўрсатилади. Улар сабабни оқибатдан ажратиб қўйишган. Атомлар сабабга эга эмас. Шунинг

учун атомлар оқибат бўла олмайди. В. таълимотига кўра, билишнинг манбаи мавжуд объектив дунёдир. Ҳақиқий билишнинг тўртта тури бор: а) қабул қилиш; б) ақлий билиш; в) хулоса чиқариш; г) интуитив билиш. Ҳиссий билиш орқали мураккаб субстанция (ер, сув, ҳаво, олов)лар билинади. Ҳиссий қабул қилинмайдиган абадий субстанциялар — эфир, макон, замон, ақл ва атом эса манتيқий хулосалар орқали билинади.

**ВАНДАЛИЗМ** (лот. Vandale — қадимги шарқий герман қабилаларидан бирининг номи) — аждодлар томонидан бунёд этилган маданий ва маънавий бойликларни, қадриятларни асоссиз, ўйламай йўқ қилиш, вайрон қилиш гоёси устувор бўлган оқим.

**ВАКТ** — борлиқнинг асосий яшаш шаклларида бири. Ҳодисаларнинг кетма-кет рўй бериши ва изчиллиги тартибини, давомийлигини ифодалайди. В. тушунчаси форсий тил таъсирида ёзилган фалсафий адабиётларда замон деб ҳам аталган. В.нинг асосий хусусиятларига давомийлик, бир жинслилик, анизотроплик (бир хил бўлмаган йўналиш), бир ўлчамлилик, орқага қайтмаслик, компакт-лилик, чизикли тартибланганлик кабилар киради. Бирор объектдаги В.нинг ўтиши шу объектнинг ҳаракатланиш тезлигига ҳамда объектни ташкил этувчи моддалар зичлигига боғлиқ. Объект қанчалик катта тезликда ҳаракатланса, унда В.нинг ўтиши нисбатан тинч турган объектларга қараганда шунчалик секин кечади. Объектни ташкил этувчи модалар зичлиги ҳам қанчалик катта бўлса, унда В. шу қадар секин ўтади. Бу муносабат хусусий ва умумий нисбийлик назарияси хулосаларидан келиб чиқади. Фалсафада В.нинг моҳияти-

га икки хил ёндашиш ва унга нисбатан икки хил концепция мавжуд. Улар: субстанционал ва религион ёндашиш, динамик ва статик концепциялардир. Субстанционал ёндашиш замирида В.ни алоҳида субстанция, деб қараш ётади. Бу ёндашиш бўйича В. азалий ва мустақил субстанция, унда ҳодисалар бўлиб ўтади. Религион ёндашиш бўйича В. жараёнлар ўлчови, уни жараёндан ажратиб бўлмайди. Динамик концепция бўйича ҳодисалар бирич-кетин, динамик кетма-кетликда рўй беради. В.нинг фақат ҳоз. замони мавжуд. Ўтмиш бўлиб ўтган, келажак эса хали бўлмаган. Статик концепция бўйича В.нинг барча даҳзалари мавжуддир. Биз унда ўтмиш ёки келажакка қараб сўзлашмаймиз. Ҳодисалар илгари ёки кейин рўй бергани билангина бир-биридан фарқ қилади. Масалан, ота ўғилдан илгари тутилган. Невера ўғилдан кейин тутилган ва ҳ.к. В. турли тизимларда турлича намоён бўлади. Шу сабабли физикавий, кимёвий, биологик, геологик, психологик ва ижтимоий В.ларни бир-биридан фарқлаш лозим.

**ВАХДАТИ ВУЖУД** (араб. — жисмоний бирлик) — абадий ягона Аллоҳгина бор деб ҳисобловчи пантеистик (қ. *Пантеизм*) таълимот. Бу таълимотга кўра, жисмоний олам, предметлар дунёси ҳақиқий эмас, ҳақиқат фақат Аллоҳда мужассамланган, моддий олам Аллоҳнинг нури, шуъласидир. В.в. намоёндалари (Ибн Арабий, Муҳаммад Ғаззолий ва б.) худо бутун борлиқни яратиб туради, деб ҳисоблаганлар. В.в. айниқса 17–19-а.ларда Ҳиндистон ва Туркистонда тасаввуфнинг кенг тарқалишига сабаб бўлди.

**ВАХДАТИ МАВЖУД** (араб. — мавжудот бирлиги) — Аллоҳ билан бирга ягона моддий олам бор деб ҳисоб-

ландиган таълимот. Бу таълимот тарафдорлари табиатнинг абадийлигини тан оладилар. Аллоҳ одамнинг ўзида, унга сингиб кетган деб қарайдилар. В.м. вакиллари одам бу дунёдан воз кечмай, тарки дунё қилмай яшашга интилиши керак деган фикр-ни олга сурдилар. Ҳиндистонда В.м. қадимдан мавжуд бўлиб, оламни моддийлик асосида тушунишга устувор даражада аҳамият берар эди. Шунинг учун кўпчилик мусулмон руҳонийлар бу таълимотга шубҳа ва ҳушёрлик билан қарар эдилар. Киндий, Форобий, Ибн Рушд, Бедил бу таълимотнинг намоёндалари ҳисобланади.

В.м. намоёндалари фикрича, табиат абадий, ундаги нарса ва ҳодисалар ўзаро боғлиқ, дунё ҳаминша ўзгариш, ривожланиш ҳолатида туради. В.м. тарафдорлари мусулмон Шарқида табиатшунослик билимларининг ривожланиши учун фалсафий асослар яратиб берди.

**ВАХДОНИЯТ** (араб. — яккалик, ягоналик) — Аллоҳнинг якка-ягоналигини таниш ва эътироф этиш. Исломнинг асосий ғояси ҳисобланади. Яҳудийлик ва христианлик яккахудодлик ғоясини ҳимоя қилса ҳам, бу динларда узил-кесил шакланмади. Қуръонда айтилганидек, яҳудий динида Узайр пайгамбар, христиан динида Ҳазрат Исо худонинг угли деб эътиқод қилинади (9:30). Ваҳдоният «Ихлос» сурасида яққол ва равшан баён қилинган. «Анбиё» сурасида эса «Агар (осмону заминда) Аллоҳдан ўзга худолар бўлганида ҳар иккиси бузилиб кетар эди», дейилган (21:22). Бу оят *зирдуитийлик*нинг иккихудодлик ақидасига қарши қаратилган эди. Кўпхудодлик эътиқод шаклида тугаб кетганлигига қарамай кишилар онгида турли кўринишда пайдо бўлиб туради. Ҳоз. замонда ислом оламида

кўпхудолик ақидаси эскилик сарқити сифатида у ёки бу шаклда учраб қолади. Лекин яккахудолик халқ қалбида чуқур ўрнашганлиги учун у энди ривож топмайпти. Кўпхудолик халқларни бир-бирига қарама-қарши бўлишига олиб келган, яккахудолик эса уларни бирлаштиришда асосий омил бўлиб хизмат қилган, тор қабилачилик тузумига барҳам бериб, миллатларнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этган.

**ВАХШИЙЛИК** (варварлик) — ён-атрофга, маданиятга, инсон ҳаётига қарши қаратилган ёвуз хатти-ҳаракат. В.нинг мақсади мулжаляга олинган объектларнинг тадрижий (эволюцион) ривожланиши, уларнинг ички тизимлари ва қисмлари ўртасидаги алоқачарни бузиш ёки бу объектларни йўқ қилишдан иборат. В. тушунчасини фанга 18-а.нинг 60-й.ларида шотланд файласуфи А.Фергюсон киритган. У В.га тарихий ҳодиса сифатида қараб, инсоният тарихини ёввойилик, В. ва цивилизация босқичларига бўлади. Кейинчалик бу фикрни Л.Г.Морган қўллаб қувватлади ва уни кенг манбалар асосида исботлашга интилдди. Ҳақиқатан ҳам ибтидоий жамоа тузуми даврида В. оdatий ҳол ҳисобланган. Мас., қабила бошлиғи вафот этса, у билан бирга хотинлари, ўнлаб, юзлаб хизматкорлари ҳам тириклайин кўмилган. Ҳатто, бу оdatни 19-а.гача айрим элатларда учратиш мумкин эди. Фақат 20-а.га келиб, В. гайриҳаётий ва гайриинсоний ҳол сифатида барча қитъаларда қораланадиган бўлди. В.нинг инсон ҳаётига қарши кўри-нишлари кенг тарқалган ҳол сифатида сақланиб қолмоқда. Тарихда олиб борилган (олиб борилаётган) урушлар, оммавий қирғинлар, шахслараро ва гуруҳлараро ирқий, диний ва мулкий низолар айрим мутафак-

кирларда В. одамнинг табиий ҳолати, мавжуд нарсаларни йўқ қилишга интилиши — унинг асосий инстинкти деган фикрларни келтириб чиқаради.

Инглиз файласуфи Т.Гоббс уруш — одамнинг табиий ҳолати, деб ҳисоблаган. З.Фрейд токи одамда ҳирсий истакларни қондириш мавжуд экан унга қарама-қарши истак, яъни ён-атрофни «емириш иштиёқи» ҳам мавжуд бўлади, ҳатто бу иштиёқ одамда асосийдир, деган хулосага келади. К.Лоренц, одамнинг ичида буни унинг ўзи ҳам сезмаган ҳолда тажовузқорона хатти-ҳаракатлар келтириб чиқарувчи куч тўпланади, деб кўрсатади. Пайти келиб у «портлайди», яъни ташқарига отилиб чиқади, деган ғояни илгари суради. З.Фрейд ва К.Лоренц қарашларини Э.Фромм танқид қилиб тажовуз ваҳший одамнинг ички ҳислати эмас, балки тарих унда «емиришга иштиёқ» уйғотган, деган хулосага келади. Унинг фикрича, одамнинг ҳурликдан, эркинликдан, ўзидаги бетақроп кучларни намоён қилишдан воз кечиши ва ўз устига зарур масъулиятни олишдан қочини унда гайриҳаётий, гайриинсоний ҳаракатларни келтириб чиқаради. Ваҳший одам ўзини борлиқ, ён-атроф ва инсоният билан узвий боғланганини тула идрок этганда, жамият ундаги ижобий ва инсоний ҳислатларни ривожлантиришдан манфаатдор, келажак эса мавҳум нарса бўлмай унинг бунёдкорлиги, эзгу орзуларини рўёбга чиқаришга интилишининг натижаси эканини англаганда барҳам топиши мумкин.

**БЕБЕР** Макс (1864.21.4, Эрфурт — 1920.14.6, Мюнхен) — немис социологи, файласуфи ва тарихчиси. Дин социологияси асосчиси. Иқтисодиётнинг сиёсат, ҳуқуқ, дин ва б. билан

ўзаро муносабатларини ўргана бориб, социология билан махсус шуғулланиш заруратини англаган. Социологик билиш назариясида сабабийлик қоидаси ва «тушуниш» назарияси бирлигига катта аҳамият берган. Унинг фикрича, социологиянинг вазифаси индивидуал ҳаракатнинг субъектив сабабларини «тушуниш», уларни изоҳлаб беришдан иборат. Бундай изоҳлаш эмпирик жиҳатдан текширилган бўлиши зарур. В. ижтимоий фанлар методологиясида ижтимоий турлар (хиллар) назариясини илгари сурган. В. «Тушунувчан социология категориялари тўғрисида»ги асари (1913)да ижтимоий турлар тушунчасини социологиядаги энг муҳим тушунча, деб кўрсатган. Турли динлар (протестантизм, конфуцийчилик, буддизм ва б.)нинг «хўжалик этикасини» қиссий таҳлил қилиш асосида («Протестантча этика ва капитализм руҳи», 1905). В. Фарбда капитализмнинг пайдо бўлиши протестантизм ва айниқса, кальвинизмнинг кенг тарқалганлиги бўлиб, унинг «хўжалик этикаси», тўғри «капитализм руҳига» жуда мос тушган, деган фикрни асослашга ҳаракат қилган. Бу ўринда В.нинг иқтисодий оқилоналик (рационаллик) ва оқилона дин ғояси капиталистик жамиятдаги оқилона ҳуқуқ ва бошқарув (оқилона бюрократия), оқилона пул муомаласи ва оқилона бюрократия концепциясида янада ривожлантирилган. Бюрократия капиталистик оқилоналикнинг олий даражада намоён бўлиши, деб талқин этилган («Хўжалик ва жамият», 1921). В. фикрича, ривожланиб борувчи рационаллашув Фарбнинг муқаррар тақдир бўлиб, оқилона бюрократия унинг ижтимоий оқибатидир. Оқилоналик охир-оқибатда шундай қонуният бўлиб чиқадики, у ўзига кишилар-

нинг эрк ва хоҳишларига қарама-қарши тарзда йул оча бошлайди, уларнинг индивидуал эркинлигига хавф солади. Бундай йўналиш шароитида индивиднинг эркин ижтимоий ҳаракат категорияси борлиқни соф мафкуравий ақс эттириш бўлиб қолиши мумкин. Бу ҳолат кейинчалик Фарб социологиясида ижтимоий ҳаракат категориясини ривожлантиришда (мас., Т.Парсонс, Ю.Хабермас ва б.) ўз ақсини топган. Умуман В. социологияси 20-а. Фарб социологиясига ҳал қилувчи таъсир кўрсатган. 1970-й.лар ўрталарида унинг ижтимоий кизиқиш «В. ренессансига олиб келди ва бу Фарб социологиясининг кейинги ривожига чуқур из қолдирди.

**ВЕДАЛАР** (санскритча веда — билим) — веда тилидаги қадимги ҳинд адабиёти ёдгорликлари. Мил.ав. 2-минг йилликнинг охири — 1-минг йилликнинг бошида яратилган. Муъассаб диндор киши учун В. олий муқаддас билим, башоратдир. В.да қадимги ҳиндларнинг тарих, иқтисод, дин, фалсафа, ахлоқ-ошоб каби турли соҳаларга тааллуқли дастлабки фикрлари ўз ифодасини топган. Бу маданий ёдгорликдан бизгача 4 та қисм (самҳита): «Ригведа» (қасида, мадҳия, дуолар тўплами), «Самаведа» (қўшиқлар тўплами), Аюраведа ёки Яжурведа (қурбонлик қилиш йўллари), Атқрваведа (сеҳрли дуолар тўплами) етиб келган.

В. ичида энг қадимийси «Ригведа» ҳисобланади. У 10 китоб (мандал)дан иборат. Бунда табиатдаги нарса ва ҳодисалар (осмон узғариши, қуёш, юлдузлар, момақалдирок, шамол, ёмғир, тоғлар, дарёлар) илоҳий кучлар сифатида гавдалантирилиб, улар шарафига қўшиқлар, мадҳиялар тўқилган, уларга қурбонликлар келтирилган. Инсоният ҳаёти,



унинг бахт-саодати ана шу кучларга боғлиқ ҳолда тасаввур қилинган.

В. ёки веда адабиёти В.дан ташқари браҳманлар, аранякалар ва упанишадлардан иборат. Қадимги Ҳиндистонда варна (каста)чилик жамияти вужудга келганида браҳманлар адабиёти ривожланган. Браҳманларда самҳиталардаги қоҳилларнинг диний маросимлари шарҳлаб берилади.

«Аранякалар» (айнан «Ўрмон китоби») жамиятдаги жабр-зулмдан, ғаразли, тубан, мол-дунёга ўч одамлардан ўрмонларга қочиб, ёлғизликда яшаганларга бағишланган.

Упанишад (махфий таълим)лар асосан фалсафий-диний рисолалардир. Упанишадларда фалсафий масалалар анча кенг ёритилган бўлиб, ҳиндлар тангриси Браҳма (Берунийда — Бароҳим) борлиқнинг ибтидо-си ва интиҳоси, барча мавжудотларнинг асоси, деб улуғланади. Упанишадларга кўра, моддий олам, шу жумладан, инсон ҳам Атма — Браҳмадан пайдо бўлган ва ўшанга қайтади. Упанишадларда айтилишича, инсон бунга эришиш учун муайян ахлоқий мезонларга, карма ва дхарма таълимотига риоя қилиши керак. Упанишадларга кўра, ҳар бир инсон ўзидаги илоҳий дхармаларга мувофиқ яшайди. Агар инсон бу дунёдаги ҳаётида покиза, эзгу ниятлар билан яшаса, қайтадан дунёга келишда яна инсон бўлиб келади. Аксинча бўлса, одам тубан, ҳайвоний ишлар қилса, кейинги келишида жони ҳайвонга кўчади. Баъзи ведашунослар браҳманлар ва кшатрийдан бошқалар кутулиш (нажот)га қобил эмас, чунки В.ни ўрганишга фақат улар ҳақли ҳолос, дейдилар.

**ВЕНА ТЎГАРАГИ** — мантиқий позитивизм асосларини ишлаб чиққан фалсафий тўғарак. 1922 й. Вена ш.да Австрия физиги ва файласуфи, Вена

ун-ти проф. М.Шлик томонидан ун-тнинг фалсафа кафедрасида ташкил этилган семинар асосида вужудга келган. В.т. анъанавий фалсафа имкониятларига шубҳа билан қаровчи ёш олимларни бирлаштирди. Улар томонидан ишлаб чиқилган «илмий фалсафа»ни ривожлантириш дастури мантиқий позитивизм йўналишини келтириб чиқарди. Мантиқий позитивизм йўналиши икки оқим таъсири остида вужудга келган. Биринчи оқим анъанавий «метафизика»га ва классик фалсафий муаммоларга салбий муносабатда бўлган гносеологик ва методологик масалаларни тор сциентистик руҳда талқин қиладиган маҳизм оқими, иккинчиси фалсафа мантиқий таҳлилининг субъектив-идеалистик йўл-йўриқларини аке эттирган (хусусан, Л.Витгенштейннинг) фан фалсафаси бўлди. Бу фалсафа мантиқ ҳамда математика фанларининг аналитик тусда эканлиги тўғрисидаги таълимот эди. Хулоса қилиб айтганда, В.т.даги мантиқий позитивизм позитивизмга маҳизм нуқтаи назаридан ёндашиш ҳамда мантиқий таҳлил фалсафаси йўл-йўриқларининг синтези натижасида шаклланди. В.т. вакиллари: Р.Карнап, Ф.Вайсман, Г.Фейгль, О.Нейрат, Г.Ган, В.Крафт, Ф.Кауфман, К.Гёдель. В.т. билан Берлиндаги Х.Рейхенбах, Чехословакиядаги Ф.Франк, Финляндиядаги Э.Кайла, АҚШдаги А.Бламберг, Э.Нагель, Даниядаги Й.Йоргенсен, Буюк Британиядаги А.Айер гуруҳлари ҳамкорлик қилган. 1929 й.да Р.Карнап, Г.Ган, О.Нейрат «Дунёни илмий аниқлаш. Вена тўғараги» манифестини эълон қилдилар. Шу вақтнинг ўзида В.т.нинг ташкилий шаклланиши яқунланди. 1930 й.дан бошлаб турли мамлакатларда ушбу оқим вакиллари халқаро конгресслари таш-

## ВЕРИФИКАЦИЯ ТАМОЙИЛИ

кил этилди. 1930–1939 йларда В.т. томонидан мантиқий позитивизм гояларини тарғиб қилувчи «Erkenntnis» журнали нашр қилинди. 1936 й.да Шликнинг ўлими, кейинчалик Австриянинг Германия томонидан босиб олинishi натижасида В.т. ўз фаолиятини тутатди. АҚШда В.т.нинг бевосита вориси сифатида мантиқий эмпиризм оқими юзага келди.

**ВЕРИФИКАЦИЯ ТАМОЙИЛИ** (лот. verus — ҳақиқий ва factio — бажарман) — мантиқий позитивизмнинг бошланғич тамойилларидан бири. В.т.га кўра, олам тўғрисидаги ҳар қандай даъвонинг ҳақиқатлиги пировард натижада уни ҳиссий маълумотлар билан таққослаб кўриш йўли билан аниқланиши лозим. В.т. асосида Вена фалсафий тўғараги томонидан ифодалаб берилганидек, билиш ҳиссий тажриба доирасидан ташқарига чиқомайди, деган гоя ётади. Бунда тажриба маълумотларни тўғридан-тўғри верификациялаштирувчи даъволарга мантиқий боғлаш йўли билан бивосита верификациялаштириш келтирилади. Бу атама услубий тушунча бўлиб, унинг табақаланиши мантиқий эмпиризмда В.т.ни таърифлаган фан тили концепцияси билан боғлиқдир. Бу тамойилга бинноан, ҳар қандай илмий аниқланган тасдиқ, соф тажриба маълумотларини ва шунчаки айтилган фикрларни ҳақиқийлик функцияси сифатида аниқ гаплар йиғиндисига йўналтирилган деб тушунилади. Замонавий адабиётларда В.т. бошқа мусобақадош назариялар ва уларни экспериментал текшириш маълумотлари ўртасидаги муносабатлар натижалари сифатида кўрилади.

**ВЕРНАДСКИЙ** Владимир Иванович [1863.18.2(12.3), Петербург — 1945.6.1, Москва] — буюк табиатшу-

нос, минеролог ва кристаллограф, геокимё, биогеокимё, радиогология ва биосфера асосчиларидан бири. Россия ФА акад. (1912), Украина ФА ташкилотчиси ва биринчи президенти (1919). Петербург ун-тининг физика-математика ф-тини тамомлаган (1885). В. ўз тадқиқотларида йирик илмий муаммолар: силикатларнинг тузилиши, нодир ва тарқоқ элементлар геокимёси, радиоактив минералларни қидириб топиш, геокимёвий жараёнларда организмлар роли, тоғ жинсларининг мутлақ ёшини аниқлаш ва б.ни илгари сурди. В. биосферада геокимёвий элементларнинг тўпланиши, алмашиниши ва тарқалишида организмларнинг ролини, биосфера инсон меҳнати ва у қўлга киритган илмий муваффақиятлар туфайли аста-секин янги ҳолат — ноосферага ўтишини биринчи бўлиб кўрсатиб берди. В. руҳ ва табиатнинг ўзаро муносабати устида тадқиқотлар олиб борган. онгнинг атрибутивлиги, ҳаётнинг абалййлиги гоясини илгари сурган. Биосферанинг ноосферага ўтиш қонуниятини ўрганган, материянинг фазо-вақт хоссаларидаги турли-туманликни кўрсатиб берган. Асарларида фан фалсафаси ва методологиясига оид кўплаб муаммолар таҳлил этилган, илмий билиш эмпирик ва назарий босқичларининг ўзаро муносабати, тажриба ва кузатувга асосланган фанлар мантиғи, фаннинг тузилиши, унинг умумий ривожланиш қонуниятлари, фаннинг маданият тизимида туган ўрни, фаннинг ижтимоий вазифалари, илмий тадқиқот ахлоқи каби муаммолар тадқиқ қилинган. В. илмий билиш фақат мантиқий тафаккур методлари ёрдамида кенгайиши билан чекланиб қолмайди, шунингдек фалсафа, дин ва тафаккур соҳасидаги билимлар ҳам унинг манбалари ҳисоб-

ланади, деб кўрсатган. В. фалсафий билимларнинг мураккаб табиатга эга эканлигини, унинг оддий, диний ва илмий билимларга, шунингдек инсоннинг ҳаётий тажрибасига боғлиқлигини таъкидлайди.

**ВИВЕКАНАНДА** Свами (асл номи Нарендранатх Датта) (1863.12.1, Калькутта — 1902.4.1, Белур) — ҳинд мутафаккири, диний ислохотчи ва жамоат арбоби. 1880—84 йларда Калькутта ун-тида фалсафани ўрганди. Диний мутафаккир Рамакришна таълимоти билан танишди. 1893 й. веданта таълимотини тарғиб қилиш мақсадида АҚШ, Буюк Британия, Хитой, Японияга сафар қилди. 1897 й. «Рамакришна ҳидояти» диний-ислохотчилик жамиятига асос солди. В. «Ҳиндистонни қайта тиклаш» оқимининг вакили сифатида мамлакат озодлиги ва мустақиллиги учун курашчилар сафига кўшилди. В.нинг ижтимоий қарашлари ўзига хос ҳусусиятга эга. В. жамият аъзоларини 2 қисмга — бойлар ва камбағалларга бўлади. Унинг фикрича, жамиятни қайта қуриш керак ва уни брахманлар, кшатрийлар, вайшийлар, шудралар бошқариши лозим. Халқ оmmasини Ҳиндистоннинг ягона умиди ва асосий кучи деб, ҳиндуизмни мустақиллик учун курашнинг мафкуравий воситаси деб билди. Диний, табақавий ва миллий тенгсизликка қарши чиққан В. ижтимоий таркибни ўзгартириш қолдирган ҳолда ислохотлар ўтказиш тарафдори эди. В. таклиф этган «ислохот» маънавий ҳаёт доираси билан чегараланиб, жамият ва шахсни қайта тарбиялаш, онгда «инқилоб» ясаш, ҳар бир шахс ва миллатда маориф орқали веданта гоёларини ёйиш билан кифояланар эди. Ислох этилган диннинг вазифаси, В. фикрича, аҳолининг энг камбағал доираларига ёрдам беришдир. Санъ-

ат, илм-фан ва дин — буларнинг ҳаммаси ҳақиқатга этишишнинг ҳар хил йуллари, холос. Аммо ҳақиқатга эришишнинг зарурий шарти Шанкара (788—820)нинг ягона қарашини библишидир.

В. таълимоти Ҳиндистонда озодлик ҳаракатига ёрдам берди.

**ВИЖДОН** — ахлоқий тушунча, яхшилик нима-ю, ёмонлик нималигига жавоб берадиган ички ишонч, ўз хатти-ҳаракатлари учун ахлоқий масъулиятни англаш. В. шахснинг ахлоқий жиҳатдан ўз-ўзини назорат қила олиш, ўзида ахлоқий бурчни мустақил шакллантириш ҳамда ўзидан уни адо этишни талаб қилиш ва ўз хатти-ҳаракатларига баҳо бериш қобилиятини ифодалайди. В. дастлабки ахлоқий майл бўлиб, ташқи таъсир туфайли ривожланиши ёки сўниши мумкин. У эҳтирос, ҳиссиёт шаклида шахснинг ўз хатти-ҳаракатлари учун уялиш, пушаймон бўлиш ёки ахлоқий қониқиш сифатида намоён бўлади. В. яхшилик, бурч, бахт, ҳилоллик каби бошқа ахлоқий тушунчалар билан боғлиқ. Жамиятнинг ривожланиши, маънавий, ахлоқий юксалиши билан В. тушунчасининг мазмун ва моҳияти бойиб боради. Унинг моҳияти ижтимоий муҳит билан белгиланади. В. эркинлиги тушунчаси В. тушунчасининг муайян қисмини ташкил этади.

**ВИТАЛИЗМ** (лот. vitalis — ҳаётий) — биологияда шаклланган таълимот. Организмларда ҳаётий ҳодисаларни бошқарадиган, номоддий гайритабiiий кучлар («ҳаётий куч», «жон» ва б.) бор деб тушунтиради. В. унсурлари Платоннинг руҳ абадийлиги ҳамда Аристотелнинг энтелехия ҳақидаги таълимотларига бориб тақалади. В. таълимоти система сифатида немис эмбриологи Г.Дриш томонидан изоҳланган. В. учун жонли

организмнинг сифат жиҳатдан ўзига хос хусусиятини мутлақлаштириш, унда кимёвий ва физик қонуниятларнинг ўрнини инкор этиш, ҳаётий жараёнларни табиий-илмий жиҳатдан тушунтириб берувчи биологик назария ва концепцияларга салбий муносабатда бўлиш хосдир. 17–19-адаги машҳур виталистлар: Я. ван Гельмонт, Г.Шталь, И.Мюллер, Х.Дриш.

**ВОЛЮНТАРИЗМ** (лот. voluntas — ирода) — 1) иродани борлиқнинг энг олий кўриниши деб қаровчи фалсафий оқим. В. таълимотида инсоннинг иродаси биринчи ўринга қўйилади. Қадимги давр фалсафасидаги ақл-идрок, рационализмдан фарқли ўрта аср фалсафасида, мас., А.Августин таълимотида ирода биринчи ўринга чиқади. Унинг фикрича, барча инсонлар иродадан иборатдир. А.Шопенгауэр амалий идрокни илгари сурган И.Кант фалсафасига таянса ҳам, лекин ундан фарқли равишда ироданинг ақл-идрокдан устунлигини ёқлаб чиқди ва бу билан Кант фалсафаси, классик фалсафадан ўзгача йўл тутди. Ф.Ницше ҳам Шопенгауэр таъсирида фалсафанинг марказига инсон иродасини қўяди. Лекин унинг талқинида ирода ҳокимликка ингилишни билдиради. Ҳокимликка эришиш учун иродани ишга солиш инсон фаолиятининг ҳал қилувчи ҳамда энг асосий қобилиятидир, деб талқин қилади. Ницше мутлақ ҳокимликка, ҳокимиятга эришиш учун ўта кучли ирода эгалари бўлган «олий шахс»га сизғинишни фалсафий асослашга уринади; 2) тарихий жараёнларнинг объектив қонуниятларига риоя қилмасдан, жамоатчилик билан ҳисоблашмасдан, ўзбўшимчилик билан сиёсат юритиш, ўз хоҳиш-иродасини ҳамма нарсадан юқери қўйиш.

**ВОРИСЛИК** — 1) воқеа ва ҳодисаларнинг объектив боғланиши. В. умумфалсафий категория бўлиб, барча фанлар учун методологик аҳамиятга эга. В. тараққиётнинг бир босқичдан иккинчи босқичга утишининг асосини ташкил этади ва у ҳар қандай ўзгаришнинг зарур шарти ҳисобланади. В. тарихий тараққиёт жараёнида янгилик билан эскилик ўртасида юзага келадиган зарурий, қонуний алоқа ва боғланиш методи. Бу қонуният диалектик боғлиқлик ва алоқадорликдан эскиликнинг янгилик томонидан инкор қилиниши ва ривожлантирилишидан келиб чиқади. Диалектик ривожланиш эскини бутунлай йўқ қилиб ташлашдан эмас, балки ўтмишда эришилган ижобий ютуқларни сақлаб қолишдан иборат. Шунда нарс ва ҳодисаларнинг ривожланишидаги ворисий боғлиқлик сақланиб қолади. Бу эса ривожланиш кўйидан юқорига, оддийдан мураккабга қараб борадиган жараён эканлигидан далолат беради. В. бир томондан ўтмишда тўпланган барча ижобий, муҳим жиҳатлар навбатдаги жамият вакиллариининг фойдаланишлари ва узлаштиришларида намоён бўлса, иккинчи томондан у аввалги даврда эришилган натижаларнинг кейинги давр талаблари нуқтан назаридан танқидий баҳоланишида ва ижодий қайта ишланиб, уларга сифат жиҳатдан янги ҳисса бўлиб қўшилишида ифодаланади. Демак, В. деганда, эскининг янгига кирган ҳамда унинг ривожланишини таъминлайдиган, унинг учун хизмат қиладиган унсур ва томонларини тушунмоқ керак бўлади. В.нинг инволюцион ва олга қараб борадиган шакллари маъжуд. Олга қараб борадиган В. ижтимоий тараққиётнинг зарурий шартидир. Инволюцион шаклнинг моҳияти эса ўзгараётган объектнинг айрим

сифатлари сақланиб қолиши ёки хусусиятлари йўқолиб кетишидир. Бундай «орқага силжишлар» жамият тараққиётининг турли босқичларида кузатилган. В. муаммоси Ўрта Осиё файласуфлари ва айниқса, суфизм таълимотида алоҳида талқиқот объекти бўлган. Тараққиётнинг диалектик конценцияси асосида В. тушунчаси моҳиятининг ҳар томонлама назарий таҳлилини Г.В.Ф.Гегель кўрсатиб берган. Гегелнинг «кўчириб олиш» жараёнида В.нинг қонунийлиги ҳақидаги хулосаси «Мантиқ фани» асари (1812)да баён этилган. В. эски ўрнига янгининг келиши, унинг илдиз оғишида намоён бўлади ва навбатдаги тараққиётнинг бошланиш хусусиятларини белгилайди. Эски ўрнида вужудга келадиган янгилик дастлаб имконият кўринишида бўлади. Имконият эса ўз навбатида вориёсий муносабатда, боғланишда, алоқдорликда ифодаланadi. Тараққиёт бир-бирини алмаштириб турадиган босқичлардан иборат бўлиб, бир босқич иккинчи босқич томонидан, иккинчиси эса учинчиси томонидан илкор этилади. Эскининг емирилиб, янгининг пайдо бўлиши тараққиёт жараёнида диалектик инкорнинг икки муҳим бўғини бўлса, В. унинг ажралмас жиҳатидир. 2) Вафот этган шахс (мерос қолдирувчи) ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ўз меросхўрларига ўтиши.

**ВОҚЕЛИК** — табиий ва ижтимоий-тарихий ҳодисаларни ифодаловчи объектив реаллик. В. тушунчаси «борлик» тушунчасига яқин, лекин улар орасида муайян фарқ мавжуд. В. мавжуд бўлган ва бўлиши мумкин бўлган алоҳида нарса, ҳолиса, жараёнларни ифодаласа, борлик бир бугун, яхлит, бир-бири билан боғланган ва бир-бирини тақозо этадиган оламни ифодалайди. В. бўлиши мумкин бўлган

нарсаларни олдиндан сезиш, кўриш, ҳис қилиш тарзида намоён бўлади. Фалсафа тарихида В. турлича талқин этилган. Хусусан ўрта аср фалсафасида илоҳиёт билан тушунтирилган. 16–17-а. файласуфлари (Т.Гоббс, Р.Декарт) В.ни фазо ва вақтда мавжуд моддийлик сифатида талқин этидилар. В.ни мантиқий билишнинг муҳим босқичи деб ҳисоблаган Г.В.Ф.Гегель, В. ўз-ўзини англашга интилган мутлақ ғоянинг муайян ҳолати, моҳият ва мавжудликнинг бирлигидир, деб тушунтиради. В.ка диалектик ёндашиш, уни бор бутунликда, умумий ва ўзаро алоқадорликда текшириш ундаги муҳим йўналиш, боғланишларни англашга имкон беради. В.ни ҳақиқий баҳолаш, ундан тўғри хулосалар чиқариш В.ни ўзгартиришнинг гарови саналади. Ҳаёт жараёнларини синчковлик билан кузатиш ва ўрганиш орқали В. моҳиятини тўғри тушуниш, унинг ривожланиш тенденциясини аниқлаш, келажакни олдиндан кўра олиш мумкин.

**ВУЖУДИ ВОЖИБ ВА ВУЖУДИ МУМКИН** — ўрта аср Яқин ва Ўрта Шарқ фалсафасидаги тушунчалар. Улардан перипатетик фалсафа тарафдорлари Форобий, Ибн Сино, Умар Хайём, Ибн Рушд ва б. борлик муаммосини талқин этишда кенг фойдаланганлар. Бунга кўра, мавжудот вужуди вожиб (зарурий мавжуд нарсалар) ва вужуди мумкин (имконий мавжуд нарсалар)дан иборат. Улар ўртасидаги ўзаро алоқа тасодифий тусга эга бўлмасдан, балки табиат ва мантиқ қонун-қондаларига зид келмайдиган тартибга бўйсунadi. Вужуди вожиб биринчи сабаб сифатида ўзидан бошқа нарсаларнинг ҳосиласи бўла олмайд. У ўз моҳиятига кўра, барча нарсаларни яратади, лекин ўзи бошқа нарсалар томонидан яратил-

майди. У билим ва қудратда бeнуқсондир, унда қуеур, етишмовчилик ёки ноаниқлик ҳамда уни тўлдиршига бирон-бир зарурат йўқ. У, ҳозир айнан бундай, кейин эса бошқача бўлиши мумкин эмас. У мутлақ нафис борлиқ ва мутлақ донишмандлик тимеолдир. У доимо яратиш билан машғул. Ўзга нарсаларни яратиш ирода туфайли эмас. балки унга хос зарурият асосида амалга ошади. Вужуди мумкин ўзининг мавжудинги учун бошқа нарсага муҳтож борлиқ ҳисобланади. Вужуди мумкин вужуди вожиб сабабли мавжуддир. Оламда сабаб-оқибат муносабати пировард натижада биринчи сабаб вужуди вожиб —Аллоҳда бориб тақалади. Вужуди мумкин Фeрoбий таъбирича, беш даражага бўлинади: ақл, жон, шакл, материя, ос-

мон. Улар ўртасидаги сабабий муносабатда вақт эмас, нафислик даражаси, мартабаси муҳим аҳамият касб этади. Вужуди вожибнинг нафислиги бетакрордир. Абатийликда В.в. ва в.м. бир-биридан фарқламайди, чунки сабабсиз оқибат содир бўлмайди. Ҳар қандай эр-хотин фарзанд дунёга келиши билангина муқаррар ота-онага айланади. Бундай қиёслаш Фeрoбийнинг фикрича. В.в. ва в.м.га ҳам таллуқлидир. Демак, сабаб сифатида вужуди вожиб абадий экан, унинг оқибати бўлиши вужуди мумкин ҳам абадийдир. Мутафаккирлар теънидан В.в. ва в.м.нинг ўзаро муносабатини бундай тарзда талқин этишлари фалсафий тафаккурга янгича ёндашишга, унга алоҳида урғу бeришига олиб келди.

## Г

**ГАДАМЕР** Ганс Георг (1900.11.2, Марбург — 2002) — немис филолoгуфи, 20-а. ўрталаридаги герменевтика фалсафасининг етакчи вакилларидадан бири. Лейпциг ун-тида фалсафа проф. (1939 й.дан), Лейпциг ун-ти ректори (1946—47), Гейдельберг ун-тида фалсафа проф. (1949 й.дан). Асосий асарлари: «Платоннинг диалектик этикаси» (1931), «Гёте ва фалсафа» (1947), «Ҳақиқат ва методология» (1971), «Диалог ва диалектика» (1980), «Назария мактов» (1984), «Хайдеггер йўли» (1993) ва б. Г. руҳ ҳақидаги фан методологиясини танқид қилган ва герменевтиканинг универсал аҳамиятга эга эканлигини неботлашга ҳаракат қилган. Г. учун герменевтика аввало амалиётдир. У ўзини муайян матни тушунишда намоён қилади. Бусиз матн ўзининг хусусиятини йўқотади. Аммо Г.нинг фикрича, герменевтика фалсафаси фақат матни тушуниш методологи-


ясини ишлаб чиқили билан чекланмайди, балки ўзига хос фалсафий тушунчадир. Герменевтика фалсафаси предметини нафақат «тушунарли» фанлар (тарихий-гуманитарин). балки у ёки бу маънода тушунишнинг умумий характер касб этишидан келиб чиқиб, инсоннинг ҳаёт ва борлиқ ҳақидаги билимлар мажмуи ҳам ташкил қилади. Г.нинг талқинида бу билишнинг ўзига хос мавжудлик методологиясидир. Г. рефлeктор назарий билиш билан предикативгача бўлган билиш шаклини фарқлайди. Бундай билимларнинг асосий шаклини Г. хурофот деб белгилайди. Г. инсон борлиги ва тафаккурининг асосий таъсифини «тарихийлик» ва унинг муайян макон ва вақтда бўлиши, дeмак ўзини шу ерда топишни кўрсатади. Г. вақтдан ва субъектив нотариийликдан ташқарида бўлишни «идеалистик онг» деб атайди (Г. фикрича, Р.Декардан Э.Гуссерлгача бўлган

Европа фалсафаси шу йўсинда намоен бўлган). Бу нуқтаи назарни бар-тараф қилиш учун тушунча ўйини орқали Г. мавҳум фикрни онтологик қарашларга ўтказишга ҳаракат қилади. Г. учун М.Хайдеггер ўрناق бўлган. Г. Платон, Аристотель, Гегель меросига фалсафий замонавий тафаккурни фаоллаштирувчи анъаналар сифатида мурожаат қилади.

**ГАЛИЛЕЙ** Галилео (1564.15.12. Пиза – 1642.8.1, Арчетри, Флоренция яқинида) – италян физиги, астроном, механиги; аниқ табиатишунослик асосчиларидан бири. Г. инерция қонунини кашф этган, кучларни қўшиш қондасини ифодалаб берган, кўчирма ҳаракат тезлиги доимий бўлган ҳоҳдаги нисбийлик принципини яратган, механик ҳаракатнинг асосий кўрсаткичларини миқдорий жиҳатдан аниқлаган, жисмнинг қия текисликдаги ҳаракати қонуниларини дастлаб Г. кашф этган. Г. ҳаракатнинг сақланиши тўғрисидаги муҳим фикрга тегишли тушунчалар киритган. Галилей–Ньютон механикаси илмнинг муҳим тармоғига айланди. Г. олам тузилишини тушунтиришда Н.Коперник йўлидан берди. Ўзи ясаган телескоп ёрдамида Ой сиртининг нотекислигини, Венера фазасининг ўзгаришини, Куёш доғларини, Юпитернинг 4 йўлдошини кашф қилди ва Куёшнинг ўз ўқи атрофида айланишини исботлади. Г.нинг бу ишлари «Юлдуз хабарчиси» (1610–11) асарида баён қилинган. «Олам тузилишининг икки асосий системаси ҳақида диалог» (1632) асарида гелиоцентрик системанинг тўғрилигига асосий далиллар келтирган. Абу Райҳон Беруний каби Г. ҳам Аристотелнинг «енгиллик кучи» тушунчасига қарши чиқиб, фақат оғирлик кучини тан олди. У оламдаги барча ҳодисалар моддий асосга эга бўлиб, механика

қонунларига бўйсунди, деб тушунган. Г. ўз замонасининг илғор гоёли кишиларидан бўлган, схоластикага қарши чиққан. Коперникнинг гелиоцентризмни қатъий ёқлаган, табиий ҳодисаларни тажриба ва математик фикрлаш асосида тушунтиришга ҳаракат қилган.

**ГАРМОНИЯ** (юн. *harmonia* – боғланиш, муганосиблик) – бўлақларнинг бир-бири билан мос равишда боғланганлигини билдирувчи тушунча. Антик давр маданиятида Г. деганда металл ва ёғоч қисмларни бир-бирига мос равишда маҳкамлаш тушунилган. Гомерда Г. ўзаро келишувчилик, битим мазмунини билдиради. Г. тўғрисидаги таълимот юнён фалсафасига мил. ав. 5-а.да Пифагор томонидан киритилганлигини Аристотель «Осмон тўғрисида»ги асарида қайд этди ва Г. тўғрисида ўз фикрларини «Метафизика» асарида баён қилади. Аристотелнинг фикрича, коинотдаги сэйёра, ёриткичларнинг ҳаракат тезлиги уларнинг орбита бўйича қиладиган ҳаракатларидаги Г. бўлиб, уни мусиқа асбобларидаги Г. билан таққослайди. Ибн Сино, Фөробий, Ибн Рушид, Беруний асарларида ҳам Г.га оид фалсафий сатрларни ўқишимиз мумкин. Уларнинг фикрича, табиат, жамият ва коинотдаги муганосибликни Аллоҳ сақлаб туради. Агар ўзгаришлар юз берса, маълум сабаблар орқали Г. ҳам бузилади. Биринчи асосий сабаб Аллоҳдир. Бу сабаблар албатта, бирон-бир оқибатга олиб келади, деган фикрни билдирадилар. Гегель ҳам ўз асарларида Г.ни нарса ва ҳодисалар моҳиятидан қидириш керак, деган фикрни билдиради. Г. умумий алоқадорликнинг бир тури бўлиб, у фақат нарса ва ҳодисалар ўртасидаги муганосибликни билдирмасдан уларнинг томонлари ўртасидаги мосликни ҳам ифодалайди.

**ГЕГЕЛЬ** Георг Вильгельм Фридрих (1770.27.8, Штутгарт -- 1831.14.11, Берлин) — немис файласуфи. Объектив идеализм фалсафаси асосида диалектика таълимотини ишлаб чиққан. Г. фалсафий қарашларининг шаклланишида антик классик мерос: юнон дунёси, унинг маънавий маданияти, фалсафаси муҳим аҳамият касб этган. қадимги эллинлар давлатида у излаган жамиятнинг ахлоқий-эстетик идеалини топган. Г. ўз замонаси, жамияти, унинг сиёсати, иқтисодиёти ва маданиятини чуқур ўрганди. Германия, Франция ва Англия маърифатпарварлари таълимотлари билан яқиндан танишди. Ўз даврининг барча фанларини ўрганиб чиқди. Г. «Рух феноменологияси» асари (1807)да умумий тарзда фалсафий тизимни уч қисмга бўлган: 1) мантиқ фанини ташкил этувчи мутлақ руҳнинг «ўзида» ёки «ўзида гоё» сифатида қандай тарзда мавжуд бўлиши; 2) мутлақ руҳнинг «ўзга борлиқ» шаклида, яъни табиат кўринишида мавжуд бўлиши (натурфалсафа); 3) мутлақ руҳнинг «ўз-ўзига ва ўзи учун» қайтиши ҳамда унинг ўз зарурий ривожини ниҳоясига етказиши (руҳ фалсафаси). Г. диалектикасига бинноан  ривожиди кингга: онг (тушунча) ва унинг предметига бўлинади. Билимнинг ривожланиб бориши жараёнида улар ўртасидаги фарқ камайиб боради. Г. «Рух феноменологияси» асарида фалсафа бутун инсоният тафаккури умумий маданий ривожини ҳамда дунё миқёсида ривожланган мутлақ руҳни англаш демакдир, деган хулосага келган. 1812 ва 1816 й.да нашр этилган «Мантиқ фани» асарининг 2 та жилди ва 1817 й.да чоп этилган «Фалсафий фанлар энциклопедияси»да Г. «Рух феноменологияси»даги асосий хулосаларини мантиқий жиҳатдан ижодий ри-

вожлантирган. Г.нинг категория тўғрисидаги қарашлари И.Кантникидан фарқ қилади. Кант категорияларни инсон онги фаолиятининг синтезланган шакли сифатида талқин этган бўлса, Г. категорияларни объектив борлиқ яратган тузилмалар тарзида тушунган. Г. фалсафий таълимоти мазмунни мантиқ тизимига таянган ҳолда мутлақ гоёнинг мутлақ руҳга айланишини кўрсатишдан иборат бўлди. Бундай жараён ёралик аъзолар — индивидуал, субъектив, объектив руҳ, бутун жаҳон тарихий руҳи шаклларидаги ривожланган табиат ва сўнгги руҳдир. Г. табиат ва руҳ маъмуини дунёвий жараён ёки дунё деб атайди. Умуман олганда, мутлақ мантиқий гоёдан дунёга, мантиқдан табиат фалсафасига ва ундан руҳ фалсафасига ўтиш Г. тизимининг энг мураккаб қисмидир. Соф гоё шаклида бўлган руҳ узидан бегоналишиб, табиат шаклига кирилади ва ўзини инсон онги орқалигига танийди ва биладди. Табиатеъ инсон ва унинг онги мавжуд бўла олмадлиги гоёси Г. натурал фалсафасининг асосини ташкил этади ва у ўз навбатида механика, физика, органика босқичларидан иборат. Г. таълимотининг асосий хулосалари тизимнинг учинчи қисми — руҳ фалсафасига ўз ифодасини топи. Рух фалсафаси субъектив (индивидуал) ва объектив (умумий) руҳ шаклларига бўлинади. Г. уларнинг моҳиятини руҳ фалсафасининг тегишли бўлимларида очиб беради. Булардан биринчиси кенг маънода психология бўлиб, у индивидуалларнинг умумий руҳ билан айниятини англаб етгунга қадар барча босқичлар давомидаги руҳий ҳаётни ўрганади. Кейинги бўлим «хуқуқ фалсафаси» бўлиб («Хуқуқ фалсафаси», 1821), у инсоният ҳаётида кишилар ўргасидаги муносабатларда қандай шакл-



ларда намоён бўлишини таҳлил этишга бағишланган. Унинг энг қуйи поғонаси мавҳум ҳуқуқ бўлса, энг юқориси ахлоқдир. Г. фикрича, объектив руҳ ўзини оила, фуқаролар жамияти ва давлат орқали намоён қилади. Давлатчилик ғоясининг ҳақиқатан амалга ошишини фақат инсониятнинг тарихий ривожда, яъни объектив руҳ тўлалигича намоён бўладиган бутун жаҳон тарихида кузатиш мумкин. Ҳуқуқ фалсафаси мангиқан тарих фалсафасига ўтади ва унинг тимсолида ўз ниҳоясига етади («Тарих фалсафасига доир маърузалар», 1837). Умуман олганда, тарихни «эркинликни англаган руҳ», деб талқин этган Г. ўз олдига тарихий жараёни давомида дунёвий руҳнинг алоҳида халқлар руҳининг турли шакллари орқали тадрижий ривожини ўрганишни мақсад қилиб қўяди. Бунда тарихдаги ҳар бир даврнинг ўзига дунёвий руҳни англаган алоҳида бир халқнинг етакчилик қилиши билан боғлиқ бўлиб, бу вазифани бажарган, у эстафетани бошқа халққа беради. Г. бу ерда тарихий қонуният ғоясини ривожлантириб, тарихий тараққиётнинг барча босқичларини ўзаро боғлиқлиги ҳамда улардан ҳар қайсиси умумий руҳнинг намоён бўлиши ва ривожланиши шаклларида бири эканлигини кўрсатади. Г. фикрича, тарихий ривожланиш жараёнида ўзини яхлиг, бир бутун ҳолда намоён қилган умумий руҳ мутлақ руҳнинг ўзи бўлиб, у ҳам ўз навбатида уч шаклда ривожланади: санъатдаги интуиция шаклида («Эстетикага доир маърузалар», 1835–1838), диний тасаввурлар ва фалсафий тушунчалар кўринишида бўлиб, сўнггиси умуман фалсафани эмас, балки фалсафа тарихини англайди. Г. ўзининг «Фалсафа тарихига доир маърузалар»ида (1833–1836) фалсафа тарихи фани-

га асос солди ва уни ривожланиб боровчи жараён деб ҳисоблаб ҳар бир фалсафий таълимотни муайян халқнинг тарихий тараққиёти давомидаги ўзлигини англашнинг зарурий бир босқичи сифатида талқин этди. Мутлақ ҳақиқатни диалектик жараён сифатида тушунган Г. охир-оқибат ўз таълимотини фалсафа тараққиётининг энг мукамал ва сўнгги босқичидир, деган хулосага келади. Г. таълимотида қўра, диалектик ёки ривожланиш усулини тушунчаларда мавжуд бўлган қарама-қаршиликлар бирлиги ва уларнинг бир-бирларини истисно қилишлари, яъни зиддиятлар ташкил этади. Бу эса руҳ ривожининг мавҳумликдан муайянликка ўтишининг бош сабабидир. Г. зиддиятлар табиатини таҳлил қилиб, уларнинг ривожланиш жараёнида фақат инкор этиб қолинмасдан, балки инкорнинг инкори сифатида ҳал этилиши тўғрисидаги ғояни илгарн сурди. Бунда биринчи инкор зиддиятларнинг топиллиши, иккинчиси уларнинг ҳал этилишидир. Бошқача қилиб айтганда, ривожланишнинг юқори босқичи ўз ичига унинг қуйи босқичини қамраб олади ва айни пайтда уни инкор қилади. Демак, инкор этилмоқ бир вақтнинг узида ҳам мавжудликни, ҳам юксалишни назарда tutади. **ГЕДОНИЗМ** (юн. hedone — ҳузур-ҳаловат, роҳатланиш) — ҳузур-ҳаловатга, лаззатланишга интилиш инсоннинг олий мақсади деб ҳисобловчи ахлоқий таълимот. Этика назариясидаги ахлоқий талабларни асослаш тамойили бўлиб, унга кўра ҳузур-ҳаловат келтирувчи ва азоб уқубатдан қутқазувчи нарса яхшилик деб, азоб-уқубат келтирувчи нарса эса ёмонлик деб таъриф қилинади. Назарий Г. этикадаги натурализмнинг бир кўринишидир. Инсонга табиат томонидан жо қилинган ва унинг

бутун иш амалини белгилайдиган бош ҳаракатлантирувчи ибтидо ҳузур-ҳаловатдан иборат, деган тасаввур Г.нинг асосини ташкил этади. Ҳузур-ҳаловатга эришиш мақсади бирдан-бир иштиёқ ва шу билан бирга ахлоқий талаб, деб эълон қилинади. Г. ахлоқ-одоб тамойили сифатида кишиларга дунёнинг шод хуррамликларига, ўзлари ва б. учун юксак роҳат-фароғат олишга интилишни буюради. Г. қадим замондаёқ пайдо бўлган. Юнонистонда Аристипп этикасининг мухлислари бўлган ва ҳузур-ҳаловатни олий саодат деб ҳисоблаган кишилар гедониклар деб аталган. Г. Эпикур назариясида ўзининг энг ривожланган нуқтасига эришган. Г. гоялари янги давр утилитаризмида марказий ўринни эгаллаган. Ҳоз. замон назарияларида Г. одатда фақат услубий тамойил — яхшиликни таърифлаш усули сифатида мавжуддир. Г. инсониятнинг илк даврларидан ҳозиргача етиб келган таълимотлардан бири сифатида яхши шароитларда яшаш, зеб-зийнатларга бурканиш, ҳузур-ҳаловатга интилишни тарғиб этиб келди. Негаки инсон табиатан ҳузур-ҳаловатга интилади. Аммо ҳар бир нарсада меъёр бўлгани каби инсон ҳузур-ҳаловатида ҳам меъёрга риоя қилиш зарур. Инсон ўз ҳаётида меъёрларга қатъий асосланиб яшashi билан ўзligини йўқотмайди. Беруний айганидек, «Инсон ҳаётида лаззат меъёрининг бузилиши уни ҳалокатга етаклайди».

**ГЕЛЬВЕЦИЙ** Клод Адриан (1715.31.1 — Париж — 1771.25.1) — француз файласуфи, психологи. Г. фикрича, олам моддий, вақт ва фазода чексиз, доимий ҳаракатда; тафакхур ва сезги материянинг хоссасидир. Инсоннинг онги ва эҳтиросини ижтимоий ривожланишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи деб

ҳисоблади. Г. билиш назариясида *агностицизмга* қарши, материалистик сенсуализм тарафдори. У *хотирани* билишнинг иккинчи қуроли, тафаккур сезгиларимиз йиғиндиси, деб таъкиллади. Г. худонинг мавжудлиги, оламнинг яратилганлиги, жоннинг абадийлиги гояларини танқид қилди. Г. ижтимоий муҳит деганда сийсий ҳаётни, қонунчилиқни тушунган. Ижтимоий ҳаёт юридик қонунларга боғлиқ деб, тенгликни кишиларнинг қонун олдидаги тенглиги маъносиде талқин этган. У умумий тенгликни инкор қилган. Г. кишиларнинг интелектуал ва ахлоқий қиёфасини шакллантиришда муҳитнинг ҳал қилувчи аҳамиятини кўрсатган. У этикада диний ва спиритуалистик қарашларни танқид қилиб ахлоқий тасаввурларнинг тажрибавий келиб чиқиши, уларнинг индивид манфатлари билан шартланганлигини исботлади. Г. 18-а. охиридаги француз буржуа инқилобни гоявий тайёрлашда муҳим ўрнни тулди. Асарлари: «Ақл тўғрисида» (1758), «Инсон тўғрисида, унинг ақлий қобилиятлари ҳамда тарбияси ҳақида» (1772, вафотидан кейин).

**ГЕНЕЗИС** (юн. genesis — келиб чиқмоқ, шаклланмоқ) — муайян ҳолат, кўриниш, ҳодисага сабаб бўлган нарса-ҳодисанинг юзага келиш пайғи ва янада ривожланиш жараёни. Ижтимоий ва табиий ҳодисалар Г.и фалсафа фанини қадимдан қизиқтириб келган. Табиий ва ижтимоий объектлар Г.и илмий асослари маҳусе фанлар ўргасидаги умумилмай ҳамда фалсафий таърифловчи эволюцион назарияларда акс этган. Замонавий фан ва фалсафада табиий ҳамда ижтимоий объектларга ўз-ўзидан ташкил бўлувчи, ўз-ўзини тартибга солувчи, ўз-ўзидан ривожланувчи кўп погонали, мураккаб тизим сифатида

қараш системогенез концепциясини келтириб чиқарди.

**ГЕОГРАФИК МУҲИТ** (табиий муҳит, ташқи муҳит) — табиатнинг жамият ҳаёти зарурий шарт-шароитини ташкил қилувчи, ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнига бевосита алоқадор бўлган ва унга бевосита тортилган муайян қисми (ер пўсти, атмосферанинг қуйи қисми, сув, тупроқ ва тупроқнинг устки қатлами, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси).

Г.м. — инсоннинг яшаш ва ўз кучини сарф қилиш билан боғлиқ бўлган ҳудуд. Буларга инсон фаолияти билан у ёки бу тарзда боғлиқ бўлган дарё, канал, ўрмон, сунъий ўрмон, дала, яйлов, ўтлоқ ва кўкаламзорлар, шаҳар ва б. турар жойлар, иқлим ва тупроқ шароитлари, фойдали қазilmалар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси киради. Г.м. инсон ҳаётининг табиий манбаи, моддий ишлаб чиқаришнинг асоси ҳисобланади. Инсоният жамияти вужудга келганидан бошлаб у ўзини ўраб турган табиий муҳитга таъсир қилиб, уни ўзгартирди ва шу билан бирга унинг таъсири натижасида инсоннинг ўзи ҳам ўзгарди. Ҳар бир жамият Г.м.ни ўзидан олдинги даврлардаги ютуқларга таянган ҳолда ўзгартириб боради. Инсон ўсимлик ва ҳайвон турларини бошқа иқлим шароитларига кўчириб ўтказиш билан уларни ҳам ўзгартириб борди. Жамиятнинг табиатга бўлган таъсири моддий ишлаб чиқариш, фан, техника, ижтимоий эҳтиёжлар, ижтимоий муносабатлар хусусиятидан келиб чиқиб белгиланади. Жамиятнинг табиатга бўлган таъсири кучайиши натижасида Г.м. chegarалари кенгайиб боради ва шу билан бирга баъзи табиий жараёнларнинг жадаллашуви, уларда янги хусусиятларнинг пайдо бўлиши содир бўлади. Ҳоз. замон Г.м.ини авлодлар

меҳнати билан яратилган ҳолатларидан маҳрум қилиб, жамият унинг илк табиий шароити ҳолатига ўтказилган тақдирда ҳам у ўз ҳолатини сақлай олмайди. Чунки, инсон дунёни геокимёвий тарзда ўзгартириб, ўзининг яшаш муҳити — сунъий табиатни вужудга келтирди, уни кенгайтирди ва энди бу жараённи орқага қайтариб бўлмайди. Инсон Г.м.га ёки унинг бирор элементига таъсир этгётганда унинг келтириб чиқариши мумкин бўлган салбий оқибатларини яхшилаб урганиши зарур. Аке ҳолда салбий ўзгаришлар Г.м.га ҳам, инсонга ҳам катта зарар етказиши мумкин. Ўз навбатида Г.м. жамият таракқиётига кучли таъсир кўрсатади. Инсоният тарихи атроф-муҳит, сайёрамиз устки қатлами, табиий шароитининг инсоният таракқиётига ёрдам бергани ёки унга тўғоноқ бўлганига доир кўнлаб мисолларни билади. Г.м.нинг жамиятга таъсири тарихий жараёндир. Ўтмишга қанчалик чуқур кириб борсак, жамиятнинг Г.м.га шунчалик боғлиқлигини кўрамай.

**ГЕОСИЁСАТ**, географик сиёсат — сиёсатшуносликдаги тушунча. Г. атамаси муайян бир мамлакат ўрни, табиий бойликлари, иқлими ва б. географик омилларининг давлат ташқи сиёсатига (географик-сиёсий стратегияси ва ҳ.к.га) таъсирини ифодалаш учун ишлатилади. Г. тушунчаси швед олими ва давлат арбоби Р.Челден томонидан муомаллага киритилган. Г. назарияси 19-а. охири ва 20-а. бошларида Ф.Ратцель (Германия), А.Мэхэн (АҚШ), А.Маккиндер (Буюк Британия) томонидан ишлаб чиқилган. Г.нинг замонавий талқини бирор кучли давлат ёки давлатларнинг ташқи сиёсатда у ёки бу масала бўйича устуңликка эришиши эмас, балки ўзга иқтисодий бой маконлар устидан ўз сиёсатини юргизиши ёки

бошқача айтганда, бир мунча заиф давлатларнинг муайян моддий, ижтимоий ва маънавий ресурслари устида ўзига хос сиёсат олиб боришидан иборатдир.

**ГЕОЦЕНТРИЗМ** (юн. geos — ер, лот. centrum — марказ) — оламнинг маркази Ер бўлиб, унинг атрофида бошқа барча осмон jismlари ҳаракатланади, деган қадимги дунёқараш. Юнон олими Клавдий Птолемей (тахм. 90 — тахм. 160)нинг геоцентрик назариясига кўра, Ер бутун чексиз коинотнинг маркази ҳисобланади. Уйғониш даврининг йилрик олими, астроном Н.Коперник (1473—1543) гелиоцентрик назариячи бўлиб жиҳатдан асослаб берди. Бу таълимотга кўра, коинотнинг маркази — Кўёш. Ер Кўёш ва ўз уқи атрофида айланади.

**ГЕРАКЛИТ** Эфеслик (мил. т. тахм. 544—483) — қадимги юнон фойласуфи. Фалсафа тарихида биринчи бўлиб объектив диалектика тамойилларини кўрсатиб берган. Унинг фикрича, олам ҳеч ким томонидан яратилмаган, у азалидан бор. Ҳ. олами тўтовсиз алангалашиб ва суниб турувчи оловдан деб билди. Унинг фикрича, ҳамма нарса оловдан пайдо бўлган ва ҳамма нарса оловга айланади. Дастлабки илоҳий олов — соф ақл, «логос» бўлиб, унинг парчаланиши ва курашлар орқали турли-туман ҳодисалар пайдо бўлади, ўзаро тотувлик ва тинчликни баҳолашга олиб келади ва баҳо берувчи секин-аста дастлабки олов кўринишини олади. Ҳамма нарса ўзгаришда, бу оқимда «логос»нинг ҳукмронлик қилиши қонуний, унга эса жуда озчилик эришади. Ҳ. ҳамма нарса муттасил ўзгариб, янгилашиб туриши сабабли ани бир дарё сувига икки марта тушиб бўлмайди, чунки иккинчи марта тушувчига янги сув оқиб келади, дейди. Шу билан бирга, инсон ҳам

ўзгарган бўлади. Унга кўра, ҳамма нарса қарама-қаршилик орқали бирикса-да, уларда яширин уйғунлик мавжуд ва у очиқ кўринишдаги қарама-қаршиликда яхшироқ кўринади. Барча буюмлар ибтидоси курашдир, у баъзиларни худо кўринишида, баъзиларни инсон, баъзиларни қул, эркин кишилар кўринишида намоён қилади. Донишмандлик барча нарсада ҳукмрон, ҳамма нарсани бошқарувчи ақлни, «логос»ни билиш демакдир. Донишманд бўлиш шу ақлга бўйсунуш ва уни тан олишдир. Фақат «эвлет» тузилиши, табиат кўринишидаги ақл қонунарига бўйсунибгина инсон маънавий софликка эришади. Бу эса, ўз навбатида инсоннинг муқаддас бахтидир.

**ГЕРМЕНЕВТИК АЙЛАНА** — фалсафий герменевтика усули. Ҳ. буйича бутунликни, яхлитликни тушуниш учун элементларни тушуниш керак, лекин айрим элементларни тушуниш яхлитликни тушунишдан келиб чиқди. Бу ёндашувлан ривожланаётган системаларни изоҳлашда кўп фойдаланилади. Мас., ген тушунчасини англаш учун организм тушунчасига мурожаат қилинади. Синергетика тамойилларининг бир-бири орқали тушунтирилиши ҳам Ҳ.дир. Дугатларда, айниқса изоҳли дугатларда одатда бията сўзнинг бир нечта маънолари берилди. Агар бизда иборанинг маъноси тўғрисида ҳеч қандай тасаввур бўлмаса, у ҳолда биз хоҳлаганимизни танлаймиз, кейин танланган маънони бошқа сўзларнинг маъносига мувофиқлигини аниқтаймиз ва ўзбек тилида маъноли ибора чиқишига қараймиз. Ибора маъносининг аста-секин пайдо бўлишига қараб, айрим сўзларнинг маъноларини ойданлаштираемиз ва шунинг натижасида буғун иборанинг маъносини аниқтаймиз.

**ГЕРМЕНЕВТИКА** (юн. *hermeneutikos* — тушунтирувчи, изоҳловчи, талқин этувчи) — матн (қадимги классик, Библия ва ҳ.к.)ларни изоҳлаш санъати. Фалсафа ва гуманитар фанлар йўналишларидан бири бўлиб, ижтимоий борлиқни асослаш, изоҳлаш методологияси сифатида тушунилади. Тор маънода Г. билимнинг маълум бир тармоқларида мавжуд матнларни талқин қилишнинг қоида ва усуллари йиғиндиси, деб қаралади. Г.нинг умумий таҳлил қилиш назарияси асослари немис файласуфи Ф.Шлейермахер томонидан 18-а. охири — 19-а. бошларида яратилган. У филологик, теологик ва ҳуқуқий Г.нинг умумий хусусиятлари муаммосини кўтариб, унинг қоида ва услублари, хусусий соҳаларда ҳам ўз моҳиятини йўқотмаслиги муҳим эканлиги тўғрисидаги ғояни илғари сурган.

Юнон фалсафаси ва филологиясида кўп маъноли тимсолларнинг ва ўзга тилда баён этилган асарларнинг асл маъносини тушунтириб бериш санъати неоплатончилар, юнон шоирлари, ҳусусан, Гомер асарларини, христиан ёзувчилари Инжилни, мусулмон олимлари Куръонни, Шарқда, айниқса, бедилхонлик, навобийхонликни турлича талқин этиш кенг ёйилган. Матнга бир томондан имло, услуб ва мазмун бирлиги сифатида, иккинчи томондан бутунга нисбатан қисм, деб қаралади. Бу ўз навбатида номаълум асарни атрибутиштиришга олиб келади. Антик даврда ишлаб чиқилган филологик Г. тамойиллари Инжил матнларини изоҳлашда ҳам қўлланилган. У матнларда олдиндан битилган яширин маъно ўз аксини топган. Шлейермахер Г.си тарихийлик табиатига эгаллигини тан олган ҳолда, Г.ни фалсафий метод деб қараш анъанасини В. Дильтей давом

эттирди. Ҳоз. кунда Г.га Г.Гадамер томонидан ишлаб чиқилган фалсафий оқим, деб қаралади.

**ГЕТЕРОГЕН** (юн. *heterogenes* — турли, хилма-хил) — бошқа турга мансуб бўлиб, таркиби ҳар хил унсурлардан ташкил топган система.

**ГЕДЕЛЬ** Курт (1906.28.4, Брно — 1978.14.1, Принстон) — австриялик мантиқшунос ва математик. 1940 йдан АҚШда. Г. мантиқ, рекурсив функциялар назарияси ва математика соҳасидаги «Предикатлар тор ҳисобининг тўлиқлиги ҳақидаги теорема» (1930), «Математикани арифметиклаштириш услуби» (1931), «Формал системалар нотўлиқлиги ҳақида теорема» (Г.нинг биринчи теоремаси, 1931), «Формал тизимлар зиддиятсизлигини шу тизим қуроллари орқали исботлашнинг мумкин эмаслиги ҳақидаги теорема» (Г.нинг иккинчи теоремаси, 1931), «Конструктив мантиқни талқин этишнинг муҳим натижалари» (1931—1933), «Умумий рекурсив функцияларни биринчи таърифлаш» (1934) каби илмий ишлари билан танилган. Г. эришган натижалар ичида энг йириги нотўлиқлик ҳақидаги теоремадир.

Г.нинг биринчи теоремасини кўпинча формаллаштирилган арифметиканинг нотўлиқлиги ҳақидаги теорема, деб ҳам айтишади. Аниқроғи, уни қуйидаги шаклда ифода-лаш ҳам мумкин: агар формал арифметик тизим оддий ва зиддиятсиз бўлса, у ҳолда у тўлиқ эмас. Г. биринчи теоремасидан услубий жиҳатдан муҳим бир натижа келиб чиқади, яъни мазмунли арифметикани тўлалигича формаллаштириш мумкин эмас. Формаллаштирилган арифметиканинг нотўлиқлиги ҳақидаги теорема Г.нинг зиддиятсизлик ҳақидаги иккинчи теоремаси билан бевосита

боғлиқ бўлиб, мазкур ҳол муҳим мантикий ва гносеологик аҳамиятга эга. Г. агар формал арифметик тизим зиддиятсиз бўлса, мана шу тизимдаги формаллаштирилган услублар ёрдамида унинг зиддиятсиз эканлигидан далолат берувчи асослар мавжуд эмаслигини исботлади.

**ГИЛОЗОИЗМ** (юн. *hylē* – модда, материя ва *zōē* – ҳаёт) – материянинг барча турларини жонли деб ҳисоблайдиган таълимот. Бу билан Г. ноорганик ва тирик табиатнинг принципиал фарқини бартараф этади. Г. тушунчаси фанга 1678 й да инглиз файласуфи Р.Кедворт (1617–88) томонидан киритилган. Дастлабки юнон фалсафий таълимотларида микро ва макрокосмоснинг умумий хусусияти уларнинг жонлилигидир, деб тан олинган (Фалес, Анаксимандр, Анаксимен ва б.). Г.нинг ижтимоий-маданий илдизлари Шарқ ва Ғарб аъёнанивий жамиятларига бориб тақалади. Уларда табиат бир бутун тирик организм сифатида тушунилган. Уйғониш даврида эса Г. антик файласуфларнинг концепциялари таъсирида онгли инсон билан табиат бирлигини асослаш учун далил сифатида ишлатилган. Материяга ҳос бўлган сезувчанлик ҳақидаги фикрларини 18-а. француз материалисти Д.Дидро ҳам ўз асарларида баён қилган. Г. сезувчанлик, тириклик, психика, онг пайдо бўлиши ва ривожланишини эволюцион нуқтан назардан асослаб беришга уринади.

**ГИПОТЕЗА** (юнонча *hypothesis* – асос, пойдевор, тахмин, фараз) – муайян объектив ҳодисанинг номаълум, ноаниқ сабаби ҳақидаги билим, илмий билишни ривожлантириш усули.

Г.дан табиий ва ижтимоий-тарихий фанлар: кимё, физика, биология, тарих, иқтисодиёт, археология,

тилушнослик кабиларда фойдаланилади. Объектив ҳодисанинг номаълум хусусиятларини мавжуд бўлган назария асосида тушунтириш мумкин бўлмаганлиги сабабли фаразий, тахминий билимлардан фойдаланилади. Г. илмий тадқиқотларда мантикий муқаррарлик билан мавжуд билимларга, янги эксперимент далилларга асосланиб тахминий билимни шакллантиради, шу аснода ноаниқ, номаълум ҳодисани тушунтиришга ҳаракат қилади. Ушбу тахмин ва фаразлар нарса, ҳодисаларнинг моҳиятини, боғланиш сабаблари ва қонуниятларини ўрганиш воситаси бўлиб, ҳали умумий, зарурий, ҳамма учун мажбурий бўлган хусусиятга эга эмас. Г.ни асослаш ва унинг ривожланиши жараёнида улар исботланиши ёки рад этилиши керак ва ўрнини бошқаси эгаллаши лозим. Янги тахмин ва фаразлар асосида шаклланган билимлар тизимни номаълум факт ва қонуниятларни тушунтириб беради ва шу билан билиш жараёнининг имкониятларини кенгайтиради.

Ҳар қандай Г. тажрибага асосланиб, объектив воқеликнинг қандайдир бир томонини акс эттиради. Шунинг учун ҳам Г. ҳодисаларнинг сабаблари ҳақидаги фараз, тахминий фикр сифатида фаннинг ривожланиши учун кагга аҳамият касб этади. Фанда қонун, қонуниятларни кашф этишда янги далилларни текшириш учун улар асосида турли илмий Г.лар олга сурилади, уларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш, сўнг илмий назарияларга айлантириш тадқиқотнинг узвий жараёни ҳисобланади.

Бир қатор Г.лар текширувдан ўтиб, назарияга айланади. Қолганлари эса ўзгартирилади, аниқлаштирилади ёки умуман рад этилади. Бу билимларнинг тахминийлиги инсон билиш фаолияти учун кенг имкони-

ятни яратади. Г.ни текширишнинг принципиал талаблари мавжуд. Г.да текширув, синаш мезонини бевосита эмпирик ва мантикий (назарий) даражаларга ажратиш мумкин. Эмпирик текширувда Г. тажриба, асбоблар ва тадқиқот усуллари билан аниқланади.

Назарий фаразларнинг илмий тажрибадан ўтиши фанга алоқаси бўлмаган ҳар қандай тахминларни рад этади. Мураккаб Г.лар қадимда ҳам, ҳозир ҳам билвосита мантикий хулосаларга асосланиб текширилган ва текширилади. Мантикий (назарий) исботлаш ва уни тажриба асосида тасдиқлашни рад этиш, фараз қилинган билимдаги ноаниқликни, тахминни бартараф этади. Баъзи бир ҳолларда ҳамма тан олган илмий қонун ва Г. орасидаги фарқ шартлидир. Илмий қонун амалий татбиқ этилган бўлсада, муайян даражада гипотетиклигини сақлаб қолади.

Билиш жараёнида Г. изчиллик билан бир-бири билан алмашинади, янгиланади, бу эса объектив борлиқни янада ҳар томонлама, ундаги боғланишларни чуқурроқ билишга имкон беради. Булар эса янги назарий гояларни вужудга келишига асос бўлади. Г. аниқ системали ривожланган илмий билим асосида шаклланади. Шунинг учун тушунирилган фактларга асосланган бўлмоғи ва фанда шаклланган қонун, назария ва б.га зид бўлмаслиги лозим. Аммо фаннинг ривожланиши янги қонун ва назариялар пайдо бўлиши билан боғлиқ. Шунга кўра, Г. ҳам фан ютуқларига таяниб, унинг тараққиёти учун мадал берадиган илмий тахминий билимни олға суради. Г. билиш жараёнининг ажралмас қисми сифатида муҳим аҳамиятга эгадир.

**ГИПОТЕТИК МУЛОҲАЗА** — чинлиги номаълум бўлган гипотезалар-

дан ва б. билим (асос)лардан хулоса чиқаришга асосланган фикр юритиш методи. Г.м. да хулоса асослардан дедуктив метод асосида келтириб чиқарилгани учун уни баъзан гипотетик-дедуктив мулоҳаза юритиш ёки қисқача гипотетик-дедуктив метод деб аталади. Г.м.нинг уч тури мавжуд. Биринчи тури асос, гипотезалар ва эмпирик умумлашмалардан иборат бўлиб, улар фикрлаш объекти ҳақидаги тасаввурларга зид келмайди, лекин чиқарилган хулоса барибир эҳтимолий тусга эга бўлади. Бу методдан муҳокама юритиш жараёнида кўпроқ фойдаланилади. Г.м.нинг иккинчи тури хулоса чиқариш асослари қайд этилган далиллар ёки мавжуд назарий қоидаларга зид фикрлардан иборат бўлади. Табиийки, улардан чиқадиган хулосалар ҳам маълум бўлган далилларга зид келади. Бундан одатда, баҳс юритиш жараёнида оппонент фикрини хато, деб кўрсатиш мақсадида фойдаланилади. Г.м.нинг учинчи турида хулоса чиқариш учун асос қилиб кўпчилик томонидан эътироф этиладиган фикрлар, ишонч-эътиқодга зид бўлган мулоҳазалар олинади. Улардан келиб чиқадиган хулосалар хулоса чиқариш қоидаларига риоя қилинганда ўзининг мантикий қиймати бўйича чин ёки хато бўлиши мумкин. Чунки, кўпчилик эътироф қиладиган ва уларнинг ишонч-эътиқодига айланган билимларнинг чинлиги ҳамма вақт ҳам исбот қилинавермайди. Улар кундалик тажриба натижаларини индуктив йўл билан умумлаштириш ёрдамида ҳосил қилинган ва шунинг учун ҳам эҳтимолий мулоҳаза бўлиши мумкин. Г.м. методи антик давр фалсафасида таҳлил қилина бошлаганида. Унга баҳс-мунозара жараёнида рақибни ўз фикридан қайтариш ёки уни қайта

кўриб чиқиш, аниқлаштиришга мажбур қиладиган мантикий методлардан бири деб қаралган. Г.м. 17—18-а.ларда илмий-назарий билишда кенг қўлланила бошланди. И.Ньютоннинг «Натурал фалсафанинг математик асослари» асарини Г.м. методида баён қилинган система, деб атаса бўлади. Г.м. методи замонавий табиатшунослик услубияти ичига чуқур кириб бормоқда. Табиий-илмий назариялар гипотетик-дедуктив системалар тарзида қурилиб, уларда мантиқан кучлироқ гипотезалар мантиқан кучсизроқларидан келтириб чиқарилади (дедукция қилинади). Бошқача айтганда, табиий-илмий назария мантикий тузилишига кўра гипотезалар занжиридан иборат. Методология нуқтаи назаридан қараганда Г.м. методи турли даражадаги умумийликка эгадир. Демак, у турли хил мантикий кучли гипотезаларни ҳамда уларнинг ўзаро алоқаларини ўрганишга имкон берибгина қолмасдан, балки уларнинг эмпирик маълумотлар билан тасдиқланишига ҳам йўл очиб беради. Гипотетик-дедуктив системада турли Г.м.лар ўзаро боғланган бўлгани учун улардан бирини тасдиқлаш билвосита у билан алоқада бўлган бошқаларини ҳам тасдиқлашдан иборат, деб ҳисобланади. Г.м. математикада самарали қўлланилади. Мас., математик гипотезалар Г.м.нинг ифодаси бўлиб, ундан табиатшуносликка қонуниятларни очишнинг эвристик воситаси сифатида фойдаланилади. Албатта, илмий билишда Г.м. методини қўлланиш ўз-ўзидан умумий гоё, тамоийил, гипотезаларни яратишга олиб келмайди. Улар индуктив йўл билан, яъни далиллар жузбий табиатга эга билимларни умумлаштириш асосида яратилади.

**ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ** — глобаллашувнинг салбий жараёнлари системаси. Глобаллашув жараёнининг ўзига хос хусусияти шундаки, дунёнинг қайсидир чеккасида бирор воқеа-ҳодиса юз берса, бу объектив жараён жаҳоннинг бошқа чеккасида ҳам тезда акс садо беради. Бу биринчидан. Иккинчидан глобаллашувда ҳар бир давлатнинг равнақи, тараққиёти ёки инқирози нафақат яқин ва узоқ қўшни давлатлар, балки бошқа минтақа ва ҳудудлар билан боғлиқ тарзда кечадики, бу объектив жараёндан четда туриш (аслида мумкин бўлмаган жараён) мамлакатнинг ривожланишига сунъий тўсиқ яратиш билан баробардир. Бу аксиоманинг фалсафий таҳлили шундаки, глобаллашув жараёнига қўшилиши ёки қўшилмасликни алоҳида олган миллат, халқ ёки бир давлат Президенти ёхуд Бош вазир мустақил ҳал қила олмайди. Шунинг учун ҳам глобаллашув ижобий ҳолда мамлакат ва давлатлар равнақининг муҳим омили. Айни пайтда кўпчилик мамлакатлардаги иқтисодий инқироз (бу маънавий қашшоқликни тезлаштиради) дунё мамлакатларининг глобал инқирозига олиб келиши мумкин. Бу объектив жараён глобаллашувнинг салбий жиҳати бўлиб 21-а.нинг дастлабки йилларида пайдо бўла бошлади. Инқирознинг бир йили миллионлаб одамларни иш жойидан, юзлаб йуриқ компанияларнинг мавқе ва нуфузидан маҳрум қилади, ўнлаб компаниялар банкрот бўлади. 2008 й.да Америка Қўшма Штатлари молия муассасалари глобал иқтисодий инқироз туфайли 678 миллиард, Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар 300 миллиард АҚШ доллари зарар кўрди. Ёки сўнгги 71 йилда Япониянинг «Тойота» автомобилсозлик компа-



ниyasi илк бор иқтисодий инқирозга учради ва 2008 й.да 150 миллиард иена (1,7 миллиард АҚШ доллари) зарар кўрди. Буларнинг барчаси ишсизлар армиясини ҳаддан ташқари ошиб кетишига олиб келади. Цивилизациянинг ўтган босқичларида ма-лакасиёз, мутахассис бўлмаган киши-лар ишдан бўшатишган бўлса, Г.и. даврида ишдан бўшатиш оммавий тус олади. Ишсизлик энг аввало жамиятда жиноятларнинг кўпайиши, наркотикининг ўсиши, халқаро терроризм, одам савдосининг кучайиши ва диний ақидапарастликни урчиши учун заминдир.

### ГНОСЕОЛОГИК РЕЛЯТИВИЗМ

(юн. *gnosis* – билим, лот. *relativus* – нисбий) – дунёда ҳамма нарса ўткинчи, ҳақиқат дунёвий даражада ҳам, илмий даражада ҳам бизнинг олам ҳодисалари ҳақидаги билими-миз фақат шу пайтдаги билимимизни ифодалайди, деб таъкидловчи қараш. Кеча ҳақиқат деб ҳисоблан-ган нарса бугун нотўғри бўлиб чи-қади ва хато деб тан олинди: худди дори каби ҳақиқатнинг ҳам сақла-ниш муддати бор. Нисбий мушоҳа-далар бундан ҳам омонатроқ. Бу иж-тимий ҳаётда, ахлоқ меъёрлари ва эстетик дидларда айниқса яққол се-зилади. Яқинда шак-шубҳасиз деб эътироф этилган нарса энди инкор этилади. Баҳолар калейдоскопдаги рангли доғлар каби ўзгаради. Бундан гўё билиш жараёни муваффақият-сизликка учраши тайин бўлган ҳақиқат кетидан «қувиш», деган умумий ҳулоса чиқарилади. Бизнинг барча билимларимиз гўё ноаниқлик ва ноҳақиқийлик денгизиде сузади, у фақат нисбий, шартли конвенци-ал (лот. «conventional») – шартнома-га мувофиқ) ва субъективдир. Скеп-тикларга хос бўлган бу ёндашув ан-тик даврдаёқ юзага келган. Дунёда

ҳамма нарса шу қадар тез ўзгаради-ки, унда мутлақо ўзгармас бўлган ҳеч нарса мавжуд эмас, деб ҳисоб-лаган юнон файласуфи Кратил таъ-лимоти ашаддий Г.р.га мисол бўли-ши мумкин. Барча билимларимизни фақат нисбий деб ҳисоблаш моҳият эътибори билан билишда ўзбошим-чалик ҳукм суришини тан олиш би-лан баробардир. Бу ҳолда билиш нис-батан ўзгармас, ишончли нарсалар мавжуд бўлмаган ҳақиқат билан гу-мон ўртасида фарқ қолмайдиган, ҳар қандай қоида ва тамойилга ишонч йўқоладиган, бинобарин, ҳаётда ҳеч нарсага амал қилиб бўлмайдиган уз-луксиз оқимга айланади. Билиш на-зариясида мутлақ релятивизм – бу тафаккур «бойлиги»нинг намоён бўлиш шакллари билан бири. Унга қу-йидаги мушоҳада хос: ҳақиқат албат-та мутлақ бўлиши керак, агар ҳақиқат мутлақ бўлмаса, у ҳақиқат эмас. Бу фикр замирида нафақат нисбий, балки мутлақ ҳақиқатга ҳам ишончсизлик ётади. Г.р. намоёнла-ри одатда ҳақиқий деб ҳисоблан-ган қоидалар кейинчалик сохта деб инкор этилган ва аксинча, сохта деб ҳисобланган қоидалар фан ривож-ланиши жараёнида ҳақиқий деб эътироф этилган ҳолатлар фан тари-ҳида кўп эканлигига ишора қилади-лар. Илмий билишнинг ҳаракат йўли амалда тўғри чизиқ эмас, балки ке-симларида янглишиш ҳолатлари юз бериши мумкин бўлган эгри чизиқ-дан иборат. Бироқ, бу бизнинг бар-ча билимларимиз сафсата эканлиги-ни исботламайди. Релятивист «би-лимда нисбийлик унсур мавжуд» деган тўғри қоида «билим доимо нисбийдир» деган янглиш қоидага алмаштиради.

**ГНОСТИЦИЗМ** (юн. *gnostikos* – бил-лувчи) – антик давр охирларида ву-жудга келган диний-фалсафий йўна-

лиш. Г. монийлик, ўрта аср дуализми (павликианлар, богомиллар ва б.)ни ўз ичига олувчи «гностик динлар» оқимининг биринчи босқичи ҳисобланади. Г. мил. 1-ада Яқин Шарқ (Сурия ёки Самария) ёхуд Искандарияда шаклланган. 2-ада христианликнинг асосий рақибига айланган Г. турли Шарқ динлари (иудаизм, зардуштийлик, Миср ва Бобил динлари), христианлик, юнон фалсафаси ва б.ларни умумлаштириб синтез қилишга уринган. Г. ичйда бир-бирига нисбатан мустақил ҳолда мавжуд бўлган учта асосий оқимни ажратиш кўрсатиш мумкин: «христиан гностицизми», «маъжусийлик гностицизми» ва мандеизм (ҳозиргача Ироқда сақланиб қолган ягона секта). Гностиклар христианлик ақидаларининг Шарқ мамлакатларидаги диний-фалсафий билимлар билан боғлашга интилган. Асосий вакиллари – мисрлик Валентин (2-а.), суриялик Василид (2-а.). Г. оламни дуалистик нуқтаи назардан тушунтиради. Унинг манбаи зардуштийлик фалсафасидаги ёруғлик ва зулмат, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги курашнинг ифодаловчи дунёқарашга бориб тақалади. Гностиклар фикрича, яхшилик ва ёруғлик худонинг неъматини, ёмонлик ва зулмат эса материядан келиб чиқади. Г. тарафдорлари христианлик ақидаларидан четланадилар. Уларнинг фикрича, агар худо яхши ва адолатли бўлса, нега оламда ёвузлик, адолатсизликнинг пайдо бўлишига йўл қўяди? Гностиклар Исони тан олсаларда, у ҳақидаги Библия ривоятларини рад этадилар. Гностиклар таъкидлашчи, гуноҳқорлиги учун инсон айбдор эмас, чунки ҳар бир индивиднинг жони яхшилик ва ёмонлик, адолат ва зулм ўртасидаги кураш майдонидир. Инсон бу кураш-

ни кузатиб туради ва шу асосда оламнинг моҳиятини англайди, унга тушуниб етади. Худонинг Исо тимсолида инсонга айланиши ва инсонга қўшилиши христианликнинг буюк сирларидан биридир. Бу таълимот бўйича худо ва б. гайритабиий илоҳий кучлар билан қўшилиб кетиш (яъни худо билан экстатик қўшилиш) ва уларни англаш соғром ақл ва мантиқдан ташқари, тушунтириб бўлмас тарзда ва онгенз ёдир бўлади, уни рационал йўл билан эмас, балки иррационал, гайритабиий йўл билан англаш мумкин.

Худони билишнинг бундай мураккаб ва чигил услуби христиан ақидаларининг асосларига ҳафз сола боғланади. Библия матнларини аллегорик тарзда куфрона талқин этишга йўл очди. Бундай ҳолат 2-а. охирига келиб расмий черковнинг Г.га қарши кураш олиб боришига сабаб бўлди.

**ГОББС** Томас (1588.5.4. Малмебери – 1679.4.12, Хардвик) — инглиз файласуфи. Г. дунёқарашини 17-а. инглиз инқилоби таъсирида шаклланди. Ўз қарашлари бўйича монархия тарафдори бўлган. 1640–1651 й.лар Францияда муҳожирликда бўлди. У «Фалсафа асослари» трилогияси («Жисм ҳақида», 1655; «Одам ҳақида», 1658; «Фуқаро ҳақида», 1642)ни ёзган. Ижтимоий масалаларга бағишланган машҳур «Левиафан» асари унга катта шухрат келтирган. Г. аниқ бир фалсафий оқимнинг изчил тарафдори бўлмаган. У бир тоmondan, эмпирик, иккинчи томонидан метафизик метод тарафдори бўлган. Математик методни фақат математикада эмас, фаннинг бошқа соҳалари, жумладан «сиёсий фан»да ҳам қўллаган. Г. таълимотича, табиат инсонни ураб олган дунё жисмларининг йиғиндисидир. Ҳамма нар-

са ва уларнинг ўзгариши моддий унсурларнинг ҳаракати туфайли юз беради. Бу жараёни Г. оддий механик ўрин алмашиш, деб ҳисоблайди. Бу масалада механик материализм нуқтаи назарида туради. Г. ҳаракатнинг дастлабки манбаи деб худони эътироф этади. Лекин, жисмларнинг кейинги ҳаракатлари мутлақо худого боғлиқ эмас, дейди. Бунда Г. таълимоти деизмга яқинлашиб келади. Г.нинг механик материализми унинг инсон моҳиятини тушунтиришида ҳам намоён бўлади. У инсон ҳаётий фаолиятини соф механик жараён сифатида талқин этади. Г. фикрича, билиш назариясига ҳеч қандай ғоя туғма бўлиши мумкин эмас, ташқи сезгилар фақат ғояларнинг эмас, умуман бутун билимларимиз манбаидир, ғоялар мазмуни эса инсон онгига боғлиқ эмас, деб ҳисоблайди. Г.нинг фалсафий таълимотида одам, жамият ва давлат ҳақидаги ижтимоий фалсафа катта ўрин эгаллайди. Г. инсоният тарихини икки даврга ажратади: табиий давр — инсониятнинг жамиятга уюшгунгача бўлган даври ва сунъий давр — инсониятнинг жамиятга уюшгандан кейинги даври. Унингча, табиий даврда хусусий мулк бўлмаган, одамлар ўз қобилиятлари жиҳатдан бир-бирларидан фарқ қилмаганлар. Ҳар бир шахс ўз ҳаётини сақлаш учун ўз табиий ҳуқуқини таъминлашга ҳаракат қилган. Лекин, худди шу даврда кишилар «одам одамга бўри», «ҳамманинг ҳаммага қарши уруши» ҳолатида бўлганлар. Чунки, Г. фикрича, табиий ҳолатда одамлар ўзини ўзи сақлаш ҳисси билан сугорилган табиий қонунлар бўйича ҳаракат қилганлар. Бундай ҳолатда ҳар бир одам куч билан эгаллаб олиши мумкин бўлган ҳамма нарсага ўзини ҳақли, деб ҳисобла-

ган. Г. фикрича, давлат пайдо бўлгунча хусусий мулкчилик бўлмаган. Кишилар бир-бирини ўлдириб қўямасликлари, таламасликлари учун келишилган ҳолда, айримларнинг ҳуқуқини чеклаш мақсадида давлат келиб чиқди. Бу ҳокимият сиёсий тартибни ва инсониятнинг тирик қолишини таъминлайди. Давлат ҳокимиятига черков ҳокимияти ҳам бўйсунishi керак. Давлат фуқароларга нисбатан чекланмаган ҳуқуққа эга. Давлат буюк бир механизм бўлса, фуқаролар унинг кичик бир мурватидир. Г. давлатни Библиядаги афсонавий, даҳшатли маҳлуқ — Левиафанга ўхшатади. Лекин, айрим ҳолларда давлатнинг чекланмаган ҳокимлигига қаршилик кўрсатиш мумкинлигини ҳам тан олади. Гарчи Г. изчил подшолик тарафдори бўлса ҳам ҳар хил шаклдаги чекланмаган давлат ҳокимияти ҳам бўлиши мумкинлигини эътироф этади. Г.нинг давлат ҳокимияти ҳақидаги таълимоти муҳим илғор ғояларни ўз ичига олади. Унинг таъкидлашича, давлат маданият ва ижтимоий ҳаётнинг зарурий шартидир.

**ГОЛЬБАХ** Поль Анри (1723, Гейлестейм — 1789.21.6, Париж) — француз материализми ва атеизмининг асосий асари ҳисобланган «Табиат тизими ёки Табиий ва руҳий олам қонунлари тўғрисида» китобини ёзган. Унда материя табиатда яратилмаган ва йўқ бўлмайди, инсон онгидан мустақил ҳамда макон ва замонда мавжуд, деб уқтирилади. Г. материя ҳоссалари ва тузилиш даражалари ҳақидаги табиий-илмий тасаввурларни уни таърифлашга қаратилган гносеологик ёндашувлар билан бирлаштиришга ҳаракат қилган. Хусусан, Г. фикрича, сезги аъзоларимизга қандай бўлса ҳам таъсир этувчи барча нар-

са материядир. Г. ҳаракатни материя моҳиятидан зарурий равишда келиб чиқадиган яшаш усулидир. деб таърифлади. Г. инсон моҳиятини тушунганда эволюционизм нуқтаи назаридан туриб, инсон ўз-ўзидан ривожланиб табиатнинг объектив қонунларига тўталитича бўйсунди, деб ҳисоблаган, Г. фикрича, инсон моҳияти унинг ўз-ўзини ҳимоя қилиш, шахсий фаровонлик ва ўз ҳаётини эҳтиёжларини қондиришга қаратилган интилишларида намоён бўлади. Г. К.А.Гельвеший каби сенсуализм, материалистик тушуниш тамойилни ижтимоий ҳаётни ўрганиш учун татбиқ этишга ҳаракат қилди. У ижтимоий ривожланишда инсон эҳтиёжи ва манфаатлари етакчи аҳамиятга эгаллиги, муҳит шахс ва унинг эҳтиёжларини шакллантирувчи муҳим омил эканлиги гоёсини ҳимоя қилди. Г. ижтимоий институтлар, жумладан, давлатнинг келишув асосида вужудга келиши ҳақидаги таълимот тарафдори бўлган. Г. феодализм тузумни қаттиқ танқид остига олган, Г. билиш назариясида материалистик сенсуализм нуқтаи назаридан туриб, агностицизм ва туғма гоёлар таълимотига кескин қарши чиққан. У ачиқ киноя билан дин ва черковни танқид қилган. Г. фалсафаси Гельвеший таълимоти билан бир қаторда 18-адаги буюк француз инқилобини гоёвий жиҳатдан тайёрлашда муҳим ўрин тутган.

**ГРОЦИЙ**, Г у г о д е Г р о о т (1583.10.4, Делфт — 1645.28.8, Росток) — голландиялик файлаоуф, социолог ва ҳуқуқшунос. Давлатнинг келиб чиқиши тўғрисида «ижтимоий шартнома» назариясини илгари сурган. Бу назарияда 18–19-а.лардаги буржуа инқилоблари учун зарурий гоёлар мужассам бўлганлиги сабабли ҳам инқилоб тарафдорлари

«ижтимоий шартнома» назариясини ўзларининг амалий фаолиятларида дастур қилиб олишган. «Ижтимоий шартнома» назариясига кўра, давлатлар мазкур мамлакатда яшайётган аҳоли ўртасидаги шартнома асосида пайдо бўлган. Мазкур шартномада аҳолининг мулки ва ҳафф-сизлигини сақлаши зарур бўлган давлат фойдасига айрим олинган индивидларнинг баъзи табиий ҳуқуқларидан воз кечишлари лозимлиги назарда тутилган. Г. гоёлари Д.Дидро, Т.Гоббс, Ж.Ж.Руссо томонидан ривожлантирилган.

**ГУМАНИЗМ** (лот. humanus — инсонийлик, инсонпарварлик) — шахс сифатида инсон қадриятини, унинг эркин камол топиши ва ўз қобилиятларини намоён қилиш ҳуқуқларини эътироф этиш, ижтимоий муносабатларнинг баҳо мезони сифатида киши бахт-саодатини қарор топтириш. Г. тушунчаси Шарқ мутафаккирлари ижодида ўз аксини топган ва уларнинг асарларидаги гоёлар Европа мутафаккирлари ижодига таъсир ўтказган. Тор маънода — Уйғонкиш даври (13–16-а.лар)да схоластика ва черковнинг маънавий ҳукмронлигига қарши турган дунёвий ҳурфикрлик. Фарбий Европадаги бир неча мамлакатларда Г. ижтимоий тафаккур соҳасида, адабиёт, санъат ва илм-фанда католицизмга ва шахснинг қўллигига қарши қаратилган илгор ҳаракат эди. Назарий асосланган гуманистик гоёлар, инсонни ҳимоя қилиш зарурати ҳақидаги асарлар 15–19-а.ларда пайдо бўла бошлади (Т.Мор, Т.Кампанелла, Ш.Фурье, К.А.Сен-Симон, Р.Оуэн ва б.). Г.нинг илмий асосларини машҳур француз маърифатпарварлари — Ф.Вольтер, Ш.Монтескье, Д.Дидро, П.Гольбах, К.Гельвеший ва Ж.Ламетри яратдилар. Улар

инсоният ўз ҳаёти давомида уч асосий тамойил – озодлик, тенглик ва биродарликка суянишни керак, дедилар. Улар худди шу уч тамойил дунёнинг барча бурчакларида яшаб турган ҳар бир инсон зотиға унинг миллати, ирқи, жинси, сиёсий қарашлари, динидан қатъий назар тегишли эканини исботлаб, уларға нисбатан инсонларча муносабатда бўлишға чақирдилар. Инсоният ўз тарихий тажрибаси асосида Г. тамойилларининг ҳаётға, фан ривожига татбиқ этилиши зарурлигини англаб етди. Г. сиёсий қақриқ ва олийжаноб гоё ҳолатидан ҳаётғи тамойилға айлана бошлади. Г. замонавий жамият ва давлатни ташкил қилишининг тамал тошларидан бири эканлиги билан умуминсоний тамойилға айланди. Ҳоз. даврда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО ва б. нуфузли халқаро ташкилотлар ўз фаолиятларида Г. тамойилига таянадилар ва ҳар бир халқаро муаммони ҳал қилишда Г. талабларига риоя қилишни зарурий шарт. деб билладилар.

**ГУССЕРЛЬ** Эдмунд (1859.8.4, Просниц, Моравия – 1938.27.4, Фрейбург) – немис файласуфи. Феноменология асосчиси. В.Гольцано ва неокантчилик таъсирида бўлган, фалсафадаги релятивизм ва скептицизмни қаттиқ танқид остиға олган. Г. фикрича, билиш ўз мазмунига кўра, эмпирик онг таркиби билан белгиланади ва шунинг учун ҳақиқатни билиш субъектға боғлиқ эмаслиги ҳақида гапириш ноўрин, деган эътиқодға асосланади. Г. психологизмининг ҳоз. турлича кўринишларини натурализм ва историцизмда кўради. Г. фикрича, табиат ва тарих ҳақидаги фанлар маълум бир асосға муҳтож. буни фақат фалсафа жиддий фан сифатида тушунади,

онгнинг феноменлари ҳақидаги фан феноменологиядир.

Г. Р.Декарт рационализи йўлидан бориб ўз-ўзидан равшан мантикий тамойилларни топишға ва шунинг билан онгнинг эмпирик мазмундан тозалашға уринди. Бу тозалаш редукция ёрдамида амалға оширилади. Г. фикрича, фалсафа аввало, догматик, яъни онгнинг дунёға бўлган муносабатидаги «табiiй кўрсатмалардан» келиб чиқадиган тасдиқ (таъкид)лардан халос бўлмоғи лозим. Редукция натижасида охириги бўлинмас онг бирлиги – интенционаллик ҳамда предметға йўналтирилганлик қолади. Г. уни индивидуал белгилар (психологик, ижтимоий ва ирқий)дан халос бўлган соф таркибдаги онг сифатида таърифлайди. Интенционаллик тушунчаси ёрдамида Г. субъект ва объект алоқаси ҳақидаги асосий назарий-гносеологик масалани ечишға уринади. Г. фикрича, феноменология интенционал актлар кечинмаси сифатида соф онг ҳақидаги фан. «Рух» ва «материя» бирламчилиги масаласида ҳолис бўлиб, феноменологиядан борлиқ ҳақидаги қондани чиқариб ташлашни таклиф этади. «Моҳиятлар»ни қабул этишда Г.нинг дастлабки фалсафий қарашлари Платон идеализмига яқинлашди. Г. мустаҳкам асос яратиш учун ўз фалсафасида тўхтовсиз ўзгартишларни амалға оширишға мажбур бўлди. Фаолиятининг охириги даврларида у «ҳаётий дунё» гоёсига мурожаат этиб, ҳаёт фалсафаси билан яқинлашди. «Ҳаётий дунё» тушунчаси билан бирға кейинчалик Г.нинг диққат марказида интерсубъективлик муаммоси ҳам пайдо бўлди. Г. дунёқарашни Европа фалсафасиға ўз таъсирини кўрсатди. Г. феноменологияси экзистенциализм ва герменевти-

ка фалсафаси манбаларидан бири бўлиб хизмат қилган.

**ГХОШ** Ауробинда (1872.15.8, Калькутта – 1950.3.12, Понишери) – ҳинд файласуфи, 19-а. охири – 20-а. бошларида Ҳиндистондаги миллий озодлик ҳаракати арбобларидан. 1920–50 й.ларда фалсафа ва илоҳиёт билан шуғулланган. Зоҳидлик тамойили асосида ҳаёт кечирадиган «Ашрам» диний жамоасини тузиб, унга раҳбарлик қилган. «Гхош ҳақида очерклар», «Ижтимоий тараққиёт психологияси», «Идеал ва прогресс», «Эволюция», «Инсоният бирлиги идеали», «Бенгалия ҳақида дoston», «Гераклит», «Интеграл Веданта» каби асарлар муаллифи. Г. фалсафаси асосида Веданта таълимоти ётади. Нарсалар дунёси объектив ҳаққоният бўлиб, браҳмандан пайдо бўлади ва қонуний равишда яна браҳманга айланади. У номаълум браҳман, маълум браҳман ва руҳ, мутлақ онг ҳамда жон сифатидаги браҳман мавжуд, дейди. Субстанция деб, номаълум браҳмани тушунади. Бу браҳман ўз-ўзидан мавжуд, моддий ҳам эмас, руҳий ҳам эмас, унга вақт, фазо, ҳаракат, сифат, миқдор кабилар тааллуқли эмас, деб таъкидлайди. Г.нинг фикрича, браҳман барча нарсаларнинг асосидир. Унинг ҳақиқийлиги муайян атрибутларда, материя ва руҳда гавдаланади. Г. инсон пастга қараб тушаётган браҳман заррачалари аралашмасидир, дейди. У инсоннинг ижтимоий моҳиятини инкор этади ва бу масалада анъанавий ведантизм доирасида бўлади. У билишни инсон ўз ички дунёсини англаши ва унинг илоҳий мазмунини кашф этиш жараяни сифатида тушунади. Инсон ўзини билиши, ўрганиши орқали браҳман даражасига кўтарилиши, у билан қўшилиши ва ниҳоят «илоҳий ҳаёт-

га» эришиши мумкин, дейди. Г. фалсафий қарашлари, асосан, мистик табиатга эга бўлса-да, улар орқали ўз даври учун илғор фикрларни илгари сурди. У анъанавий Ведантага қарши чиқиб, оламнинг ҳақиқатан мавжудлигини тан олади. Г. инсон ҳаётидаги асосий зиддиятни шахс билан жамият ўртасидаги зиддият, деб билади. Бундай қарашга қўшилиш учун ҳар бир киши онгли, билимли бўлмоғи зарур. Инсонлар онги қанчалик юқори, яъни баркамол бўлса, жамият ҳам шунча раванак топади. Г. фикрича, идеал жамият тузиш учун миллатларнинг «дунёвий иттифоқ»ини тузиш лозим. Дунёвий иттифоқни адолат ва эркинлик тамойили асосида тузиш керак, дейди. Г.нинг таъкидлашича, сиёсий жиҳатдан ҳар бир шахс ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши, ҳар қандай зуравонликка чек қўйиш лозим. Идеал жамият синфларнинг ўзаро келишуви асосида тузилиши лозим. Г. фикрича, дин билан фалсафа бир-бирини тўлдириши керак. Унинг бу фикрлари замонавий ҳинд файласуфларининг диққат марказидан ўрин олган. Мустақил Ҳиндистоннинг бугунги кундаги ижтимоий-фалсафий ва сиёсий раванқида Г. илгари сурган таълимотнинг ҳам муносиб ўрни бер.

**ГУЗАЛЛИК** – эстетика тушунчаси. Табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисаларнинг, инсон фаоллигининг кишида меҳр-муҳаббат, қувонч, завқ, эркинлик туйғулари ҳосил қилишга қодир бўлган хусусиятларини ифодалайди. Хунуклиқнинг акси.

Ислоҳ таълимотида Г.нинг ўзи ҳам, тимсоли ҳам Аллоҳ жамолидандир. Инсон гузаллиги унинг яхшилик қилишида, сабр-тоқатида; булар инсон гузаллигини белгиловчи мезон сифатида қаралади. Г. инсоннинг

Аллоҳ қароматини тушуниб етиши ва унга эргашиши, маънавий-ахлоқий покланиш сари интилишидир.

Ўрта Осиё мутафаккирлари Г.ни ислом ақидалари руҳида идрок этсаларда, Г.нинг мураккаб маънавий жараён эканлигини таъкидлашга ҳаракат қилганлар. *Фаробий* таълимотига кўра, Г. — инсоннинг жисмоний, маънавий ва ахлоқий чиройининг ифодасидир. Алишер Навоий барча Г. ҳаёт ва инсонда, айни вақтда, барча хунуклик ва нопоклик ҳам инсонда деб билди, шунинг учун у инсон тарбиясига катта аҳамият берди.

Г. ҳақида жуда кўп назариялар, қарашлар, таълимотлар мавжуд. Уларда Г.нинг қайсидир бир томони, белгиси, аҳамияти қайд этилади. *Сократ* фикрича, инсон учун фойдали ва кераклик нарсалар гўзалдир. *Платон* тасаввурича, инсон Г.ни аллақандай эстетик-руҳий кайфият чоғидагина идрок эта олади. Унинг таълимотига кўра, Г. нарса ва предметларга хос бўлмай, инсоннинг воқеликка маънавий-эстетик муносабати натижасида туғиладиган гоё, тушунчадир. *Аристотель*, *Дидро* фикрига кўра, нарса ва ҳодисалардаги уйғунлик, мутаносиблик Г.ни ташкил этади. Инсон нарса ва ҳодисаларнинг гўзал ёки хунуклигини белгилашда меъёр вазифасини ўтайди. Инсоний меъёр Г.нинг асосидир. *Кант* Г. асосига кишининг нарса ва ҳодисалардан бегараз завқ олишини қўяди. Маърифатпарварлар Г. деб, инсоннинг ҳаётда уйғун ижтимоий алоқалар ўрнатишга бўлган интилишини тушунганлар. *Гегель* фикрига кўра, табиатдаги Г.дан санъат гўзаллиги мукаммалроқ, чунки унда тинчлик ва гоё ўзининг мутлақ уйғунлигини топди.

19–20-а. жаҳон эстетикасидаги турли фалсафий йўналишлар вакил-

лари илгари сурган гоёга кўра, Г. инсон руҳияти, қалби ва маънавийти билан боглиқ тушунчадир. Г. манбаи — шахс қалбидадир.

Г. — инсон ва ҳодисаларни умуминсоний ва миллий қадрият сифатида белгиловчи ижтимоий, ижобий ва ижодий тушунчадир. Г.ни идрок этиш шахснинг жамиятда тутган ўрни, энги, диди, дунёқараши ва б. омилларга боглиқ. Ўзбек тилидаги «чиройли» сўзи эстетик баҳо сифатида алоҳида буюм, нарса ва шахсни, кўпинча ташқи белгилар ва шаклларнинг мутаносиблиги, уйғунлигини назарда тутса, Г. сўзи инсон онгидаги тушунчани, тасаввурни, идеални ифодалайди. Тарихий тараққиёт натижасида ҳар бир халқ ўзининг Г. идеали ва тушунчасига эга бўлади. Бу тушунчалардаги муштарак инсоний-маънавий жиҳатлар умумбашарий Г. ҳақидаги тасаввурни шакллантиради. Г. табиат, жамият ва инсонга хос муштарак хусусиятларни қамраб олган ҳолда муайян шароит ва ҳодисалар билан боглиқ тарихий, ижтимоий, миллий ва ўзига хос жиҳатларга эга бўлади.

Табиатдаги Г. кўпроқ мутаносиблик, уйғунлик, ранг-баранглик сингарни зоҳирий белгилар, сифатлар меъёри билан баҳоланади; ижтимоий ҳаётдаги Г. жамиятнинг инсон учун яратган эркин ва демократик тамойиллари даражаси билан ўлчанади; адабиёт ва санъатдаги Г. ижодкорнинг оригинал образлар, гоёлар кашфиёти, бадиий маҳорати билан белгиланади.

Барча нарса ва ҳодисаларнинг гўзаллигини ифодаловчи асосий омиа — унинг кишига завқ бағишлаши. Санъат асарлари Г.ни ёрқин ва умумлаштириб аке эттиргани учун улар ҳар бир шахсда завқ уйғотади, Г. туйғусини тарбиялайди.

## Д

**ДАВЛАТ** – мамлакат миқёсида жамиятни уюштириш масалаларини ҳал қилиш, унинг ташқи муносабатларини белгилаш ваколатлари бўлган ҳукмрон тузилма. Д.нинг умумий эътироф этилган қўйидаги асосий белгиларини кўрсатиш мумкин: Д. ўз чегаралари доирасида фуқаролик белгиси бўйича бирилашган бутун жамият, аҳолининг ягона вакили сифатида майдонга чиқади: Д. – суверен ҳокимиятнинг ягона эгасидир; Д. – юридик кучга эга бўлган ва ҳуқуқ нормаларини асос эттирган қонунлар ва уларга асосланиб чиқарилган ҳужжатларни қабул қилади; Д. – ўз функцияларини бажариш учун зарур Д. органлари ҳамда тегишли моддий воситалар тизимидан иборат механизм (маҳкама)га, ҳуқуқни муҳофаза қилиш (жазолаш) органлари – суд, прокуратура, милиция, полиция кабиларга, ўз мулофаси, суверенитети, ҳудудий яхшилигини ва хавфсизлигини таъминловчи қуролли кучлар ҳамда хавфсизлик органларига эга бўлади.

Давлатшунос олимлар Д.ни ўрғанишга тарихий жиҳатдан ёндашиб, қадимги ўрта аср ҳамда ҳоз. Д.ларни ажратиб кўрсатадилар. Тарихий ва маданий ривожланиш кўшиб ҳисобга олинадиган бўлса, деҳқончилик билан шуғулланувчи ва саноат билан шуғулланувчи (ёки индустриал тараққиётгача, индустриал ва постиндустриал) Д.ларга бўлиниши мумкин. Цивилизация характерига кўра, Д.лар шарқий, ғарбий ва аралаш (оралиқ) Д.ларга, иқтисодий тараққиёт даражаси бўйича эса, юксак ривожланган, ўртача ривожланган ҳамда «камбағал» Д.ларга ажратилди. Ҳоз. замонда фанда кенг фойдаланилаётган Д. таснифи қўйидагича:

тоталитар, авторитар, либерал ва демократик Д.лар.

Д. қурилишида Д. шакли катта роль ўйнайди. Янги Д.лар ташкил топаётганида унинг шакли тўғри танланиши, жорий этилиши муҳимдир. Д. шакли бошқарув шакли, Д. тузилиши шакли ва сиёсий идора усули (тартиб, режим) тушунчаларини ўз ичига олади. Д. бошқарув шакли – Д. ҳокимияти ва бошқарувни тузиш ҳамда ташкил этишнинг муайян тартибидир. Бошқарув шаклининг энг қадимги ва ҳоз. кунга қадар ривожланиб келаётган шакли монархия ва республикадир. Монархия кўпроқ Қадимги Шарқ, шу жумладан, Турон заминида ташкил топган Д.лар шакли эди. Монархиянинг ўзи ҳам мутлақ монархия ва чекланган монархия кўринишларига эга. Мутлақ монархия Д.ларида Д. бошлигининг ҳуқуқи чекланмаган, ҳокимият мутлақсиз, тахт мерос сифатида авлоддан авлодга ўтади. Д. бошлигининг устидан назорат йўқ ва у ҳеч кимга ҳисобот бермайди. Чекланган монархия табақавий – вакиллик ва конституциявий монархия шаклида бўлади. Конституциявий монархия эса дуалистик ва парламентлик монархия кўринишларига эга. Д. бошлигининг ҳуқуқлари парламент томонидан қабул қилинган қонун билан чекланади. Дуалистик монархияларда амалда монарх ва парламент ўртасида вазифалар тақсимланади. Ўтмишда Пруссия, Италия, Руминия каби Д.ларда монархиянинг ана шу кўриниши намоён бўлган. Парламентлик монархия (Буюк Британия, Бельгия, Норвегия, Швеция ва б.)да қироллик лавозими сақланган бўлсада, у Д.ни тула маънода бошқара олмайди. Ҳуқуқат сэйловларда кўп



овоз олган партиялар вакилларидан, парламент томонидан шакллантирилади. Д.нинг республика шакли ҳам турли кўринишларга эга: президентлик, парламентар ва аралаш республика. Президентлик республикаларида президент бир вақтнинг ўзида ҳам давлат, ҳам ҳукумат, яъни ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳам раҳбаридир. У ҳукуматни қонунга биноан парламент розилиги билан ташкил этади ва уни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга бўлади. Парламентар республикаларда эса, ҳукумат парламент томонидан ташкил этилади ва унга ҳисобот бериб туради. Республика давлат шакли, айниқса, президентлик республикаси кўпчилик ривожланган Д.ларда мавжуд. Аралаш республикаларда эса, ҳукумат парламент томонидан тuzилади, лекин президентга бўйсунмади ёки аксинча бўлади. Тузилиш таркибига кўра Д.лар олдий – унитар ҳамда мураккаб – федератив ва конфедератив Д.ларга бўлинади. Унитар Д. ягона конституцияга, ягона қонунчилик ва идора органига эга марказлашган Д.дир. Федератив Д.лар бир неча мустақим Д.лар ёки алоҳида ҳудудларнинг бирлашинчи натижасида вужудга келади. Конфедератив Д. тарихда кам учрайдиган Д. шакли. У бир неча суверен Д.ларнинг маълум бир даврда муайян мақсадларни амалга ошириш учун тузган иттифоқдир.

Сийсий идора усули (сийсий режим) бўйича Д.ларни демократик ва нодемократик Д.ларга бўлиш мумкин. Демократик режимдаги Д.ларда ҳокимият органлари халқ томонидан бевосита ёки билвосита сайланган, инсон ҳуқуқлари таъминланган бўлса, нодемократик Д.ларда, аксинча, бир синф ёки партия, дин, бир гуруҳ шахслар ҳукмронлиги ўрнатилди. Ҳар бир даврда Д. уз олдига маъ-

лум мақсадларни қўяди. Умуман ҳар бир Д. ички ва ташқи функцияларни бажаради. Жамият ривожига борган сари Д. функциясининг ижтимоий негизи кенгайиб, аҳолининг ҳамма гуруҳ ва табақалари, бутун халқ, миллат манфаатларини кўзлашни ўз олдига мақсад қилиб қўймоқда. Д. механизмига келсак, у – Д. органлари, ташкилотлари ва муассасаларининг Д. функцияларини амалга оширишга қаратилган бир бутун тизимдир. Д. механизми, авваламбор, одамлар, мутахассислар, бошқарувчилардан иборатдир. Замонавий Д. механизмлари ута мураккаблиги билан, яъни ҳокимият органлари ва муассасаларининг кўпчилиги билан характерланади. Д. органи – Д. функцияларини ижро этишда иштирок этувчи, ҳокимият ваколатига эга бўлган Д. механизмнинг бўлини. Олий ва маҳаллий Д. органлари бор. Олий ҳокимият органлари Д. ҳудуди доирасида, маҳаллий органлар фақат ўз ҳудудлари доирасида фаолият кўрсатади. Д. органлари фуқаролар томонидан бевосита ёки билвосита сайлаб қўйилади. Ҳокимиятни тақсимлаш принципига биноан, ҳуқуқий демократик Д.ларда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари мавжуд бўлади. Қонун чиқарувчи ҳокимият – парламент, жойларда халқ вакитлик органлари мавжуд бўлади. Ижро этувчи ҳокимият – ҳукумат, парламент томонидан қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлайди. Унинг таркибига турли вазирликлар, муассасалар, идоралар қиради ва у фармоёнлар, декретлар, қарорлар ва буйруқлар қабул қилиш ҳуқуқига эга Суд ҳокимияти олий ва маҳаллий суд органларидан иборат.

Фалсафий нуқтаи назардан қараганда, Д. – объектив реаллик. Д. жамият ривожига ҳар хил таъсир кўрса-

тиши мумкин. Мас., кучсиз Д. жамиятнинг ҳуқуқийлик ва адолатлилик йўлидан тараққий этишининг кафолати бўла олмайди.

**ДАВОНИЙ** Жалололдин (тула номи Жалололдин Муҳаммад ибн Асад ас-Сиддиқий ал-Давоний) (1427 – Давон қишлоғи, Эрон – 1502) – Шарқ олими, файласуфи. Ёшлигидан илм-фанга, айниқса, мусулмон фикршунослигига қизиқди. Мактабни битириб, Шерозга келиб мадрасада таҳсил курди. Мадрасини битиргандан сўнг, Шероз ш. қозиси эгиб тайинланди. Қозиликдан истеъфога чиққач, мадрасада мударрислик билан машғул бўлди. Умрининг охири йиллари у ўз қишлоғига қайтиб, илмий иш билан шугулланди.

Д. Эрон, Ҳиндистон, Ироқнинг кўп шаҳарларида бўлиб, олим ва шоирлар билан учрашди, илмнинг турли соҳалари бўйича мунозаралар олиб борди. Форобий, Ибн Сино, Насриддин Тусий ва б.нинг қарашларини урганди. Айниқса, у Темур ва темурийлар даврида яшаган мутафаккирларнинг асарларидан унумли фойдаланди. Мовароуннаҳрда яшаб ижод этган баъзи олимларнинг рисолаларига шарҳлар ёзди. Д. илмнинг кўп соҳаларида ижод қилган сермаҳсул олимдир. У фалсафа, этика, мантиқ, фикр, фалакиёт, риёзиёт ва ҳандаса фанлари бўйича рисолалар битди. Д.нинг асосий рисолалари – «Ахлоқи Жалолӣ», «Рисолат-ул-хуруф» («Ҳарфлар ҳақида рисола»), «Рисолаи исботи вожиб» («Заруриятнинг исботи ҳақида рисола»), «Рисола-ул-муфрадот» («Моддалар ҳақида рисола»), «Рисолайи фики тавжиҳ ул-ташбиҳ» («Мажоз тақини ҳақида рисола»), «Рисола дар элм ун-нафе» («Рухшунослик тўғрисида рисола»), «Тариқати тарбият ул-авлод» («Болаларни тар-

биялаш усули»), «Арзнома» («Армияни бошқариш қондалари») ва б.дир. Д. илмий ишлардан ташқари, шеър ёзиш билан ҳам шугулланган. Навоний сингари у ҳам «Фоний» таҳаллуסי билан шеърлар ёзган. Унинг шеърлари Эрон ва Ироқда чоп этилган. Д. илмий рисолаларининг аксарияти бизгача етиб келган. Олимнинг форс ва араб тилида битилган қўлёзма ҳамда тошбосмада босилган рисолалари дунёнинг кўп кутубхоналари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

Д. ўз рисолаларида фалсафа, ахлоқ, мантиқ, психология ва б. фанларнинг долзарб муаммоларини тадқиқ қилди. Айниқса, у борлиқнинг объектив мавжудлиги, инсон табиати, материяни ўз сезгиси ва ақли билан билиши мумкинлиги, инсон ва унинг камолоти, илм-фан ва унинг жамиятдаги ўрни, одамларнинг касб-ҳунар ва юксак инсоний фиъилатларни эгаллаши ҳақида фикр юритди. Унинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий қарашлари Туркистон олимлари дунёқарашининг ривож топишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шунинг учун Д.нинг асарлари Октябрь тўнтаришига қадар Туркистоннинг мактаб ва мадрасаларида қўлланма сифатида фойдаланилди. Олимнинг инсонпарварлик руҳидаги ғоялари, таълим-тарбия тўғрисидаги қимматли фикрлари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Д. тўғрисида маълумотлар 15-а.нинг машҳур тарихчиси Хондамирнинг «Ҳабиб ас-ситар», Шамсиддин Сомиининг «Қомус ул-алам», Муҳаммад Аш Табризийнинг «Райҳонг ул-адаб» ва ҳорижда чоп этилган бошқа кўплаб тарихий манба ҳамда тазкираларда келтирилади.

**Д’АЛАМБЕР** Жан Лерон (1717.16.11 – Париж – 1783.29.10) – француз маърифатпарвари, математиги ва файласуфи. Париж ФА аъзоси (1754), «Энциклопедия» нашриётида Дидро билан бирга ишлаган (математика ва физика бўлимини бошқарган). 1757 й.да таъқибга учраб, «Энциклопедия» нашриётидан кетишга мажбур бўлган. Д. математика, гидродинамика, астрономия, физика фанларини ривожлантиришга ҳисса қўшган. Механикада динамика масалаларини статика усуллари билан ечиш принципи унинг номи билан аталади. Қаттиқ жисм айланма ҳаракатининг оний ўқини кашф этган. Прецессия ва нутация ҳодисалари, кучларни қўшиш, аэродинамик тўлқинланиш, сайёра-лар ҳаракатининг орбитага нисбатан ҳолатлари ҳақидаги тасаввурларни бойитган. Математикада тўлқин тенгламасини топган. Қаторлар назарияси, лимит назарияси, чексиз миқдорлар ҳисоби, ўзгарувчан миқдорлар назарияси каби соҳаларни ривожлантирган. Д.нинг фалсафий қарашлари Франциядаги буржуа инқилоби арафасидаги ижтимоий ҳаёт муҳитида шаклланди. «Энциклопедия» учун ёзилган «Фанларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши очерки» (1751), «Фалсафа элементлари» (1759) мақолалари муҳим аҳамиятга эга. Д. дунёқарашига дуализм хос. Д. фалсафада сенсуализм мавқеида туриб моддий оламдаги нарсалар ва ҳодисаларнинг объектив мавжудлигини ва уларнинг сабабий боғлиқлигини эътироф этган.

**ДАОСИЗМ** (хитойча дао – қонун, йўл сўзидан) – қадимги хитой фалсафасидаги таълимот. Мил.ав. 6–5-а.ларда вужудга келган. Асосчиси Лао-цзи (мил.ав. 579–499 й.лар) ҳисобланади. Лао-цзининг асосий ғоялари «Дао-дэ-цзин» асариди баён қилин-

ган. Унинг фикрича, барча нарсалар фақатгина, «дао»га мос ҳолда вужудга келади ва ўзгаради, шунингдек у кишиларни табиат билан уйғунликда, табиий ҳаёт кечиришга қақиради. Ушбу категория қадимги Хитой астрономлари осмон жисмларини кузатиб, юлдузлар ҳаракатида муайян траектория мавжудлигини аниқлаган пайтларида вужудга келган. Кейинчалик, «дао» Қадимги Хитой классик фалсафасининг асосий категорияларидан бирига айланди. Яъни, тажрибадан узилиб қолган ва мушоҳадага асосланган фикрлаш методининг ривожини билан ушбу тушунча қадимги файласуфлар, жумладан, даочилар томонидан ўзлаштириб олинди. Д. жамиятдаги ижтимоий тенгсизлик, ҳукмронлик ва хор-зорликка қарши чиқадиган ҳамда ибтидоий жамоа ҳаётига қайтишга даъват қилади. Чжуан-цзи, Ян Чжу, Ин Вэнлар Д.нинг ийрик вакиллари бўлган. Ин Вэннинг фикрича, ҳаётнинг табиий қонунлар (дао)га риоя қилиши кишининг ҳақиқатни англаши ва донишманд бўлиши учун зарурдир. Ян Чжудан кейин қадимги Хитой Д.и ривожланиши тарихида янги давр бошланди. Илгари тор доирадаги кишиларга таллуқли бўлган Д. таълимоти кенг тарқалаётган мафкуравий тизимга айланди. Чжуан-цзи ҳам Лао-цзи каби барча бахтсизлик ва ёмонликлар нодонликдан, ҳаёт табиий йўналишининг бузилишидан, деб ҳисоблайди. Чжуан-цзи ҳаёт доимийликдан холи бўлгани учун ҳам пуч ҳаёлий тусдир, ҳақиқий борлиқ ўзгармас даодир, деган фикрни айтади. Ушбу файласуфнинг қарашлари милод бошларида вужудга келган даочилар диний таълимотларининг манбаларидан бири бўлиб хизмат қилди. Бу борада фалсафий Д.ни диний Д.дан фарқ қилиш керак.

**ДЕИЗМ** (лот. *deus* – худо) – диний-фалсафий таълимот. Д. худони мукамал табиаат «машинаси»ни яратиб, унга қонунлар ва ҳаракат бахш этган оламий ақл деб эътироф қилади, бироқ табиатнинг ўз ҳаракатларига худонинг кейинги аралашувини инкор этади ва худони билиш учун ақлдан ўзга йўлни рад қилади. 17-а да яшаган инглиз файласуфи лорд Г.Чербер Д. асосчисидир («Ҳақиқат ҳақида рисола...», 1624). Деистлар купгина ўзгармас ақидалар ва урф-одатларга қарши чиқиб, ақлга мувофиқ келадиган диний тарғиб этадилар. Улар виждон ва фикр эркинлигини ҳимоя қилиб, «табиий дин» ва «ақл дини»ни вужудга келтиришга интилдилар. Моддионлар (Англияда Ж.Толанд, Ж.Пристли, Россияда М.В.Ломоносов ва А.Н.Радищев) ҳам, идеалистлар (Лейбниц, Юм, И.Кант) ҳам, эклектик дунёқарашдаги мутафаккирлар ҳам Д. байроғи остида ўз фикрларини баён эттишган. **ДЕКАРТ** Рене (1596.31.3. Лаэ, Турень – 1650.11.2. Стокгольм) – француз файласуфи, математиги, физиги, физиологи. Ла-Флеш иезуит коллежида ўқиган. 1629 и. Нидерландияга бориб, илмий ишлар билан шугулланган. 1649 й. Швецияга келган ва шу ерда вафот этган. Д. фалсафа фанига янгича ёндашиб, уни такомиллаштирди. Д.нинг математика ва физикага оид тадқиқотларига боғлиқ ҳолда моддий субстанция ҳақидаги таълимоти таркиб топди. Д. моддий субстанцияни кўлам ёки макон билан бир, деб тушунарди: фақат кўламгина, субъективликка боғлиқ бўлмасдан, моддий субстанциянинг зарурий хоссалари тақозоси билан юзага келади, деган. Д. фалсафаси унинг математикаси, физикаси, космогонияси билан боғлиқ. Д. математикада аналитик геометрия асосчи-

ларидан бири (тўғри бурчакли координаталар тизими унинг номи билан аталади), ўзгарувчи миқдор ва функция тушунчасини тўлдирган («Геометрия», 1637). «Диоптрика» (1637) асарига ёруғлик нурининг икки муҳит чегарасида синиши ҳақидаги қонунни баён қилган. Ҳаракат миқдорининг сақланиш қонунини таърифлаган. Космогонияда у фан учун янгилик бўлган Қуёшнинг табиий ривожланиши тоғисини ривожлантирди. Космик зарралар ҳаракатини оламнинг тузилишига ва осмон jismlарининг келиб чиқишига сабаб бўлади деган асосий ҳаракат шаклидир, деб ҳисоблади. У физиологияга оид бир қанча тажрибалар ўтказди ва биринчи бўлиб шартсиз рефлекс ҳақидаги тасаввурни яратди.

Д. макон материя билан тўла, материясиз макон йўқ, деб тушунди. Беруний ва Бруно каби у ҳам оламда дунёларнинг сони куп, деган таълимоти тарғиб қилди. Д.нинг фалсафий қарашлари дуализмни ифодалайди. Д.нинг дуалистик фалсафасига кура, иккита субстанция мавжуд: материя(жисм) ва жон. У материяда ҳаракат миқдори ҳамма вақт сақланиб туради, лекин бу ҳаракат миқдори дастлаб худо томонидан яратилган, деб билган. Д.нинг инсон ҳақидаги таълимоти ҳам худди шундай дуалистик тарздадир. Унинг фикрича, инсонда жонсиз ва тирик бўлмаган жисмоний механизм иродаси бор ва у фикрловчи жон билан боғлиқдир. Д.нинг фикрича, моҳияти кўламда бўлган жисмдан фарқли ўлароқ, жоннинг моҳияти тафаккурдадир. Д. ҳамма нарсанинг мавжудлигига шубҳаланмоқ зарур, деб ҳисоблайди. Бу шубҳа бутун мавжудотнинг билиб бўлмаслигига ишочиш бўлмай, балки билимнинг сўзсиз ишончли бўлган ибтидоини топиш учун иш-

латиладиган бир усулдир. Д. фалсафаси худо, жисм ва жондан иборат учта туғма гоё бор, деган тамойилга асосланади. Билиш назариясида Д. рационализм асосчиларидан (унинг «мен фикрлаятман, демак мавжудман» деган ақидаси Д. гнесеологиясининг моҳиятини белгилайди).

**ДЕМАРКАЦИЯ** (французча demarcation — чегараларни ўрнатиш) — у ёки бу мулоҳазанинг илмий ёки ноилмийлигини аниқлаш мезони. Эмпирик фанлар билан математика, мантиқ ва «метафизик» системадар орасидаги фарқни аниқлаш воситасини инглиз файласуфи ва социологи К.Поппер Д. деб атаган. Бундай илмий ёндашув Р.Бэкон ва И.Ньютон таълимотларининг индуктив методига асосланган. Бу ҳолда билиш жараёнида олинган натижалар кузатиш, далиллар билан қайд этилади ва кейин умумлаштирилади. Мантиқий позитивистлар Д. мезони сифатида верификация тамойилтини қабул қилганлар. Унга мувофиқ фанда, амалиётда фалсафадаги ҳар бир мулоҳазанинг ҳақиқатлиги текширилиши зарур. К.Поппер эса Д. мезони сифатида фальсификацияни қабул қилган ва фан ривожига метафизиканинг катта таъсир кўрсатганини тан олган.

**ДЕМОКРАТИЯ** (юн. *demos* — халқ ва *kratos* — ҳокимият) — фуқаро эркинлиги ва тенлиги қонунларда мустақамланган, халқ ҳокимиятчилигининг восита ва шакллари амалда ўрилатилган ва юзага чиқарилган сиёсий тузум. Д. давлат билан инсон муносабатларини белгилайди. Д.нинг асосий татаблари: кўнчилик ҳокимияти, фуқаролар тенг ҳуқуқлиги, улар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояланганлиги, конституция ва қонунларнинг устуворлиги, ҳокимиятнинг бўлиниши, давлат бошлиғи ва ваколатли органларнинг сайлаб қўйилиши.

Д.нинг бевосита Д. (асосий қарорлар йиғилишларда бевосита барча фуқаролар томонидан ёки референдумлар йўли билан қабул қилинади) ва вакиллик Д.си (қарорлар сайлаб қўйиладиган органлар томонидан қабул қилинади) шакллари бор. Кишилик жамияти пайдо бўлганданоқ, Д.нинг куртаклари бор эди ва у ҳозир энг тараққий этган мамлакатларда ҳам ўзининг сўнги чўққисига эришгангача йўқ. Давлат билан бирга вужудга келган Д. инсоният тарихи давомида турли миллий-маданий шарт-шароитларга мослаша борган. Ҳар бир давлатда, миллатда ўзига хос қадриятлар, менталитет, анъаналар мавжуддир. Улар жамиятдаги демократик жараёнларга катта таъсир кўрсатади, бинобарин демократик муассасаларни шакллантиришда мазкур омиллар, албатта, ҳисобга олинади. Демократик давлатда инсон манфаати, қадр-қиммати, ҳаёти ҳар нарсадан юқори турали. Бундай давлат ўзини ўзи бошқариш, кўппартиявийлик, оммавий ахборот воситаларининг эркин бўлиши, фикрлар хилма-хиллигига шароит яратлади. Бироқ Д. ҳамма нарсада хоҳлаганча эркинлик эмас, қонунга асосланган эркинликдир. Д.нинг ажралмас қисми интизом, қонуларни ҳурмат қилиш, бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишдир. Д. тартиботлари ҳуқуқий давлатда мукамал ривожланиб боради.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, демократик ҳуқуқий давлат ва бозор иқтисодиётини қарор топтириш йўлида катта қадам қўйди. Демократик тартиботларни ҳаётга олиб кирувчи, демократик сиёсий тизим таркибий тузилмаларини ҳамда фуқаролик жамияти бўгинларини вужудга келтирувчи, инсон ҳуқуқлари кафолатлари тизимини қарор топти-

рувчи қонунлар қабул қилиниб, амалда ишлай бошлады.

**ДЕМОКРИТ** Абдерийлик [тахм. мил. ав. 460 – Абдери (Фракия) – 370] – юнон файласуфи, атомизм таълимоти асосчиларидан бири. Қомусий олим. Д. табиатдаги барча нарса ва ҳодисалар бўлинимас зарралар – атомлардан ташкил топган, оламда руй берадиган ҳар бир воқеа ва ҳодиса атом ҳаракати туфайли содир бўлади, уларнинг шакли ва миқдори, жойи ва ўрни, бирлашуви ёки ажралиши туфайли нарса ва дунё пайдо бўлади ҳамда ҳалокатга учрайди, деб кўрсатади. Д. атом таълимотининг асосий қондалари қуйидагилар: ҳеч нимадан ҳеч нима пайдо бўлмайди; ҳеч бир нарса тасодифан ҳосил бўлмайди, балки бир асос ва зарурийат туфайли ҳосил бўлади; атом ва соф макондан бошқа ҳеч бир нарса мавжуд эмас; атом сони чексиз, шакли чексиз ва хилма-хилдир, атомлар сонига қараб жиеслар хилма-хил, атомлар сифат жиҳатдан бир хил бўлади; жон атоми олов атоми каби юпқа, силлиқ ва думалоқ. Билиш назариясида Д. моддий оламни билиш ва ҳақиқатга эришиш мумкинлигини таъкидлади, билиш жараёнида сезги ва тафаккур ролини кўрсатди. Унингча, сезгиларимиз (кўриш, эшитиш, маза билиш ва б.) орқали олинган билим «қоронги», у оламнинг моҳиятини очиб бера олмайди. Ақл орқали олинган билим «ёруғ», ҳақиқий билимдир. Д. этикада атараксия таълимотини ривожлангирди. Д. илгари сурган гоёлар узоқ йиллар давомида фан ва фалсафа ривожига таъсир кўрсатди.

– **ДЕТЕРМИНИЗМ** (лот. *determino* – аниқлайман) – барча ҳодисаларнинг ўзаро объектив қонуний алоқадорлиги ва сабабий боғланиши тўғрисидаги фалсафий таълимот. Бу таълимот-

га кўра, борлиқдаги барча (моддий ва руҳий) нарса ва ҳодисалар бири-бири билан боғлиқ ва ўзаро бир-бирини тақозо этади. Д. таълимоти мазмунини бир ҳодиса (сабаб) бошқа ҳодиса (оқибат ёки натижа)га зарурий боғлиқ эканлиги ҳақидаги гоё ташкил этади. Нарса ва ҳодисаларнинг пайдо бўлиши, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши доимий бўлиб, улар бирор сабаб орқали амалга ошадди. Фалсафий Д. бугун борлиқ, ундаги қисмларнинг ўзаро боғланишини урганлади. Ўрта Осиё мутафаккирлари – Форобий, Ибн Сино, Беруний, Аҳмад Донниш ва б. борлиқнинг мавжудлиги тўғрисидаги гоёга катта ҳисса қўшганлар. Мас., Форобий «Фозил одамлар шахри» асарыда Аллоҳни дунёдаги барча мавжудот нарсаларнинг сабаби, деб кўрсатади. Тангри, унинг уқтиришича, барча нарса ва ҳодисаларнинг дастлабки сабабчисидир. Аллоҳ илк борлиқ бўлиб, унинг борлиги бошқа нарсаларнинг борлигига боғлиқ эмас. Қолган барча мавжудот борлиги эса унинг борлигига боғлиқ. Шу тариқа, илк борлиқ сабаби туфайли келиб чиққан борлиқ, унинг даражалари ҳақида батафсил фикр юритилади. Бу гоёлар юнон фалсафаси, хусусан, Демокрит, Платон, Аристотель ва б. мутафаккирлар гоёлари билан уйғундир. Ибн Сино Д.и Форобий Д.и каби қадимги юнон файласуфлари, хусусан, Демокритнинг мутлақ Д.и гоёлари билан ҳамоҳангдир. Мутлақ Д. борлиқда тасодифият мавжудлигини инкор этади. Ибн Сино ҳам борлиқнинг бош сабаби сифатида Яратганни тан олади. Ибн Сино борлиқнинг вужудга келиш жараёнини ўзининг «Келиб чиқиш ва қайтиш» асарыда очиб беради. Бу асарда Тангри билан табиат орасыдаги сабабий боғланишлар очиб берилган. Ибн Сино Танг-

рининг азалий ва абадийлигидан бутун борлиқнинг азалий ва абадийлиги ҳақидаги хулосани келтириб чиқаради. Д. тамойилтини табиат, жамият ҳодисаларининг моҳият ва мазмунини билишга жалб этиш турли камчиликлардан сақлайди. Ҳар бир нарса ва ҳодисадаги ички ва ташқи ҳамда зарурий боғланиш қонуниятларини билмасдан туриб тўла билимга эга бўла олмаймиз. Д.ни қўллаш ёрдамида нарса ва ҳодиса ҳақида тўлароқ билимга эга бўламиз.

Фалсафада Д. гояларига қарама-қарши турадиган гоя индетерминизмдир. Индетерминизм борлиқда сабабни боғланишлар мавжудлигини инкор этувчи таълимотдир.

**ДИАЛЕКТИК МАТЕРИАЛИЗМ** — марксизмнинг фалсафий таълимоти. *Материализм* ва *диалектиканинг* узвий бирлигидан ташкил топганлиги учун Д.м. дейилади. Д.м.нинг асосий тамойилларини 19-а.нинг 40-й.ларида К.Маркс ва Ф.Энгельс таърифлаб берган. Д.м. материя дунёнинг ягона асоси, онг материянинг ҳосаси эканлигига асосланади, нарса ва ҳодисалар ўртасида ялпи ўзаро алоқа бор деган қоидадан келиб чиқиб, дунёдаги ҳаракат ва ривожланишни унинг ички зиддиятлари натижаси деб эътироф этади. Д.мнинг асосий тушунчаси — *материя*, унинг мавжудлик усули — *ҳаракат*, асосий шакллари — *фазо ва вақт*. Д.м.нинг асосий қонунилари: *қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни*, *миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонуни*, *инкорни инкор қонуни*. Д.м. таълимотига кўра, билимнинг асоси ва ҳақиқат мезони — амалиёт. Д.м. ҳар қандай диний ва идеалистик қарашни, фикрлашни ғайриилмий деб ҳисоблайди. Собиқ СССР даврида Д.м. тушунчалари фан, маданият ва умуман ижтимоий ҳаётнинг ягона

назарий асоси деб эълон қилинди, коммунистик партиянинг мафкура-си ва сиёсатига хизмат қилдирилди. Д.м.ни илм-фан, ижтимоий амалиёт соҳаларига бевосита қўллаш, уни «яккаю-ягона, бирдан-бир тўғри фалсафа»га, илмий билишнинг «таңҳо услуби»га айлантириш ҳаракатлари авж олди. Шўролар тузумининг расмий фалсафаси, илм-фаннинг бирдан-бир услубий асоси бўлиб келди. Д.м. фалсафий фикр тарихида турфа дунёни турлича идрок этувчи, ўрганувчи ва талқин қилувчи фалсафий оқимларнинг биридир.

**ДИАЛЕКТИКА** [юн. *dialektike* (*techné*) — Асуҳбат олиб бориш, баҳслашиш санъати] — борлиқнинг вужудга келиши, унинг тараққиёти ҳақидаги фалсафий таълимот ҳамда воқеликни билиш ва унга асосланган тафаккур услуби. Юнон фалсафасида Д. мухолифнинг муҳокама-сидаги зиддиятларни очиб ташлаш, мунозара орқали ҳақиқатни топиш санъатини англатган. Кейинчалик бу усул табиат ҳодисаларига татбиқ этила бошлаган. билиш услубига айланган.

Диалектик тафаккур воқеликни билиш жараёни сифатида инсон, жамият билан боғлиқликда пайдо бўлган. Воқеликни билиш ва уни инсон манфаатлари йўлида ўзгартиришнинг диалектик услубини англашга интилиш қадимги замонларга бориб тақалади. Бу интилиш дастлаб Шарқда пайдо бўлиб, антик даврда ўз тақомилига етган. Фалсафа тарихида Д. турлича талқин қилинган. «Д.» сўзи илк бор Сократ (Сукрот) томонидан қўлланилган. У Д.ни бир-бирига зид, қарама-қарши фикрлар тўқнашуви орқали ҳақиқатни топиш санъати деб билган. Гераклит ижодида Д. узининг антик даврдаги энг ёрқин кўринишига эга бўлди. Гераклит фикрича, Д. —

муттасил ҳаракатдаги олам ички жиҳатдан зиддиятли ва удойимий вужудга келиш, ривожланиш ҳамда таназзулга юз тутиш — қарама-қаршиликлар бирлигидан иборат. Ўрта асрлардан 18-а.гача Д. оддий (мактабда ўқитиладиган) маънавий сифатида тушуниб келинди. Платон Д.ни нарсаларнинг идеал моҳиятини биллиш мақсадида тушунчаларни булак-булақларга ажратиш, унинг бир-бири билан ўзаро боғлаш усули деб ҳисоблаган. Кузалик, Николай, Ж.Бруно Д.ни қарама-қаршиликларнинг мос келиши ҳақидаги таълимот деб таъкидлашган. И.Кантнинг фикрича, Д. воқеликни тажриба, ҳиссий билимлар орқали эмас, балки соф тафаккур асосида билишга интилади. Г.В.Ф.Гегель Д.ни барочка, руҳ ва тарих тараққиётининг зиддиятларини англашнинг умумий усули деб билди. 20-а. Европ. фалсафисида Д. неогегелчилик, экзистенциализм, диний фалсафачини турли оқимларида ривожланди.

**ДИДРО** Дени (1713.5.10. Лаангр — 1784.31.7. Париж) — француз фойласуфи, ёзувчиси, маърифатпарвари. Асосий асарлари: «Фалсафий фикрлар» (1746), «Кўрлар ҳақида кузи очикларга ўқитнома» (1749), «Табиатни тушунтиришга оид фикрлар» (1754), «Д'Аламбернинг Дидро билан суҳбати», «Д'Аламбернинг туши» ва «Суҳбатнинг давоми» (1769, трилогия), «Материя ва ҳаракатнинг фалсафий принциплари» (1770), «Сенека ҳаёти» (1778), «Клавдий ва Нероннинг подшоҳлик тажрибаси» (1782), «Физиология элементлари» (1777—1780), «Скептикнинг сайри ёки хиёбонлар» (1747), «Роҳиба» антиклерикал романи (1760), «Жияним Рамо» ахлоқий-фалсафий романи (1762), «Фаталист Жак ва унинг хўжайини» романи (1773)ни ёзган.

Д. 1751—80 й.ларда 35 жилдалик «Энциклопедия ёки фан, санъат ва ҳунармандчиликнинг изоҳли луғати» асосчиси ва муҳаррири. Д.нинг сай-ҳаракати билан «Энциклопедия»нинг чоп этилиши ниҳоясига етказилди. «Энциклопедия»нинг яратилишида фалсафий фикр ва маърифатчиликнинг энг ёрқин ва тараққийпарвар немоиядалари (Руесо, Д'Аламбер, Вольтер, Кондильяк, Монтескье, Гольбах ва б.) фаол иштирок этдилар. Д. томонидан энциклопедия учун тайёрланган проспект (1750)да уз олдига улкан вазифа — «барча дин ва барча илм соҳаларини инсон тафаккури кучининг умумий манъара-сини аке эгитиришдан иборат» эканлигини изоҳида қайи эгиб утган. Д. фалсафий таълимотида «биз деярли ҳеч нарсани билмаймиз», деган скеп-тик инсондан кетиб чиқса ҳам, «инсон билимлари тараққи эгиб берган сари» унинг олам тўғрисидаги тасаввурлари тобора ўрчиб ботишини кўрсатиб беради.

Д. ҳаракатни худда кеч маънода — умумий диннинг сўзида тушунган. Д.нинг табиат тўғрисидаги қарашлари трансформизм (сўзсиздаги барча нарсалар тухтавий ўзгаришда)га хос бўлиб, у Ч.Дарвиндан анча аввал биологик тадрижийликнинг мослашувланик механизми ва табиий тан-ланиш гоёсини ошари сурди. Д. инсондаги тафаккур қилувчи «мен»ни миясида «сул курган» ўргимчакка, асаб светомасини эса инсон орияни зминни қамраб олган «тўр иплари»га қиёслайди. Бу эса инсонга «сезгилар орқали табиатни билиш» имкониятини беради. Д. инсонни сезиш қобилияти ва хотирага эга бўлган асбобга ушлагани. Д. инсон билимларининг манбаи — «сезиш» эканлигини таъкидласада, унинг қарашлари ута сенсуализмдан анча йироқдир.



У. ҳиссий ва рационалликнинг бирлигига асосланган рационалликнинг янги шаклини яради. Д.нинг ахлоқий қарашларида «табiiй инсон», «табiiй инсон эҳтиёжлари» ҳақидаги тасаввурлар баён қилинади ва инсондаги ёмон одатлар табiiй асогга эгалигини, уларни тарбия таъсирида оқилона чеклаш кераклигини уқдиради. Шу билан бирга, ижтимоий омилларнинг ахлоқий онга таъсири ҳақида гапириб «агар қонунлар яхши бўлса, ахлоқ ҳам яхши бўлади, агар қонунлар ёмон бўлса, ахлоқ ҳам ёмон бўлади», деб ҳисоблайди. У, «алоҳида индивидлар бахт-саодатини умумий бахт-саодат билан боғловчи» қонунларни яхши қонунлар, деб тушунади. Д. «оқилона эгоизм» гоясини илгари суриб: «бу дунёда шахсий бахт-саодатимиз учун, аввало, ҳалол инсон бўлишимиз маъқул», деган хулосага келади. Д. халқ таълими тўғрисидаги асарларида педагогиканинг жуда кўп муаммолари (халқ таълими тизими, ўқитиш услублари ва ҳ.к.)ни баён этган.

**ДИЛЬТЕЙ** Вильгельм (1833.19.11, Бибрих-Рейн — 1911.1.10, Зайс) — немис фалсафуфи, маданиятшунос, ҳаёт фалсафаси оқими вакили. Д. фикрича, ҳақиқий фалсафа «ҳаёт бутунлиги», «ҳаётний тажриба»га асосланиши лозим. У ҳаётни ақл билан англаб бўлмаслигини, ҳаётни фақатгина ҳис қилиш орқали билиш мумкинлигини эътироф этади. Шу сабабли, фалсауф табиатни механик тарзда талқин этувчи позитивизм ва билиш жараёнида фақат ақлий билишни устун қўювчи «метафизик» идеализмни танқид остига олади. Д. ўз таълимотида «ҳаётни ақл ҳукмига топшириш мумкин эмас», деган гояни илгари суради. Неокантчилик таъсирида фанларни табиатшунослик ва «руҳ» тўғрисидаги фанларга ажра-

тади. Унинг фикрича, фанлар нафақат предметиға кўра, балки методларига кўра ҳам фарқланади. Ижтимоий фанлар предметини руҳнинг намоён бўлиш шакллари (руҳ ҳосил қилган) ташкил этади ва улар қуйидагилардан иборат: ахлоқ, ҳуқуқ, дин, давлат, санъат, фанлар ва фалсафа. Агар «табиатшунослик» фанининг асосий методи тушунтириш бўлса, «руҳ» тўғрисидаги фанларнинг асосий методи тушунишдир. Д. герменевтикани «ёзма баён этилган ҳаётний ҳақиқатларни тушуниш санъати» сифатида таърифлайди. У ўзга оламни, мас., у ёки бу тарихий ҳодисани тушуниш учун талқиқотчи ана шу даврда «яшамочи», уша ҳодисаларни «бошидан кечирмоғи» ва «шарҳлаб» бериши лозим. Ижтимоий билиш Д. таъкидлаганидек, иррационал ва релятивистик хусусият касб этади. Бундай релятивизм инсонни догматизмдан халос этиб, толерантлик ва эркинликка олиб боришини таъкидлайди. Д. ўз даврининг ва ўтмиш давлардаги кишилар ҳиссиётларининг мувофиқ келиш муаммосини инсоният табиатига ва «ҳаётний тажриба», «ҳаёт»нинг намоён бўлишидаги умумийликка асосланган «ўхшашлик» тушунчаси ёрдамида ҳал этади. Д. илгари сурган гоялар 20-адаги экзистенциализм, герменевтика, постмодернизм каби оқимларга катта таъсир кўрсатди.

**ДИН** (араб. — эътиқод, ишонч, итоат) — худо ёки худолар, гайритабiiй кучлар мавжудлигига ишониш. Д. муайян таълимотлар, ҳис-туйғулар, тоат-ибодатлар ва диний ташкилотларнинг фаолиятлари орқали намоён бўладиган, олам, ҳаёт яратилишини тасаввур қилишнинг алоҳида тарзи, уни идрок этишнинг ўзига хос усули. Д.нинг пайдо бўлиши ҳақида ягона фикр йўқ. Ислом дини таъли-

мотига кўра, Д. — Аллоҳ томонидан ўз пайгамбарлари орқали башарият оламига жорий этилажаги зарур бўлган илоҳий қонунлардир. Табиат ва инсонни яратган, айни вақта инсонга тўғри, ҳақиқий ҳаёт йўлини кўрсатадиган ва ўргатадиган илоҳий қудратга ишончни ифода этадиган таълимотдир.

Д. дунё, инсон, мавжудотларнинг келиб чиқиши, инсоннинг яшашдан мақсади каби саволларга ўзича жавоб беради. Дунёвий илм нуқтан назаридан Д. кишилик жамияти тарихий тараққиётининг маълум босқичида пайдо бўлган ижтимоий онг шаклларида бири. Бу дунёқараш жамиятнинг маълум тарихий давр ва шароитларидаги талаблари, эҳтиёжлари асосида шаклланади. Улуғ мутафаккир Абу Наср *Фаробий* Д.га фалсафа билан бир қаторда ҳақиқатга етишишнинг 2 мустақил усулидан бири сифатида қараган. Фаробийнинг фикрича, фалсафадаги масалалар исботини пайгамбарлар рамзлар шаклида баён қилганлар. Д.га турлича ёндашишни *Беруний*, *Ибн Сино*, Умар Хайёмнинг ижтимоий-фалсафий қарашларида, *Ибн Рушд*нинг *икки ҳақиқат назарияси*да кузатиш мумкин. 18-а. француз файласуфларининг Д.га бўлган ўзига хос ёндашувлари, 19-а.да мифологик мактаб (ака-ука Я. Грим ва В.Грим, М.Мюллер), антропологик мактаб (Л.Фейербах), ва б. турли йўналишлар пайдо бўлган бўлса, 20-а.да Д.ни тадқиқ қилиш юзасидан яна бошқача қараш ва назариялар (К.Юнг, Э.Дюркгейм) вужудга келди.

Д.нинг нима эканлиги турлича изоҳланса-да, умуман оғанда Д. — ишонмоқлик туйғусидир. Бундай туйғуси бўлмаган халқ йўқ. Чунки бирон-бир халқ Д.сиз, эътиқодсиз, бирон-бир нарсага ишончсиз яшай олмай-

ди. Д. инсониятнинг энг теран, энг гўзал маънавий-руҳий эҳтиёжларидан биридир. Инсоният тарихида Д. турли шаклларда намён бўлган. Д.нинг дастлабки кўринишлари феишизм, тотемизм, анимизм, сеҳргарлик ва б.дир. Шунингдек, уруғ-қабилла Д.лари, миллий Д.лар (иудаизм, ҳиндуийлик, синтоизм, даосизм, конфуцийчилик), жаҳон Д.лари (буддизм, христианлик, ислом) вужудга келган. Д. аввалига кўпхудолик (политеистик), сўнгра яккахудолик (монотеистик) кўринишида бўлган. Ҳар бир Д. диний дунёқараш, диний маросим, диний туйғу ва сининиш объектларини ўз ичига олади. Ҳар қандай жамиятда Д. маълум ижтимоий, маънавий ва руҳий вазифаларни бажаради. Унинг ижтимоий ҳаётга таъсири кучлидир. Ҳар бир Д. диндорларини ўз таълимоти доирасида сақлашга ҳаракат қилади, ўз қавмлари учун тасалли берувчи, оувтувчилик вазифасини утайди. Д.лар ўз маросим ва байрамларининг қавмлари томонидан қатъий тартибга амал қилган ҳолда бажарилишини шарт қилиб қўяди, шунингдек, ўз қавмларининг бирлигини, жамият ва шахснинг узро алоқала бўлишини таъминлашга интилади. Д. инсонга яшашдан мақсад, ҳаёт мазмуни, бу дунё ва у дунё масалаларига ўз муносабатини билдириб туради. У умминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб, ҳуқ-атвор қондасига айлантиради (қ. *Ахлоқ*). Маданият ривожига катта таъсир кўрсатиб, умминсоний ва миллий қадриятларни сақлаб қолиш ва авлоддан-авлодга етказиш ишига ёрдам беради.

Д. инсоннинг ишончли ҳамроҳи, одамзот ҳаётининг бир қисми бўлиб келган. Унга турли даврда турлича муносабатда бўлинган. Д.ни жамиятнинг ҳукмрон кучлари давлат сиёса-

ти даражасига кўтарган ёки Д. ҳамда лицидорларни аёвсиз таъқиб остига олган ҳоллар тарихда кўп учрайди. Яқин утмишда — шўролар даврида Д.ни камситиш ва унга қарши кураш сиёсати олиб борилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Д. маданий-маънавий омиллар умумий силсиласига кирувчи тенг ҳуқуқли қадрият сифатида тан олинди ва Д.га тўла эркинлик берилди. Диний жамоалар, ташкилотларга қонун доирасида очиқ ва дахлсиз фаолият кўрсатиш имконияти яратилди. Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисми ислом динига, европалик аҳоли христианликнинг православие мазҳабига эътиқод қилади. Улар билан бир қаторда католик, протестант, бошқа мазҳаб (жами 15 дан ортиқ конфессия) вакиллари яшайди. Улар ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш, сиёсий-ижтимоий барқарорликни таъминлаш йўлида фаолият юритмоқдалар.

Ўзбекистон дунёвий давлат бўлиб, Д. давлатдан ажратилган. Виждон эркинлигининг қафолатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда (1998) баён этилган. Ўзбекистонда Д. ва диний дунёқараш дунёвий турмуш тарзи, дунёвий фикр билан ёнма-ён ривожланиб келмоқда.

**ДИНАМИК ВА ЭҲТИМОЛЛИК-СТАТИСТИК ҚОНУНЛАР** — воқеа-ҳодисалар боғланиш қонуниятларининг икки асосий шакли. Динамик қонун алоҳида олинган объект хатти-ҳаракатини бошқарадиган, унинг ҳолатларидаги муҳим алоқадорликларни аниқлаш имконини беради. Динамик қонунга қаттиқ жисм ҳаракатининг тезлиги, Күёш системасидаги сайёралар ҳаракатини аниқлаш имконини берадиган классик меха-

ника қонунлари мисол бўла олади. Эҳтимоллик-статистик қонунлар шундай қонунлар сирасига кирадики, улар йирик бирликлар хатти-ҳаракатларини бошқаради ва алоҳида объект хатти-ҳаракатига доир эҳтимоллик табиатида турли хулоса (фикр)лар чиқаришга ёрдам беради. Эҳтимоллик-статистик қонунлар квант механикаси, генетика каби фанларда кенг тарқалган. Динамик қонун эҳтимоллик-статистик қонунлар каби зарурий алоқа ва муносабатларни ифодалайди. Динамик қонундан фарқли ўлароқ, эҳтимоллик-статистик қонунларда зарурий яққол тасодифлар билан бевосита алоқадорликда аке этади.

**ДИСКУРСИВ** (лот. *discursus* — муҳокама) — ҳиссий, бевосита интуитив билимдан фарқли ўлароқ, муҳокама билан ҳосил қилинадиган мантиқий далил-исботли билим. Ҳақиқатларнинг бевосита (интуитив) ва билвосита (далил-исбот асосида қабул қилинадиган) ҳақиқатларга бўлинишини Платон ва Аристотель асарларида учратиш мумкин. Д. атамаси Фома Аквинский асарларида ҳам мавжуд.

**ДОГМАТИЗМ** (ақиданарастлик) (юн. *dogma* — фикр, мулоҳаза, қоида, таълимот) — тушунча, назария, гипотеза ва қонунлар ўзгармайди, деб кўрсатувчи таълимот. Д. тушунчасини қадимги юнон скептиклари Пиррон ва Зенон фалсафага киритганлар. Улар ҳар қандай фалсафани догматик деб аташган. чунки, уларнинг таълимотлари муайян фикрни, мулоҳазани қайд этади. Кейинчалик Д. атамасининг мазмуни ўзгариб борди. Д. ўзининг гносеологик, психологик ва ижтимоий асосларига эгадир. Тараққиётнинг маълум босқичида фанда шаклланган тушунчалар воқеликнинг у ёки бу томонини

адекват аке эътирнин мумкин, лекин объектинин ҳамма қирраларини улар тўла-тўқис аке эътиради, дейиш туғри эмас. Инсон дунёни билиш жараёнида фақат белги, образ ва сезгилер оқданигина эришмаиди. Инсон жамяят тараққиёти даражисида янлаб чақилган илмий ахборот, тушунмалар тизими, назарий билим ва ижтимоий амалиёт ютуқларига ҳам таянади. Шунинг учун билишнинг, шу аввало, жараён деб қарни керак. Билим ва воқеликка ўзгариш ҳос эканлиги туфайли инсон тафаккури ривожининг имкониятларини қараб билим ривожини баҳодан дорим булади. Агар биз билишнинг бирер томонини мутлақлаштириб унга ертиқча баҳо берсак Дунё томонидан тутгани бўлаимиз. Умуман биз янлаб турган дунёни билишда инсоннинг табиий имкониятларидан бешқари инсоннинг ижтимоий амалиётининг ривожланганлик даражасидан ҳам фойда иланимиз. Дунё ва ҳақиқатларга танқидий кўз билан қарамасдан, тушунчаларнинг асосини ўзгармас, деб қабул қилиб, улардан муайян нарҳот ҳамда вақв ва даврини ҳисобга олмасдан кўркетувчи фикр юрилади. Дунё воқеликда илм-фан ва амалиётга солид бўлаётган ўзгаришларни назар-иисанга қилмайли, аввалги мумтоз шахслар, илм-аҳли вакиллари тояларини рўқач қилади, уларни сунги ҳақиқат сифатида эътироф этади. Дунё тарафдорлари ўз фалсафий қарашлари билан билишнинг объектив жараёнилиги, ҳақиқат билишнинг асоси эканлиги ҳамда объектив оламга янгича муносабатлар тарзида билишимиз ривожланиб, кенгаиб боришинини инкор этадилар. Бу билан нисбий ҳақиқатнинг ролин камситиб абсолют ҳақиқатни билишнинг бирдан-бир босқичи, деб баҳодайдилар.

**ДУАЛИЗМ** (лот. dualis — икки ёқлама) — бир-бири билан бирлаштириб бўлмайдиган ҳолатлар, тамойиллар, фикрлар тарзи, дунёқараш интилиш ва гносеологик тамойиллар ёзма-ёя мавжудлигини тэргиб қилувчи таълимот. Дунёқараш (борлиқнинг бир неча мустақил ибтидои ёки билишнинг бир қанча асоси мавжуд деб ҳисобловчи фалсафий қараш) кўринишларидан бири. Моноизм, яъни дунёдаги турли ҳолатлар негизини битта ибтидо, ягона субстанция ётади, деб ҳисоблайдиган таълимотнинг э. Дунё термини негизини фалсафасуфи Х. Вольф (1678—1754) киритган. Дунёқарашларининг асослари қадим-тенг Авестода ҳам узрабди.

**ДУНЁҚАРАШ** — дунё ва инсоннинг ундаги ўрнини, қинишларининг ўзгаришларини воқеликка ва ўз-ўзини муносабатига бўлган умумий қарашлар тизими. Шунингдек, бу қарашларга асосланган одамнинг эътиқотлари, идеялари, билиш ва фаолият тамойиллари. Дунёқарашнинг ёши, ҳаётий таъриби, билими, мафкураси билан боғлиқ. Дунёқарашта илм-фаннинг фалсафий, илмий, диний, сиёсий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик билимлар, қарашлар ўз асосини топади. Шахсининг Дунёқарашининг муносабатлар билан қамбармас боғланган. Дунёқарашнинг ўзини ва дунёни завурни равишда ангилани ҳамда баҳодани асосда шаклланади. Бу жиҳатдан Дунёқарашнинг инсон оғиллаги субъектив интиқосилар. Айрим индивиднинг оғил билан боғланган индивидуал. Дунёқараш ижтимоий гуруҳ, қилма, синф, миллат ва жамяят миқёсидан ижтимоий оғил билан боғланган ижтимоий Дунёқараш мавжуд. Булар бир-бирини тўлдирди, бир-бирини таъсир қилади, бир-бирини ривожлантиради. Дастлаб индивид дунёни ҳиссий сезади (дунёни

ҳис қилиш). Бунда индивид воқеаники бевоқифа ҳиссий интиқос этиш натижасида англайди. Кейин воқелик ҳақида тўплаган билимлари асосида индивиднинг Ди пайдо бўлади. Бу дунёни англаш дейилади. Шахснинг дунёни англаши орқали унинг ўзини англаши ҳам шаклланиб боради. Шу тариқа дунё ҳақидаги барча билимлар юксак даражада умумлаштирилади ва яхлит Д шаклланади. Д инсониятнинг тарихий тараққиёти мобайнида ривожланиб борган. Унинг қўлидаги шаклланиш кўрсаткичи мумкин: 1. Мифология Д ёки афсоналарга таянган Д. У воқелик ҳақидаги мифология билимлар тўплаган ва тилимга солинган бир даврда вуқудга келган, берликнинг инсон онгидаги маънавий интиқоси сифатида қўлдан келар кўшиқлари учун хос бўлган. Улар воқеликни турли ривожлар ва афсоналар асосида тасвирлаб, уни қаҳрамонлар, ёвуз ва хайрли кучларни асос эттирувчи образлар тарзида биланган. Табиатдаги жонсиз жиёмларни жонлантириб, олов, сув, ҳаво, табиат ҳодисаларини ҳам муайян жонли образларнинг намоён бўлиши деб ҳисоблаган. 2. Диний Д. У оламдаги воқеа ва ҳодисаларнинг сабабларини илоҳий, ғайритабиий куч билан боғлаб тушутирди. Диний этиқод, туйғу, диний ақидаларга ишонини, илоҳий кучларга сўлигини диний Днинг муҳим жиҳатлари ҳисобланади. 3. Турмуш билан боғланган (қўндаллик) Д. Унда ақлга синадиган тасаввурлар, олам ва олам тўғрисидаги оддий анъанавий қарашлар асос этди. 4. Фалсафий Д. Унда бутун берлик, табиат, жамият, инсон руҳияти ва тафаккурининг энг умумий жиҳатлари идрок этилади, шу асосда оламнинг умумлашган назарий модели яратилади. Фалсафий Д. дунёқарашнинг бошқа шаклларига тая-

нади, улардаги умумий қонуниятларни, жиҳатларни англашга ҳаракат қилади. Фалсафий Днинг шаклланиши ва ривожланиши фалсафанинг пайдо бўлиши билан узвий боғлиқ. Инсон воқеликка муайян мақсад, манфаат ва қизиқишлардан келиб чиқиб ёндашади. Днинг мафкура билан боғланганлигининг сабаби ҳам шундадир. Днинг қўлами, мазмуни, маркази ёки таянч нуқтаси каби жиҳатлари бор. Д. қўлами индивиднинг бутун ҳаёти мобайнида ривожланиб, кенгайиб борувчи жиҳатини ифодалайди. Д. мазмуни индивид онгида воқеликнинг хилма-хил жиҳатлари қай даражада қамроб олинганлигини асос эттиради. Д. маркази ёки таянч нуқтаси деганда, индивиднинг қандай шахсий ҳақда олтимовий манфаатлар мажмуаси доirasидан тўғрив олам ҳақида фикр қоритиши тушунилади. Инсон ўз ҳаётида ўзидан илгариги утган кишиларнинг турмуш тажрибасига тўплаган билимларига таянади. Д. кишиларнинг ахлоқ меъёрлари, ҳаётдаги интилишлари, қизиқишлари, меҳнат ва турмушларига таъбир кўрсатиб, катта амалий маъно касб этди.

**ДУНС СКОТТ** Иоани (тахм. 1266, Макстон, Шотландия - 1308.8.11, Кельн) — шотландиялик ўрта аср христиан схоластикаси вакилидир. Оксфорд ва Париж ун-тларида таълим олган. Кейинчалик шу ун-тларда фалсафа ва илоҳийдан дарс берган. Энг йирик асари «Оксфорд асари» номи билан аталган. Унга «ўтқир доктор» деган унвон берилган. Д.С. қарашлари Фома Аквинский таълимотига зид бўлган. У фалсафа ва илоҳийни бир-бирдан кескин ажратади. Унингча, илоҳий инсоннинг диний таълимотларни бажаришга қаратилган билимдир. Фалсафа ёки метафизикани олиғи поғо-

надаги билим деб қарайди. Фалсафа ҳамма мавжуд нарсаларни, жумладан худони қамраб олувчи борлиқни, мутлақни ўрганadi. Д.С. моҳият ва ҳодиса каби фалсафий категорияларни бир-биридан ажратмайди. Унингча, моҳиятнинг ўзи ҳодисани мужассамлаштиради. Шунинг учун айрим якка нарсаларнинг вужудга келишида худонинг аралашуви шарт эмас. Д.С. материя ва шакл муносабатлари масаласини жуда жиқдлий тақдир қилади. Д.С. фикрича, материя ўзида долзарблик ҳолатига кириши имкониятига эга ва у уч кўринишда бўлади. Шакл фақат нарсанинг ҳусусийлигини белгилайди. Д.С. билишнинг вужудга келишида ҳиссини билишга катта ўрин беради. Унингча, ҳиссий билиш якка нарсаларнинг мавжудлигини тасдиқлаш имконининг беради. Бу якка нарсалар уларнинг моҳиятини белгиловчи тасвирлари (образ) орқали белгиланади. Инсон муаммаси ҳақидаги таълимот ҳам Д.С. дунёқаравида муҳим ўрин эгаллайди. У инсонни ташқи дунёнинг бир қисми деб ҳисоблаган ҳолда, инсон иродасининг инсобатан мустақил мавжудлигини таъкидлайди. Инсон иродаси ҳеч қандай ақлий таърифга боғлиқ эмас ва ўз моҳияти жиҳатидан эркиндир. Д.С. таълимотига кўра, дунё қандай бўлса шундай яратилган. Бунда ҳам худо иродаси намоён бўлади. Дунёда эгуликнинг мавжудлиги худонинг эгу иродаси туфайлидир. Бу нарса инсон ахлоқига ҳам тааллуқлидир. Инсон худо шунинг ҳоҳлагани учун эгу ишларни амалга оширади. Фақат бутунлай илоҳий иродага бўйсунсагина инсон иродаси эгуликка айланади.

**ДЮРКХЕЙМ** Эмиль (1858.15.4, Эпиналь — 1917.15.11, Париж) — француз социологи ва файласуфи, Француз социология мактаби асос-

чиси. У О.Контнинг позитивистик анъаналарини давом эттирди, табиий фанлар намуналаридан фойдаланиб, назарий тузилмаларнинг эмпирик асосланганлиги ва аниқлигига эътибор қаратди. Социологиянинг мустақил фан бўлишидаги умумий шартлар вазифа Д. алоҳида предмет ва унга мос методологиянинг мавжудлигини тушунган. Д. фикрича, индивидларнинг жамиятдаги ҳатти-ҳаракати асосан, индивидуал сабаб ва омиллар билан эмас, балки уни у ёки бу ҳатти-ҳаракатга йўналтирувчи ижтимоий далиллар мажмуаси билан белгиланади. Ижтимоий далиллар жамиятнинг «моддий субстратини» ташкил қилувчи (аҳоли зичлиги, аҳоли жойлашуви табиати каби) морфологик далиллар ва маънавий, номоддий далиллар («жамоавий тасаввурлар», жамоавий ёки умумий онг)га бўлинади. Д. асосан жамоавий онг, унинг турли шакллари (дин, ахлоқ, ҳуқуқ)нинг аҳамиятини ўрганган. Д. қарашлари тизимининг назарий-усулбий асосини социологизм (социологик реализмнинг кўринишларидан бири) ташкил этади. У ижтимоий мавжудликнинг ўзига хослиги ва алоҳидлигини таъкидлайди. Д. жамиятга индивиддан жиёмоний ва ахлоқий устун бўлган хусусиятларни қисқайтиди. У барча ижтимоий фанлар учун социологик услубни қўллаш кераклигини уқтиради. Ижтимоий далилларга «нарсалар» сифатида қараб, улардан табиий («позитив») фанлар қондаларига амал қилишни талаб этади. Д. бутун концепцияси доирада ижтимоий бирдамлик ғоясини асослашга уринган. У жамиятдаги механик ва органик бирдамликни ягона эволюцион занжирнинг ҳалқалари деб изоҳлаган. Механик бирдамлик қадимги жамиятда устун бўлган ва у индивидларнинг ривожланма-

ганлиги ҳамда уларнинг ижтимоий функциялари ўхшашлигига асосланган. Органик бирдамлик эса замонавий жамиятга хос ва у меҳнат тақсимотига асосланган. Инсон фаолияти маҳсулотларининг айирбашланиши жамият аъзоларининг бир-бирига боғлиқлигини талаб этади. Лекин уларнинг ҳар бири алоҳида олганда мукамал бўлмаганлиги учун меҳнат ва ижтимоий тақсимотининг вазифаси — индивидларни жиҳслаштириш, ижтимоий организмнинг бирлигини таъминлашдан иборат. Д. бирдамликка олий умумий қадрият сифатида қараган. Шунинг учун меҳнат тақсимои ахлоқий асосга эгадир. Меҳнат ва капитал антагонизми, капиталистик жамиятнинг ах-

лоқий ва иқтисодий инқирозларини Д. меъёрдан (зарур меъёрдан) оғиб кетиш, жамиятнинг асосий синфлари ўртасидаги муносабатларнинг етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги натижаси деб билган. Замонавий жамиятга зарур ижтимоий алоқа, синфлар ўртасидаги бирдамлик мурватларини тузиш гоёсини асослашга уринган. Умуман Д. Францияда ижтимоий фанлар ривожига сезиларли таъсир кўрсатди. Ҳоз. пайтда у Фарб социологиясининг тан олинган классик вакили ҳисобланади. Унинг концепциялари Фарб социологияси, хусусан, азалий тузилмавий функционализм пойдеворининг шаклланишида асос бўлиб хизмат қилган.

## Е, Ё

**ЕТАРЛИ АСОС ҚОНУНИ** — формал мантиқнинг асосий қонунларидан бири. Е.а.қ. талаби: ҳар қандай чин фикр ёки фикр чинлиги аввалдан исботланган бўлиши шарт. Инсон тафаккурига хос бўлган бу қонунни биринчи марта немис файласуфи ва математиги Г.Лейбниц (1646—1716) таърифлаб берган. Унинг таъкизлашича, барча мавжуд нарсалар ўзининг мавжудлиги учун етарли асосга эгадир. Фикрлаш жараёнида нарса ва ҳодисалар ҳақида чин муҳокама юригибига қолмасдан, бу муҳокаманинг чинлигига ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги учун уни исботланга, асослашга ҳаракат қилинади. Ҳар бир нарса ва ҳодиса реал асосга эга бўлгани каби уларнинг инъикоси бўлган фикр ва мулоҳазалар ҳам асосланган бўлиши керак. Бунинг учун чинлиги аввалдан маълум бўлган ва ўзаро мантиқий боғланган мулоҳазаларга асосланилади. Е.а.қ.да тўғри тафаккурлашнинг энг муҳим хусусиятларидан бўлган

фикрларнинг умумий изчиллик билан маълум ва муайян тартибда боғланиб келиш хусусияти ифодаланади. Бу қонун аввал кўриб ўтилган қонунлар билан ўзаро боғлиқ ҳолда амал қилади. Фикрлаш жараёнида берилган мулоҳазанинг чинлигини асослаш учун келтирилган чин мулоҳазалар мантиқий натижа деб юритилади. Мантиқий асос билан объектив, ҳақиқий асосни аралаштириб юбормаслик керак. Асос ва натижа орасидаги мантиқий боғлиқлигини сабаб ва оқибат алоқадорлигидан фарқлаш зарур. Мас., «Бу киши бемор», деган мулоҳазани «У шифохонада даволаняпти», деган фикр билан асослаш мумкин. Аслида шифохонада даволаниш дастлабки мулоҳазанинг сабаби эмас, балки оқибатидир. Маълум бўладикки, мантиқий асос ҳамма вақт ҳам ҳодисанинг сабаби билан мос келмайди. Фикрларнинг етарли асосга эга бўлишининг объектив манбаи фақат сабаб-оқибат

## ЁШЛАР

муносабатинигина эмас, фикрнинг изчиллиги, асосланганлиги, исботланган булишлик хусусиятлари, яъни объектив мазмуни сабаб-оқибат муносабатларидан ташқарида бўлган бошқа муносабатларни ҳам ўз ичига олади. Фикр-мулоҳазаларни асослаш мураккаб мантиқий жараён бўлиб, унда бир ёки undan ортик узаро boglangan муҳокамалар тизимидан фойдаланилади. Кенг маънода бирор мулоҳазани асослаш деганда, шу мулоҳазанинг чинлигини тасдиқловчи ишончли ва етарли далилларнинг mavjudligi тушунилади. Бу ишончли ва етарли далиллар шартли равишда икки гуруҳга бўлинади: эмпирик ва назарий асослар. Булардан биринчиси ҳиссий билиш тажрибасига асосланса, иккинчиси ақлий билиш — тафаккурга таянади. Эмпирик ва назарий билимлар чегараси nisbiy бўлгани каби эмпирик ва назарий асослар ўртасидаги фарқ ҳам nisbiydir. Инсоннинг шахсий тажрибаси макон ва вақт билан чегараланган бўлиб, унинг сезгилари берган маълумот эса ҳамма вақт ҳам тўғри бўлмайди. Шунга қарамастан, мулоҳазаларни эмпирик асослашнинг аҳамияти катта, chunki билиш жонли ҳиссий мушоҳададан, бевосита кузатишдан бошланади. Ҳиссий тажриба инсонни ташқи олам билан boglab туради. Назарий билим эса эмпирик базиснинг усткурмаси ҳисобланади. Назарий асослашнинг кенг фойдаланиладиган методи — дедуктив метод, яъни, чин мулоҳазаларга таянишидир. Берилган мулоҳазани мантиқий (дедуктив) метод орқали бошқа чин мулоҳазалар ёрдамида асослаш мумкин бўлса, унда берилган мулоҳаза чин, яъни асосланган бўлади. Бунда фикрлар ўртасидаги белланиш умумийлик, хусусийлик ва яккалик ўртасидаги ўзаро bogliqlik-

ни ifodalaydi. Mas., tўgri тафаккур қонунарининг объектив тусда эканлигини барча илмий қонуналарнинг объектив тусга эга эканлиги ҳақидаги умумий чин мулоҳаза ёрдамида асослаш мумкин. Умумий чин мулоҳазалар сифатида фанларнинг қонуноқидаларидан, тушунчалар таърифларидан ҳамда аксиомаларидан фойдаланилади. Буларнинг барчаси назарий асослашнинг рашибал ёки демонстратив усуллари бўлиб, улар умумий аҳамиятга эга бўлган дебатлаш методларининг асосини ташкил этади. Шунингдек, асослашнинг субъектив тусда бўлган ва бевосита таъриба натижалари ёки назарий фикр юришга тааттуқли бўлмаган методлари ҳам mavjuddir. Интуитив, эътиқод ва урф-одиналарга асосланган шундай методлар жумласига кирели. Бу методлардан кўпроқ кундалик оғир даражада фойдаланилади. Фикр-мулоҳазаларнинг чинлигини асослаш тафаккурнинг энг зарурий хусусиятларидан бири бўлиб, бунда амал қилин фикрнинг мантиқий, тартибли, ишончли бўлиши учун ниҳоятла муҳим аҳамияти эгадир.

**ЁШЛАР** — маънавий дунёқарашни шаклландирган, қарор тонаётган, асосини ижтимоий усиш, интенсив ижтимоийлашув ва мослашув, ижтимоий ҳамда рудий-физиологик балога ёши (14–30)ни бошдан кечираётган ижтимоий демографик гуруҳ. Ёшнинг катта ҳаётга қадам қўйиши билан bogliq асосий ижтимоий муаммолар таълим олиш, оила қуриш, меҳнат фаолиятини бошлаш, касбий маҳорат ва илгарилаш, катта ижтимоий-сиёсий нуқгаи назарга эга булишга интилишдан иборат. Ёшнинг ижтимоийлашув ва мослашуви маъкур жамият, ижтимоий жамоа ва гуруҳга тегишли бўлган умуминсоний ва миллий қадриятлар, қондалар,



тартиблар, одоб-ахлоқ намуналарини индивид томонидан эгаллаши ҳамда ўрганиши, шахснинг шаклланиш жараёнини ўзида намоён этади. Ушбу муаммолар ўз ичига Ё.нинг жамиятга қўшилиши, уларнинг ижтимоий ва иқтисодий муносабатларга мослашуви ҳамда ижтимоий тараққиёт бунёдкорларига айланиши каби масалаларни қамраб олади. Ё.нинг ижтимоийлашуви бир томондан ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатса, иккинчи томондан Ё. ана шу муносабатларга кириб боради

экан, уларнинг таъсири остида ўзгара боради. Ана шу икки томон жамият ҳаётининг барча даврларида муҳим ўрин эгаллайди. Ё. мамлакат ва миллатга ҳаётбахшлик бағишлаб, давлатни куч-қувватга тўлдириб, ҳаракатга келтирувчи, янгилаб турувчи катта ижтимоий қатламдир. Ўзбекистонда баркамол авлодни шаклланиши умуммиллий ва умумдавлат миқёсидаги вазифа бўлганлиги учун ҳам мамлакатимизда 2008 й. «Ёшлар йили», 2010 й. «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинган.

## Ж

**ЖАДИДЧИЛИК** (араб. жадид – янги) – 19-а. охири – 20-а. бошида Туркистон, Кавказ, Қрим, Татаристон ҳаётида муҳим аҳамият касб этган ижтимоий-сиёсий, маърифий ҳаракат. Ж. дастлаб 19-а.нинг 80-й.ларида Қримда Исмоилбек Гаспринский раҳбарлигида қрим татарлари ўртасида вужудга келди. Ж. ҳаракати намояндалари кўпинча ўзларини тараққийпарварлар, кейинчалик жадидлар деб аташган. Ж. моҳият эътибори билан аввало сиёсий ҳаракат эди. Унинг шаклланиш ва мағлубиятга учраш даврлари бўлиб, уларни шартли равишда тўртга бўлиш мумкин. Туркистон. Бухоро ва Хива ҳудудида бу даврлар 1895–1905; 1906–16; 1917–20; 1921–29 й.ларни ўз ичига олади. Миллат истиқболини ўйловчи тараққийпарвар кучлар халқнинг деярли барча табақалари – хунарманд, деҳқон, савдогар, мулкдор, уламолар орасида мавжуд эди. Зиёлилар дастлаб чоризмга қарши курашни халқни асрий қолоқликдан унгоиш – сиёсий-маърифий жабҳадан бошлашга қарор қилдилар. Ж. ҳаракати ана шундай тарихий бир шароитда Туркистон минтақасида ривожланиш учун ўзига қулай замин топди.

Жадидлар орасидан етук олимлар, саноат ва зироатчилик соҳаларининг замонавий билимдон мутахассислари, маданият арбоблари етишиб чиқиб, юртни обод ва Ватанни мустақил куришни орзу қилдилар ва шу йўлда фидойиларча курашдилар. Жадидларнинг Туркистон мустақиллиги учун курашида асосан қуйидаги йўналишлар устувор эди: янги усул мактаблари тармоғини кенгайтириш; қобилиятли ёшларни чет элга ўқишга юбориш; турли маърифий жамиятлар ва театр гуруҳларини тузиш; газета ва журналлар чоп этиш, халқнинг ижтимоий-сиёсий онгини юксалтириш билан Туркистонда миллий демократик давлат қуриш. Жадид зиёлиларининг кучли партияси ташкил қилинган тақдирдагина бу ишларни амалга ошириш мумкин эди.

Ж.нинг асосий гоя ва мақсадлари қуйидагилар эди: Туркистонни ўрта асрларга хос қолоқлик ва диний хурофотдан озод этиш, шариятнинг ислоҳ қилиш, халққа маърифат тарқатиш, Туркистонда мухторият ҳукуматини барпо этиш учун кураш, Бухоро ва Хивада конституцион монархия ва парламент, кейинчалик

демократик республика тузумини ўрнатиш орқали озод ва фаровон жамият қуриш, барқарор миллий валютани жорий қилиш ва миллий қўшин тузиш. Тошкент, Фаргона, Бухоро, Самарқанд ва Хивада ҳур фикрли ва тараққийпарвар кишиларнинг айрим гуруҳлари томонидан очилган маданий-маърифий йўналишдаги жамият ва уюшмалардан Ж. ҳаракати шаклланди.

Туркистонда Ж. ҳаракатини вужудга келтирувчилар тепасида Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдуқодир Шукурий (Шакуррий), Саидахмад Сиддиқий – Ажзий (Самарқанд), Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Убайдулла Асадуллахўжаев (Убайдулла Хўжаев), Тошпўлатбек Норбўтабеков (Тошкент), Фитрат, Файзулла Хўжаев, Усмонхўжа Пўлатхўжаев, Абдулвоҳид Бурҳонов, Салридин Айний, Абдуқодир Муҳиддинов (Бухоро), Обиджон Маҳмудов, Ҳамза, Чўлпон, Исоҳқон Ибрат, Муҳаммадшариф Сўфизода (Фаргона водийси), Полвонниёз ҳожи Юсупов, Бобоохун Салимов (Хоразм) турарди.

1904–05 йлардаги рус-япон уруши, 1905–07 йларда бўлган I-рус инқилоби, 1905–11 йлардаги Эрон инқилоби, 1908 й. Туркияда бўлган Ёш турклар инқилоби жадидлар дунёқарашига кучли таъсир кўрсатди. Жадидлар уз газета ва журналлари, янги усул мактаблари, турли кутубхона ва қироатхоналар, даваскор театр труппалари теварагида тулланишар эди. Уларнинг кўпчилиги шу даврнинг кўзга кўринган ижодкорлари – шоиру ёзувчилар эди. Улар ўз асарлари билан тарихан янги миллий адабиёт яратдилар. Адабиёт давр воқеаларига ҳамоҳанг борди. 1910-йлардаёқ маърифат ва озодлик ғоялари унинг марказий мавзуга айланди.

Адабиётга «миллат» ва «ватан» тушунчалари кириб келди. Миллий шеърларга рағбат кучайди. Янги замонавий дostonчилик майдонга келди, публицистика (Бехбудий, Фитрат, Мунавварқори, Мирмуҳсин) ривожланди, реалистик проза шаклланди. Шунинг учун ҳам бу давр адабиёти Ўзбекистон мустақиллигидан кейин ҳақли равишда миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти деб давраштирилади. Адабиётдаги бундай уйғониш, айни вақтда, шу давр маданий ҳаётида ҳам рўй берди. Жадидлар ўзбек халқи ҳаётига том маънодаги миллий театрни олиб кирди. Миллий матбаанинг вужудга келиши билан китоб босиши иши йўлга қўйила бошланди. Европа қўловозли мусиқа санъати билан танишган жадидлар ўзбек анъанавий мусиқа услубларини ҳам ислоҳ қилишга даъват этишган. 1919 йда Тошкентнинг Эски шаҳар қисмига жадидлар ташаббуси билан Туркистон халқ консерваториясининг миллий (эски шаҳар) бўлими ташкил этилди. Шу тариқа жадидлар санъат воситаси билан миллат қадриини кўтариш, санъатнинг деярли барча турларини юксалтиришга интидилар.

Ж.нинг аксар вакиллари ёшларга даставвал диний таълим билан бир қаторда дунёвий фанларни ўқитиш масаласини кун тартибига қўйдилар. Улар мусулмон мактабларининг таълим усули ва дастурларини ислоҳ қилиб, янгича усулдаги мактабларни очдилар. Бехбудий, Мунавварқори, А. Бурҳонов, А. Авлоний ва б. янги усул мактаблари учун дарсликлар ёзиб, нашр этишган.

Ж. ҳаракати давомида уларнинг ўз матбуоти шаклланди. Жадидлар Тошкентда 1905–06 йларда «Тараққий» (муҳаррири – Исмоил Обидий), «Хурийд» (муҳаррири – Мунаввар-

қори), 1907–08 й.ларда «Шуҳрат» (муҳаррири – А.Авлоний), «Осиё» (муҳаррири – Аҳмаджон Бектемиров), «Тужжор» (муҳаррири – Саидкаримбой Саидазимбой ўғли), Бухорода 1912 й.да «Бухороий шариф» (муҳаррири – Мирзо Жалол Юсуфзода), «Турон» (муҳаррири – Ғиёс маҳсум Ҳусайний), Самарқандда 1913 й.да «Самарқанд» (муҳаррири – М.Бехбудий), Тошкентда «Садойи Туркистон» (муҳаррири – Убайдулла Хўжаев), Қўқонда «Садойи Фаргона» (муҳаррири – Обиджон Маҳмудов) газеталари ва Самарқандда 1913–15 й.ларда «Ойина» (муҳаррири – М.Бехбудий), Тошкентда 1915 й. «Ал-ислоҳ» (муҳаррири – Абдурахмон Содиқ ўғли) журналларини нашр қилишди. Шунингдек, 1917–18 й.ларда Тошкентда «Нажот» (муҳаррири – Мунавварқори), «Кенгаш» (муҳаррирлари – Аҳмад Закий Валидий ва Мунавварқори), «Турон» (муҳаррирлари М.Афандизода, А.Авлоний), «Улуғ Туркистон» (муҳаррири – Кабир Бакиров), «Шўрон Ислоҳ» (муҳаррири – Абдулла Баттол), «Турк суъи» (муҳаррири – Темирбек Худоев), «Турк эли» (таҳрир ҳайъати), Самарқандда «Хуррият» (муҳаррирлари – Мардонқул Шоҳмуҳаммадзола, Акобир Шомансуров, Фитрат), Қўқонда «Тирик суъ» (муҳаррири – Обиджон Маҳмудов), «Эл байроғи» (муҳаррири – Булат Соляев) газеталари ва «Кенгани» (муҳаррири – Ҳамза), «Юрт» (муҳаррири – Ашурали Зоҳирий) журналлари чоп этилди. Мағбуот миллат динидаги гапларни ўз саҳифаларига кўчириш билан кифояланмай, қандай ишларни биринчи навбатда амалга ошириш масаласини ўртага қўйди.

Ж. ҳаракати 1906–16 й.ларда ўзининг асосий йўлини белгилаб олди. Жадидларнинг нашрлари халқни

янги давр бошлангани билан таништираётган экан, ўзлигини англаб, уюшишга чақирди. Ўлка моддий ва маънавий бойликлари таланаётганини ошкор қилди. Чўлпон шеър ва мақолаларида мустамлақачиларнинг асл қиёфаларини очиб ташлади. Машҳур адвокат У.Хўжаев олий ўқув юртини ташкил этиш, солиқларни тартибга солиш, болалар гарбиясига жиддий эътибор бериш масаласини баён қилди.

Жадид матбуоти ўз вакиллари-нинг фикрларини эълон қилар экан, халқни «ҳар вақт гафлат уйқусидан уйғотувчи» «миллат онгининг эчки» эканлигини намён этиш билан бирга Туркистон халқини ҳур фикрлашга ва катта сиёсий курашга ҳозирлай олди. Бу даврда «Эрк», «Турон», «Ўқитувчилар жамияти» каби уюшмалар пайдо бўлди. Мунавварқори айтганидек, «Уларнинг бугун умиди Россиядаги инқилоб жараёнида маҳаллий аҳолини миллий, диний чеклаш ва жабрлашдан озод қилиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини овруполиклар билан тенглаштириш, хилма-хил мактаб ва мағбуот ишлари ҳамда турли-туман жамиятлар ташкил этишга кенг имконият яратиб беришга қаратилган эди».

Жадидлар бу даврда «Озодлик, тенглик ва адолат» шиори остида ишладилар. Уларнинг 1916 й. мардикорликка олиш воқеасига муносабати гоёта эътиборга моликдир.

1917 й. Ж. ҳаракати ўзининг янги босқичига қадам қўйди. Февраль инқилобидан сўнг ўзбек, татар ва қозқлар бирлашишга аҳд қилдилар ва «Турон» уюшмаси заминида «Шўрон Исломи» жамияти гузилди (асосчилари Мунавварқори, Абдувоҳидқори Абдурауфқориев, У.Хўжаев). 1917 й. 14 мартда иш бошлаган бу жамият қишлоқ ва шаҳарларга тартиботчи-

лар юбориб, озодлик, тенглик ҳақида тушунтириш олиб бориш, сайлов тўғрисида маълумот бериш билан шуғулланди. Унинг дастурини Мунавварқори ёзган эди. Жадидлар жойларда «Шўрои Исломия» тизими яратилишининг ташаббускори бўлдилар. Туркистонга мухторият мақомини бериш ҳаракати Туркистон мустақиллиги учун курашга айланди.

Туркий халқларни бирлаштириш гоёси кун тартибидан мустақкам ўрин олди. Ўзбек, қozoқ, қирғиз, қорақалпоқ, бошқирд, татар, туркман каби негизи битта халқларни бирлаштириш ва шу асосда федератив ёки мухториятли давлат қуриш масаласи буй кўрсата борди. Аммо Мунавварқори сўзи билан айтганда кўпгина кишилар жумҳурийят билан мухторият ўртасидаги фарқни тушунмаган эди. Хусусан, Туркистон намояндалари чин маънодаги республикани бермо элиш ва унинг давлат таркибини ташкил этишга тўлиқ тайёр бўлишмаган. Қozoқ ва бошқирд намояндалари — Мустафо Чўқай, Закий Валидий ва Ё. Петербурга уларга деч қачон мустақиллик ҳам, мухторият ҳам бермаслигини сезгач, Туркистонга келиб, маҳаллий жадидлар билан бирга иш бошладилар.

Тошкентда «Шўрои Исломия», «Турон», «Шўрои Уламо», «Иттифоқи муслимин», Қуқонда «Файрат», Бухорода Ёш бухороликлар, Хивада Ёш хиваликлардан ташқари, Самарқандда «Иттифоқ», «Мирваж ул-ислом», «Мифтах ул-маориф» каби ташкилотлар фаолият курсата бошлади. Буларнинг ижтимоий-сиёсий йуналишини белгилашда Мунавварқори, У.Хўжаев, М.Бехбудий, А.Зоҳирий, А.З.Валидий, Мустафо Чўқай, Фитрат, Ф.Хўжаев, У.Пўлатхўжаев, Шерали Лапин, М.Мирмуьминбоев, О.Маҳмудов, Пойвонийёз

ҳожӣ Юсупов, Т.Норбўтабеков ва Ё. фаолият кўрсатдилар.

«Шўрои Исломия»нинг ташаббуси билан 1917 й. 16—22 апрель кунлари Бутун Туркистон муулмонларининг I-қурултойи чақирилди. Қурултой иштирокчилари бир қанча масалалар қаторида Туркистон улқасининг давлат мақоми масаласини ҳам муҳокама қилдилар. I-қурултойда Туркистон улқа муулмонлари Шўроси — Миллий марказни ташкил этишга қарор қилинди. Миллий марказга раис бўлиб Мустафо Чўқай, унга ўринбосарлар қилиб Валидий ва У.Хўжаев сайланади. Бу эса ташкилотларни бирлаштириш билан бирга миллий озодлик ҳаракатини изга солиб, ташкилий жиҳатдан марказлаштирар эди.

Миллий марказнинг 1917 й. 12 июнда бўлиб ўтган йиғилишида барча жамият ва уюшмаларнинг Марказий муулмон депутатлари Шўросига бўйсунини ҳақида Низом қабул қилинади. Марказнинг мақсади халқнинг энг қуий қатламлари — мардикор ва деҳқонларга тўлиқ ҳуқуқ бериш ва Туркистон муулмонларини маданий, илмий, иқтисодий ва гоёвий тарбиялаш эди.

1917 й. апрель—июнь ойлари орасида жадидлар кўпгина сиёсий масалаларни ва уларга ўз муносабатларини белгилаб олдилар. Пировардида худудий мухторият учун сиёсий вазият пишиб етилганини англаб етдилар.

1917 й. 1—11 майда Москвада бўлган Бутун Россия муулмонларининг I-қурултойи берган туртки натижасида мухторият масаласи янада жиддийланди. 1917 й. 12—14 июлда Фарғонада бўлиб ўтган муулмон ташкилотларининг қурултойида дастурий масалалар куриб чиқилди. Унда «Турк Адами Марказият (Федерали-

стлар)» фирқасининг дастури (маромномаси) ва 22 модладан иборат Низоми қабул қилинди.

1917 й. 17–20 сентябрда Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон ва Қозоғистон мусулмонларининг қурултойида «Шўрои Исломия» ва «Шўрои Уламо», «Турон» ва б. сиёсий ташкилотларни бирлаштириш йўли билан «Иттифоқи муслимин» сиёсий партиясини тузишга келишилди.

Туркистонни бошқариш шакли тўғрисидаги масала 1917 й. 26–28 ноябрда Қўқонда бўлган Туркистон ўлка мусулмонларининг фавқулодда 4-қурултойининг диққат марказида турди. Мухторият ва мустақилликни эълон қилиш фикрини ҳамма қўллаб-қувватлади. Туркистон Мухторияти ҳукумати (раиси – Муҳаммаджон Гинишбоев, сўнгра Мустафо Чўқай) ташкил қилинди. Фитрат, Чулпон, Ҳамза сингари оташқалб жадид шoirлари Туркистон Мухториятини алқаб, ўтли сатрлар битишди.

1918 й. февралда Туркистон Мухторияти большевиклар томонидан қонга ботирилгач, Ж ҳаракати кучли ўзгаришга учради. Совет режими билан мурося қилишни хоҳламаган Туркистон жадидларининг катта қисми истиқлолчилик ҳаракати сфларида ва яширин миллий ташкилотларда фаолият кўрсатган бўлса, айримлари совет ҳукумати идораларида иш бошлашга мажбур бўлдилар.

Бухоро амирилиги ва Хива хонлигида аҳвол сал бошқачароқ кечди. 1920 й.да қизил армия ҳар икки давлат ҳудудига бостириб кирди. Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Хоразм Халқ Совет Республикаси тузилди, жадидлар ҳокимият тепасига келишди. Демак, 1920 й.дан Ж. ҳаракати ўз тараққиётининг янги босқичига, яъни советлар билан мурося йўлига қадам қўйди.

Туркистон жадидлари фаолияти бутун ўлкани қамрайдиган, инглизларнинг скаутинг мактаб дастурига яқин дастур асосида ишлайдиган «Турон кучи», «Турк кучи», «Темур», «Изчилар», «Лочин» каби гуруҳларни туздилар. Бу гуруҳлар ўрта мактаб таълими, ҳунар, санъатдан ташқари, ҳарбий машқлар билан шуғулланиб, шўроларга асосий зарба берувчи куч сифатида кўрина бошлади. 1920 й. совет режими бу гуруҳлар фаолиятини тугатди.

Фарғона ва Тошкентдаги воқеалар якуни жадидларнинг умидларини сундира олмади. Улар Бухоро республикаси раҳбарлари билан бир ёқадан бош чиқариб, иш бошладилар. Бухорода Жадид тараққийпарварлар фирқаси тузилди. Бу фирқа дастурига кўра, давлатни жумғурият раиси (президент) ва парламент бошқариши кўзда тутилган эди.

1921 й. 2–5 августда Бухорода Валидий бошчилигида Туркистон миллий бирлиги ташкилоти тузилди. У истиқлолчилар ҳаракатини жисплантиришда муҳим роль ўйнади. Туркистон миллий бирлиги ташкилоти билан Мунавварқори раҳбарлигидаги «Миллий иттиҳод» (1919 й. тузилган) ташкилоти ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатди. Ҳар икки ташкилотнинг асосий мақсади Бухоро республикаси, умуман, Туркистон минтақасини советлаштириш ва руслаштириш таъсиридан сақлаб қолиш, Туркистоннинг мустақиллигига эришиш бўлган. 1925 й. «Миллий иттиҳод» ташкилоти асосида «Миллий истиқлол» ташкилоти тузилади.

Ж. ҳаракатининг сўнги йиллари фаол сиёсий курашлар билан ажралиб турмайди. Бу даврда совет режими турли сиёсий ишлар («Ўн саккизлар гуруҳи», «Иноғомовчилик», «Қосимовчилик», «Бадриддиновчи-

лик» ва б.) тузиб, миллий зиёдиларни оммавий равишда қатағон қилишга киришди. 1929 й. ноябрда Мунавварқори бошчилигидаги 38 кишининг қамоққа олиниши (кейинчалик уларнинг сони 87 кишига етган) билан Ж. ҳаракатига кучли зарба берилди. Бироқ истиқлол ғояси ўз кучида қолаверди.

Ж. ҳаракати сиёсий маърифатпарварликдан Жадид тараққийпарварлар фирқаси даражасига кўтарилди. Бу ҳаракат ҳамда фирқа аъзолари ўз фаолияти ва дастурига кўра, шўро адабиётларида айтилганидек, «бир ҳовуч бойлар манфаатига хизмат қилувчи либерал буржуазия вакиллари» эмас, балки Туркистоннинг барча халқлари тақдирини уйдаб иш кўрган демократик жараённинг энг саводли, олийжаноб намоёндалари эди.

Ж. ҳаракатининг барча таниқли намоёндалари (С.Айнийдан ташқари) 30-й.ларда совет мустабид режими томонида амалга оширилган қирғин натижасида ҳалок бўлди. Ж. ҳаракатига совет даврида «миллатчилик», пантуркизм, панисломизм тамгалари боғлиқ, ноҳақ қораланди. Жадид адабиётини ўқиб таққиланди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган. Ж. ҳаракати ва унинг намоёндалари номига ёпиштирилган тавқиланат ва сохта ёрликлар олиб ташланиб, уларнинг асл номлари қайта тикланди.

**ЖАЙНИЗМ** — 1) Ҳиндистонда тарқалган динлардан бири (қарийб 3 миллион киши эътиқод қилади). Мил. ав. 6-ада пайдо бўлган. Асосчиси — Жинна (яъни ғолиб, диннинг номи шундан) ва Махавира тахаллусини олган Вардхамана. Ж. қадимги ҳинд жамиятидаги ҳаробийлар (кишатрий) билан руҳоний — браҳманлар ўртасидаги ижтимоий зиддиятларнинг

кескинлашуви оқибатида вужудга келган. Ж. буддизм каби браҳманизмнинг мураккаб расм-русумлари ва ташқи шаклига қарши чиқди. Велаларнинг муқаддаслигини, қурбонликлар қилишни, руҳонийлар ва ҳудодларнинг инсон тақдирига ҳал қилувчи таъсирини инкор этди. Жайнлар ўз жамоасига кирини учун барча варна (каста)даги эркак ва аёлларга йўл очди. Ж.да марказий ўринни жон ҳақидаги таълимот эгаллайди. Бунга кўра, инсон жони барча қилмишлари учун жавобгар. Кишилар «ўз жонини ўзи халос қилиши», «қайга тугилишлардан озод бўлиши» мумкин. Бунга эришиш учун Жиннага эътиқод қилиш, Жинна таълимотига ишонш, Жинна белгиллаган ахлоқ меъёрларига риоя қилиш керак. Жайнлар зоҳид-роҳиблар ва фуқаролар (савло-судхўрлик билан шугулланувчилар)га бўлинади; 2) фалсафий таълимотлардан бири. Мил.ав. 2—1-а.ларда Ж. дини асосида шаклланган. Ж. фалсафасининг асосий манбаи «Жайна сутра» («Жайна афоризмлари») ҳисобланади. Бу таълимот асосида материя ва жон ётади. Ж. фалсафасида инсоннинг асосий мақсади ташқи олам ҳукмронлигидан қутулиш ва ўз камолига эришишдир. Инсон табиати ҳам молдий, ҳам руҳийдир. Жон бир вақтнинг ўзида нафис жон (жива) ва дағал материя (ажива)нинг бирлигидан иборат. Инсон жони қандай бўлса, шундай бўлади, бу ҳолат карма — нафис материяга боғлиқ. Ж. таълимотига кўра, инсон комилликка эришиши мумкин, бунинг учун инсон ўз кармасига риоя қилиши ва ўз эҳтиросларидан қутулишга интилиши керак. Инсон ёвуз кармадан халос бўлиши учун эзгу ишларни бажариши ва оддий ҳаёт кечирishi лозим бўлади. Инсон ўз мақсадига эришишда тўғри ишонч

ва билимга, камтарона ҳаётга интилиши керак. Ташқи дунё азоб-уқубатидан ўзи халос бўлиши мумкин, ушга ҳеч ким ёрдам бермайди. Инсон ҳар доим кечириб тамойилига амал қилиш, тақдирга тан бериш, ҳалол ва ҳақ бўлиш, ўзини тия билиш ва ўзига нисбатан талабчан бўлиш, ташқи дунёга боғланиб қолмаслик, сабртоқатли бўлишга интилиши керак. Ж. дунё абадий, у ҳеч ким томонидан яратилмаган ва у йўқ қилиб ташланмайди, деб кўрсатади. Ж. буддизм сингари барча даврларда ижтимоий ҳаётда муҳим роль ўйнаган.

**ЖАМИЯТ** — кишиларнинг тарихан қарор топган ҳамкорлик фаолиятлари мажмуи. Ж.даги ҳамма нарса (моддий ва маънавий бойликлар, инсонлар ҳаёти учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш ва б.) муайян фаолият жараёнида амалга ошади. Инсонлар фаолияти ва улар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар Ж.нинг асосий мазмунини ташкил этади. Булар ишлаб чиқариш, оилавий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, эстетик фаолиятлари ва уларга мос келувчи муносабатлардир. Ж. моддий ишлаб чиқаришсиз бўлмайди. Унда инсонларнинг озик-овқат, кийим-кечак, уй-жой ва б.га бўлган эҳтиёжлари қондирилади. Ишлаб чиқаришда Ж.нинг табиат билан ўзаро таъсири намоён бўлади. Одамлар ўзининг моддий ишлаб чиқариш фаолиятида яродаси ва онига боғлиқ бўлмаган ҳолда ишлаб чиқариш муносабатларига киришади. Ж. тараққиёти табиий-тарихий, қонуний жараёндир. Моддий ишлаб чиқариш Ж.нинг ижтимоий тузилиши, яъни муайян ижтимоий қатлам, тоифа ва гуруҳларнинг ривожланишига беvosита таъсир кўрсатади. Ж.да турли қатлам ва тоифаларнинг мавжудлиги меҳнат тақсироти, шунингдек, ишлаб чиқариш

воситаларига бўлган мулкчилик муносабатлари, Ж.да яратилган моддий бойликлардан оладиган улушига боғлиқ. Булар Ж.даги кишиларнинг фаолияти ҳамда даромадига қараб турли касбий ва ижтимоий гуруҳларга ажратишнинг негизидир. Ж. ҳаёти иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий-маънавий соҳаларга ажралади. Иқтисодий соҳа моддий бойликларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилишни ўз ичига олади. Иқтисодий соҳада мамлакатнинг хўжалик ҳаёти ташкил этилади, иқтисодий тараққиётнинг барча объектив ва субъектив омилларининг ўзаро алоқадорлиги, турли тармоқларнинг ўзаро боғлиқлиги таъминланади ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик амалга оширилади. Ижтимоий соҳада Ж.нинг ижтимоий гуруҳлар, табақалар, тоифалар ҳамда миллий бирликлар, уларнинг ижтимоий ҳаёти ва фаолияти уйғунлаштирилади. Сиёсий соҳа турли ижтимоий тоифа ва гуруҳлар, миллий бирликлар, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, турли жамоат ташкилотларнинг ўз сиёсий фаолиятини амалга ошириш мақонидир. Уларнинг фаолияти Ж.да ўрнатилган сиёсий муносабатлар асосида ўз сиёсий манфаатларини амалга оширишга қаратиладигандир. Маънавий соҳада кишилар турли маънавий қадриятларни ярашади, тарқатади ва Ж.нинг турли қатламлари томонидан улаштирилади. Бу соҳага адабиёт, санъат, musiқа асарлари билан бир қаторда кишиларнинг билим савияси, фан, ахлоқий меъёрлар ва б., умуман олганда, ижтимоий ҳаётнинг маънавий мазмунини ташкил қилувчи нарсалар қиради. Ижтимоий ҳаётнинг маънавий соҳаси тарихан шаклланади. У ўзида Ж. тараққиётининг географик, миллий ва б. хусусиятларини акс эттиради.

Ҳозир Ўзбекистонда жамият тараққиётининг энг асосий муаммоси инсонларнинг, айниқса ёш авлоднинг маънавий дунёсини шакллантириш ва бойитиш, уларни миллий ғоя ва мафкура асосида тарбиялаш, халқимизнинг бой маданий ва маънавий мероси, қадриятлари, анъаналари ҳамда урф-одатларини эгаллашлари учун зарур шарт-шароитларни яратишдир.

**ЖАРАЁН** — муайян вақт оралтигида бўлиб ўтган ҳодисанинг давомийлиги. Ж.лар узлукли ва узлуксиз, табиий ва сунъий, такрорланувчи ва бетакрор, бошқариладиган ва бошқарилмайдиган бўлиши мумкин. Табиатда рўй берувчи Ж.лар ва жамиятда рўй берувчи Ж.ларга бўлинади. Ж.лар сифат жиҳатдан фарқланади. Тафаккур Ж.и муайян мантиқий қонуниятларга бўйсунди. Ҳаракат шаклига хос бўлган Ж.лар ҳам бўлиши мумкин. Механик, физик, кимёвий, биологик ва ижтимоий Ж.лар шулар қаторига киради. Ж. фазо ва вақтда рўй беради.

**ЖОН** — инсоннинг ички дунёсини ифода этувчи тушунча. Дин ва диний-идеалистик фалсафий системаларда у тандан алоҳида, мустақил ҳолда мавжуд номоддий субстанцияни аке эттирувчи тушунчани билдиради. Ж. ҳақидаги тасаввурлар фалсафа тараққиёти давомида ўзгариб борган. Энг қадимги даврда у инсонлар ва ҳайвонлар (баъзан ўсимликлар) танасида яшайдиган, уйқуга кетганда ёки ҳалок бўлганда уларнинг танасини тарк этадиган кучдир, деган анимистик тасаввурлар пайдо бўлган. Қадимги Ҳиндистондаги метемпсихоза (жоннинг кўчиши) ҳақидаги таълимот, Юнонистондаги пифагорчилар концепциялари ана шундай анимистик тасаввурларга асосланган. Ҳиндистондаги ведаларга таянадиган

фалсафий таълимотларда Ж. тўғрисидаги тасаввурлар бошланғич субъектив маънавий асос — атмана ёки живалар ҳақидаги қарашлар билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланган. Буддизмда Ж.нинг мавжудлиги ҳақидаги фикрлар танқид қилиниб, унинг ўрнига дхармалар, мавжудликнинг психофизик унсурлари ҳақидаги таълимот яратилган. Юнон натурфалсафасида гилозоизм — барча мавжудотлар, бутун коинот Ж.га эга, деган ғоя мустаҳкам ўрин эгаллаган. Платон ва неоплатончилар таълимотида дунёвий Ж. борлиқнинг умумий тамойилларидан бири сифатида ифодаланади. Аристотель Ж.ни тирик мавжудотлар танасидан ажратиб бўлмайдиган фаол бошланғич асос (шакл) деб билди. Ўрта аср Ғарб ва Шарқ диний ҳамда фалсафий таълимотларида Ж. худо томонидан яратилган ўлмас маънавий асос сифатида кўрсатилади. Ибн Рушд таълимотида Ж. ягона маънавий субстанциянинг индивидуал шаклда намоён бўлиши тарзида талқин қилинади. Янги давр фалсафасида Ж. инсоннинг ички олами аке эттирувчи тушунча сифатида ишлатилади. Р.Декарт тана ва Ж.ни иккита, бир-биридан мустақил бўлган субстанция, деб асослайди. Декарддан кейин Ж. ва тана ўртасидаги муносабат психофизик масала сифатида тадқиқ қилина бошланди. Г.Лейбниц Ж.ни ёпиқ субстанция — монада, И.Кант инсон тажрибасидан ташқарида мавжуд бўлган трансцендентал ғоялар тарзида тасаввур қилдилар. 19-а. ўрталаридан бошлаб Ж. тушунчаси янги шаклланган экспериментал психологияда ўз ўрнини психика тушунчасига бўшатиб берди. Ҳоз. пайтда Ж. масаласи психоанализ фалсафасида, шунингдек диний-фалсафий системаларда кенг муҳокама қилинмоқда.



**ЗАМАХШАРИЙ** (нисбаси; тўлиқ исми-шарифи Абулқосим Маҳмуд ибн Умар ибн Аҳмад) (1075.18.3, Хоразм, Замахшар қишлоғи — 1144, ҳоз. Кўҳна Урганч) — тилшунос. адиб, тавеиф ва ҳадис олими. Замондошлари З.ни «Устоз ад-дунё» («Бугун дунё устози»), «Устоз ул-араб ва-л-ажам» («Араблар ва ғайри араблар устози»), «Жоруллоҳ» («Аллоҳ кўшнис») ва «Адиблар пешвоси» деб аташган. У нафақат мутакаллим (илоҳиётчи), балки замонасининг машҳур муфассири (Қуръонга тафсир берувчи), муфаккири (ханафия мазҳабига тегишли ҳуқуқшунос) ҳам бўлган. Аллома ўртаҳол оилада тутилган. Икки марта Маккаи мукаррамага бориб, у ерда дўсти ва Макка ш. амири Али ибн Ваҳхосникида бир неча йил яшаб, унинг йирик асарларини яратади. Бағдод, Дамашқ ва б. шаҳарларда машҳур алломалар (Ал-Дамғоний, Ибн аш-Шажарий, Ал-Жаваликий) билан учрашади. Буюк мутафаккир бой ва улкан илмий мерос қолдирган. У тилшунослик, дугатшунослик, адабиёт, аруз, жуғрофия, тафсир, ҳадис, фикҳ ва илм ал-қироатга оид 60 га яқин асар яратган бўлиб, уларнинг аксарияти бизгача етиб келган. Араб тилини чуқур ўрганган ва мукаммал билган. барча асарларини араб тилида ёзган З. араб тили грамматикасига оид «Ал-Муфассал» («Грамматика бўйича муфассал китоб», 1121) ва «Муқаддимаг ул-адаб» («Адаб илмига муқаддима», 1137) асарларини яратди. Бу асарлар ўша даврнинг ўзидаёқ араб халқлари орасида катта эътибор қозонди ва араб тилини мукаммал ўрганишда асосий кўланмалардан бири сифатида кенг тарқалди. Бу асарларга грамматикадан ташқари ўша даврда адаб илмига оид барча билимлар ҳақидаги маълумотлар киритилган.

«Муқаддимаг ул-адаб» тилшуносликка оид юксак билим, етарли илмий малакани ўзида мужассам этган бўлиб, яратилган даврдан бошлаб ҳозирга қадар ноёб қомусий манбалардан бири ҳисобланади. З.нинг «Асос ал-балогат» («Нотиқлик асослари») асари асосан дугатшуносликка бағишланган. З.нинг «Атвоқ уз-заҳаб фил-мавоъиз вал-хутаб» («Ваъзлар ва хутбалар баёнида олтин шодалар») асарида насихатомуз мақолалар, «Рабийъ ул-аброр ва нусус ул-ахйар» («Эзгулар баҳори ва яхшилар баёни») асарида адабиёт, тарих ва б. фанларга оид ҳикоялар, латифалар ва суҳбатларнинг энг саралари жамланган. Мутафаккирнинг «Ал-Қустос фил-аруз» («Арузда ўлчов»), «Ал-Мустасқо фил-амсол» («Камолга етган мақоллар»), «Мақомат» («Мақомлар»), «Навобиг ул-калим» («Нозик иборалар») асарлари адабиёт, тарих, панду насихатларга бағишланган. Шу билан бирга унинг Маккада уч йил давомида (1132–34) ёзилган «Ал-Қашшоф ан ҳақоикит-танзиъил ва уйун ил-ақовийил фи вуҷуҳ ит-таъвийил» («Қуръон ҳақиқатлари ва уни шарҳлаш орқали сўзлар кўзларини очиш») асари алломани бутун дунёга буюк муфассир, тафсир устаси сифатида машҳур қилди. Бу китоб Қуръон оятларига қилинган тафсир бўлиб, ўша даврда бундай асар ёзиш гоят шарафли ва жиддий иш ҳисобланган. Қуръонга тафсир ёзиш учун муфассир илоҳиётчи (илми ҳадис, илми калом, илми тафсир ва б.) чуқур эгаллаган бўлиши ва катта ақл-идрок, соф қалбга, ҳассос руҳий салоҳиятга эга бўлиши зарур бўлган. Бу асарда мутафаккир тафсирга ошқора муътазиллийлар нуқтаи назаридан ёндашган, асосан 8–10-а.ларда яшаб ўтган Ироқ ва Эрондаги муътазиллий олимлар Амир ибн

Убайд, Абу Бакр ал-Асом, аз-Зажож, Ал-Жоҳиз, қози Абдул Жаббор кабилар фикрига таянди ва муътазиллийлар кенг қўллаган усулқоша усулидан фойдаланди. Бу усулга кура, аввал Куръон сўзининг маъносини зикр этиб, шундан кейин «агар етсангиз» (фаҳмингиз етса) деб ўз фикрини, яъни талқинини берди. «Кашшофда» З. тавҳид (яккаҳудодлик), илоҳий алоқат ва Аллоҳнинг бошқа сифатларига рационал талқин берди. Шунингдек ўз диққатини Куръоннинг тилшуносликка доир талқинига қаратди. З.нинг ушбу асари муътазиллийлар томонидан амалга оширилган тафсилларнинг сақланиб қолган ягона тўлиқ нусхасидир. З.нинг бу асари атрофида турли танқидий адабиётлар (радномалар, муътазиллийлар тоълари олиб ташланиб, қайта ишланган нусхалари) вужудга келган. Лекин З.нинг рақиблари ҳам унинг истеъдоди, иқлимини, лингвистик ва стилстик қурашувларини юқори баҳолаган ва алоқий обрўсини эса бениҳос, беқиес деб тан олганлар.

**ЗАРУРИЯТ ВА ТАСОДИФ** — борликдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликни ифодаловчи фалсафий категориялар. Кишиларнинг объектив реалликдаги сабаб-оқибат боғланишлари ҳақидаги тасаввурларни янада чуқурлаштириш оқибатида шаклланади.

Зарурият ҳодисаларнинг ички моҳиятидан келиб чиқди ва уларнинг қонунни, тартиби, тузилишини билдиради. У муайян шароитда, албатта юз бериши лозим бўлган воқеа ёки ҳодисадир. Тасодифнинг асоси ҳодисанинг моҳиятида эмас, балки муайян ҳодисаларнинг бир-бирига кўрсатилган ўзаро таъсиридадир, бинобарин у бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам ёки бошқача тарзда юз бериши ҳам мумкин. З. ва т. ўзаро алоқадор бўлган, бир-бирига ўтиб турадиган ва бир-бирисиз мав-

жуд бўлмайдиган диалектик қарама-қаршиликдан иборатдир. Ҳар бир ҳодисанинг ички зарурият тақозоси билан пайдо бўлиши ташқи шароитлар билан боғлиқдир ва бу шароитларнинг келиб чиқишига уларнинг муайян ўзига хослиги ҳамда бениҳоя хилма-хиллиги сабаб бўлади. Тасодиф муайян ҳодисанинг ўзига хос белгилари ва томонларининг манбаи бўлиб хизмат қилади. Ҳодисанинг ички зарурияти ва ташқи, яъни тасодиф асослари бўлмаса, ҳеч қандай ҳодиса юз бермайди. Шунинг учун зарурият муқаррар равишда тасодиф билан тўлдирилади. Жараён З. ва тдан иборат ўз асосига эгадир, унинг юз бериш шаклидир. Тасодиф замирида ҳамкиш зарурият яширилган бўлади ва бу зарурият табиат ва жамиятдаги тараққиёт йўналишини белгилайди. З. ва т. категориялари моддий дунёнинг объектив боғланиш тарини аке эфирати. Улар аке эфиратан боғланишлар сифати жиҳатдан ўзига хос хусусиятга эга. Зарурият қуйидаги асосий белгилар билан характерланади: унинг сабаби ўзида бўлиб, у манкур ҳодиса ёки жараённинг ички таъсиридан келиб чиқади; у воқеликдаги нарса ёки ҳодисаларнинг чуқур, муҳим таъсирларини турадиган ички боғланишларидан келиб чиқади; ҳодисаларнинг олдинги ривожланиши орқали қонуний тайёрланган бўлади; зарурият юз бериши муқаррарлик хусусиятига эга бўлиб, албатта юз беради; у умумий, оммавий ва шунинг учун ҳам типик характерга эга. Тасодиф ҳам сабабсиз юз бермайди. Ҳодисанинг сабаби, нарса ва ҳодисанинг ўзида эмас, балки ундан ташқарида бўлади. Тасодиф заруриятдан фарқ қилган ҳолда, қуйидаги хусусиятлар билан характерланади: тасодиф воқеликдаги муҳим бўлмаган, иккинчи даражали боғланишлардан келиб чиқади; заруриятдан фарқ қилган ҳолда

тасодиф ҳодисанинг бутун ривожландида тайёрланмайди, балки ўз табиатига кўра турли жараёнларнинг таъсири натижасида содир бўлади; тасодиф нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиш майлларини белгилаб берайди ва шунинг учун ҳам муқаррар эмас, у юз бериши ҳам, юз бермаслиги ҳам мумкин; тасодиф типик бўлмаган, индивидуал характерга эга; тасодиф қонуният билан боғлиқ эмас.

3. ва т. ўзаро диалектик алоқадандир. Улар соф ҳолда эмас, балки бири-бири билан чамбарчас боғлиқ мавжудликда кўринади. Заруриятдан мутлақ ажралган тасодифнинг бўлиши мумкин бўлмаганидек, тасодиф билан боғлиқ бўлмаган зарурият ҳам мавжуд эмас. Тасодиф заруриятнинг ички тизимида яширинган бўлади ва улар орқали юзга келади. 3. ва т. ривожланиш жараёнида бир-бири билан ўрин алмашиб туради, яъни тасодиф сифатида вужудга келган ҳодисалар боғланишлар шароитининг ўзгариши билан аста-секин заруриятлик характерига кириб боради ва маълум шароитда зарурият бўлган ҳодисалар аста-секин предмет ривожланишининг ички моҳиятини белгитаддан чиқиб, тасодиф ҳолда учрай бошлайди. Ҳоз. замон табиатшунослиги ва жамиятшунослиги 3. ва т. моҳияти ва алоқалари ҳақидаги ҳулосаларни янги маълумотлар билан бойитмоқда.

**ЗЕНОН** Китионлик (мил. ав. тахм. 336–264) — юнон файласуфи, стоицизм фалсафий мактабининг асосчиси. Кипр оролидаги Китион ш.да савдогар оиласида туғилган. У фалсафани 3 қисмга — логика, этика ва физикага бўлган. У *Гераклит* изидан бориб, борлиқнинг асосида олов ётади; барча нарсалар оловдан пайдо бўлган, асрлар ўтгач, яна оловга айланади, оловнинг қуюқлашуви ва

сийраклашувидан ҳаво, сув ва тупроқ пайдо бўлади, деб ҳисоблаган. 3. фикрича, жамиятдаги иллатларнинг боиси фақат билимлар етарли эмаслигидир. Жамият тўғрисидаги таълимотида 3. космополитик қарашларни ривожлантирди, бора-бора жаҳон давлати қарор топади, барчанинг фароғати айрим шахслар фароғатидан юқори туради, деб ҳисоблади. Унингча, ҳамма халқлар учун умумий бўлган ва бутун дунёни қамровчи қонун давлатга ҳам тааллуқли бўлади. 3. ғоялари психология ва этиканинг ривожланишига муайян таъсир кўрсатган. Унинг асарларидан айрим парчалар етиб келган.

**ЗИДДИЯТ** (диалектикада) — предмет ва ҳодисаларга объектив равишда хос бўлган бир бутуннинг қарма-қарши (мусбат ва манфий, туғилаётган ва ўлиб бораётган, янги ва эски) томонлари, белгилари, йўналишлари ўртасидаги муҳим муносабатлар. Шу муносабатлар кураш табиат, жамият ва тафаккур тараққиётининг манбаини, ҳаракатга келтирувчи кучини ва ички мазмунини ташкил этади. Тараққиёт 3ларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва бартараф қилиниши жараёнидан иборат. 3лар ҳар хил бўлиб, улар нарса ва ҳодисаларнинг ҳаракати ва ривожланишида турлича роль ўйнайди. 3лар ички ва ташқи, асосий ва асосий бўлмаган, антагонистик ва антагонистик бўлмаган 3ларга бўлинади. Ички 3. — нарса ва ҳодисалардаги ички жараёнларнинг ифодаси, «уз-ўзидан ҳаракатлениш»нинг манбаи, ривожланишнинг асосий сабабидир. Ташқи 3. — нарса ва ҳодисалар ўртасидаги муносабатларнинг ифодасидир. Мас., табиат билан жамият, организм билан муҳит ўртасидаги 3. ташқи 3дир. Ички ва ташқи 3лар ривожланиш жараёнида бир хил роль ўйнамайди. Ривожланиш-

нинг моҳияти, асосан ички Зларнинг ҳал қилиниши билан белгиланади. Аммо ташқи Зларни ҳам эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. Ташқи Злар ривожланишга билвосита, яъни ички Зларни ҳал қилишга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Нарса ва ҳодисанинг моҳиятини, ҳолатини, келиб чиқиши ва ривожланиш қонуниятларини белгиловчи Злар асосий Злар деб аталади. Асосий З. тараққийётда ҳал қилувчи роль уйнайди ва барча бошқа Зларга таъсир кўрсатади. Асосий бўлмаган Злар ҳам мавжуд. Бош З. деб ривожланишнинг у ёки бу босқичининг моҳиятини белгилаб берадиган асосий З.га айтилади. Нарса ва ҳодисалар ривожланишининг муайян босқичидаги бош З. асосий З.нинг аниқ қўриниши ёки ифодасидир. Антагонистик Злар жамиятдаги манфаатлари бир-бирига тубдан зид бўлган кучлар, ижтимоий гуруҳлар ва табақалар ўртасидаги Злардир. Антагонистик бўлмаган Злар жамиятдаги манфаатлари бир-бирига мос келадиган ёки манфаатларини ўзаро келиштириши мумкин бўлган ижтимоий гуруҳлар ва табақалар ўртасидаги Злардир. Шўролар даврида социалистик жамиятда антагонистик Злар йўқ, унга фақат антагонистик бўлмаган Злар ҳос деган мафкуравий фикр тарғиб қилинган. Аслида бундан Злар мавжуд бўлса-да, шўролар саттанати зўрлик билан бу Зларнинг намоён бўлишига йўл қўймаган. Собиқ шўролар давлатининг баъзи мишгақаларида содир бўлаётган қонли тўқнашувлар, фуқаролар уруши ўша ҳал қилинмай қолган Зларнинг оқибатидир.

Жамиятдаги Злар турли шакл ва усуллар билан бартараф қилинади. Улардан баъзилари эркининг емирилиши ва янгининг қарор топиши асосида ҳал қилиб борилса, бошқалари шу З.ни ташкил қилган қарама-

қарши томонларни ўзаро келиштириш, мурося-ю мадорага келтириш, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка эришини йўли билан бартараф этилиши мумкин. Кейинги вақтда жамиятдаги Зларни ҳал қилишда қўлланилаётган самарали усуллардан бири консенсус (ўзаро келишув)дир. Илгари Зларни ҳал қилишнинг бу усулига етарли эътибор берилмаган. Янгича тафаккурнинг қарор топиши билан жамиятдаги Зларни ҳал қилишда *Гегель* қайд қилиб ўтган консенсус усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб чиқди. Узоқ йиллар давомида бир-бирига қарама-қарши бўлиб келган давлатлар, жамиятдаги қарама-қарши томонлар, кучлар, ижтимоий гуруҳлар, ҳаракатлар ва партиялар ўртасидаги Зларни жамиятнинг умумий манфаатларидан келиб чиқиб ҳал қилишда консенсус усули жуда қўл келмоқда. Зларни бартараф этишдаги бу усул жаҳон халқларининг миллий тотувликка, ўзаро ҳамкорликка ва бирдамликка, барқарорликка эришишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Юқорида тилга олинган З.нинг турларини бир-биридан фарқ қилиш зарур, лекин улар ўртасида мутлақ чегара йўқ. Воқеликда улар ўзаро чирмашиб кетади, бир-бирига ўтади ва тараққийётда хилма-хил роль уйнайди. Шунинг учун Зларнинг ҳар бирига аниқ ёндашиш, З. намоён бўладиган шароитни, муҳитни, вазиятни, у уйнайдиган ролни тўғри ҳисобга олиш лозим.

**ЗИДДИЯТСИЗЛИК ҚОНУНИ** – формал мантиқнинг асосий қонунларидан бири. Инсон тафаккури аниқ, равшан бўлибгина қолмасдан, зиддиятсиз бўлиши ҳам зарур. Зиддиятсизлик инсон тафаккурига ҳос бўлган энг муҳим хислатлардан. Маълумки, объектив воқеликдаги буюм ва ҳодисалар бир вақтда, бир хил шароитда бирор

хусусиятга ҳам эга бўлиши. ҳам эга бўлмаслиги мумкин эмас. Мас., бир вақтнинг ўзида, бир хил шароитда инсон ҳам ахлоқли, ҳам ахлоқсиз бўлиши мумкин эмас. У ё ахлоқли, ё ахлоқсиз бўлади. Бир вақтнинг ўзида бир предметга икки зид хусусиятнинг таллуқли бўлмаслиги тафаккурда 3. қ. сифатида шаклланиб қолган. Бу қонун фикрлаш жараёнида зиддиятга йўл қўймасликни талаб қилади ва тафаккурнинг зиддиятсиз ҳамда изчил бўлишини таъминлайди. 3. қ. айна бир предмет ёки ҳодиса ҳақида айтилган икки ўзаро бир-бирини истисно қилувчи фикр бир вақтда ва бир хил нисбатда бирланига чин бўлиши мумкин эмаслигини, ҳеч бўлмаганда, улардан бири албатта, хато бўлишини ифодалайди. 3. қ. қарама-қарши ва зид мулоҳазаларга нисбатан қўлланилади. Бунда қарама-қарши мулоҳазаларнинг ҳар иккаласи ҳам бир вақтда хато бўлиши мумкин: ўзаро зид мулоҳазалар эса бир вақтда хато бўлмайди, улардан бири хато бўлса, иккинчиси албатта чин бўлади. Қарама-қарши мулоҳазаларда эса бундан бўлмайди, яъни улардан бирининг хатолигидан иккинчисининг чинлиги келиб чиқмайди. Мас.: «Аристотель — мантиқ фанининг асосчиси» ва «Аристотель — мантиқ фанининг асосчиси эмас» — бу ўзаро зид мулоҳазалардир. Бу зид мулоҳазаларнинг ҳар иккаласи бир вақтда хато бўлмайди. Улардан биринчиси чин бўлганлиги учун иккинчиси хато бўлади. Ўзаро қарама-қарши бўлган «Бу дори ширин» ва «Бу дори аччиқ» мулоҳазаларининг эса иккаласи бир вақтда, бир хил нисбатда хато бўлиши мумкин.

**ЗИММЕЛЬ** Георг (1858.1.3. Берлин — 1918.26.9, Страсбург) — немис социолог ва файласуфи. Унинг фалсафий қарашлари эволюциясини уч босқичга бўлиш мумкин: 1) натуралистик босқич, бунда олим қараш-

лари Г.Спенсер ва Ч.Дарвин таълимотлари таъсирида бўлади; 2) неокантчилик босқичи; 3) ҳаёт фалсафаси босқичи. 3. фикрича, «ҳаёт» чексиз ҳаёт турлари ва доимий ўзгаришдаги «ижодий жараён» бўлиб, у умумийлик ва қонуниятлардан холидир. Шу сабабли, «ҳаёт» ва «ақл» ни тенглаштириш мумкин эмас. 3. умумий қонун ўрнига фақатгина интуиция орқали билиш мумкин бўлган «индивидуал қонун» ёки инсон тақдирини қўяди. Ҳаётни доимий «ўз-ўзини англаш» сифатида талқин этади. Шунга кўра, 3. ҳаётни таърифлашда қуйидаги икки тушунчалдан фойдаланади. Улардан биринчиси, «ҳаётдан афзалроқ», иккинчиси «ҳаётдан ҳам муҳимроқ» тушунчалардир. Ҳаётнинг биринчи даражаси табиат, оила, жамият кўринишида, иккинчи даражаси олий руҳ бўлиб, маданият турлари (дин, санъат ва фан) кўринишида намоён бўлади. 3. «формал социология» асосчиси бўлиб, у жамиятни сон-саноқсиз ижтимоий ўзаро таъсирлар йиғиндиси сифатида таърифлайди. Бу ўзаро таъсир турларининг умумий характерга эга эканлигини, аммо уларнинг мазмуни (мақсад ва мотивлари) ўзгаришчанлигини ҳамда конкрет тарихий характер касб этганини эътироф этган. 3. инсонлар ўртасидаги ўзаро таъсирни уларда иштирақ этаётган кишиларнинг миқдори, муносабатлари ва маконига кўра турларга ажратади. Унинг фикрича, замонавий маданиятнинг асосий хусусиятлари мавжуд ижтимоий «мат»ни бирлаштирувчи ва ажратувчи мақомга эга бўлган интеллект ва пулдан иборатдир. 3. гоялари А.Фиркандт, Л.Визе, М.Вебер, Г.Лукач каби 20-а. файласуф ва социологлари ижодига, шунингдек, Франкфурт мактаби, фалсафий антропология, постмодернизм оқимларига ҳам таъсир этди.

## И, Й

**ИБН РУШД**, Абулвалид Муҳаммад ибн Аҳмад (лот. Аверроэс) (1126, Кордова – 1198.12.12, Марокаш) — машхур араб файласуфи, илоҳиётчи, ҳуқуқшунос, табиб. Андалусия ва Марокашда яшаган. Ёшлик давридан бошлаб араб адабиёти, шеъриятига қизиққан, ислом илоҳиёти, ҳуқуқшунослиги, фалсафа, математика, тиббиёт каби соҳаларни эгаллашга ҳаракат қилган. 1153 й.да Марокашга келиб, қатор маданий-маърифий тадбирларда фаол қатнашган. муслмон таълим-тарбияси тизимини ислоҳ этишда жонбозлик кўрсатган. Натижада у мадрасаларда расмий анъанавий соҳалар билан биргалликда фалсафа, табиатшунослик фанларини ҳам ўқитишни жорий қилган. Лекин 1195 й.дан мутафаккирга бўлган муносабат кескин ўзгарган. Унинг қарашларидаги аристотелизм руҳияти танқид остига олинди, шаҳар масжидларига қатнаш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Буидан ташқари, у ўз уйида ислаган кишинини қабул қила олмайдиган даражага етди.

И.Р. гоят меҳнатсевар ва сермаҳсул мутафаккир бўлган. Умри бини бўлиб, икки кунгина меҳнат қилишдан узини тия олган. Булар оғаси вафот этган ва ўз никоҳ тўйи кунларидир. Ж.Э.Ренаннинг маълумотларига қараганда, И.Р. 78 китоб ва турли рисолатлар муаллифидир. Улардан «Раддияни рад этиш», «Биринчи ҳаракатлантирувчи ҳақида», «Азалий ва вақтинчалик мавжудлик ҳақида мулоҳазалар», «Фалсафа масалалари», «Ақл ҳақида мушоҳадалар», «Диннинг фалсафа билан мувофиқлиги ҳақида», «Мантиқ соҳасига оид ёзишмалар» ва б. асарлари уша даврдаги илм аҳли орасида эътибор қозонган.

И.Р.нинг «Раддияни рад этиш» асари фалсафий тафаккур тараққиётида муҳим аҳамият касб этиб келган. Мутафаккир унда Ғаззалининг Форобий ва Ибн Синонинг моддий борлиқнинг азалийлиги, ақлнинг фаоллиги, сабаб-оқибат тамойиллигининг фандаги устуворлиги тўғрисидаги ғояларига билдирган эътирозларини рад этади. Шу билан бирга ғоявий жиҳатдан ўзига яқин бўлган Форобий ва Ибн Сино фикр-мулоҳазаларидаги баъзи камчиликлар, ниҳоятсига етказилмаган хулосаларга ҳам ўзининг танқидий муносабатини билдиради, аристотелизм анъаналарини изчил давом эттиришга ҳаракат қилади.

И.Р. Аристотель фалсафий ғояларининг салоқатли тарафдори бўлиш билан бирга юнон файласуфи қолдирган фалсафий тафаккур намунаси ва реал исломий жамият ҳаётида юзага келган вазиятни яхши тушунган ва назарияда жамият манфаат ва эҳтиёжларини юнон файласуфи тамойилларига бўйсундириб бўлмайдиган, аксинча бу тамойилларни янги шароитга мослаштириш самарали бўлади, деган хулосага келган. Шундан келиб чиқиб, у диний ва дунёвий билимлар, дин, фалсафа ва илоҳиёт ўзаро нисбатини асослаб беришга ҳаракат қилган.

И.Р. ислом дини асосларига путур етказиш мақсадидан йироқ бўлган. У ислом динини ҳар қандай ахлоқий камолотнинг ягона негизи ва пойдевори, деб билган. Дин ва фалсафа, диний ва дунёвий билимлар муросага келиши лозим бўлади, чунки «фалсафа диннинг доимий йулдоши ва гўёки, бир аёл эмизган синглисидир». улар табиатан ва моҳиятан бир-бирин

билан ҳамкордирлар, деб билади. Улар Тангри, Яратган тўғрисида мушоҳада қилади. Лекин, мулоҳаза юритишида хилма-хилдир. Диний мушоҳада «риторик» – «нотикий» бўлиб, рамзий тасаввурларга таянади. Фалсафа эса, аксинча, ишончли ҳукм ҳулосаларига асосланади. Аммо, И.Р. бу борала ҳеч қандай зиддиятни эътироф этмайди. И.Р. фикрича, ҳатто Яратган ва яратилганнинг сир-асрори, охир-оқибатда фалсафий талқин орқали ниҳоясига етади.

И.Р. фалсафий қарашларида Яратган билан яратилган сабаб ва оқибат сифатида бир-бирига қарама-қарши қўйилмайди. Яратилиш ирода орқали эмас, балки абадий фаолият тўғрисида амалга ошади. Шундай экан, Яратган ҳам, яратилган олам ҳам абадий мавжуд бўлади. У Ибн Синодан фарқли равишда, вужуди вожибнинг зарурияти тўғрисида эргикча мулоҳаза қилмайди. Унингча, содир бўлаётган ҳодисалар бир-бири билан сабаб ва оқибат орқали алоқадор бўлади. Лекин, биз доимо ҳам улардан воқиф бўлавермаймиз. Инсон аста-секин ақл воситасида билинмаган сабабларни билиб боради. Айрим олинган индивид руҳи унинг танасига боғлиқ бўлиб, у бетакрордир. Лекин, умумий фаол ақл абадий бўлиб, у илоҳий ақлга ўхшайди. У, аслида, инсон руҳининг юксак назарий қобилиятини, чексиз имкониетларини ифода қилади.

И.Р.нинг моддий оламнинг абадийлиги, ақлнинг фаоллиги ва сабаб-маъийилининг билишдаги юксак мавқеи тўғрисидаги гоёлари фалсафий тафаккур равақига ўз таъсирини ўтказиб келди, Фарбий Европа мамлакатларида аверроизм йўналишини келтириб чиқарди, янгидан-янги гоёларнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

**ИБН СИНО**, Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ибн Али (980.8, Бухоро вилояти Афшона қишлоғи – 1037.18.6, Ҳамдон ш., Эрон) – жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган ўртаасийлик буюк қомусий олим ва машҳур мутафаккир. И.С.дан 280 дан зиёд асарлари бизга мерос бўлиб қолган. Улардан 50 таси тиббиётга, 40 дан зиёдроги табиий ва ижтимоий соҳаларга, 3 та рисола мусиқага, 185 таси фалсафа, мантиқ, психология, ахлоқ-одоб ва ижтимоий-сиёсий масалаларга тааллуқлидир. Олимнинг асарлари орасида «Инсоф-адолат китоби», «Тиб қонунлари», «Билимлар китоби» ва б. ғоят эътиборга лойиқдир.

И.С. таъбирича, фалсафа назарий ва амалий фалсафадан иборат. У борлиқ, билиш, ахлоқ-одоб, ижтимоий-сиёсий муаммоларга, мантиқ масалаларига катта қизиқиш билан қараган. Борлиқ вужуди вожиб (Тангри) ва вужуди мумкин (яратилган)дан иборатдир. Вужуди вожиб вужуди мумкиннинг сабаби, биринчи моҳиятидир. Вужуди вожибга абадий фаоллик хос. Улар ўртасидаги фарқ вақт билан эмас, балки нафислик даражаси билан ифодаланади. Жисملарга хос ҳаракат уларнинг умумий ўзгариши сифатида талқин этилади. Ҳаракат акцидентал (жисмнинг бошқа жисм таркибида ҳаракат қилиши), мажбурий (жисмнинг ҳаракат сабаби унинг моҳиятидан ташқарида) ва табиий (жисмнинг ички ҳаракати) ҳаракат шаклларида иборатдир. Вужуди вожиб абадий бўлганлиги сабабли, унинг оқибати бўлмиш вужуд мумкиннинг мавжудлик усуллари – ҳаракат, вақт, макон ҳам абадий бўлади.

И.С. ўзининг табиий-илмий қарашларида жисмларнинг ўзаро алоқадорлиги ва бир-бирига таъси-

ри тушунчалари орқали Ой, Кўёшнинг одамларга, ҳайвонот ва ўсимликлар оламига таъсири, ёмғир, қор, дўл, сабзавотлар пишишининг тезлашуви, кишилар танасининг рутубатларини ёритиб беришга ҳаракат қилади. У «Китоб аш-шифо» ва «Табиат дурдонаси» асарларида солиштирма огирлик, момақалдироқ, нур, сароб, электр ҳодисаси, тоғ жинсларининг вужудга келиши ва уларнинг емирилиши ҳақида баҳс юритади.

Воқеликни маънавий ўзлаштириш инсон зотига хос. И.С.нинг таъкидлашича, инсоннинг ҳайвонлардан фарқи шундаки, Ахлоқ унга ақл инъом этган. Шу туфайли инсон эзгуликни ёвузликдан, интеллектуал етуқликни ёлгон-яшиқ, адашшдан, дўстни душмандан ажрата олади. Ақл нури инсонни тасодифий кучлар таъсиридан озод шахсга айлантиради. Ақл «дониримандлик тарозиси»дир. Билиш жараёнида сезги аъзолари ва уларга таянган мушоҳада ақлнинг энг яқин кўмакчилари вазифасини бажаради. Мангик фани воситасида инсон билмаган нарсасини олдин билиб олган нарсаси орқали билиб боради, тўғри тафаккур юритиш кўникмаларини ҳосил қилади. Жонли мушоҳадасиз воқеликни ўзлаштириб бўлмайди, лекин сезгилар далолатига асосланган эмпирик тушунчалар, тасаввурлар, кўп ҳолларда, ҳодисалар моҳиятини очиб беришга ёрдам беради.

И.С.нинг амалий фалсафасида ахлоқ-оодоб, иқтисод, сиёсатдан баҳс юритилиб, инсон, оила, жамият манфаатлари, уларнинг ўзаро муносабатлари ўрганилган. Жамиятнинг барча аъзолари ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлишлари лозим. Бажариладиган вазифаларга қараб, улар мансабдор шахсларга, ишлаб чиқарувчилар, савдо-сотик билан

машғул кишилар ва ҳарбийларга бўлинадилар. Жамиятнинг барқарорлиги одамлар учун бир хил мазмунга эга бўлган қонун ва унинг адолатлилигига асосланади, лекин, бу жамият аъзоларини зўрма-зўраки, тенг ҳолатда сақлашдан иборат эмас. Барча кишиларнинг شوҳ ва султонларга бўлиши норасдир. Бундай вазият табиий ва ижтимоий қонун-қоидаларга зиддир. Уни ҳеч қандай куч-қудрат, истак-хоҳиш ўзгартира олмайди. Лекин, шу масалада ҳам И.С. инсонпарварлик позициясида туриб, «хизматкорларни ўзинга яқин тут, уларни силтаб ташлама, уларнинг эҳтиёжлари тўғрисида ғамхўрлик қил, уларга нисбатан қаҳр-ғазабли бўлма, улар билан гўё дўстнинг каби муносабатда бўл, уларни бахтсизлик онларида ёлғиз қолдирма, чунки улар ҳам инсонлардир», — деб ёзади.

И.С.нинг табиий-илмий, фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий қарашлари ўз даврининг кўзгусидир. Улар Яқин ва Ўрта Шарқ фалсафий тафаккури ривожига муҳим ўрин эгаллади. Ибн Синонинг тиббиёт соҳасидаги шуҳрати фалсафа жаҳҳасида эришган мартабасидан кам эмас. Ўрта асрлар ва ундан кейинги даврда алимнинг исми қадимги тиббиётнинг йирик намояндalари Клавдий Гален ва Гиппократ билан ёнма-ён қўйилиши бежиз эмас. Узининг кўп жилдли «Тиб қонунлари» орқали бутун жаҳонга машҳур бўлди. Бу асарда маҳаллий халқ тиббиёти ҳамда юнон, ҳинд, эрон ва араб тиббиёти эришган улкан ютуқлар умумлаштирилган, ажойиб гоյлар ишлари суртилган. Ушбу асар 13-ада логик тилига таржима қилингандан сўнг бутун Европа у билан танилишга муяссар бўлди. Беш аср давомида «Тиб қонунлари» ўрта асрлар Европаси ва Шарқ тиб-



биётининг сигналган пойдевори, деб саналиб келинди. «Тиб қонунлари» ва тиббиётга оид унинг бошқа асарларида қомусий илмлар соҳибининг табиий-илмий қарашлари ўзининг ёрқин ифодасини топган.

**ИБН ХАЛДУН**, Абдурахмон ибн Зайд ибн Муҳаммад (1332, Тунис – 1406, Қоҳира) – йирик араб мутафаккири, тарихчиси ва файласуфи, жаҳон фалсафасида кенг тан олинган жамиятшунос, ўз даврининг нуфузли жамоат ва давлат арбоби. И.Х. хонадони Андалусиядаги ҳукмрон доираларга мансуб бўлган. И.Х. кенг қамровли олим, моҳир давлат ва жамоат арбоби бўлган ва бир неча араб мамлакатларида юқори лавозимларда фаолият кўрсатган. 1400 й. Дамашққа келган. Бу вақтда Амир Темур Халабни фатҳ этиб, Дамашқни қамал қила бошлаган. И.Х.нинг бир ўзи Амир Темур қароргоҳига келиб, у билан суҳбатлаган. Дамашқ ш.ни айрон қилмаслик шarti билан таслим бўлишга келишган. Бу унинг охириги сиёсий фаолияти эди.

И.Х. асарлари ўша даврдаги кўп фанларни қамраб олган. Лисониддин Хатибнинг маълумотларига кўра, И.Х.нинг математикага доир асарлари, Ибн Рушд асарларига ёлган шарҳлари, Фаҳриддин Розий асарлари таҳлиliga белгиланган ҳошиялари ва Ражзининг фикҳ усулига доир шарҳлари мавжуд бўлган. Аммо бу асарлар бизгача этиб келмаган. Фақат унинг «Муқаддима-йи Ибн Халдун» номли йирик асари этиб келган, унда И.Х.нинг тарихий-ижтимоий назарияси баён этилган. Асар чуқур фалсафий мазмунга эга бўлиб, аввало жамиятшунослик назариясига, жамият ривожланиши концепциясини яратишга бағишланган. И.Х. ижтимоий-фалсафий қарашлари билан Абу Наср Форобий, Ибн Рушд

илмий анъаналарини давом эттирган, шу билан бирга шу соҳага оид ўзининг муҳим янги ғояларини мужассамлаштирган. Аввало, у кишилик жамияти, жаҳон цивилизациясини бир бутун яхлит жараён сифатида англаб олишга, уларни айланма ҳаракатга эгаллигини тасдиқлашга уринади. Унинг фикрича, жамиятнинг тарихий тараққиёти маълум қонунларга боғлиқ бўлиб, уни тушуниш, талқин қилишнинг ҳам шу асосда амалга ошириш керак. Хусусан, И.Х. Форобий, Беруний ва б. мутафаккирларнинг ғояларини давом эттириб, жамият ҳаётида жүгрофий муҳит, иқлим, табиий шароитлар катта роль ўйнайди, деган хулосага келади. Жамиятнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, унинг маданий савияси ва самарадорлиги инсон меҳнати, унинг тақсимланиши даражаси, ишлаб чиқариш, илм-фан ривожини билан ҳам белгиланади. Кишилик жамиятлари умумий хусусиятларга эга бўлиши билан бирга ҳар бири ўзига хос хусусиятлар билан ажралиб туради. Тарих фалсафаси, тарихнинг асл вазифаси ана шу умумий ва хусусий хусусиятларни биргаликда ва яхлит ҳолда, бир бири билан узвий боғланган ҳолда ёритишдир. Шундагина ҳар бир маълум цивилизациянинг, уни ташкил қиладиган мамлакатларнинг моҳияти аниқ ва ҳолисона ёритилиши мумкин. «Шуларнинг ҳаммаси – деб ёлади И.Х. – тарихнавис чиқарилган хулоса ва тарихий ҳодисаларни талқин этишга асос бўлиб хизмат қиладди». И.Х. назарида тарих фалсафанинг муҳим қисмини ташкил этади, аслида эса тарих фалсафаси сифатида намойиш бўлади. Шу билан бирга тарих фалсафанинг асосларидан биридир. И.Х. қарашлари бўйича, давлат ва хусусий мулк жамият ривожланишининг зарурий шартла-

рини таъкид этади. Шу нуқтага назардан, у кучманчи, қишлоқ ва шаҳар аҳолиси, унинг ҳаёт тарзи, ўзларига ҳос тарихий белгиларини таҳлил қилади.

Таъқиқотчиларнинг таъкидлашига, И.Х. ўз дунёқарашида фалсафа ва итҳоидетни, ҳусусан каломни бир-бирига қарама-қарши қўймадан, уларни мувозанатлаштириш ва келиштириш зарурлигини баён қилади, уларнинг ҳар биридаги умумий ва ўзига ҳос мақсад вазифаларни белгиларига интилади.

**ИДЕАЛ** (юн. idea – тимсол, гоя, тушунча) – орзу-интилишнинг олий мақсади. И. кенг маънода у ёки бу нарса, ҳодисанинг энг яхши, энг қадрли, энг мукамал ҳолати; тор маънода шунс (инсон) қобилиятларини ифодатловчи намуна. И. тушунчаси фалсафага И.Кант томонидан киритилган бўлиб, ақлнинг зарурий, юксак намунага туғри келадиган меъёрни сифатида тавсифланган.

Кант фикрича, И. мақсад қилиб қўйиш ва унга эрилиш учун интилиш билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам И. тушунчаси мақсад тарзида қўйилиши мумкин бўлган ҳодисаларга татбиқан қўлланиши мумкин. И. регулятив (кишилар фаолиятини йўналтириш) табиғига эга бўлган гоя сифатида намоён бўлади. И. реал мавжуд бўлиб, гузаллиқнинг юқори даражада намоён бўлишидир. И. тушунчаси мукамаллик даражаси ва нуқсонларни баҳолаш имконини беради. Г.В.Ф.Гегелнинг фикрича, И. мақсаднинг яққол ҳис қилинган образи, мутлақ гоининг ифодаси бўлган эмпирик воқелиқдан иборат. И. китобий қаҳрамон, кино юлдузи, бирон буюк шахс, конкрет одам (ота, она, устоз) бўлиши мумкин. И.ни фалсафий тушуниш асосида кишилардаги кенг инсонга ҳос бўлган

хислат, ҳусусиятлари тўғрисидаги фикрларнинг умумлашма томонлари ётади. И. инсон ёки ижтимоий гуруҳнинг мукамалликка доир сифат, ҳусусиятлари, хатти-ҳаракати, фаолиятини ифодалайди. И.нинг ахлоқий (шахсга ҳос мукамаллик, ахлоқий сифатлар), ижтимоий-сиёсий (мукамал ижтимоий тузум, жамият), эстетик (ҳар тарафлама камолга етган гузал кўриниш, хислат, тавсиф) ва б. шакллари мавжуд. Кишилар дунёқарашида И. ахлоқий, ҳуқуқий мезонлар, қонулар, эстетик қадриятлар тарзида намоён бўлади. И. бирон-бир инсонга ҳос хулқ-атвор, хатти-ҳаракат, фаолият, ижодни намуна тарзида қабул қилиниши, ўзи танлаган гоининг тўғрилигига ишончни ифодалайди. Орзу-интилишлар, фаолиятнинг турли-туманлиги, инди-видада бир катор И.лар (ижтимоий-сиёсий, эстетик, ахлоқий, диний)нинг шаклланишига олиб келиши мумкин. Ижтимоий-сиёсий И. муайян ижтимоий-сиёсий мақсадларга эришни йўлидаги гоя, хатти-ҳаракат, интилишларни ифодалайди. Мас., Платоннинг идеал давлат тўғрисидаги қараши, ўрта асрларда Ўрта Осиёда марказлашган адолатли давлат барпо этиш, Ўзбекистонда барпо этилажак демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти гоилари шулар жумласидандир. Эстетик И. инсоннинг гузалликка интилишини ифодалайдиган тасавурлар асосида шаклланади. Ахлоқий И. кишилар хулқ-атвори, хатти-ҳаракатларини қўйишчи (қамоа) манфаатлари асосида муайян тарзда тартибга солади. «Яхшилик», «ёмонлик» ахлоқий И.нинг моҳиятини очишга ёрдам берадиган таъин тушунчалардир. Жамият тарихида ахлоқий, эстетик И.ни ишлаб чиқишга интилишлар кўп бўлган, лекин улар ҳар

доим ҳам жамият томонидан қабул қилинавермаган. Диний И. ахлоқий И. билан боғлиқ, унда инсоннинг муайян қиёфаси ифодаланadi. Илмий И. илмий изланишларнинг асосини ифодаловчи тамойилларда намоён бўлади. Шахсий И. алоҳида олинган инсон – «мен»нинг мукамаллик даражасини ва унга етишни йўллари (тарбия, ўз-ўзини тарбиялаш) ни ифодалайди. Шахсий И.даги мукамаллик даражаси хилма-хил ижтимоий аҳамиятга молик ҳислатлардан тартиб индивидга хос ҳислатларгача бўлган жиҳатларни ўз ичига олиши мумкин. И.даги индивидуаллик (алоҳидалик) билан ижтимоийликни ўзаро муносабати жамият учун муҳим аҳамият касб этади.

**ИДЕАЛИЗМ** (юн. *idea* – тоя) – моддийликни инкор этиб, оламнинг асосида руҳ ёки ғоялар ётади, дунёнинг мавжудлиги ва ривожланиб боришида ғоялар белгилловчидир, деб таъкидловчи фалсафий қараш, таълимот. *Материализм*нинг муқобили. И.нинг объектив ва субъектив шакллари бор. Объектив И. объектив борлиқни тоя, руҳ тарзида куради, ҳатто моддийликни ҳам руҳнинг шаклий намоён бўлиши деб, кўпроқ уни ғояга боғлайди (Платон, Ф.В.Шеллинг, Г.В.Ф.Гегель.). Субъектив И. инсон онгидан ташқаридаги объектив реалликни инкор этиб, фақат субъектив сезилар мавжуд, деб билади (Р.Декарт, Ж.Беркли, Д.Юм, И.Г.Фихте). **ИДЕАЛАШТИРИШ** – тажрибада ва воқеликда яратиш мумкин бўлмайдиган баъзи мавҳум объектларни тузиш билан боғлиқ бўлган фикрий ҳаракат. Идеаллаштирилган объектлар бирон-бир аниқ объектларнинг илмий таҳлил қилиш воситаси бўлиб, мазкур аниқ объектлар назарисини яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Идеаллаштирилган объектлар

объектив предмет, жараён ва ҳодисаларнинг инъикоси сифатида майдонга чиқади. Математикадаги «нуқта», «тўғри чизиқ», «актуал чексизлик» тушунчалари, физикадаги «мухлақ қаттиқ жисм», «идеал газ», «мухлақ қора жисм» тушунчалари, кимёдаги «идеал эритма» тушунчаси идеаллаштирилган объектларга исол бўлиши мумкин. И. ўзи чамбарчас боғлиқ бўлган «мавҳумлик» билан бир қаторда, воқелик қонунларини билишнинг муҳим воситаси сифатида юзага келади. И. фан услубияти тушунчаси бўлиб, назарий ва эмпирик билим тузилиши хусусиятини, унинг ўзига ҳосилги ва вазифаларини ифодалайди.

**ИЖОД** – инсоннинг янгиллик яратишга қаратилган конструктив фаолияти. Замонавий фалсафада И. талқинига икки хил ёндашув мавжуд бўлиб, улардан биринчисида И. жараёнидаги интеллектуал феноменга алоҳида аҳамият берилса, иккинчи ёндашувда шахснинг эркинлиги асосида ётадиган экзистенциал феноменга алоҳида урғу берилди. И. жараёнида инсон руҳининг ҳиссий (ҳиссий қабул қилиш, идрок, тасаввур, туйғу, иштиёқ ва ҳ.к.лар), рационал (ақл, англаш, фаросат, диққат, хотира) ва нораціонал (интуиция, руҳий курсатма ва ҳ.к.лар) унсурлари ўзаро фаол муносабатда бўлиб, бунда тадқиқотчининг билими, малакаси, тажрибаси ва истейлоди намоён бўлади. Моддий борлиқни ўзлаштиришнинг амалий ва маънавий фаолият соҳасига қараб И. ҳам бир неча кўринишга эга бўлади: илмий И., бадий И., техник И. ва ҳ.к. Илмий И. – билиш шакллари уйғунлигида янги, бетакрор назарий ва технологик қадриятларни яратишга қаратилган тадқиқот фаолиятидир. Бадий И. табиий ва инсон ҳаётида-

ги турли оҳанглар, манзаралар, туй-гуларни нозик идрок қилувчи, ҳиссиётли кишиларга хос бўлиб, унда воқеа ва ҳодисалар образлар, тисеоллар орқали ифодаланади. Олимларнинг фаолияти илмий И.га, санъаткорлар, ёзувчилар фаолияти бадий И.га қаратилган. Қашфиёт ва ихтиро И. жараёнининг маҳсули ҳисобланади. Қашфиёт жараёнида фанда номаълум бўлган объектив қонуниятлар, ҳодиса ва хусусиятлар очилиб, мавжуд билimler тизимига туб ўзгаришлар киритилади. Ихтиро жараёнида кашф этилган ёки маълум бўлган қонунлар асосида янги тизимлар яратилади. Қашфиёт реал дунёда мавжуд бўлган нарса ва ҳодисаларга тегишлидир (мас., бутук географик кашфиётлар). Ихтирода эса айни вақтда мавжуд бўлмаган нарсалар яратилади. Инсон томонидан табиий борлиқни ўзлаштириш ва ўзгартириш ижодий фаолият орқали содир бўлади. Шу биле И. инсон фаолиятининг ажралмас хусусияти сифатида эътироф этилади. И. жараёнида нафақат янги нарсалар яратилади, балки инсон қобилияти ҳам такомиллашиб боради. Инсон И. жараёнида ташқи муҳитни ўзгартира бориб, унинг ҳам ўзгартиради. И. жараёни ижтимоий ҳодиса бўлиб, у аввало ижтимоий эҳтиёж ва жамиятдаги заруриятлар тўғайли содир булади. Шу жиҳатдан И. фан, техника ва маданиятни бойити-ди, билимни ривожлантиради. Ҳоз. вақтда илм-фан, техниканинг ривожланиши натижасида ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши И. масаласини долзарб қилиб қўймоқда. Ижодкор шахсларни тарбиялаш, турли хил ижодий масалалар ечимини топиш учун И.ни фаолаштиришининг махсус методлари ишлаб чиқилмоқда ва махсус уқув юртлари ташкил қилинмоқда. И.ни фаолаштиришда уқув

юртларидаги ислоҳотлар ҳам катта аҳамият касб этади. И.нинг тараққий этишида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

**ИЖТИМОЙ МУҲИТ** — инсоннинг шаклланиши, яшashi ва ишлаши учун уни ўраб турган моддий, маънавий ва ижтимоий шарт-шароитлар. Бу шaroит инсоннинг шаклланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. И.м. икки турли бўлади, микромуҳит ва макромуҳит. Шахсининг шаклланиши учун уни ўраб турган ва ҳаёти келажакда бевосита шарт-шaroит микромуҳит ҳисобланади. Унга бевосита инсонни қўриаб олган оила, уқув, меҳнат жамoалари ва б. туруҳтар кир-ради. Шахсининг шаклланиши ва фаолияти мана шу бевосита шaroит таъсирида кел-ади ва қўв жиҳатдан уларнинг йўналиши, даражаси ҳамда бошқа сифатлари шу муҳит билан белгиланади. Иккинчи томондан шахс микромуҳитда фаолият олиб бoраб элди, унинг фаолияти микромуҳитнинг ўзгаришига таъсир кўрсатади. Шахсининг микромуҳитга таъсир даражаси унинг ақд-заковати, эҳтироси ва иродаси билан белгиланади. Инсон ва у яшаётган микромуҳит ҳаёти ва фаолияти юз берадиган ижтимоий-иқтисодий, моддий ва маънавий тизимлар макромуҳитни тав-кил қилади. Микромуҳит мана шу тизимлар таъсирида шаклланади. Иккинчи томондан микромуҳит фаолияти таъсирида макромуҳит ҳам ўзгаради. Фалсафа фанида И.м.ни иккига, яъни микро ва макромуҳитга бўлиш жамиятнинг таркибий тизимини урганиш учун етарли эмас. Микромуҳит макромуҳит таркибига бевосита эмас, балки орадиқ тизимлар воситасида бирикади. Мас., оила микромуҳит сифатида бевосита жамиятга эмас, аввало, маҳалла, халқ,

элат, миллат, мамлакат таркибига киради ва сунгра, улар орқали жамиятнинг шарҳасига айланади. И.м. шахснинг шаклланиши ва ривожланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Айни вақтда инсоннинг фаолияти, фаолияти таъсиринда И.м. ўзгаради. Бу ўзгаришлар жараёнида одамларнинг ўзлари ҳам ўзгаради.

**ИЖТИМОЙИ СТРАТИФИКАЦИЯ** — социологик тушунча. Жамият ва унинг айрим қатламлари структурасини, ижтимоий табиқаланиши, моддий бойликларнинг потекки тақсимланиши, турли қатламлар ўртасидаги тенгсизликни ифодалайди. И.с. назарияларида таълим, маънавий шароит, машғулот, даромди, психология, дин ва ш.к. белгилар асосида жамият «юқори», «орта» ва «қуйи» синфлар ва қатламларга бўлинади.

**ИЖТИМОЙИ ФАЛСАФА** — фалсафа фанининг жамият, унинг ҳаёти ва тараққиёти қонуниятларини, унинг ҳодиса ва жараёнларни ўргатувчи соҳаси. И.ф. тарихий жараёнлар ҳамда уларнинг объектив ва субъектив томонлари, тараққиёт қонуниятларининг ўзаро боғлиқлигини тадқиқ этади ва таҳлил қилади. И.ф. инсонларнинг асосий фаолияти ва улар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни ҳам таҳлил қилади. Инсонлар ишлаб чиқариши, ижтимоий-сиёсий, илмий, маънавий, ахлоқий, эстетик ва б. амалий фаолиятлари жараёнида ўз ҳаёти учун зарур бўлган моддий ва маънавий қадриятларни яратдилар, табиатни уларига мос ҳолда ўзгарттирдилар, ўзларига зарур бўлган маданий-маънавий ва ижтимоий муҳитни яратдилар. Шу каби фаолият жараёнида ўзаро турли муносабатлар ўрнатилдилар. Булар ишлаб чиқариш, сиёсий, ахлоқий, оилавий ва б. ижтимоий муносабатлар бўлиб, уларнинг мажмуи жамиятнинг тузи-

лиши ёки таркибини ташкил этади. Демак, инсонларнинг турли кўрinishидаги фаолияти ва уларнинг ижтимоий муносабатлари ижтимоий ҳаётнинг асосий мазмунини ташкил этади ҳамда жамият тараққиётини белгилайди. Шунинг учун улар И.ф.нинг лиққат марказида туради. И.ф.нинг асосий масаласи — инсонларнинг орти, таваққури, борлиги, турмушидир. Бу бир томондан уларнинг мақсадлари, иқтисодий, сиёсий, ахлоқий ва б. муайянларини, иккинчи томондан, улар ҳаёти ва фаолиятининг объектив шарт-шароитларининг ўзаро боғлиқлигини ўз ичига олади. И.ф. ижтимоий ва гуманитар фанлар — тарих, социология, сиёсат-шунослик, ижтимоий психология, ҳуқуқ, этика ва б. учун методология ролини ўйнайди. И.ф. жамият ва ҳаёт қонун-қондаларининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиб, уларни тўғри ҳал этишга услубий ёрдам беради.

И.ф. дунёқараши шакллантириш, назарий, услубий ва воқеа-ҳодисаларни олдиндан башорат қилиш вазифаларини бажарди. Дунёқараши шакллантириш вазифаси инсоннинг жамиятдаги ўрни, турмуш тарзи, моддий ва маънавий шарт-шароити, ҳаёт мақсадлари тўғрисидаги масалаларни қамраб олади. И.ф.нинг назарий вазифаси ижтимоий тараққиёт жараёнларининг моҳиятига этиб бориш, уларни назарий жиҳатдан асослаб бериш, яъни ижтимоий тараққиёт моҳияти, мазмуни ва йўналиши тўғрисидаги назарий билимлар тизимини шакллантириш. И.ф.нинг методологик вазифаси ижтимоий ҳаётдаги айрим ҳодиса ва жараёнларни турли ижтимоий фанлар томонидан тадқиқ этишда улар учун умумфалсафий аҳамиятга молик назарий услуб ва воситаларни яратиб

Беришдан иборатдир. И.ф.нинг олдиндан айтиш (башиорат қилиш) вазифаси эвристик аҳамият касб этиб, жамият, унинг айрим томонлари тараққиёти, инсон фаолиятининг яқин ва бўлажак оқибатларини олдиндан айтиб беришдан иборат. Бу башиорат турли ижтимоий ҳодисалар, қолаверса, бугун жамият тараққиётини олдиндан белгилаб олиш имконини беради. И.ф.нинг бу вазифалари фалсафий дунёқарани, фалсафий тафаккур назарияси ва услубини аълолаган ҳар бир инсон онгининг такомиллашувига намоён бўлади. Фалсафий тафаккур эса инсон фаолияти ва бутун жамият тараққиётидаги ижтимоий ҳодисаларни аниқлаш ва амалий вазифаларни ҳал қилишнинг муҳим воситасидир.

**ИЖТИМОЙИ ФАОЛЛИК** – субъектнинг жамият ҳаётида онгли ҳолда мустақил иштирок этиши, маълум ижтимоий-маънавий соҳада вужудга келадиган муаммоларни ҳал этишга қаратилган ҳаракати. Субъект сифатида шахс, ижтимоий гуруҳ, қатлам, умуман жамият бўлиши мумкин. И.ф. ижтимоий онгининг шаклланишига оид фундаментал тушунча бўлиб, фуқаролик жамиятининг муҳим меъёрларидан биридир. Жамият аъзоларининг ижтимоий фаоллиги турли шаклларда намоён бўлиши мумкин. Хусусан, конструктив ва деструктив турлари фарқланади. Жамият аъзоларининг конструктив ижтимоий фаоллиги шунда намоён бўладики, улар муайян муаммоларга дуч келганда уларни мавжуд ижтимоий тизим ва ҳуқуқий дастурлар ёрдамида ечишга интилади. И.ф. мавжуд қонунлар асосида ўз манфаатларини ифодалаш, муаммоларни ҳал қилиш учун жамоат бирлашмаларини тузишда ҳам намоён бўлади. Деструктив И.ф. мавжуд ижтимоий тизимга қарши қаратил-

ган бўлиб, уни йўқ қилишга интилишни ифодалайди. У мавжуд ҳуқуқий дастурлар билан кўланган мақсадга эришиш, ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни ҳал қилиш имкони йўқ, деб ҳисобланган вазиятда юзга келади. Бундай ҳолларда И.ф. аниқ ҳуқуқий чегараларга эга бўлмайди. Бу эса ижтимоий бўҳронларнинг кескинлашувига олиб келиши мумкин. И.ф.нинг ушбу тури ижтимоий муносабатлардаги боқарорлик даврларида кузатилади. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш барча ижтимоий муаммоларни осонлик билан бартараф этилишини аниқламайди. Бунда шундай ҳуқуқий тизим назарда тутилдики, унинг доирасида доимо вужудга келадиган зиддиятлар барча ижтимоий қатламлар манфаатлари мутаносиблиги сақлангани ҳолда, фуқароларнинг юксак ижтимоий фаоллиги асосида муътадил тарзда ҳал қилинади. Демократик жамиятда И.ф. фуқароларнинг ўз-ўзини аниқлаш воситасидир. И.ф. маданияти шахс умумий маданиятининг узвий қисмидир. Манфаатлар фаолиятининг аниқ мақсадлини белгилаш учун асос бўлади. Инсон ёки ижтимоий гуруҳ учун бутун фаолият жараёни у ёки бу тарзда кечиши мумкин. Фаолиятнинг жаддлиги фаоллик курсаткичи билан белгиланади. Демак, фаоллик субъектнинг муайян фаолият тури билан шугулланиши мўйиллигининг ифодаланшидир. Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотлар муваффақиятининг муҳим шарти халқимизнинг, ҳар бир фуқаронинг ижтимоий фаоллигига таянишдир.

**ИЖТИМОЙИ ФИКР** – жамиятда амалга ошиётган жараёнлар, турли вазиятлар, воқеалар ва ҳатти-ҳаракатларнинг жамият аъзолари томо-

нидан маъқулланиши ёки маъқулланмаслиги. И.ф. юз берган жараёни баҳолашдир. И.ф. тушунчаси биринчи бор антик дунё фалсафасида намён бўлди. Унинг кўриниши – «ошкора фикр», Протагор фикрича. кўпчиликнинг фикридир. Платоннинг таъкидлашича, «ошкора фикр» аристократлар фикри. Ушбу йўналишлар кейинчалик ижтимоий-фалсафий фикрда кенг изланишларга сабаб бўлди. Биринчи йўналиш тарафдорлари И.ф.ни шундай куч деб биладиларки, у халқни давлат ишларида фаол иштирок этишини таъминлайди. Иккинчи йўналиш тарафдорлари И.ф.ни ҳукмрон доира мулоҳазаси, у жамиятга таъсир кўрсатиб, ҳукмрон доиранинг сиёсий ҳукмронлигини эркинлаштирадиган куч, деб биладилар.

Ҳоз. ижтимоий-фалсафий таълимотларда И.ф.нинг бир қанча концепциялари мавжуд бўлиб, уларга Луман концепцияси (коммуникация назарияси асосида таҳлил қилинадиган) ҳамда Ю.Хабермас томонидан ишлаб чиқилган ахлоқийлаштириш меъёри концепцияси мисол бўлади. И.ф. экспрессив, назорат ва маслаҳат вазифаларини бажаради, муайян ижтимоий масалалар бўйича маслаҳат беради, қарор қабул қилади, у ёки бу тасаввур, қадрият ва мезонларни қўллаб-қувватлаш ёки рад этиш орқали индивид, жамoa ва ижтимоий муассасаларнинг хатти-ҳаракатини бошқаради. И.ф. баён қилиш мазмунига кўра, ижобий ва салбий ҳулосалар билан ифодаланади. И.ф.нинг шаклланиш ва амал қилиш жараёнлари стихияли кечиши мумкин. Лекин кўпинча, И.ф. онгнинг терапийи турлича бўлган (бир томондан, фан ва мафкура, иккинчи томондан, кундалик онг) даражаларда ҳоз. жамиятдаги кўп сонли ижтимоий муассасалар, сиёсий таш-

килотлар, оммавий ахборот воситалари ва ш.к.лар томонидан таъсирга учраб, ўзгариши мумкин. И.ф. жамият ҳаётидаги ҳақиқий ҳолни аке этириш омилидир.

**ИЖТИМОЙЛАШУВ** – жамиятнинг муваффақиятли ривожланиши учун зарур бўлган психологик механизм, ижтимоий меъёр ва қадриятларни индивид томонидан ўзлаштириш жараёни. И. инсоннинг маданият, коммуникация таъсири остида шаклланиш жараёни. бир-бирлари билан мулоқотда бўлишларини ифодалайди. Бу омилларнинг баъзилари инсоннинг бутун умри бўйи давом этади. И. масалалари билан З.Фрейд ва б. олимлар шугулланишган. З.Фрейд боланинг ривожланишидаги айрим механизмларга аҳамият беради. Унинг таъкидлашича, боланинг камол топиши, шахс бўлиб шаклланишида ота-оналар билан бўладиган муносабатлар муҳимдир. З.Фрейд фикрича, боланинг ривожланишида психосексуал даврнинг аҳамияти катта. Ж.Пиаже шахснинг ривожланишида айрим даврлар бўлишини тан олади, лекин бир босқичдан иккинчи босқичга ўтишида ижтимоий таъсир муҳим деб ҳисоблайди. Унинг таъкидлашича, шахснинг айрим схемалари когнитив структуралар орқали бошқарилгани учун боланинг И.и оқорида курсатилган структура, схемаларга мослашади, янги тажрибалар орқали «мувоzanатланиши». Т.Парсонс, Р.Бейла ва З.Фрейдлар ижтимоий таъсир ва ижтимоий система тушунчаларидан фойдаланиб, ижтимоий объектнинг таъсири натижасида маданият элементлари, умумий билимлар, билимдонлик, ҳуқ ёрдамида шаклланишини ифодалаб бердилар.

М.Мид ва Р.Бенедиктлар индивид ривожланишининг турли даврларда маданият, ота-оналарнинг

таъсири қандайдигини текшириб, ҳар бир давр учун алоҳида И. туғри келишини кўрсатиб бердилар. И. муаммоларига, айниқса, психологияда кенг аҳамият берилади. Айрим муаллифлар фикрича, И. фақат болалик давригагина ҳос бўлмай, индивиднинг бутун ҳаёти давомида давом этади. Баъзи фикрларга кўра, И. иккиёқламга жараён бўлиб атрофга ҳам таъсири бор деб уқитилади.

**ИЗОМОРФИЗМ ВА ГОМОМОРФИЗМ** (грек. *isos* — бир хил, *homios* — ухшаш ва *morphe* — тур, шакл) — объекتلарнинг тузилмалари ўртасидаги мувофиқликни тавелфловчи тушунчалар. Таркибидати унсурларнинг табиатидан қатъи назар, олиб қаралганда икки тизим бир-бирига изоморф тизимлар бўлиши учун биринчи тизимнинг ҳар бир унсурига иккинчи тизимнинг биринчи унсурини мувофиқ келиши ҳамда бир тизимдаги ҳар бир операцияга (алоқага) иккинчи тизимдаги операция (алоқа) мувофиқ келиши янги ва ақеинча. Ана шундай ўзаро қиёматли мувофиқлик изоморфизм деб аталади. Тулиқ изоморфизм фақат мавҳум, идеаллаштирилган объектлар ўртасида бўлиши мумкин. Мас., геометрик фигура билан унинг формула шаклидаги аналитик ифодаси ўртасидаги мувофиқлик изоморфизм таққословчан объектларнинг жиҳатлари билан эмас, балки унинг фақат билдирувчилик ҳаракатида қайд қилинган баъзи хоссалари ва муносабатлари билан боғлиқ бўлиб, бу объектлар ўзининг бошқа муносабатлари ва хоссаларида фарқ дилиши мумкин.

Гомоморфизм тушунчаси изоморфизмнинг умумлашмаси ҳисобланади. Бунда мувофиқлик фақат бир томонга нисбатан қимматли бўлади. Шу сабабли, асл нусханинг гомоморф образи унинг тузилишининг чала,

тахминий таъбиридир. Мас., харита билан жой ўртасидаги ёзилган овоз билан унинг асли, яъни ҳаво муҳитининг товуш тебранишлари ўртасидаги муносабат ана шундай. И. ва ғ. тушунчалари математик маъنيқ ва кибернетикада, физика, кимёда ва билимнинг бошқа соҳаларида кенг татбиқ этилади. Билиш назариясида бу тушунчалар образ билан предмет ўртасидаги, назария билан объект ўртасидаги ухшашлик (мувофиқлик) ни таҳлил қилишда самарали татбиқ этилади. И. ва ғ. «модель» (моделлаштириш), «сигнал», «образ» тушунчалари билан узвий боғлиқдир.

**ИККИ ҲАҚИҚАТ НАЗАРИЯСИ** — фалсафа ва илоҳийатни ҳақиқатни билиш ҳамда худода яқинлаштиришнинг икки мустақил бўли деб таъриф этилган таълимот. Ғарбий Еуропа еҳлоқлари орасида кенг тарқалган. Ибн Рушд (1126—1198) фалсафасида такомилнинг етгани, И.ҳ.и қиммати тенг бўлган икки диний ва фалсафий ҳақиқатнинг мавжудлигига ишқ қўйди, шунингдек олим ва мутафаккирлар химоя қилишга ҳаракат қилган фанининг илмдан мустақиллигини асослаб берди. Унингча, фалсафий ҳақиқат Аристотел асарларида мавжуд диний ҳақиқат эса олдин ивсон тушунчаларига мослаштирилган. И.ҳ.и ўрта асрларда вужудга келган. 13-а. француз аверронези (Париж уни-тида унинг раҳбари Сигер Брабантский бўлган), инглиз номинализми вакиллари (Иоанн Дунс Скот, У. Оккам)нинг қарашлари И.ҳ.и дан келиб чиққан. Таълимот, айниқса, Уйғониш даврида кенг тарқалган (П.Помпонаци, аверроистларнинг Падуя мактаби ва б.) ва шу билан бирга рационализмнинг ривожланишида катта аҳамият касб этган. Ўрта асрларда рационал фалсафа тарафдорлари рационал



тафаккур ҳуқуқларини талаб қилган ҳолда, Ибн Рушд каби ислом файласуфлари илгари сурган И.ҳ.н.га таяниб, фалсафа, санъат ва фанлар тараққиётига кенг йўл очишга интилдилар ҳамда фалсафанинг диндан ажралиб, мустақил ривожланиши гоёсини илгари сурдилар.

**ИЛМИЙ ИЗЛАНИШ** – илмий тадқиқотнинг ўзига хос кўриниши. И.и. тадқиқотчининг ижодий жасурлиги, қатъият билан интилишига боғлиқ. Тадқиқотчи ўз замонасининг илгор гоёси билан қуролланган, мустақил фикрлайдиган, савияси, билим даражаси юқори, янгиликни ҳис қиладиган бўлгандагина изланиш самарали ва фойдали бўлиши мумкин. И.и., айниқса табиатшуносликнинг ривожланишида муҳим омил бўлади. У ишлаб чиқариш талаби ва фаннинг ўз ички имкониятлари асосидаги ривожланишидан келиб чиқади. И.и. фан олдига илмни маълум бир ижтимоий мақсад сари ривожлантириш каби янги вазифа ва масалаларни кўяди. Ҳоз. даврда И.и. замонавий фан ривожланишининг асосий шакли сифатида майдонга чикмоқда. Фан жамият тараққиётини олға ситжитувчи куч, яъни давлат, халқ, жамият ривожига хизмат қиладиган восита, жамиятдаги барча техник-иқтисодий ўзгаришларнинг муҳим омилли ва бошланғич нуқтаси, деб тушунадиган бўлсак, И.и. нақадар катта аҳамиятга эга эканини англаш қийин эмас. Бир сўз билан айтганда ишлаб чиқариш фан негизидан, айниқса, назарий фундаментал фан асосида қайта қуроллантирилмаса, мамлакат тараққиётини жадаллаштириш яхши натижа бермаслиги табиий ҳол. Оқибатда илм-фан билан ишлаб чиқариш ўртасида жуда катта узилиш, жарлик пайдо бўлади. Ушбу ҳаётий масалани ечмасдан, ишлаб чиқаришда банд

бўлган фаоллар ва жамоаларни илм-фан тараққиётига қизиқтирмасдан туриб И.и.лар натижаларини ҳаётга татбиқ этишни ҳал қилиб бўлмаслиги аёндыр. Экологик вазиятни ҳисобга олмай туриб замонавий илм-фаннинг тараққиёти этиши табиатга, инсонга зарар келтириши муқаррар. Ҳоз. замон фанида И.и.лар бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга.

**ИМКОНИЯТ ВА ВОҚЕЛИК** – нарса ва ҳодисалар ривожининг асосий босқичларини ифодаловчи фалсафий туршунчалар.

Воқелик ҳозир реал мавжуд бўлиб ўтган нарса, ҳодисалардир. Лекин бу нарса ва ҳодисалар ривожланиш жараёнида бирдана ҳоз. ҳолатида бўлмай имконият тарзида пайдо бўлган, улар ўзининг муайян келиб чиқиш даврига, тарихига эга. Воқелик пайдо бўлишдан олдин имконият тарзида мавжуд бўлади.

Имконият воқеликнинг куртак ҳолидаги кўриниши, ҳали юзага чиқмаган воқеликдир. Имконият воқеликни келтириб чиқарувчи, ривожланишнинг объектив ва субъектив шарт-шароитларидан иборатдир. Имконият ҳали амалга ошмаган, лекин юзага чиқиши мумкин бўлган, воқеликка айлана оладиган ҳодисадир. Имкониятнинг воқеликка айланиши ривожланиш жараёнини ифодалайди.

И. ва в. тушунчаларини тадқиқ қилишда Г.В.Ф.Гегелнинг хизмати катта. Унинг таълимотига кўра, И. ва в. бир-бири билан узвий боғлиқ, имконият потенциал воқеликдир, унинг воқеликка айланиши муайян зарурият асосида бўлади. Имконият бирдан воқеликка айланмайди. У эски воқелик бағрида ривожлана боради ва муайян шарт-шароитлар пайдо бўлгач, воқеликка айланади. Имконият реаллаша борган сари унинг

мавжуд эски воқелик билан кураши кескинлашиб боради. Шунга кўра, формал (расмий), абстракт (мавҳум) ва реал имкониятларни бир-биридан фарқ қилмоқ керак.

Формал имконият фақат фикрий изчиллик жиҳатдангина тўғри бўлган, лекин реал асосга эга бўлмаган истак шаклидаги имкониятдир. У объектив ривожланиш қонунидан келиб чиқмайди, шунинг учун ҳеч қачон воқеликка айланмайди.

Абстракт имконият амалга ошиши учун ҳали етарли шарт-шароитлар етишмаган, лекин амалга ошиши қонуний бўлган нарса ва ҳодисаларнинг ўзгариш ва ривожланиш мантиқидан келиб чиқувчи имкониятдир. Абстракт имконият ривожланиш жараёнида, муайян шарт-шароитлар етилганда реал имкониятга айланади. Реал имконият амалга ошиши учун барча зарур шарт-шароитлар мавжуд бўлган имкониятдир. Реал имконият доим аниқ характерга эга.

Имконият билан воқелик ўртасида диалектик боғланиш мавжуд. Бу боғланиш аввало И. ва в.нинг бир-бирига ўтиб туриши. Имкониятнинг маълум шарт-шароитларда воқеликка айланиши, воқеликнинг эса янгидан-янги имкониятлар яратишида ифодаланади. Имкониятнинг воқеликка айланиши табиатда ўз-ўзидан, стихияли равишда амалга олади. Жамиятда эса имкониятнинг воқеликка айланиши учун объектив шарт-шароитлардан ташқари субъектив омилларнинг роли катта.

Ҳар доим кишилар уларининг амалий фаолиятида реал имкониятларга суяниб иш юритсаларгина ўз мақсадларига эришишлари мумкин. Бунинг учун мавжуд реал имкониятларни тўғри ҳисобга олиш ва уларни воқеликка айлантириш йўлида барча субъектив омилларни сафар-

бар қила билиш муваффақият гарови ҳисобланади.

**ИММАНЕНТЛИК** (лот. *immanens* – ички) – предмет ва жараённинг ички хусусиятларини ифодаловчи тушунча. И. Кант трансцендентлигига қарма-қарши тушунча бўлиб, ўзгармасликни ифодалайди. Билиш назариясида И. мавжуд тажриба доирасидаги ўзгармасликдир (Кант). У анъанавий фалсафанинг марказий тушунчаларидан бири. И. атамаси биринчи марта ўрта аср схоластикасида татбиқ этила бошланди. И.нинг замонавий тушунчасини Кант киритган. Трансцендентликдан фарқли ўлароқ, И. бирор нарсанинг ўзига ўзи сабаб бўлишини билдиради. Кантнинг фикрича, макон ва замон мавжуд материянинг объектив шакллари эмас, балки киши онгининг шакллари, ҳиссиёт мушоҳадасининг ҳар қандай тажрибадан олдин онгда мавжуд бўлган априор шаклларидир. Кант ақл-идрок категорияларининг ҳаммасини онининг априор шакллари деб ҳисоблайди. Ушбу анъана Э. Гуссерль феноменологиясида давом эттирилади. Унда И.да бевосита онга берилган феноменларнинг алоҳида феноменологик жиҳатдан «тоқлаш» қурilmаси назарда тутилади. Постмодернизм фалсафасида (Р. Барт, Ж. Деррида, Ю. Кристева, М. Фуко ва б.) И.ни имкон борица кенг таҳлил қилдилар.

**ИМОН**, и й м о н (араб. – ишонч ва эътиқод) – 1) иеломнинг 3 рукни (асоси)дан бири. Аллоҳга, унинг фаришталарига, китобларига, пайгамбарларига, қиёмат кунига, тақдирга ва ўлгандан кейин тирилишга ишонинг; 2) нутқ, мураккаб тафаккур ва кучли хотирага эга бўлган ақлли инсон онги ва аҳволи руҳиятининг нодир ҳодисаси. И. инсон онги ва аҳволи руҳиятига сингиган, ундан мустақкам ўрин олган дунёвий гоё ва

дунёқараш сифатида қудратли ҳаракатлантирувчи куч ва инсон ирода-сини мустақамлаш воситасидир. И. инсоннинг ўз ўрни ва мавқеини билиши, унинг ижтимоий мавжудот сифатида намоён бўла олишининг зарур шартидир. И. туфайли инсон рўқи эзгулик томон интилади. Умуминсоний ахлоқий қадриятлар — инсоф, диёнат, ҳалол-поқлик, виждон, садоқат, муҳаббат, тил ва дил бирлиги, ватанпарварлик, оила, жамият, халқ ва бутун инсоният олдидаги бурчини англаш кабилар И. шартлари ҳисобланади. Бу сифатлардан маҳрум бўлган одамларга одағда, И.сиз кишилар сифатида нафрат билан қарайдилар. Баъзи файласуф ва илоҳиётчилар иймонсиз одам ахлоқий ҳислатлардан маҳрум бўлиб қолади, деган фикрни билдирадилар, ҳатто, имонсиз одамни ҳайвон билан инсон ўртасидаги алақандай маҳлуқот ҳам дейдилар.

Юқорида тилга олинган умуминсоний ахлоқий қадриятлардан иборат И. шартлари илмий-маърифий, илчил маданий тadbирлар ҳамда анъанавий турмуш тарзи ва мафкура таъсирида ҳам маълум даражада шахс сифатларини ташкил этиши мумкин. Бироқ, И.ли бўлиш учун бунинг ўзи кифоя қилмайди. И. ишончга нисбатан чуқур фалсафий мазмунга эга. У дунёқараш билан узвий боғлиқ бўлгани сабабли, инсонда олий бир ибтидо (Аллоҳ, уч юзли биру бар, олий руҳ ва ҳ.к.) ёки олий бир ижтимоий мақсадни ифодалайдиган эзгу гоя, ҳис-ҳаяжонга тўла ишонч бўлгандагина, у алоҳида руҳий ҳолат сифатида намоён бўлади. Бусиз И. юзаки, сохта, ўткинчи бўлиши мумкин. Ҳоз. даврда ҳар бир мамлакатда диний дунёқараш билан бирга илмий-фалсафий дунёқараш ҳам мавжуд. Айрим кишиларда диний онг устувор бўлиб,

уларнинг И.и диний ақидалар ҳақлигига инсонч асосида шаклланган. Баъзи кишиларда илмий ҳақиқатларга ишонч устувор бўлгани сабабли, уларнинг И.и фалсафий дунёқараш негизида намоён бўлади. Бинобарин, ҳар икки И. эгалари, ўзлари яшаётган жамиятда маънавиятни қарор топтиришда асосий ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланадилар, шу туфайли улар дунёқарашидан келиб чиқадиган И.ни асло бир-бирига қарама-қарши қўймаслик лозим. Илмий ҳақиқатлар нечоғли тўғри, қанчалик исботланган бўлмасин, улар ўз ҳолича И. предмети бўла олмайди. И. ўз доирасига нафақат ишонч-умидни, балки шахс учун маънавий-руҳий таянч бўлишга арзийдиган олий орзуни ҳам қамраб олади. Бундай гояга асосланмаган оддий ишонч И.га айлана олмайди ва инсонда ҳис-ҳаяжонли руҳий ҳолат юзага келмайди. Барча динлар, уларнинг руҳонийлари ўз мухлисларига худо ва муқаддас китобларда ўз ифодасини топган даъватлар, талаблар, панд-насихатларга сўзсиз ишонини, бу ишонч-ни ҳар доим сўз билан иқрор этиб боришни, амалиёт учун асос қилиб олиш учун руҳий қасам ичинини ўз ичига оладиган И.ни тарғиб ва ташвиқ этадилар. Ҳар бир киши ўзи ҳақиқат деб билган, эътиқод қўйган дин орқали шу дунёда ўздан яхши ном қолдириш ва «нариги дунё»да жаннат ҳузур-ҳаловатларига эришиш мақсадида И. эгаси бўлишга турли ибодатлар, раём-русумлар, урф-одат ва маросимлар йўли билан ишонтиришга ҳаракат қиладилар. Шунинг учун ҳам одатий онгда фақат диндор одамгина И.ли бўла олади, деган гоя ўрнашиб қолган. Барча диний ташкилотлар, уларнинг руҳонийлари асрлар оша И. бутунлиги учун курашиб келадилар, ўз мухлисларини И.и

бутун булгандагина уларда чипакам комиллик сифатлари намоён булади, деб ишонтирадилар. Гарчи оммавий онгда «дин» ва «имон» тушунчалари кўпинча айнан деб ҳисоблансада, илоҳиётчилар мазкур тушунчалар ўртасида жиддий фарқ борлигини исботлайдилар. Мас., ислом илоҳиёти асосчиларидан Абу Ҳамид ал-Ғазолий мусулмонларнинг Аллоҳга бўлган ишончи даражасини куйидагича изоҳлайди: а) мунофиқлик И.; бу ҳолатда одам оғзида Аллоҳ ва унинг қудратига ишонганини маълум этсада, қалбида бунга иқрор бўлмайди, балки, уни инкор этади. Унинг И.и ёнгоқнинг қаттиқ нустилогидек бесамардир; б) одам тилидаги изҳорга қалби билан иқрор булади. Унинг қалби калом ёрдамида ичиди мустаҳкамланиб бориюмаса, уни Аллоҳ билан боғлаб турган ришта тезда узилди. Бундай И.ни одамлар ёнгоқ нустилогидек ичидидаги нустига ухшайди; в) Аллоҳ нури ила инсон башоратни кўради. Бундай И. эгалари Аллоҳга яқин бўлганликлари учун уйғунлашиб кетган. Бундай И. эгаларини ал-Ғазолий ёнгоқ мағзидан олинган ётга ухшатади. Тасаввуфда ҳам солиҳ турт машаққатли босқични босиб ўтгач, Аллоҳ висолига — ҳақ-ҳақиқатга етиш мумкинлиги таъкидланади. Чунинчи, солиҳ шариат, тариқат, маърифат босқичларини босиб ўтгач, ҳақиқат мақомига, И. бутунлиги мартабасига эга бўлади. Таниқли исломшунос Анри Массэ мусулмон илоҳиётида И. тушунчаси бошқа бир қатор тушунчалар билан қўшиб изоҳланишига эътиборни қаратди. Унинг тадқиқотидан маълум бўлишича, ислом илоҳиётчилари узоқ тортишувлардан кейин И.нинг уч унсурдан ташкил топиши тўғрисидаги умумий хулосага келганлар. Бунга кўра: а) ички ҳис-туйғу би-

лан Аллоҳнинг ягоналигига комил ишонч, эътиқод; б) сўзда истиғфор (иқрор) қилмоқ; в) эзгу ишлар билан қалб ва сўз амрини исботламоқ (амал). Демак, мусулмон И.и ишонч (эътиқод), иқрор бўлиш ва амалдан иборат алоҳида руҳий ҳолатдир. Барча жаҳон динлари каби исломда ҳам И. бутунлигини таъминлашга қаратилган диний ибодат, урф-одат, раем-русум ва маросимларни ўтказишга қатъий риоя қилиш талаб этилади, жамоатчилик фикри И. бутунлигини рағбатлантиришга қаратилди. Диний ташкилотлар ва дин аҳллари олдида тўпланган бой тажрибалардан ижодий фойдаланиб илмий-маърифий йўл билан ҳоз. давр руҳига монанд И.и бутун комил инсонларни тарбиялаш фавқулодда муҳим вазифа бўлиб турибди.

**ИНВАЙРОНМЕНТАЛИЗМ** (инг. *inviromental* — табиат, атроф муҳит, шароитга экзотен тегишлиликини англатади) — жамиятнинг табиат билан ўзаро таъсири турлари, қонуниятлари ва ҳаётини фаолиятини таъминловчи иктисодий асосларнинг ўзгариши натижасида жамиятдаги хилма-хил ўзгаришлар ҳақидаги назариялар. И. аввало умумназарий ва дунёқараш йўналиши бўлиб, унинг марказида ижтимоий тузилмалар билан мавжуд яшаш муҳит ўртасидаги ўзаро таъсир туради. Бу ўзаро таъсирлар социология, фалсафа, ҳуқуқ, этика, эстетика ва б. фанлар соҳасидаги назарияларда намоён бўлади. Яшаш муҳити сифатини яхшилаш ҳаракати ҳам И. сифатида тушунилади. Социологияда И. — ижтимоий-экологик ёндашув ҳисобланади. Унда И. муҳит билан локал ҳамкорликни мазкур ёндашув тамойилларига асосланган ҳолда ўрганувчи соҳадир. Фалсафада И. ўзининг локал ҳамкорлик доирасини кенгайтиради ва ўз тушунча категориялар

аппаратини глобал даражада ёйишга интилади. Бундан ташқари И. инсон-табиат муносабатлари ва бугун сайёрадаги жонотларнинг яшаш муҳити сифатини яхшилашни ўрганувчи фалсафий методологик ёндашув ҳамдир. И. фалсафасининг вужудга келиши илмий фикр тарихида концептуал «экологик бурилиш» бўлиб, айтиш мумкинки, замонавий фалсафада аналитик анъаналарни бошлаб берган «лингвистик бурилиш»дан кейинги энг муҳим ҳодисадир.

И.нинг асосий хусусияти шуки, нафақат назария, балки жамиятнинг экологик йўналишдаги «яшаш сиёсатини» шакллантириш ва инсон фаолиятининг когнитив ва праксеологик соҳаларини кенгайтиришга йўналтирилган маълум коммуникатив амалиёт эканлигидир. И. назариёсининг нисбатан тўлиқ концептуал ривожланиши америка фалсафа ва сещиологиясида кузатилади. Ижтимоий экологик тамойиллар кўпроқ ижтимоий дарвинизм, эволюционизм, инструментализм, натурализм билан боғлиқдир. 19-а.нинг ўрталарида табиатдан фойдаланишнинг экстенсив йўлидан интенсив ривожланиш йўлига ўтиш шароитида жамият ва табиий муҳит узаро таъсири муаммосини ҳал этишда тўрт асосий ижтимоий реформистик ёндашув (консервационизм, биоцентризм, экологизм ва экономизм) вужудга келди. Охириги ёндашув узининг экологик муаммоларни стихияви, табиий ҳал этишга бўлган оптимизми, антиреформизми билан ажралиб турди. Консервационизм тарафдорлари: Б.Фернанду, Ж.Пиншо ва б.) И.нинг «утилитар» қанотини ташкил этидилар. Улар ижтимоий ин-тларни қайта ташкил этиш табиатдан рационал ва самарали фойдаланиш, иқтисодий ўсиш ва табиий бойликликларни эгалитар

тақсимлашни таъминлашга йўналтирилиши лозим, деган фикрни илгариде сурдилар. Умуман олганда, консервационизм табиатдан фойдаланиш технологиясини ишлаб чиқиш билан шугулланган. Биоцентризм ҳаракати эса консервационизмга қарама-қарши бўлиб, фойдаланиш имкониятларидан қатъий назар қадрият ҳисобланадиган ёввойи табиатни сақлаш фикрини ҳимоя қилдилар. Янги Англия трансцендентализмининг табиат ҳақидаги романтик тасаввурларига асосланган биоцентризм жамият билан табиат муносабатларига қизиқлик ва ҳақиқий тақсимланган маънавий сифатлар ҳосиллигини эътироф этидилар. Биоцентриетлар фикрига кўра, табиатни асраш ва ундан рационал асосда фойдаланиш замирида чуқур мақсад ва юксак қадриятлар ётади. Академик доираларга нисбатан яқинроқ бўлган экологлар эса ўзларининг жамият ва табиатнинг узаро таъсирига асосланган моделларини объектив, табиий-илмий қонуниятлар асосига қурдилар. Улар экосистема ва жамиятнинг узаро таъсирига назарда тутган ҳолда, ижтимоий тизимнинг вазифаси экосистема ва экожараёнлардаги бузиллишларни олдини олишда, деб билдилар. Бу йўналиш вакиллари И. назариясида ҳоз. кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган уч ижтимоий экологик гояни тақдим этганлар. Улар экотизм холизми (А.Леопольд), «ахлоқий бирлашма» (холизм ва индивидуализмни бирлаштирувчи) ва биотик функционализм гояларидир. Биотик функционализда ахлоқ нормалари ва улар асосида амал қилувчи ин-тлар экотизми яхлитлиги ва мувожазатини сақлаш имконини берувчи табиий, биологик инстинктларнинг функционал эгизаклари сифатида таснифланади. И. гояларининг

фалсафа ва социологияда ривожланиши энг аввало, Чикаго мактабининг ижтимоий экологик тамойилларига боғлиқдир. Бу тамойилларга кўра, жамият бутун ижтимоий ривожланиш ва охир оқибат жамият тури, тузилмасини белгилайдиган ижтимоий маданиятлар даражасига эга биотик, чуқур биологик феномен сифатида талқин этилади. Чикаго мактабининг изланишларида ушбу ижтимоий дуализм тамойилини бартараф этиш ва ижтимоий-экологик назарияни «ижтимоийлаштириш»га интилиш кузатилади.

20-а.нинг 70-й.ларини И. фалсафа ва социологияси ривожланишининг янги даври белгилашини деб ҳисоблаш мумкин. Индивидуал-экологик гояларнинг бошқа ижтимоий фалсаҳаларида қабул қилинишни экологик муаммоларни талқин этуви биланлараро талқин қилишни ривожланишига олиб келди.

21-а.нинг бешиларида И. тарихий ва маънавий доирадан чиқиб, қадриятларни глобал кайта баҳолаш, янги дувёқараш, илмий иқолида янги мақсад ва гоя, янги рационализм шаклланишининг асосига айланади. «Янги индивидуализм» парадигмаси» фалсафа ва социологияда (У.Каттон, Р.Даниел ва б.) ижтимоий «гермитизмни, жамиятни ўрганишдаги антропоцентризмни, «экспоненциал иқтисодий ўсиш» зарурияти ва маданиятнинг тўхтовсиз ривожланиш имкониятларини инкор этади «Янги парадигма» асосчилари ижтимоий тараққиётдаги ижтимоий-экологик индиятларни тушунтирувчи барча социологик назарияларни номуқамма деб ҳисоблайдилар. Умумун олганда, замонавий И. уз олдига қуйидаги вазифаларни қўяди: фалсафий ва социологик назариялардан ўрип олган аъёналарнинг синтези учун асос яра-

тиш; шу асос ёрдамида моҳияти «экологик инқиро»дан иборат «янги ижтимоий реалликни» тушунтириш; замонавий жамиятнинг қадриятлар тизимини радикал ўзгартириш йўналишини кўрсатиш ва бу тизимга монанд экологик тасдиқланган янги ахлоқ намуналарини белгилаш.

**ИНДИВИДУАЛ ОНГ** — муайян гуруҳ, элат, вилоятга мансуб бўлган айвон шахснинг онги. Воқелик ва реал бериққиннинг алоҳида олинган шакли сифатида аке этишидир. И.о. соҳиб, субъекти алоҳида олинган индивиддир. И.о. тараққиётинга ижтимоий онг билан бирга шу шахсгагина хос бўлган темперамент, характер ваби хусусиятлар, моддий ҳолат, оилавий, диний, маънавий-маданий мансублик каби омиллар ҳамда ижтимоий муносабатлар характери ҳам муайян даражада таъсир кўрсатади. И.о. айрим индивиднинг туғилиши билан шаклланиб, тараққий этиб боради ва унинг вақоти билан барҳам топади. Аммо, бу ҳамма вақт ҳам индивид онгининг бутунлай барҳам топишини аниқламайди. Чунки индивид онги у яратган асарлар, кашфиётлар шаклини олиб, кейинги авлодлар томонидан мерос сифатида қабул қилиниб олиншин мумкин. И.о. айрим соҳаларда ижтимоий онгдан ўзиб кетиши ёки орқада қолиши мумкин. Фан тарихи ва кескин бурилишлар ясаган олимлар, жамият тараққиёти истиқболларини олдиндан айтиб берган мутафаккирларнинг қарашлари И.о. баъзан ижтимоий ондан нечоғизил илгарилаб кетишига ёрқин мисол була олади.

**ИНДИВИДУАЛИЗМ** (лот. individuum – булинмас) — инсон индивидуал ҳаётининг алоҳидалилигини таъкидловчи фалсафий-ахлоқий тамойил. И.нинг маънавий, назарий жиҳатларини ўз ичига оладиган концептуал

ва реал ҳаётӣй позицияни акс эттирувчи амалий жиҳатлари мавжуд. И.нинг назарий талқини асосида шахснинг жамиятдаги автономияси ва унинг ҳуқуқларини мутлақлаштириш ётади. Аксарият ҳолларда И. инсон табиатининг ўзида яширинган деб ҳисобланади. И.нинг моҳиятини асослашга қаратилган қарашлар шахсни жамоага қарама-қарши қўйиш, шахсий манфаатларни жамият манфаатларидан устун қўйишни ифодаловчи тамойил сифатида ҳуқуқий мулкнинг пайдо бўлиши билан бир пайтда шаклланган. И.нинг энг қадимий назарий ифодаси киниклар таълимотидир. Ушбу мактабнинг Антисфен, Диоген Синоплик, Кратет каби вакиллари қарашларига кура, моҳиятан сохта бўлган ижтимоий алоқалар, маданий куникмаларнинг барчасига барҳам бериш зарур. Уларнинг фикрича, индивид маънафат қатъиғина таяниши мумкин. Анъанавий ватанпарварлик ахлоқига зид равишда ўзларини «дунё фуқаролари» — космополитлар деб эълон қилган киниклар ҳар қандай жамиятда яшашга гайбёрликларини, аммо ўз биланларича, ўз қонунари билан яшашлари гоёсини илгари сурдилар, ҳар қандай уят, никоҳни инкор этдилар. Бунда шахс автономиясини асослашга интилиш узига хос тарзда намоён бўлади. Киниклар фаолиятида И.нинг амалиётда намоён бўлишини ҳам кўрамит. Мас., узига нисбатан «жамоаси, уйи, ватани йўқ» деган формулани қўллашни яхши кўрган, бочкада кун кечирган Диоген ташқи таъсирлардан бундай мустақил ҳолда яшашни олғий бахт, деб ҳисоблаган эди. Уйғониш даврида И. концепция сифатида шаклланди. Маърифатпарварлар (Т.Гоббс, К.А. Гельвский, П.А.Гольбах) И.ни инсон фаолиги, айниқса тадбиркор-

лик фаолиятининг универсал ўлчо-ви сифатида эътироф этдилар. Уларнинг фикрича, ҳатто яхшилик қилиш замирида ҳам ўз манфаатларини тўғри англаш ёки «оқилона худбинлик» ётади (Гольбах). И.Кант инсон табиатига хос бўлган худбинликни «ўта кетган бадбахтлик» деб ҳисоблаб, ўз фойдаси, манфаати, мақсадларини кўзлайдиганларни «ахлоқий эгоист» деб атаган. А.Шопенгауэр ҳар бир инсонга хос бўлган яшаш учун иродани унинг И. асоси деб ҳисоблаган бўлса, Н.Г.Чернышевский умумий иш муваффақиятидан охиросида индивиднинг шахсий манфаатлари ҳам ютишидан келиб чиққан ҳолда шахсий фойдани умумий ишга ўз хоҳиши билан бўйсундириш гоёсини илгари сурган ва буни «оқилона эгоизм» деб номлаган. Шунингдек, И. М.Штирнер, Ф.Ницше, Ж.П.Сартр, А.Бергсон ва К.Ясперс қарашларида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топганини таъкидлаш зарур. Ҳоз. оммавий бир хиллик ҳукмрон бўлиб бораётган, кишилар дунёқарашини бозқариш, уларнинг ҳуқуқига муайян стандартларни сингдириш йўлидаги уринишлар тобора авж олаётган ва кенг миқдос касб этаётган бир пайтда И. ҳам назарий, ҳам амалий кўринишда ана шу ҳодисаларга ўзига хос жавоб реакцияси сифатида намоён бўлмоқда. Шунингдек, дунёнинг турли минтақаларида тоталитар режимлар ҳукмронлиги давом этаётган, сиёсий, техник, техник ёндашувлар инсон шахси ривожига қарши қаратилган, деб талқин қилинаётган бир пайтда И.ни уларга қарши ўзига хос исён сифатида ҳам баҳолаш мумкин. Бу исён нигилизм, скептицизм, цинизм кўринишларида намоён бўлмоқда. Айни пайтда И. тарихда бўлгани каби ҳозир ҳам волюнтаризм, анархизм,

## «ИНДУСТРИАЛ ЖАМИЯТ»

эгоизм, авторитаризм каби кескин кўринишларда намоён бўлмоқда. Умуман олганда, шахс хулқи, фаолияти, эркинлиги, ҳақ-ҳуқуқлари устуворлиги ва автономияси муайян метёр доирасидагина ижобий характерга эга бўлади. Ундан ташқарида эса индивиднинг шахс сифатида барбод бўлишига замин яратади, ғайриинсоний моҳият касб этади.

**«ИНДУСТРИАЛ ЖАМИЯТ»** — ҳоз. замон файласуфи, социологи, сиёсатшунос ва иқтисодчилари таҳлил қилаётган «анъанавий», «аграр» (уруғ-қабилла, феодал) ва б. жамиятлардан фарқ қилувчи «ривожланган» жамиятни ифодаловчи тушунча. «И.ж.» атамаси илк бор 19-ада социологиянинг йирик намояндалари И.Кант, Г.Спенсер, Э.Дюркгеймлар томонидан қўлланилган.

20-а.нинг 50–60-й.лари Фарбда «И.ж.» назарияси сифатида пайдо бўлди. Технологик детерминизм тамойилларига асосланган бу назария икки вариантда: биринчиси француз файласуфи Р.Ароннинг 1956–59 й.ларда Сорбоннадаги маърузларида ва иккинчиси америкалик иқтисодчи ва сиёсатшунос У.Ростоунинг «Иқтисодий ўсиш босқичлари» китобида шаклланди. «И.ж.» назариясининг моҳияти шундан иборатки, ижтимоий тараққиёт жараёнидаги туб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришлар «анъанавий» аграр жамиятнинг «индустриал» жамиятга трансформацияси натижасида юз беради. Бундай трансформация саноат инқилоби ва техникани тезкор ва кенг миқёсда жамиятнинг барча соҳаларига кириб бориши натижасида амалга ошади. Айнан техниканинг тез ривожланиши ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосий детерминанти, сабаби бўлиб қолади. «И.ж.» шаклланишининг асосий тар-

кибий қисмларига унинг пайдо бўлиш жараёнида йирик машина ишлаб чиқариш (Ростоу), эркин савдо ва умумий бозорга асосланган иқтисодийнинг миллий тизими (Арон), меҳнатнинг корхоналашган шаклда ташкил этилиши (А.Тоффлер) киради. Америка социологи Д.Беллнинг фикрича, «И.ж.»нинг ижтимоий динамикасини белгиловчи асосий ўзгарувчан кўрсаткичлар меҳнат ва капитал бўлиб қолади. Бу тезнага асосланиб, немис социологи Р.Дарендорф бундай жамиятдаги асосий ижтимоий зиддият (келишмовчилик)нинг сабаби пролетариат ва капиталистлар ўртасидаги зиддиятдир, деб ҳисоблаган. «Анъанавий» жамиятларга хос бўлган қатъий ижтимоий чегаралар «И.ж.»даги фаол ижтимоий ҳаракатчанликнинг ошиб бориши билан бузилади, анъанавий наслий илтифатларнинг ўрнини имкониятларнинг тенглиги эгаллайди. Бу эса фуқаролар ҳуқуқларининг кенгайиб ва бўлиб боришига, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг демократлашувига олиб келади. Индустриалаш қўлатининг ошиб бориши ҳамда мутахассисларнинг бошқа соҳаларни бошқаришдаги мавқеи ўсиши билан «И.ж.»да мулкчиликнинг бошқарув жараёнидан ажралиши содир бўлиб, ҳақиқий ҳокимият «технотузилма» — олим, муҳандис ва техниклар, савдо, реклама, жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахассислардан ташкил топган махсус ижтимоий ташкилот қўлига ўтади (Билбрейт). 20-а.нинг 70–90 й.лари «И.ж.» тўғрисидаги фикрларда танқидий баҳо кўпроқ ўрин олди.

Хусусан, ҳоз. ижтимоий-сиёсий тараққиёт «И.ж.» қадриятларининг инкор этилишига олиб келгани, бу жамият ҳозир инқирозга юз тутаётгани, инсоният эса «индустриал жа-



миятга нисбатан ўзини ўзи кўпроқ ўзгартириш қобилияти билан фарқ қилувчи», шартли равишда «постиндустриал жамият», деб аталадиган ижтимоий тизимга қараб ривожланиб бормоқда, деб кўрсатилади.

**ИНКОР** — бирор нарсанинг айнан шу нарса эмаслигини таъкидловчи ҳукм; кетма-кет келаётган 2 босқич (ҳолат) ўртасидаги боғлиқлик ва во-рисликни ифодаловчи фалсафий тушунча. **И.** — объектнинг ўзгариши шартли бўлиб, унда баъзи элементлар шунчаки йўқолмай, балки янги сифатда сақланиб қолади. Кенг маънода — бирор ўзгариш, тараққиётни ўз ичига олувчи босқич, лаҳзани ифодалайди. Оламдаги ҳар қандай ўзгаришда, албатта, **И.** лаҳзаси булади, уни четлаб ўтиш мумкин эмас. Мас., тараққиётнинг исталган бир босқичи иккинчи босқич учун замин тайёрлайди. **И.** тушунчаси инкорни инкор қонунининг энг муҳим белгиси, янги билан эскини боғловчи асосий бўгин ҳисобланади. Диалектик таълимотда **И.** тараққиётнинг зарурий ҳолати тарзида талқин этилади. Бу талқинга кўра, ҳамма нарса бетўхтов ўзгаришда, ривожланишда экан, демак ҳар бир янги лаҳзада объект ўзининг илгариги ҳолатини **И.** этиб боради. **И.** деструктив ва конструктив кўринишларда бўлиши мумкин. Деструктив **И.** объектнинг нисбатан тартибсиз, нисбатан қуйи даражага ўтиши ёки ҳалокатини ифодалайди. Конструктив **И.** эса объектнинг гуллаб-яшнаши, тараққий этиши, ўсиши, такомиллашуви, мукаммаллашуви тарзида юзага келади.

**ИНКОРНИ ИНКОР ҚОНУНИ** — диалектиканинг асосий қонуналаридан бири. Табиат, жамият ва тафаккур тараққиёти жараёнининг йўналишини, шаклини ва натижасини ифодалайди. Биринчи бўлиб *Гегель*

ривожланиш қонуни сифатида тарифлаб берган. *Инкор* ҳар қандай тараққиётда муқаррар ва қонунийли равишда содир бўладиган жараён (момент)дир. Ҳеч бир соҳада ўзининг илгариги мавжудлик шакллари инкор қилмайдиган тараққиёт бўлмади. Гегель фикрича, «ички инкор» тараққиётнинг ҳаракатлантувчи кучидир. Диалектик инкорнинг объектив характери шундаки, у ҳар бир нарса ва ҳодисанинг ўз ичида, уларнинг ички заруриятдан келиб чиқади ва ҳар қандай емирилиш ва йўқ бўлиш (инкор)ни ифодаламай, балки тараққиёт учун замин бўлиб хизмат қиладиган инкорни ифодалайди. Бу қонуннинг икки марта такрорланувчи инкорда (инкорни инкор) ифодаланиши нарса ва ҳодисаларнинг доимий равишда ўзгариб, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши ва оқибатда ривожланиши узлуксиз эканлигидан келиб чиқади. Ҳар бир мавжуд бўлган нарса ва ҳодиса ўзгача бўлган нарса ва ҳодисанинг инкор этилишининг маҳсули, айни вақтда шу нарса ва ҳодисаларнинг ўзи ҳам шароитнинг ўзгариши ва вақтнинг ўтиши билан диалектик инкор этилишига маҳкумдир. Ҳар бир нарса ва ҳодисанинг ўзгариши қўшалок, яъни ҳаммаша икки ёки ундан кўпроқ инкор этишлар билан амалга ошади.

Инкорни инкорнинг яна бир муҳим белгиси шуки, тараққиётдаги даврийликнинг тугалловчи ҳалқасида, иккинчи инкор босқичида унинг олдинги босқичидаги баъзи белгилари қайта тикланади (дон — ўсимлик ва яна дон). Бошланғич шакли инкор қилган нарса яна инкор этилганлиги сабабли қўшалок инкор мазкур бошланғич шаклдаги баъзи томонларга хос белгиларнинг қайта тикланишига олиб келади.

Инкорни инкорнинг моҳиятини илгариларга ҳаракат ва ворисликнинг узвий бирлигилан иборат, деб таърифлаш мумкин. Инкорни инкор туфайли тараққиёт тўғри чизиқ шаклига эмас, балки доира шаклига эга бўлиб, бу доирада охири нуқта бошлангич нуқтага яқинлашади. Лекин бу яқинлашув юқори асосда содир бўлиши туфайли тараққиёт бурама (спирал) шаклга эга бўлади. Бу бураманинг ҳар бир доираси, айланмаси юқорироқ тараққиёт ҳолатини билдиради, шу маънода тараққиётнинг диалектик назариясида «бурамаси-мон» сўзи ишлатилади.

Кўпинча инкорни инкор жараёнини «тезис» (тараққиётнинг бошлангич нуқтаси), «антитезис» (биринчи инкор) ва «синтез» (инкорни инкор) шаклида ифодалаб, тараққиётнинг моҳиятини ана шу учликда деб тушунтирилади.

Инкорни инкор жараёнида оддийдан мураккабга, қуйидаги юқорига қараб борувчи ривожланиш содир бўлади.

**ИННОВАЦИЯ** (инг. innovations -- киритилган янгиллик, ихтиро) — олдин мавжуд бўлмаган предмет, тузилма, қадрият ва фаолият методлари (технологиялари)ни яратиш, пайдо бўлган янгилликларни белги, образ ва символларда ифодалаш, ижтимоий ўзлаштириш ҳамда тарқатиш орқали жамият ва инсон ҳаётининг барча соҳаларига татбиқ қилиш жараёни. И. атамаси дастлаб маданиятшунослик фанида маданий ўзгаришлар, турли конкрет-тарихий ижтимоий уюшмаларда янгилликни қабул қилиш ҳамда ўзлаштириш феноменини ифодалаш ва тушунтириш мақсадида қўлланилган. Моҳиятига кўра, И. ҳозиргача мавжуд бўлган барча ижтимоий тизимлар, шу жумладан, цивилизацияларнинг вужуд-

га келиши ва тараққиётини таъминлаб берадиган ижтимоий-маданий ва ижодий жараённи билдиради. И. инсоният тарихининг «биринчи саҳифасида» дастлабки меҳнат ва фаолият курали, мулоқот тили, санъат, мифологик тасаввурларнинг яратилишида намоён бўлади. Инноватика фанида инновацион жараён ва инновацион фаолият тушунчалари фарқланади. Инновацион жараён янгиланишнинг технологик томонини билдиради, янгилликларнинг пайдо бўлиши, қабул қилиниши, ўзлаштирилиши, тарқатилиши ва татбиқ қилинишини ўз ичига оладиган кенг қамровли ҳодисадир. Инновацион фаолият янгиланишнинг ижодий томонини билдириб, мавжуд тафаккур ва ҳаёт тарзи, меҳнат воситалари, предмет ва усуллар, ижтимоий тузилма ва технологияларни ўзгаришга қаратилган ҳар қандай ижодий фаолиятда намоён бўлади. Ҳар қандай И.нинг заминида инсоннинг ижодий фаолиятга эътиди. Ижодий фаолиятни тафаккур ва ҳаёт тарзини ўзлаштиришга олиб келадиган инновацион фаолият даражасига кўтарилиши И.га бўлган субъектив (мотив, эҳтиёж) ва объектив омилларнинг мавжудлигини тақозо этади.

**ИНСАЙТ** (инг. insight — зийраклик, тушуниш) — объектив дунёнинг умумий, жиддий ва зарурий хусусият ва муносабатларини илғаб олиш. Бу атамани фанга немис психологи В.Кёлер муаммовий вазиятда индивиднинг намунали (типик) хатти-ҳаракатини белгилаш учун киритган. Гештальтпсихология назариясида И. объектни қисм ва бўлаклари орқали идрок этишдан фарқли равишда уни бутунлигича фикран англаш деб тушунилади. И. мантиқ ёрдамида ёки дискурсив тарзда шаклланмаган тасаввур си-

фатида онгда, ҳатто тушда тўсатдан пайдо бўлади. И. интуиция лаҳзаси, шуур (онг) ва ношуурийлик (онг-сизлик) ўзаро таъсири маҳсулидир. И.нинг таҳлилий, синтетик (умумлаштирувчи) ва аралаш кўринишлари фарқланади.

**ИНТЕГРАЦИЯ** (лот. *integratio* — тиклаш, тўлдирин, *integer* сўздан) — турли хил қисм ва элементларни бир бутунликка бирлаштириш жараёни. Инглиз файласуфи Г.Спенсер фалсафасига кўра, И. сочилган, сезилмайдиган нарса-ҳолатнинг ички жараёнлари секинлашуви натижасида зичлашиши ва сезилмайдиган даражага ўтиши бўлса, дезинтеграция — бузилиш акси, яъни зич жойлашган нарсанинг ҳаракати тезлашиши натижасида сочилган ҳолатга ўтишидир. Спенсер «И.» сўзини кўпинча, агрегация тушунчаси билан тенг маънода қўлайди. Унинг таълимотига кўра, Қуёш системаси, сайёралар, организм, миллат ривож И. ва дезинтеграциянинг бирин-кетин ўрин алмашувини натижа эълдир.

Немис психолоғи Э.Р.Йенн психологиясида И. деганда, руҳий ҳаётнинг айрим хусусиятларини бутун маънавий ҳаёт мажмуига таъсири тушунилади. Ижтимоий И. индивид, ғуруҳ ташкилот ва давлатлар ўртасида тартибли муносабат мавжудлигини англатади. И. жараёнини таҳлил қилишда у билан боғлиқ тизим ёки соҳанинг мураккаблиги эътиборга олинади. Мас., жамиятда интеграциялашуви, фанда интеграциялашуви ва ҳ.к. Жамият ёки айрим давлатлар И.си мажбурий ўзаро манфаат ёки мақсад, интилиш, қадрият қабилар асосида жорий этилади. Ҳоз. даврда давлатларaro И. жараёнлари ривожланмоқда.

**ИНТЕЛЛЕКТ** (лот. *intellectus* — билиш, тушуниш, идрок қилиш) — инсоннинг ақлий қобилияти; ҳаётни,

атроф муҳитни онгда айнан акс эттириш ва ўзгартириш, фикрлаш, ўқиш-ўрганиш, дунёни билиш ва ижтимоий тажрибани қабул қилиш қобилияти; турли масалаларни ҳал қилиш, бир қарорга келиш, оқилона иш тутиш, воқеа-ҳодисаларни олдиндан кўра билиш лаёқати. И. таркибига идрок қилиш, хотирлаш, фикр юритини, сўзлаш ва ҳ.к. психик жараёнлар кирази. И.нинг ривожланиши туғма исетедод, мия имкониятлари, жўшқин фаолият, ҳаётий тажриба каби ижтимоий омилларга боғлиқ. И. савияси, даражаси инсон фаолиятининг натижаларига, шунингдек, психологик тестларга қараб ҳам белгиланади.

**ИНТЕЛЛИСИБЕЛ** (лот. *intelligibilis* — ақл билан англамоқ) — фақат ақл ёки интеллектуал интуиция билан англанадиган нарса ва ҳодисани билдирадиган фалсафий атама; схоластика ва И.Кант фалсафасида кенг қўлланилади. И.нинг акси — сенсубел; унинг ёрдамида ҳиссиёт билан танқаланадиган объект ифодиланади.

**ИНТЕНЦИЯ** (лот. *intentio* — интилиш) — оия, тафаккурнинг бирон-бир предмет, объектга йўналтирилганлиги. И. тушунчаси ўрта аср схоластикасида, Ф.Брентано, Э.Гуссерль асарларида, неотомизм фалсафасида қўлланилган.

**ИНТЕРИОРИЗАЦИЯ** (лот. *interior* — ички) — ташқи ижтимоий фаолиятни ўзлаштириш туфайли инсон ички психикасининг шаклланиши. И. атамаси француз психолоғлари — П.Жане, Ж.Пиаже, А.Валлон томонидан фанга киритилган. И. тушунчаси инсон фаолияти ва онгининг ўзаро боғлиқлигини, инсон меҳнати маҳсуллари билан ўзаро муносабат жараёнида ижтимоий-тарихий тажрибани одам қандай ўзлаштириши мумкинлигини кўрсатади.

## ИНТУИЦИЯ

**ИНТУИЦИЯ** (лот. *intuitio* – синчиклаб қарайман) – ҳақиқатни далил билан исботламасдан бевосита фаҳм-фаросат билан англаб олиш қобилияти; объектдаги муаммо бўлган ҳолат тўғрисида ҳеч бир мушоҳада ва исботга таянмасдан туриб бирданига, яхлитлигича қамраб олиш асосида янги билимга эга бўлиш. И.нинг ҳиссий, ақлий, эмоционал ва мистик турлари бор. Ақлий мушоҳада ва б. сезги образларига боғлиқ бўлмаган ҳолда тушунчадан олдин келадиган интуитив сезиш – ҳиссий И. дейилади. Э.Гуссерлнинг фикрича, ҳолсаларнинг моҳиятини бирданига ақл билан илғаб олиш интеллектуал ёки ақлий И. дейилади. М.Шелернинг фикрича, бирер нарсаинг қадр-қимматини ҳиссий ёрқали англаб етиш жараёнида эмоционал И. намоён бўлади. Ж.Маритеннинг таъкидлашича, И. илоҳий қудрат билан мулоқот жараёнида вужудга келадиган мутлақо онгон илоҳий илҳом ва кашфиётдир. Интуитивизмда эса И. субъектнинг объект билан бевосита қўшилиб келиши оқибати, деб тушунтирилади (А.Бергсон). «Ҳаёт фалсафаси» ақиқатлари эса И.ни инстинктив билиш, деб тасаввур этилади. Психологияда И. ижоднинг онгенезликдаги ilk тамойилдир, деб таъкид этилади (З.Фрейд). Шарқ фалсафасида И.ни «илоҳий илҳом» ёки «илоҳий зеҳн» деб аташган (Ибн Сино). И.ни урганиб ҳам, бошқариб ҳам бўлмайди. У тўсатдан миёга келиб қолувчи фикрлар. Инсон миёсида рўй берувчи рефлексив жараёнлар шу қадар мураккаб занжирли боғланишлар ҳосил қиладики, баъзан турли сабаб-оқибатли занжирлар тизимидаги ҳалқалар бир-бирига туташиб кетади. Ана шундай туташув жараёнида инсон миёсига ярқ этиб янги фикр келиб қолади. Мана шу ҳолат

И.нинг асаб-физиологик асоси ҳисобланади. Бу кутилмаганда, беҳўсдан рўй берганлиги учун кишилар И.ни илоҳий ва ғайритабиий моҳиятга боғлаб тушунтиришга уринишадди, лекин унинг замирида ётган асл сабаб – онг замиридаги психик жараёнлар номаълумлигича қолаверади. И. инсон миёсида рўй берувчи ўз-ўзини созлаш, ўз-ўзини мувофиқлаштириш механизми билан боғланган. Миёдаги жараёнлар муайян пайтда автоматик тартибда ишлашга ўтади ва ўз-ўзи янги билимни ишлаб чиқари. Бу жараёни онгли назорат қилмаганимиз туфайли миёмизга тўсатдан янги фикр қўйилиб келгандай туйишади. Аслида эса, бу фикр миёмизнинг ўзи автоматик тартибда ҳисоблаб чиққан бўлади. Бу механизм ижтимоий билиш жараёнида содир бўлиши мумкин. Ижтимоий жараёнларни бирданига онга қамраб олиш қийин, шунингдек, ижтимоий ҳодисалар нисбатан узоқ вақт давомида шаклланиши, ўзгариши ва ривожланиши мумкин. Бундай узоқ давом этувчи жараёни бевосита бошидан кечиришга бир одамнинг умри етмаслиги мумкин. Шу сабабли узоқ вақтни қамраб олувчи тарихий манбаларни синчиклаб ўрганиш асосида бу ҳодиса турли хил баҳо берган тарихчиларнинг фикрларини бир-бирига таққослаш натижасида тадқиқотчи миёсида бўлиб ўтган жараённинг хаёлий манзараси ҳосил бўлади ва маълум бўлган ижтимоий жараённинг ривожланиш қонуниятларига таянган ҳолда у ҳулосалар чиқариши, мазкур жараённинг келажаги тўғрисида башорат қилиши мумкин. Ана шундай ижодий жараёндагина баъзан кутилмаганда ижтимоий воқелик тўғрисида янги билимларни пайқаб қолиш ҳодисаси ижтимоий И. ҳисобланади. Баъзи фал-

сафий оқимларда И. мантиқ ва амаллий ҳаёт билан сиғишмайдиган, худодан берилувчи онгсиз жараён сифатида ҳам татқин этилади. Ҳоз. файласуфлар И.нинг рационал маъзи, унинг билишдаги бевоситалик жиҳати ҳиссий ва ақлий фаолият бирлигидир, деб эътироф этмоқдалар. И. сезги, тасаввур ва тафаккурда эмас, балки субъект онгида ҳақиқатга тез эришиш жараёни ҳисобланади.

**ИНЪИКОС** — воқеликни акс эттириш. Фалсафий маънода объектларнинг ўзаро таъсири натижасида молда, энергия ва ахборот алмашиши жараёни. И.нинг энг содда шакли механик ўзаро таъсирдир. Жонли организмларда И.нинг мураккаброқ тури — таъсирланиш ҳодисаси содир бўлади. Мураккаб жонли организмларда психик И. рўй беради. Бу И.нинг оғий шаклидир. Одамлар орасида эса сўзлар орқали фикр алмашиш ҳодисасига асосланган ижтимоий И. мавжуд. Ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро таъсири оқибатида ижтимоий И.нинг мураккаб шакллари намоён бўлади.

И. мураккаб физик, кимёвий, биологик, психик ва ижтимоий жараён бўлиб, бу жараёнда шитирок эгувчилар ўртасида молда, энергия ва ахборот алмашиши ҳодисаси рўй беради. Борлиқнинг тузилиш ҳолатига мос равишда И. ҳам турли хил бўлади. Ноорганик ҳолатда механик, физик ва кимёвий И. турлари учраса, органик ҳолатда эса биологик И. таъсирланиш, мураккаб рефлексив жараёнлар, инстинктлар, ирсий ўзгаришлар кўринишида намоён бўлади. Ижтимоий ҳолатда эса инсоннинг руҳий, ижодий, интеллектуал фаолияти билан боғлиқ бўлган жамоавий хатти-ҳаракатларида, ижтимоий ўзгаришларда умумбашарий миқёсдаги муаммоларнинг вужудга келиши шаклида рўй беради. Мас., ҳозир-

ги эзмонда бутун сайёрамиз миқёсида вужудга келган экологик вазият ҳам жамият фаолиятининг табиатдаги И. дир. И.нинг оний, бир лаҳзали, давомий, узоқ муддатли ва занжирли кечувчи турлари бор.

**ИНҚИЛОБ**, р е в о л ю ц и я — табиат, жамият ёки билишдаги бирор ҳодисанинг ривожланишида содир бўладиган чуқур сифат ўзгаришлари. И. табиатда, мас., геологик тузилмаларда, билиш жараёнида, илм ва техника соҳасида содир бўладиган сифат ўзгаришлари тарзида намоён бўлади. Инсоният тарихий тараққиётида саноат, техника, ижтимоий, маданий, илмий-техника И.лари содир бўлган. И. атамаси кўпроқ ижтимоий-сиёсий тузумни қўққисдан, зўрлик билан ўзгартириш маъносига ишлагилади. Бунда И. тушунчаси жамият ҳаётида содир бўладиган сакрашани, яъни бир сифат ҳолатидан бошқа сифат ҳолатига ўтишни ифодалайди. И. аста-секин, эволюцион тарзда ўзгартиришларнинг аксидир.

**ИОНИЯ ФАЛСАФАСИ** — мил. ав. 6—4-а.ларда юнон файласуфлари томонидан яратилган фалсафа. Асосан, Милет мактаби вакиллари ва Гераклит фалсафаси назарга тутилади. Иони денгизи бўйида жойлашган Милетда вужудга келган. И.ф. умуман олганда кузатувчанлик табиатига эга бўлган. Афсонавий тимсолларнинг кўпчилиги, антропоморфизм, пантеизм унсурларининг мавжудлиги, мажозий ибораларнинг қўлланилиши, ахлоқий муаммоларга кенг урин берилиши И.ф.нинг муҳим хусусиятини белгилайди. Унинг вакиллари ҳамма нарсалар ибидоси руҳ эмас, балки бирон-бир жисмнинг шакли, борлиқ асосида ягона нарса ётади, деб фикр юритганлар. И.ф.да мифологик тимсоллар мавжуд бўли-

## ИРРАЦИОНАЛИЗМ

инга қарамасдан, у рационалистик руҳ билан сугорилган. Зероки, уларда сув, тупроқ, ҳаво, олов, логос, зарурият каби тушунчалар қўлланилган. И.ф. ҳокимият учун зодагонларга қарши кураш олиб борган шаҳар савдогар ва хунармандларининг дунёқарашидир. И.ф. Юнонистоннинг ижтимоий-фалсафий фикри ривожда муҳим аҳамият касб этган. Милет мактабининг йирик вакиллари – Фалес, Анаксимен, Анаксимандр ҳамда Гераклит И.ф.ни янги гоёлар билан бойитдилар.

**ИРРАЦИОНАЛИЗМ** (лот. irrationalis – ақлга зид, гайришуурий) – билиш жараёнида ақлнинг имкониятларини чеклайдиган ёки инкор этадиган фалсафий оқим; фалсафада рационализмга зид бўлган оқимлар номи. Дунёни билишда инсон маънавий ҳаётининг тафаккурдан ташқари томонлари: ирода, бевосита мушоада, ҳиссиёт, интуиция, хаёл (фантазия), инстинкт ва ш.к.ни биринчи ўринга қўяди. Иррационалистлар фикрича, инсон объектив воқеликнинг барча сир асрорларини ақл ёрдамида билишга қолир эмас, воқелик эса қонуниятлардан холи, тасодифларга, кўр-кўрона пролага бўйсунади. И. волюнтаризм, ҳаёт фалсафаси, интуитивизм, прагматизм ва экзистенциализм каби фалсафий оқимларга хос.

**ИСБОТ** – мулоҳаза, ҳукм, назариянинг чинлигини аниқлаш (асослаш). И. таянадиган ва улардан мантиқий равишда тезис келиб чиқадиган ҳукмлар И.нинг далиллари (асослари) деб аталади. Далиллар чин деб қабул қилинади, аммо уларнинг И.и тезисга таянмаслиги лозим, аке ҳолда И.да мужмаллик деб аталадиган хато келиб чиқади. Тезиснинг чинлигини аниқлаб берувчи И. оддий И., тезиснинг ёлгонлигини аниқлаб берувчи И. раддия деб аталади. И. бир

қатор хулосалардан иборат бўлиши ҳам мумкин. Бу хулосаларнинг асослари далиллар ёки улардан келиб чиқадиган қондалар, кўшимча фаразлар ёрдамида амалга ошириладиган И.дир. И.да хатолар бўлиши мумкин, бу хатолар тезисни сохталаштиришдан, асоссиз, хато далилларни қабул қилишдан, И.нинг нотўғри усулидан келиб чиқади. Хатоси бўлган И. асоссиз ҳисобланади. Бироқ И.нинг асоссизлиги ҳали тезиснинг ёлгонлигини И.и дегани эмас. Тезиснинг чинлигини ишончли далиллар билан эмас, балки бирон-бир эҳтимоллик билан аниқлаб берувчи И.лар ҳам бўлиши мумкин.

**ИСЛОМ** (араб. – бўйсуниш, итоат этиш, ўзини Аллоҳ иродасига топшириш) – жаҳонда кенг тарқалган уч диндан (буддизм ва христианлик билан бир қаторда) бири. И. динига эътиқод қилувчилар арабча «муслим» («салоқатли»; кўнлиги «муслимун») деб аталади. «Муслим», «муслимун» сузининг бошқа халқлар орасида ўзгача талаффуз этиш (мас., форсларда – мусалмон, ўзбекларда – мусулмон, қирғиз ва қozoқларда – мусурмон, Украина ва Россияда – басурман) натижасида бу динга эътиқод қилувчилар турин ном билан аталади. Лекин буларнинг ичида ҳозир мусулмон ибораси кенг тарқалган.

Жаҳонда қарийб 1,2 млрд. киши И.га эътиқод қилади. Мусулмонларнинг 2/3 қисмидан кўпроги Осиёда яшайди ва бу қитъа аҳолисининг 20% идан ортиқроғини ташкил этади. Қарийб 30% мусулмонлар Африкага тўғри келади (қитъа аҳолисининг деярли ярми). Дунёда мусулмон жамоалари мавжуд булган 120 дан ортиқ мамлакатдан 40 дан зиёдида мусулмонлар аҳолининг кўпчилигини ташкил қилади – Шим. Африка, Ғарбий Осиёнинг барча мамлакатларида

(Кипр, Ливан, Исроил мустасно), Сенегал, Гамбия, Нигер, Сомали, Афғонистон, Покистон, Бангладеш, Индонезия ва б. баъзи мамлакатларда аҳолининг 80% дан ортиғи мусулмонлардир; бир қанча мамлакатларда мусулмонлар аҳолининг ярмидан 80% игача ташкил қилади (Гвинея, Мали, Ливан, Чад, Судан). Малайзия ва Нигерияда қарийб ярми, баъзи бир мамлакатлар (Гвинея-Бисау, Камерун, Буркина-Фасо, Сьерра-Леоне ва б.)да мусулмонлар озчиликни ташкил қилса ҳам, таъсир доираси кучли. Мусулмонларнинг сони жиҳатдан энг йирик давлатлар — Индонезия, Ҳиндистон, Покистон ва Бангладеш; мусулмонларнинг анчаси Марказий Осиё мамлакатлари, Хитой, Таиланд, Эфиопия, Танзания, Кипрда, Европанинг айрим мамлакатлари (Албания, Босния вв Герцеговина, Македония, Сербия, Черногория, Буюк Британия, ГФР, Франция ва б.), Шим. ва Жанубий Америка қитъаси мамлакатлари (АҚШ, Канада, Аргентина, Бразилия, Гайана, Суринам, Тринидад ва Тобагода, Австралияда, Фижи оролларида яшайди.

И. 7-ада Ҳижоз (Ғарбий Арабистон)да пайдо бўлди. Унинг асосчиси Муҳаммад (алайҳиссалом)дир. И. динининг пайдо бўлиши хусусида И. манбаларига асосланган диний анъанада у илоҳий ҳодиса, инсонларни тугри йўлга солиш учун Аллоҳ томонидан юборилган охириги таълимот деб уқтирилади. И. талқинида дастлаб яҳудий ва христианлар ҳам айнан мусулмонлар эътиқод қилган худога ишонганлар. Шу худо, яъни Аллоҳ одамларга пайгамбар-элчилар юборган. Аммо инсонлар пайгамбарлар таълимотини бузганлар. Шунинг учун Аллоҳ инсонларга охириги расул этиб Муҳаммад (саллоллоху алайҳу васал-

лам)ни танлади, унга ўзининг каломи — Қуръонни нозил қилди. Муҳаммад (саллоллоху алайҳу васаллам) олдин ўз ҳамшаҳарларини, сўнг барча арабларни кўплаб қабिला худоларига сиғинишдан воз кечиш ва ягона худо — Аллоҳга эътиқод қилиш, солиҳ ҳаёт кечириш, у дунёда жаннатга тушиш учун бу дунёда эзгу ишлар қилишга даъват этди. Қуръонга кўра, араблар ва яҳудийларнинг умумий бобокалони Иброҳим Аллоҳга биринчи бўлиб имон келтирган. Демак, И. батамом янги эътиқод эмас, балки Иброҳимнинг қайта тикланган динидир. И. дини тарихини ўрганишда ўша даврдаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий омилларни ҳисобга олиш керак. И. дини вужудга келган даврда Арабистон ярим оролида Макка ва Ясриб (Мадина) каби шаҳар-давлат (полис)лар бошқаларга нисбатан муайян устунликка эга эдилар. Бу шаҳарлар халқаро савдонинг энг йирик марказларидан бўлиб, иқтисодий ҳаёт жушқин тус олганди, шаҳар-давлатнинг келажак тараққиёти учун полис тузуми торлик қила бошлаган. Ҳижоз (Макка, Ясриб, Хайбар, Думат ал-Жандал, Тайма ва б.) ва умуман Арабистонни халқаро савдони барқарор қиладиган, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга қодир ҳарбий кучга эга бўлган ягона салтанатга айлантириш давр талаби бўлиб қолган эди. Салтанат тузиш билан бир қаторда Арабистон ярим оролидаги қабилаларнинг этник ва маданий жиҳатдан бирлашуви, ягона араб тили, оғзаки ва ёзма адабиёт, умумий фикрлашнинг шаклланиши ва ниҳоят, арабларнинг диний тафаккурида ўзгариш жараёнлари кечаётган эди. Бундай ҳаракатни бошқарган кишилар ўз фаолиятларини илоҳий илҳом билан асослай олган ҳолдагина муваффақиятга эриша

оларди. Шундай қилиб, Муҳаммад (саллоллоҳу алайҳу васаллам)нинг диний ва сиёсий фаолияти юқоридаги жараёнларнинг хусусий кўриниши бўлган. Муҳаммад (саллоллоҳу алайҳу васаллам) ҳар томонлама баркамол инсон бўлгани учун, унинг шахсий фазилятлари туфайли яҳудий-христиан мазҳабларига яқин гоё билан яшовчи маҳаллий ҳижозликлар ҳаракати ўзига хос хусусиятлар касб этди, диний ва сиёсий кучга эга бўлди; бу куч И.нинг вужудга келишини энг муҳим тарихий воқеалардан бирига айлантирди.

Муҳаммад (саллоллоҳу алайҳу васаллам) 610 й., 40 ёшида ўзининг диний фаолиятини бошлади ва ваҳий (илоҳий кўрсатма) олаётганини эълон қилди. Аммо, бир неча нуфузли яқин қариндошларини ҳисобга олмаганда, Макканинг кўпчилиги аҳолиси, айниқса, курайш қабила-сининг зодагонлари унинг тарғиботларига очиқдан-очиқ қарши чиқдилар. Муҳаммад (саллоллоҳу алайҳу васаллам) ўзга ерларда тарафдорлар излашга мажбур бўлди. Дастлаб бир гуруҳ мусулмонлар Ҳабашистонга кўчди, сўнг Макка зодагонлари билан маълум даврдан буён рақобатлашиб келаётган Ясрибдаги бану Авс ва бану Ҳазраж қабилаларининг вакиллари 622 й. мусулмон жамоасини ўзига қабул қилиш, Муҳаммад (саллоллоҳу алайҳу васаллам)ни умумий раҳнамо сифатида тан олишга рози бўлишди. Ясриб шаҳридаги мавжуд этник вазият ҳам шунга тақозо этганди. Ҳижра номини олган бу воқеа И. тарихида бурилиш ясади. Кўчиб ўтган кишилар муҳожирлар (кўчиб келганлар), Мадинада И.ни қабул қилганлар ансорлар (тарафдорлар) деб аталдилар. Мадина ва Макка ўртасида бошланган кураш 8 й. давом этди. 628 й. Макка зодагонлари Муҳаммад (сал-

лоллоҳу алайҳу васаллам) билан келишишга мажбур бўлдилар. 630 й. мусулмонлар кўшини ҳеч қандай қаршиликсиз Маккага кириб борди. Макка аҳолиси ёппасига И. динини қабул қилди ва Муҳаммад (саллоллоҳу алайҳу васаллам)ни Аллоҳнинг элчиси (расули) деб эътироф этди. Ана шундан бошлаб Макка И. дини марказига, Каъба мусулмонларнинг муқаддас зиёратгоҳига айланган. Муҳаммад (саллоллоҳу алайҳу васаллам) вафот этган 632 й.да Арабистон ярим ороли тўла бирлаштирилган, унинг аксарият аҳолиси И. динини қабул қилган эди. Арабистоннинг сиёсий, иқтисодий, этник ва маданий жиҳатлардан бирлашишида И. дини муҳим омил бўлиб хизмат қилди ва келажакда вужудга келган мусулмон оламнинг мафғурасига айланди.

Муҳаммад (саллоллоҳу алайҳу васаллам) вафотидан сўнг Абу Бакр, Умар ибн Ҳаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб пайгамбарнинг ўринбосари (халифа) сифатида ҳукмронлик қилдилар. Улар ва улардан кейинги халифалар 7–8-а.ларда Ироқ, Фаластин, Сурия, Эрон, Мовароуннаҳр, Миср, Шим. Африка, Пиреней ярим ороли, Шим. Ҳиндистонни эгалладилар. Бир асрдан камроқ вақт давомида Шим. Хитойдан Испаниягача, Кавказ ортидан Ҳинд океанигача бўлган катта ҳудудни забт этдилар ва И. динини ёйдилар.

И.нинг муқаддас китоби Қуръондир. Мусулмончиликда бу китобнинг бутун мазмуни Аллоҳнинг ваҳий қилинган сўзи деб тушунилади. И.нинг ақидалари, эътиқод талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлари, чеклаш ва тақиқлари Қуръон билан бирга унинг тафсирида, ҳадис тўпламлари ва шариат қўлланмаларида, шунингдек, 8–12-а.ларда ву-



жудга келган илоҳиёт адабиётлари-  
да ўз ифодасини топган.

И.нинг асосий ақидаси – «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Муҳаммад унинг расули», И. илоҳиётининг илк шакли – калом бўлиб, 8-а.да араб халифалигида вужудга келган. Мутакаллимлар И. дини ақидаларини ишлаб чиққанлар.

И. дини 5 «асос» ёки «устун» (аркон ад-дин ал-исломий)га эга: 1) калима келтириш; 2) намоз ўқиш; 3) рўза тутиш; 4) закот бериш; 5) имконият топилса ҳаж қилиш. Шулардан биринчиси имон ва қолганлари ибодат деб эътироф этилган. Имон 7 ақидани – Аллоҳга, унинг фаришталарига, муқаддас китобларига, пайғамбарларига, охират кунига, тақдир (яхшилик ва ёмонлик Аллоҳнинг иродаси билан бўлиши)га ва ўлгандан кейин тирилишга ишонишни ўз ичига олади. И.да хатна, рўза ҳайити, қурбонлик ва қурбон ҳайити, ақиқа, мавлуд, худойи, ашуро каби ўзига хос диний маросимчилик таркиби топган. Бундан ташқари, маҳаллий халқларда И.гача мавжуд бўлган урф-одатлар, жумладан, фол очириш, дам солдириш, азият-аъзабларга, муқаддас жойларга сизгириш ҳам И. маросимчилигига мослашиб кетган.

И.да илк даврдан пайдо бўлган энг биринчи йирик муаммо – олий ҳокимиятни эгаллашга пайғамбардан кейин ким ҳақдироқ, деган масала бўлди. Араб тарафдорлари «шиа» номини олиб, И.да биринчи бўлининини бошлаб бердилар. Учинчи халифа Умардан аниан шу бўлинишнинг қурбонли сифатида жон таслим қилди. Икки тараф – суннийлик ва шиалик ўртасидаги кураш асносида хорижийлар деб аталган учинчи йўналиш ҳам пайдо бўлди. Аммо И. тарихи узра суннийлик асосий йўналиш

бўлиб келди. Ўрта асрларда ҳукмронлик қилган аббосийлар, салжуқийлар, айюбийлар, мамлуклар, усмонли турклар, теурийлар сулолалари суннийликда эдилар. Ҳоз. кунда ҳам суннийлар мусулмонларнинг мутлақ кўпчилиги (93%)ни ташкил этади. Бирдан-бир давлат – Эронда шиалик расмий диний йўналиш сифатида қабул қилинган. Ироқ, Ливан, Шим. Яман, Озарбайжон ва Афғонистонда шиаларнинг йирик жомалари мавжуд. Уммон ва Шим. Африкада хорижийларнинг баъзи тоифалари сақланиб қолган. Мусулмон ҳуқуқшунослиги – фикҳда 4 сунний (ҳанафийлик, шофийийлик, моликийлик, ҳанбалийлик) ва 1 шиа (жаъфарийлик) мазҳаблари шаклланиган. Мазҳаблар диний фирқалардан фарқ қилади. Фирқалар, асосан, географик ва иқлимий омиллар ҳамда И.ни қабул қилган халқларнинг олдинги маданияти, анъаналари ва диний тасаввурлари таъсирида вужудга келган. Уларнинг аксарияти шиа йўналишига мансуб бўлиб, энг йириклари – имомийлар, исмоиллийлар ва зайдийлардир. И.да илк даврлардан шариаат (барча тўда риоя қилиши керак бўлган қонунчилик) билан тариқат (фақат айримлар Аллоҳ хайрихоҳлигига муяссар бўлиши мумкинлиги) ёнма-ён ривожланиб келган. Тариқат асосчилари – муршидларнинг «вали-неъмат» асрлар оша ҳоз. авлодгача етиб келади, деган гушунча бор. 8–9-а.ларда И.да диний-фалсафий оқим – тасаввуф пайдо бўлди. Шарқда энг машҳур бўлган тасаввуф тариқатлари – вақшбандчилик, қодирийлар, шазиллийлардир.

И. динининг муҳим хусусиятларидан бири – уни қабул қилган халқлар вакиллари учун И. ақидаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш им-

кониятини берганидадир. У ўзига хос 3 тараққиёт босқичи ёки даврни ўтади. Биринчисини, шартли равишда, Куръон даври деб аташ мумкин. Куръони каримда ўз аксини топган Арабистон аҳолисининг зиний онги даражасини ифода этувчи диний-сиёсий ва ижтимоий қарашлар, ҳуқуқий ва ахлоқий мезонлар бутун мусулмон олами учун ҳозиргача шакл-шубҳасиз умумий қадрият ҳисобланади. Деярли 4 аср давом этган иккинчи давр И.да умумисломий аҳкомлар ҳукмронлиги остида турли фикрлар (плюрализм)га йул қўйилгани билан ажралиб туради. И.даги йуналишлар, маъқаблар ва фирқалар ана шу даврда пайдо бўлди. Мусулмонларнинг диний бирлиги ҳал қилиб бўлмайдиган муаммо бўлиб қолди. 10–11-а.ларда анъанага содиқ суннийлар билан имомий шиапар, муътазиллийлар ҳамда ашъарийлар уртасида муносабатлар, айниқса, эркинлашиб кетди. Халифа Қодир (991–1031) анъанавий И.ни қонун асосида барча учун мажбурий бўлган давлат дини деб қарор тоғтиришига уриниб кўрди. Шу мақсадда анъанага содиқ илоҳиётчилар имзолаган «Диннинг қодирий рамзи» эълон қилинди. Унда «ҳақ дин» деб эълон қилинган анъанавий диний таълимотнинг асосий қондалари муфассал баён қилиб берилди, ундан четга чиқиш жазолашга лойиқ эътиқодсизлик деб қаралди. Бироқ бу тадбир ҳам И.да диний бирлик урнатилишига олиб келмади. Ҳақиқат кураш кейинги асрларда ҳам давом этди. Бу курашда суннийлар илоҳиётчиси Ибн Таймия айниқса ажралиб турди. У илк исломни тиклашга, «ҳақ дин» асосида диний бирликни ўрнатишга астойдил ҳаракат қилди. И.даги учинчи тараққиёт босқичи мусулмон дунёси «чекка» ўлкаларининг аҳамияти

ва ўрни ортганлиги билан боғлиқдир. Батамом ўзга маданий анъаналарга эга бўлган халқлар мусулмон дунёсининг маънавий ҳаётига қўшилгач, И.га ўз диний-ахлоқий тасаввурлари, хусусий метёрлари ва одатларини олиб кирдилар. Мовароуннаҳр, Эрон, Шим. Африка, Ҳиндистон, Индонезия каби йирик тарихий-маданий минтақаларда И. ўзига хос хусусиятлар касб этди.

И.нинг ривожланишига Мовароуннаҳрда етишиб чиққан алломалар катта ҳисса қўшди. Имом Бухорий китоб ҳолига келтирилган ҳадислар тўплами – «Ал-Жомийъ ас-Саҳиҳ» И. динида Куръони каримдан кейинги иккинчи манба ҳисобланади. Бухорий ва унинг сафоошлари И. илоҳиётининг барча йуналишлари бўйича муҳим тадқиқотлар қилдилар. Жумладан, И. назариётчилигида юқори баҳоланадиган «Иллат аш-Шариат ва Ҳатм ул-Аслиёт» рисоласини таълиф этган Ҳаким Термизий, И. ҳуқуқшунослигини ўрганишининг асосий қўлланмаси ҳисобланган «Ҳидоя»нинг муаллифи Бурҳониддин Марғиноний, И. ақидаси асосларини муайян тартибга солган, калом илмида мактаб яратган Имом Мотуридий, буюк фақиҳ Абу Лайс Самарқандий, мусулмон дунёсининг энг эъзозли муҳаддисларидан Исо Термизий, қомусий илмлар соҳибни, ҳусуван, тафсир, ҳадис, шариат қонуношунослигида салмоқли асарлар битган Замахшарий, тасаввуфда ўзига хос из қолдирган Аҳмад Ясавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Маҳдуми Аъзам, Нажмиддин Кубро, Сўфи Оллоёр, Хожа Аҳрор, Абдуҳолиқ Гиждувоний ва б.и.и. мисол қилиб келтириш мумкин. Улар мусулмон эътиқодини халқ дунёқарашу билан уйғунлаштирганликлари туфайли Ўрта Осиёда маданий ҳаётнинг адабиёт, меъморлик,

муслика каби соҳаларида тараққиёт юзага келди.

И. дини мусулмон мамлакатлари санъатида ўз изини қолдирди. Мейморчилик соҳасида бу жараён янги иморат турлари (масжид, минора, хонақоҳ, мадраса ва б.)нинг пайдо бўлишига ҳамда кенг тарқалишига сабаб бўлди. И. дини пайдо бўлган даврда авж олган бутпарастлик, суратпарастликни оддини олиш мақсадида Муҳаммад (саллаллоҳу алайҳу васаллам) сураткашликни қаттиқ тақиқлаб қўйган эди. Шу асосда И.нинг йирик мутафаккир ҳуқуқшунослари ҳам тасвирий санъатнинг бу турини тақиқланган ишлар қаторига қўшганлар. Бундан улар амалий санъат турлари, нақш, безак, инсондан бошқа ҳайвон ва ўсимликлар суратини истисно қилинган. И.да инсон суратини чизиш ёки унинг ҳайкалини ясашнинг тақиқланишига асосий сабаб — пайғамбар ва азиз-авлиёларнинг расмларини чизиш ёки ҳайкалларини ясаб, уларга сиғиниб кетиш хавфининг мавжудлиги бўлган. 15-а.га келиб Алишер Навоий каби тараққийпарвар олим ва мутафаккирлар мусулмонлар қалбида Аллоҳга бўлган имон ва эътиқод мустаҳкамланиб, суратпарастликка мутлақо мойинлик қолмаганини эътиборга олиб, эндиликда инсон суратини чизишга рухсат беришликни лозим деб топгандир. Натижада Бехзод, Маҳмуд Музаффибга ўхшаш миниатюра санъатини ривожлантирган етук мусавирлар етишиб чиққан. Ҳирот миниатюра мактаби, Бухоро миниатюра мактаби кабилар ривожланган. 20—21-а.ларга келиб, И. дунёси уламоларининг бу санъатга муносабатларига яна бир қарра аниқлик киритилди: илоҳийлаштириш ва одамларнинг сиғиниши мақсадида инсон

расмини чизиш мумкин эмаслиги эътироф этилди. Аммо, фотосуратлар, шунингдек, ёш болалар учун ясалган одам шаклидаги қўғирчоқлар тақиқ доирасига кирмади. Уламоларнинг берган фатволарига кўра, мусулмонларга фаҳш ва уят нарсаларни ифода этувчи расмлар, бут, санам ва икона тасвирдан бошқа тасвирий санъат турлари тақиқланмади.

Мусулмон Шарқи 8—11-а.ларда тараққиётда Фарбдан олдинда эди: фарб олимлари мусулмон файласуфлари ва табибларидан сабоқ олишган; фарб савдогари И. дунёсидаги савдонинг кўламига ҳавас билан қараган; шарқ товарлари фарбда зеби-зийнат моллари ҳисобланган. Шарқ шаҳарларининг бойлиги ва ҳашамати фарб учун афсонадек туюлган. Буларнинг барчасида асосий мафкура вазифасини бажарган И.нинг ижобий хизмати буюк, абадга. Аммо 12—13-а.лардан кейин мусулмон дунёси дастлаб турғунлик, сўнг таназулга юз тутга бошлади. Баъзилар консерватив (қотиб қолган) дин сифатида И. тараққиёти тўсиқ бўлди, дея унга катта айб қўймоқчи бўладилар. Аслида сўнги ўрта асрларда юз берган мусулмон дунёсининг тушқунлиги жуда мураккаб ижтимоий-иқтисодий омиллар билан боғлиқ бўлиб, ўша даврдаги И.нинг ўзи ана шу тушқунликнинг муайян шаклидаги ифодаси эди.

19-а. бошидан 20-а.нинг 2-ярмигача ўтган бир асрлик давр И.нинг ривожланишида муҳим бурилиш босқичи бўлди. Шарқ мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий тузилишидаги ўзгаришлар янги синф — миллий буржуазиянинг вужудга келиши, миллий озодлик ҳаракатининг авж олиши — буларнинг ҳаммаси И.нинг жамиятдаги мавқеига бўлган қараш-

ларда ҳам, ижтимоий ҳаётдаги динликларни И. нуқтаи назаридан баҳолашда ҳам ўзгаришлар ясади. И. диний-фалсафий ва ҳуқуқий меъёрларининг янги тарихий шароитга мослашиш жараёни 19-а. ўрталарида бошланиб, ҳоз.гача давом этмоқда. Бу жараёнини кўпгина тадқиқотчилар «И. ислоҳотчилиги» деб атайдилар, у христиан реформациясидан тубдан фарқ қилади. Бу тафовут, биринчидан, шуандан иборатки, мазкур жараёнлар турли даврларда, турлича муайян тарихий шароитларда рўй берди. Иккинчидан «И. ислоҳотчилиги» дунёвий ҳаётнинг турли жиҳатларини диний нуқтаи назардан қайта баҳолашда намоён бўлди ва соф илоҳиётга доир масалаларга у қадар дахли бўлмади. Учинчидан, И.да христианларникига ушшай чарков билан руҳонийларни боғлаб турувчи тизим бўлмаганидан И.даги ислоҳотлар хусусиятига жиддий таъсир қилди.

Ўрта асрларда таркиб топган мусулмон судлов тизимида катта ўзгаришлар юз берди. Мусулмон ҳуқуқи тизимининг ўзи ҳам муайян даражада ўзгарди: шариат судлари ҳуқуқи аста-секин чеклана борди; 19-а. ўрталарига келиб, усмонийлар империяси ҳудудидан шариат судлари ва дунёвий судларнинг ваколати бутунлай чегаралаб қуйилди. Бир қанча мамлакатларда шариатда кўзда тутилмайдиган жиноят кодекслари ва б. ҳуқуқий ҳужжатлар жорий қилинди. Мисрда Муҳаммад Алининг ислоҳотлари ва усмонийлар империясидаги танзимат сиёсати (ислоҳотлар) тўғрисида И.нинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеида муайян ўзгаришлар рўй берди.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш талаблари мусулмон илоҳиётчилари ва ҳуқуқшуносларини И.нинг бир қанча анъанавий қоида-

ларини янги-янча талқин этишга мажбур эта бошлади. Бироқ, бу жараён осон кечмади ва узоққа чўзилиб кетди. Бу, жумладан, мусулмон мамлакатларида банк тизимини яратиш жоизми (ёки гуноҳми) деган масала юзасидан бошланган мунозарада ўз аксини топди. 1899 й. муфтий Муҳаммад Абду банк омонатлари ва улардан фоиз олиш суд-хўрликка кирмайди, бинобарин, у ман қилинган рибо ҳисобланмайди, деган фатво чиқарди. Бу фатво мавжуд молия тизимини миллий сармоядорлар манфаатига мослаштирди. Мусулмон мамлакатларида тadbиркорликнинг авж олиши шариат қоидаларининг ҳам, мусулмончиликдаги бошқа анъанавий тамойилларни ҳам янги-янча талқин қилишга олиб келди. Ижтимоий онг соҳасида рўй берган ўзгариш жуда муҳим роль ўйнади. Бу, аввало, миллий ўзини англаш жараёнига тааллуқлидир. Шу жараён давомида И.нинг барча мусулмонларнинг бирлиги тугрисидаги анъанавий қоидаси янги маъно касб этди. Жамолиддин ал-Афғоний мусулмонларнинг бирдамлиги ғоясини кўтариб чиқди. М. Абду. Ж.Афғоний, Рашид Ризо ва б.нинг ғоялари миллий озодлик ҳаракатларига тўртки бўлиб кўпчилик мусулмон давлатларининг сиёсий мустақиллигига эришувида ижобий роль ўйнади. Айни вақтда И. бирдамлиги ғоясига асосланган халқаро И. ҳаракати шакллана бошлади: 1926 й. биринчи халқаро мусулмон ташкилоти — Ислом олами конгресси (Муътамар ал-алам ал-исломий) ташкил қилинди. Шунингдек, И.нинг гуё Муҳаммад (саллоллоху алайҳу васаллам) замонидаги «асл» тамойилларига қайтишга даъват этишга турли фундаменталистик оқимлар ва уларнинг таркибида ўз

гоялари учун курашда террор усулига таянувчи гуруҳлар, экстремистик тўдалар пайдо бўлди. 20-а.нинг 2-ярмида жамиятда ижтимоий адолат ўрнатиш масаласида ҳам И. омилидан фойдаланишга қаратилган уринишлар содир бўлди (Эрон ислом инқилоби, Ливия Жамоҳирияси ва б.).

Бир қатор мамлакатлар (Миср Араб Республикаси, Кувайт, Саудия Арабистони, Эрон, Покистон, Афғонистон ва ш.к.)да И. давлат дини (ёки расмий дин) сифатида тан олинган. Айрим мамлакатларда «И.» сўзи давлатнинг расмий номи таркибига киритилган: Эрон Ислом республикаси, Покистон Ислом республикаси, Афғонистон Ислом республикаси, Мавритания Ислом республикаси ва б. Осиё, Африка қитъасидаги баъзи мамлакатларда И.нинг тарқалишига мусулмон партиялари таъсир қилмоқда, улар кўпинча сиёсатда муҳим роль ўйнамоқда. Эрондаги Ислом республикаси партияси, Индонезиядаги Бирлик ва тараққиёт партияси, Малайзиядаги Панмалайзия ислом партияси, Ҳиндистон ва Покистон Жамоати ислом партияси бунга мисол бўла олади. Бир қанча мамлакатларда диний-сиёсий ташкилотлар (шу жумладан, қонундан ташқаридаги ташкилотлар — «Мусулмон биродарлар», Ислом озодлиги партияси) тарқаяган, кўпгина диний билим юртлири (қорилик мактаблари, мадраса, мусулмон ун-тлари), ислом жамиятлари, миссионерлик ташкилотлари, тижорат корхоналари (ислом банклари, сўғурта компаниялари) ишлаб турибди.

Мусулмон суд ишларини олиб бориш тизими сақланиб қолмоқда. 19-а.нинг 70–80-й.ларидаги шариатнинг илгари амалиётда бекор қилинган баъзи бир қоидаларини тиклаш-

га уришиб кўрилди (мас., Покистонда; Суданда президент Ж.Нимейри даврида, араб монархияларида жиний ишлар учун тан жазолари бериш).

20-а. 70-й.ларининг охири — 80-й.ларининг бошида халқаро ишларда ҳукумат даражасида ёки ноҳукумат даражасида иш олиб боровчи халқаро мусулмон ташкилотлари муайян мавқега эга бўла бошлади. Бундай ташкилотлардан энг нуфузлиси Ислом конференцияси ташкилоти (Муназзамат ал-муътамар ал-ислом) бўлиб, у 1969 й. тузилган, унга 55 мамлакат (Ўзбекистон Республикаси 1996 й.дан) аъзо. Халқаро ноҳукумат мусулмон ташкилотлари орасида Ислом олами уюшмаси, Ислом олами конгресси, Ислом олами ташкилоти, Европа ислом кенгаши, АҚШ Олий ислом кенгаши ва б.ни кўрсатиш мумкин. Улар, асосан, И.ни тарғиб қилиш ва ёйиш, диний арбобларнинг халқаро учрашувини ташкил қилиш, турли мамлакатлардаги И. жамоаларига ёрдам бериш билан шуғулланади.

И. Туркистон мустамлакачилик даврини бошдан кечирган пайтда, айниқса, шўролар даврида турли таъқиб ва ҳар томонлама чеклашларга дуч келди, уламоларнинг тақдир аянчили бўлди. И.га оид бебаҳо китоблар йўқотилди, муборак ёдгорлик ва қаламжолар оёқости қилинди. дин пешволари энг хавфли ёв, муҳолиф сифатида маҳв этилди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин, И. дини ҳаётда муносиб ўрнини эгаллай бошлади. Мусулмонларнинг диний ибодат ва маросимларни адо этишлари учун шароит яратиб берилди. Қуръони карим 2 марта ўзбек тилида чоп этилди (1992, 2001 й.лар), ҳадис тўпламларининг таржимаси, И. уламолари-

нинг юзларча китоблари яна халққа етказилди. И. тарихи манбалари ва маросимларини ҳар томонлама, илмий, ҳолисона ўрганишга киришилди, мутахассис кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Шу мақсадда Тошкент давлат шарқшунослик ин-тида исломшунослик кафедраси очилди (1992), деярли барча вилоятларда диний ўқув юртлари фаолият кўрсата бошлади, Тошкент Ислам университети ташкил қилинди (1999), унинг таркибида Исламшунослик илмий тадқиқот маркази ишлаб турибди.

И. тарихи, манбалари, ақидалари, маросимлари, Қуръони карим, Муҳаммад (саллоллоҳу алайҳу васаллам) ҳаёти ва фаолияти, найгамбар ҳадисларини урганиш, тадқиқ қилиш И.шунослик фанининг асосий вазифаси ҳисобланади. Бу соҳадаги тадқиқотлар И. тарқалган мамлакатларда, хусусан, Мовароуннаҳрда И. ва унинг ёзма манбалари пайдо бўлгандан буён олиб борилади. Мусулмон дини тарихи ва Қуръонни ўрганиш Америкада, Европада, жумладан Россияда 19-а. ўрталаридан кенг тус олди. Шўролар давридаги тадқиқотларда И.га, асосан, ягона марксистик мафкура нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёндашилди. И.нинг инсоният тамаддуни тарихидаги аҳамиятини оммага тушултиришда, Турон заминида етишиб чиқиб исломий илмлар хазинасини бойитган улуғ аялломаларнинг меросини халққа етказишда Эшон Бобохон Абдумажидхон ўғли, муфти Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон, Алихонтура Соғуний, марҳум шайхлар Исмоил Махдум (1893–1976), Абуғани Абдулло (1928–1999) ва Юсуфхон Шокиров (1926–2000)ларнинг хизмати каттадир. 20-а. бошларидан бошлаб мамлакатимизда И.

бўйича объектив тадқиқотлар олиб бориш имконияти туғилди. Ўзбекистонлик олимлар И. манбашунослиги, Қуръон таржимаси ва тафсири, И.даги мазҳаблар, оқимлар, машхур муҳаддис ва фақиҳлар, халқаро И. ташкилотлари, диний бағрикенглик, диний экстремизмга оид бир қанча асарлар ёзилар.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасида «Мовароуннаҳр» нашриёти фаолият кўрсатади, «Ислам нури» газетаси, «Ҳидоят» журнали нашр этилади.

**ИУДАИЗМ**, яҳудийлик — асосан, яҳудийлар ўртасида тарқалган энг қадимги динлардан бири. Мил. ав. 1-минг йиллик бошларида Қуддус (Фаластин)да вужудга келган. Арабистон ярим оролининг шимолида кучиб юрган яҳудий қабилалари мил. ав. 13-ада Фаластинни босиб олдилар ва мил. ав. 10-ада Исроил — Яҳудий давлатини туздилар. И. ана шу қабилаларнинг диний урф-одатлари ва Фаластин халқларининг айрим эътиқодларини ўзида мужассамлаштирган. И. номи Яҳудо (Иуда) қабиласининг номидан олинган.

Дастлаб И. кўпхудолик (политеистик) дини бўлган. Мил. ав. 10–6-аларда И. яккахудолик (монотеистик) динга айланган. Озмини яратувчи худо Яхвега эътиқод қилиш, Яхве ва яҳудийлар ўртасидаги аҳд (шартнома)га шак келтирмаслик, яҳудийлар худонинг мумтоз бандалари эканига, Мусо (Моисей)нинг пайгамбарлигига ва унга илоҳий китоб Таврот юборилганлигига, нариги дунёга, маҳдий (мессия)нинг келишига, охираат куни барчанинг тирилишига, жаннат ва дўзахга, гуноҳкорларнинг жазоланиши ва савоб иш қилганларнинг рағбатлантирилишига ишониш И.нинг асосий ақидаларидир. И. динида хилма-

хил ибодатлар, дуолар, урф-одатлар, рўза тутиш, хатна қилиш, озиқ-овқат соҳасидаги тақиқлар, шанба куни ҳеч қандай иш билан шуғулланмаслик, диний солиқлар ва йиғимлар каби талаблар жуда қатъий қилиб қўйилган. И.нинг асосий диний китоблари – Таврот ва Талмудда белгиланган бундай кўрсатмалар орқали диндор яҳудийларнинг турмуши, ахлоқий ва ҳуқуқий ҳаёти назорат остига олинган.

Фанда И.нинг 4 босқичи аниқланган: энг қадимий И. (Библия даври), классик И. (мил.ав. 536 – мил. 70-й.лар), раввинлар даври ва янги давр И.и (модернистик И.). Энг қадимий И. дастлаб Фаластиндаги икки давлат – Исроил ва Яҳудия давлатлари (мил.ав. 11–10-а.лар)нинг кейинроқ улар бирлашгач, ягона яҳудий давлатининг дини бўлган. Бу давр Таврот (Тора)да акс этган. Тадқиқотларда аниқланишича, унинг таркибига кирган матнлар оғзаки тарзда мил. ав. 11–6-а. ўртасида шаклланган. Мил. ав. 5-а.да ёзиб олинган. Бундан кейин И.нинг классик даври бошланади. Мил. ав. 586 й. янги Бобил полшоиси Навуходонесор II Яҳудияни яқсон қилди, салкам 30 минг яҳудийни асирга олди. 50 й. давом этган «Бобил асирлиги» ва унлаб кейинги даврларда минглаб яҳудийлар Фаластинни тарк этдилар. «Қадимги аҳд» матнларининг асосий қисми ана шу даврда ёзилган. Мил. 70-й. Қуддус ибодатхонасининг кулаши ва Талмуднинг ёзилиши орасидаги вақт раввинлар давридир. Яҳудий руҳонийлари Тавротни таяқин ва тавсиф қилиш жараёнида вужудга келган Талмуднинг охирги таҳрири икки вариантда: Қуддус Талмуди – 4-а.да, Бобил Талмуди – 5-а.да эълон қилинди.

7–17-а.ларда яҳудий руҳонийлари (раввинлар) диний ёзувлар – Таврот ва Талмудни тарғиб қилишни давом эттирдилар. Бу даврни акс эттирган жуда кўп раввин адабиёти вужудга келган. 18-а.дан диний талабларни даврга мослаштириш, соддалаштириш ва енгиллаштириш ҳаракатлари авж олди.

И.да қадим замонлардан бошлаб, хилма-хил мазҳаблар ва оқимлар вужудга келган, улар ўртасида кескин кураш борган. Мил. ав. 2-а.дан милоднинг 2-а.гача фарисей, саддукей, ессей, қумронлар жамоаси каби оқимлар вужудга келган. Ортодоксал И. билан бу мазҳаблар ўртасида кураш борган. Милоднинг 1–2-а.ларида ортодоксал И.га мухолиф бўлган айрим оқимлар (яҳудий-христиан секталари)нинг борган сайин И.дан йироқлашиб бориши жараёнида христиан дини мустақил дин сифатида ажралиб чиққан (қ. *Христианлик*).

И.га эътиқод қилувчилар 18 млн.га яқин, уларнинг учдан бир қисми АҚШдадир.

**ЙОГА** (санкритча – бирлашиш, бирикиш) – ҳинд фалсафасидаги 6 ортодоксал (ведаларни эътироф этадиган) тизимлардан бири. Мил.ав. 2-а.да донишманд Патанжалли томонидан асос солинган. Й. сўзи инсон индивидуал руҳининг мутлақ руҳ билан қўшилишини англатади. Ўзининг икки муҳим жиҳати, яъни ўз-ўзини чеклаш ва медитация ҳолатига тушиш билан боглиқ. Й. ўзининг келиб чиқиши жиҳатидан жуда қадимий бўлиб, унда алоҳида аскетик (таркидунёчилик) ҳамда машқ қилиш билан гайритабиий (мўжизавий) қобилиятларга эришиш гоёси акс этган. Й. вакиллари инсон руҳининг худо билан қўшилиб кетишини инсон ҳаётининг олий мақ-

сади деб билганилар. Й. вакилларининг фикрича, инсон руҳи худо руҳига сингиб кетиш учун инсон ўзининг ташқи оламда содир бўлаётган нарса ва ҳодисалардан олиб қочиб, бутун фикр-хаёлини ўзига қаратиши лозим. Улар учун ташқи олам ҳақиқий борлиқ бўлмай, балки алдамчи дунёдир. Ана шунда мистик мушоҳада туфайли инсон руҳи танадан халос бўлиб, худо руҳи билан қўшилади. Й. вакиллари фикрича, бу мақсадга инсон мураккаб комплекс машқлар орқали эришади. Шунингдек, нафас олишга эътибор берилш, овқатланиш ва тегишли ахлоқ қондаларига риоя қилиш лозим. Й. вакиллари таълимотига кўра, инсоннинг кўринмас ҳаётини энергиясини қулча бўлиб ётган илонга қиёс қилиш мумкин. У инсон орқа умуртқа погонасининг қуйи қисмида жойланган бўлиб, анъанавий ҳинд тиббиётида айтилишича, инсоннинг марказни асаб системасини ташкил этади. Маълум машқларни бажарганда бу ҳаётини куч уйғониб, олий руҳ билан қўшилади. Й. амалиётини жисмоний ҳаракатлар эмас, балки тана ҳолатларининг маълум тизими ташкил этади. Й. таълимотида тўртта асосий йўналиш мавжуд: карма-йога – меҳнат ва ҳаракат қилиш йўли билан озод бўлиш усули. Бу таълимотга кўра, бу дунёдаги ҳаёт у дунёдаги ҳаётни белгилайди. Карма-йога инсонни жўшқинликка, фаол меҳнатга давлат этади, ўзини шахсий ва ижтимоий манфаат йўлига бағишлашга ундайди. Карма-йогачилар таълимотига кўра, инсон шунинг эъдан чиқармаслиги керакки, у нимаики қилаётган бўлса, ўзи учун қилишини унутмаслиги керак. Табиат инсон ёрдамига муҳтож, дейди кар-

ма-йогачилар. Рожа-йога ахлоқий-жисмоний ва руҳий йўл билан қутулиш усули. Рожа-йога санкхья фалсафасига таянган ҳолда, пракрити ва пуруша (модда билан рух) – икки мустақил субстанциядан иборат. Шу туфайли инсон рожа-йогачилар фикрича, моддий ва руҳий қисмлардан ташкил топган. Моддий дунё ва борлиқ, руҳий дунё, шунингдек, инсон жони ҳам борлиқ саналади. Бу дунё ҳақиқий дунё эмас, балки ҳақиқий дунёга ўтувчи босқичлардан биридир. Хатха-йога қунт ва тоқат бирлиги бўлиб, «кучли йога» ёки куч орқали жоннинг бу дунёдаги машаққатларидан халос этишидир. Хатха-йога кўпроқ жисмоний тарбияга эътиборни қаратади. Бу тизим орқали амалга ошириладиган машқлар инсон умрини узайтиришга, гузаллик, соғлиққа эришишга, турли касалликлардан фориғ бўлишга олиб келади. Жанана-йогада билиш йўли орқали жон халос этилади. Билмаслик парчалангач, инсон жони ҳурликка чиқади. Инсон ва табиатдаги барча мавжуд нарсалар бир бутундир. Инсон ҳам коинот ташкил топган унсурлардан ташкил топган. Инсон коинотнинг ердаги бир бўлагини. Ҳаётда ҳар бир нарсанинг ўз вақт-соати бор. Бу ритмларга риоя қилиш Й. вакилларининг уқтиришича, куч ва ишлаш қобилиятини камайтиради, уларни бузиш эса касалликка олиб келади. Шунинг учун Й. машқ билан шугулланувчи кишилар ўз буюртмалари, ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда машқ тартибинини белгилашлари лозим. Айрим машқлар организмга кучли физиологик таъсир кўрсатиши мумкин. Улар айтиб бир кишига катта фойда келтирса, иккинчи кишига зарар келтириши ҳам мумкин.



## К

**КАЛОМ** (араб. — равон нутқ, жумла, гап, сўз) — ислом илоҳиёт илми. 8-ада араб халифалигида пайдо бўлган. К. ислом диний таълимотини асослашга ҳаракат қилади. К. тарафдорлари мутақаллимлар дейилади. К. илоҳиётчилари файласуф бўлмаганлар. К. умавийлар ҳукмронлиги даврида расмий ҳокимият билан хорижийлар, шиалар, муржийлар ва б. диний-сиёсий гуруҳлар орасида юз берган ижтимоий-сиёсий воқеалар, баҳслар жараёнида пайдо бўлди ва тараққий қилди. Сиёсий кураш диний шиорлар остида олиб борилганлиги сабабли Аллоҳ адолати (адл), мавжуд воқелик Аллоҳ тарафидан яратилгани ва уни ўзгартириш мумкинми (қадар), кимни имонли ёки гуноҳкор деб ҳисоблаб, жазолани керак (имон) ва ҳ.к. долзарб масалалар эди. К.га хос услуб ва мавзулар мажмуи биринчи бор ал-Жаъд ибн Дирҳам (742 й. қатл этилган) ижодида кузатилади. У услубда доимо ақл-идроққа таяниш талабини илгари сурди ва фақат инсон ақли ожизлик қилган ҳоллардагина Қуръон оятларини рамзий-мажозий маънода талқин қилиш (таъвил) мумкин, деб ҳисоблади. Жаҳм ибн Сафвон (745 й. қатл этилган), Абул-Хузайл (841 ёки 849 й. вафот этган) ва Бишр ибн ал-Муътамир (825 й.дан сўнг вафот этган) унинг фикларини ривожлантирдилар. Жаҳмнинг қарашлари муътазиллийларга яқин бўлгани бос, одатда, бу икки таълимотни бир-бирдан фарқламайдилар. К. тарихида муътазиллийлар мактаби таълимоти муҳим ўрин эгаллайди. Уларнинг таълимоти ал-Маъмун (827–848) даврида «давлат таълимоти» даражасига кўтарилган бўлса, ал-Мутавакқил (847–861) даврида таъқибга учради.

Маълум вақтгача суннийликда муътазиллийларнинг фалсафий далилларига қарши курашда гоявий қурол родини ўйнаши мумкин бўлган ақоид тизими мавжуд эмас эди ва фақат Қуръон ҳамда ҳадисларга ҳавола қилиш билан чекланиларди. Айнан муътазиллийлар ўзларининг мантиқий-фалсафий исботлаш услублари билан ҳақиқий ислом йўли шаклланишига бевосита таъсир кўрсатдилар. Бундай тизим 10-а.га келиб ишлаб чиқилди ва уни К.ни ақидапарастлар билан муросага келтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ал-Ашъарий (873–935) ва ал-Мотуридий (870–944) амалга оширди. Натижада К.нинг ашъария ва мотуридийлик мактаби вужудга келди.

Ал-Боқилоний (1013 й. вафот этган), ал-Жувайний (1085 й. вафот этган), аш-Шаҳристоний (1153 й. вафот этган) ва ар-Розий (1209 й. вафот этган)лар ашъария мактабининг йирик намояндаларидир. Ашъарийлар зоҳиран ўзларини муътазиллийларга қарши қўйиб, ҳанбалийлар билан муроса қилишга интилган бўлсаларда, дунёқарашни бўйича муътазиллийларнинг ақл-идроққа асосланган йўлини давом эттирди. К.нинг иккинчи йирик мактаби — мотуридийлик ҳам мустақил тарзда тараққий этди. Ашъария мактаби, асосан, шофийийлар орасида тарқалган бўлса, мотуридийлар ҳанафийлик доираларида кўплаб тарафдорларга эга бўлди ва, хусусан, Мовароуннаҳр мусулмонларининг асосий ақидасига айланди.

13-адан К. Ибн Сино асос солган шарқ фалсафаси билан яқинлаша бошлади. Натижада, Ибн Халдун таъбири билан айтганда, К. ва фал-

бафдан бир биридан ажратиш мушкул бўлиб қолди. Бу ҳол Байдовий (1286 й. вафот этган), Исфаҳоний (1349 й. вафот этган), Ижий (1355 й. вафот этган), Тафтазоний (1390 й. вафот этган), Журжоний (1413 й. вафот этган)лар ижодига ўз ифодасини топди. Янги ва энг янги даврларда Жамолиддин ал-Афгоний, Муҳаммад Абду, Аҳмад Амин, Ҳасан Ҳанафий каби мусулмон интеллектуалларининг асарларида К. ва айниқса, муътазлийлар гоялари мафқуравий асос вазифасини бажариб келди.

**КАМТАРЛИК** — шахсининг атрофидагиларга ва ўз-ўзига муносабатини ифодалашда, ўзига нисбатан оринқча изат-икром, эътибор талаб қилмаслик, мақтанишнинг негатамаслик, ўзини бошқалардан устун қўймаслик, мағрурланмаслик, соддалик, камсуқумликда намоён бўлишган ахлоқий тушунча, фазилат. Камтар одам бошқаларга изат-ҳурмат билан қарайди, ўзининг муваффақияти ёки борлигидан мақтанмасдан, ўзига маҳдид бўлиб кетмасдан ўз фаолияти, ҳаёти, ҳатти-ҳаракати ва ҳуққ-одобига доимо танқидий қўз билан қарайди. Камтар одам доимо ҳамолотга, яъни илм олиш, малакасини ошириш ижтимоий ҳаётнинг ижобий жиҳатларини улаштиришига интилиб яшайди. Халқимиз ҳамisha К.ни ардоқлаб, манманлик, кеккайишни қоралаб келган. «Камтарга — камол, манманга — завот», деган мақол бунинг ёрқин ифодасидир. Ижтимоини ва шахсий ҳаётда К. шарқона ҳуққ-ат-форимиз, турмуш тарзимизнинг энг муҳим талабларидан бири. Ҳадиси шарифда ҳам «Кимки Тангри наздида ўзини камтар турса, унинг мартабаси ва обрўсини зиёда қилур», — дейилган. Инсон ўз манфаати ёки ютуғини эмас, бошқалар меҳнати ва

муваффақиятини қадрласа, манманлик, мақтанишдан йироқ бўлиб, ўзгаларни камситмай чуқур ҳурмат қилса, кишилар кўнглида хушнудлик ва шодлик туйғусини уйғотса, бундай инсонни олийжаиоб, камтарин дейиш мумкин. Камтар одам хайрихоҳ, меҳрибон, хушфеъл бўлади, ўз ҳатти-ҳаракати, ҳуққ-одобини замон талабига мос ахлоқий қондалар нуқтаи назардан баҳолайди ва уни назорат қилиб боради. Бундай киши жамият, миллат, оила ва кишилар олдидаги обрў ва масъулиятини чуқур ҳис қилади ва шуларга амал қилиб яшайди. Бадғумонлик, манманлик, ҳасад ва димоғдорлик унга ётдир. К.нинг янреги — ахлоқ, илдини — ички дунё, меvasи — яқин фазилатдир.

**КАМИО** Альберт (1913.7.11, Мондова, Жазир — 1960.4.1, Вильблебен, Франция) — француз ёзувчиси ва файласуфи, экзистенциализм оқими вакили, Нобель мукофоти лауреати (1957). К. қарашлари С.Кьеркегор, Ф.Ницше, Ф.М.Достоевский ҳамда немис экзистенциалист файласуфлари таъсири остида шаклланди. К. фалсафасининг марказий мавзун инсон яшашининг маъносиди ҳақидаги «ҳаёт яшашга арзийлими», деган масаладан иборат. К. жамиятнинг бюрократча тузиллишига киритилган замонавий индивидни қараб чиқаркан, яшаш маъносиди ҳуусида ҳар қандай ўй-ҳаёдан маҳрум қилинган зилдининг маънавий ҳаёти зиддиятларини таҳлил қилди; инсоннинг яшашиди беҳуда, деган ҳулосага кетади ва «беҳудалик» категориясини ўз фалсафасининг бош тамойили қилиб қуяди. К. «уюштирилган», «тайёрланган» инқилобни ўз тушунчасига зид деб ҳисоблайди, шунингдек, инқилоб унинг ўзини вужудга келтирган вазиятдан қутулиш йўлини кўрсатиши

мумкин, деган ҳар қандай умидни пучга чиқаради. К.нинг руҳий кайфияти — «беҳуда» дунёда нажотсиз ёлғизликда қолган, замонавий жамиятнинг шафқатсизлигини ўзича ифодалаган инсон кайфиятидир. Асосий асарлари: «Сизиф ҳақида афсона» (1942), «Чекка киши» (1942), «Исёнкор одам» (1951).

**КАНТ** Иммануил (1724.22.4 — Кёнигсберг — 1804.12.2) — немис фойласуфи, немис классик фалсафаси асосчиларидан бири. Кёнигсберг ун-ти проф. (1770—96). Ижоди икки даврга бўлинган. «Танқидгача бўлган давр» 1770 й.гача давом этган. Бу даврда у фалсафа билан бирга табиатшуносликка ҳам қизиқиб, бу соҳада бир қатор буюк гоёларни илгари сурган ҳамда «Осмоннинг умумий табиий тарихи ва назарияси» асарини ёзди (1755). Унда Н.Коперник, Ж.Бруно, Г.Галилей, И.Кеплер ва И.Ньютон таълимотларига таяниб, Куёш системасининг газ ва чапдан тузилганлиги, ўрама шаклида муайян уқ атрофида айланадиган катта булутдан пайдо бўлганлиги ҳақидаги гипотезани яратган. Кейинчалик улардан Куёш ва сайёралар пайдо бўлганлигини тахмин қилган. К. тирик жонзотлар турларининг ривожланиши борасида фикр билдириб, уларнинг муайян кетма-кетликда пайдо бўлиши ҳақидаги гоёни ифода этди. К. инсон ирқлари табиий келиб чиққانлиги ҳақидаги гоёни илгари сурган. К. танқидгача бўлган даврда Ж.Ж.Руссо, Р.Декарт, Г.Лейбниц каби фойласуфларга ҳамоҳнинг равишда рационализм ва гносеологик оптимизм руҳида фикр юритган. К. ижодининг «Танқидий даври» 1770 и.дан бошланиб умрининг охиригача давом этган. К. дунёқарашининг бундай ўзгаришида Д. Юм фалсафий таълимоти таъсири катта бўлган. Танқидий давр-

да К. инсон тафаккури ва руҳи имкониятларини тадқиқ қилди. К. инсон образини янгича тасаввур этиб, уни ўзининг қарама-қаршиликларга гула дунёсининг буюк ярагувчиси сифатида талқин этади. Метафизика асослари ва Д. Юм скептицизми гоёлари устида қилган мушоҳадалари натижасида ўз сўзи билан айтганда, «логматик уйқудан уйғонади» ва объектининг метафизик абсолют бирламчи асосларини излашдан инсон субъекти томон «Коперниксифат тўнтариш»ни амалга оширади. К.нинг ушбу фалсафаси танқидий ёки трансцендентал идеализмдир. Унинг бу таълимоти «Соф ақлнинг танқиди» (1781), «Амалий ақлнинг танқиди» (1788), «Муҳокама қобилиятини танқид» (1790) асарларида ифодаланган. Бу таълимот бўйича фалсафанинг борлиқ, ахлоқ каби муҳим масалаларини таҳлил қилиш учун инсон билими имкониятлари ва чегараларини аниқламоқ керак. К. фикрича, инсон «нарсa ўзида» (моҳияти)ни билишга қодир эмас, у фақат «биз учун нарсa»ни, яъни ҳодисаларни билиши мумкин. «Нарса ўзида»нинг селли аъзоларимизга таъсири натижасида сезгилар мажмуаси вужудга келади. Бу мажмуа бизнинг ақлимиз қуввати билан тартибга солинади ва бир бутунга айлангирилади. Биз табиат қонунлари деб билган нарсалар аслида ақл томонидан ҳодисалар дунёсига киритилган алоқалардир. Яъни, К.га биноан, ақлимиз табиатга қонунлар киритади. «Нарса ўзида» биз учун фақат ақл билан билиш мумкин бўлган, лекин тажрибадан келиб чиқмайдиган моҳиятдир. Танқидий даврда К. инсон ақлининг чексиз қудратига ишонмайди ва гносеологик оптимизм позициясидан агностицизм позициясига ўтади. Инсон билимининг нисбатан чекланганлиги-

га маълум ахлоқий маъно беради. Унингча, агар инсон мутлақ билимга эга бўлса, унда ахлоқий бурчни бажариши учун кураш ҳам, интилиш ҳам бўлмасди. К. таълимоти бўйича, макон ва замон гоълари инсонга унинг тасаввурларидан олдин, яъни априор шаклда маълумдир. Макон ва замон реал эмас, балки фақат тушунча ва гоълардадир, улар ҳиссий мушоҳаданинг априор шакллари. Билиш назариясида диалектикага катта ўрин беради. К. билиш жараёнининг бир қатор антиномияларини, яъни зиддиятларини кўрсатиб беради ва қарама-қаршилиқни билишнинг зарур омили сифатида қарайди. Кант таълимоти фалсафада катта аҳамиятга эга бўлди. Унинг вафотидан кейин немис классик фалсафаси ривожи И.Г.Фихте, Ф.В.Шеллинг, Г.В.Гегель, Л.Фейербах ижодида ўзининг юксак чўққисига чиқди. 19-а.нинг 60-й.ларида К. гоълари асосида неокантчилик вужудга келди.

**КАРНАП** Рудольф (1891.18.5, Вупперталь — 1970.16.9, Санта-Мария, АҚШ) — мантикий позитивизм ва фан фалсафасининг етакчи вакили, файласуф ва мантиқшунос. Вена тўғарагининг фаол иштирокчиси. 1936 й.дан АҚШда. К. фалсафанинг дунёқарашлик хусусиятини инкор этади ва уни математик мантиқ аппаратида асосланган «фан тилининг мантикий таҳлили»дан иборат қилиб қўяди. К. фикрича, бу таҳлилнинг назарий-билиш асоси — эмпиризмни конвенционализм билан бирлаштиришдан иборат. К. асарларида неопозитивизмнинг фалсафий концепцияси мантиқ назарияси ҳамда фаннинг мантикий-методологик таҳлил соҳасидаги тадқиқотлар билан чирмашиб кетади. К.нинг табиатга қарашлари эволюциясида мантикий-

ликни икки босқич — синтактик босқич ва семантик босқичга ажратиш мумкин. Синтактик босқичда К. мантиқ фанини тилшунослик фанининг мантикий синтаксиси сифатида олиб қарайди. Семантик босқичда фан тилининг фақат формал жиҳатини эмас, балки мазмун томонини ҳам тадқиқот предмети қилиб қўяди. Бу босқичда К. мантикий семантиканинг бошланғич тушунчалари асосида формал мантиканинг ягона бир тизимини тузишга уринади. К. ўзининг сўнгги асарларида назарий прагматика (семантика)ни ишлаб чиқиш мумкинлигини қараб чиқади. К.нинг асосий асарлари: «Тилнинг мантикий синтаксиси» (1934), «Семантикага оид тадқиқотлар» (1942–47), «Маъно ва зарурят» (1947), «Символик мантикий муқаддима» (1954), «Физиканинг фалсафий асослари» (1971).

**КАТЕГОРИЯЛАР** (юн. *katēgoría* — мулоҳаза, фикр, белги) — воқеликдаги ҳодиса ва билишнинг муҳим, умумий хусусият ҳамда муносабатларини аке эттирувчи энг умумий ва асосий тушунчалар. Фалсафа фани К.и бошқа фан К.идан ўзининг иҳояда умумийлиги билан фарқланади. К. объектив дунёнинг умумий ва муҳим поғоналари, таянч марказлари ҳисобланади. К.да инсон тафаккурининг мазмундорлиги ва етуклиги ҳамда ташқи оламни билишдаги катта муваффақиятлари ўз ифодасини топади ва у воқеликнинг ўлик нуسخаси эмас, балки нарсалар моҳиятига чуқур кириб боришнинг мураккаб диалектик жараёни ҳисобланади. Бу жараённинг ички мантиги билиш тафаккурининг ижодий фаоллиги, ҳаракат қилиш ва ривожланишни, объектив дунёга нисбатан мураккаб муносабатни чуқур тушунишга ёрдам беради. К. мазмун жиҳатидан ташқи олам қонуниятларига мос келади,

лекин ўзларининг мавжудлиги, шаклларига қараб фарқ қилади. Клар ўз манбаи мазмуни жиҳатидан объективдир, лекин шакл жиҳатидан субъективдир. Нарса ва уларнинг тараққиёт қонунлари моддий бўлиб, инсон онгига бөглик бўлмаган ҳолда объектив равишда мавжуд экан. тафаккур К.и фақат кишилар миясидагина мавжуддир. К. диалектикаси билиш жараёнида бир-бирига узвий боғланган ҳолда келиб чиқади, ўзаро муносабатда бўлади, чунки тушунчалар, К. универсал боғланиш ва ривожланишда бўлган моддий дунёнинг инсон миясидаги инъикосидир. К. ривожланиш манбаи бўлган қарама-қаршиликлар бирлиги ва курашини ўзида ифодалайди. Уларнинг жуфтлиги, мас., моҳият ва ҳодиса, зарурият ва тасодиф, мазмун ва шакл, имконият ва воқелик кабилар билиш жараёнида ҳам қарама-қаршиликлар ётишини кўрсатади. Шунинг учун К. ижтимоий амалиётнинг маҳсули ҳисобланади. Бу ерда инсон назарий ва амалий фаолиятининг бирлиги яққол намоён бўлади. Диалектик К. илмий билишда муҳим методологик ролни бажаради. Объектив дунё ҳодисаларнинг энг муҳим қонунлари ҳаракатини ўрганиш билан фалсафий категорияларни кашф қилишга, нарсалар моҳиятини чуқурроқ ва тўлароқ билишга ёрдам беради, объектив наrsa ва ҳодисалар ҳақида янги билимлар олиш, уларни тўлдирishга сабабчи бўлади. Фалсафада куйидаги К. мавжуд: хусусийлик ва умумийлик, сабаб ва оқибат, зарурият ва тасодиф, мазмун ва шакл, элемент ва структура, бутун ва қисм, моҳият ва ҳодиса, имконият ва воқелик ва б. Айримлик, хусусийлик ва умумийлик К.и бошқа К. сингари билишнинг айрим муҳим томонларини инсон фикрининг алоҳида шакллари сифа-

тида характерлайди, объектив оламдаги наrsa ва ҳодисаларнинг ўзаро боғланиши ва тараққиётини акс эттиради. Айримлик якка сифат ва миқдор, хусусият, аниқликка эга бўлган алоҳида кўринишдаги наrsa, ҳодиса ёки жараёндир. Умумийлик воқеликдаги барча ёки бир қанча якка предмет ёки ҳодисалардаги мавжуд умумий томонлар, хоссалар ва белгиларнинг мажмуи ҳамда улар орасидаги алоқа ва муносабатларнинг ухшашлигидир. Хусусийлик наrsa ёки ҳодисаларнинг шундай доирасики, бунда улар маълум бир муносабатда умумий, бошқасида яккалик, алоҳидалиқдир. Умумийлик наrsa ва ҳодисаларнинг энг умумий томонлари орасидаги алоқаларни ўзида акс эттиради.

**КАТОЛИЦИЗМ** (юн. *katholikos* — умумий, асосий) — *христианлик*даги асосий оқимлардан бири. К. диний таълимот ва черков ташкилоти сифатида 1054 й.да черковларнинг бўлинишидан кейин вужудга келди. 16-а.да К.дан *протестантизм* ажралиб чиқди. Католик черкови қатъий марказлашган, ягона маркази Ватикан, унинг бирдан-бир бошлиғи— Рим папаси. К. христианликнинг асосий ақида ва маросимларини эътироф этади. Айни вақтда ўзига хос ақидаларни ҳам бор.

К. муқаддас руҳ фақат худо-отадан эмас, балки худо-ўғилдан ҳам пайдо бўлган. Рим папаси Исонинг ердаги ноиб, у дин ва ахлоқ ишларида гуноҳ қилмайди, унинг ҳокимияти жаҳон соборлари ҳокимиятидан юқори туради деб ҳисоблайди. К. фақат муқаддас ёзув (Библия)ни эмас, балки муқаддас ривоятни ҳам диний таълимотнинг манбаи деб билади. К.да, православиядан фарқли равишда муқаддас ривоятга католик черковлари жаҳон соборларининг

қдрорлари ва папанинг фикрлари ҳам қўшилади. Рухонийларнинг уйланмаслиги, Биби Марям бокира бўла туриб Исони туғиши, унинг жисми осмонга кўтарилиб кетиши ақиласини эътироф этини, эътиқод тимсолига аъроф ақиласини кўшини К.га хос хусусиятлар.

К. ушун маросимларни тантанали ўтказиш, жафо чекканларни, аълиёларни иззат-хурмат қилиш характерлидир. К.да ибодат асрлар давомида лотин тилида олиб берилган II Ватикан собори (1962—65) ибодатни миллий тилларда ўтказишга рухсат берган. К.га кўпроқ Фома Аквинскийнинг диний қарашлари асос қилиб олинган.

К. жаҳон сиёсатида муайян роль ўйнайди. Католик черков кўп сонли рухонийлар, монахлик орденлари, клерикал партиялар, миссионерлик ташкилотлари ва б.га эга. Черков статистикасига кўра, католиклар 900 млн.га яқин киши. Италия, Испания, Португалия, Франция, Бельгия, Австрия ва Лотин Америкаси мамлакатларида К. ҳукмрон диний таълимот ҳисобланади. Польша, Венгрия, Чехия, Словакия ва Кубада католиклар динга ишонувчи аҳолининг кўпчилигини ташкил этади. 20-а.нинг 60-й.ларидан К. ақидалари, маросимлари, ташкилотлари ва сиёсати замон талабларига мослаштирилмоқда. **КИБР**, кибр-ҳаво, димомдорлик, манманлик — ўз қобилияти, шахсиятига ортиқча баҳо бериш, ўзини бошқалардан юқори қўйиш, калондонмоғлик оқибатида намоён бўладиган салбий ахлоқий сифат. К. салбий иллат бўлиб, кишиларни менсимаслик, уларга паст назар билан қараш, уринсиз, сохта гурурга берилиб, ўзининг арзимас ютуқларини кўкларга кўтариб, бошқаларнинг жузъий нуқсонларидан

қулани, инсон қадр-қимматини камситиб, унинг нафсониятига путур етказиш каби кўринишларда ўзини намоён қилади. Муқаддас ҳадисларда «Қимки бировнинг бирор айбини толиб усгидан қулган бўлса, ўзи ҳам шу айбга мубтало бўлмагунча дунёдан ўтмайди», дейилган. Кибр-ҳаволи кишилар озгина амал, ютуқ, мол-мулкка эга бўлдим, юриш-туриши ҳам, гап-сузи ҳам, хатто ўзини тутиши ҳам ўзгариб қолади. Кибр-ҳаво, манманлик, камчилик, нуқсонгина эмас, балки одобсизлик, менсимаслик аломати ҳамдир. Абулқосим Фирдавсий қибр-ҳаволи кишиларга қарата, «Хунаринга бўлма кўп мағрур. Оёнингга мустаҳкамроқ тур» деган бўлса, Саъдий Шерозий, «Ҳаддан ортиқ довуллаган шам, куйдирмоғи мумкин хонумнинг ҳам», деб огоҳлантирган. Куръонда кибр-ҳаволи кишиларнинг жойи жаҳаннам эканлиги таъкидланган (Замар сураси, 60-оят). Муқаддас ҳадисда: «Қимки ўзини катта тутиб, юриш-туришида кибр-ҳаволи бўлса, охиратда Тангрининг газабига дучор бўлар», — дейилган. Инсон кибр-ҳавога берилмаслиги, қакабурлик қилмаслиги, ор-номусли, виждонли, камтарин бўлиши шарқона одоб-ахлоқи мизга мосдир.

**КИНДИЙ**, Абу Юсуф Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий (тахм. 800, Басра — тахм. 870, Бағдод) — урта асрлар даври машҳур мутафаккири, араб файласуфи, йирик қомусий олим. Шарқ аристотелизми асосчиларидан.

К.нинг табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий қарашларида ўз даврининг асосий фалсафий гоялари жамланган. К. фалсафий асарларида борлик, табиат, Аллоҳ, оламнинг яратилиши, шакл ва материя, замон ва макон, ақл ва унинг билиш жа-

раёнидаги ўрни каби муаммолар ўз ифодасини топган. Унинг қарашларида борлиқ масаласи етакчи мавқега эга. К. муътазиллийларнинг кўзга кўринган вакили сифатида маънавий-руҳий ибтидои бутун борлиқнинг асоси, деб эътироф этади. Унинг таъкидлашича, олам йўқдан «бир туртки» орқали ҳар қандай вақтдан ташқари, Аллоҳнинг иродаси ва хоҳиши туфайли пайдо бўлади. Аллоҳ бирон-бир нарсани муҳайё қилмоқчи бўлса, унинг «бўл» дейишининг ўзи кифоя. Аллоҳ барча нарсаларнинг сабабчиси дир. У аслида биринчи сабаб. Барча бошқа нарсалар эса дастлабки сабабнинг оқибатидир. Сабаб абадийликни касб этган экан, демак, оқибат ҳам абадий дир. Маддий нарсалар субстанционаллик моҳиятига эга. Субстанция намоён бўлиш нуктаи назардан икки хил кўринишда: оддий ва мураккаб шаклда бўлади. Оддий субстанциялар унсурлар ва шаклдан ташкил топади. Мураккаб субстанциялар эса оддий субстанциялардан иборат дир. К. 5 та субстанция – материя, шакл, макон, замон ва ҳаракат мавжудлиги ҳақида фикр юритади. К.нинг фикрича, материя деганда тўртта унсур: олов, ҳаво, сув ва тупроқни тушуномқ лозим. К. билиш муаммоларига алоҳида эътибор қаратган. Воқеъи жараён ва ҳодисаларни билиш жонли мушоҳада ҳамда тафаккур орқали рўёбга чиқади. Жонли мушоҳада бу айрим нарсалар ва ҳодисаларни инсон миёсида аёк эътириши дир. Нарсаларга ҳос умумийлик эса инсоннинг ақлий фаолияти таъкидасида эътилолади. Айрим нарсалар физик тадқиқотларнинг объекти бўлса, умумийлик эса метафизик (фалсафий) муаммоларга тааллуқли дир. Лекин шу билан бирга, айримликни билиш умумийликни маъна-

вий ўзлаштиришга йўл очиб беради. Жонли мушоҳада берган билим беқарор дир, чунки унинг объекти ҳисобланган нарсалар ўзгарувчанлик табиатига эга. Улар ўхшаш ёки ўхшаш бўлмаган, тўлиқ ёки тўлиқсиз, кучли ёки кучсиз шаклларда намоён бўлади. Ақлий билиш эса абадий дир. Ҳақиқатни забт этиш эса аста-секин амалга ошади. Ҳақиқат бирон-бир кишининг мулк эмас, у кўпчиликнинг савий-ҳаракати туфайли кўлга киритилади. Илм ва имон бир-бири билан чамбарчас боғланган. Кимки илми қадрлама, илм аҳлига ихлос қўйма, экан, имон бутунлигига даъво қилишга ҳаққи йўқ.

К.нинг асарларида илгари сурилган ижтимоий-фалсафий гоялар Фобробий, Беруний, Ибн Сино, Ибн Рушд, Умар Хайём фалсафий қарашларининг шаклланишига, Шарқ ва Ғарб халқлари фалсафий тафаккурининг ривожига самарали таъсир этган. Асосий асарлари: «Таърифлар ва нарсаларнинг баёни ҳақида», «Инсон билимларининг таснифи», «Фанлар моҳияти ва уларнинг таснифи», «Арасту китобларининг миқдори ва фалсафани ўрганиш учун зарур нарсалар ҳақида», «Биринчи фалсафа ҳақида», «Бешта моҳият тўғрисида ёзилган китоб».

**КОНТ** Огюст (1798.19.1. Монпелье – 1857.5.9. Париж) – француз фалсафуфи ва позитивизм мактаби асосчиси. К. фанга ilk бор социология атамасини киритган. У туфайли социология муайян илмий тизимдан жон олди. К.га кўра, кишилик жамиятини ташкил этиш социологиянинг амалий мақсади ҳисобланади. У анъанавий тарих фалсафаси, тарихий факт ва сиёсий-ҳуқуқий фикрдан фарқли ўлароқ, ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини илмий ўрганиш-

ни кўзда тутган. К. метафизик фалсафани рад этган. К.А. Сен-Симонга котиблик қилган (1817–22). Тарих ва социологияга оид қоидалари Сен-Симоннинг кучли таъсирида бўлган. Позитивизмга эмпиризм билан мистицизм орасидаги ўрта йул сифатида қараган. К. фикрича, фан моҳиятини эмас, фақат ҳодисани биледи. Дунёни адекват аке эттириш учун маҳсуе фанлардан фойдаланиш кифоя қилмаслигини, билишнинг умумий илмий методларини ишлаб чиқиб, айрим маҳсуе фанлар ўрасидаги боғланишни очиб, илмий билим тизимини яратилиш кераклигини баён қилди. Асосий фанлар погонаси «математика-астрономия-физика-кимё-биология-социология» кўринишига эга. Умумий чизмадан кўринадики, социология биология қонунларига асосланади. лекин у индивидларнинг бир-бирига ўзаро ҳаракатидан келиб чиқувчи ўзига хосликка эга. Бу ўзаро ҳаракат ҳар бир авлоднинг кейингисига таъсир натижасида янада мураккаблашади. Бу қоида К.нинг «Позитив фалсафа курси» асарида асослаб берилган. Унинг биринчи жилди 1830 йда чоп этилган. К. барча билимлар – астрономиядан бошлаб социологиягача эмпирик далиллардан, уларнинг ўзаро боғлиқлигидан келиб чиқади, деб тушутилади. К. жамият тараққиётини белгиловчи инсоният ақлзаковати эволюциясининг 3 босқичи (илоҳий, метафизик, позитив ёки илмий) назариясини илгари сурди. Фанлар таснифини ишлаб чиқди. Ўзи кашф этган «социология» фанини фундаментал фанлар қаторига киритиш мақсадида ижтимоий ривожланишнинг эволюцион назариясини яратди. Инқилобий назариялардан воз кечиб, улар ўрнига эволюцион тамойиллардан фойдаланди.

Жамиятда мавжуд бўлган тартибни инқилобий йул билан эмас, балки ислоҳот билан ўзгартириш кераклиги, эволюцион ўзгартиришлар ижтимоий ривожланишни таъминлашини таъкидлади. К. ўз тадқиқотларида оила ривожланиши қонунларига эътибор қарагиб, жамият ривожланишининг асосий қонуни – «тарихий ривожланишнинг уч босқичи қонунига» алоҳида аҳамият берган.

19-ада К. қарашларида бурилиш юз берди. У социологияни «субъектив усул» ҳисобига «кенгайтириш» ва жамиятни ўзгартирувчи «амалий фанга» айлангатиришга қарор қилди. К. фикрича, алоҳида олинган одам, бу – «зоологик тур», унинг ҳақиқий табиати улкан организм бўлган инсониятдагина намоён булади. К. жамиятни ижтимоий қайта тузишда маънавий устун бўлган иккинчи «теологик синтез» зарур, деб ҳисоблаган. Бу, албатта, тасеидф эмас эди. Унинг иккинчи «социологияси» ҳозирда Фарбда оммавий бўлган экзистенциал-феноменологик ҳилдаги «гуманистик социологиянинг» устувор йуналиши бўлиб хизмат қилмоқда.

**КОНФУЦИЙ.** Кун Фуцзи, Кунцзи, Куз Цю, Кун Чжунни (мил. ав. тахм. 551 – Цюйфу ш., Хитойнинг Шандун вилояти – 479) – қадимги Хитой файласуфи, конфуцийчилик асосчиси, сиёсий арбоб. Камбағаллиниб қолган аристократ ва ҳарбийлар оиласида тутилган. 22 ёшида таълим бериш билан шугулланиб, Хитойнинг энг машҳур ўқитувчиси сифатида шуҳрат қозонган. К. ўзи очган мактабида 4 та фан: ахлоқ, тил, сиёсат ва адабиёт ўқитилган. 50 ёшида К. сиёсий фаолиятини бошлаб, Лу давлатида юқори амалдор бўлиб хизмат қилади. Фитналар натижасида хизматидан кетади, 13 й.



мобайнида Хитойнинг турли ўлкаларига боради, бироқ у жойларда ўз гоёларини қўллай олмагач, мил. ав. 484 й. Луга қайтиб келади. Таълим беришдан ташқари қадимги Хитойнинг 5 та мумтоз асари – «Шуцзин», «Шицзин», «Ицзин», «Юэцзин» ва «Лицзи»ни тўплаш, таҳрир қилиш, тарқатиш билан шуғулланади. К. таълимоти унинг «Лунь юй» («Сухбатлар ва мулоҳазалар») китобида баён этилган. Бу китоб аслида К.нинг фикрлари ва суҳбатлари асосида шогирдлари ва издошлари томонидан яратилган. К. ўзи учун, авлодлари, яқин шогирдлари учун алоҳида ажратилган қабристонга дафн этилган; унинг уйи К. ибодатхонасига айлантирилган, бу жой зиёратгоҳ бўлиб қолган.

**КОНФУЦИЙЧИЛИК** – Хитойдаги ахлоқий-сиёсий таълимот; кейинчалик 3 асосий фалсафий-диний оқимдан бири (даосизм ва буддизм билан бирга). Конфуций (мил.ав. 551–479) асос солган. К. таълимотида подшоҳга садоқат («чжун»), бурчга садоқат («и»), инсонпарварлик («жень») каби тушунчалар марказий ўринни эгаллайди. Уларнинг асосида ушбу хислатларни ўзига сингдирган олийжаноб кишилар («цзюнь-цзи») ҳақидаги гоё туради. Кишиларни олийжаноблар («цзюнь-цзи») ва паст табақалар («сяо-жень»)га ажратиш шундан келиб чиққан. Унга кўра, бошқарув биринчилар томонидан амалга оширилиши, кейингилар эса фақат итоат этишлари зарур бўлган. Бошқа фалсафий оқимлар каби К. ҳам аввало, осойишталик ва хотиржамлик, тартиб ва гуллаб-яшнашни кўзлашга йўналтирилган. К. фалсафасида осмон тартиб ва мукамаллик тимсоли ҳисобланган. К. вакили Мэн-цзи Хитой тарихида биринчи бўлиб ошқора тарзда ҳукмдорнинг шахс сифатидаги манфаатларидан мамла-

кат ва халқ манфаатларининг устуворлиги ҳамда ноинсоф подшоҳни ағдариб ташлашга халқнинг ҳуқуқи борлиги ҳақидаги гоёни шакллантирди. У ижтимоий тенгсизликни «осмоннинг иродаси» мавжудлиги билан асослади. К.нинг бошқа бир вакили Сюн-цзининг таълимотига кўра, «осмон» табиатнинг бир қисми бўлиб, у онга эга эмас. Инсон нарсаларнинг яшаш қонунлари («дао»)ни билиб олгач, улардан ўз манфаатлари учун фойдаланиши лозим. К.да таъкидланишича, қонун инсон манфаатларига хизмат қилмоғи лозим. Қонун ўзгариши билан манфаатдорлик ва манфаатсизлик тушунчалари ҳам бошқача маъно касб этади, инсон фаолиятида туб ўзгариш рўй беради. Ўтмишда ўрнатилган тартибга сажда қилиш янги қонунлар руҳига зиддир. К.да жамиятни бошқаришга катта эътибор берилиб унга кўра, жамиятни керагидан ортиқ оддий қонунлар билан тўлдириб юбормаслик зарур. Хитойда асрлар мобайнида К.нинг турли мактаблари юзага келган. Улар ўртасида кескин кураш борган. К. мил. 1-а.да давлат таълимотига айланди, 9-а.да буддизм, 11-а.да даосизм устидан тўла ғалаба қозонди. Бунга, айнқса, Сун даври (960–1279)да неоконфуцийчилик ривожланганлиги туфайли эришилди.

**КОРРЕЛЯЦИЯ** (лот. correlatio – нисбат, нарса ва тушунчаларнинг ўзаро муносабати) – нарса ёки тушунчаларнинг ўзаро боғлиқлиги, бир-бирига тобелиги, нисбати. К.дан Аристотель, Гиппократ ўз тадқиқотларида кенг фойдаланишган.

**КРЕАЦИОНИЗМ** (лот. creatio – яратиш) – оламни гуё худо томонидан йўқ нарсдан яратилганлиги тўғрисидаги таълимот. Унинг илдиэлари қадимий афсоналарга бориб тақалади. Олам худо иродаси туфайли хаос

(тартибсизлик)дан яратилган. К.ни яҳудийлик, христианлик, ислом дини илоҳиётчилари ҳимоя қиладилар. Исломдаги оламнинг яратилиши ҳақидаги фикр К.га мисолдир.

**КУБРО**, **Нажмиддин Кубро** (тахаллуси; асл исми Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад ал-Хивақий ал-Хоразмий) (1145 – Хива – 1221) – ўрта-осиёлик шайхул-машойихлардан бири, кубровийлик тариқатининг асосчиси. Шариат ва тариқат илмининг машҳур намояндаси бўлгани учун Нажмиддин Кубро («Диннинг улуг юлдузи») таҳаллусини олган. Истеъдодли муридларни тарбиялаганлиги сабабли уни «Шайхи валитарош» (валиларни вояга етказувчи) ҳам деганлар. Хива ш.да илм асосларини эгаллагач, Ҳамадон, Бағдод, Дизфул, Дамашқ, Табриз, Қоҳира, Нишопур, Тус шаҳарларига бориб, атоқли ҳадисшунос олим, файласуфлардан илми калом, ҳикматни ўрганади, тасаввуфга қизиқиб, тариқат одобидан таълим олади. 1185 й. уйланиб, Хоразмга қайтади ва Хоразмда катта хонақоҳ қурдириб, муридлар тарбияси билан шуғулланади. Мугуллар Хоразмга бостириб келганда, муридлар билан душманга қарши курашади ва босқинчилар қўлида шahiд бўлади. Қабри Кўҳна Урганчда.

К.нинг мақсади одамларни ҳам жисмонан, ҳам ақлий, ҳам руҳий-маънавий жиҳатдан етук қилиб тарбиялаш бўлган. Тариқат ва саховатлиликни бир-бирига қўшган, ахлоқий поклик, мардлик, ҳожатбарорлик ғояларини тарғиб этган. Илоҳни севиши билан яхши инсонларни севишни бирга олиб қараган, нафсни қаттиқ қоралаб, улуг тақво пири деган ном чиқарган.

Билиш назариясида ақлий ва ҳиссий-интуитив билишни бирлаштирган, тасаввуфда ҳушёрлик (саҳв)

маслагини танлаб, беҳуд – девоналикни инкор этган. У инсонни кичик олам деб, унинг камолоти чексиз эканини таъкидлаган, тасаввуфда орифлик рутба (мартаба)сини олдинга суриб, мақомат, яъни даражаларга ажратишнинг ўнга босқичини жорий этган. У ўз қарашларини араб тилида ёзган бир неча рисоаларида баён этган. К.нинг форс тилида ёзган рисоласи ҳам бор. Форсча рубоийларида жавонмардлик, пок ахлоқ ғоялари ифодаланган.

К. асослаган кубровийлик тариқати Осиё ва Африкадаги мусулмон мамлакатларига тарқалиб, минглаб мухлисларга эга бўлган. К. машҳур руҳоний шайх, кароматли донишманд, файласуф ва Ватан учун жонфидо қилган ажойиб инсон сифатида бизга азиз ва фахр ҳамда ибрат намунасидир.

К. таълимотини ҳар томонлама таҳсил қилмоқ ва унинг Ўрта Осиё маънавий ҳаёти ҳамда турмуш тарзининг ривожланишидаги аҳамиятини кўрсатмоқ учун ҳоз. пайтда барча имкониятлар яратилган. К. таълимоти Ўрта Осиё, Ўрта ҳамда Яқин Шарқ халқларининг миллий ўзинга хошлиги, турмуш тарзи, фикр юритишдаги хусусиятлари ва миллий менталитетининг шаклланишига сезиларли таъсир курсатди. Бу таъсирни ўрганиш ва билиш миллий ўзлигимизни англашда катта аҳамиятга эгадир. К. шахси ва мероси Ўзбекистонда мустақиллик туфайли ўрганила бошланди. 1995 й.да Ўзбекистонда К. таваллудининг 850 йлиги нишонланди.

**КУЗАТИШ** – нарса ва ҳодисалар хоссалари ҳамда улар ўртасидаги боғланишларни ўрганишда қўлланиладиган ҳиссий билиш услуби. К. кузатувчи (субъект) ва кузатиладиган объектдан иборат. К. оддий, фаол, пасив, илмий бўлади. Илмий К.да

субъект объект тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиши керак. Шунинг учун ҳам субъект аввалги илмий билимларни ўрганиб, нарса ва ҳодисалар тўғрисида маълумотларга эга бўлади. К.нинг қай даражада бўлиши қўйилган мақсаднинг аниқлигига боғлиқ. К. табиий ва сунъий шароитларда олиб борилади. Илмий кузатишда субъект объектни фақат кузатибгина қолмайди, балки унинг хоссалари тўғрисидаги маълумотларни баённома, жадвал, схемалар ёрдамида ифодалаб беради. К.га қўйиладиган талаблар асосан, қўйидагилардан иборат: фаоллик; мақсадга мувофиқлик; режаланиш; системалилик. К. натижалари К. воситаларига ҳам боғлиқдир. К. оддий кўз ва мураккаб асбоблар ёрдамида олиб борилиши мумкин, яъни у бевосита ва билвосита бўлади. К. қадимдан астрономияда кенг қўлланилган. Хоразмий, Форобий, Беруний, Мирзо Улуғбекнинг астрономия фанида қолдирган кашфиётлари К. орқали яратилган. К.да субъектнинг психологик-руҳий ҳолати ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Бундан ташқари, субъект ўзи кутган натижани олишига ишонishi керак. К.да объектни бутунча ёки унинг айрим хоссалари ва томонларини ўрганиш мумкин. К. эмпирик билишга асосланган бўлса ҳам, унинг натижалари талқин қилинишида илмий билиш муҳим ўрин тутати. Ижтимоий фанларда К.нинг натижалари кузатувчининг шахси, унинг ўрганилаётган объектга муносабатига боғлиқ бўлади. Социология, антропология, ижтимоий психология фанларида ҳам К. ўзига хос ўрин тутати. Замонавий фанлар методологиясида К. бошқа усуллардан бугундай ажратилмайди. Мураккаб объект ва жараёнларни ўрганишда ундан зарурий усул сифатида фойдаланилади.

**КУМУЛЯТИВ** (лот. *sumulatio* – кўпайиш, тўплаш) – билиш назариясининг методологик тушунчаси. 20-а.нинг ўрталарида америкалик олим Т.Кун томонидан фанга киритилган.

**КУМУЛЯТИВИЗМ** – фан фалсафасидаги методологик концепция. Унга кўра, билимнинг ривожланиши ҳақиқий билимлар йиғиндисида аста-секин янги ҳолатларнинг қўшилиб бориши йўли билан содир бўлади. Билим ривожининг бундай соддалаштирилган тушунчаси ундаги узлуксизликни мутлақлаштиради, сифат ўзгаришларини, эскирган, рад этилган билимларни чиқариб ташланишини истисно этади. К. тавсифий табиатшунослик тажрибасини танқидсиз умумлаштириш ва дедуктив фикр юритиш идеали сифатида вужудга келади. Ривожланишнинг метафизик концепцияси билан боғлиқ бўлган билиш тажрибасининг узлуксизлиги гоёси ва адашишни билишнинг соф субъектив лаҳзаси сифатида тушунилиши К.нинг гносеологик асоси бўлиб хизмат қилади. К.нинг эмпиристик (тажрибавий) кўринишида билимнинг ортиши унинг эмпирик мазмунининг кўпайиши билан айнан (У.Уэвелл, И.Лакатос) деб тушунилади; рационалистик кўринишида эса билим ривожини маъхум тамойиллар ва назарий тушунтиришларнинг шундай кетма-кетлигики, унда ҳар бир кейинги таркибий қисм ўз ичига аввалгисини олади (неокантчилар, неопозитивистлар) деб талқин қилинади. Ҳоз. замон фан методологиясида бир-бири билан тенглаштириб бўлмайдиган назариялар ҳақидаги тезис, шунингдек, билим ривожланишининг диалектик концепцияси К.га қарши қўйилади.

## Л

**ЛАКАТОС**, Лакатош Имре (1922.9.11, Будапешт – 1974.2.2, Лондон) – англиз фан файласуфи ва тарихчиси. 1958 й.дан Буёк Британияда. 1960 й.дан Лондон иқтисодиёт мактабида дарс берган. Инглиз файласуфи К.Р.Поппер шогирди. Унинг ишини давом эттириб, фалсафа ва танқидий рационализм методологиясига ўзининг сезиларли ҳиссасини қўшган. Л. методологиясида фаннинг ривожланиши бир-бири билан боғлиқ бўлган назария дастурларининг ўзгариб боришида, деб кўрсатди. Ҳар бир янги назария дастури мавжуд назарияларга қўшилган ёрдамчи гипотезалардир, дейди у. Дастурлар давомийлигига эса ўзига хос норматив қоида шартлари асос бўлади. Айрим ушбу қоидаларда кейинги тадқиқотларда қайси йўллардан фойдаланиш зарурлиги («ижобий эвристика») ва қандай йўллардан фойдаланмаслик кераклиги («салбий эвристика») ўқтирилади. Ҳар бир тадқиқот дастурида асосий элемент «қаттиқ ядро» ҳисобланади. «Салбий эвристика» классик мантиғи «қаттиқ ядро»нинг дастурий изланишлар жараёнига қаратилишини қатъиян ман қилади. Бунинг ўрнига у ёрдамчи гипотезаларни кашф этишни ва улар ўз навбатида «қаттиқ ядро»нинг дастурий изланишларини «сақловчи камар» бўлиши кераклигини айтади. Ушбу «сақловчи камар» ўз шаклини ўзгартириши ёки дастурга бутунлай қарама-қарши далиллар келтирилганда ўзгартириши мумкин. «Ижобий эвристика» ўз томонидан ғоя ва рецептларни жамлайди. Л. ўз қарашларида фан тараққиётига доир фалсафий концепциясини илгари суради. Унда фан тараққиёти илмий тадқи-

қот дастурлар (ИТД) рақобати ва алмаштирилиши ҳамда илмий ҳалоллик кодексида намоён бўлади. Бир ИТД бошқаси билан алмаштирилиши Л. учун илмий инқилоб ҳисобланади. ИТД тузилишида уч элемент ажралиб туради: конвенционал равишда илмий жамоа томонидан қабул қилинган «бикир (қаттиқ) ядро», салбий (негатив) ва ижобий (позитив) эвристика. Салбий эвристика ИТД «қаттиқ ядроси»ни муҳофаза қилади. Ижобий эвристика фан ривожланиш йўлларини аниқлайди. «Қаттиқ ядро» ёрдамчи гипотезалар танқидига жавоблардан, ижобий эвристика янги ғояларни дадил илгари суришдан иборат. «ИТД». «қаттиқ ядро», «муҳофаза камари» каби тунунчалар ёрдамида Л. фан ривожланишини етарли даражада автоном жараён деб ифодалайди.

Л. концепциясида икки турдаги ИТД фарқланади: тараққий этувчи (прогрессив) ва орқага қайтувчи (регрессив).

**ЛЕЙБНИЦ** Готфрид Вильгельм (1646.1.7, Лейпциг – 1716.14.11, Ганновер) – немис файласуфи, математик, физик, ҳуқуқшунос, тарихчи, тилшунос ва ихтирочи. Лейпциг ва Йена ун-тларида ҳуқуқшунослик ва фалсафадан таълим олган. Кенг назарий ва амалий фаолият билан шуғулланган. Берлин ФА асосчиси, биринчи президенти (1700). И.Ньютондан мутлақо беҳабар ҳолда интеграл ва дифференциал ҳисобни кашф қилган. Катта сонларни ҳисоблаш машинасини яратган. Шунингдек, иқтисод масалалари, муҳандислик билан ҳам шуғулланган. Тарихий ва сиёсий мавзуда мақолалар ёзган. Л. фалсафаси негизини «монадология»,

яъни монадалар ҳақидаги таълимот ташкил этади. Л. таъкидлашича, сон-саноқсиз субстанциялар мавжуд, чунки ҳар бир нарса — субстанциядир. Нарса ва субстанциялар борлиқнинг «якка» монадаларидир. Лекин монада борлиқнинг моддий якка нарсаи эмас, балки руҳий субстанциядир. Монада мустақил якка нарса, фаол. Монада ўзининг илк сифатлари билан фаол ҳаракат қилади. Сифат жиҳатдан бир-бирига ўхшаш монадалар бўлиши мумкин эмас. Л.нинг фикрича, монадалар ўз ривожланиш даражасига қараб уч турли бўлади: пассив қабул қилиш хусусиятга эга бўлган монадалар; улар энг қўйи поғонани ташкил қилади ва фақат айрим тасаввурларни шакллантира олади. Монадаларнинг кейинги ривожланиш даражаси сезиш хусусиятига эга бўлиш ва аниқ тасаввур яратиш. Монадаларнинг учинчи ривожланиш даражаси онгга эга бўлишдир. Булар ўз-ўзини англай оладиган инсонлар жонидир. Л. таълимотига кўра, ҳар бир монада ривожланиш ва ҳаракат манбаи бўлади, чунки улар фаол кучга эга. Л. дунёни бир бутун ҳолда тасаввур қилиб, уни узлуксиз ривожланиш жараёнида эканлигини таъкидлайди. Аниқ мақсадга қараб ҳаракат қилувчи монадалар аста-секин мукамалликка, камолот чўққисига қараб интилади. Дунёнинг бундай поғонама-поғона камолотга қараб бориши уни билиб олувчи инсон руҳида ўз чўққисига кўтариллади. Билиш назариясида Л. асосан, рационалист. Лекин, эмпиризмнинг ҳам, рационализмнинг ҳам айрим камчиликларини бартараф қилишга уринган. У эмпиризмнинг илгари сезгида бўлмаган нарса ақлда ҳам мавжуд эмас, деган қоидадини қабул қилди. Лекин, бу қоидага «ақлдан ташқари» деган иборани қўшимча қила-

ди. Шундай қилиб, у Р.Декартнинг туғма ғояларнинг мавжудлиги ҳақидаги фикрини инкор қилиб, фикрловчи туғма қобилиятнинг мавжудлигини эътироф этади. Л. ҳиссий билишни билишнинг қўйи босқичи деб ҳисоблайди ва ақлий билиш учун замин ҳозирлайди. Фақат ақлий билишгина дунёда мавжуд бўлган умумийлик ва заруриятнинг тўлиқ тасаввурини беради. Л. «зарурият» тушунчасини ишлаб чиқишда ҳам муҳим фикрларни баён қилган. Л. заруриятни тасодифга қарама-қарши қўяди. Зарурият субъектив кўринишга эга бўлмай, балки ҳодисаларнинг объектив алоқаси ҳисобланади. Л. ижтимоий масалаларга оид тугал, бир тизимга солинган асарлар ёзган эмас. Унинг бу масалаларга оид фикрлари «Теодиция» («Худони оқлаш») номли рисоласида баён қилинган. Унда Л. ўзининг машҳур оптимистик назариясини баён қилади. Унинг айтишича, гарчи, бу дунё кўп нуқсонларга эга ва ёвуз бўлса ҳам бошқа дунёлар ичида афзали ва такомиллашганидир. Мазкур фикр оламлар ичида энг афзали бўлган бу дунёда ҳамма нарса эзгуликка йўналтирилган, деган маталга айланиб кетади.

**ЛОГОС** (юн. logos — сўз, тушунча, фикр, қонун) — юнон фалсафасидаги тушунчалардан бири: дастлаб — сўз, нутқ, тил, кейинчалик кўчма маънода — фикр, тушунча, ақл, мазмун, оламий қонун маъносини англаган. Л. терминини юнон файласуфи Гераклит жорий қилган. Гераклит Л.ни оламий қонуният, оламнинг ақлий негизи сифатида ифодалайди. Гераклитда Л. антик дунёқараш учун ғоят муҳим ҳисобланган ва меъёр ғоясини билдирган. Л. ақл меъёрига мос келадиган тушунчадир. У қонунда ҳукм сураётган объектив қонун,

тартиб ва меъёрдир. Л.га монанд олов ақлга мос ва илоҳий ҳисобланади. «Олов-логос» табиат меъёригина бўлмасдан, балки у инсонга, унинг руҳига ҳам тааллуқлидир. У ўзида моддий-ашёвий ва психик-ақлий жиҳатларни жамлаган. Руҳ қарама-қаршилиқлар бирлиги, совуқ ва иссиқ мижоз бирлигидир. Руҳдаги совуқлик таназзулнинг ибтидоси саналади. Ундаги қуруқлик, олов эса унинг Л.идир. Л.га хос жиҳат бу — барча нарсаларнинг ўзгаришда бўлиши. Гераклит коинотда нарсалар барқарор равишда мавжуд эканлигини эътироф этади, лекин бу жараён нисбий, чунки олам доимо янгиланишда, дейди. Л. ахлоқ-одоб муаммоларида ҳам устувор тамойилга амал қилади. Одамлар ўзаро тенг бўлиб туғилдилар, лекин амалда тенг бўла олмайдилар. Улардаги мавжуд тенгсизлик манфаатлар тенгсизлигининг оқибати ҳисобланади. Аксарият кишилар Л.га амал қилиб яшамайдилар, аксинча, ўзлари билганларича иш тутадилар. Бундай кишиларнинг ҳаёти «болалар ўйини»ни эслатади. Инсоннинг бахт-саодати нафси қондиришда эмас, аксинча Л. талабидан келиб чиқиб фикр юритиш, ҳақиқатни излаш, табиатга монанд иш тутишдан иборатдир. Аристотель фалсафий қарашларида Л. ички Л. (ҳали айтилмаган фикр) ва ташқи Л. (айтилган фикр) тарзида амал қилади. Стоиклар ҳам ички ва ташқи Л.ни эътироф этадилар. Уларнинг фикрича, Л. доимо барча нарсаларда ҳозир бўлиб, уларнинг ривожини таъминлайдиган омилдир. Г.В.Ф.Гегель фалсафасида Л. объектив тушунча ўрнида ишлатилади ва «оламий ақл» маъносида талқин қилинади. Л. ҳоз. замон фалсафий тафаккур тараққиётида кам қўлланиладиган тушунчадир.

**ЛОКК** Жон (1632.29.8, Рингтон — 1704.28.10, Отс) — инглиз файласуфи, либерализм асосчиси. Асосий фалсафий асари «Инсон ақти тўғрисида тажриба» (1690) инсон билимларининг келиб чиқиши, турлари ва имкониятларини таҳлил қилишга бағишланган. Л. «туғма ғоялар» ва ахлоқ тамойиллари ҳақидаги назарияларни танқид қилиб, барча ғоялар 2 асосий манба — ташқи тажриба (сезги) ва ички тажриба (рефлексия)дан келиб чиқади, дейди. Л. таълимотига кўра, ташқи тажрибанинг манбаи сезги аъзоларимизга таъсир этувчи объектив реаллик, ички тажрибанинг манбаи эса кишининг ички ҳисси ва кечинмаларидир. Л. ўзининг давлат ҳақидаги таълимотида давлат фаолияти энг зарурий нарсалар билан чекланиши ва халқ суверенитети асосидаги конституциявий ҳукумат бўлиши лозим, деб ҳисоблади. Бу ҳукумат барча учун озошлик ва тенг ҳуқуқликни кафолатлаши керак. Шунингдек, ҳокимият бўлиниши лозим. Л. ахлоқий қарашларида сенсуалистик асосларга таянди. Педагогикага оид «Тарбия ҳақида баъзи фикрлар» (1693) асарида ташқи муҳитнинг тарбияга ҳал этувчи таъсирини таъкидлади. Диний мутаассибликка қарши чиқиб, дин эркинлигига даъват этди. Диний багрикенгликка тўрт мактубини бағишлади (мактуб 1689, 1690, 1692 ва 1706 йларда навири этилган). Л.нинг ижтимоий-сиёсий концепсияси табиий ҳуқуқ ва ижтимоий шартнома назариясига таянади. У ассоциатив психологиянинг асосчиси. Л.нинг ғоялари Европа фалсафий ва ижтимоий-сиёсий тафаккури тарихида катта роль ўйнади.

**ЛУКРЕЦИЙ**, Тит Лукреций Кар (мил.ав. тахм. 96–55.15.10) — римлик файласуф ва шоир. Л. ҳақидаги энг дастлабки биографик маълум

мотлар мил. 4-а.га тўғри келади, лекин уни ишончли деб бўлмайди. Л. фалсафада *Эпикурнинг* давомчиси. Асосий фалсафий асари — «Нарсаларнинг табиати ҳақида» дидактик достонидир. У қадимги даврда материалистик фалсафа изчил баён қилинган ва тула сақланган ягона асардир. Л. фикрича, атом илк материя сифатида нарсалар моҳияти негизини ташкил қилади. Л. баъзиларнинг атомларни сезги аъзоларимиз орқали кўрмаймиз, чунки улар йўқ, деган фикрига жавобан, биз шамолни кўрмаймиз, лекин шунга қарамасдан у доимо мавжуддир, дейди. Атомлар хилма-хил. Фазо реал мавжуд. У нарсалардан ташқарида мавжуд, бўшлиқ, вақт эса жисмларнинг

ҳаракати ва сукунати билан бевосита боғлиқ. Ҳаракат бўшлиқда содир бўлади. Жисм ва бўшлиқ чексизликни ташкил этади. Ҳар қандай ҳаракат жисмларнинг ўзига хосдир. Ҳаракат сезгилардан яширин майда зарраларда бошланади. У туфайли катта жисмлар ҳаракатга келади. Одамлар зулм ва зўравонликка чек қўйиш мақсадида давлат ва ҳуқуққа асос солганлар. Л. тилнинг келиб чиқиши, динларнинг пайдо бўлиши сабаблари ҳақида фикр юритди. Л. этикасида азоб-уқубатлар сабабларини бар тараф этиш, муътадиллик, руҳий хотиржамлик муҳим ўрин тутди. Л.нинг атомистик ғояларини 17—18-а. файласуфлари янада ривожлантирдилар.

## М

**МАВЖУДЛИК** — фалсафадаги борлиқ тушунчасининг синоними. Фалсафа тарихида одатда, мавжуд нарсаларнинг тафаккур ёрдамида акс эттириладиган ички моҳиятидан фарқли ўлароқ, тажриба асосида эришиладиган, уларнинг ташқи томонларини ифодаловчи тушунча сифатида ишлатилиб келинган.

17—18-а. инглиз эмпиризми (Ж.Локк, Д.Юм) ҳар қандай билимнинг мавжудлигини тан олган. Янги давр рационализми (Р.Декарт, Б.Спиноза, И.Фихте, Г.Гегель) М. тушунчасини талқин этишда борлиқ ва тафаккурнинг айнанлиги таълимотидан келиб чиқади. М. бу ерда моҳият эътибори билан қандайдир ақл билан боғлиқ рационаллик сифатида талқин этилади. Бу нуқтаи назарларни бирлаштиришга уриниш Г.Лейбниц ва И.Кант таълимотларида кўринади. Лейбниц икки хилдаги ҳақиқатни тан олади: ақлнинг абдий ҳақиқати ва далиллар ҳақиқати.

Лейбницнинг фикрича, улар ўртасидаги фарқ фақат инсон ақли чегараси (охир) учун мавжуд, оламий ақлда бу фарқ йўқ. Кант «М.»нинг онтологик аҳамиятини тан олади. «Нарса ўзида»ни мантикий хулосалар орқали чиқариб бўлмайди, ақл фақат расмий алоқаларни, ҳиссиёт эса унга ашё етказишини ҳисобга олсак, М.ни ҳеч бир ҳиссий ҳодисалардан мантикий келтириб чиқариш мумкин эмас. М. С.Кьеркегор қарашларида янги категория сифатида талқин этилади. У М.ни бевосита англаш мумкин бўлган инсон борлиги сифатида рационализмга қарама-қарши қўяди. 20-а. Фарбий Европа мамлакатларида тарқалган экзистенциализм (К.Ясперс, М.Хайдеггер, Ж.П.Сартр, Г.Марсель ва б.) таълимотида М. марказий ўринни эгаллайди ва инсоннинг ўз чегарасидан чиқувчи вазиятга трансценденталликнинг бир ҳолати сифатида талқин этилади. Экзистенциализм фал-

сафасида М. нарсаларнинг моҳиятидан юқори турадиган, пайқаб бўлмайдиган, инсоннинг билиши ва амалиёти эриша олмайдиган тушунча сифатида таърифланади.

Экзистенциализм бўйича инсон ақли етиши мумкин бўлмаган М. билан трансценденталлик ўртасидаги алоқа унинг охири. М. далилининг ўзида топилади. М.нинг охири ўлим, ҳаёт тугагининг эмпирик далили эмас, балки бутун инсон ҳаётига кириб борувчи, М. таркибини белгиловчи бошланғич ҳолатдир. Бу Ф. Аквинский фалсафасида М. ва моҳият икки борлиқ (буюм ва субстанция) сифатида намоён бўлади. Борлиқни фаолият деб тушунган Аквинский, энг буюк воқелик худо ва худонинг моҳияти унинг ўзи мавжудлигида амалга ошади, деб ҳисоблайди. Бошқа барча яратилган оламда моҳият ва М. ўзаро келмайди. М. моҳиятнинг идеаллик чегарасидир. Аслида наса ва ҳодисалар моҳиятини уларнинг М.лигидан, яъни борлигидан ажратиб бўлмайди.

**МАДАНИЯТ** – жамият, инсон ижодий куч ва қобилиятлари тарихий тараққиётининг муайян даражаси. Кишилар ҳаёти ва фаолиятининг турли куринашларида, шунингдек, улар яратадиган моддий ва маънавий бойликларда ифодаланади. «М.» тушунчаси муайян тарихий давр (антик М.), конкрет жамият, элат ва миллат (ўзбек М.и), шунингдек, инсон фаолияти ёки турмушининг ўзига хос соҳалари (мас., меҳнат М.и, бадний М., турмуш М.и)ни изоҳлаш учун қўлланилади. Тор маънода «М.» атамаси кишиларнинг фақат маънавий ҳаёти соҳасига нисбатан ишлатилади.

«М.» арабча мадина (шаҳар) сўзи дан келиб чиққан. Араблар кишилар ҳаётини икки турга: бирини бадавий ёки саҳроий турмуш, иккинчисини

маданий турмуш деб атаганлар. Бадавийлик – кўчманчи ҳолда дашт саҳроларда яшовчи халқларга, маданийлик – шаҳарда ўтроқ ҳолда яшаб, ўзига хос турмуш тарзига эга бўлган халқларга нисбатан ишлатилган.

Ўрта аср М.ининг буюк намоёндалари Абу Али ибн Сино, Беруний ва б. шаҳар турмуш тарзини жамоанинг етуклик шакли сифатида талқин қилганлар. Мас., Форобий фикрича, ҳар бир инсон ўз табиатига кўра, «олий даражадаги етукликка эришиш учун интилади», бундай етукликка фақат шаҳар жамоаси орқалигина эришилади. Унинг таъкидлашича, «маданий жамият ва маданий шаҳар (ёки мамлакат) шундай бўладики, бу мамлакатда ҳар бир одам касб-хунарда озод, ҳамма баббаравардир, кишилар ўртасида фарқ бўлмайди, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб-хунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод яшайдилар». Алишер Навоий етук ахлоқ, маърифатли ва адолатли жамият, жамоа масаласини қайд этиш билан бирга, маънавий юксаликка эришишнинг асосий мезони деб инсонпарварлик ғояларига мувофиқлини тушунди.

19-а.нинг 2-ярмида майдонга келган демократик-маърифатпарварлик ҳаракатининг намоёндалари Муқимий, Фурқат, Завқий, Аҳмад Дониш, Аваз Ўтар, Комил Хоразмий ва б. халқни М.ли қилишнинг омили илм-маърифатни эгаллашда деб билдилар. Улар ўрта аср жаҳолатига қарши халқ ўртасида илм-маориф ва М.ни зўр эҳтирос билан тарғиб қилдилар. Мас., Фурқат фикрича, илм-фан бир машғал бўлиб, инсониятнинг бахт-саодат йўлини ёритиб туриши керак.

19-а.нинг охири ва 20-а.нинг бошида Туркистонда вужудга келган



жадидчилик ҳаракати намояндалари Мунавварқори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний ва б. ўзларининг маърифатпарварлик ишлари билан М. ривожига муҳим ҳисса қўшдилар. Улар турли газета ва журналлар чиқардилар, нашриёт ва босмахоналар ташкил этдилар, кутубхоналар, театрлар, янгича мактаблар очдилар, ўтмиш М.имизни, тарихимизни тартиб қилдилар, дунёвий билимларни чуқур эгаллашга даъват этдилар. Маърифатчиликнинг кенг қулоч ёйиши самараси ўлароқ, халқнинг умуммаданияти юксала борди.

Европада «М.» дейилганда дастлаб инсоннинг табиатга кўрсатадиган мақсадга мувофиқ таъсири, шунингдек, инсонга таълим-тарбия бериш тушунилган (лот. *cultura* – ерни ишлаш, парваришлаш; русчадаги «культура» сўзи ҳам шундан олинган). М. фақат мавжуд норма ва урф-одатларга риоя қилиш қобилиятини ривожлантиришни эмас, балки уларга риоя қилиш истагини рағбатлантиришни ҳам ўз ичига олган. М.га бундай икки ёқлама ёндашув ҳар қандай жамиятга хос (мас., Қадимги Хитойда жэнь, Ҳиндистонда дхарма). Элинлар «маданиятсиз» варварлардан ўзларининг асосий фарқини «пайдей», яъни «тарбияланганлик»да деб билганлар. Қадимги Римнинг сунгги даврларида «М.» тушунчаси ижтимоий ҳаётнинг шаҳар турмуш тарзини ифодаловчи мазмунлар билан ҳам бойиган ва ўрта асрларга келиб кенг тарқалган. Бу тушунча кейинчалик келиб чиққан цивилизация тушунчасига яқин туради.

Европада Маърифатпарварлик даврида М. ва цивилизациянинг «танқиди» вужудга келди (Ж.Ж.Руссо). Бунда «маданий» миллатларнинг бу-

зилганлиги ва ахлоқий тубанлашганлигига тараққиётнинг патриархал босқичида бўлган халқлар ахлоқининг соддалиги ва софлиги қарши қўйилди. Немис файласуфлари бу зиддиятли ҳолатдан чиқишнинг йулини «руҳ» доирасидан, ахлоқий (И.Кант), эстетик (Ф.Шиллер, романтиклар) ёки фалсафий (Г.Гегель) онг доирасидан қидирдилар. Улар бу онг соҳаларини ҳақиқий М. ва инсон тараққиётининг омиллари деб билдилар. 19-а. охиридан бошлаб «локал цивилизация» (О.Шпенглер) деган қараш юзага келди. Бу ғоя цивилизацияни муайян жамият тараққиётининг сўнгги босқичи сифатида олиб қаради.

Фан-техника тараққий топган шароитда кўпгина социологлар ва маданиятшунослар М.нинг ягона ғоясини изчил амалга ошириш мумкин эмас, деган қонидани илгари сурдилар. Бу полицентризм, Ғарб билан Шарқнинг азалдан қарама-қаршилиги ва ижтимоий тараққиётнинг бошқа умумий қонуниятларини инкор этувчи назарияларида ўз ифодасини топди.

М. – умуминсоний ҳодиса, фақат бир халққа тегишли, фақат бир халқнинг ўзигина яратган соф М. бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳар бир миллий М.нинг асосий қисмини шу миллат ўзи яратган бўлса-да, унда жаҳон халқлари яратган умуминсоний М.нинг улуши ва таъсири бўлади, албатта. М. ҳеч қачон синфий ҳодиса бўла олмайди. У барчага баравар хизмат қилади. Мас., санъат ва адабиёт дурдоналари, меъморлик обидалари, мақомлар, фан ютуқлари ва б. барчага тегишлидир.

М. кишилар фаолиятининг фақат моддий натижалари (машиналар, техник иншоотлар, санъат асарлари, ҳуқуқ, ахлоқ нормалари ва ҳ.к.)ни

эмас, шу билан бирга, кишиларнинг меҳнат жараёнида воқе бўладиган субъектив куч-қувватлари ва қобилиятлари (билим ва кўникмалари, ишлаб чиқариш ва профессионал маалакалари, интеллектуал, эстетик ва ахлоқий камолоти, дунёқараши, уларнинг жамоа ва жамият доирасидаги ўзаро муаммолари)ни ҳам ўз ичига олади.

Ишлаб чиқаришнинг 2 асосий тури – моддий ва маънавий ишлаб чиқаришга қараб М. моддий ва маънавий М.га бўлинади. Моддий М. моддий фаолиятнинг барча соҳаларини ҳамда унинг натижалари (меҳнат қуроллари, турар жой, кундалик турмуш буюмлари, кийим-кечак, транспорт, алоқа воситалари ва б.)ни ўз ичига олади. Маънавий М.га онг, маънавият соҳалари киради (билим, ахлоқ, таълим-тарбия, ҳуқуқ, фалсафа, этика, эстетика, фан, санъат, адабиёт, мифология, дин ва б.).

Ҳар бир жамият ўз М. типига эга. Жамиятларнинг алмашилиши билан М. типи ҳам ўзгаради, бироқ бу ҳол М. тараққиёти узилиб қолганини, эски М. йуқ бўлиб маданий мерос, ўтмиш қадриятлардан воз кечилганини англамайди. Зотан, ҳар бир янги жамият ўзидан илгариги жамиятнинг маданий ютуқларини зарурий равишда мерос қилиб олади ва уларни ижтимоий муносабатларнинг янги тизимига киритади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлганидек, М. соҳасида ҳам туб ўзгаришлар юз берди. Шаклан ҳам, мазмунан ҳам М.нинг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилди. Ўзбекистоннинг мустақил ривожланишга ўтиши миллий М.га синфий ёндашишдан, уни сунъий тарзда «ягона умуммаданият»га айланишдан сақлаб қолди. Шуни ҳам

таъкидлаш лозимки, мустақилликкача бўлган сўнгги етмиш йил давомида М. ҳукмрон мафкура, мустабид тузум тазйиқида Фарб М.ига тақлид руҳида ривожланди. Иккинчидан, миллий М.нинг бой ўтмиши бир ёклама ўрганилиб, унинг кўпгина бебаҳо дурдонларидан халқимиз бебаҳра бўлиб келди. Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида жамиятни янгилаш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар билан бир қаторда М.ни юксалтиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Халқимизнинг маънавий қадриятларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, муқаддас динимиз, урф-одатларимизни, тарихий, илмий, маданий меросимизни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

**МАДАНИЯТ ФАЛСАФАСИ** – маданиятнинг моҳияти, аҳамияти, ривожланиш қонуниятлари, тараққиёт босқичлари ва истиқболларини яхлит, бир бутун ҳодиса сифатида ўрганиувчи фан. М.ф. термини 19-а. бошларида немис романтиги А.Мюллер томонидан фанга киритилган. М.ф. фалсафадан фан сифатида ажралиб чиққани учун ҳам улар ўртасида узвий боғлиқлик бор. Хусусан, фалсафий қонун ва категорияларни билиш маданият ривожланиши муаммоларини назарий-методологик жиҳатдан тўғри ечиш учун замин яратади. М.ф. эса маданиятнинг хилма-хил кўринишларини конкрет таҳлил қилиш асосида фалсафий қонун ва тушунчаларнинг мазмунан бойиши, фалсафанинг ижтимоий амалиёт билан алоқасининг кенгайиши ва чуқурлашишига, у илгари сураётган хулоса ва қоидаларнинг конкретлашувига хизмат қилади. М.ф. ижтимоий тараққиётнинг субъектив томонлари, кишилар фаолияти билан боғлиқ жи-

ҳатларига алоҳида эътибор бериш билан бир қаторда маданий жараёнлардаги типиклик, қонуниятлилик, моҳиятликни ҳам тадқиқ қилади. М.ф.га бошқа фанлар маълумотларидан фойдаланиш билан бирга ўзининг эмпирик материалларини йиғиш ва таҳлил қилиш ҳам ҳосилдир. М.ф. ижтимоий-гуманитар фанлар билан ўзаро алоқада бўлиб, уларнинг категорияларидан фаол фойдаланади. Мас., фалсафа фанидан «фаолият», «тараққиёт», «ворислик», «бошқарув» каби категорияларни қабул қилиб олиб, ўзининг «маданий фаолият», «маданий тараққиёт», «маданий ворислик», «маданиятни бошқарув» каби категорияларини ишлаб чиқади. Бугунги кунда М.ф. билан бошқа фанлар орасида ҳам ўзаро тадқиқотлар яратилмоқда. Хусусан, М.ф. иқтисодиёт билан боғлиқ соҳада иқтисодий маданият, сиёсатшунослик билан боғлиқ соҳада эса сиёсий маданият ўрганилаётгани фикримизга далил бўла олади.

**МАНТИҚ** (араб. — нутқ, тил; сўзлаш), л о г и к а — тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фан. М. объектив олам қонуниятларини, тафаккурнинг мавжуд бўлиш шакллари ва тараққиётини, шу жумладан, фикрлар ўртасидаги алоқадорликни характерлайдиган қонун-қоидалар йиғиндисини ифодалайди. Ҳоз. илмий ва фалсафий билишда М. атамаси тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фан маъносидеда кўпроқ ишлатилади. М. ўзининг шаклланиш ва ривожланиш тарихига эга. М.қа оид дастлабки фикрлар Қадимги Шарқ мамлакатларида, хусусан, Ҳиндистон, Хитойда вужудга келди. Юнон фалсафасида М. масалалари дастлаб Пармениднинг «Табиат тўғрисида» асарида, эъелик Зеноннинг апорияларида, Гераклит таълимотида у ёки

бу даражада кўриб чиқилган. «М.» атамасини илмий тушунча сифатида қўллаган стоиклар уни фикрлаш фаолияти қонунларини тадқиқ этувчи фан деб тушунишган. Стоикларга қадар М. масалаларини ўрганувчи илм соҳасини турлича номлар билан аташган. Хусусан, юнон файласуфи *Демокрит* М.қа оид рисоласини «Канонлар» (канон юнонча — мезон, қоида) деб атаб, унда янги ҳосил қилинган билимларнинг чин ёки хатолигини аниқлайдиган қоидалар — канонларни ишлаб чиққан. *Эпикур* эса ўз асарини «Канон» деб номлаб, унда тафаккурни ўрганувчи фанни каноника деб белгиллаган. М. фаннинг асосчиси Аристотель эса тафаккур ва унинг шакллари, қонун-қоидаларини тадқиқ этувчи илм соҳасини аналитика деб атаган. Аристотель М.ни янги билимлар тўғрисида хулоса чиқариш ва ҳақиқатни исботлаш қуроли, чин билимни асослаб бериш тўғрисидаги фан сифатида талқин этди. М. Аристотель фикрича, ҳақиқатни, чин фикрни ёлгондан ажратиш учун хизмат қилиши керак. Аристотель издошлари устозининг М.қа оид асарларини жамлаб, уни ифодалайдиган «Органон» (юнонча — билиш қуроли, асбоби) атамасини қўллашган. Кейинчалик мазкур атама фикрни тўғри қуриш ва чин билимларни ҳосил қилиш воситалари ҳақидаги таълимотни ифодалаш учун қўлланилган. Кейинчалик Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ҳам М. илми шаклланди. Ўрта Осиёда ҳам М. мустақил фан сифатида тараққий этди. Бунда Форобий, Ибн Сино, Беруний, Умар Хайём, Алишер Навоий, Бедил каби мутафаккирларнинг хизмати катта бўлди. Форобий М.ни шундай таърифлайди: «Бу шундай бир санъатки, у ҳар доим одам но-

тиқликда адашиб қоладиган бўлса, тўғри фикрлашга олиб келувчи ва ақл ёрдамида бирор-бир хулоса қилинадиган бўлса, хатолардан асровчи нарсаларни ўз ичига олади». Форобий «Бизнинг мақсадимиз ақлни у хатога йўл қўйиши мумкин бўлган барча ҳолларда тўғри тафаккурга етаклайдиган, унинг ёрдамида ҳар сафар хулоса чиқараётганда адашишга қарши эҳтиёт чораларини кўрадиган санъат – мантиқ санъатини ўрганишдир». Ибн Сино фикрича, «ҳақиқатнинг нима эканлиги, қайси нарсанинг ҳақиқатга яқин эканлиги, ниманинг ёлгонлиги, ҳақиқат ва ёлгоннинг қандай хиллари борлиги мантиқ ёрдамида аниқланади». Бошқа бир жойда Ибн Сино М. шундай бир қуролки унинг талабларига амал қилиш ёрдамида инсон тафаккури хато ва ёлгондан сақлаб қолинади, деб таърифлайди. М. ҳақиқатни билиш тўғрисидаги маълум билимдан номалум билимга ўтиш қоидалари, шакллари, усуллари ҳақидаги фан сифатида объектив оламни билиш учун хизмат қилади. Ибн Синонинг «Китоб аш-шифо» асарида М.қа оид қисми 9 бўлакдан иборат бўлиб, улар алоҳида-алоҳида китобларда баён этилган.

М. илмининг ўрганиш объекти тафакқурдир. Тафакқур мазмун ва шаклга эга. Тафакқур мазмунини унда акс этаётган борлиқ, мавжуд предмет ва ҳодисалар тўғрисидаги билим ташкил этади. Тафакқур шакли ёки мантиқий шакл фикр мазмунини ҳосил қилувчи элементларнинг боғланиш усули, унинг структурасидан иборат. Фикрлаш элементлари деганда, предметнинг фикрда ифода қилинган белгилари ҳақидаги ахборотлар тушунилади. Мас., «Мис – кимёвий элемент», «Дарахт – ўсимлик» иборалари турли хил мазмунга эга бўлишига қарамай, мантиқий

структураси, ифодаланиш шаклига кўра бир хилдир: уларда предмет ҳақидаги тушунча (биринчи мулоҳазада – «мис», иккинчи мулоҳазада – «дарахт») – S билан предмет белгиси тўғрисидаги тушунча (биринчи мулоҳазада – «кимёвий элемент», иккинчисида «ўсимлик») – P ўртасида муносабат ўрнатилган, яъни P нинг S га ҳослиги тасдиқланган. Бу мантиқий структурани S–P формуласи ёрдамида ифодалаш мумкин. Келтирилган мисол тафакқур шакли фикрнинг конкрет мазмунидан мустақил ҳолда мавжуд бўлиши ва демак, ўзига ҳос қонуниятлар асосида шаклланиши. мавжуд бўлишдан далолат беради. Ана шунинг учун ҳам у М.да алоҳида тадқиқот предмети сифатида олиб қаралади. Тафакқурнинг универсал мантиқий шакллари қаторига тушунча, мулоҳаза (хукм) ва хулоса чиқариш киради. Фикрлаш, муҳокама юритиш ана шулар ва уларнинг ўзаро алоқаларга кириши натижасида вужудга келадиган бошқа мантиқий тузилмалар (муаммо, гипотеза, ғоя, назария ва б.) ҳамда амаллар (исботлаш, рад этиш, таърифлаш, таснифлаш ва б.) да кечади. Муҳокама юритишда ишончли натижаларга эришишнинг зарурий шартларидан бири фикрнинг чин бўлишидир. Чин фикр деб ўзи акс эттираётган предметга мувофиқ келувчи фикрга айтилади: мас., «Инсон – онгли мавжудот» чин фикрдир. Ёлгон фикр предметни бузиб кўрсатувчи, унга мос келмайдиган фикрдир. Мас., «Инсон – онгсиз мавжудот». Фикрнинг чин ёки ёлгон бўлиши унинг мазмунига тегишли хусусиятлардир. Фикрнинг чин бўлиши мантиқий фикр юритишнинг зарурий шarti бўлса-да, ўз ҳолича билишда кутилган мақсадга эришиш учун етарли эмас. Фикр муҳокама

юретиш жараёнида формал жиҳатдан ҳам тўғри қурилган бўлиши керак. Бу хусусият фикрнинг шаклига тааллуқли бўлиб, тафаккурда содир бўладиган турли мантиқий амалларда ўз ифодасини топади. Муҳокама-ни тўғри қуриш учун муайян қонун-қоидалар, уларнинг талабларига риоя этиш зарур. Мантиқий қонунлар фикр-муҳокамалар ўртасидаги энг умумий, зарурий, такрорланувчи, қатъий ҳамда бир хил боғланишларни ифодалайди. Мантиқий тафаккур ва унинг қонун-қоидалари барча миллат ва халқлар учун бир бўлади. Бу талаблар фикрнинг аниқ, изчил, етарли даражада ишотланган хислатларни ифодалайди. Бу хислатлар тўрт асосий мантиқий қонун орқали ифодаланади. Булар айниқат қонуни, зиддият қонуни, учинчиси истисно қонуни ҳамда етарли асос қонунидир. Уларни бузиш муҳокаманинг нотўғри қурилишига сабаб бўлади. Хусусан, бунда чин фикрлардан хато хулоса чиқиши (мас., «Қонун – риоя қилиш зарур бўлган ҳуқуқий хужжат», «Буйруқ – қонун эмас», демак, «Буйруқ – риоя қилиш зарур бўлган ҳуқуқий хужжат эмас») ёки хато қурилган муҳокамадан чин хулоса чиқиши (мас., «Барча моддий жисмлар – кимёвий элементлар», «Темир – моддий жисм», демак «Темир – кимёвий элемент») мумкин. Юқорида айтилган фикрлардан шу нарса маълум бўладики, тафаккур кўп қиррали жараён, уни турли хил томондан, хусусан, мазмуни ва шакли (тузилмаси) бўйича ёки келиб чиқиши ва тараққиётида олиб ўрганиш мумкин. Булар М. илмининг вазифаларини ташкил этади, унинг турли методларидан фойдаланишга, кўп йўналишларга ажралишига сабаб бўлади. Ҳоз. пайтда М.нинг формал М., диалектик М., математик М. каби соҳалари фарқ

қилинади. **Формал М.** тафаккур структурасини ўрганади. Унда фикрнинг конкрет мазмуни ва тараққиётини ўрганиш, зарурият бўлмаган ҳолда, ҳисобга олинмайди. Бошқача айтганда, формал М. тўғри тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фандир. Ундан фарқли ўлароқ, диалектик М. тафаккурни унинг мазмуни ва шакли бирлигида ҳамда тараққиётида олиб тадқиқ этади. Предметни объектив ҳолда турли томонидан олиб ўрганиш зиддият, абстрактликдан конкретликка қараб кўтарилиш, тарихийлик ва мантиқийлик бирлиги тафаккур диалектик методининг асосий принциплари бўлиб ҳисобланади. **Математик М.** тафаккурни математик методлар ва махсус символлар аппаратини қўллаш асосида ўрганадиган ҳамда фикрларни ҳисоблаш асосида уларни формал системалар тарзида қуришга имкон берадиган М. йўналишидир.

Ҳоз. пайтда математик М. доирасида классик ва ноклассик М. йўналишлари фарқланади. Классик М. анъанавий М. сингари икки маъноли М. бўлиб, унинг асосий тушунча, гоё ва принциплари немис математиги ва мантиқшуноси Г.Фреге (1848–1925)нинг «Тушунчаларни ҳисоблаш» ва инглиз файласуфи, мантиқшуноси Б.Рассел (1872–1970)нинг «Математика принциплари» асарларида яратилган. Ноклассик М. кўп маъноли М. бўлиб (фикрлар айнан чин, айнан хато, эҳтимол чин, эҳтимол хато ва ҳ.к. қийматларга эга бўлади) у ҳоз. пайтда интуитионистик М., конструктив М., модал М., комплекс М. ва б.д.а. ўз аксини топган.

**МАНТИҚИЙ ПОЗИТИВИЗМ** – неопозитивизмнинг бир кўриниши. 20-а.нинг 20-й.ларида *Вена тўғараги* (В.Карнап, Ф.Франк, О.Нейрат ва б.) негизда вужудга келган. М.п.

гоясига кўра, ҳақиқий илмий фалсафа фақат фан тилини мантиқий таҳтил қилишга қодир. Ушбу таҳтил бир томондан метафизика (анъанавий фалсафа)ни четлаштиришга, иккинчи томондан «бевосита далиллар»ни аниқлаш ёки илмий тушунчалар моҳиятини эмпирик тарзда текшириш мақсадида илмий билимнинг мантиқий тузилишини тадқиқ этишга қаратилган.

**МАНФААТ** — индивид ва ижтимоий гуруҳлар фаолиятининг асосий сабаби. М. фаолиятни келтириб чиқарибгина қолмай, унинг йўналиши, восита ва шакллари, мақсадини ҳам белгилаб беради. М.нинг шахс ва жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этиши антик файласуфлар — Демокрит, Платон, Аристотель томонидан эътироф этилган. Ўртаасиёлик буюк файласуфлар — Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ва б. сиёсат, ахлоқ ва ҳуқуқ негизида ҳам М. ётишини эътироф этганлар. М. жуда мураккаб таркиб ва тизимга эга бўлиб, турли давр ва вазиятларда унинг ҳар хил кўринишлари муҳим ўрин тутади. М. турлари бир неча белгилар асосида тасниф қилинади. М. субъектига кўра, шахс, гуруҳ ва жамият М.ларига бўлинади. Муайян эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ бўлган М. моддий ва маънавий М.ларга бўлинади. Маънавий М.лар эса, ўз навбатида, сиёсий, руҳий, ахлоқий ва б. турларга бўлинади. М.лар муайян эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ тарзда вужудга келади. Шунини эътиборга олиб эҳтиёж йўқ жойда М. ҳам бўлмайди, деган хулосага келиш мумкин. Шунинг учун М.ларни атроф-муҳитдаги нарса ва ҳодисаларнинг субъект эҳтиёжларига мослиги, дейиш мумкин. Субъект ўз М.ларини қанчалик чуқур англаса, уларни рўёбга чиқариш учун шунчалик қулай имконият туғилади.

М.ларни чуқур англаб етмаслик шахс ёки гуруҳнинг ўз манфаатларига зид фаолият юритишларига сабаб бўлиши мумкин. М.ларни англаш даражаси эса шахс ва ижтимоий гуруҳнинг маънавий тараққиёти даражасига боғлиқдир.

**МАРКСИЗМ** — К.Маркс ва Ф.Энгельс асос солган фалсафий, иқтисодий ва сиёсий таълимот. Немис мумтоз фалсафасини (Гегель, Фейербах ва б.), инглиз сиёсий иқтисодини (Смит, Рикардо ва б.), француз ҳаёлий социализминини (Сен-Симон, Фурье ва б.) урганишга таяниб, Маркс ва Энгельс диалектик, тарихий материализмга асосланган фалсафа, қўшимча қиймат назариясига асосланган сиёсий иқтисод ва коммунизм ҳақидаги сохта таълимотни ишлаб чиқдилар.

М.да моддий ишлаб чиқариш усули, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари жамиятнинг негизи сифатида қаралади. М. хусусий мулкчиликка асосланган ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ва ўзлаштиришнинг хусусий характерга эга эканлигига таяниб, ижтимоий инқилоб тўғрисидаги қонунни асослашга уринади. Ижтимоий-иқтисодий формация, синфий кураш билан боғлиқ назарияни илгари суради. Жамият тарихига синфлар кураши тарихи сифатида қарайди. М.га кўра, синфий кураш пролетариат диктатурасига олиб келади. Пролетариат диктатурасининг мақсади эса синфсиз жамият куришдан иборат деб ҳисоблайди. М. ишлаб чиқариш воситаларига фақат ижтимоий мулкчиликни тан олди, бошқа мулк шаклларини инкор этди. Хусусий мулкни барча ижтимоий иллатларнинг асосий сабаби деган нотўғри қарашни илгари суради.

М.нинг қўшимча қиймат қонуни капитализмнинг асосий иқтисодий

қонуни деб қаралган. М.да тарихни материалистик тушуниш орқали жамиятнинг ривожланиш қонунлари, капитализмнинг социализм билан алмашилиши муқаррарлиги, капитализмдан социализмга ўтиш даври, коммунизмнинг икки фазадан иборат эканлиги гоёси илгари сурилади ва социализм коммунизмнинг қуйи фазаси сифатида қаралади.

М. 19-а. ижтимоий фикр тараққиётига таъсир кўрсатди. Айни вақтда ундаги хаёлий, зиддиятли ва хато тасаввурлар танқидга учради. М.да ижтимоий қарама-қаршиликлар, синфий кураш ва зўрлик назарияси мутлақлаштирилди, пролетариатнинг тарихий роли асосиз равишда улугланди. М. Россиядаги Октябрь тўнтарыши ва коммунистик тоталитаризмга хизмат қилди.

М. давлат мафкураси бўлиб қолган кўп мамлакатларда 20-а.нинг 80-й.ларидан бошлаб мустабид режимларнинг емирилиши ва мустақил давлатларнинг тараққиёт йўлларини белгилаб олиши М.ни танқидий ўрганиш ва унга баҳо беришда янги даврни бошлаб берди.

**МАТЕРИАЛИЗМ** (лот. materialis — моддий) — фалсафадаги асосий оқимлардан бири; моддий, табиий, жисмоний оламнинг объектив равишда, яъни унинг ирода, руҳ, онгга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжудлигини ва уларга нисбатан бирламчилигини таъкидлашга асосланган фалсафий таълимот. *Идеализм*нинг муқобили. М. руҳий ҳодисалар ва қадриятларнинг мустақил мавжудлигини инкор этади ва уларни оламнинг бирламчи бўлган моддий асоси ривожининг олий даражасида вужудга келадиган хосса ва муносабатлари тарзида талқин қилади. М.нинг гносеологик (билишдаги) илдинини амалиёт, инсоннинг воқеликни ўзгартиришга

қаратилган оламшумул тарихий тажрибаси ташкил этади.

М.га табиатшунослик фанлари, техникага алоҳида эътибор билан қараш хосдир. М. француз Маърифатпарварлиги даврида (Ж.Ламетри, П.Гольбах, Д.Дидро ва б.) равақ топди, аммо, Европа фалсафий фикрига ҳал қилувчи даражада таъсир этиш мавқеига 19-а.дагина эришди.

М. идеализмнинг «хато» фикрига қарши оқим тарзида намоён бўлиб, ўзининг бир ёқламалилиги туфайли барча муҳим, инсоний муаммолар (онг, мавжудлик, ҳаётнинг маъноси ҳамда мақсади, қадриятлар ва ҳ.к.) олдида бутунлай ожизлик қилиб, уларнинг чуқур маъносини таҳлил этишга ночорлиги сабабли уларни хаёлий муаммолар тарзида рад этади.

М., асосан, Фарб фалсафий фикрига кўпроқ тааллуқли, унда яққол шаклланган ҳодиса бўлиб, унинг ўзига хос шакллардаги ривожини мазкур маънавий маданият тараққиётидаги деярли барча босқичларда кузатиш мумкин.

М. — моҳиятан ўз мақсадларини ўзининг мавқеи (кўп сонлилиги ва ўзини муайян жисмоний куч, деб ҳис этиши) туфайли рўёбга чиқаришга умид қилувчи, авом маъқул кўрадиган фикрлаш тарзидир. М.нинг қуйидаги кўринишларини фарқлаш мумкин: 1. Табиий М. У. материяда, ҳусусан, унинг муайян таркибий тузилишида (мас., атомларда) пировард жисмоний воқеликни кўради (классик механика). 2. Биологик ёки физиологик М. У жон ва руҳга нисбатан юқоридаги қарашни тикиштиради ҳамда моддийлик ва ғайримоддийликнинг ўзаро туб фарқини инкор этади. 3. Ахлоқий М. фойдали нарсаларни ёки манфаат учун фойдаланиш мумкин бўлган қадриятларнигина

эйтиборга лойиқ, деб ҳисоблайди ва мустақил номоддий оламнинг мавжудлигини инкор қилади. 4. Диалектик М. — коммунистик давлатларнинг расмий фалсафаси, унинг сиёсати ва фанининг услубий асоси бўлиб хизмат қилган. 19-ада К.Маркс ва Ф.Энгельс томонидан *Гегель* диалектикасини яхлит материалистик дунёқарашга айлантириш асосида шаклланди ҳамда ўз ичига тарихий М. — тарихний материалистик тушуниш назариясини олган.

Одатда, «М.» тушунчаси реализм (тафаккурга боғлиқ бўлмаган ва онгдан ташқарида мавжуд бўлган реаллик) маъносида ҳам қўлланилади.

М. оддий қилиб айтганда, воқеликни моддий сабабга асосланиб тушунтирувчи таълимотдир.

**МАТЕРИЯ** (лот. *materia* — модда) — борлиқнинг моддий шаклини ифодаловчи умумий тушунча. Оламда «умуман одам» бўлмаганидек «умуман М.» ҳам бўлмайди, балки М.нинг аниқ кўринишлари учрайди. Шу тарзда фикр юритган файласуфлар барча моддий объектларга хос хусусиятларни умумлаштириб ифодалаш учун М. тушунчасини қўллашган. М. тушунчасини моддий оламнинг субстрати (асоси) сифатида *Платон* ва *Аристотель* ишлаб чиққан, шу билан бирга М. соф потенция (яширин имконият) деб тушунилган. М.ни Р. *Декарт* фазовий кўлам ва бўлинадиган моддий субстанция деб таърифлаган ва у 17—18-а. материализмнинг асоси бўлган. М. *диалектик материализм*нинг асосий тушунчасидир. Материалист файласуфлар М. тушунчасини бир ёқтама бўрттириб, борлиқ тушунчаси билан айнанлаштириб талқин этишади.

М. — дунёдаги чексиз барча объект ва системалар бўлиб, ҳар қандай хусусият, алоқа, муносабат ва ҳаракат

шакллариининг субстрати (асоси)дир. М. табиатда бевосита кўз билан кўриладиган объектлар ва жисмларнигина эмас, балки кузатиш воситалари ва экспериментнинг такомиллашиши асосида келгусида билиниши мумкин бўлган нарсаларни ҳам ўз ичига олади. М. ўзининг хоссалари, хусусиятлари орқали намоён бўлади. Ҳоз. замон фанларининг хулосаларига кўра, ҳар қандай жисм молекулалардан, молекулалар атомлардан, атомлар протон ва нейтронлардан ташкил топган ва ҳ.к. Сифат жиҳатдан М. икки: моддасимон ва номодда кўринишида учрайди. Моддасимон кўриниши модда ва антимоддага ажралади. Булар бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлиб, улар тўқнашганда кескин сифат ўзгариши рўй беради, яъни модда номоддий кўринишга, номодда эса моддий кўринишга айланади. М.нинг номоддий кўриниши ҳам икки: майдон ва нурланиш шаклида учрайди. Муайян майдондаги нурланишлар физик вакуумда моддий зарраларнинг ҳосил бўлишига имкон беради. М.нинг юқорида қайд этилган кўринишларидан бошқача кўринишдаги турлари ҳам бўлиши мумкин. Уларнинг табиати ҳали фанга маълум эмас. М. тузилиши даражаларига кўра, микродунё, макродунё ва мегадунёга бўлинади. Микродунё — молекуладан кичик зарралар (мас., атом, ядро, элементар зарра ва б.). Макродунё — молекуладан катта жисмлар (мас., кум, тош, Ер, сайёра, Қуёш, ҳайвон, одам ва б.). Мегадунё — Ердан то Коинот миқёсигача бўлган ўлчовдаги дунё. Бу учала дунё бир-бири билан боғлиқ, шунингдек, улар бир-бирига алмашилиши мумкин.

Ҳар қандай объектнинг ўзига хос бўлган, унинг шундай объект эканлигини ифодаловчи ажратмас хусу-



сият (атрибу)лари бўлади. М.нинг ҳам бир қанча атрибутлари мавжуд: ҳаракат, фазо, вақт, инъикос, онг ва ҳ.к. Бу атрибутлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, моддий оламдаги энг умумий ва универсал алоқадорликларни ифодалайди. М.ни жонлантиради, намоён қилади, ўзгартиради, ривожлантиради, унга шакл беради.

**МАФКУРА** (араб. — фикрлар мажмуи) — муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, халқ, жамият, давлат манфаатлари, орзу-истак ва мақсад-муддаолари ифодаланган гоъвий-назарий қарашлар ва уларни амалга ошириш тизими. Унда манфаатлари ифодаланаётган куч ва қатламларнинг ўтмиши, бугунги кун ва истиқболи ўз ифодасини топади. Инсоният тарихида турли-туман М.лар бўлган. Турли халқлар ва ижтимоий кучларнинг гоъвий раҳномалари, мутафаккир ва арбоблари ўзларининг манфаат ва мақсадларидан келиб чиқиб, мафкуравий таълимот ва дастурлар ишлаб чиққанлар. Ҳар қандай М. жамиятда янги пайдо бўлган ижтимоий-сиёсий кучларнинг талаб-эҳтиёжлари, мақсадларини ифода этувчи янги гоъвий тизим сифатида вужудга келади.

М. муайян диний, фалсафий таълимот асосида яратилади, маълум илмий қараш ва ахлоқий тамойилларга таянади. М.лар ўз моҳияти ва таъсир кучига кўра, жамиятни бирлаштириш ёки уни бир-бирига қарама-қарши тарафларга бўлиб юбориши, давлатнинг жаҳондаги обрў ва мавқеини ошириши ёки тушириши, халқларни юксакликка кўтариши ёки таназзулга дучор этиши мумкин. Юксак мақсадлар, бунёдкор гоъларга асосланган М. ижтимоий-иқтисодий тараққиётга туртки бўлади, маънавиятни юксалтиради, инсонларни

улуғвор ишларга сафарбар этади. Озодлик, эркинлик, мустақиллик, тинчлик, ҳамкорлик гоълари асосида шаклланган, эзгу мақсадларга хизмат қиладиган М. бунёдкорлик ҳусусиятига эга бўлади. Вайронкор гоълар асосида шаклланган мафкуралар эса жамият тараққиётига ғов бўлади, миллат ва халқларни асоратга солади. Бундай М. ўз мазмун-моҳиятига кўра, ҳукмрон, мустабид, тажовузкор, босқинчилик, экстремистик, ақидапарастлик шаклларида намоён бўлади. Собиқ иттифоқ даврида М.га умуминсоний қараш шаклланмаган, бунга йўл қўйилмаган эди. Унга тўғри ва холисона баҳо бериш имкониятига Ўзбекистон мустақилликка эришганлиги туфайли эга бўлинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг асарлари, жумладан, «Тафаккур» журнали бош муҳаррири ва «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига берган жавобларида М.га чуқур илмий таъриф берилган.

**МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ** (лот. *immunitas* — бирор нарсадан халос, озод бўлиш, қутулиш) — маълум бир шахс ёки ижтимоий гуруҳда ўзига хос бўлган қатъий, барқарор, соғлом мафкуравий қарашнинг шаклланганлиги, маълум мафкура тамойилларини улар томонидан ўз ижтимоий-сиёсий фаолияти ва яшаш тарзи мезонига айланттирилганлиги. Шу билан бирга М.и. ҳар қандай салбий, ижтимоий-патологик оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган оғишларни қабул қилмаслик механизмидир. Соғлом жамиятдаги ижтимоий гуруҳларда М.и. механизmlарининг ривожланиши кўзда тутилади. Шахснинг турли зарарли мафкуравий таъсир ва таъйиқларга берилмаслигида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. М.и. шаклланган шахснинг маъ-

навий-руҳий ҳолатида бўшлиқ кузатилмади, чунки, мафкура моҳиятини ўзида акс эттирган соғлом гоёлар тизими унинг дунёқарашидан мустаҳкам ўрин олган бўлади. Мустақил Ўзбекистон ёшлари онига миллий мустақиллик мафкурасини имкон қадар, атрофлича сингдириш зарур. Бунда миллий мафкура гоёлари билан сугорилган ўқув-тарбиявий ишларнинг изчиллигини таъминлаш муҳим ҳисобланади. Бу эса фурсатли, мавсумий иш эмас, балки ёшларнинг тарбияга мойил бўлган илк кунлариданоқ собитқадамлик билан амалга ошириладиган, мураккаб ва узоқ муддат талаб этадиган жараёндир. Ўзбек миллати тарбия асосларида миллий мафкура тамойиллари муҳим ўрин тутди. Чунки аксарият ўзбек оиласида бола тарбияси жараёни миллий гоё асосларини яратиш билан боғлиқ ҳолда кечади. Оилада фарзанднинг ёт гоёвий таъсирлар доирасига тушиб қолишининг олдини олиш учун мунтазам тарзда фарзанд келажаги, истиқболини белгилаб бериш, унинг маънавий-руҳий оламининг гоёвий асосини ташкил этадиган мафкуравий муҳит яратиш муҳимдир. Бунда ота-онанинг маънавий-руҳий ва гоёвий жиҳатдан етуқлиги катта аҳамиятга эга. Ёшларда ҳар бир воқеа-ҳодисага, кечаётган жараён ва муаммога муносабат оилада, ота-она таъсирида шаклланади. Ёшларнинг қайси гоё, мафкура таъсирида шаклланиши ота-онанинг соғлом, барқарор гоёвий асосга эга эканлиги билан ҳам белгиланади. Миллат руҳиятининг асоси миллий гоёда ўз ифодасини топади. Миллий мафкура эса миллий гоёдан шаклланади. Ҳар бир шахснинг маънавий-руҳий қудрати унинг руҳиятига миллий гоё асослари нечоғли сингдирилганлиги билан ифодаланади. Шахс

руҳиятида соғлом миллий-гоёвий асос қанчалик барқарор бўлса, унга салбий йўналишдаги мафкуравий таъсирнинг хавфи шунчалик кам бўлади. Инсон руҳияти мажруҳ гоёвий таъсирларга мойил бўлмаслиги учун унда соғлом мафкуравий тамойилларни ўзида ифодалаган қадриятларга мойилликни шакллантириш зарурдир. Қадриятларга мойиллик инсонга маънавий руҳий жиҳатдан қатъий соғлом тамойилларга амал қилиб яшаш учун имкон яратади. Айни вақтда, шахс томонидан англланган қадриятлар маълум гоёлар ифодаси сифатида ҳам талқин қилиниши мумкин. Чунки инсон ҳаётий фаолиятига хос бўлган қадриятлар, ўз навбатида, маълум мафкура ва гоёларга амалий таянч бўлиб хизмат қилади. Ёшларда ўзбек халқи миллий манфаатларини ўзида ифодалаган қадриятларга мойилликни шакллантириш уларни ёт мафкуравий ва гоёвий таъсирлардан халос этишга, миллий мафкура тамойилларининг қадриятлар орқали англанишига имкон яратади. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг турли мафкуравий ва гоёвий таъсирлар доирасида эканлигини назарда тутиш М.и.ни мустаҳкамлаш масаласини кун тартибига қўяди. Зотан, у инсон руҳиятининг барқарор, соғлом гоёвий асосга эга эканлигининг ифодаси экан, демак, ёшларда миллий мустақиллик мафкураси тамойилларини шакллантириш, уларнинг руҳий баркамоллиги, мустаҳкам мафкуравий эътиқодини таъминлашнинг зарур шarti ҳисобланади.

**МАЪНАВИЯТ** — инсонни руҳан покланиш, қалбан улгайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезони; инсон руҳий

ва ақлий оламини ифодаловчи тушунча. У кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурларини ўз ичига олади. М. атамасининг асосида «маъно» сўзи ётади. Маълумки, инсоннинг ташқи ва ички олами мавжуд. Ташқи оламга унинг буй-басти, кўриниши, кийиниши, хатти-ҳаракати ва б. киради. Ички олами эса унинг яшашдан мақсади, фикр юритиши, орзу-истаклари, интилишлари, ҳис-туйғуларини ўз ичига олади. Инсоннинг ана шу ички олами М.дир. Озиқ-овқат одамга жисмоний қувват берса, М. унга руҳий озиқ ва қудрат бағишлайди. М. маърифат ва маданият билан боғлиқ. М. одамларда тап-гайёр ҳолда вужудга келмайди. Унга муттасил ўқиш, ўрганиш, тажриба орттириш орқалигина эришилади. М. қанчалик бойиб борса, жамият ва миллат шунчалик раванқ топади. М.ли одам яшашдан мақсад нималигини аниқ билади, умрини мазмунли ўтказиш йўлини излаб топади, муомала қилиш маданиятини эгаллайди, ҳар бир масалага инсоф ва адолат нуқтаи назардан ёндашади. Виждон нима, ёлгон ва рост нима, ор-номус нима, ҳалол ва ҳаром нима — буларнинг ҳаммасини бир-биридан ажрата олади. ҳаётда ёмонликка бошловчи хатти-ҳаракатлардан воз кечади. яхшиликка бошловчи амалларни бажаради. Қисқаси. М.да инсон ҳаётининг мазмуни акс этади. Ватанни севиш, ватанпарварлик инсон М.ини белгиловчи асосий омиллардан биридир. М. камол топган жамиятларда қобилият, истеъдод эгалари шу жамиятнинг, миллатнинг юзи, гурури, обрў-эътибори ҳисобланади. М.ли жамиятда ақд, соғлом фикр, адолат ва яхши хулқ устувордир. Бундай жамиятда халқнинг эртанги кунга

ишончи кучли бўлади, одамга номуносиб турли иллатлар барҳам топади. Миллатнинг асрлар давомида шаклланган илдиэлари, унинг тарихий тажрибалари ва ижтимоий-маданий ривожланишисиз М.ни тасаввур қилиш қийин. «М. — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди», деган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов. Шу сабабли Ўзбекистонда М.ни юксалтириш, халқни М.ли қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Мустақиллик туфайли ўзбек халқининг кўп асрлик бой тарихий, илмий, маданий ва диний меросини ўрганиш, ундан халқнинг умумий ва бебаҳо мулки сифатида фойдаланишга кенг йўл очилди. М.имиз «Авесто» ва зардуштийлик таълимотидан бошлаб ҳоз. кунгача шаклланиб, бойиб, умуминсоний кадриятлар билан ёнма-ён ривожланиб бормоқда. Ўзбекистонда М. ва маърифатни кўтариш, тарғиб қилиш, бойитиш, аҳолининг кенг доирасига ёйиш мақсадида республика «Маънавият ва маърифат» маркази ташкил этилган.

**МАЪРИФАТПАРВАРЛИК** — маданият ва маънавият соҳасидаги оқим. Унинг негизини фан, билим имкониятларига катта ишонч ташкил қилади. Маърипарварлар билимлар ёрдамида ижтимоий ҳаётдаги номутаносибликлар ва камчиликларни бартараф қилиш мумкинлигига ишонганлар. Шу нуқтаи назардан М.ни мафкуравий, ижтимоий-фалсафий оқим дейиш мумкин. Илм-фанни эгаллаш ва тарғиб қилиш қадимги замонларда бошланган бўлса-да, М. оқим сифатида Фарбда 17-а. охири — 18-а. бошларида, Шарқда эса 19-а.нинг охири — 20-а. бошларида майдонга келди.

Юнонистонда Демокрит, Сократ, Платон, Аристотель сингари файласуфлар, Қадимги Хитойда Конфуций, Ўрта Осиёда Кайковус, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Хоразмий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби алломалар фаннинг улкан аҳамиятини эътироф этиб, кенг тарғиб қилганлар. Уларнинг гоёлари том маънодаги М. гоёлари эди. М. Фарбда ҳам, Шарқда ҳам бир неча умумий хусусиятга эга бўлиб, диний ақидапарастликка қарши қаратилган ва турлича давом этган. Фарб маърифатпарварлигининг Вольтер, Монтескье, Кондильяк, Ламетри, Гольбах, Дидро, Гельвеций, Маблн, Морелли, Кондорсе ва б. вакиллари диний ақидапарастликни танқид қилиш билан чекланмай, умуман динга қарши кураш олиб бордилар. Фарб маърифатпарварлиги даҳрийлик хусусиятини касб этди, бу унинг асосий белгиларидан бирига айланди.

Шарқ маърифатпарварлиги умуман динга қарши эмас, балки диний ақидапарастликка қарши бўлди. Шарқдаги М.нинг йирик намоёндалари Исмоилбек Гаспринский, Закий Валидий, Маҳмудхўжа Бехбудий, Фитрат, Мунавварқори, Абдулла Авлоний қабилар диний ақидапарастликка қарши кескин кураш олиб бордилар, лекин бу кураш даҳрийлик мавқеидан эмас, мўътадил диндорлик мавқеидан олиб борилди. Уларнинг кўпи диндор, баъзилари эса (М.Бехбудий) диний уламо бўлган. Фарб маърифатпарварлиги заминдорлар ва монархияга қарши кураш байроғи остида ўтди. 1789 й. Буюк француз инқилобини келтириб чиқарган сабаблар орасида М. муҳим ўрин тутди. Шарқ, хусусан, Ўрта Осиё маърифатпарварлари кескин сиёсий талабларни олға суришмади.

Улар жмаиятни саводли қилиш орқали адолатли ва фаровон турмушга эришмоқчи бўлдилар. Фарбда маърифатпарварлар кўпроқ табиий фанларга мурожаат қилишди. Чунки юқоридан номлари зикр этилган фарблик маърифатпарварларнинг деярли барчаси айни пайтда табиатшунос олим бўлиб, уларнинг кўпчилиги табиатшунослик ривожига ўз ҳиссасини қўшган. Шарқда фақат табиий фанларга эмас, умуман илм-фанга, соғлом фикрга, мантиққа мурожаат қилишди. Улар халқни рўшноликка чиқаришнинг асосий йўли — уни саводли қилиш, ортиқча сарф-харажатлар талаб қиладиган маросимларга қарши курашда деб билишди. Шу билан бирга, улар диний ақидапарастликка қарши курашда фақат дунёвий фанлардан эмас, Қуръон оятлари ва пайғамбар ҳадисларидан ҳам фойдаланишди, зеро уларнинг кўпчилиги муайян диний билимларни ҳам эгаллаган эди.

Фарб маърифатпарварлари черков томонидан таъқиб ва таъйиқ остига олинди. Лекин 17-а. охири — 18-а. бошларида Европада демократик муассасалар таркиб топа бошлагани, сўз эркинлиги ва виждон эркинлиги таъминллари амал қила бошлагани учун черков уларга сезиларли зарба бера олмади. Ўрта Осиёда эса 19-а. сўнгги чорагида ривожлана бошлаган М. ҳаракати вакиллари кўплаб қурбон бердилар. 20-а. бошида жадидлар ҳаракати (қ. *Жадидчилик*) иккига бўлиниб, ақидапарастлар кучайиб кета бошлагач, маърифатпарварлар кўп талофат кўра бошладилар. Уларнинг кўп қисми таъқиб ва қазони қилинди. 1918—19 й.ларда ақидапараст уламоларнинг фатвоси билан минглаб маърифатчилар ва уларга хайрихоҳ кишилар жисмонан йўқотилди. Шўролар даври тарих ва фал-

сафа фанида маърифатпарварларга идеализм вакиллари, деб баҳо берилган. Чунки маърифатпарварлар жамиятни ривожлантиришга инқилобий тўнтаришлар билан эмас, яхшиликни, адолатни, билимларни тарғиб қилиш йўли билан эришмоқчи бўлган эдилар. Шўролар давлати сиёсий амалиётида эса уларга халқ душманлари ёрлиги ёпиштирилди, улар жазоланди ёки қатл этилди.

Ўзбекистонда мустақиллик қўлга киритилгач, маърифатпарварларга истиқлолнинг маънавий-назарий асосчилари деб баҳо бериш устуворлик қила бошлади. Аслида рус мустамлакачилиги даврида маърифатпарварлар орасида Россия билан бирга ривожланишни тарғиб қилувчилар оз эмасди. Қандай бўлмасин, маърифатпарварлар халқимизнинг маданий, маънавий ривожланиш тарихида катта ўрин тутди.

**МЕЛИОРИЗМ** (лот. melior — энг яхши) — фақат индивидуал камолот йўли билан маърифатни юқорига кўтариш орқали жамият ҳаётини ва бутун дунёни яхшилаш ҳамда мукамаллаштириш мумкин, деган ғояларни илгари сурувчи йўналиш. 19-а.да инглиз адабаси Ж.Элнот ва француз файласуфи Ж.Селли томонидан мулоқот муомаласига киритилган. Алишер Навоий, Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий, Аваз Ўтар каби маърифатпарвар ватандошларимизни маълум бир фикр мулоҳазалари нуқтаи назаридан ушбу йўналиш тарафдорлари қаторига киритишимиз мумкин.

**МЕНТАЛИТЕТ** (лот. menstalis — ақлий) — айрим киши ва ижтимоий гуруҳга хос ақлий қобилият даражаси, маънавий салоҳият. Индивидуал ва ижтимоий онгнинг ички қатламларида жойлашган бўлиб, муайян тайёргарлик, йўл-йўриқ ва мойиллик

асосида индивид ёки ижтимоий гуруҳларнинг иш тутиш усули, фикр юритиш, дунёни идрок этиш ва фаҳмлашнинг маълум тарзидир. М. анъана, маданият, ижтимоий тизимлар ва инсон яшаш муҳити билан боғланган ҳолда шаклланади ва ўз навбатида, уларнинг шаклланишига таъсир ўтказди. Жамият, миллат ёки шахснинг М.и уларнинг ўзига хос тарихий анъаналари, урф-одатлари, диний эътиқодини ҳам қамраб олади. Ҳар бир миллатнинг М.и унинг тарихи, яшаб турган шарт-шароити, ижтимоий фаоллиги ва б. бир қанча омиллар билан боғланган бўлади. Мас., ўзбек миллати М.ининг шаклланиш жараёни деярли уч ярим минг йиллик тарихга эга. М. ижтимоий-маданий анъаналар ва халқнинг тарихий қадриятлари асосида шаклланади. Унинг хусусиятларидан бири — инертлилигидир. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий шарт-шароитларнинг ўзгаришларига нисбатан М.нинг ўзгариши сустроқ бўлади.

**МЕТАФИЗИКА** (юн. meta ta physika — физикадан сўнг) — борлиқнинг сезгилардан юқори турувчи принциплари ва умумий асослари тўғрисидаги фан. Физикада тадқиқотчи бевосита ҳиссий объектлар устида изланиш олиб борса, М.да тадқиқотчи сезгилар воситасида англаб олиш мумкин бўлмаган объектларни тадқиқ этади. М.нинг тадқиқот мавзусига кирувчи сифат, мазмун, моҳият, ҳодиса ва б. объектлар тўғрисида фикр юритганда уларни бевосита кўриб бўлмайд, улар бошқа нарса ва ҳодисаларнинг узаро алоқадорликлари жараёнида намоён бўлади. Шу жиҳатдан тарихан М. атамаси, кўпинча, фалсафа атамасининг синоними сифатида ишлатилган.

М. атамасининг пайдо бўлиши *Аристотел*нинг «Метафизика» ном-

ли асари билан боғлиқлиги ҳақидаги фикр фалсафий адабиётларда кенг тарқалган. Аммо М. атамасини *Платон* асарларида мустақил билиш методи сифатида учратиш мумкин. Аристотелнинг «биринчи фалсафа»га оид табиий-илмий масалаларни қамраб олган маъруза ва асарларини Андроник Родосский тўплаб, уни «Метафизика» деб номлади. У 14 китобдан иборат тўпламдир. Аристотель тузган фанлар таснифида ўзининг аҳамияти, қадр-қиммати жиҳатдан биринчи ўринни борлиқ ҳақидаги фан эгаллайди. Аристотель уни «биринчи фалсафа» ёки теология (худо ҳақидаги таълимот) деб атайди. Бу фалсафа «иккинчи фалсафа» (яъни физика)дан шу билан фарқ қиладики, физикада бевосита сезилар орқали сезиладиган аниқ объектлар тадқиқ қилинса, «биринчи фалсафа»да борлиқнинг материя ва шаклнинг аниқ боғланишига боғлиқ бўлмаган жиҳати, асл илдизи тадқиқ қилинади. Аристотель фикрича, М. инсоннинг субъективлиги билан ҳам, инсон фаолияти билан ҳам боғланмаган бўлиб, у фанларнинг ичида энг қимматлиси, инсон ҳаётининг воситаси, қувончининг манбандир.

Антик давр М.сини М.нинг асл намунаси дейиш мумкин. Даврлар ўтиши билан М.га муносабат ўзгарди. Ўрта асрларда М.га юксак ақлий билимни эътироф этган ҳолда борлиқни ақлий билишнинг олий шакли деб қаралган. Схоластика намояндалари эса М.га худони билишга имкон берувчи билим сифатида қарашган. Ўрта асрларда ҳақиқатан ҳам М. фалсафий тушунчаларнинг ривожланишига, фалсафа фанининг такомиллашувига сабабчи бўлди. М. оламнинг яхлит манзарасини яратишга туртки берди. М. ҳар қандай таълимнинг, хусусан, дидактиканинг маъ-

зини ташкил этувчи метод бўлиб хизмат қилди, фалсафанинг тушунчаларини бойитди. Янги даврга келиб, М. табиатшуносликнинг бағрига сингиб кетди.

Бу фанлардаги билиш (гносеологик) муаммоларни тадқиқ этишдан борлиқнинг моҳиятини тадқиқ этувчи онтологик муаммоларни таҳлил этишгача М. асосий фалсафий йўл-йўриқ бўлиб хизмат қилади. Аммо у бир томондан, ўрта асрлардаги диний схоластика намояндаларининг деистик, пантеистик танқидларига, иккинчи томондан, кейинги даврларда скептицизм, сенсуализм, механицизм вакилларининг шафқатсиз танқидига учрайди. Немис мумтоз фалсафаси вакиллари ҳам М.ни тадқиқот объекти ва предметига эга бўлмаган фан сифатида, догматизмда айблашди. *Гегель* М.ни *диалектикага* қарама-қарши турувчи метод деб таърифлади.

М. тушунчаси Ўрта Осиё мутафаккирлари таълимотида ҳам ўз ифодасини топган. Ибн Сино таърифига кўра, М. борлиқ тўғрисидаги таълимотдир. Унинг фикрича, М. борлиқнинг 4 турини ўрганади: 1) жисмоний (моддий)ликка эга бўлмаган объектлар – илоҳий мавжудотлар ва Аллоҳни; 2) илоҳийлиги камроқ бўлган, материяга қандайдир алоқаси бор объектлар (осмон жисмлари), уларни ҳаракатга келтирувчи кучлар); 3) объектларнинг моддийлик билан бирланишини, баъзи ҳолларда эса улардан эркин ҳолда мавжуд (субстанция, хусусият, зарурият, имконият) бўлишини; 4) моддий объектлар ва тушунчалар материя билан доимо боғлиқликда бўлган жисм табиатига эга эканлигини.

Ҳоз. замонда М. хилма-хил талқин этилишига қарамаздан, М.ни инсон борлигининг энг умумий асослари-

ни ўрганувчи фалсафий таълимот дейиш мумкин. Шундай қилиб, М. воқеликка ёндашиш, уни ўрганиш услуби, методидир. Воқеликни фақат тўхтовсиз ўзгариш, ривожланиш жараёнида тадқиқ этиб бўлмайди. Шу сабабли воқеликнинг муайян қирраси, томони, ҳолати, жиҳатини воқеликдан ажратиб ўрганишда, уни мавҳумлаштириш, умумлаштириш, идеаллаштиришида М.нинг тадқиқот методи фанда керак бўлади. Ҳоз. замон фалсафасида ҳам М.га иккиёқлама муносабат мавжуд. М.ни рационализм нуқтаи назаридан ёқловчилар ҳам, уни мавҳум онтологизмни ифодаловчи қуруқ фалсафабозлик деб қаровчилар ҳам топитади. Умуман олганда, М. оламга ёндашишнинг бир фалсафий усулидир. Уни бирёқлама инкор этиш ҳам, муғлақлаштириш ҳам тўғри эмас. М. билиш методи, воқеликни англашда методологик мўлжал бўлиши мумкин. Бу методдан бошқа методлар билан умумий бирликда фойдаланиш мақсади мавофиқдир.

**МЕТОДОЛОГИЯ** (юн. *metodos* — билиш ёки тадқиқот йўли, назария, таълимот ва *logos* — сўз) — тадқиқотчининг назарий ва амалий фаолиятини ташкил этиш, тиклаш таъминлари ва усуллари тизими ҳамда бундай тизим ҳақидаги таълимот. М. методлар ҳақидаги таълимот ёки ялпи-умумий билиш методи, деб ҳам таърифланади. М. методларга ва умумий воқеликка қандай ёндашиш йўлини ўргатади. Воқеликнинг муайян қисминини, бирор жиҳатини ўргатувчи М.га *метафизикани*, воқеликнинг чизиқли ривожланиш, ўзгариш жараёнини ва уни ташкил этувчи элементлар ўргасидаги ўзаро алоқадорликларни акс эттирувчи М.га *диалектикани*, воқеликда рўй берувчи кескин, ҳалокатли ўзгаришлар, но-

чизиқли ривожланиш жараёнларини ўрганишда қўлланиладиган М.га синергетикани мисол сифатида кўрсатиш мумкин.

М.га илмий билишнинг, воқеликни англаш ва ўзгаришнинг алгоритми сифатида ҳам қараш мумкин. Мас., Юнонистонда геометрия ер майдонларини ўлчашда норматив йўл-йўриқ бўлиб хизмат қилган ва геометрия илмини фалсафани ўрганиш учун муҳим М. деб билишган. Платон мақбарасига кираверишдаги эшикка «кимки геометрияни билмас, бизнинг олдимизга кирмасин» деб ёзиб қўйилган экан. Фалсафада эса оламни англашда Гераклитнинг *логоси* М. вазифасини ўтаган. М. тараққиётига Сократ, Аристотель жиддий ҳисса қўшишган. Форобий шарқона фикрлаш услуби нуқтаи назаридан Аристотель асарларини шарҳлаган. Бундай шарҳлар Аристотель меросини ўрганишда М. бўлиб келган. Ибн Сино ўзининг хотираларида Аристотелнинг «Метафизика» асарини 40 марофаба ўқиб чиқса ҳам ҳеч нарса тушуна олмаганлигини, бу асарнинг мазмунига Форобийнинг шарҳларини ўқигандан сўнггина тушуниб етганлигини ёзиб қолдирган. М. ҳақида Ф.Бэкон, Р.Декарт, Ж.Локк, Г.Галилей ва б. европатик олимлар махсус китоблар ёзишган. Шунингдек, М. ривожига И.Кант, И.Фихте, Ф.Шеллинг, Г.Гегель жиддий ҳисса қўшишган. Гегель диалектик М.нинг асосларини ишлаб чиқди. 20-ада синергетик, структуралистик ва герменевтик М.лар фалсафада энг обрўли фалсафий М.лар сифатида ном қозонди, системавий ва комплекс ёндашиш М.лари эса инсоннинг барча ҳаётий жараёнларида кенг қўлланилмоқда.

Бугунги кунда синергетика М.си оламнинг чигал муаммоларини тад-

қиқ этишда, ҳалокатли портлашлар, ночизиқли ўзгариш жараёнларининг моҳиятини тушуниб етишда, оламнинг вужудга келишини илмий асослашда кучли эвристик билиш қуроли вазифасини ўтамоқда. М.нинг икки даражаси фарқланади. Биринчиси – инструментал даража. Бу ерда фикрлаш ва амалий операцияларнинг ўтишини таъминловчи талаблар шакллантирилади, фикр ва ҳаракатнинг мазмуни эмас, балки йўналиши белгиланади. Иккинчиси – конструктив даража. У билимни ривожлантириш, унинг янгича мазмун касб этишига эришишни назарда тутди. 20-а.нинг 2-ярмига келиб, билиш услубларининг билиш жараёнига, субъект савиясига, ўрганилувчи объектларга боғлиқлиги аниқланди. М. асосларининг ижтимоий-тарихий, ижтимоий-илмий, инсоний, шахсий, маданий заминлари мавжудлиги қайд этилди. Инсонлар фаолияти турлари доимо ўзгариб туриши, янгилигини М.нинг шартлилигини, узгарувчанлигини аниқ-равшан кўрсатмоқда. Билиш услубларининг янгилиниши, категория ва тушунчаларнинг ўзгарувчанлиги ҳамда янгилинишнинг ижтимоий, маданий-тарихий асослари, моҳияти, билиш услублари динамикаси каби масалалар М. тушунчасида ўз аксини топди. Умуман, М. тизимини фалсафий тушунчалар, гоёлар ташкил этади. Фалсафий М. билиш жараёнини таҳлит қилиш билан чегараланмасдан, балки ижтимоий борлиқни янгилаш ва ривожлантириш муаммоларини очишда ҳам ёрдам беради.

**МЕХАНИЦИЗМ** – ҳаракатнинг бирдан-бир объектив шакли – механик ҳаракат, деган нотўғри тасаввурга асосланувчи дунёқараш ва билиш усули. Бундай қараш оқибатда табиат ва жамиятдаги ҳодисаларнинг турли-

туманлигини инкор этилишига олиб келади. Кенг маънода М. мураккаб ҳодисаларни шунчаки оддий таркибий қисмлардан иборат деб ҳисобловчи таълимот, бутунни тасодифий қисмларга (мас., ижтимоий ҳодисаларни биологик муносабатларга, биологик ҳодисаларни физик-кимёвий муносабатларга) бўлиб урганиш методи. М. илмий тафаккур тарихида 16–18-а.ларда юзага келди. Г.Галилей, И.Ньютон, П.С.Лаплас (табиатшуносликда), Г.Гоббс, Ж.Ламетри, П.Гольбах (фалсафада) М.нинг классик намояндалари эди. Табиий ва ижтимоий ҳодисаларни билишга бир ёқлама, механик ёндашишни Б.Спиноза, Г.В.Лейбниц ва қисман, Д.Дидро танқид қилганлар. М.га тафаккурнинг чекланган методи сифатида қарашга Г.Гегель барҳам берди. М. фалсафа тараққиётида босиб ўтилган босқичдир. Шу сабабли, уни ҳоз. шароитларда қайта тиклашга уриниш илмий маънода орқага ташланган қадам бўлади. М.нинг асоссизлиги тафаккур, онг, ҳаёт муаммолари соҳасида ёрқин намоён бўлади. М. фалсафадаги позиция сифатида зиддиятларни ҳал этишга қодир бўлмаган метафизик тафаккур методининг типик ифодасидир. У предметнинг қарма-қарши таърифларига дуч келганда ҳамиша улардан бирини (мас., миқдор фойдасига сифатни) инкор этишга интилади ёки улардан фақат биттасини ҳақиқий, деб ҳисоблайди. М. мас., мавжуд сабаб тушунчасининг ўзини ҳам сохталаштиради. ҳаракатни материянинг ўз ҳаракати маъносиде эмас, балки ташқи кучларнинг таъсири натижаси, деб тушунади. Шунинг учун М. ҳаракатни материяга нисбатан инерт ва қотиб қолган масса деган, нотўғри тасаввур ҳосил қилади. Демак, механик ҳаракат ҳаракатнинг ўзи эмас, балки ҳаракатнинг



бир шакли эканлигини, яъни фалсафа механикадан фарқ қилишини эътироф этмоқ лозим.

**МЕЪЁР** — объектнинг сифат ва миқдорий жиҳатларини ўзаро диалектик боғлиқлигини англатувчи фалсафий категория. М. тушунчаси қадимги Ҳиндистон, Хитой ва Юнонистондаги фалсафий қарашларда шакллана бошлаган. Марказий Осиё мутафаккирлари (Ибн Сино, Беруний ва б.) ҳам ушбу атамадан табиий-фалсафий асарларида фойдаланганлар. Улар ўз асарларида табиий ва маънавий руҳий М.га оид фикр-мулоҳазаларни билдирганлар. М.ни фалсафий категория сифатида Г.Гегель ҳам ўз фалсафасида қайд этганлиги маълум. Ҳар қандай объектнинг сифати муайян миқдор (моддий системанинг хусусиятлари, иссиқлиги, унсурлари, сони ва ҳ.к.) билан узвий боғлиқ. М. доирасида миқдор ўзгаришларининг чегараси мавжуд. Ушбу чегара (миқдор ўзгаришлари, унсурларининг катта-кичиклиги, дискретлиги, даврийлиги, боғланиш тартиби, тузилиши, ҳаракати ва ҳ.к.)дан ҳатлаб ўтилганда, объект бошқа шаклни олиши мумкин. М. объектнинг сифат ўзгариши, ўз навбатида, миқдор ўзгаришига олиб келади. Мас., М. мусиқада ритм, гармония, меъморликда ансамбль ва ҳ.к. асосини ташкил этади. М. категорияси муҳим илмий-назарий ва амалий аҳамиятга эга.

**МИЛЛАТ** (араб. — халқ.) — узоқ давом этган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва этно-маданий жараёнда, аниқ ҳудудий доирада, тил ва ўзликни англаш бирлиги асосида шаклланган халқ этник тарихининг энг юксак чўққиси, ўзига хос маданият, онг ва менталитет асосида таркиб топган ижтимоий бирлик шакли. М. кишиларнинг жипс тарихий бирлиги, умумиқтисодий турмуш, тил, ҳудуд бир-

лиги, маданият, онг, руҳият уйғунлиги ва муштараклиги демакдир. Унгача ижтимоий тараққиётнинг этнос (халқ) шакли ҳам мавжуд бўлиб, «халқ» атамаси жуда кенг ва тор маънода ишлатилади. Шунинг учун ижтимоий фанда халқларнинг келиб чиқиш тарихини ўрганишда этнос билан бир қаторда этник бирлик атамаси ҳам ишлатилади. Чунки у маълум бир ижтимоий тузумда вужудга келган этник уюшма. Этник бирликнинг элатдан кейинги шакли М. бўлиб, унинг шаклланиши элатнинг шаклланиш жараёни каби узоқ давом этадиган ижтимоий воқелик. М. этник бирлик тарихининг, элатнинг энг юқори чўққиси, камолот босқичи, бу босқичга кўтарилган халқнинг тарихан таркиб топган давлати, биринчидан М. номи билан юритилади; иккинчидан унинг аниқ ҳудудий чегарасида муомалада бўлган умуммиллат тили давлат тили мақоми даражасига кўтарилади; учинчидан давлат ҳудудининг бутунлиги ва чегарасининг дахлсизлиги тан олинади; тўртинчидан М. ва унга хос менталитет шаклланган бўлиб, фуқароларнинг ўзлигини англаш даражаси уларнинг ҳаёт мазмунига, кундалик турмуш тарзига айланади ва ниҳоят бешинчидан давлат жамият томонидан бошқарилади. М.ни тил, ҳудуд ва этно-маданий жиҳатдан бирлаштирувчи омиллардан бири иқтисодий негиздир. М.ни талқин қилишда иккита ёндашиш мавжуд. Биринчисига асосан М. маълум давлат фуқароларининг сиёсий бирлиги (сиёсий миллат). Иккинчисига биноан М. маълум давлат фуқароларининг ягона тил ва ўз-ўзини англаш асосида ташкил топган этник бирлиги (этно-миллат). Битта М.га тегишли одамлар умумий ҳудуд, тил ва маданиятга эга бўлишади.

М.нинг келиб чиқиши тўғрисида ҳам турли ёндашувлар mavjud. К.Дойч, Э.Геллнер, Б.Андерсон ва Э.Смит замонавий ва жаҳон фанига катта таъсир кўрсатган концепциялар муаллифларидир. К.Дойч М.нинг шаклланишини ижтимоий сафарбарлик жараёнида бир нечта этник элементларнинг халққа айланиш жараёни билан боғлиқ деб ҳисоблаган. Э.Геллнернинг фикрича, М. индустриал тараққиёт сабабли ҳоз. жамиятнинг маданий умумийликка бўлган эҳтиёжидир. М.нинг шаклланиши бевосита умумий таълим ва оммавий ахборот воситалари тарқалиши билан боғлиқ. Геллнерга кўра, М. аниқ бир мақсадда ташкил қилинган жамoadир. М.нинг шаклланишида миялатчи элита (зиёлилар) катта роль ўйнайди. Геллнер гоёсига Б.Андерсон концепцияси яқин. Унинг таъкидлашича, М.лар сунъий равишда ташкил этилган «пасаввур қилинадиган етсий жамиятлардир». Уларнинг шаклланишида китоблар наир эпшнинг кашф этилиши, миллий тилнинг пайдо бўлиши кабилар муҳим роль ўйнаган. Э.Смит фикрича, М. ҳамма учун умумий бўлган ҳудуд, афсона (миф) ва тарихий ҳожира, маданият, иқтисод, ҳуқуқ ва вазифаларга эга бўлган кишилар жамияти. Унинг таҳминига кўра, ҳоз. М.ларнинг келиб чиқиши ўтмишдаги этник жамoалар билан боғлиқ бўлган.

Ер юзида уч мингдан етти минггача миялат ва элат mavjud. Улар ўз қаторига инсониятнинг ўрта ҳисоб билан 96 фоизини бирлаштиради. 4 фоизи элатлар ва қабилалардир. Жаҳондаги энг йирик 27 миялат Ер юзи аҳолисининг қарийб 75 фоизини ташкил қилади.

**МИЛЛАТЧИЛИК** — миллий маҳудлик ва мақтанчоқликни тарғиб ва ташвиқ қилишга асосланган, ўз миялати куч-қудрати ва салоҳиятига чу-

қур ишонч ва ўзга миялатларга ишончсизлик руҳи билан йўғрилган назария ва амалиёт; миялат айириш; ўз миялатининг ҳақ-ҳуқуқларини бошқа миялатлар ҳақ-ҳуқуқларидан юқори қўйиш, ўз эҳтиёжлари ва манфаатларини ўйлаб, бошқа миялат эҳтиёж ва манфаатларини назар-писанд қилмаслик. М. миллий биқиклик, миялатпарастликка асосланиб, миллий низо, ихтилофларга сабабчи бўлади, жамият ҳаётини, тинчлик ва барқарорликни издан чиқариши мумкин. «М.» ва «тажовузор М.» тушунчаларини фарқлаш лозим. М. ўз миялати манфаатларини юқори қўйишга интилиш орқали бир миялатни улуғлаб, бу билан миллий тотувликка хавф тугдирса, тажовузор М. жамиятдаги ҳамжиҳатликка очиқдан-очиқ қарши чиқади. Тажовузор М. шовинизм, буюк давлатчилик шовинизми, ирқчилик, фашизм гоёлари билан узвий боғлиқдир. Демократик жамиятда бундай М. кўринишларига йўл қўйилмайди. М. ижтимоий воқелик ва унда кечаётган жараёнлар миялат тарихий тараққиётнинг бош субъекти, миллий муносабатлар эса ижтимоий муносабатларнинг асосий тури, деган нуқтаи назардан келиб чиқиб баҳоланадиган жойда ва вақтда шаклланади. М. тушунчасига юқоридаги каби мазмун бериш кенг тарқалган бўлса-да, ўзинг қамров доирасини турлича талақин қилиш ҳоллари mavjud. Мас., собиқ иттифок даврида ушбу тушунчанинг мазмун доираси атайлаб кенгайтириб юборилган, ҳар қандай миллийликнинг кўриниши М. сифатида баҳоланган. Ҳоз. даврда эса айрим тадқиқотларда «миялатпарастлик», «миялатпарварлик» ва «миялатчилик» тушунчалари мазмунини фарқлаш тўғрисидаги фикрлар бил-

дирилмоқда. Хусусан, миллатпарастлик «миллатларнинг тенглигини инкор этиш, ўз миллатини бошқа миллатлардан устун қўйиш, унга имтиёзлар яратишга интилиш, ўз миллатига сажда қилиш, унга ҳолисона баҳо беролмаслик, камчиликлари ва нуқсонларини сезмаслик», миллатпарварлик эса «миллатларнинг тенглигини тан олиш, барчасига баробар ҳурматда бўлиш, ўз миллатига, унинг тили, маданиятига бефарқ бўлмаслик» сифатида талқин қилинади. Бундай ёндашувда М. «капитализм даврида мустамлакалар ва метрополилар, қоқоқ ўлжалар ва илгор давлатлар, озод халқлар ва мустабидлик исканжасидаги халқларга бўлиниб кетиш шароитида юзага келган зиддиятларни бошқа миллатлар манфаатларидан ўз миллатининг манфаатларини юқори қўйиб ҳал этишга интилувчи сиёсий оқим» дея таърифланади. У ёки бу тушунчага таъриф бераётганда унинг кундалик ҳаётда ва муомалада қандай маънода қўлланишига эътибор бериш ва ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Шу нуқтаи назардан қараганда, М. тушунчаси ўзбек тилида кўпроқ салбий мазмун касб этишини, жонли тилда ва илмий муомалада ҳам «миллатпарастлик» тушунчаси деярли ишлатилмаслигини эътиборга олиш лозим. Фарб ижтимоий фикрида «М.» тушунчасига позитив мазмун бериш кенг тарқалган. Хусусан, М.ни миллий давлатларнинг шаклланиши, пайдо бўлиши, империяларнинг барбод бўлиши жараёнида шаклланган сиёсий принцип сифатида талқин қилиш бунга мисол бўла олади. Бугунги кунда айрим ёшларнинг иқтисодий, сиёсий ва б. қиринишдаги салбий ташқи таъбирларга жавоби сифатида чиққани харакатлари, шу жумладан, кўпгина халқларнинг чуқурлашиб бораётган интегра-

ция ва глобаллашув жараёнига қаршилик кўрсатиш йўлидаги уринишлари ҳам аксарият ҳолларда М. деб баҳоланади. Бундай талқин бизнинг фалсафий адабиётларимизда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Бу жараёни шўро даврида ҳаддан ташқари кенг ва салбий талқин қилинган «М.» тушунчасини «оқлаш»га уриниш деб баҳолаш мумкин. Аммо жиддий таҳлил қилинса, бундай ёндашувда озодликка интилаётган, ўзинини сақлаб қолиш учун курашаётган миллатларнинг ҳаракати М. сифатида баҳоланаётганини кўрамиз. Аслида эса, бундай ҳаракатлар кураш жараёнида рўй берадиган айрим оғишларни инобатга олмаганда, моҳиятан истибодни туғатишга, ўз миллатининг озодлигини, ўзига ҳослигини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга қаратилгандир. Демак, Фарб илмий адабиётларида «М.» позитив мазмунда талқин қилинган ўринларда ўзбек тилидаги «миллатпарварлик» тушунчасининг мазмунига монанд келади. Демак, шаклланган анъанадан келиб чиққан ҳолда, «М.»ни салбий мазмунга эга бўлган тушунча сифатида талқин қилавериш ўринлидир.

М. хилма-хил мазмун ва шаклда бўлиши мумкин. Хусусан, катта ёки кичик миллатлар томонидан бошқа миллатларни ассимиляция қилишга қаратилган ёки миллий маҳдудликка йўналтирилган М.ни фарқлаш лозим. Миллий келишмовчиликлар ва низолар келиб чиқишига сабаб бўлувчи тажовузкор М. билан бир қаторда ундан ҳам хавфлироқ бўлган яширин, нозик М. ҳам мавжуд. Орий бўлмаган халқларни жисмонан йўқ қилиб ташлашдек мақсадни қўзғалган нацистлар фашизмида ўзининг энг мудҳиш қиёфасини намоён этган ҳолда М.нинг ирқчилик билан қўшилиб кетганини кўрамиз. Ташқи жи-

ҳатдан илмийлик ниқобига ўралган, ўз миллатини бошқалардан фарқ қиладиган ўзига хос хусусиятлар, бой маданият ва маънавиятга эгаллиги, ўзга миллатлар характери, маданиятининг ибтидоийлиги ҳақидаги қарашларда эса нозик М. намоён бўлади. Бундай кўринишда М. миллий манфаатларнинг ифодачиси, миллий ўз-ўзини англашнинг намоён бўлиш шакли сифатида тақдим этилади. М.нинг турли ижтимоий қатламлар тортилиши мумкин бўлган ва нисбатан кенг тарқалган кўриниши маънавий М.дир. Этно-ижтимоий birlik бўлган миллат ва улар ўртасидаги муносабатлар мавжуд бўлар экан, маънавий М. у ёки бу даражада сақланиб қолаверади, дейиш мумкин. Тарихий тажриба ҳал этилмаган ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг кўпайиб кетиши, ижтимоий адолатсизликнинг илдиз отиши шароитида унинг жиддий ўсишидан далолат беради. Қандай шаклда чиқмасин М. ортида моҳият эътибори билан ўзга халқлар ва маданиятларни камситиш, уларга менсимаслик билан муносабатда бўлиш ётади. Бундай қарашлар аксарият ҳолларда миллатнинг тарихий ривожланиши давомида рўй берган (баъзан рўй бермаган) адолатсизликларда ҳам муайян халқларни айбдор қилишга уринишлар билан омухта ҳолда чиқади. Умуман олганда, М. миллатни бошқа миллатлар билан турли соҳалардаги муносабатлардан маҳрум қилиб, уларни маънавий қашшоқлашувига олиб келади ҳамда ўзаро душманлик, келишмовчиликлар учун замин яратади. М. туйғулари бутун миллатни қамраб олган ва давлат тузилмалари томонидан бундай кайфиятлар қўллаб қувватланган пайтда эса у миллатларaro муносабатларнинг жиддийлашувига, ўзаро ишончсизлик туйғуларининг

илдиз отишига, мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг қўзилиб кетишига ва доимий беқарорлик ҳолатининг сақланиб қолишига сабаб бўлади.

**МИЛЛИЙ МАФКУРА** — муайян миллатнинг этноижтимоий birlik сифатида мавжуд бўлиши ва ривожланишини асослаб берувчи гоёлар ва қарашлар тизими. Кўп ҳолларда М.м.ни битта миллат ёки халқнинг мафкураси деб тушунилмайди, у муайян давлат ёки жамиятнинг умумий мафкураси маъносини ҳам англатади. Чунки «миллий» сифати «миллат» сўзидан келиб чиққан бўлиб, фақат муайян этник birlikни эмас, балки муайян «жамият» ёки «давлат» маъносини ҳам ифодалаши мумкин. М.м. тушунчаси ҳам Ўзбекистонда яшаб, фаолият кўрсатаётган барча миллат вакилларига тегишлидир. М.м.нинг ўзагини Ўзбекистондаги турли миллат ва элат, дин ва эътиқод вакиллари мамлакатимизда озод ва обод ватан барпо этиш учун бирлаштириш, халқларни ўзаро ҳурмат ва ҳамкорликка чорлаш, олийжаноб мақсадларни кўзлаш каби умуминсоний тамойилларга айланган гоёлар ташкил этади. М.м. ўзлигимизни, муқадас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдига қўйилган олий мақсад ва вазифаларни ифода этади. М.м. ҳар қандай миллатчиликдан, бошқа элат ва халқларни менсимаслик, уларни камситиш кайфияти ва қарашлардан холидир. У жамиятимиздаги ҳар қандай инсоннинг эътиқоди ва дунёқарашидан қатъи назар, уларнинг барчасини ягона мақсад атрофида бирлаштирадиган, халқимиз ва давлатимиз дахлсизлигини асрайдиган, эл-юртимизни буюк истиқбол сари чорлайдиган

маънавий омилдир. М.м. ҳақида гапирганда яна шуни ҳам назарда тутиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси плюрализм, фикр ва қарашлар эркинлиги таъминлашини тўлиқ таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида «Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас», дейилган. Мафкурада бушлиққа йўл қўймай, М.м.ни халқимиз онгига сингдириш замон талабидир.

**МИЛЛИЙ МАЪНАВИЙ ТИКЛАНИШ** — у ёки бу миллат ҳаётида тарихий тараққиётнинг маълум босқичига келиб мустақилликни қўлга киритиши натижасида миллий ривожланиш борасида бой берилган имкониятлардан фойдаланиш, ўтмишда яратилган барча моддий ва маънавий бойликларни миллий ривожланишга йўналтирилган умуммиллий фаолият. М.м.т. деганда қарамлик ҳолатига тушиб қолган миллатнинг бой маънавий бойликларидан ўз тараққиётида фойдаланишдан маҳрум этилган ва мустақиллигини қўлга киритиш шарофати ила улардан фойдаланган ҳолда тараққий қилишда фаоллик кўрсатишдаги умуммиллий ҳаракат тушунилади. Агар миллат қарамлик ҳолатига тушмаган бўлса, М.м.т. вазифасини эмас, балки миллий маънавий ривожланиш вазифасини изчиллик билан амалга оширади. М.м.т. миллатнинг қарамлик ҳолатига тушиб қолиши оқибатида ўзининг мавжуд миллий маънавий салоҳиятидан фойдалана олмаслиги ва ўз мустақиллигини қўлга киритиши натижасида улардан фойдаланишга қаратилган фаолиятнинг эҳтиёжи сифатида юзага келадиган жараён ҳисобланади. Худди ана шу жараён ўзбек миллати ҳаётида содир бўлди. Ўзгаларга қарамлик йилларида топ-

талиб келинган миллий урф-одат, анъана, қадриятларимиз мустақилликни қўлга киритишимиз шарофати билан яна қайта тикланди ва улар бугунги кун миллий маънавий ривожланишимизга асос бўлмоқда.

**МИЛЛИЙ ОНГ** — миллатнинг мавжуд бўлиши, унинг тарихий тараққиёти ва истиқболи билан боғлиқ омил. Миллат шаклланиши, тараққий этиши ва барқарорлигини таъминлайди. М.о. миллатнинг ўзи билан шаклланиб келади. Унинг бошқалардан фарқ қилувчи, фақат ўзигагина алоқадор манфаатлари ва мақсадларининг шаклланиши М.о.ни вужудга келишга «мажбур» этади. Шунинг учун ҳам М.о. миллат билан мутаносиб равишда узоқ тарихий даврда унинг турмуш тарзи, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва кенг маънавий-маърифий салоҳияти таъсири натижасида шаклланиб келади. М.о. миллат тарихи, тақдири ва истиқболи билан боғлиқ бўлган, миллат манфаатлари ва муаммоларини ифодаловчи, миллат вакиллари фаолиятга йўналишлар берувчи гоё ва фикрлар тизими. М.о.га таъриф берганда миллатнинг онг салоҳиятига устуворлик бериш билан бирга, унинг фаоллик кўрсата билиш даражаларини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Яъни, миллатда унинг манфаат ва мақсадларини ифода этувчи онг бўлса-ю, аммо, уни амалга оширишга ҳаракат қилинмаса, миллатнинг онглилиги ўз ифодасини топа олмайди. Шу маънода, М.о. ҳар бир миллат манфаат ва мақсадларини амалга ошириш борасида фаоллик кўрсатиш даражаси ҳам ҳисобланади. М.о. миллий манфаатларни акс этирувчи омил сифатида миллатнинг моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариш, ўзга миллатлар билан узаро муносабатлар жараёнида шаклланиб бора-

ди. Ана шу жараёнда ҳар бир миллатга хос бўлган хусусият, урф-одат, анъана ва қадриятлар шаклланади. Улар миллатни бошқа миллатлардан фарқ қилдириб, миллий манфаат ва мақсадларни юзага келтирувчи етакчи омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам миллатнинг барча тарихий даврлардаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий камолоти М.о.да ўз ифодасини топади. Агар М.о. бўлмаса нафақат миллий урф-одат, анъана ва қадриятлар, балки, улар билан бир қаторда, миллатнинг ўзи ҳам реал субъект, ижтимоий, этник институт сифатида мавжуд бўла олмайди. М.о. ва унинг ривожланишигина оломоннинг миллат даражасига кутарилишини таъминлайдиган асосий омил ҳисобланади. Чунки етук М.о. заминидagina миллий бирлик вужудга келади. Шундагина миллат яхлит уюнган куч сифатида тарих майдонига чиқиши мумкин. М.о. миллий манфаат ва мақсадларни юзага келтиради. Ана шулар заминида миллат истиқболи учун хатарли бўлган миллий тарқоқлик, уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик, гуруҳбозлик каби салбий иллатлар барҳам топади. М.о.нинг ривожланиши давлатнинг барқарор тараққий қилишини таъминлайдиган омиллардан бири ҳам ҳисобланади. Чунки онги ривожланган миллат шовинизм, миллатчилик, ўзи билан ёнма-ён яшайдиган миллат ва элат вакилларига нисбатан менсимаслик ёхуд ёвузлик, жоҳиллик каби салбий иллатлар ва мажруҳ руҳиятдан холи бўлади. У ўз манфаатлари ва мақсадларини ўзгалар манфаатларига ҳеч қачон қарама-қарши қўймайди, балки, ўзга миллат вакилларини ўз атрофига бирлаштиришга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам М.о.ни ривожлантириш демократик давлат

сиёсатида етакчи ўрин эгаллайди. М.о.нинг ривожланишида мавжуд ижтимоий тузум, миллатнинг ички маънавий-маърифий салоҳияти ва унинг фаоллиги муҳим аҳамиятга эга. Юқорида таъкидланганидек, миллат ўзининг шаклланиш жараёнида ўз яхлитлиги ва ўзига хос бўлган барча омилларни ҳам ривожлантириб боради. Ўз ўрнида ана шу омиллар ҳам М.о. тараққиётига ўз таъсирини ўтказди. Яъни, ҳар бир миллат М.о. ривожланишида ўз салоҳиятини яратади. Яна ҳам аниқроғи, М.о. ривожланишида таъсир ва акс таъсир жараёни амал қилади. Мана шу жараён миллат абадчилигини таъминлайди. Афсуски, миллий ривожланишнинг, унинг бошқа муаммолари каби, абадийлигини таъминлайдиган ана шу жараёнлар нафақат Ўзбекистонда, балки бугунги Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида ҳам чуқур ўрганилмаган. Собиқ тоталитар шўролар мустабид тузumi парчалангандан кейинги ўтган давр ва миллий тараққиётнинг жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, М.о. менталитет, руҳият ҳар бир инсон онгли ҳаётининг маҳсули сифатида абадий саналади. У олам ва инсон гўзаллигининг ажралмас бўлагидир. Ана шу маънода ҳам М.о. шаклланишида кенг маънодаги маънавий-маърифий салоҳиятнинг ўрни ва аҳамияти ошиб бораверади. М.о. ривожланишининг маънавий асосларини миллий тил, мерос, тарихий хогира, урф-одат, анъана, қадриятлар, миллий таълим-тарбия тизими кабилар таъсир қилади. Мана шу омиллардан миллат маънавий озуқа олади, улар орқали инсон ва миллат ўз-ўзини англайди. Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши натижасида миллатимизнинг М.о.и ривожланиши учун катта имкониятлар вужудга келди.

**МИЛЛИЙ ЎЗ-ЎЗИНИ АНГЛАШ** — ҳар бир миллат (элат)нинг ўзини реал мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларнинг ифодаловчиси эканлиги, ягона тил, урф-одат, анъана, қадриятлар ва давлатга мансублигини, манфаат ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етиши. М.ў.-ў.а. миллат шаклланишининг муайян нисбий, юқори босқичи мезони ҳисобланади. Миллат ўзига хос бўлган урф-одатлар, анъаналар, қадриятларни шакллантириши ва давлат атрофига бирлашиши мумкин. Аммо, унинг М.ў.-ў.а. даражасига кўтарилиши мураккаб жараён ҳисобланади. Чунки у миллат вакиллари муайян манфаатларидан умуммиллий манфаатларни устун қўя билишлари билан боғлиқ. М.ў.-ў.а. миллий онгдан фарқ қилади. Миллий онг ҳар миллатнинг ягона тили, урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари ва маънавиятининг пастдан юқorigа, оддийдан мураккабга томон ривожланиб боришининг муҳим мезони ҳисобланади. Ўз навбатида, миллий онгнинг ривожланиб бориши ҳар бир миллатни ўз-ўзини англаш даражасига кўтаради. Миллий онг миллатнинг ўзига хослиги асосида ривожланиб боришидаги кўрсаткич бўлса, М.ў.-ў.а. манфаатларни ҳимоя қилишда ҳаракатга келувчи ички маънавий-руҳий салоҳиятдир. М.ў.-ў.а. реал куч сифатида миллат шаъни, қадр-қиммати, обрў-эътибори, ор-номуси поймол этилганда ёки миллатнинг моддий ва маънавий манфаатларига зид ва зўравонлик ҳаракатлари юзага келган ҳолларда намоён бўлади. Шаъни, қадр-қиммати, ор-номуси, обрў-эътибори ва манфаатлари поймол этилган миллат вакиллари қайси лавозимда хизмат қилиши, бой ёки камбағал бўлишидан қатъий назар, ягона умуммиллий куч бўлиб бирлашадилар ҳамда ўзлигини ҳимоя қиладилар.

Демак, М.ў.-ў.а. миллат манфаатларини ҳимоя қилувчи омил ҳисобланади. Бундан ташқари, у фақат миллат манфаатларини ҳимоя қилиш билан чекланмайди, шунингдек, миллатни «ҳаракатга» келтиради ва бирлаштириб туради. Хусусан, миллат тараққиёти жараёнида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишда М.ў.-ў.а. омили миллатни бирлаштиради ва умумий мақсадлар сари ҳаракатга келтиради. У ҳар қандай миллат учун етакчи белги ҳисобланиб, ўзининг қудратли салоҳияти билан миллат учун зарур, асосий ўзига хос белгилари тизимида етакчи ўринни эгаллайди. М.ў.-ў.а. миллат абадийлигини таъминлашнинг ҳам муҳим омилдир. Чунки бу салоҳият миллатнинг ўзига хослигини ва манфаатларини ҳимоя қилиб туради. М.ў.-ў.а. у ёки бу миллатни ўзга миллатлардан ажралиб кетишига олиб келмайди, балки ўзлигини англаган миллатларнинг маърифатли ҳамкорлигини мустаҳкамланиб боришига ёрдам беради. М.ў.-ў.а. қанчалик мустаҳкам бўлса, унинг ўз муаммоларини ҳал қилиш имконияти ҳам шунчалик кенгайиб боради. Шунинг учун ҳам мустақиллик шароитида ўзбек халқининг ўз-ўзини англашини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилади. Ўз-ўзини англаган миллатнинг миллий бирлиги ҳам мустаҳкам бўлади. Миллий бирлик, ўз навбатида, миллат абадийлигининг барқарор муҳим шарт ҳисобланади.

Собиқ мустабид шароитида умуми шароитида М.ў.-ў.а. масъаласи ўрғанишга йўл қўйилмаган. Чунки уни ўрганиш миллатлараро норозиликни келтириб чиқариши мумкин эди. Аммо, бу миллатларнинг М.ў.-ў.а. жараёнини тўхтата олмади. Аксинча, у зимдан шаклланиб, ривожланиб

бораверди ва охир-оқибатда тузумнинг емирилишини тезлаштирди. Бугунги кунда ўзбек миллатининг ўзини англаши жадал суръатларда ўсиб бормоқда ва бунинг натижасида миллий тикланишимиз, миллат сифатида жаҳон цивилизациясида муносиб ўрин эгаллаш имкониятларимиз кенгаймоқда.

**МИЛЛИЙ ҒОЯ** — муайян миллат ҳаётига мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган фикрлар мажмуи. У миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида мужасамлаштиради, унинг туб манфаатларини, мақсадларини ифодалайди. М.ғ. ўз моҳиятига кўра, халқ, миллат тақдирига дахлдор бўлган, қисқа ёки узоқ муддат ҳал этилиши керак бўлган вазифалар ва мўлжалларни ҳам акс эттиради. Бирор ғоянинг М.ғ. сифатида майдонга чиқиши миллатнинг ўтмиши, мавжуд ҳолати билан бевосита боғлиқ. Ана шу 2 негизга таянган ҳолдагина у миллатнинг қисқа вақт ва узоқ вақтда эришиши лозим бўлган мақсад-муддаолари ва мўлжалларини тўғри ифодалай олиши мумкин. Ҳар қандай М.ғ.да умуминсоний моҳият мавжуд бўлади. Аммо, аниқ бир миллат ёки умуминсоният учун аҳамиятли бўлган ғоялар ҳам бор. Мас., «Миллий яраш» ғояси фуқаролар уруши кетаётган давлат учун ҳаётий мазмунга эга бўлса, «Манфаатли ҳамкорлик» ғояси дунёнинг барча мамлакатлари учун бирдек аҳамиятлидир. Ҳар бир халқ ўз тарихининг бурилиш нуқталарида, аввало мафкура масаласини, унинг ўзагини ташкил этадиган, ўзига хос ўқ, бирлаштирувчи ядро вазифасини ўтайдиган ижтимоий ғояни шакллантириш муаммосини ҳал этади. Бунга эса М.ғ. орқали эришилади. М.ғ. муайян даражада инсоният тақдирига таъсир қилади.

М.ғ.нинг ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёшлар қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини, умуминсоний қадриятларини синдиришда аҳамияти катта.

М.ғ. воситасида эл-юрт бирлашади, ўз олдига буюк мақсадлар қўяди ва уларни адо этишга қодир бўлади.

**МИЛЛИЙ ҒУРУР** — ҳар бир миллатнинг ўз-ўзини англаши натижасида содир бўладиган ички руҳий кайфият. Бу туйғу ўз она замини, авлод-аждодлари томонидан қолдирилган моддий-маънавий меросдан, ўз миллатининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаларидан, ўзга миллатлар олдигаги кадр-қиммати, обрў-эътибори билан фахрланиш ҳиссиётидир. М.ғ. ўз миллатининг чинакам фидойиси бўлган ҳар бир инсонга хос бўлган ички руҳий туйғудир. Ўз миллатини севадиган ҳар бир инсон унинг ютуқлари, обрў-эътибори билан фахрланади, унинг муаммоларига бефарқ қараб тура олмайди. М.ғ.и юксак инсон ўз элига, миллатига жонкуяр бўлади, унинг муваффақиятлари билан ич-ичидан фахрланади, қувонади. М.ғ. ҳар бир инсонда ўз миллатининг моддий-маънавий меросини ўзлаштириш, урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари, тарихини мукаммак билиш ва уни ўзга миллатларники билан қиёслаш натижасида шаклланади ҳамда унда ўз миллатига меҳр-муҳаббатини ошириб боради. Ўз миллатининг маънавий мероси, қадриятлари, урф-одатлари, моддий ва маънавий бойликларни яратишдаги ютуқларининг ўзга миллат вакиллари томонидан эътироф этилиши, тақдорланмайдиган, ўзига хос хусусиятларига юксак баҳо берилиши ана шу миллат вакили бўлган инсонда ўз миллатидан фахрланиш туйғулари юксак даражада намоён бўлади. М.ғ.и мустақкам бўлган мил-



лат вакилларининг бирлиги ҳам мустақкам бўлади, бундай миллатни қурол кучи билан енгиш мумкин, аммо маънавий-руҳий жиҳатдан синдириб енгиб бўлмайди. Унинг ички руҳий қудрати миллат қаддини кўтаришнинг енгилмас салоҳияти сифатида сақланиб қолади ва эртами ёки кечми миллатни ривожлантиришнинг мустақкам пойдевори бўлади. Бунга жаҳондаги миллатлар ривожланиши тарихидан кўплаб ёрқин мисолларни келтириш мумкин.

Демак, М.ғ. ҳар бир инсоннинг ўз миллати ютуқлари, тарихи, қадриятлари, ўзга миллатлар олдидаги обрў-эътиборидан фахрланиш кайфияти бўлиши билан бирга миллат бирлиги ва келажагини таъминлашнинг муҳим омилidir.

Ўзини миллатнинг вакилиман, деб ҳисоблайдиган ҳар бир инсон авлод-аждодларимиздан қолган бетакрор бой моддий ва маънавий меросдан, уларнинг жаҳон цивилизациясига қушган муносиб ҳиссаларидан, чинакам ватанпарварлик, халқпарварлик, Ватан озодлиги йўлида кўрсатган жасорат ва мардлигидан фахрланади ҳамда уларнинг анъаналарини давом эттириш руҳиятига эга бўлади. Бугунги кунда Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритиши унда яшаётган ҳар бир миллат вакилининг М.ғ.ини оширди, унинг қаддини кўтарди ва унда ўз халқи, она заминини, авлод-аждодлар олдидаги миллат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича масъулиятни ҳис қилиш руҳини шакллантирмоқда. М.ғ. туйғуларининг илдишлари жуда мустақкамдир. Чунки бу она заминимизда жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қушган аждодлар яшаганлар ва ўзларидан битмас-туганмас мерос қолдириб кетганлар. Улардан фан, маданият, санъат, давлатни ташкил

қилиш, уни идора қилиш ва б. соҳаларда қолган улкан мерос М.ғ.имизнинг гултожиси ҳисобланади. Мустақиллигимиз шарофати ила улар яна ҳам сайқаллашиб, миллатимиз қадрини тиклашга хизмат қилиб келмоқда. Мас., ўзбек миллатининг ўз Ватани мустақиллигидан фахрланиш туйғуларининг ўсиб бориши янги жамият қуриш жараёнида вужудга келган муаммоларни вазминлик билан ҳал этиш ва Ўзбекистоннинг жаҳондаги обрў-эътиборини мустақкамлаш омилли бўлиб хизмат қилади. М.ғ. фақат фахрланиш кайфияти эмас, у шунинг билан бирга, миллат тақдири, келажаги йўлидаги масъулликни ҳис эта билиш туйғуси ҳамдир. Миллат вакилларининг миллат келажаги йўлидаги масъуллигининг ошиб бораётганлиги унинг жаҳонда яна муносиб ўрин эгаллаш имкониятини беради.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда миллий туйғунинг яна ҳам мустақкамланишига хизмат қиладиган муваффақиятлар қўлга киритилди. Улар миллий-маънавий тикланишимиз, замонавий технологияга асосланган саноат ишлаб чиқаришининг вужудга келиши, миллий қадриятларни тарбиялашнинг давлат сиёсати даражасига, миллий курашимизнинг жаҳон спортининг бир тури даражасига кўтарилиши, тараққиётимизнинг муҳим шarti — миллий яратувчилик кайфиятининг турмуш тарзига айланаши ва б. соҳалардаги ютуқлар М.ғ.имизни кучайтиради ҳамда миллатимизнинг келажакка ишончини мустақкамлайди.

**МИЛЛЬ** Жон Стюарт (1806.20.5, Лондон — 1873.8.5, Авињон) — инглиз файласуфи, психолог, социолог ва иқтисодчи. Ўзи яратган индуктив ва дедуктив мантиқ тизими билан машхур («Силлогистик ва индуктив мантиқ системаси» асари). Инглиз

фалсафасидаги классик эмпиризм анъаналарини давом эттирган ва уни позитивизм сифатида ривожлантирган. М. 19-а.нинг йирик позитивистларидан бири. М. таълимотига кўра, фалсафа асосини фақат муайян сезги ва бўлиши мумкин бўлган сезгилар ҳақидаги тасаввурлар реал мавжуд, деб белгиловчи психология ташкил этади. М. Аристотель силлогизмини инкор этади. М. ташқи дунёни ўхшаш сезгиларнинг доимий имкониятидир, деб таъкидлайди. У билишнинг ягона манбаи тажриба, билишнинг бўлиши мумкин бўлган ягона усули индукциядир, у мантиқий ҳулоса ва математик аксиомалар асосида ётади деб ҳисоблайди. М. фанларни табиат ҳақидаги фанлар (тарих фанини ҳам «табиат ҳақидаги» фанлар таркибига киритишга ҳаракат қилади), руҳ — психология ҳақидаги фанлар, «этология», жамият ҳақидаги фанларга ажратади. М. фикрига кўра, этика фанининг вазифаси — жамиятни ахлоқий жиҳатдан қайта тузиш, яъни индивид ва жамият ўртасида қониқарли муроса ўрнатишдир. Ахлоқий қадриятлар туғма, интуитив (ёки априор), ўзгармайдиган эмас, балки аксинча, тажрибага асосланган ва ўзгарувчандир. М. учун одоб-ахлоқнинг олий мақсади — имкон борича инсонларни бахтли қилишга эришиш. Ушбу ахлоқий тамойиллардан келиб чиққан М. олий, илоҳий моҳиятни диний нуқтаи назардан қабул қилади, аммо фазодаги ҳодисалар унинг фикрича, худонинг чексиз қудратига ишонччи қийинлаштиради. М. парламентаризм, сиёсий иқтисод ва б. масалалар бўйича ҳам ўз қарашларини ифода этган.

**МИМАНСА** (санскритча — тадқиқ қилмоқ) — қадимги ҳинд фалсафий мактабларидан бири. Мил. ав. 2-а.ларда

пайдо бўлган. Асосчиси мутафаккир Жайминий. Жайминий «Миманса-Сутра» номи асар ёзиб қолдирган. М. вакиллари ташқи оламнинг реаллигини тан олганлар. Ташқи оламнинг реаллигини тан олишнинг бирдан-бир исботи — сезги абзодаримиз орқали моддий оламни ҳис этишдир. М. вакиллари саккизта категория ҳақида фикр юритишган. Булар ҳаракат (карма), тааллуқлилиқ (самавия), куч (шакти), ўхшашлик (садриния), сонлар (санкхия), субстанция (дравия), сифат (адрелита), контакт (санъйюга). Улар оламда сабаб ва оқибат ҳукмрон эканлигини эътироф этганлар. Оламда ҳамма нарса ўзаро алоқадорликда, ўзаро боғлиқликдадир. Умумийлик — куч потенциал энергия маъносига тушунилиб, у сабаб замири ичида яширинган бўлади. Мас., уруғдан ўсимлик униб чиқади, яъни куч потенциал қувват орқали амалга ошади. Оламнинг мавжудлиги ва уни билишда М.чилар дуалистик позицияда турнишган. Уларнинг фикрича, руҳ абдий чексиз субстанция бўлиб, у тана билан боғлиқдир. Руҳ тана билан бирга улмай, балки бир танадан иккинчи танага кучиб ўтади. Оламда қанча тана бўлса, шунча руҳ бор. Оламни билишнинг энг ҳақиқий йўли — ведаларнинг муқаддаслигини тан олишдир. Уларнинг фикрича, барча мавжуд нарсалар билим манбаи ҳисобланади. Улар билишни икки босқичга бўладилар. М.чилар фикрича, ҳиссий қабул қилишдан ташқари, билишнинг яна бешта манбаи ҳам мавжуд. Булар қуйидагилар: мантиқий билим (анумана), қиёслаш (упамана), асосий қоида қилиб олиш (артхапада), қабул қилмаслик (анупалабдха), ведаларнинг муқаддаслиги (шабда). М.чилар, шунингдек, тил ва тафаккур, сезги ва унинг аҳамияти ҳақида ҳам бир

қатор ғояларни илгари суришган. М.чилар таълимоти ўзининг метафизик жиҳати билан ҳам ажралиб туради. М.чиларнинг моддий дунёни ҳимоя қилиши, унинг замон ва маконда абадий ва чексизлигини тан олганликлари кейинги даврда фалсафа ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

**МИРЗО ҒОЛИБ** – қ. *Ғолиб Мирзо*.

**МИФОЛОГИЯ** (юн. muthos – ривоят, асотир, логос ва logos – сўз) – I) муайян халқ томонидан яратилган мифологик тасаввурларнинг изчил тартибга солинган тизими, асотирлар мажмуи. Мас., юнон М.си, ҳинд М.си, ўзбек М.си. Инсоният маънавий тараққиётининг илк босқичи сифатида муҳим амалий аҳамият касб этган М. ибтидоий маданиятнинг негизи, оламни идрок этишининг асосий воситаси, бадний тафаккурнинг ибтидоиси ҳисобланган. М.нинг асосини қадимги одамнинг коинот, табиат, инсон, само жисмлари, нарса ва ҳодисаларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги асотирлари ташкил этади.

М.нинг архаик қатлами қуёш, ой ва юлдузлар тўғрисидаги шамсий, қамарий ва астраль мифлар, оламнинг пайдо бўлиши ҳақидаги самовий мифлар, одамзотнинг яратилиши ҳақидаги антропогеник мифлар, қадимги этиқодий қарашларни ўзида ифода этган тотемистик, анимистик ва қувв мифларидан ташкил топган. Деҳқончилик маданияти юксак даражада ривожланган ҳудудларда эса табиий-иқлимий ўзгаришларнинг рамзий-метафорик талқинлари асосига қурилган тақвимий (календарь) мифлар ва ўлиб-тирилувчи табиат қуввлари ҳақидаги мифлар кенг тарқалган. Хусусан, Осирис (Қадимги Миср), Адонис (Финикия), Дионис (Ювонистон), Сиёвуш (Ўрта Осиё) ҳақидаги мифологик сюжетлар шу

тариқа юзага келган. Ўзининг илк тараққиёт босқичида энг содда ибтидоий ишончлардангина иборат бўлган. М. инсоният тафаккурининг тадрижий ривожидангина олам, жамият ва табиат ҳақидаги асотирий сюжетлар, мифик образ ва тасаввурлар силсиласини ўз ичига олган мукамал тизимга айланган.

Ижтимоий онтнинг анимизм, тотемизм, фетишизм каби қадимги шакллари М. билан чамбарчас боғлиқ. Ибтидоий дунёқараш тизими сифатида шакланган М. қадимги диний этиқодларнинг илк куртаклари, аждодларимизнинг фалсафий, ахлоқий ва ижтимоий қарашлари, олам ва одам ҳаётига доир энг содда илмий талқинлар, воқеликни онгеиз-ҳиссий англаш асосига қурилган рамзий-метафорик образлар, шунингдек, сўз санъати, маросимлар тизими ва мифологик тафаккурнинг турли хил шакллари ўз ичига қамраб олган. У қадимги одамнинг борлиқ оламни идрок этишга доир тасаввур ва қарашларини ўзида жамлаган изчил тизим сифатида ибтидоий мафқуранинг етакчи ғояси бўлиб хизмат қилган. М. ибтидоий инсоннинг илмий, диний, фалсафий ва бадний қарашларини ўзида мужассамлаштирган синкретик ҳодисалар. Шу билан М. фольклор, ёзма адабиёт, санъат ва маънавий қадриятларнинг шаклланиши учун илк замин вазифасини ўтаган.

2) мифларни тадқиқ этувчи, ўрганувчи фан, мифшунослик. Мифологик тасаввурлар моҳиятини англаш ва уларни илмий талқин қилишга бўлган илк уринишлар антик давр олимлари томонидан амалга оширилган. Хусусан, Платон асотирларни фалсафий-рамзий нуқтаи назардан талқин қилган бўлса, юнон файласуфи Эвгемер (мил. ав. 3-а.) мифик образларни ўтмишда яшаб ўтган реал тарихий

шахсларнинг тимсолий ифодаси деб билган. 19-а.нинг 1-ярмида Германияда «мифологик мактаб» юзага келган. Мифологик мактабнинг назарий асослари немис филологлари ака-ука Я. ва В. Гриммларнинг «Немис мифологияси» китобида баён қилинган. Улар халқ эртактарини таҳлил қилиш жараёнида қадимги мифологик тасаввурларнинг эпик сюжетлар таркибидаги қолдиқларини аниқлашган ва ҳинд-европа халқлари М.си ягона негизга бориб тақалади, деган муҳим илмий хулосага келишган. Ана шу назарияни ривожлантирган А.Кун, В.Шварц, В.Маннхардт (Германия), М.Бреаль (Франция), М.Мюллер (Англия), Ф.И.Буслаев, А.Н.Афанасьев, О.Ф.Мюллер, А.А.Потебня (Россия) каби олимлар мифларни қиёсий тадқиқ этишган. Кейинчалик жаҳон мифшунослигида кўплаб янги илмий йуналишлар юзага келган.

**МИҚДОР** — объектнинг ташқи кўрсаткичлари (унинг катталиги, сони, ҳажми, хоссаларининг ривожланиш даражаси ва ҳ.к.)ни ифодаловчи тушунча. Биринчи марта М. масалаларини пифагорчилар таҳлил қилишга уриниб, сонлар табиатини ўрганишган. Аристотель М.ни алоҳида категория деб ҳисоблаган. М. ҳодисалар, нарсалар, жараёнларнинг сифати билан муайян бирликни ташкил этиб, бу birlik уларнинг меъёри бўлади. Нарсаларнинг миқдорий муайянлиги ўзгариб маълум бир меъёрга етиши сифат ўзгаришига олиб келади. Яна қ. *Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларида ўтиши қонуни*.

**МИҚДОР ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ СИФАТ ЎЗГАРИШЛАРИГА ЎТИШИ ҚОНУНИ** — *диалектика*нинг қонунларидан бири. Табиат, жамият ва тафаккур тараққиётининг энг умумий тарзини очиб беради. Уни *Гегель* таърифлаб берган. Ривож-

ланиш мураккаб жараён бўлиб, унда миқдор ва сифат ўзгаришлари содир бўлади. Предмет ёки ҳодисанинг ривожланиши аввал аста-секин рўй берадиган миқдор ўзгаришларидан бошланади. Миқдор ўзгаришлари маълум даражага етгач, меъёرنинг бузилиши туб сифат ўзгаришларига олиб келади. Миқдор сифатга ўтади. Миқдор ўзгаришлари турли шаклда содир бўлади. Миқдор ўзгаришлари объект қисмлари сонининг ўзгариши шаклида, маконий шаклларнинг ёки элементлар алоқадорлиги тартибининг ўзгариши ва ҳ.к. шаклларда содир бўлиши мумкин. Обьектив воқеликда фақат миқдор ўзгаришлари сифат ўзгаришларига олиб келмай, сифат ўзгаришлари ҳам миқдор ўзгаришларига олиб келади, вужудга келган янги сифат доирасида миқдор кўрсаткичлари ривожланади. Мас., Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришганлиги — сифат ўзгариши. Натижада халқ ҳужалиги, иқтисодий тараққиёт учун янги имкониятлар вужудга келди, халқнинг иқтисодий, сиёсий, маданий раванқи учун кенг йўл очилди.

Миқдор ўзгаришлари нисбатан сокин, узлуксиз давом этса, сифат ўзгаришлари узилишли, сакрашсимон бўлади. Ривожланиш жараёнида эски сифатнинг янги сифатга айланиши узлуксизликнинг узилиши ёки сакраш деб аталади. Сакраш — ривожланиш жараёнида қонуний содир бўладиган бурилиш нуқтаси, тараққиёт занжиридаги зарурий ҳалқадир. Сакраш ўзгаришнинг энг интенсив шакли, ривожланиш маромининг олий нуқтасидир, унинг натижасида эски нарса емирилади, янги нарса вужудга келади. Бир сифатдан иккинчи сифатга ўтиш сакраш орқали бўлиши умумий қоида бўлиб, у ҳали

бу сакраш ҳар бир тайин вазиятда тайин нарса ва ҳодисаларга нисбатан қандай амалга ошишини кўрсатиб бермайди. Ҳодисанинг бир сифат ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши йўқолиш ва пайдо бўлишнинг, мавжудлик ва йўқликнинг, инкор ва тасдиқнинг бирлигидан иборат (қ. *Қарама-қаршиликлар бирлиги ва қураши қонуни*). Сакрашда янги юзага келаётган ҳодиса эскисини инкор этади; бунда сифат ва миқдор ўзгаришлари бир-бирини тақозо этади (қ. *Инкорни инкор қонуни*). Диалектика сакрашларнинг, бир сифатдан иккинчи сифатга этиш шаклларининг хилма-хиллигини жиддий ҳисобга олишни, ҳар бир муайян вазиятда шу ўтишнинг тайин шаклларини аниқлаб, билиб олган ҳолда иш кўришни талаб қиладди. Энг муҳими — сакрашнинг, ўсишнинг тайин шаклини пайқаб олиш, топиш, ифодалаш ва шунга қараб ҳаракат қилиш керак.

М.ў.с.ў.ў.қ. диалектиканинг бошқа қонунлари сингари илмий билиш ва амалий фаолият учун катта аҳамиятга эга. У бизга объектив дунёнинг ривожланиш жараёнини тўғри тушуниб олиш, нарса ва ҳодисаларнинг сифат жиҳатидан ўзгариш тарзини англаш ва ундан жамиятни янада ривожлантиришда фойдаланиш имконини беради.

**МОДДА** — тинч ҳолатда массага эга бўлган зарралар мажмуи: умумий тинчлик массаси нолга тенг бўлмаган элементар зарралар (асосан, электрон, протон ва нейтрон). М. газ, суюқлик, қаттиқ жисм ва плазма ҳолида бўлади. М. — материянинг асосий шаклларида бири. Квант механика, электродинамика ва элементар зарралар физикаси тараққиёти натижасида физик реалликнинг М.дан бошқа шаклда — майдон шаклида бўлиши ҳам аниқланди.

**МОДЕРНИЗАЦИЯ**, модернизация ялаш (французча *moderisatio*, *moderne* — янги, замонавий) — жамиятни замонавий талабларга мувофиқ такомиллаштириш мақсадида хилма-хил ўзгартиришларни амалга оширишдан иборат ижтимоий-тарихий жараёни ифодаловчи тушунча. М. тушунчаси жамиятни назарий-методологик тадқиқ этишда ишлатиладди ва бу гоё эволюционизм ва функционализм таъсирида вужудга келган. Дастлабки М. дастурлари 20-а. ўрталарида Европа мустамлакачилик империясининг инқирози натижасида Осиё, Африка, Лотин Америкасидаги мамлакатларга АҚШ ва Европа олим ҳамда сиёсатчилари томонидан коммунистик ривожланиш йўлига қарама-қарши жамиятнинг ривожланиш йўли сифатида тақдим этилган. Унда М. бозор қонуниятларига асосланган иқтисодий ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган жараён сифатида ифодаланган. М.назариясининг шаклланишида У.Ростоунинг «Иқтисодий ўсиш босқичлари» асари ва Т.Парсонс, Э. Шилза каби олимларнинг изланишлари назарий асос бўлиб хизмат қилди. М. назарияси жаҳон ижтимоий тараққиёти билан бирга доимий эволюцион ривожланишдаги таълимот ҳисобланади. Шу сабабли М. парадигмаси доирасида кўплаб назарий-методологик ёндашув ва ижтимоий тараққиётни турел томонларини ифодаловчи моделлар вужудга келган. Бундай моделларнинг асосийлари сифатида мутахассислар линеар (У.Ростоу, А.Органский, М.Леви, Д.Лернер, Н.Смелзер, С.Блэк, Ш.Эйзенштадт ва б.), кўпчиликли (Э.Тириақьяна, П. Штомпки, Р. Робертсон, У.Бек, К.Мюллер, В.Цапфа, А.Турен, С.Хантингтон), актор (Г.Пирайнен, Т.Парсонс, Н.Лук-

ман), структуравий (Г. Терборн) М. моделларини эътироф этадилар. Мазкур моделларнинг мушпарак томони уларнинг барчасида жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий соҳаларини такомиллаштириш учун хилма-хил узгаришлар қилиш асосида тараққийга эришиш гоёсининг мавжудлигидир. Классик ва замонавий М. назарияларини фарқлаш мумкин. Агар классик М. жараёнларининг мақсади ҳам ривожланган, ҳам ривожланмаган давлатларда капиталистик муносабатларга асосланган иқтисодиёт ва фуқаролик жамиятини шакллантириш бўлса, замонавий М. назарияларининг асосида ҳар бир жамият ривожланишида анъаналарнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги, капиталистик муносабатлар тизимини миқдорий ривожлантиришдан сифатий ривожлантиришга ўтиш ётади. Бунда М. жараёнлари жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олади ва индустриаллаштириш, урбанизация, саводхонликнинг ўсиши, жамиятдаги фаровонлик ва ижтимоий таъминот, шунингдек мураккаб ва кўп томонлама касбий тузилмаларни ўз ичига олади.

**МОНАДА** (юн. monas — ягона, бўлинмас) — айрим фалсафий таълимотларда борлиқнинг тузилиши унсурларини ифодалаш учун ишлатилган тушунча. Антик фалсафада дастлаб пифагорчилар ишлатганлар. Янги давр фалсафасида М. тушунчаси пантеистик руҳда талқин қилинди (Н. Кузанский, Ж. Бруно). Г. Лейбниц М. тушунчасини ўзининг фалсафий тизимига асос қилиб олиб, унинг ҳақида махсус таълимот — «монадология» яратди. Лейбницнинг фикрича, М. руҳий табиатга эга бўлган, бутун дунёни ўзига қамраб аке эттира оладиган оддий (бўлинмас) ва фаол бирламчи субстанциядир. Лейбниц «монадология»си объектив идеализм-

нинг классик таълимоти бўлгани ҳолда, табиатга динамик тарзда қарайди. Монадология гоёси 19-ада немис файласуфлари И. Гербарт, Г. Лотце, 20-ада Э. Гуссерль (Германия), А. Уайтхед (Буюк Британия) ва б.нинг қарашларида ўз аксини топди.

**МОНИЗМ** (юн. monas — якка, ягона) — дунёдаги турли-туман ҳодисалар негизида битта ибтидо, ягона субстанция ётади, деган нуқтаи назарни илгари сурувчи йўналиш. М. дуализм ва плюрализмнинг акси. М. дастлаб ҳамма нарса «биринчи моддий нарса»дан, мас., «сув» (Фалес), «олов» (Гераклит) ёки бошқа нарсадан келиб чиққанлиги ҳақидаги содда тасаввур шаклида бўлган. У идеалистик М. ва материалистик М.га бўлинади. Идеалистик М. ҳамма нарса негизида руҳий асос ётади, деб даъво қилса, материалистик М. моддий асосни тан олади. Булардан ташқари, М.нинг «нейтрал М.» деб аталувчи қуриниши ҳам мавжуд бўлиб (махизм, эмпириомонизм ва б.), у моддий ва руҳий нарсаларни «нейтрал» ибтидодан келтириб чиқаришга уринади.

**МОТУРИДИЙ**. Абу Мансур ал-Мотурудий (туғил номи Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн ал-Ханафий ал-Мотурудий ас-Самарқандий) (876 — Самарқанд — 944) — ислом дунёсида «ҳидоят йули имоми», «муақаллимлар имоми» мартабасига муяссар бўлган аллома, қалом илмининг мотуридийлик оқими асосчиси. У ўз устозлари — Абу Бақр Аҳмад ал-Жузжоний, Абу Наср Аҳмад ал-Иёдний, Нусайр ибн Яхё ал-Балхий ва Муҳаммад ибн Муқотил ар-Розий каби зукко алломалардан ислом илоҳиёти сир-асрорини ўрганди, мутақил ижод йўлига кириб борди. «Самария» асарининг муаллифи — Абу ар-Тоҳирхожа (1874 й. вафот этган)-

нинг таъбирича, «хидоят этувчилар билимдони» Али ибн Саййид ар-Русуфаний, Абу Бакр ас-Самарқандий, Абулуиср ал-Пазлавий каби иқтидорли шоғирларни вояга етказди.

М. салмоқли маънавий мерос қолдирган. У «Китоб ат-тавҳид» («Якка-худодлик ҳақидаги китоб»), «Китоб баён ва умм ал-жадал», «Китоб таъвилот ал-Қуръон», «Китоб ал-маомат», «Китоб ал-жадал лил Каъби ал-усул» каби жиддий асарлар муаллифи Қўшгина асарларида М. асосий мақсад қилиб исломдаги ҳанафий мазҳаби тамойилларини муҳофаза этиш ва «аҳл ас-сунна ва-л-жамоа» таълимотига зид қарашларни рад этишни кўзда тутди. М. асарларида Аллоҳ, инсон, имон ва илм масалалари етакчи мақомга эга. М. илоҳиёт соҳасини шарҳлашда табиат мижози кенг, гина-қудуратлардан йироқ, кек сақламайдиган, диний бетоқатликка урин қолдирмайдиган, шу билан бирга уга эҳтиёткор мутафаккирдир. У ўз мулоҳазаларида ўзгалар гоёларини, нуқтай назарларини ҳолисона текшириб кўришга эринмайдиган ва ўзига маъқул келадиган диний ҳамда дунёвий қарашларни қабул қилишни мақсадга мувофиқ деб биладиган инсон бўлган. У илоҳиёт масалалари ечимини излашда тенг, текис йўналишга амал қилишни тўғри эканлигига эътибор қаратган. Илоҳиётга таллуқли масалаларни ақл ва кузатиш воситасида ҳал этиш зарурлигини унутмаган. Доимо ҳар хил лаъволар, мас., илоҳий-ваҳий ва ақл, Аллоҳ ва инсон, Аллоҳ ва олам ўзаро муносабатлари масалаларида ҳам тафаккурга асосланган фикр-мулоҳаза юритиш талаб-тамойилини қўллаб-қувватлаб келган. Илоҳиёт анъаналари билан ақл уйғунлигига таянган тафаккур намунаси М. қарашларига ҳамоҳангдир. М.га кўра, барча меъёр, эъти-

қодни Аллоҳ яратади. Инсоннинг масъулияти уларни танлаш ва ихтиёр этишда ўз аксини топади. Агар кишилар яхшилик, эзгулик йўлини ўзларига раво кўрсалар тавфиқ неъматига мушарраф бўладилар. Агар улар хидоят йўлини тарк этсалар ва уни дилларидан йироқлаштирсалар «қилмиш-қидирмиш» — «хизлан»га учрайдилар. Бундай кишилар ўзларининг барча қилмишлари учун масъулиятни ўз зиммаларига оладилар. М. илмнинг ибодатдан устун эканлигини яхши билади. Шу нуқтай назардан қараганда, билим икки хил кўринишда намоён бўлади. Биринчиси, бу — Аллоҳнинг билими («ат-илм биллоҳ»). Унинг илми мутлақ ҳақиқатдир. Билимнинг иккинчи кўриниши эса бизнинг Аллоҳ туғрисидаги билимимизга тааллуқли бўлиб, у «илми Аллоҳ» деб аталади. Аллоҳ, олам ва инсонни билиш бир-бирига туташ нуқталарга эга. Улар ақл, ҳиссий мушоҳада ва хабарлар орқали билинади. Хабарлар оддий, биринчи шахслардан бевосита етиб келган («мутавотир хабар») ва пайғамбар томонидан етказилган хабарлар кўринишига эга. Бунда илоҳий-ваҳий, пайғамбардан етиб келган хабарнинг мавқеи юксак бўлади. Хабар билан биргаликда жонли мушоҳаданинг аҳамияти муҳимдир, чунки, Аллоҳ бу дунёни беҳудага яратмаган. У Яратганни билиш ва англашнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Бу оламни яратишга қодир Аллоҳ инсон зотига сезги аъзоларини, фаросатни, мушоҳада қилиш қувватини ҳам ато этган. Улар орқали инсон Яратганни танийди. Лекин, ҳеч нарса М.га кўра, ақл неъматини ўрнини боса олмайди. Айниқса назарий билим («илми-н-назар»)нинг мақоми қудратлидир. Ақлнинг сезгилар билан ўзаро муносабати тасодифий эмас. Бешта сезги

аъзолари ва ички туйғунинг ақл учун гўёки хизматкор, оддий тушунча (идрок) бўла оладиган даражада яратилганлиги М. учун кучли далилдир. Ақл ҳам ўз навбатида улар устидан назоратчи-кузатувчидир, у жонли мушоҳада ва хабарнинг муайян вазиятда тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқлашда юқори мартабали ҳакам вазифасини бажаради. У буюк неъмат, унга ҳеч қандай нарса тенг кела олмайди. Унинг ҳукмига барча нарсалар бўйсунди, унинг олдида ўтмиш, ҳоз. замон ва келажак баравардир. Ақл вақтда чегараланмаган. Инсон унинг кўмагида «ўн саккиз минг олам» сир-асроридан хабардор бўла олади, махлуқот устидан ҳукмдор бўлади, курраи-заминни идора қилади, Аллоҳнинг Ердаги ноиби вазифасини адо этади. Аммо, ақл тўғриси олам ва Аллоҳни таниш нақадар муҳим бўлмасин, у ўзига хос камчиликка ҳам эгадир. М.нинг таъкидлашича, унинг биз кутмаган тирқишидан имон-этиқод учун нохуш ҳисобланган шубҳа кириб келишга уринади. Шундай вазиятда инсон ихтиёрида ягона бир йўл қолади. Бу йўл Аллоҳ илми бўлиб, у инсон учун беҳад аҳамиятли ҳолга келади ва уни сон-саноксиз шубҳалардан асраб қолади, дейди М. М.га нисбатан баъзан ишлатилаётган рационализм ва сенсуализм каби ибораларни қўллаш ўринсиздир, чунки аллома билимнинг пайдо бўлиши ва шаклланишида ақл ва сезгиларнинг бир-бири билан узвий алоқада бўлишини билишнинг муҳим тамойили сифатида қабул қилади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, М. илоҳиётга янги усул ва ғояларни олиб кирди, диний бетоқатлик, мутаассиблик анъаналарига диний донишмандликни қарама-қарши

қўйди, инсон ва оламни Аллоҳга яқинлаштирди, диний жазава, аҳли мўминларни бир-биридан узоқлаштирадиган фисқу фасодларга жавобан ақлий етуқликни таклиф қилди. Диний такабурлик, барча муаммоларни ҳал этишга ягона даъвогарлик, имон-этиқодга ҳакамлик, ундан муайян сиёсий мақсадларни кўзлаш М. диний ва дунёвий қарашларига тубдан зиддир. Алломанинг бундай йўсинда фикрлаш услуби уни бутун жаҳонга танитди. Мамлакатимизда М. меросини ўрганишга фақат мустақилликдан кейингина киришилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан 2000 й.да М. таваллудининг 1130 й.лиги кенг нишонланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ташаббуси билан Самарқандда аллома хотирасига ёдгорлик мажмуи бунёд этилди.

**МОҲИЯТ ВА ҲОДИСА** — фалсафий тушунчалар. Моҳият нарсаларнинг ички мазмуни бўлиб, уларнинг турли-туман ҳоссалари ва муносабатларини яхлит акс эттиради. Ҳодиса нарсанинг бирор тарзда зоҳир бўлиши, ташқи мавжудлик шаклидир. Инсоннинг билиши дастлаб ҳодисаларни билишдан бошланади, сўнг унинг моҳиятини тушуна бошлайди. Моҳият нарсаларни чуқур таҳлил қилиш натижасида, амалиёт жараёнида билиб борилади. Фаннинг вазифаси борликдаги ҳодисаларни уларнинг белги ва хусусиятлари остида ётган моҳиятни излаб топишдан иборат. М. ва ҳ. тушунчалари инсон билимлари тизимининг ҳамма соҳаларига тегишли бўлиб, дунёни билишнинг методологик воситаси ҳисобланади. Нарсаларнинг доимо ўзгариб ва ривожланиб туриши жараёнида уларнинг моҳияти, шунга



мос тарзда ҳодисалар ҳам ўзгариб туради. Моҳиятдаги ҳар қандай жузъий ўзгариш муқаррар равишда ҳодисада ифодаланади.

**МУЛОҲАЗА** — кишининг нарса, воқеа, ҳодиса ва ҳолатлар ҳақидаги фикри ёки ҳукми. Фикр ёки ҳукм — тафаккурий фаолият тури, одам миёси ва онгининг маҳсули. Бироқ М. онгининг ён-атрофга, борлиққа муносабати натижасида тугилади. Шунинг учун М.нинг тўғри ёки нотўғрилиги унинг мавжудликни, борлиқни қандай акс эттириши орқали аниқланади. М. интуиция билан ҳам боғлиқ. Интуиция нарса, воқеа, ҳодиса ва ҳолатларнинг қандай кечишини бевосита англаши ва олдиндан айтиб бериши мумкин. Бироқ унинг тагида ижтимоий амалиёт, катта ҳаётий тажриба ётади. Шунинг учун интуиция ҳам онг каби кишининг узоқ йиллик изланишлари ва амалий тажрибаси маҳсули сифатида М.ни юзага келтиради. Мантиқшуносликда М. қуйидагича тасниф қилинади: 1) тасдиқловчи ёки инкор этувчи М.; 2) якка, жузъий ва умумий М.; 3) шартли, фарқловчи ва қатъий М.; 4) эҳтимолий, мавжудий ва зарурий М. Агар фикр ҳолат, нарсанинг маълум бир сифатини тан олишга қаратилган бўлса, у тасдиқловчи М., агар фикр бу сифатни рад этишга йўналтирилган бўлса, инкор этувчи М. дейилади. Нарса, воқеа ва ҳолатлар ўзларининг якка, жузъий ва умумий хусусиятларига эга. Якка хусусият айнан шу нарсага тааллуқли бўлса, айнан шу ҳолатда намоён бўлади. Агар бу хусусият бошқа нарса, воқеа, ҳодиса ва ҳолатларга ҳам тааллуқли бўлса, у гуруҳ, тоифа, туркумга хос бўлган жузъий хусусиятларни юзага келтиради. Агар бу хусусият бир гуруҳ, тоифа, туркум доирасидан чиқиб,

бошқа гуруҳ, тоифа ва туркумларга ҳам тааллуқли бўлса, у ҳар хил доираларга оид умумий хусусиятга айланади. Бу хусусиятлар ўз кўринишларига мос М.ни уйғотади. Шартли М. фикрнинг бирор нарса, воқеа, ҳодиса ва ҳолатлар билан шартли тарзда боғланиб келишидан ҳосил бўлади. Фарқловчи М. воқеа-ҳодисаларни бўлақларга ажратиш натижасида ҳосил бўлади. Қатъий М. нарса, воқеа, ҳодиса ва ҳолатлар ҳақида чиқариладиган якуний фикр, ҳукм ҳисобланади. Эҳтимолий М. нарса, воқеа, ҳодиса ва ҳолатларнинг ёки улардаги маълум бир хислатларнинг бўлиш ёки бўлмаслик эҳтимолидан келиб чиқиб билдириладиган фикр-дир. Мавжудий М. ана шу нарса ва ҳолатлар ёки улардаги маълум бир хусусиятларнинг борлигини тан олган фикр-дир. Зарурий М. эса улардаги маълум бир хусусиятларнинг ҳар қандай ҳолатда сақланишини эътироф этадиган фикр ҳисобланади.

М. субъектив нуқтаи назардан шахсий, гуруҳий, кўриниши нуқтаи назардан субъектив ва объектив, мавзулари нуқтаи назардан илмий, бадий, диний, фалсафий ва б.га бўлиниши мумкин. М. тушунчасини фалсафанинг билиш назарияси ва мантиқшунослик соҳалари кенг тадқиқ этади.

**МУНОСАБАТ** — фалсафий категория. Бирор нарса, ҳодиса қисмлари, унсурлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни билдиради. Объектив, универсал хусусиятга эга. Оламдаги ҳар бир нарса, ҳодиса ва уларнинг хоссалари бошқалари билан боғлиқликда мавжуд бўлади.

Умуман олганда нарса ва ҳодисаларнинг сифатлари, хоссалари, улар орасида мавжуд бўлган М.лар орқали намоён бўлади. М.лар турлитуман ва хилма-хил бўлади. Мас.,

сабаб ва оқибат, бутун ва қисм, шакл ва мазмун, ички ва ташқи ва б. М. категорияси қонун тушунчаси билан чамбармас боғланган. Илмий билишда ҳам нарса ва ҳодисалар орасидаги муҳим, зарур, барқарор М.лар ўрганилади. М. тушунчаси «алоқадорлик», «ўзаро таъсир», «ўзаро боғлиқлик» тушунчалари билан яқиндир. Фалсафий адабиётларда бу тушунча «алоқадорлик» билан бир хил мазмунга эга ёки ундан кенгроқ мазмунга эга, деган фикрлар мавжуд.

М.лар моддий ва идеал бўлади. Жамиятда кишиларнинг фаолияти жараёнида юзга келган ўзаро М.лар ижтимоий М.лар саналади. Жамиятдаги М.лар энг мураккаб М.лар ҳисобланади.

**МУТАКАЛЛИМЛАР** – ўрта аср ислом оламида *каюм* илми билан шуғулланган олимлар ва калом тарафдорлари. М. ислом ақидаларини назарий-фалсафий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилганлар. Ислом файласуфи М.Фаҳрийнинг ёзишича, биринчи М. ҳаракатининг асоси исломга қарши курашаётган яҳудий, насоро ва мажусийлар келтирган далилларни бекор қилиш ва йўққа чиқаришга қаратилган.

М.нинг йирик вакилларида бири – Ашърий (873–935) калом таълимотига идеалистик руҳда талқин қилинган атомистик таълимотни киритди. Унинг бу таълимоти буйича, дунё худо томонидан яратилган ва энг майда атом заррачаларидан тузилган. Улар бўш маконда худо иродаси билан ҳаракат қиладилар ва уларнинг ҳаракати хоҳлаган пайтда тугатилиши мумкин. М. зарурий алоқа ва сабабийликни, табиат ва ижтимоий ҳаётдаги заруриятни инкор қиладилар. Уларча, дунёда фақат худонинг иродаси ҳукмрондир, у хоҳлаган

вақтда нимани истаса, шуни қилади. Улар ўз таълимотларини ун икки қоида-тезис ёрдамида асослашга ҳаракат қилганлар. Мас., уларнинг таълимотига кўра, бўшлиқ ва макон мавжуд, чексизлик эса ҳеч қандай шаклда мавжуд эмас. Улар муътазиллийларга қарши курашда сезги таълимотларига ишонмаслик ва ҳамма нарса бўлиши мумкинлиги ҳақидаги таълимотдан фойдаланадилар. Бўлиши мумкинлиги ҳақидаги таълимот ҳамма вақт М. диққат марказида бўлган. Бу таълимот буйича, худо иродаси нуқтаи назаридан ҳамма нарса бўлиши мумкин. Дунё яратилганлиги, ўткинчилиги, инсоннинг ирода эркинлиги масалаларида М. турли софистик таълимотлардан фойдаланганлар.

**МУТЛАҚ**, а б с о л ю т – шак-шубҳасиз, шартсиз, ҳеч қандай шарт-шароитларга боғлиқ бўлмаган чекланмаган, поёнига етган, мукамал деган маъноларни билдирувчи тушунча (мас., М. ҳақиқат). Нисбий тушунчасининг тескариси. Ф.Шеллинг М. борлиқ деб чекланган воқеликни. Г.Гегель М. руҳ деганда оламнинг абадий ўзгармас бирламчи асосини, яъни олий дунёвий ақлни тушунган.

**МУТЛАҚЛИК ВА НИСБИЙЛИК** – фалсафий тушунчалар. Мутлақлик мутлақ тушунчасига тегишлидир. Нисбийлик мутлақликнинг акси. Барча нарса ва ҳодисалар, улар ҳақидаги билимлар вақтга, шароитга боғлиқ, вақт ўтиши, шарт-шароитлар ўзгариши билан нарса ва ҳодисалар, улар ҳақидаги билимлар ҳам ўзгаради. Нисбийлик ҳар қандай билимнинг вақтга, шарт-шароитга боғлиқлигини, у қотиб қолган, ўзгармас эмаслигини англатади. Аммо нисбийликни мутлақлаштириш мумкин эмас. У релятивизмга олиб боради. М. ва н. объектив жа-

раённинг бир-бирига боғлиқ бўлган икки томони бўлиб, уларни қарам-қарши қўйиш ҳам мумкин эмас. **МУЪТАЗИЛИЙЛАР** (араб. — ажралиб чиққанлар, узоқлашганлар) — исломдаги илоҳиёт оқимларидан бири. 8-а. ўртасида Араб халифалигида вужудга келган. Асосчилари Восил ибн Ато (699—748) ва Амир ибн Убайд (761 й. вафот этган). Улар ўз гуруҳи билан устозлари Ҳасан ал-Басрий (728 й. вафот этган) мактабидан ажралиб чиққан.

М. Қуръонни диний ҳақиқатнинг манбаи деб эътироф этади, уни сўзма-сўз эмас, мажозий талқин қиладилар. ривоятларга кўр-кўрона ишонишга қарши чиқадилар. М. қадарийларнинг инсон прода эркинлиги ҳақидаги таълимотини ривожлантирдилар ва асосладилар. Улар 9-ада ўзларининг ақидалар тизимини яратдилар. Бунгача исломда давлат дини ва барча учун мажбурий деб эътироф этилган ягона ақидалар тизими бўлмаган. Чунки, дастлабки икки юз йиллик давомида ислом турли фикр, мактаб, маҳаб, ҳуқуқий фирқалар йнғиндисидан иборат бўлган. Шунингдек, халифалар диний, сиёсий муҳолифатдаги ҳаракат (хорижийлар, шиалар ва б.)га қарши курашувчи мафкуравий қуролга зарурат сезаётган эди. Шунинг учун халифа Маъмун (813—833) М. таълимотини давлат дини деб эълон қилди. Халифа фармони билан барча қозилар, илоҳиётчилар, амалдорлар шу эътиқоддами, йўқми, синаб кўрилди. М. ақидаси (хусусан, Қуръоннинг яратилганлиги)ни тан олмаганларни ишдан бўшатди, ҳатто ўлим жазо чорасини қўлади. Махсус жазо муассасаси — «миҳна» ташкил этди. Аммо, мажбурий чораларга қарамасдан М. таълимоти халифаликда

умуман қабул қилинмади, халифа Мутаваккил даври (847—861)да эса М. таълимоти «шаккоклик» деб эълон қилинди. М. ақл-идрокни илоҳиёт асоси деб эътироф этган, тасаввуфни инкор этишга уринган, ўзларини яккахудолик (тавҳид) ва адолат (адл) тарафдорлари, деб атаган. М.нинг асосий ғоялари вақти келиб шиа илоҳиётчилари томонидан ўзлаштириб олинди. М. кейинчалик Ироқ ва Эронда 11—12-а.ларга, Ўрта Осиёда 13—14-а.ларга келиб йўқолиб кетган. Унинг охириги вакилларида бири *Замахшарий*дир. **МУҚОБИЛЛИК** — икки нарса ёки ҳодисадан бирини танлаш имконияти. Ўзбек тилида «муқобил» сўзи юқоридаги маънони беради. М. тамойили даставвал, формал мантиқда икки ҳукмдан бирини танлаш ёки улардан битта хулоса чиқаришда ишлатилган. М. фалсафий тамойил бўлганлиги боис, у тараққиёт тамойили билан боғлиқ бўлади. Иجتимой соҳада М. рақобат, зиддий ҳолатини юзага келтириш, кишиларда икки ёки бир неча имкониятдан бирини танлаш имкониятини яратишда қўлланилади. Мас., муқобил сайловлар жамиятни демократик қиёфага кириши, унда фуқаролик жамиятини вужудга келтириш учун муҳим аҳамият касб этади. Демократик асосда шаклланаётган фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат М., ижобий муҳолифатчилик тамойилларига таяниш натижасидагина пайдо бўлиши мумкин. Иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий соҳада М. бўлмаса, жамият давлат монополиясига, сиёсий яккахокимликка айланади ва мустабиллик ҳамда диктатура томон юз тутади. М. жамиятни илмий билиш учун методологик асос вазифасини ўтайди.

## Н

**НАЗАРИЯ** – илмий билимнинг етук шакли. Борлиқнинг муайян жабҳасидаги қонуний ва муҳим боғланишларни яхлит ҳолда акс эттиради. **Н**.да борлиқ қонунлари, дунёда мавжуд бўлган реал воқелик тўғрисида аниқ, ишончли ва мувофиқлаштирилган билимлар ифода этилади. Кенг маънода бирор ҳодисани талқин этишга йўналтирилган қараш. тасаввур ва ғоялар мажмуи. Тор маънода илмий билиш, воқеликнинг маълум бир соҳаси – муайян объектдаги қонуниятлар ва моҳият билан боғланган алоқадорликлар ҳақида яхлит тасаввур ва билимлар мажмуи. Ҳар қандай **Н**. ҳақиқий билимларнинг ривожланаётган яхлит системаси бўлиб, мураккаб структурага эга ва бир қанча функцияларни бажаради. **Н**.нинг бошланғич шакли гипотезадир. Амалиётда гипотезанинг тўғри, ҳақиқат эканлиги исботланса, шу асосда янги **Н**. юзага келиши мумкин.

Ҳоз. фан методологияси буйича **Н**. дастлабки (бошланғич) асос (фундаментал тушунча, тамойил, қонун, тенглама, аксиома ва ҳ.к.), идеаллаштирилган объект – урганилаётган нарсаларнинг муҳим хусусият ва боғланишларининг абстракт модели (мас., «мутлақ қора жисм», «идеал газ», «ген» ва ҳ.к.) каби элементлардан иборат. **Н**. мантиғи билимнинг ўзгариши ва структурасини ўрганишга қаратилган. **Н**.нинг асосий элементи – қонун; шу сабабли **Н**.ни урганилаётган объект моҳияти, унинг конкретлигини акс эттирувчи қонунлар системаси деб ҳам ифодалаш мумкин. **Н**.нинг асосий функциялари қуйидагилардан иборат: синтетик функция – айрим шубҳасиз тўғри, ишончли билимларни яхлит,

бутун синтетик тарзда бирлаштиради; тушунтириш функцияси – сабабли ва б. боғланишларни, воқеликнинг алоқадорлигини, унинг келиб чиқиш ва ривожланиш моҳиятини аниқлайди; методологик функция – **Н**. асосида хилма-хил усуллар, тадқиқотчи фаолиятининг усул ва йўллари шаклланади; башорат функцияси – мавжуд ҳодисалар тўғрисидаги назарий тасаввурлар асосида илгари номаълум бўлган, ўрганилмаган объекتلар ёки уларнинг хусусиятлари тўғрисида ҳулоса чиқарилиб, уларнинг келажақдаги ҳолатини олдиндан айтиб беради; буни илмий башорат деб ҳам аташ мумкин; амалиёт функцияси – ҳар қандай **Н**.нинг амалиётга жорий этилиши натижасида объектни ҳоз. кўринишида акс эттиради, шу билан бирга унинг келажақда ривожланиш йўналиш ва тенденцияларини аниқлаб беради. **Н**.нинг жуда кўп турлари мавжуд. Тузилиш усулига кўра **Н**.ларни тўрт турга ажратиш мумкин. Булар мазмундор **Н**.лар, гипотетик-дедуктив **Н**.лар, аксиоматик системалардаги **Н**.лар, формаллашган **Н**.лар. Мазмундор **Н**.ларда маълум бир соҳага оид далиллар системага солинади, умумлаштирилади ва тушунтирилади. Улар асосан тажриба натижалари, эмпирик материалларга таянади ҳамда уларни таҳлил қилади, тартибга солади ва умумлаштиради. Шунинг учун ҳам улар «тажрибага таянувчи **Н**.лар» деб аталади. Уларни математика ва мантиқдаги формаллашган **Н**.лардан фарқлаш учун «мазмундор **Н**.» дейилади. Мазмундор **Н**.ларни соф эмпирик **Н**.лар деб бўлмайди. Улар фақат эмпирик материалларгагина эмас, балки назарий қонунларга ҳам таянади. Мас.,

мазмундор деб ҳисобланадиган Ч.Дарвиннинг эволюция Н.си, И.П. Павловнинг олий нерв фаолиятининг шартли рефлекслар Н.си ва ш.к.лар чуқур назарий гоёларга суянади, улар ёрдамида тўпланган материалларни рационал усул билан англайди, қайта ишлайди ва тушунтиради. Гипотетик-дедуктив Н.лар табиатшуносликда учрайди. У турли хил мантикий кучга эга гипотезалар системасидан иборат бўлиб, унда мантиқан кучсиз гипотезалар дедукция қилинади. Гипотетик-дедуктив Н.ни гипотезалар занжири (иерархияси) тарзида олиб қараш мумкин. Бунда эмпирик асосдан узоқлашган сари гипотезанинг кучи ортиб боради, чунки ҳар бир келтирилиб чиқарилган гипотеза ўзидан аввалги гипотезаларда мавжуд бўлган билимларни синтез қилиш натижаси сифатида гавдаланади. Гипотетик-дедуктив Н.ларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири ундаги гипотезаларнинг даражалари бўйича қатъий изчил жойлашишидир. Гипотезанинг даражаси қанчалик юқори бўлса, хулосаларни мантикий йўл билан келтириб чиқаришда унинг иштироки шунчалик кўп бўлади. Н.нинг гипотетик-дедуктив модели эмпирик материалларни ишлашда кўп қўлайликларга эга бўлиши билан бир қаторда айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Хусусан, бошланғич гипотезалар қандай танлаб олинishi керак, деган саволга ҳалигача аниқ, қатъий жавоб йўқ. Аксиоматик системалардаги Н. элементларининг катта қисми кичкина бошланғич асос — асосий аксиомалардан дедуктив йўл билан келтирилиб чиқарилади. Аксиоматик Н.лар асосан математикада қурилади. Аксиоматик метод биринчи марта Евклид томонидан элементар геометрияни қуришда ишлатилган. Мазкур геометриянинг асосий

аксиоматик тушунчалари «нуқта», «тўғри чизиқ», «текислик» бўлиб, улар идеал фазовий объектлар сифатида талқин қилинган. Евклид геометриясининг қолган барча тушунчалари улар ёрдамида ҳосил қилинган. Қуйидаги мисолга мурожаат қилайлик: «Текисликдаги битта нуқтадан баравар узоқликдаги нуқталар тўпламига айлана дейилади», унда «айлана» тушунчаси «нуқта ва текислик» тушунчалари ёрдамида ҳосил қилинган, яъни улардан дедукция қилинган. Математика тараққиёти давомида аксиоматик метод такомиллашиб борган, уни қўллаш мумкин бўлган соҳалар доираси кенгайган. Хусусан, Евклид аксиомаларининг аста-секин фақат геометрик объектларнигина эмас, балки бошқа математик ва ҳатто, физик объектларни ҳам тасвирлаш учун керакли эканлиги маълум бўлди. Шунини айтиш керакки, аксиоматикага бундай абстракт тарзда ёндашиш маълум даражада Н.И. Лобачевский, Б.Риман ва б. ноевклид геометрияларининг яратилишига имконият яратди. Ҳоз. замон математикасида абстракт аксиоматик системалар кенг қўлланилади. Бундай системаларнинг муҳим хусусиятлари уларнинг ёпиқ системадан иборат бўлиши, яъни миқдор жиҳатидан чекланган аксиома, тушунча ва принциплардан ташкил топиши, улар қаторига ихтиёрий равишда асосиз янги аксиомалар, тушунчаларни қўшиб бўлмаслик, системаларнинг мантиқан зиддиятсиз ва маълум даражада тўла бўлишидан иборат. Ана шунинг учун ҳам улар узоқ вақт давомида ўзининг барқарорлигини сақлайди, янги билим олишнинг ишончли воситаси бўлиб қолади. Аксиоматика табиатшуносликда ҳам қўлланилади. Тажриба билан боғлиқ бўлганлиги ва

шунинг учун ҳам зарурий равишда эмпирик талқинга муҳтож эканлиги сабабли табиатшуносликнинг фақат ўзагини ташкил этадиган тушунчаларнигина аксиомалаштириш мумкин.

Абстракт математик структуралар фақат аксиоматик системалардагина эмас, балки формалашган назарий системаларда ҳам тасвирланиши ва тушунтирилиши мумкин. Формалашган Н.лар мантиқда кенг қўлланилади. Бунга мисол қилиб мулоҳазалар мантиги, предикатлар мантигини кўрсатиш мумкин. Шунингдек, у математикада ҳам учрайди. Н.нинг юқоридаги ва б. турлари назарий билишнинг муҳим воситалари сифатида фанда ниҳоятда қадрланади. Улар тафаккур структураси ва қонунларини яхши билиб олишга имкон беради.

**НАТУРАЛИЗМ** — табиат бутун мавжудотни изоҳлашнинг ягона ва универсал тамойили деб ҳисоблайдиган фалсафий йўналиш. У «табиат» тушунчасига руҳ ва руҳий нарсаларни ҳам киритади (стоицизм, Эпикур, Ж.Бруно, И.Гёте, романтизм, 19-а.даги биологик дунёқараш, ҳаёт фалсафаси). И.Кант фикрича, Н. ҳамма содир бўлаётган нарсаларни табиат билан боғлаш ва ундан келтириб чиқаришдир. Ахлоқда Н. табиат қонунларига мос келувчи ўз шахсий интилишларини ривожлантиришга асосланган ҳаёт тарзи. Бунга ахлоқ тушунчасини табиий қобилиятлар, шуурлар, интилишлар, манфаатлар кураши орқали фалсафий тушунтиришга ҳаракат қилиш ҳам кириди (киниклар, стоиклар, Ж.Руссо, О.Конт, Ф.Ницше). Социологияда Н. — жамият тараққиёти турли табиий омилларга — иқлим шароитлаари, географик муҳит, одамларнинг биологик ва ирқий хусусиятларига боғ-

лиқ деб тушунтирувчи на зарияларга мансуб. Н. 17—18-а.лар маърифатпарварларининг етакчи тамойилларидан бири («табиий инсон», табиий жамият, табиий ахлоқ, табиий ҳуқуқ концепциялари ва ҳ.к.). Диний дунёқарашда Н. — пантеистик гоёларнинг намоён бўлишидир, яъни худо билан табиатни бир деб билиш, худони табиатга сингдириб юбориш, худо билан моддий олам ўртасига ҳеч қандай тусиқ қўймастик (Форобий, Ибн Сино, Бедл., Ж.Бруно, Б.Спиноза).

**НАТУРФАЛСАФА** — табиат фалсафаси; табиатни бир бутун тизим сифатида, асосан, жонли мушоҳада негизида ёки табиатшуносликдан ўзлаштирилган билимлар орқали талқин этиш ва тушунтириш, унинг умумий манзарасини тасвирлаш борасидаги фалсафий уринишлар мажмуаси. Юнон натурфайласуфлари — *Фалес*, *Анаксимандр*, Анаксимен, аполониялик *Диоген*, *Гераклит* Н.нинг асосчилари бўлганлар. Улар барча мавжуд нарсалар келиб чиқишининг ягона табиий асосини топишга уриндилар. Н.нинг кейинги ривожчи Аристотель мактаби ва стоиклар фалсафаси билан боғлиқ бўлди. Н. («*philosophia naturalis*») тушунчаси илк бор *Д.Сенека*да учрайди. Н. билан табиатшунослик ўртасидаги чегара ва унинг фалсафасидаги ўрни тарихан ўзгариб турган. Аслида, Н. фалсафа илмининг илк тарихий шакли сифатида намоён бўлди. Юнон натурфайласуфлари илм-фан тарихида жуда муҳим саналган кўпгина қарашларни, жумладан, атомистик қарашларни илгари сурдилар. Кейинчалик, Н. одатда, физика ёки физиология, яъни табиат тўғрисидаги таълимот деб аталди. Фалсафа худо тўғрисидаги таълимот билан яқинлашган ўрта асрларда Н. фалсафа со-

ҳасидан узоқлашди. Н.нинг айрим унсурлари насроний, мусулмон ва яҳудий динларининг оламни худо томонидан яратилиши тўғрисидаги таълимотларига мослаштирилди. Натижада, Н. кўпинча, ҳаёлпарастлик шаклидаги натурсафсатага айланди. Бироқ, урта асрларда табиатшуносликнинг ривожининг билан боғлиқ тарзда Н. ҳам ривожланди. Бу ҳол Фарбада схоластика ривожининг сўнгги босқичи даври (Фома Аквинский, Буёк Альберт ижодида, Шарқда эса ундан анча олдинроқ — Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино ва б. фаолиятида кузатилади.

Уйғониш даври фалсафасида табиатга нисбатан қизиқишнинг ортиб бориши билан Н.нинг янги намоёндалари (Ж.Бруно, Б.Телезио, Ж.Кампанелла, Ж.Кардано, Парацельс, Ф.Патрици) юзага келди. Уйғониш даври Н.си, асосан, пантеизм ва гилозоизм негизида ривожланди, кўп ҳолларда эса ҳаёлпарастлик тусини олди. Табиатни ўрганишнинг таҳлилий усуллари устувор бўлган 17—18-а.ларда Н. ортга чекинди. Бироқ, Н. немис мумтоз фалсафасида фалсафий йўналишлардан бири сифатида янгидан олға сурилди (Кант, Шеллинг, Окен, Гегель, Шопенгауэр, Гёте, Карус). Табиатшуносликнинг улкан ютуқлари ва идеалистик Н.нинг унутила бориши 20-а.да Н.ни аввал материализм томонга огдирган бўлса, сўнг уни бутунлай барҳам топтирди. 19-а.нинг охири ва 20-а. бошларида Н.нинг янги турдаги шакллари қайтадан яратишга уринишлар (Оствальд, Рейнке, Дриш, Паладьи, Н.Гартман) юз берди.

**НАҚШБАНДИЯ** — тасаввуф тариқатларидан бири. Баҳоуддин Нақшбанд асос солган. Н. хожагон тариқати негизида пайдо бўлиб, Юсуф

Ҳамадоний, Абдуҳолик Гиждувоний, Аҳмад Яссавий қарашларини омухта этди, уларга янги руҳ бериб ривожлантирди. 15—18-а.ларда савдо ва ҳунармандчилик билан шуғулланган шаҳар аҳолиси ҳамда кўчманчи чорвадор аҳоли орасига кенг ёйилди. Н. таълимотининг асосида «кўнгилик худода бўлсин-у, қўл иш билан банд бўлсин» («дид ба ёру, даст ба кор») шиори ётади. Н.да пиру муридлик қоидалари хийла осонлаштирилган, сиртдан туриб эътиқод қўйиш, имон мустаҳкамлиги. Ҳақ таолога сидқидилдан иотат этиш, ихлос ва маънавий камолот асосий ўрин эгаллайди. Расм-русумлар, одатларни қур-қуро-на адо этиш, риё, сохта диндорлик қораланади. Ахлоқий поклик, қаноатли, сабрли бўлиш, ихтиёрий фақирлик билан Аллоҳга интилиш юксак фазилат ҳисобланади. Н.да одамнинг қадри мансаби, бойлиги билан эмас, маънавий камиллиги билан ўлчанади. Н.да ҳунар, касб эгаллаб, ўз меҳнати билан ҳалол лўқма еб яшаш талаб қилинади, тиланчилик, дарбадорлик билан кун кечириш суфий учун иснод саналади. Қул, хизматкор сақлаш, ўзганинг меҳнатидан фойдаланиш ҳам ман этилади. Н.нинг юқоридаги шиори таркидунёчиликка, текинхўрликка қарши қаратилган. Н.да манманлик, суфий, шайхман деб керилиш, шовқин-сурон кўтариб зикру самоъ билан одамлар диққатини ўзига қаратиш қораланади. Н.да асосий талаб — қалбни дунё губорларидан тозалаш, ўз нафси билан курашиб руҳда чароғонлик топаш, қалбда Аллоҳ номларини нақшлаб бориш усуллари ишлаб чиқилган. Зикру хуфия (яширин зикр тушиш) шунга хизмат қилган. «Ташқаридан халқ билан, ичкаридан Ҳақ билан бўлиш», ҳар бир нафасни Худо ёди билан чиқариш, қадамни савоб

ишлар, эзгу амаллар сари қўйиш, юрт кезиб, азиз-авлиёлар қабрини зиёрат қилиш, гофилларни ҳушёр этиш, ҳар қандай ҳолатда қалб огоҳлигига эришиш – Н.нинг асосий маънавий тарбия усули ҳисобланган.

Н.да пир ва мурид орасидаги маънавий орифона суҳбатга катта эътибор қилинган. Н.га кўра, суҳбат – анжуман ичра бўлиш, билмагани билиб олиш, юксалиш, кароматлар сиру асрори, илоҳиёт олами нурларидан баҳрамандлик бўлса, бунинг акси – хилват эса кишини билимдан, маърифатдан маҳрум қилади. Н.да ўзини ўзи назорат қилиб бориш, олган билимларини дилда мустаҳкамлаш, умрнинг ҳар бир дамини савоб ишга, ҳар бир нафси маънавий камолот учун сарфлаш лозим дейилади. «Вуқифи замоний» (муайян вақтда тўхтаб ўзини текшириш), «вуқуфи аладий» (ишларини сарҳисоб қилиб текшириш), «вуқуфи қалбий» (қалб амаллари қандай бўлаётганлигини тўхтаб, текшириш бориш) каби шиорлар («қудсий сўзлар») ҳам ана шу назорат усулига киради. Н., шу тариқа, тасаввуфни ислом шариати ва пайгамбар сунати билан янада мустаҳкамроқ боғлади. «Урватул вуқо», яъни барча ишда пайгамбар сўзлари ва ишларига суяниш Н. шиорларидан бирига айланди. Н.да суфийлик истеъдодига ҳам эътибор берилган, яъни баъзи кишиларнинг мен фалон силсиладанман, насл-насабим фалон-фалончиларга бориб тақалади, деган гапларига қарши Баҳоуддин Нақшбанд «гап силсилада эмас, гап Аллоҳнинг жазбасида» деб айтади. Жазба булмаса, суфийликда мақоматларга кўтарилш қийин.

Н. Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётлигидаёқ кенг шуҳрат қозонди. Н.ни назарий жиҳатдан ишлаб чиқишда

Муҳаммад Порсо, Алоуддин Аттор хизматлари катта бўлди. Бу тариқатга фақатгина оддий халқ эмас, балки Бухоро ва Самарқанд уламолари, Амир Темур авлодидан бўлган шоҳ ва шаҳзодалар кира бошладилар. 15-адаёқ Н. Эрон, Афғонистон, Миср, Ҳижоз, Шимолий Кавказ, Туркияга тарқала бошлади. Айниқса, «ҳазрати Эшон» унвонига мушарраф бўлган Хожа Аҳрор валий – Носириддин Убайдуллоҳ фаолияти туфайли Н.нинг обрў-эътибори яна ҳам ошди. Баҳоуддин Нақшбанд замонида мансабдор шахслар, шоҳу амирлардан узоқ туриш лозим дейилган бўлса, Хожа Аҳрор валий даврида Н. сиёсий доираларга кириб борди. Н. 16-ада Ҳиндистонга тарқалди. Бунда Бобо валий, Хожа Боқибиллоҳ (1563–1603), Аҳмад Сирҳиндий (1564–1624) фаолияти яхши самара берган. Айниқса, Аҳмад Сирҳиндий у ерда суннийлик йўналишини мустаҳкамлаш учун Н.дан унумли фойдаланган. Н.ни Туркияда ёйилишида Мулла Абдуллоҳ Симавий (1490 й. вафот этган), Аҳмад Бухорий ва б. шахсларнинг хизмати бор. Н. 16–17-а.ларда Миср ва Ҳижоз (Арабистон)га кириб боради. Эроннинг Нишонур, Исфажон, Язд шаҳарларига тарқалиб, шулар орқали Фаластин, Ироқ, Иорданияда кўплаб тарафдорларга эга бўлган. Ҳиндистон орқали у Индонезия, Малайзия, Цейлонга тарқалди. Кейинги асрларда Россия, Босния ва б. Европа мамлакатларига ёйилган. Ҳозирда АҚШ, Канада, Австралияда Н. марказлари, хонақолари, жамғармалари бор.

Н. тариқатининг умуминсоний ғоялар, маънавий камолот, ботиний покликни тарғиб этиши унинг дунёда кенг тарқалишига олиб келди. Унинг мухлислари бир неча миллион кишини ташкил этади.



**НЕОКАНТЧИЛИК** — фалсафий оқим. 19-а.нинг 2-ярми — 20-а. бошида, асосан Германияда вужудга келган. *Кант* фалсафасини тиклашга, уни қайта ишлашга уринади. Н. вакиллари Кантнинг «нарса ўзида» деган тушунчасини рад этиб, билишнинг априор (тажрибадан холи) эканлигини исботламоқчи бўлишган. Улар дунёни билиш фақат аниқ фанларнинг вазифаси, фалсафанинг вазифаси эса илмий билишнинг услубий ва мантиқий асосларини ишлаб чиқишдан иборат деб ҳисоблайди. Неокантчилар тушунчани воқеликдан ажратиб қўяди ва уни ўз-ўзидан ривожланувчи тафаккур маҳсули деб тушунтиради. Неокантчиларнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари хилма-хил бўлиб, улар, асосан, ислохотлар ва сиёсий ёнбошишларни тарғиб қилувчи сиёсий гуруҳлар мавқеини ифодалар эди. Кейинчалик Н. физиологик (Г.Гельмгольц, Ф.А.Ланге), психологик (Л.Нельсон), танқидий реализм (А.Риль), Марбург мактаби. Баден мактаби, фикционализм (Х.Файхингер), француз неокритицизми (Ш.Ренувье) каби бир қанча йўналишларни бирлаштирди. Н. этикаси асосида борлиқ ва унинг заруриятини қарама-қарши қўйиш ётади.

**НЕОКОНФУЦИЙЧИЛИК** (юн. *neos* — янги ва *конфуцийчилик*) — Сун династияси ҳукмронлиги даврида (10—13-а.лар) Хитой фалсафасида пайдо бўлган оқимлардан бири. Илк конфуцийчиликдан, асосан, унинг ахлоқий-сиёсий гоясидан фарқли ўлароқ, Н.да онтология, натурфалсафа ва космогония масалалари муайян ўрин эгаллайди. Н. вакиллари янги гоя ва тушунчаларни, хусусан, и-ли (бурч ва қонун) син-мин (табиат ва тақдир) каби тушунчаларни ишлаб чиқдилар. 10—11-а.да яшаб,

ижод этган Сун-Фу, Ху-Юан ва Ши Цзе Н. асосчилари ҳисобланади. Н.да б та асосий концепция — буюк чега-ра, принцип (ли-қонун), моддий куч, инсон табиати, нарсалар табиатини англаш, инсонпарварлик муҳим ўрин тутди. Н. Мин династияси даврида (1368—1644) янада ривожланди, унга оид китоблар нашр қилинди. Н. 20-а.нинг 30-й.ларида Чэн-Чжу мактаби гоялари, Фэн Юан фалсафий қарашларининг шаклланишида асосий манба бўлди. Н. Япония, Корея ва Вьетнамда ҳам катта таъсирга эга бўлган. Н. 1949 й.да Хитой Халқ Республикаси барпо этилгач, барҳам топди.

**НЕОПОЗИТИВИЗМ** (юн. *neos* — янги ва лот. *positivus* — ижобий) — *позитивизм*нинг замонавий шакли. 20-а.нинг фалсафий оқимларидан бири. Н. гоялари илмий билим ва фалсафий-методологик муаммолар таҳлили ва ечимини топишга қаратилган. Н.га Вена тўғараги қатнашчилари М.Шлик, Р.Карнап, О.Нейтрат асос солган. Фалсафанинг дунёқараш масалаларини назарий билиш воситаси сифатидаги имкониятларини рад этади ва уни илмий билишнинг методологияси сифатида эътироф қилади. Н.га бинноан, барча ҳақиқий фалсафий муаммолар фақат тил билан боглиқ, уларнинг ечими мантиқ ва тажрибага муурожаат қилингандагина топилади. Н.нинг фан фалсафаси ривожига қўшган ҳиссасини қўидагиларда кўриш мумкин: 1) тафаккур, билиш жараёнларининг мантиқий тадқиқоти фақат тил (ган) шаклида амалга оширилиши мумкин. Тил ва мантиқ шакллариининг айнанлиги билимни комплекс, шу жумладан, мантиқий-лингвистик таҳлил қилиш учун имконият яратиб берди; 2) тил шаклидан формал-ман-

тикий шаклга, шу билан бирга математик-мантиқ шаклидан умумийроқ бўлган мантикий шаклларга ўтиш янги имкониятларни яратди; 3) юқоридагилар асосида неопозитивистлар тил таҳлилининг янги осон формаллашувчи турларини яратдилар. Бунинг оқибатида гуманитар билимлар соҳаси формаллашuvi учун асос юзага келди, ушбу фанларда математик усул ва аппаратлар қўлланила бошланди. Бу дасглабки асослар структурализмда амалга ошди. Гуманитар фанлар ёки «руҳ ҳақидаги фанлар»нинг усуллари урганиш билан герменевтика шугуллана бошлади.

**НЕОРЕАЛИЗМ** (юн. neos — янги ва лот. realis — моддий, ҳақиқий) — 20-а. инглиз фалсафасидаги ҳукмрон оқим. Кембриж ш.да 1903 й.да инглиз файласуфи Ж.Мур (1873—1958) асос солган. Н. неогегелчиликка, айрим фалсафий масалаларни спекулятив ишлаб чиқишга қарши қаратилган бўлиб, унинг вакиллари бу масалаларни мантикий таҳлил воситаси билан, яъни табиатшуноелик услуби билан ҳал қилишга уринадилар. Фалсафа тизим сифатида рад этилади. Фалсафий қизиқишлари марказида мантиқ, билиш назарияси, биология ва физика турган. Ж.Мурдан ташқари, Н.нинг вакиллари С.Александр, инглиз файласуфи Ч.Д.Брод, С.Л.Морган, Б.Рассел, инглиз-америка файласуфи А.Н.Уайтхед ва б.дир. Неореалистлар иккинчи гуруҳининг раҳбари инглиз файласуфи А.Айер бўлиб, *неопозитивизмга* яқин туради.

**НЕОСХОЛАСТИКА** — ўрта аср схоластикасини тиклашга уринувчи католицизм фалсафасидаги турли оқимлар мажмуи. 19-а. бошида пайдо бўлган, охирида эса кенг ёйилди, *неотомизм* Н.нинг асосий оқимиغا айланди. Испанияда (20-а. ўртасидан

Германияда ҳам) испан илоҳиётчиси Ф.Суарес (1548—1617) таълимоти асосида ривожланди.

**НЕОТОМИЗМ** (юн. neos — янги, лот. Thomos — Фома) — католицизмдаги энг нуфузли фалсафий мактаб. Ўрта аср файласуфи ва теологи Фома Аквинскийнинг эътиқод ва ақл уйғунлиги мавжудлиги ғоясига асосланади. Диний дунёқарашни фан ютуқларидан фойдаланиб мустаҳкамлаш мақсадида черков томизмни қўллаб-қувватлайди ва 1879 й. Рим папаси Лев XIII уни католик дини асосларини талқин қилувчи ягона фалсафий оқим сифатида эътироф этади. Натижада Н. бутун дунёда расмий католик фалсафий йўналиш сифатида кенг ёйилади. Э.Жильсон, Ж.Маритен каби француз файласуфлари Н.нинг йирик вакиллари ҳисобланади. Н.нинг мазмуни томизм фалсафасини замонавий фан ютуқлари, ижтимоий ва маънавий ҳаётга татбиқ этишдан иборат. Н.нинг асосий ғояси ақл ва эътиқод, фан ва диннинг уйғунлигини эътироф этишдир. Н. вакилларининг фикрича, ҳақиқий фалсафа рационализм ва иррационализмдан воз кечиб, оламни англашнинг турли усул ва услублари синтезидан иборат бўлиши лозим. Аммо ҳақиқат манбаи худога эътиқод бўлиб, у ақлдан юқоридир. Н. таълимотида нафақат худо, балки алоҳида шахс ҳам улуғланади. Шу сабабли замонавий томизм антропологик йўналишдаги фалсафий қарашларни ўзида мужассамлаштирган. Н. вакили бўлган Маритен фикрича, шахс табиатда олийжаноб ва мукамалроқдир. Н. таълимотига кура, шахс пассив мавжудот бўлмасдан, аксинча фаолдир. У эркин бўлиб дунёга келади, ҳаракат қилиб, ўзини ривожлантиради. Шахс ролига Н. фалсафаси катта

эйтибор бергани сабабли инсон мавжудлигининг «экзистенция»си мазкур фалсафанинг асосий категорияси ҳисобланади. Н. таълимотига кўра, худо инсонни яратилишида биринчи туртки, сабабчидир, холос. Худо инсоннинг дастлабки «лойиҳа»сини яратган ва ўзи яратган бу «лойиҳа»га фаоллик, эркин ҳаракат, ўз-ўзини ривожлантириш импульсини ато этган. Шу сабабли инсон ўз имкониятларидан мустақил фойдаланиб, ўзини бунёд этади, ривожлантириб, бой маънавийатли шахс бўлиш асносида худо томонидан бунёд этилган «космос»га монанд «микрокосмос»ни яратиб, илоҳий яратувчанлик фаолиятини ниҳоясига етказди. Н. жамиятда мулкий табақаланиш, никоҳ, оила, маориф, маданиятга оид муаммоларни ўрганувчи ижтимоий илоҳиётчиликка ҳам катта эйтибор беради. Христианлик томонидан «буёқ ижтимоий умид» сифатида талқин этиладиган сиёсий илоҳиётчилик ҳам Н.нинг муҳим соҳаси ҳисобланади. Н.нинг «инқилоб теологияси», «озодлик теологияси» ва «тараққиёт теологияси»га оид талқинлари мавжуд.

**НЕОФРЕЙДИЗМ** — ҳоз. замондаги, айниқса, америка фалсафаси ва психологиясидаги оқим. 1930-й.лар охирида психоанализни америка социологик ва этнографик назариялари билан бирлаштириш жараёнида пайдо бўлди. Асосий вакиллари: К.Хорни, Х.С.Салливан, Э.Фромм. Шахслараро муносабатлардаги ички психологик жараёнларнинг муҳим томонини четлаб, Н. психологик нормаларни шахснинг ижтимоий муҳитга мослашуви сифатида изоҳлайди. З.Фрейднинг либидо ва сублимация ҳақидаги таълимотини Н. четта суриб кўяди ва ё умуман ғайришуурийлик

ролини инкор этади ёки унда ижтимоий психик структуралар ўртасидаги болловчи ҳалқани кўради.

**НИЦШЕ** Фридрих (1844.15.10. Рекен, Лютцен яқинида, Саксония — 1900.25.8. Веймер) — немис файласуфи. 1869—79 й.ларда Базель ун-ти проф. Унинг фалсафий қарашларида кейинчалик шакланган экзистенциализм, антропологик ва ҳаёт фалсафаси муайян жиҳатларининг илк куртаклари намоён була борган. Н. ўз ижодиётида классик фалсафадан ҳоз. замон фалсафасига ўтиш даврига ҳос зиддиятларни кескин бир тарзда аке эттирган. Унга кўра, аввалдан яшаб келаётган барча қадриятларни тубдан қайта кўриб чиқиш ва ислоҳ этиш керак. Айниқса, христианликка тааллуқли ахлоқий қадриятлар — «яқинларга меҳроқибат», барчанинг худо олдида тенглиги, ўзгалар қайғуларига маъҳам бўлиш қабиларни танқид остига олиш ва уларни бошқа қадриятлар билан алмаштириш Н. фалсафасига ҳос хусусиятдир. У худди шундай нуқтан назардан туриб, Сократ фалсафасининг рационалистик руҳини, юзаки идеализмни ва фалсафий ҳукмларнинг келиб чиқишини аёвсиз танқид қилади. Н. Европа фалсафасига «қадрият» категориясини муомаллага киритган файласуфдир. У фалсафанинг ўзини қадриятли тафаккур сифатида талқин этиб, қадрият масаласини билимнинг ҳақиқатлигидан устун қўяди. Н. фалсафасида салоҳиятли ўрин эгаллаган «ҳокимиятга бўлган ирода» ғояси фундаментал онтологик тушунча сифатида гавдаланади. Н. учун «ирода» мавҳум тушунча бўлмасдан, балки муайян фаол инсоннинг узига ҳос индивидуал иродаси, унинг борлиги ва ҳаётининг моҳиятидир. Бу моҳият, аслида «ҳокимиятга бўлган

ирода»да ўзининг реал ифодасини топади. Ирода онг ва тафаккурга нисбатан бирламчи бўлиб, у инсон фаолияти билан чамбарчас боғланган. Р.Декартнинг: «мен фикрлар эканман, демак мавжудман» тезисига жавобан, Н. «иродага эга бўлиб, ҳаракат қилар эканман, демак, мен ҳаётман» ғоясини илгари суради. Ирода Н. фалсафасининг тамал тошини ташкил этади. Ўз навбатида, фаол оддий боқибегам одамлардан фарқланадиган инсон ғояси ҳукмронликка йўналтирилган ирода юксалиши концепциясининг пировард натижасидир. Инсондаги барча салбий сифатларни бартараф этиш ва янги ахлоқий қадриятларнинг ижодкори ва соҳиб бўлмиш фаол инсон идеалига эришиш Н. фалсафасининг асосий мақсад-муддаосидир. Н. фалсафаси яқинлашиб келаётган фалсафий нигилизм ўрнини эгаллаши лозим эди. Н. христианликка қарши курашди ва «қудлик ахлоқи»ни христианликнинг маҳсули деб баҳолади. У буржуазияга қарши эди, бу синф ахлоқини сохта ахлоқ деб билди. Жараёнларнинг чексиз бир тарзда ўзининг аввалги ҳолатига қайтиши ҳақидаги ғоя Н.нинг қатор фикр-мулоҳазаларига зид келиб, унинг фалсафий фикрлар йўналишини бемаънилик жардигига олиб бориб қўяди. Н. янги услубий шаклларни топган танқидчи ва шоир, афоризмлар устаси эди. Н. фалсафасининг софистика шакли уни тушунишни қийинлаштиради. Асосий асарлари: «Тарихнинг ҳаёт учун фойдааси ва зарари тўғрисида» (1874), «Шёненгауэр мураббий сифатида» (1874), «Эркин тафаккур соҳиблари учун қўлланма» (1876–78), «Тонг ядлиғи» (1881), «Қувноқ билим» (1882), «Ахлоқнинг моҳияти» (1887).

**НЬЮТОН** Исаак (1643.4.1, Вулсторп – 1727.31.3, Лондон; Вестминстерда дафн этилган) – инглиз олими, ҳоз. замон табиатшунослиги асосчиларидан бири. Фалсафий фикр ривожига катта таъсир кўрсатган мутафаккир. Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1672 й.дан) ва унинг президенти (1703 й.дан). Кембриж ун-тини тугатган (1665). Н. механика ва астрономиянинг назарий асосларини яратди, бутун олам тортишини қонунини очди, дифференциал ва интеграл ҳисоб асосларини ишлаб чиқди, кўзгули телескопни кашф қилди. У оптикага оид муҳим экспериментал ишлар муаллифи. «Ёруғлик ва рангларнинг янги назарияси» асари (1672)да ёруғликнинг корпускуляр тузилиши ҳақидаги гипотезани илгари сурган. Н. «Оптика» асари (1674)да ёруғлик абберацияси, интерференция, ёруғликдаги дисперсия, дифракция, ёруғликнинг қутбланиши ва б. ҳодисаларни ёритган. У биринчи бўлиб ёруғликнинг тўлқин узунлигини ўлчаган. «Натурал фалсафанинг математик негизлари» («Негизлар»; 1687) Н.нинг энг муҳим илмий асарини ҳисобланади. У бу асарда ўзидан илгари ўтган олимлар (Г.Галилей, Р.Декарт, И.Кеплер, Х.Гюйгенс, Р.Гук, Э.Галлей ва б.) ҳамда ўзи эришган илмий натижаларни умумлаштирган ва классик физиканинг асоси бўлган Ер ва осмон механикаси системасини яратган ва осмон жисмларининг ҳаракат назариясини ишлаб чиққан; классик механиканинг асосий тушунчалари – масса ва зичлигига эквивалент бўлган материя миқдорига, импульсига эквивалент бўлган ҳаракат миқдорига ва кучнинг ҳар хил турига таъриф берган; ўзининг 3 машҳур «аксиома ёки ҳаракат қонунлари»: инерция қонуни (Н.нинг биринчи қонуни), ҳара-

кат миқдори (жисм массаси билан тезланиши кўпайтмаси)нинг ўзгариши жисмга таъсир қилувчи кучга пропорционалиги қонуни (Н.нинг иккинчи қонуни), таъсир ва акс таъсир қонуни (учинчи қонуни)ни таърифлаган.

Н. барча сайёра ва кометаларнинг қўёшга, йўлдошларнинг эса сайёраларга улар орасидаги масофа квадратига тескари бўлган куч билан тортишишини асослаб берган. У бутун олам тортишиш қонунидан Кеплер қонунлари келиб чиқишини исботлаган. Н. юқоридаги асарида Ой ҳаракатининг ўзига хос хусусиятларини тушунтирган, шунингдек. Ер шакли ва унинг ҳаракатига оид хусусиятларни аниқлаган. У гидростатика ва гидродинамиканинг баъзи масалаларини қайта ишлаб чиққан; муҳит (газ ва суюқлик)даги жисм ҳаракатини шу муҳитнинг аралашуви тезлигига боғлиқ ҳолда текширган.

Н. илгари сурган табиатшунослик масалалари бутунлай янги математик усулларни ишлаб чиқишни талаб этарди. У дифференциал ва интеграл ҳисоб асосларини ишлаб чиққан, дифференциал ва интеграл ҳисобнинг ўзаро тескари характерга эга эканлигини кашф қилган, чексиз қаторлар соҳасида янгилик яратган. Н. ва ундан мустақил равишда Г. *Лейбниц* томонидан яратилган дифференциал ҳисоб ва интеграл ҳисоб математика тараққиётида янги босқич бўлди. Унинг алгебра ва геометрияга оид бошқа ишлари ҳам муҳим. Н. физика ва кимёнинг кўп соҳаларига катта таъсир кўрсатди. Баъзи оптик ва кимёвий ҳодисаларни тушунтиришда Н. механик моделлардан фойдаланди.

**НЪЯЯ** (санскритча — қоида, муҳокама, мантиқ) — қадимги ҳинд фалсафасидаги ортодоксал тизимлардан бири. Мил.ав. 3-а.да донишманд Готама асос солган. Н. таълимотига кўра, олам атомлар ва руҳдан ташкил топган. Атомлар ва руҳ оламининг асосини ташкил этади. Руҳ билиш субъектидир. Н.чилар фикрича, онг (будҳа) ва жон (манас) руҳнинг қисмларидир. Руҳ на ибтидога ва на интиҳога эга, у абадийдир. Онг ва жон замон ва маконда чекланган бўлиб, заррачалардан ташкил топган. Н.чилар фикрича, субъект қанча бўлса, руҳ ҳам шунча бўлади. Н.чилар асосан, оламни билиш масалалари билан шуғулланганлар. Улар табиатдаги жисм ва ҳодисаларни инсон бешта сезги аъзолари орқали билиб олади, ҳиссий қабул қилишга тегишли бўлмаган нарса ва ҳодисалар реал эмас, деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун браҳма (худо) ҳам мавжуд эмас. Ҳиссий қабул қилиш объектнинг сезги аъзоларимиз билан боғлиқлиги ҳисобланади. Ҳиссий билиш ҳақиқий билишдир. Н.чилар фикрича, бешта сезги аъзоларимиздан ташқари, олтинчи аъзо ҳам мавжуд. Уни манас, деб аташади. Манас ҳиссий қабул қилиш ва руҳ ўртасида туради. Н.чилар ҳиссий қабул қилишга жараён сифатида қарайдилар. Н. таълимотига кўра, сабабият ҳар қандай тараққиётнинг бошланишидир, сабаб ва оқибат реал мавжуд. Уларнинг таълимотига кўра, сабаб ва оқибат муаммоси ўткинчи, вақтинчалик, доимо ўзгарувчан ҳолатдир. Н.чилар фалсафаси билиш муаммосини ечишда муҳим ўрин тутган.

**ОБЪЕКТ** (лот. *objectum* — нарса) — субъектга қарама-қарши бўлган ҳамда инсоннинг амалий ва билиш фаолияти қаратилган объектив реаллик. О. инсон ва унинг онгидан мустақил объектив реаллик бўлиб, уни билаётган индивид учун жамият тарихий тараққиёти жараёнида ҳосил қилинган фаолият, тил ва илм тарзида намоён бўлади. О.ни 2 турга: назарий ва эмпирик О.га бўлиш мумкин. Лекин улар фаолиятнинг ҳар хил соҳаси эмас. Баъзида назарий билишнинг предметлари (мас., идеал газлар ва б.) О. сифатида реал мавжуд бўлмай, балки О.нинг эмпирик билимда қамраб бўлмайдиган томонларнинг кўрсатиш усули ҳисобланади. Мас., атомлар, элементар заррачалар каби назарий О.лар онтологик жиҳатдан, асосан, макрожиесмлардан фарқ қилмайди: ҳамма ҳолларда ҳам назарий О. ҳақидаги билимдан эмпирик О.ларни тушунтириш учун фойдаланилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам эмпирик билишдан назарий билиш сари бориш муайян О.дан узоқлашиш эмас, балки О.нинг эмпирик йўли билан аниқ англаш мумкин бўлмаган ҳақиқий мазмунини чуқур назарий ақс эттириш усулидир.

**ОИЛА** — никоҳга ёки туғишганликка асосланган кичик гуруҳ. Унинг аъзолари рўзгорининг бирлиги, ўзаро ёрдами ва маънавий масъулияти билан бир-бирига боғланган. О.нинг энг муҳим ижтимоий вазифалари — инсон зотини давом эттиришдан, болаларни тарбиялашдан, О. аъзоларининг турмуш шароитини ва бўш вақтини самарали уюштиришдан иборатдир. Оилавий муносабатлар нисбатан мустақил ҳодиса саналса-да, жамиятдаги мавжуд ижтимоий, иқтисодий, мафкуравий муносабатлар билан бел-

гиланади ва улар таъсирида ўзгариб боради. Шунга мувофиқ, ҳар бир жамият ўзгариб мос О. типини, оилавий муносабатларни ўрнатади.

О. жамият тарихида азалдан мавжуд бўлмаган. Дастлаб ота-она билан фарзандлар, сўнгра ака-ука ва опа-сингиллар орасидаги жинсий муносабатлар тақиқланиб гуруҳли О. пайдо бўлган. Лекин бу О.ларда ҳали эр-хотин никоҳи барқарор алоҳида ҳужатликка эга бўлмаган. Бу даврда табиий омиш ўз вазифасини тугатлади, яъни жинсий муносабатлар доирасидан қонқариндонлар истисно қилинди, жинсий муносабатлар фақат бир эркак ва бир аёл муносабатига айланди.

Ижтимоий ишлаб чиқариш — чорвачилик ва деҳқончиликнинг ривожланиши билан эркаклар меҳнатининг қадри ошди, маҳсулот ишлаб чиқаришда улуши ортди, бинобарин, уларнинг ижтимоий мавқеи ҳам тубдан ўзгарди. Мавжуд қонда тартиблар — фарзандларнинг онагагина тегишли бўлиши, она мулкига меросхўр саналиши эркакларнинг янги мавқеига зид келиб қолди. Натижада ота ҳуқуқига асосланган патриархал О. вужудга келди. Шундай қилиб, ҳоз. индивидиал О.нинг ўтмишдоши — моногам О. вужуга келган.

О. халқнинг, жамиятнинг ҳаёти, турмушига онд урф-одатларни ўзида синовдан ўтказди. Яхшиларини ўз бағрида асраб-авайлаб келажак авлодларга етказди. О. ўз фарзандларини тарбиялаб, уларга умуминсоний қадриятларни сингдириш билан уларга бошланғич ижтимоий йўналиш беради. Ўз фарзандларини қатта оқимга — жамиятга қўшиш билан эса О. жамият йўналиши, иқтисодиёти, маданияти ва маърифатини ҳам белгилашга ўз таъсири-

ни кўрсатади. Шунинг учун ҳам Шарқда О. қадим-қадимдан муқаддас кўрғон ҳисобланиб келинган. Хусусан, Ўзбек О.ларининг серилдизлик, сербутоқтик хусусиятлари ҳозир ҳам сақланиб турибди. Ўзбекларда О.ларнинг муайян турмуш тарзи шаклланиб ҳаётний тажриба орғириб бориши, тежамли ва саришта рўзгор туттиши, фарзандларни одобли, маънавий етук бўлиб камол топишида кексалар, ота-онанинг роли катта. Ўзбек О.лари ўзларининг мустақкамлиги, саранжом-саришгталиги, болажонлиги, қариндош-қондошлик ришталарини ҳурмат қилиши, меҳр-оқибатли ва б. қадриятлари билан ажралиб туради.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги туфайли халқимизнинг азалий миллий урф-одат ва маросимлари қайтадан тиклана бошланди, бу удумлар О.ни мустақкамлашга муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистон ҳукумати О. масалаларига давлат сиёсати даражасида бажарилиши лозим бўлган устувор вазифа сифатида қарайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасига кўра, О. жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланади, у жамият ҳамда давлат томонидан муҳофазада бўлиш ҳуқуқига эга. О.ни жамиятнинг раванқ топилишидаги тугган ўрни ва ништирокини янада ошириш, О.ларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий манфаатларини ва фаровонлигини яхшилашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш ҳамда изчил таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти 1998 й.ни «О. йили» деб эълон қилди. Оилавий ҳаёт масалаларини ҳуқуқий тартибга солишга бағишланган Ўзбекистон Республикасининг Оида кодекси қабул қилинган.

**ОККАМ** Уильям (тахм. 1285, Оккам, Суррей графлиги – 1349, Мюнхен) – инглиз файласуфи, ўрта аср хрис-

тиан схоластикасидаги номинализм оқимининг йирик вакиллари билан. Оксфорд ун-тида таълим олган, кейин уқитувчилик қилган. 1323 й.да шаккокликда айбланиб, Авиньон турмасига ташланади. Тўрт йилдан кейин генерал билан турмадан қочиб, Мюнхенга келади ва Рим папаси Иоанн XXII душмани император Людовик Баварский саройида яшайди. Ривоят қилинишича, О. императорга «мени қиличинг билан ҳимоя қил, мен сени қалам билан ҳимоя қиламан», деб мурожаат қилган. О. сиёсий ёзувчи сифатида папанинг дунёвий ҳоқимиятга бўлган даъвосига қарши чиққан.

О. фалсафа ва илоҳиёт муносабатлари масаласида улар ўргасидаги боғлиқликни бутунлай инкор қилади. Фалсафа диний эътиқод ақидаларини исбот қилишга қодир эмас, дейди. Мас., фалсафа худонинг мавжудлиги ҳақидаги ақидани исбот қила олмайди. Худо илоҳиёт тушунтириб бера олмайдиган моҳиятдир. Демак, унинг мавжудлигини ақлий далиллар билан исбот қилиб бўлмайди. Шу нуқтанга назардан илоҳиёт ақлининг ҳақиқатлигидан келиб чиқувчи фалсафага қарама-қаршидир. Демак, О. икки ҳақиқат таълимотига эргашган. О.нинг номиналистик таълимоти бўйича, фақат ёлғиз нарсалар ҳақиқий мавжуддир, умумий тушунчалар эса, яқка нарсалар асосида тушунтирилади. Инсон тафаккуридан ташқарида ҳеч қандай умумий нарса йўқ. Субстанция (жавҳар) мустақил мавжуд бўла олмайди. О. учун асосий мақсад – ёлғиз, хусусий нарсаларни билишдир.

О. номинализмга ички зиддият хосдир. Бир томондан ёлғиз нарсанинг объективлигини таъкидлаб, уни схоластик реализмга қарши қаратади. Иккинчи томондан, унинг таълимоти қатор гносеологик (билиш) масалаларни ҳал қилишда субъектив

ёндашиш анъаналари билан қоришиб, нарсалар муносабатларининг объективлигини инкор этади. О. ўз даврининг бутун схоластик реализмига қарши чиқади, янги фалсафанинг ривожига йўл очади. Унинг машҳур «ҳеч қандай заруриятсиз моҳиятларни кўпайтиришга ҳожат йўқ» иборасини «О. тиги», деб атаганлар. Унинг бу фикри умумлашмаларни ҳаддан ташқари кўпайтиришга бўлган интилишларга, схоластик бачканабозликка қарши қаратилган эди. «О. тиги» янги тажрибавий табиатшунослик ривожига йўл очиб беради. Лекин, шу билан бирга О. таълимотидаги илғор фикрлар схоластика қобигига ўралган эди.

**ОЛАМ** — борлиқнинг одам назарда тутган унсурлардан ташкил топган қисми. О. тўғрисида турлича ҳатто, бир-бирига қарама-қарши қарашлар мавжуд. Биз бундай қараш ва ёндашишларни тўғри англай билишимиз лозим. Бундай қарашлар одамларнинг О.га ўз ўлчовлари билан қарашлари оқибатида пайдо бўлади. О. тушунчаси кенг қамровли ва кенг йўналишли тушунча бўлиб, маълум маънода воқеликка тизимли ёндашишни эслатади. Мас., оддий зарралар О.и. Бу тушунча одамга маълум бўлган ва ҳали маълум бўлмаган барча оддий зарраларни ўзига қамраб олади. Агар биз яшаётган бутун коинотни оддий зарралардан ташкил топган деб ҳисобласак, бу тушунча бутун коинотни ҳам акс эттириши мумкин. Ёки ўсимликлар О.и тушунчасини олайлик. Бу тушунча фақатгина ўсимликларга тегишли бўлиб, ҳайвонлар ва одамлар бу О.дан четда қолади. Шу нуқтаи назардан О. тушунчаси нисбий моҳиятга эга. Баъзи кишилар О. деганда барча нарсаларни, жисмларни, ҳодисаларни қамраб олувчи универсал тизимни тушунади. Бу маънода О. кос-

мологик коинот тушунчасига мос келлади. Айримлар уни чексиз ва чегарасиз деб талқин этса, бошқалар коинот маъносидagi О.ни чекланган объект сифатида талқин этади. Чексизлик ва чегарасизлик тушунчалари нисбий маънога эга. Бир тизимда чексиз ҳисобланган объект бошқа тизимда чекли бўлиши мумкин ва аксинча.

Диний-космологик қарашларда О. илоҳий қудрат кучи билан яратилган деб талқин этилади. Ислom динидаги космологик қарашларда ун саккиз минг О. ҳақида гапирилади ва мазкур қараш бўйича биз яшаётган моддий О.дан ташқари ундan мустақил бўлган кўплаб бошқа О.лар ҳам мавжуддир, дейилади. Ҳоз. замон космологиясида ҳам фанга асосланган бир қанча концепцияларда О. ўткинчи, табиий равишда пайдо бўлган деган го.я илгари сурилади. Бу нуқтаи назарларда О.нинг пайдо бўлишидан олдинги ҳолати «ҳеч нима» ва «йўқлик» тушунчалари билан изоҳланади. Англиялик олим Стивен Хокинг «олам вужудга келмасдан илгари нима бўлган?» деган саволнинг манتيқсизлигини, вақтнинг фақатгина келажакка йўналган оқимини ифодаловчи модели воситасида асослаб берган. Унинг фикрича, бу савол шимоллий кутб нуқтасидан туриб қараганда ҳамма нуқталар фақат жанубга олиб боралиган ҳолатни эслатади. Бундай ҳолат О.нинг бошланғич ҳолатидир. Бу ҳолатда ўтмиш йўқ, фақатгина келажакка мавжуд, деган хулосага келиш мумкин. Диний тасаввурлар О. ҳақидаги мураккаб масалаларни, унинг келажаги, яратилиши ёки ўтмишига оид масалаларни асосан илоҳий қудратнинг ҳосиласи сифатида талқин этади. Динда О.ни иккига, яъни «бу дунё» — ўткинчи О. ва «нариги дунё» — абдий О.га ажратиб тушунтирилади. Бу дунёдаги машаққатлари эвазига одам нариги дунёда роҳат-фароғатга



муяссар бўлар эмиш. Фанга эса О.га оид мураккаб масалаларни амалий тажрибалардан келиб чиқувчи мантикий далиллар асосида исботлашга уринилади. Фалсафа эса О.ни изоҳлашда фан, дин, санъат ва адабиёт, хуллас фандан ташқаридаги бошқа хилма-хил билимларга таяниб умумлашган хулосалар чиқаради. Демак, фалсафадаги О. тушунчаси космология, дин ва б. билим соҳаларидаги О. тушунчаларига нисбатан ҳам бойроқ, сермазмунроқ ва кенгроқдир. О. тушунчасининг намоён бўлиш шакллари хилма-хилдир. Фақат моддий жисмларнигина ўзига қамраб олувчи О.ни моддий О. дейишади. Айрим кишилар уни жисмоний, яъни физик О. деб ҳам аташади. Одамнинг маънавий, руҳий дунёсини қамраб олувчи О.ни маънавий О. дейишади. Айнан шу пайтда биз билан биргалликда мавжуд бўлган О. актуал О., келажакда мавжуд бўлиш имконияти бор ва бўлиши мумкин бўлган О. потенциал О. дейилади. Мас., сизнинг бутунги кундаги талабингиз актуал О.га мансуб бўлса, келажакда мутахассис бўлиб етишишингиз эса потенциал О.га мансубдир. О.нинг мавжудлиги шубҳасиз бўлган ва барча эътироф этакдиган қисми реал О. дейилади. Келажакда мавжуд бўлиш эҳтимоли бўлган О. виртуал (эҳтимолдаги) О. деб аталади. Таркибидаги элементлари аниқ маълум бўлган О. конкрет О. дейилади. Хаёлдаги, тасаввурдаги, идеалдаги О. абстракт, мавҳум О. дейилади. Одамнинг ҳаммага маълум бўлган кундалик ва тан олинган ҳаёти реал О.га мансуб бўлса, унинг хаёлий режалари виртуал О.га, ўзи ва атрофидогилар конкрет О.га, келажакка йўналган орзу умидлари эса абстракт О.га мансубдир. Одам ўз режаларини реал О.га асосланиб тузса, унинг потенциал О.и шу қадар конкрет реалликка айланиш эҳтимоли бор. Одам якка ўзи яшай олмайди, у жа-

моа бўлиб яшайди. Одамлар жамоаси жамиятни ташкил этади. Одамлар жамиятдаги ўзаро муносабатлари, фаолиятлари, ўй-хаёллари, идеаллари, мақсад-маслаклари билан биргалликда ижтимоий О.ни ташкил этишади. Одамнинг жамиятда бошқалар билан биргалликдаги ижтимоий фаолияти уларнинг ҳар бирига хос бўлган такрорланмас индивидуал О.ларига боғлиқдир. Индивидуал О. айна пайтда ташқи О.ни ҳам, ижтимоий О.ни ҳам акс эттиради, ўзида ифодалайди. Булар бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқдир. Хуллас, О. ҳақидаги хилма-хил тасаввурлар мавжудликнинг энг умумий фалсафий тушунчасининг шаклланишига асос бўлиб келди. Бундай тушунча борлиқ ҳақидаги тушунчадир. **ОНГ** – фалсафий категориялардан бири. О. кўп қиррали ва мураккаб бўлганлиги туфайли фалсафа, психология, психиатрия, физиология, кибернетика, информатика сингари турли фанларнинг ўрганиш объекти ҳисобланади. Инъикос назарияси нуқтан назаридан О. инсон ижтимоий тараққиётида воқеликни руҳий акс эттиришнинг олий шаклидир. О. – руҳий ҳолат бўлиб, руҳият тушунчаси онг тушунчасига қараганда кенг-роқдир. Руҳий ҳолат деганда барча анланган ва анланмаган жараёнлар, шахснинг руҳий хусусиятлари назарда тутилади. О. фақат инсонгагина хосдир. У янги туғилган чақалоқда, руҳий касалликка чалинган беморларда шаклланмаган бўлади. О. онтологик маънода юқори даражада уюшган (ривожланган) материянинг хос-сасидир, барча материянинг эмас, балки олий даражада ташкил топган материянинг, яъни инсон миясининг маҳсулидир. Лекин О.нинг бўлиши учун миянинг ўзигина бўлиши шарт эмас. О. инсонни қуршаб турган табиий ва ижтимоий муҳит билан чам-

барчас боғланган ва шу муҳитнинг таъсирида фаоллият кўрсата олади. О. инеон сезгилари, идрокни, тасаввурни, фикри, ҳис-ҳаяжонни, иродаси ва қарашларидан ташкил топган. Улар бир бутунликни ташкил этади ва бундан ташқарида бирга мавжуд бўлмайди. О. туфайли битиш ва ҳодисаларни баҳолаш муносабатлари амалия оширилади ва бундан О.нинг асосий битиш ва ҳис-ҳаяжон уйғотувчилик вазифалари келиб чиқади. О. мазмунини аввало, инеон тажрибаси давомида ҳаминша ривожланиб борувчи bilimлар тизими ташкил этади. Лекин О. билан bilim бир нарса эмас. Агар bilim инеон тажрибаси тасдиғидан утган воқелик инъикоси бўлса, О. албатта воқеликнинг сўзсиз иботланган ҳақиқий инъикоси бўлмайди. Чунки, О. таркибида тахмин, адашшиш, алдавиш ҳоллари ҳам учрайди. Ҳиссиёт О. таркибига узвий равишда киради. Билиш жараёнида ҳақиқатни билиш ҳиссиёт билан боғлиқ, шунинг учун ҳам фанда фақат ақлий тафаккур билан қапоатланиб бўлмайди. Инеонда ҳайвонлар билан умумий бўлган ҳиссиётдан ташқари ижтимоий сабаблар билан боғлиқ ҳиссиёт ҳам мавжуд. Агар О.нинг воқеликни билиш фаолиятидан мақсад — объектни туғри англаш бўлса, ҳиссиёт орқали инеоннинг объектга, ўз фаолияти ва ўзга инеонларга муносабати турли ҳиссий шаклларда намён бўлади. Инеон нафақат нарса ва ҳодисалар, уларнинг хусусиятларини англаб этади, балки уларнинг қимматини баҳолаши О.нинг аксеологик жиҳатни ҳам ўз ичига олганлигини кўрсатади. О.нинг субъектив дунёсида объектив реаллик нафақат қайта ишланади, балки унда инеоннинг фаол амалий фаолияти (режалаштириш, танлаш, мақсадга интилиш)га тайёргарлик каби ҳаракатлар ҳам

олиб борилади. Бундан ташқари, О. субъект фикри, ҳиссиети, фаолиятини назорат қилиб, ўз маънавий дунёсида ва уни ўраб турган объектив реалликда нималар юз бераётганлиги ҳақида ўзига ҳисобат беришни ҳам тақозо этади. О. инеонда алоқалар, муносабатлар, объектив дунё қонуниятлари туғрисида умумий bilimлар шаклланишига асос бўлади. Инеонга мақсад ва режаларни тузиш, унинг табиат ва ижтимоий муҳитдаги фаолиятини бошқариш, борлиққа нисбатан эмоционал (ҳиссий), рационал (ақлий) ва амалий муносабатларни бошқариш ҳамда назорат қилишда ёрдам беради.

**ОНГСИЗЛИК** — инеон онгида ифодаланмаган, унинг ақл доирасидан ташқарида бўлган ва инеон онги томонидан назоратга бўйсунмаган психик жараён, ҳолат, ҳаракатлар мажмуи. О. фалсафа ва психология категорияси бўлиб, ўзининг кўн қирралиги билан ажралиб туради. О. жараёнига инстинкт, қизиқиш, интуиция, аффект ҳолати, туш кўриш ва б. киради. О. бу — руҳий ҳаётнинг реаллиги. Физиологик нуқтани назардан О. ўзига ҳос кўриқловчи вазифани бажаради, чунки улар миyani керак бўлган жойда доимий диққат-этибордан бўшатлади. Психик ҳолатларнинг ҳаммаси ҳам онг назоратида булавермайди. Дастлаб улар онг ёрдамида юзига келиб, кейинчалик узок вақт машқ ва кўп марта қайтариш натижасида О. табиатини эгаллайди ва онг назоратидан чиқиб олади. О. онгга яқинлик даражаси билан фарқланувчи ўз таркибига эга. О.нинг психик ҳодисани ўз ичига олган, онг даражасидан автоматизм даражасига ўтиш билан боғлиқ бўлган, шаклланиб етмаган онг каби алоҳида даражалари мавжуддир. Австриялик психиатр ва психолог З.Фрейд (1856—

1939) О.ни соф иррационалистик тарзда талқин этади. Унинг фикрича, онг билан О. ўртасида муросасиз қарама-қаршилик бор. Инсоннинг бутун хатти-ҳаракати ана шу қарама-қаршилик билан белгиланади. О.ни одам англашга ва пайқашга журъат этолмайди, у инсондаги азалий майллар масканидир. Фрейд психикага ўз қарашини шакллантирди, онг («мен») ва онгсизлик («у») муносабатида айниқса, сўнггисининг ахамиятини оширади. Инсон ҳаётида ҳар хил омиллар таъсирида йиғилган у ёки бу «комплекслар» («Эдип комплекси», «Айблар комплекси» ва б.) ондан О.ка томон суриб чиқарилади ва у кейинчалик кўпгина психик касалликларга сабаб бўлиши мумкин. Швейцариялик психолог ва психиатр К.Г.Юнг (1875–1961) шахс онгсизлигидан ташқари чуқурроқ қатлам — жамоавий О. борлигини қайд этди. Бундай О. таркибидан архетиплар кишиларнинг жамоавий ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, инсон психикасида тарихан мустаҳкамланган ва у наслдан-наслага ўтиб боради, деган фикр-ни илгари сурди.

**ОНТОЛОГИЯ** (юн. *ontos* — борлиқ ва *logos* — сўз, таълимот) — фалсафанинг муҳим таркибий қисми. *борлиқ* ҳақидаги таълимот. Борлиқнинг умумий асослари, принциплари, унинг шакллари ва қонуниятларини текширади. «О.» терминини немис файласуфи Р.Гоклениус фанга 1613 й. киритган, Х.Вольф (1679–1754) ўз дарслигида қўллаган бўлса-да, дастлаб юнон файласуфлари унинг турли талқинларини баён этганлар. Улар О.ни ҳақиқий борлиқни ноҳақиқий мавжудликдан ажратиб олувчи борлиқ ҳақидаги таълимот, деб ҳисоблашган. Элея мактаби намояндалари ҳиссий дунёнинг алдамчи кўринишини ҳақиқий борлиққа қарама-қарши

кўйиб, О.ни мангу ўзгармас, ягона, соф борлиқ ҳақидаги таълимот сифатида қўллашган. Милет мактаби вакиллари ва Иония файласуфлари дастлабки борлиқнинг сифатий талқини ҳақида бош қотиришган. Улардан борлиқнинг бошланишида ётувчи бундай асосни Эмпедокл «стихия», Демокрит «атомлар», Анаксимандр «апейрон», Анаксагор «уруғ» деб атаган. Платон гоялар О.сини, Аристотель эмпиризм О.сини яратди. Ўрта асрлар фалсафасида О. илоҳиёт билан чамбарчас боғланади. Шарқ фалсафасида О. кўпроқ илоҳий борлиқнинг, худонинг моҳиятини асос эттирувчи таълимот тарзида, шарқ нантенистик фалсафасида *ваҳдати мавжуд* ва *ваҳдати вуҷуд* кўринишидаги таълимотлар шаклида пайдо бўлган. Фалсафада О. монистик, дуалистик ва плюралистик концепциялар шаклида ҳам учрайди (қ. *Материализм*). Янги давр фалсафасида дуалистик О. намоянаси Р.Декарт бўлган. Ўз фалсафасининг асосига «монада» — «илоҳий атомлар»ни қўйган В.Г. Лейбниц фалсафаси — плюралистик О.га мансубдир. Бу концепция бўйича оламнинг асосида бир қанча моҳият ётиши мумкин. Шундай концепция эмпириокритицизмда ҳам учрайди. Р.Авенариус, Э.Мах борлиқнинг асосида сезгилар мажмуи ётади, деб ҳисоблайди. Ҳоз. замон фалсафасида О.нинг мазмуни янада бойиган. Бу борлиқ ҳақидаги тасаввурларнинг ривожланиши билан боғлангандир.

**ОПТИМИЗМ** (лог. *optimus* — энг яхши) — кечаётган воқеа-ҳодисаларнинг боришига икки хил қарама-қарши фикрлар ёки муносабатларни яхшиликка йўйиш билан ифодалаш. О. *пессимизм*нинг зидди. О. кечаётган воқеа ёки ҳодисанинг порлоқ истиқболга, эзгуликнинг қабоҳат, яхши-

ликнинг ёмонлик, адолатнинг адолатсизлик, ёруғликнинг қоронғилик, ҳурликнинг бидъат ва зулм устидан албатта ғалаба қилишига, илм ва маърифат асосида келажакка умид билан ишонишдир. Бу атама мавжуд дунёнинг «энг яхши дунё сифатида» яратилганлиги тугрисидаги Г.В.Лейбниц таълимотини ифодалаш учун жорий қилинган. Фалсафа тарихида ва умуман ижтимоий билимлар тарихида оптимистик қарашларни билли соҳиблари турли тарзда ифода-лаб, тарғиб қилиб келганлар. Мас., ўрта аср Шарқ ва Европада Уйғониш даври инсонпарварлик гоёлари вакиллари, 18-а. француз маърифатпарварлари, 19-а. охири – 20-а. бошларидаги маърифатпарвар ватандошларимизнинг дунёқарашлари оптимистик руҳ билан сугорилган бўлиб, уларнинг илгари сурган гоё ва фикрлари буйича, истиқболли келажакка инсон фақат эзгу ишларга ишончи орқалигина эришиш мумкин. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, улар халқ оммасини ҳаётни севишга, инсон ақл-идрокини қадрлашга, илм-маърифатни эгаллашга чорлаганлар. Тарихий тараққиёт жараёнида оптимистик қарашлар ва уларнинг йўналишлари давр тақозоси ҳамда талабига кўра турлича кўринишларга эга бўлган. Жумладан, диний О., ҳаёлий О., абстракт О., жамият тараққиётининг эҳтиёжига кўра сиёсий О., бугунги кунда Ўзбекистонга хос бўлган мустақиллик О.и шулар жумласидан бўлиб, уларни умумлаштирган ҳолда ижтимоий О. деб ифодалаш мумкин. Ҳар қандай тарихий жараённинг асосий белгиларидан бири, шунингдек, унинг минтақавий ва миллий ривожланишида жуда катта аҳамиятга эга бўлган О., ижтимоий онг мулки сифатида ҳар бир шахснинг шу жамиятга, шу муҳитга, мав-

жуд ижтимоий сиёсат ва иқтисодиётга мансублигини англаб етишига бевосита таъсир этади. О. табиий-биологик асосга эга бўлган инстинкт сифатида эмас, балки кундалик, йиллик, асрлик ижтимоий воқелик кўринишида шаклланади, мустаҳкамланади, фаолият кўрсатади ва ривожланади. Шу боис оммавий кундалик онг янги реалистик мазмун намоён қилган оптимистик гоё ва мафкуравий ҳиссиётлар билан бойиб боради. О.га мойил одам оптимист дейилади. Бугунги кунда эса Ўзбекистон халқининг ҳаётбахш кайфияти асосида мустақиллик О.и этади. Бу юз бераётган ислохотларнинг ижобий натижаларида, уларнинг кўлами ва фуқароларнинг миллий ўзлигини эркин намоён этиш имкониятларининг ривожиди кўринмоқда ва ифода этилмоқда.

**ОРТЕГА-И-ГАСЕТ** Хосе (1883.9.5 — Мадрид — 1955.18.10) — испан файласуфи, публицист ва жамоат арбоби. Ижодида неокантчилик, ҳаёт фалсафаси ва феноменология кўриниши зиддиятли равишда ўз аксини топган. Социологияда унинг «Омма кўзголони» (1930) асари машҳур. Асарда жамиятнинг маданият асосидаги омма ва элитага бўлинишини назарда тутди. Бу ўринда О. маданиятни яратувчи маънавий «элита»ни ва онгсиз равишда одатдаги тушунчалар ҳамда тасаввурлар билан қаноатланадиган одамлар «омма»сини бир-бирига қарама-қарши қўяди. Унинг фикрича, «элита» ва «омма»нинг бундай ажралиши 20-а.нинг асосий сиёсий ҳодисаси (феномени) ҳисобланади ва у умумий ижтимоий барқарорликка, «оммавий жамият»нинг вужудга келишига олиб келади. О. Европа социологияси (асосан «оммавий жамият» ва «оммавий маданият» муаммоларини кўйишида)га катта таъсир кўрсатди.

## П

**ПАНТЕИЗМ** (юн. pan — ҳамма, theos — худо) — тарихан шаклланган диний ва фалсафий таълимот. Худо билан табиат бир-бирига тамоман мос бўлиб тушади, улар айнан бирдир, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш фалсафий тафаккур ривожига путур етказади деб ҳисоблайди. П. атамасини инглиз файласуфи Ж.Толанд киритган (1705). Бу тушунча Шарқда вужудиюн номи билан аталади. Турли тарихий даврларда П. моҳиятан бир-биридан фарқ қиладиган фалсафий тизимларни, хилма-хил фикр-мулоҳазаларни ўзида акс эттириб келди. Мавжуд анъаналарга кўра, П. Шарқ ва Ғарб П.дан иборат. Мас., Абу Наср Форобийнинг борлиқ ва унинг вужудга келиши ҳақидаги таълимоти пантеистик тусга эга. Форобийнинг пантеистик қарашларида моддий ибтидо ўзини худо орқали намоён қилади. Худода моддий ибтидо гўёки очиқ-ойдин ифода этилмаган бир шаклда мавжуд бўлади. Кейинчалик у ноаниқ шаклдан ўзини тўлалигича озод қилиб, куч-қувватига яраша бир тарзда намоён бўлиб боради. Мутафаккир бу жараёни жўжанинг тухумдан чиқиши билан қиёслайди. Унинг таъкидлашича, «яратилиш жараёни нарса мавжудлигини сақлашдан иборатдир». Араб файласуфи ва табиби *Ибн Рушд* Форобийнинг пантеистик қарашларини давом эттириб, худони шаҳар ҳукмдорига қиёслайди. У «Раддияни рад этиш» асарига: «Коинотни бошқариш шаҳарни бошқаришга ўхшайди. Унда ҳар қандай бошқарув марказдан туриб амалга оширилади. Лекин, ҳамма нарса ҳам бевосита ҳукмдор томонидан бажарилмавермайди», деб ёзади. Ибн Сино Форобий анъана-

лари таъсирида «вужуди вожиб» ва «вужуди мумкин»нинг ўзаро муносабатида неоплатоник эманация (нурланиш, порлаб туриш) таълимотига алоҳида эътибор қаратиб келган. Мутафаккир эманация таълимотига мурожаат қилар экан, уни Яқин Шарқнинг қадимги анъаналари (мас., зардуштийлик анъаналари)га хос диний-натуралистик тасаввурлар билан биргаликда ўрганишга ҳаракат қилади. Бунда осмон, фалакнинг табиат ва инсон ҳаётини таъминлашдаги ўрни олим диққат марказида туради. Бундай қарашлар пантеистик кайфиятни янада кучайтиришга олиб келди. Пантеистик анъаналар Ғарбда Иоанн Скот Эриугена, Давид Динанский, Сигер Брабантский, кейинроқ Майстер Экхарт ва б. томонидан ривожлантирилган. Эриугена схоластик христиан фалсафасида биринчилардан бўлиб худо ва оламнинг ўзаро нисбати муаммосига мурожаат қилиб, «худо ҳамма нарсададир, у барча нарсалар моҳияти сифатида барҳаётдир», деган хулосага келган.

Майстер Экхартнинг пантеистик қарашлари мистик табиатга эга. Унингча, худо ўзга нарсаларга нисбатан ўзига хос универсал ижодий фаолият сифатида мавжуддир. Пантеистик тамойиллар ўрта асрлардаги ереслик мистикасида кўзга ташланган. П. Уйғониш даври натурфалсафаси ва Б.Спиноза («худо» ва «табиат» тушунчаларини бир нарса деб билган) ҳамда И.Г.Гердер, И.В.Гёте ва немис классик фалсафасига хос. П.нинг хилма-хил кўринишлари фалсафий тафаккур ривожига ўз таъсирини ўтказиб келди. Айниқса, ҳоз. даврда унинг персонализм фалсафасидаги мавқеи сезиларлидир.

**ПАРАДИГМА** (юн. *paradigma* — намуна, мисол) — антик ва Ўрта аср фалсафасига оид тушунча. Ҳождларнинг доирасида намуна сифатида таъриф — тавсифланган ва айни шу намуна асосида борлиқ Тангри томонидан яратилган деган фикрга таянади. П. замонавий фалсафада илм-фаннинг назарий-методологик ва қадриятлар тизми асосидаги илмий муаммоларни ечишда намуна сифатида қабул қилинган ва илмий жамоа томонидан маъқулланган тушунча, тамойилдир. П. ҳозирги замон фани тушунчаси сифатида америкалик олим Т.Кун (1922–1996) томонидан фанга киритилган. Т.Кун фанни тарихий воқелик деб ифодалайди ва унинг ўсиши ҳамда динамикаси механизмлари тўғрисидаги мураккаб масалалар (фаннинг сохта фандан фарқи, унинг структурасини билим ва фаолият ташкил этиши, ҳақиқий олим ким ва илмий билиш жараёнида ижтимоий ин-сларнинг аҳамияти) бўйича талқиқотлар олиб борди. Фанга «фандаги инқилоб», «П.», «илмий жамоа», «метёр доирасидаги фан» каби янги тушунчаларни киритган Т.Кун «Илмий инқилоблар тузилмаси» китобида П.нинг асосан иккита — эпистемологик ва ижтимоий жиҳати ҳақида ётган. П.лар фаннинг нормал ривожланиш доирасида шаклланади. П.ларнинг алмашиши илмий инқилоблар асосида руй беради. Бу жараёнда оламда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар моҳиятини тирап англаб олиш, фалсафий тафаккурнинг ривож топиши, илмий жамоаларнинг фаолиги муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, янги П.ларнинг пайло бўлиши талқиқотчи дунёқарашининг шаклланиши ва эволюциясига тавсир этади. П.ни фанга олиб кирган олимлар қандандир назария ёки қонунни ифодалаб

бериш билан бирга, бир ёки бир нечта муҳим илмий муаммоларни ҳал қилиш йўли ва намунасини кўрсатиб беришган. Мас., И.Ньютон нурнинг корпускуляр назарияси асосида бўлиб, бир қатор тажрибаларда Кўёш нурунинг таркиби мураккаблигини ва бунини аниқлаш усулларини кўрсатиб берди. П.лар ижодкорларининг оригинал тажрибалари турли тасодифлардан тозаланиб ва тақомиллаштирилиб, сунг дареликларга киритилди, улар асосида бўлажак олимлар ўз фанларини ўзлаштирадидлар.

П. конкрет соҳада илмий изланишнинг нуҳалар тўпламини беради. Бу унинг энг муҳим функцияси. Шу билан бирга П. ўз доирасидаги муаммоларни қандай усуллар билан ечини мумкинлигини белгилайди. П. асосида аспирант ёки талқиқотчи назариянинг нафақат аниқ ифода этилмаган моҳиятини ўзлаштиради, балки дунёни кузатишни ўрганади. Ҳар бир П. уни учун тегишли дунёни шакллантиради ҳамда унда П. тарафдорлари яшайди ва ижод этади. П. тушунчаси билан «илмий уюшмалар» тушунчаси муштаракдир. П. илмий уюшма томонидан қабул қилинган бўлиб, илмий уюшма битта П.га ишонган олимлар гуруҳи. Илмий уюшма аъзоси бўлиш учун унинг П.сини ўзлаштириш лозим бўлади. П. метёр доирасида ривожланаётган фан методологиясининг нойдеворидир. Унинг асосий ва илфалари турли хусусий илмий муаммоларни ҳал этиш, илмий билим ҳажминини тобора ошириб бориш, асоҳида элементларини аниқлаштириш, ўзгартириш, қайта қуришдан иборат. Метёр доирасида фаннинг ривожланиш усули ва шакли дунё тўғрисидаги билимларнинг қўнайиб боришидир. Бир П. дан бонқасига ўши жараёнини илмий инқилоб деб аташ мумкин. Дунёни англа-

лашда ўзгаришлар содир бўлиш жараёни илмий инқилобга олиб келади. Бу тавсиф беришда, стандартлар ва уни датилаштириш, схемаларни изоҳлаш тилида намоён бўлади. Фан ривожланишида олимлар жамоаси илмий билим динамикасининг социологик ва психологик жиҳатларини ўрганади.

**ПАРМЕНИД** Элеялик (тахм. мил.ав. 540–480) — юнон файласуфи. Элея фалсафий мактаби вакили. Кеенофаннинг шогирди. Зеноннинг устози. Манбаларга қараганда, П. бадаллат оилادا таваллуд топган, дурустгина билим олиш имкониятига эга бўлган. Файласуфнинг қарашларининг «Табият ҳақида» номли достонида ўз ифодасини тонган. Достон мажозий хусусиятга эга бўлиб, унда ўспириннинг ҳақиқатни кўрсатиб берувчи худо ҳузурига қилган саёҳати тўғрисида ҳикоя қилинади. П.нинг таъкидлашича, борлиқ ўзгариш ва кўнликни рад этади. У доимо ва ҳар қандай вазиятда ўзига тенг ва мутлақе ўзгармас бир нарса сифатида талқин этилади. Бу билан П. Милет мактаби вакиллари ва Гераклитнинг илк асосларига қарши чиқади. Ҳар қандай фалсафий қараш пировард натижада куйидагиларнинг бирига жавоб бермоғи лозим: 1) борлиқ мавжуд, йўқлик мавжуд эмас; 2) борлиқдан ташқари ҳатто йўқлик ҳам мавжуддир; 3) борлиқ ва йўқлик нисбатан бир-биридан фарқланмайди. Биринчи кўриниш Элея мактабига, иккинчи кўриниш пифагорчилар мактабига, учинчи кўриниш эса Гераклитга хосдир. П. Гераклит диалектикасини қабул қилмайди. П. фикрига қура, «борлиқ мавжуд, йўқлик эса мавжуд эмас» шiori ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмайдиған ҳақиқий асосдир. У оламнинг ягоналигини уқтириб беришга қодир. Йўқликка келсак, уни ҳатто

фикрда ҳам ифодалаб бўлмайди. Билиш, уқиб олиш, талқин этиш борлиққа тааллуқдидир. Борлиқ абадийдир. Борлиқнинг пайдо бўлиши мантиққа зиддир. У йўқдан бор бўла олмайди, чунки йўқ нарса мавжуд бўлиш имкониятидан маҳрум. Бундан ташқари у бошқа бир нарсадан келиб чиқмайди, чунки борлиқ яғонадир. Борлиқ вақтда ибтидосиз ва интиҳосиз бўлса-да фазода у чегараланган бўлади. У пуфаксимон шаклда мавжуддир, таркиби бир хил, ҳамма жойда марказдан бир хил масофалда туради.

П. ақлий билишга асосланган ҳақиқатни сезгиларга таянган мушоҳадалан тубдан фарқ қилади. Сезгилар имкониятига ортиқча баҳо бериш кундалик оддий тажриба натижаси саналади. Кўп эшитиш, кўриш, сўзломлик донишмандликнинг ҳақиқий намунаси бўла олмайди. Ҳақиқат ақл орқалигига юзага чиқади. Файласуф гарчанд сезгиларга, ҳиссий тажрибага етарли даражада баҳо бермаган бўлса-да, уларнинг кўмакчилик аҳамиятини бутунлай инкор этмайди. Сезгилар мақомини камситиш, уларга ақлнинг қарама-қарши кўйиш П.нинг борлиқ тўғрисидаги таълимотиининг мантиқий давомидир. П. билишида ақл мақомига алоҳида эътиборни қаратган бўлса-да, унинг бутун реал жараёнлар тўғрисидаги қарашлари кўп жиҳатдан ноилмий, мифологик хусусиятга эга. Унинг таъкидлашича, коинот марказида ҳақиқат ва зарурият туради. У сайёра ва юлдузлар ҳаракатини бошқарили. У барча худолардан аввал Эрос — меҳроқибат маъбудасини яратган. У туфайли одамлар ўзаро ҳамкорликка интиладилар, ўз мақсадларига эришадилар. Ҳар ҳолда П.нинг фалсафий қарашлари жаҳон фалсафий тафаккурининг ўзига хос бир кўриниш сифатида эътиборга сазовордир.

**ПАРСОНС** Толкотт (1902.13.12, Колорадо-Спрингс, Колорадо — 1979.8.5, Мюнхен) — америкалик назарийчи-социолог. Социологияда ҳаракат назарияси ва функционал структура оқимининг асосий вакилларидан бири. П. инсоний борлиқни уни бутун ҳолича қамраб олувчи таҳлилий-назарий тизимини атрофлича ишлаб чиқишга уринган. Бу мақсадда дастлаб у М. Вебер, Э.Дюркгейм, А.Маршалл, А. Парето асарларига, шунингдек, замонавий кибернетик ва рамзий-семиотик тасаввурларга таянган. Инсоннинг жамиятдаги борлигини позитивистик изоҳлаш ўрнига янгича назария яратишга уринган. П. фикрига кўра, инсон ҳаракати ўзи ташкил этган тизим бўлиб, у жисмоний ва биологик ҳаракат тизимидан фарқ қилади ва ўзига хос жиҳатлари куйидагилар билан белгиланади: биринчидан, унинг рамзийлиги, яъни тартибга солишда тил, қадриятлар каби рамзий механизмларнинг мавжудлиги; иккинчидан, меъёра, яъни индивидуал ҳаракатнинг умумий қабул қилинган қадрият ва меъёрларга боғлиқлиги; учинчидан, унинг иррационаллигида ва муҳит шароитларда мустақиллиги ва айни вақтда, вазиятни субъектив аниқлашга боғлиқлиги. П. эҳтиёжлар ва қадриятларни уларнинг ўзаро таъсирини инкор этмаган ҳолда аниқ таҳлилий тарзда фарқлаб кўрсатади. П. социологик тадқиқотлар асосини жамиятнинг муайян турғун ҳолатда сақлаб туриш масаласи ташкил этади. П. фикрича, жамият доимо «абсолют мувозанат» томон ҳаракат қилади, ижтимоий зиддият ва тенденциялар жамиятнинг «касаллиги» ҳисобланади. П. жамият ҳаётидаги қонуниятлар заминида ижтимоий онгнинг бирон-бир шакли, аввало психологик ва ахлоқий ҳодисалар — бойлик, меъёр, урф-одат ва б.нинг ўзгариши ётади, деб даъво қилади.

Умуман П. кўп жиҳатдан социологияда назарий тафаккурни қайта тиклади. У ўз назарияларини яратиш чоғида социология намояндаларининг классик меросига таянди.

**ПАТРИСТИКА** (лот. *pater* — ота) — 2—8-а.ларда «черков авлиё оталари» (билим берувчилар) деб танилган христиан мутафаккирларининг илоҳийга оид фалсафий, ижтимоий-сиёсий таълимотлари мажмуи. Рус анъаналарида «П.» атамаси «авлиё оталар адабиёти» атамаси билан ифодаланган. Ориген, Александриялик Климент, Буюк Василий, Григорий Назианзин, Ниссалик Григорий, Иоанн Златоуст, Византиялик Леонтий, Иоанн Дамаскин, Амвросий, Авлиё Августин П.нинг таниқли муаллифларидир. П.нинг асосий мавзулари: учлик мавзуси, яъни уч кўринишдаги худо (худо-ота, худо-ўғил, худо-муқаддас рух)нинг ягоналиги ҳақидаги таълимот, христология мавзуси, яъни Исо пайгамбарнинг икки табиати — илоҳий ва инсоний мутаносиблиги ҳақидаги таълимот, черков йиғинларига бағишланган мавзу, худога етишиш усулларини билиш мавзуси, монах ва христиан зоҳидлари маънавий ҳаёти тажрибаларини умумлаштириш каби мавзулар. Черков реформацияси асосчилари М.Лютер ва Ж.Калвинлар авлиё оталар оғрасини рад этди. Православ ва рим-католик черкови учун П. асарлари Библия билан бир қаторда христиан таълимотининг муҳим манбаи ҳисобланади. П. гоёлари Фарбий Европа ва рус фалсафасига таъсир кўрсатган.

**ПЕРИПАТЕТИК МАКТАБ** (юн. *peri pateo* — сайр этиб юрмоқ) — Аристотель асос солган фалсафий мактаб. Мактабда тингловчилар билан сайр қилиб юриб дарс ўтилган (номи шундан олинган). Аристотелдан ке-



ийн қарийб 34 й. Теофраст бошчилик қилган. П.м. вакиллари аниқ фанлар билан шуғулланганлар (муסיқа назариётчиси Аристоксен, давлат тарихчиси ва назариётчиси Дикеарх, физик Стратон, географ ва астроном Аристарх Самослик ва б.). П.м. вакиллари 1–3-а.ларда Аристотель асарларини нашр этишган ва шарҳлашган. П.м. платончилар, пифагорчилар, стоиклар, неоплатончиларга ва кейинчалик ўрта аср Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари фалсафасига ҳам сезиларли таъсир кўрсатган.

**ПЕССИМИЗМ** (лот. *pessimum* – энг ёмон) – кечаётган воқеа-ҳодисаларнинг боришига икки хил қарама-қарши фикрлар ёки муносабатларни тушқунликка йўйиш билан ифодалаш. П. *оптимизм*нинг қарама-қаршиси бўлиб, оламда аваламбор унинг салбий томонларини кўради, олам умид қилиб бўлмайдиган даражада ёмон, инсонларнинг яшаши – бошдан охиригача маънисизликдан иборат деб ҳисоблайди. П.нинг диний ифодаси буддизмда. Қадимги аҳдада ва христианликда акс этган. Меланхолия – П.нинг патологик шакли. П.га мойил одам пессимист дейилади. П. воқеалар ёмонлашиб бораяпти деган қарашларда, тушқунлик кайфиятларида, яхшилик ва адолатнинг тантанасига ишончнинг йўқлигида намоён бўлади.

**ПИФАГОР** (тахм. мил.ав. 580, Самос ороли – 500, Метапонт) – юнон математиги, файласуф. Мил.ав. 6-а.да Юнистонда пифагорчилар мактаби асосчиси. Самос оролида туғилган. Кейинчалик Италиянинг Кротон ш.да яшаган ва «Пифагорчилар иттифоқи» номли сиёсий-фалсафий ташкилот тузган. П. ва унинг мактаби ҳамма нарсанинг асосини сонлар ташкил қилади, деб ҳисоблаганлар. Улар сонларни моддий нарсалардан ажратиб, мустақил кучга эга, деб исботламоқчи бўлдилар. П. таълимотига кўра, оламни билиш сонни билишдан иборат, дунёнинг асосида илоҳийлаштирилган сон этади. Шунингдек: «Барча предметлар чегарали-чегарасиз, тоқ-жуфт, бирлик-кўплик, ўнг-чап, эркак-урғочи, турғунлик-ҳаракат, тўғри-эгри, ёруғ-қоронгу, яхши-ёмон, тўғри бурчак-тўртбурчак каби қарама-қаршиликдан ташкил топган». Лекин, бу қарама-қаршиликлар ҳаракатсиз, ўзгармас ҳолат сифатида талқин қилинади. Математика тарихида П. геометрияга систематик исбот тушунчасини киритиб, уни абстракт фан даражасига кўтарган. тўғри чизикли шакллар геометриясини тузган, ўхшашлик ҳақидаги таълимотни яратган, тўғри бурчакли учбурчак томонлари ҳақидаги теоремани исботлаган ва бу теорема Пифагор теоремаси деб номланган. Одатда, жуфт ва тоқ, туб ва мураккаб, мукамал сонлар, арифметик, геометрик ва гармоник пропорциялар П. номи билан боғланиди.

Пифагорчиларнинг математика ва геометрия, муסיқа, меъморчилик, ҳайкалтарошлик соҳаларида хизматлари каттадир.

Пифагорчиларнинг математика ва геометрия, муסיқа, меъморчилик, ҳайкалтарошлик соҳаларида хизматлари каттадир.

**ПЛАТОН** Афиналик, Афлотун (мил.ав. тахм. 427.27.5 – Афина – 347) – юнон файласуфи, *платонизм* асосчиси. *Сократ*нинг шогирди. Мил.ав. 380 й.ларда Афина яқинидаги Академия номли боғни сотиб олади (бу ном шу ерлик афсонавий қаҳрамон Академ шарафига берилган) ва бу боғда ўзининг П. академияси деб номланган фалсафий мактабини ташкил этади. У 30 дан ортиқ рисолалар, жумладан «Парменид», «Давлат» «Теэтет», «Пир», «Федон», «Федр», «Софист», «Сиёсатдон», «Тимей», «Кратил» каби асарлар

муаллифидир. П. фалсафасининг асосий моҳияти «гоя» («эйдос»)лар ҳақидаги таълимотида баён этилган. Файласуфнинг фикрича, табиат — гоялар маҳсули. Гоялар ўзгармас, абдий, ҳаракатсиз. Ҳис қилинадиган нарсалар эса гояларнинг сояси. Моддий дунё ўткинчи, гоялар дунёсида энг олий гоя худодир. Моддий дунё — ҳайвонлар, маъданлар, ўсимликлар «умумий гоялар»нинг нусхаси. Энг олий гоя ва ҳақиқат гояси гўзаллик гояси бўлмай, балки фаровонлик гоясидир. У фаровонликни мақсадга мувофиқлик ва ақл билан тенглаштиради. П. ўзининг «Тимей» асарида космогоник ва космологик назарияни илгари суради. Унинг билиш назариясида диалектика масалалари муҳим ўрин эгаллайди. Диалектика деганда, у савол-жавоб, озгаки суҳбат, исботлаш, ҳиссий билишдан қутулиш ва тафаккур орқали гоялар дунёсининг идрок қилиш воситасини тушунади. П.нинг диалектик қарашлари метафизик табиатга эга бўлиб, ундаги умумий гоялар ҳаракатсиз ва ўзгармасдир. П. савол беришни биладиган ва унга жавоб бера оладиган кишиларни диалектиклар, деб атайдди. Унингча, диалектика бу — кишилар саволлар беришнинг улдасидан чиқиб, унга жавоб беришга қодир бўлишдир. П.нинг фикрича, одамлар ҳиссий қабул қилишдан воз кечиб, ақлий билимга ўтишлари зарур. Умуман олганда, П. диалектикаси Гераклнинг диалектикасига яқин туради. П. диалектикаси Гегель диалектикаси учун асос бўлиб хизмат қилди. П. ижтимоий-сиёсий масалаларга бағишланган, «Давлат», «Қонунлар», «Критици», «Сиёсат» каби рисолаларида давлат ва уни бошқариш услублари тўғрисида фикр юритар экан, мавжуд давлатларни инсонлар ҳаёти-

да салбий роль уйнаганлигини, зероки уларда бойлар ва камбағаллар мавжудлигини айтади. П. аристократик давлат тарафдори бўлади. У мукамал давлат тўғрисидаги утопик-хаёлий қарашларини баён этади. Бундай давлатни ақлли, ишбилармон, доно, қобилиятли кишилар гуруҳи идора қилиши керак. Мукамал давлатнинг муҳим хусусияти адолат қонун-қоидаларига амал қилишдир. П. аристократик жамиятини учта ижтимоий қатламга ажратади: биринчиси — файласуфлар, иккинчиси — ҳарбийлар, учинчиси — деҳқонлар ва ҳунармандлар. У давлатни файласуфлар ёки фалсафий фикр юритишга қодир арбоблар бошқариши лозим, деб ҳисоблайди. Ҳарбийлар эса мамлакатда тартиб-интизом урнатилишига ёрдам бериши, давлат хавфсизлигини таъминлаши лозим. П.нинг фикрича, файласуф ва ҳарбийлар ҳеч қандай муякка эга бўлмасликлари, деҳқон ва ҳунармандлар мулк эгалари бўлиб, улар файласуф ва ҳарбийларни таъминлаб туришлари керак. П. ўзининг ижтимоий қарашларида фақат эркин фуқаролар тўғрисида фикр юритади. Қулларни эса инсонлар қаторига қўймайди. Қуллар жамиятда ҳар қандай ҳуқуқдан маҳрум этилган, деб билади. П.нинг ахлоқий қарашлари у тартиб қўйган гояларга асослангандир. Файласуф инсонлар яшаб турган дунёни ҳақиқий дунё, яъни гоялар дунёсининг сояси деб билгани учун инсоннинг бирдан-бир мақсади ахлоқий идеал яна қайтиб, ана шу гоялар оламига қўшилишидан иборат, дейди. Мутафаккир ахлоқ муаммоларига тўхталар экан, инсондаги фазилат ва салбий иллатлар гўйма эканлигини таъкидлайди. Унинг ақидасига кўра, яхши ҳулқ-

одоб эгаси бўлган киши ўзининг фазилатларини бошқача намоён эта олмайди. Яхши малакани ҳатто таълим бериш, ўқиш-ўқитиш ва машқ қилиш орқали ҳам эгаллаб бўлмайди. Яхши хулқли ота-оналарнинг фарзандлари ҳамма вақт одобли бўлавермайди, деб хулоса қилади. П. кишиларнинг фазилатларини туғма, бир хил ва ўзгармас, деб ҳисоблайди. Унингча, инсонда туғилгандаёқ яхшилик, софдиллик, ёмонлик, фарзгўйлик туғрисида тушунча бўлади. У ҳар хил табақага ҳар хил хислатлар хоелигини айтади. Мас., донolik файласуфга, шижоаткорлик ҳарбийларга, муътадиллик (иффат) куйи табақага хосдир. Юқоридagi учта фазилатнинг кўшилуvidан адолат хосил бўлади. Ҳар бир табақа ўз иши билан машғул бўлиши, бошқаларнинг ишига аралашмаслиги даркор. Давлат эса ўз фуқаролари, айниқса ёшлар тарбияси билан шуғулланиши лозим. П. ахлоқ масалаларини объектив идеализм нуқтаи назаридан туриб ҳал қилди. П.нинг эстетик қарашлари унинг «Софист», «Конуилар», «Федон» ва б. асарларида ўз ифодасини толган. П. эстетикаси унинг «гойлари» билан чамбарчас боғлиқдир. У мана шу гойаларидан келиб чиқиб ҳамма учун бир хил, ўзгармас, мутлақ гўзалликни қидиради. П. гўзал гойани хислатларга қарама-қарши қўяди. Уни ҳиссиёт орқали эмас, ақл ёрдамида идрок этиш мумкин, дейди. Санъатга ҳам шу нуқтан назардан қарайди. У санъат соҳасида, ҳиссий нарсаларга тақлид қилиш туғрисида фикр юритиб, бу ҳиссий нарсалар гойалардан иборат эканлигини айтади. Унингча, мусаввир ҳиссий нарсалардан нусха кўчиради, нарсалар эса ҳиссий гойалардан иборат. П. эстетиканинг мукаммал давлатга ўрни бўлмасли-

ги туғрисида гапирса ҳам, санъат ва тароналар кишиларда жасурлик ва ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаши лозим, деб ҳисоблайди.

**ПЛАТОНИЗМ** — кенг маънода — *Платон* (аввало унинг эйдослар ҳақидаги) таълимотига эргашган фалсафий оқимлар; бутун Европа фалсафига П. бевосита ёки бавосита таъсир кўрсатган. Тор маънода — мил. ав. 4-адан бошлаб юнон фалсафасидаги йўналиш. 3-адан П.нинг асосий шакли *неоплатонизм* бўлиб қолди. Ўрта асрларда П. аристотелизмга нисбатан деярли сезиларли роль ўйнамаган. П.га бўлган қизиқиш Европада, хусусан, Флоренцияда файласуф Марсилио Фичино томонидан Платон академияси тиклангандан (1459) кейин яна жонланиб кетди. Кейин у Кембриж мактаби орқали Англияда, немис фалсафаси (*Лейбниц*) туфайли Германияда тарқалди. Ҳоз. даврда Платон таълимотининг кўпроқ иррационал жиҳатлари ўрганилади.

**ПОЗИТИВИЗМ** (лот. *positivus* — ижобий) — Европ мамлакатларида кенг тарқалган фалсафий йўналиш. Унинг диққат марказида фалсафа ва фан муносабати масаласи туради. 19-а.нинг 30–40-й.ларида Францияда эски фалсафий анъаналардан узилакесил воз кечиш ва янги илмий фалсафа яратиш зарурлиги туғрисида О.Конт баҳс-мунозаралар юритди ва П. фалсафасига асос солади. Конт фикрича, аввалги фалсафий анъаналар керак бўлмаган, ечиб бўлмайдиган ёки ечими топилма хам инсонларга фойдаси тегмайдиган масала билан шуғулланган. Конт нуқтан назарида фақат наф келтиришга қаратилган илмий услублардан фойдаланадиган билим илмий ҳисобланади. Конт фикрича, фалсафа фойдаси бўлмаган масалалардан воз кечини

кераклиги билан бир вақтда фанлар орасида алоҳида уринга, энг яхши фан ёки фанларнинг фани деган мартабага даъвогар бўлмаслиги лозим. Конт фикрига кўра, фалсафа юқорида кўрсатилган масалалардан воз кечиб, илмий услуб, илмий тил, ҳақиқат муаммолари билан шугулланиши даркор. Конт фикрича, фалсафанинг фанлар билан ўзаро «даъвогарлик» тарихи шундан далолат берадики, «метафизик» муаммоларни илмийлик руҳига мослаштиришга бўлган барча уринишлар беҳуда. Демак, ҳар қандай фан унга ўз ҳукмини ўтказишга жазм қиладиган фалсафага муҳтож эмас, у ҳар қандай таянчни ўзидангина топиши мумкин. Анъанавий фалсафа муаммоларини илмий нуқтаи назардан, яъни тажриба ва ақлий муҳокама кўмагида ҳал қилиб бўлмайди. Метафизика сарқитларини фандан сиқиб чиқариш лозим. Бундай сарқитлардан бири фан томонидан ҳодисаларнинг сабабий тамойил асосида таҳлил қилиниши ва уларнинг моҳиятига кириб боришга даъво қилишидир. Фаннинг вазифаси ҳодисаларнинг «нима учун» эканлигини уқтириб бериш эмас, балки уларнинг «қандай эканлиги»ни ёртиб беришдан иборат. П.нинг ривожланиш жараёнида фалсафа фанидан дунёқарашга бевосита тааллуқли муаммолар олиб ташлана борди. Буни 19-а. П.нинг йирик вакиллари — Ж.С.Милль ва Г.Спенсер қарашларида яққол кўра-миз. П. вакилларининг таъкидлашича, билиш, тажриба, субъект-объект муносабати, «нарса», «субстанция», воқеликнинг унсурлари, физиологик ва психологик жараёнларнинг ўзаро алоқадорлиги масалалари соф метафизика муаммоларидир.

20-а.нинг 20-й.ларида неопозитивизм ёки аналитик фалсафа юзга келди. П.нинг биринчи ва асосий кўриниши ҳисобланган мантиқий П. ёки мантиқий эмпиризм (М. Шлик, Р. Карнап, Г. Райхенбах ва б.) мантиқ ва математика фанлари асосларининг априор-аналитик (тажрибага алоқасиз) табиатига таътибор қаратди. П. вакилларининг фикрича, фалсафа ўз предмети-га эга эмас. Унинг фаолияти фанга кириб қолган, муҳокама мазмунидан йироқ фикр, тилдан ноўрин фойдаланиш, мантиқ қонун-қоидаларига амал қилмаслик, муайян мафкура эҳтиёжлари билан боғланган сохта муаммолардан фанни тозалаш ҳамда идеал мантиқий моделлар тизimini яратишдан иборатдир. Ҳоз. вақтда П.нинг лингвистик таҳлил фалсафаси Буюк Британия ва АҚШда фалсафий ҳаётнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Бу йўналишнинг шаклланишига Л. Витгенштейн, Ж.Уиздом, Ж.Райл, Ж.Остин, Ж.Мур ва б. асос солганлар. Уларнинг фикрича, тил бу ижтимоий институт ва ҳаёт шаклидир. Демак, табиий тил мантигини уқмаслик натижасида фалсафий муаммолар юзага келади. Улар фалсафий таҳлилдан қутулган ҳолдагина ҳақиқий лингвистик таҳлилни амалга ошириш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Бу ўз навбатида ҳар қандай фалсафий дастур ва таҳлил этиш усулидан воз кечишга олиб келади. Умуман олганда, фалсафий дунёқарашни фандан четлаштириш, уни маҳсус техник соҳага айлантиришга уриниш асоссиздир. П. фалсафий йўналишининг асосий ғояси — ҳақиқий ижобий билимга фақатгина илмий билиш орқали эга бўлиш мумкин. Фалсафа мустақил фан статусига даъвогарлик қилмасдан, бал-

ки фан учун зарур бўлган илмий билимлар синтезини амалга ошириши лозим.

**ПОППЕР** Карл Раймунд (1902.28.7, Вена — 1994) — инглиз файласуфи. 1937 й.гача Вена ш.да. 1937—45 й.лар Янги Зеландияда ишлади. 1946 й.дан 70-й.лар ўртасигача Лондондаги иқтисодиёт ва сиёсий фанлар мактаби проф. Мантиқий позитивизм таъсири остида бўлган, лекин ўзининг фалсафий концепциялари — танқидий рационализм, илмий билимнинг ортиши ҳақидаги назария ва фальсификационизмни *неопозитивизм*га қарши қўйган. П. мантиқий эмпиристларнинг, илмий мулоҳазалар мезони верификация тамойили деган фикрига қарши фалсафанинг асосий вазифаларидан бири сифатида демаркация муаммоси (илмий билимни ноилмий билимдан ажратиш)ни илгари сурди. П. фикрига кўра, демаркация усули — фальсификациядир, яъни фанга тегишли ҳар қандай фикрни инкор этиш. У мантиқий позитивистларнинг тор эмпиризмидан ҳамда билимнинг мутлақ иншончи асосини излашдан воз кетди. П. қарашларига кўра, билимнинг эмпирик ва назарий даражалари бир-бири билан узвий боғлиқдир; ҳар қандай илмий билим фақат гипотетик, тахминий характерга эга ва хато (фаллибиллизм тамойили) бўлиши мумкин. Илмий билимнинг ортиши дадил гипотезаларни илгари суриш ва уларни рад этилишини амалга оширишдан иборат. Бунинг натижасида муҳим илмий муаммолар ҳал этилади. П. ўзининг мантиқий-методологик ва космологик концепцияларини асослаш учун неодарвинизм ва эмергент ривожланиш ғояларидан фойдаланган. У илмий билимнинг ортишини дунёдаги умумий эволюцион жараён-

ларнинг хусусий кўриниши сифатида тушунади. П. томонидан илгари сурилган «уч дунё» метафизик назариясида бир-бирига редукция қилиб бўлмайдиган жисмоний ва ментал дунёларнинг, шунингдек объектив билим дунёсининг мавжудлиги таъкидланади. П. тушунтиришнинг дедуктив-номологик схемаси асосчи-сидир. Бу схемага мувофиқ, агар мулоҳаза мувофиқ қонунлар ва чегара шартлари мажмуидан дедуктив равишда чиқарилган бўлса тушунтирилган ҳисобланади. Мантиқий семантика ғояларига асосланган ҳолда П. илмий назария (гипотеза)лар мазмучининг ҳақиқийлиги ёки ёлгонлигини аниқлаш усулини таклиф қилди. Илмий билимнинг ортиши назариясини яратиш дастурини амалга оширишда П. томонидан фальсификация тамойилининг мутлақлаштирилиши, илмий билимнинг объектив жиҳатдан ҳақиқийлигини тан олинмаслиги, билим асосларини талқин этилишидаги конвенционализм ҳамда объектив билимнинг тарихий конкрет билувчи субъектдан ажратилиши билан боғлиқ булган жишдий қийинчиликларга дуч келди. П. таклиф қилган илмий назариялар ҳақиқийлигини баҳолаш метёрининг ички қарама-қаршилиги исботланган. П.нинг охириги фалсафий асарлари онг назариясини ишлаб чиқишга, ҳоз. замон фалсафасидаги иррационал ва релятивистик майл (тенденция)ларга қарши йўналган рационализм ҳимоясига бағишланган. Ижтимоий фалсафа соҳасида П. марксизм ва тарихийликни танқид қилади. У ижтимоий ривожланишнинг объектив қонунлари ва жамият ривожланиши тақдирларини башорат қилиш мумкинчилигини рад этади. П. ғоялари И.Лакатос, У.Бартли, Ж.Агасси

концепцияларида, шунингдек танқидий рационализмнинг турли йўналишларида ривожлантирилди.

**ПОСТМОДЕРНИЗМ** (лот. post – кейин, moderne – янги, замонавий) – тарихий, ижтимоий ва миллий контекстга боғлиқ фалсафий эпистемологик, илмий-назарий ва ҳиссий эстетик тасаввурлар мажмуи. Сўзма-сўз таржумаси «замонавийдан кейинги» деган маънони билдиради. Бу ерда мантиқан қуйидаги савол туғилади: ҳоз. замонда мавжуд нарсанинг кейинги ҳолатини тасаввур қилиш мумкинми? Маълумки, футуристлар 20-а. бошида яшаб туриб бу даврдан «сақраб чиқиш»га ҳаракат қилганлар. Аммо бундай ҳаракат беҳуда бўлиб чиқди. Шу маънода П. инсон ўз замонасидан қочишини аниқлашга бошлади. П.ни тушуниш учун «қайси томонга қараб ҳаракат қилиш керак: олдинга, орқага, ҳоз. замонга ёки...?» деган савол катта аҳамият касб этади ва «ҳаракат» йўналишини аниқлашда муҳим роль ўйнайди. П. атамаси 20-а.нинг 20-30-йилларида илмий муомалага модернизм адабиёти ўрнини босувчи адабиёт маъносига кинририлиб, конкрет тарихий мазмунга эга бўлади. Аксарият ҳолларда унинг ўрнига бошқа синонимлар, мас., «ультрамодернизм» (ута юқори модернизм) тушунчасидан фойдаланилди. Унинг мазмуни ультрамодернизм намояндаларининг ўз замонасини жуда яхши билиши, яқин келажакда амалга ошадиган тенденцияларни олдиндан айтиб бериши билан боғлиқ даввони акс эттирар эди. 20-а.нинг 30–40 й.лари интеллектуал контекст бундай давволарни жиддий қабул қилмади. Фақат 20-а.нинг 60-й.ларидан бошлаб тарихчи ва адабиётшунослар П.га гоъвий дастур қўринишини бериб, дунёқараш даражасига кўтардилар. Инглиз тарих-

чиси ва социологи А. Тойнби асарларида П. тушунчаси замонавий давр (1-жаҳон уруши давридан бошлаб)ни белгилаш учун қўлланилган. 1960–70-й.ларнинг охирларига келиб П. тушунчаси меъморлик ва санъат соҳасида янги оқимларни қайд этиш учун қўлланилди. Шунингдек, иқтисодий, технологик ва ижтимоий-тарихий йўналишларга ҳам татбиқ қилина бошланди. Адабиётшунослар Д.Анин, У.Спанос, И.Хассап, Л.Фридлар П. дунёқарашининг асосчилари бўлиб, улар П.ни ўзига хос парадигма сифатида кўришди. П. фалсафаси структурализм, марксизм, фрейдизм ва нишеччилик каби оқимлар дунёқарашига оид гоъларнинг айримларини сақлаб қолиш, баъзиларини бартараф этишга уриниш натижасида вужудга келди. Шу маънода П. эклектик дунёқарашининг натижаси сифатида каралади. П. йўналиши тарафдорларининг асосий тушунчалари қуйидагилардан иборат: дунё тартибсизликлардан ташқил топган ва шунинг учун уни постмодернистик таъсирчанлик билан тушуниш зарур; воқеликни ҳажв йўсинида ҳикоя қилиш; дунёга истеҳзоли муносабатда бўлиш; зиддият барқарорлиги; санъатни «элита» ва «омма учун» деб бўлинишини қабул қилмаслик; санъат ва кундалик ҳаёт ўртасидаги чегарани тополмаслик; ҳаётни қандай бўлса шундайлигича қабул қилиш. П. модернизм тамойилларини қайтадан кўриш ва бартараф этиш сифатида вужудга келди. П. шаклланишининг объектив сабаблари ичида уч омил катта аҳамият касб этади. Биринчидан, умуман давлат ва тоталитар давлатнинг инсонлар яшаш учун ҳавфсиз шарт-шароитларни шакллантириш борасидаги имкониятлари камайиб кетганлиги. Иккинчидан, технологик муносабатларнинг инсон-

парварликка қарши қаратилганлигининг купайиб бориши, коммуникация жараёнларида инсон юраги ва қалбига ўрин қолмаганлиги. Учинчидан, ижтимоий жараён таркибига илгарй унда иштирок этмаган янги ижтимоий гуруҳларни кириши. Мас., турли феминистик ва экология билан боғлиқ ҳаракатлар. Ҳоз. вақтда П. тушунчасининг узғариш тарихи пост-модернистик (модернизмдан кейинги) фалсафий рефлексиянинг маҳсул предметига айланмоқда (Х.Бертенс, И.А.Роуз ва б.). Шунингдек, П. атамасини кенг маънода тушуниш тенденцияси устунлик қилиб, бу тушунчани «тарихий-адабий маънода эмас, балки умумилмий тушунча сифатида қўллаш лозим»лигини эътироф этиш кучайди (Г.КюнҒ). Шу билан бирга ҳоз. вақтга келиб шундай нуқтаи назар қарор топдики, унга қара П. фақат ижтимоий реаликнигина эмас, балки онгнинг ҳам ривожланиш даври (З.Боуман)ни англата бошлади.

**ПРАВОСЛАВИЕ** (рус.) – христианликдаги 3 асосий оқимдан бири (*католицизм* ва *протестантизм* билан бир қаторда). Рим империяси Ғарбий ва Шарқий қисмларга ажралгач (395 й.), пайдо бўлди. П. илоҳиёти асослари 9–11-а.ларда Византияда шаклланган. Христиан черкови католик ва православие черковига бўлингандан кейин 1054 й. мустақил черков сифатида узил-кесил қарор топган. Бу бўлинишга ғарбий черковнинг папани барча христианларнинг олий бошлиғи деб ҳисоблаши, муқаддас руҳнинг ота-худо ва ўғил-худодан келиб чиққанлиги ҳақидаги таълимоти сабаб бўлди. П. таълимотига «муқаддас учлик» – худонинг айни бир вақтда ҳам ягона, ҳам уч хил кўриниш (ота-худо, ўғил-худо ва муқаддас руҳ)да намоён бўлишига эътиқод қилиш;

инсонни туғма гуноҳкор деб билиш; Исонинг инсон қиёфасига кириб ўз умматларини гуноҳдан халос этиш учун ўзини қурбон қилганини тан олиш; охиратга ва унда қайта тирилишга ишониш ва б. киради. П. бир неча автокефаль (мустақил) черковлардан ташкил топган. Эътиқод асосини Библия ва Муқаддас ривоятлар (биринчи 7 та Жаҳон собори қарорлари ва 2–8-а.лардаги черков оталарининг асарлари) ташкил қилади. П. Мустақил Давлатлар Ҳамдустилиги мамлакатларининг баъзиларида, Греция, Руминия, Болгария, Сербия, Кипрда, кичик жамоалари Сурия, Ливан, Исроил, Миср Араб Республикаси ва б. мамлакатларда тарқалган. Православларнинг умумий сони 250 млн.га яқин.

**ПРАГМАТИЗМ** (юн. *pragmatos* – иш, ҳаракат) – фалсафий таълимот. 19-а.нинг 70-й.ларида шаклланган. Асосчиси Америка файласуфи Ч.С.Пирс. Унинг ватандошлари У.Жеймс, Ж.Г.Мид, Буюк Британияда Ф.К.С.Шиллер П.ни ривожлантирганлар. П. пайдо бўлиши билан олдинги фалсафий ғоялардан воз кечиб, инсон моҳиятини билдирувчи хусусиятлари, унинг ҳаракати мақсадга мувофиқ фаолиятида намоён бўлишдан келиб чиқиб янги фалсафий тафаккурга асос солди. Ўтмиш фалсафасини ҳаётдан ажралиб қолган, мавҳум, кузатувчан характерга эга, деб билган П. вакиллари «фалсафани таъмирлаш» дастурини олга сурдилар. П. гносеологик муаммоларга эмас, балки инсон фаолиятига кўпроқ эътибор беради. П. учун энг аввало инсониятнинг ижтимоий таърибаси муҳим. П. ўз вазифасини ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш учун метод яратишда кўради. П.га кўра, ҳақиқат объективликнинг онгга мувофиқлиги эмас,

балки уни амалиётга тадбиқ қилиш натижасида эришилган ютуқ ва фойдалигидалдир.

Пирс таъбирича, П. шундай фалсафий таълимотки, у тушунча ва эътиқоднинг маъносини аниқлашга ёрдам беради, гоё ва тушунчалар фақат тадқиқотчи томонидан текширувдан ўтгандагина аҳамиятга эга бўлади. П. ҳақиқатни назарий (гносеологик) масала сифатида тан олмайди. Унингча, ҳақиқат ва амалиёт яхлит ҳолда намоён бўлсагина бирон маънога эга бўлади. П. вакиллари ибораси билан айтганда, ҳақиқат ва амалиёт бирлиги индивид манфаатида акс этади. Манфаат тушунчаси эса, ўз навбатида индивиднинг субъектив қизиқишларини қондирувчи нарсани англатади. П. социологияси «буюк шахслар»га сифиниш, буржуа демократиясини мақтаб илоҳийлаштириш, бўрттириб кўраатиш, ирқчилик, миллатчиликни ҳимоя қилади. П.нинг динга нисбатан муносабатида ҳам манфаат тажрибаси марказий ўринни эгаллайди. П. вакилларининг инструментализм назариясида анъанавий диний тушунчалар рад этилади. диний тушунчалар натуралистик тушунчаларга қарама-қарши қўйилади ва натижада инсон назоратидан ташқаридаги кучлар таъсирида пайдо бўладиган тобелик тажрибаси уни художуйликка олиб келади. Демак, назоратдан ташқаридаги кучлар худонинг инсонга кўрсатадиган доимий таъсирининг ўзгинасидир. Этикада П. мелиоризмга таянади. П. учун аҳамиятли хусусият шундаки, муайян объект ҳақидаги тушунчалар маъноси ва аҳамияти уларни келтириб чиқарган амалий натижалардан қидирилади. Илмий билишда тажриба ўтказишга катта эътибор бериш П.га хос хусусиятдир. П. мантиқнинг қонун ва шакл-

ларини фойдали функциялар сифатида олиб қарайди. 2-жаҳон урушидан сўнг Фарб мамлакатларида П. таълимотининг таъсири кескин суся бошлади. Кейинги даврда АҚШда у ўз ўрнини неопозитивизм ва турли диний-фалсафий таълимотларга бўшатиб бера бошлади.

**ПРОГРЕСС** (лот. progressus — олдинга ҳаркатланиш) — ривожланишнинг қуйидан юқорига борадиган йўналиши. «П.» тушунчаси бутун бир системага, унинг айрим элементлари ёки параметрларига нисбатан ҳам қўлланади. П. регрессининг акси. «П.» тушунчаси дастлаб, асосан, жамият тарихига нисбатан қўлланилган. Қадимги дунёда кўпчилик олимлар жамият тарихини воқеаларнинг шунчаки оддий такрорланиши, давра бўйлаб (*Платон, Аристотель*), ҳатто «олтин даврдан қуйига қараб» (Сенека, Гесиод) ҳаракатланишдан иборат, деб билганлар. Уйғониш даврида ижтимоий муносабатлар ва фаннинг нисбатан тез ривожланиши билан П.нинг илм соҳасида мавжудлиги ҳақида фикрлар пайдо бўла бошлади (Ф.Бэкон, Р.Декарт). Кейинчалик П. тушунчаси ижтимоий муносабатларга нисбатан ҳам тадбиқ этила бошланди (А.Тюрго, Ж.А.Кондорсе ва б.). Лекин бу даврда П. жуда секин рўй берадиган органик эволюция тарзида тасаввур қилинган. Гегель асарларида П. тушунчаси идеалистик позициядан туриб, чуқур ёритиб берилган. Тирик табиатга нисбатан П. тушунчаси 18–19-а.ларда кенг қўллана бошланди. П.нинг моҳиятини тушуниб олишда, айниқса, Ж.Б.Ламаркнинг тирик организмлар тузилишининг аста-секин мураккаблашиб бориши ҳамда Ч.Дарвиннинг эволюцион таълимоти катта аҳамиятга эга бўлди.



П. нисбий хусусиятга эга. Бу туншунчани аорганик табиатда содир бўлиб турадиган циклик ҳодисаларга ва коинотга нисбатан татбиқ этиб бўлмайди. Чунки коинот учун абадий диалектик ўзгариш хос бўлиб, материя тўхтовсиз бир ҳолатдан иккинчисига ўтиб туради. П. коинотнинг айрим қисмларила мавжуд бўлган конкрет шароит билан боғлиқ. Мас., ҳаётнинг пайдо бўлиши учун муайян физик ва кимёвий шароитлар мавжуд бўлиши керак. П. ривожланиш суръатининг тезлашувидан иборат. Бутун бир системанинг прогрессив ривожланиши унинг айрим элементлари, алоқалари ва функцияларини ҳам ўз ичига олади. П. аорганик ва органик табиат ҳамда кишилик жамияти учун ҳам хос. Аорганик табиатда П. аорганик объектлар тузилишининг мураккаблашиб бориши натижасида ҳаётнинг пайдо бўлишидан иборат.

**И ж т и м о и й П.** — жамиятнинг қуйи даражаси ва шаклларида юқори даражаси ва шаклларига қараб узлуксиз ривожланиши, тараққийт. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши заминида рўй берадиган ижтимоий П. ўз шакли ва суръати жиҳатидан турлича бўлган зиддиятли жараёнлардан иборат.

**ПРОТЕСТАНТИЗМ** (лот. protestans — норози бўлиш, келишмаслик) — христианликдаги 3 асосий оқимдан бири (*католицизм* ва *православие* билан биргаликда). Реформация даври (16-а.)да католицизмдан ажралиб чиққан. П. асосчилари — М.Лютер, Ж.Кальвин, У.Цвингли. П. черков, секталарни, кальвинчилик, лютеранлик, англикан черковлари, ме-

тодистлар, баптистлар, адвентистларни, шунингдек, кўпгина мустақил оқимларни бирлаштиради. П. руҳонийларнинг инсон билан худо ўртасидаги воситачилик ролини инкор этади. П.да руҳонийлар билан оддий диндорлар фарқланмайди. Мураккаб черков иерархияси йўқ, тоат-ибодат соддалаштирилган, монахлар бўлмайди, руҳонийларнинг оила қуриши ман этилмайди. П., асосан, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Скандинавия мамлакатларида, Нидерландия, Швейцария, Австралия, Канада, Болтиқбўйи мамлакатлари (Эстония, Латвия)да тарқалган. Протестантларнинг умумий сони 750 млн.га яқин.

**ПСИХОАНАЛИЗ** (юн. psyche — руҳ, қалб ва analysis — ажратиш) — психотерапия методи ва 19-а. охири — 20-а. бошида З.Фрейд томонидан ривожлантирилган психологик таълимот. Онгсиз психик жараёнлар ва мотивацияни диққат марказига қўяди. Онгдан унга мувофиқ келмайдиган (асосан, сексуал) майллар ва руҳий кечинмаларни сиқиб чиқариш П.да ҳар хил неврозлар ва турли патологик ҳодисалар (унутиш, янглиш ҳаракатлар ва ҳ.к.)нинг асосий манбаи сифатида қаралади. П. назариясига кўра, 3 хил психик инстанциялар ҳукм суриши мумкин: гайришуурий «У» — майл доираси; турли ҳимоя воситалари билан «У»нинг импульсларини чекловчи шуурий «Мен»; «Ўта-Мен» — ижтимоий тақиқлар, қонун тусига кирган мажбурий тартиб-қоидалар. П. адабиёт ва адабиётшунослик, санъат ва санъатшунослик, бошқа гуманитар фанлар ва тиббиётга таъсир кўрсати.

**РАЦИОНАЛИЗМ** (лот. *rationalis* — ақллиқ, *ratio* — ақл) — ақлни билишнинг ва кишилар ҳулқ-атворининг асоси деб ҳисобловчи фалсафий йўналиш. Билиш жараёнида ақлни ҳиссий (сезги, идрок, тасаввур) билишга нисбатан устуворлигини тан олади. 17—18-а.лардаги классик Р. (Р.Декарт, Б.Спиноза, Н.Мальбранш, Г.Лейбниц) урта асрлар схоластикаси ва диний ақидаларга қарши чиқиб, бутун дунёда чексиз сабаблар сисиласи ҳукмрон деган табиий тартибот гоёсини илгари сурган. Р.га кўра, илмий (яъни объектив, умумий, зарурий) билимга билишнинг манбаи ва унинг ҳақиқийлиги мезони — ақл воситасидагина эришилади. Р. *маърифатпарварлик* мафкураси вакилларининг фалсафий манбаларидан бири. Р.нинг илк тарихий шакли — антик давр натурфалсафасидир. Унинг гносеологик асосларини инсоннинг ҳиссиётлари ҳар доим унга объектив ҳодиса ва жараёнлар тўғрисида тўғри маълумотлар бера олмайди, деб таъкидлаш ташкил этади. Р. тушунчаси илмий тафаккур тараққиёти ва ижтимоий ҳаётдаги турли хил ўзгаришлар таъсирида ўзгарди ва шунга мос турли шаклларга эга бўлиб борди. Онтологияда Р. борлиқда маълум шаклга эга, барқарор, қайта тикланадиган оддий ва улар ўртасида муносабатлар тизими мавжуд, деб қарайдиган таълимот. Р.нинг моҳияти фалсафанинг моҳият-ҳодиса, сабаб-оқибат, нарса-хусусият, сифат-сон ва ҳ.к. категориялари орқали очиб берилади. Гносеологияда Р. кенг ва тор маънода тушунилади. Кенг маънода у иррационализмга, тор маънода эмпиризм ва сенсуализмга қарши деб қаралади. Ислом дини илоҳиётида Абу Мансур Мотуридий Р. нуқтан назаридан фикр юритган.

**РЕАЛИЗМ** (лот. *realis* — моддий, ҳақиқий) — фалсафий йўналиш. Унга кўра, ондан ташқаридаги мавжуд реаллик гуё идеал объектларнинг мавжудлигидан (Платон, ўрта аср схоластикаси) ёки субъект, билиш жараёни ва тажрибага боғлиқ бўлмаган билиш объектдан (20-а. фалсафий Р.и) иборатдир. Ўрта аср Р.и универсалийлар (умумий тушунчалар) реал ва онга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд деб ўқтирган. Ҳоз. замон фалсафасида реалистик оқимлар устуворлик қилади. Замонавий Р.нинг муҳим йўналишлари: тарихий материализм, неореализм, неотомизм ва янги онтология ҳисобланади. Янги онтологиянинг мазмунини метафизик Р. ташкил этади. Таҳлил марказида реаллик бизга қандай берилган ва уни биз қай даражагача била оламиз деган масала туради.

**РЕАЛЛИК** (лот. *realis* — ҳақиқий) — борлиқнинг воқелиқда ҳақиқатда мавжуд бўлган қисми. Р. муайян асосда борлиқнинг қисмини акс эттиради, масалан, физик Р. — борлиқнинг физик қонуниятлар доирасига кирадиган қисми, кимёвий Р. — кимё, биологик Р. — биология асосида борлиққа ёндашишдир. Барча мавжуд нарсалар кенг миқёсда «бутун олам» деб аталади. Олам эса моддий ва маънавий, ҳақиқий ва мавҳум, имкониятдаги ва реал, актуал ҳамда потенциал шаклларда бўлиши мумкин. Шунингдек, фалсафий адабиётларда табиат борлиги ва жамият борлиги шакллари бири-бирдан фарқланади. Табиат борлиги, одатда табиатдаги нарсалар (жиемлар), жараёнлар, ҳолатлар борлиги сифатида тушунилади. У иккига бўлинади, азалий табиат

борлиги (ёки табиий табиат борлиги: у инсондан илгари ва унинг иштирокисиз ҳам мавжуд бўлган) ва инсон меҳнати билан ишлаб чиқарилган нарсалар борлиги. Файласуфлар Р.ни воқеликдан фарқ қилишади. Р. муайян буюмдаги бирон-бир муҳим нарсанинг мавжудлиги сифатида, яъни шу нарсани ўзининг борлиги тарзида тушунилса, воқелик эса муайян нарсадаги барча мавжуд бўлган ва бўлмаган жиҳатларининг мавжудлиги сифатида талқин этилган. Аслида воқелик ҳоз. пайтда амалга ошган имкониятлар йиғиндиси. Р. воқеликдаги биз назарда тутган жиҳатлар мажмуи.

**РЕГРЕСС** (лот. regressus — орқага қайтиш) — ривожланишнинг юқори даражадан қуйи даражага ўтиш даври, таназули. *Прогресс*нинг зидди. Мураккаб тизимларнинг емирилиши, пастрлашуви Р. мазмунини ташкил этади. Сидсий ҳаёт, маданият, таълим каби ижтимоий ҳодисалар жамиятда кечаётган жараёнларнинг прогрессив ёки регрессив характерда эканлигини аниқлашда муҳим ўринни эгаллайди. Жамият тараққиётида эскирган шаклларга қайтиш ҳам Р.га мисол бўлади. Регрессив жараёнларни нафақат жамият ҳаётида, балки алоҳида олинган инсонлар, уларнинг ҳаёти, хуақи мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, психологияда регрессив хулқ деганда индивид ривожланишнинг олдинги давларига ҳос бўлган хулққа қайтиши назарда тутилиш ҳам бунинг исботидир. Регрессив тенденциялар мавжуд бўлса-да, бу умуман инсон, инсоният ривожидан унинг устуворлигини билдирмайди. Зеро, у ёки бу регрессив жараёнлардан қатъи назар, инсон, инсоният ривожини умуман прогрессив характерга эгадир.

**РЕДУКЦИЯ** (лот. reductio — аввалги ҳолатга қайтиш) — методологик услуб сифатида мураккабликдан оддийликка ўтиш. Р. оламнинг умумиллий манзарасини оддий тамойиллар асосида ёритишга имкон беради. Р. атамаси фалсафа ва илмий билишда услубий ёндашувлардан бирини ифодалайди. Бу ёндашувнинг ўзига ҳослиги ҳоз. даврда билимда қўлланилаётган усуллар ўрнига аввалги усулларни тиклашга бўлган интилишда намоён бўлади. Фарб фалсафасида, айниқса таниқли немис файласуфи Э.Гуссерлнинг феноменология таълимотида Р. атамаси катта аҳамият касб этди. Р. феноменологияда «соф ақл» соҳасига кирмайдиган барча эмпирик ташқи билимни назардан соқит қилиш услуби сифатида намоён бўлади. Феноменология ўзининг Р. гоясини барча фанларга татбиқ этилиши кераклигини таъкидлайди. Бундай Р. оқибатида «соф ақл»нинг ўзигагина дахлдор бўлган имманент (ички хусусиятларига тегишли)лик қолади холос. Феноменология предмети айна шу ишлар ташкил этиши керак, деб ҳисобланади. Гуссерль таълимотида марказий ўринни эгаллайдиган «соф ақл» тушунчаси диндаги худо тушунчасининг синоними сифатида ишлатилади. Шу маънода Гуссерлнинг «Арифметика фалсафаси» асари худо мавжудлигининг онтологик исботига бағишланган. Гуссерль математика мисолида фан тушунчалари сунъийлашиб, ҳақиқий билимдан узоқлашганини уқитиради ва «асл тушунча»ларга қайтиш гоясини олдинга суради. Онгнинг бундай орқага қараб ҳаракатланиш жараёни феноменологик Р. номини олган. Гуссерль ўз феноменологик нуқтаи назаридан келиб чиқиб, замонавий илмий билимларнинг «метафизик» асосдан

узоқлашиб кетишига фатво берган позитивизмни танқид қилади. Шунингдек, Гуссерль табиатшунослик фанлари вужудга келганидан сўнг яхлит назарий билим ва ҳатто фалсафа ҳам ажралиб кетганлигини, фалсафанинг ўзи эса файласуф бўлмаганлар ҳунарига айланиб қолгани, бу эса ўз навбатида Европа маънавиятини турли хилдаги файласуфлар жанггоҳига айлантириб юборганини кўрсатди. У бундай фалсафани ўлик фалсафа, деб атади. Гуссерль фикрига кўра, «тирик» фалсафа бу — қайта тириляётган метафизикадир, яъни «универсал фалсафадир». Шу тариқа Гуссерлнинг феноменологик Р.си дифференциаллашган (хусусий илм соҳаларига бўлинган) илмий билимлар ва фалсафани аввалги метафизик ҳолатга қайтариш ғоясига олиб келади. Ҳоз. даврда Р. усули нафақат фалсафа ё математикада, балки бошқа фанларда ҳам кенг қўлланмоқда.

**РЕЛЯТИВИЗМ** (лот. *relativus* — нисбий) — инсон билишининг нисбийлигини, шартлилигини мутлақлаштирувчи фалсафий қараш. Ҳақиқатнинг нисбийлигини эътироф этувчи қарашлар ҳам Р. дейилади. Р.ни биринчи марта юнон файласуфи, софист Горгий (мил.ав. тахм. 483—375) баён этиб, барча билимларнинг нисбийлигини таъкидлаган. Релятивистлар билимларни узлуксиз давом этиб ва ўзгариб боришини асос қилиб олиб, уларни ҳақиқий эмас деб исботламоқчи бўладилар, бу билан билимларнинг объективлигини умуман инкор этадилар.

**РЕНЕССАНС** (французча *renaissance* — уйғониш) — қ. *Уйғониш даври*.

**РИВОЖЛАНИШ** — олам объектларидаги янги шаклларни вужудга келиши, илгарилама ҳаракат, од-

дийдан мураккабликка ўтишни ифодаловчи фалсафий категория. Р. тушунчаси табиатшунослик фанлари, хусусан, биология, геология, кейинроқ, космологиянинг вужудга келиши муносабати билан шаклланди ва фалсафий тафаккурга кириб келди.

Янги давр фалсафасига Р. ғояси дастлаб, немис файласуфи Г.В.Лейбницнинг табиатнинг аста-секин (тадрижий) ривож топиши таълимоти муносабати билан кириб келган. Мазкур таълимотда Лейбниц эволюция ва «Р.» тушунчаларини тирик табиатга нисбатан ишлатган. Немис файласуфи И.Кант фалсафасида эса, улар, универсал фалсафий тушунчалар сифатида бугун табиатга нисбатан ишлатила бошланган. Кейинчалик Кант эволюция тушунчасини жамиятга нисбатан ҳам ишлатган. 18-а.нинг охирига келиб, Р. тушунчаси барқарор маъно касб этди.

Р. ҳақидаги теран фалсафий ғоялар немис мумтоз фалсафасида, хусусан Кант, Гегель таълимотларида баён этилган, деб ҳисоблаб келинган. Ваҳоланки, Гегель ўзининг тан олишига кўра, Р. ҳақидаги диалектик ғояларининг шаклланишига суфийлик таълимотининг таниқди намояндаси Ж.Румий асарлари кучли таъсир кўрсатган.

Ҳоз. даврда Р. тушунчаси ўзгариш тушунчаси ёрдамида таърифланади. Шунга кўра, Р. — ортга қайтмайдиган, муайян йўналиш бўйича, қонуниятли равишда содир бўладиган ўзгаришдир. Ана шу уч жиҳатнинг биргаликда мавжуд бўлиши Р. тушунчасини аниқ таърифланишига хизмат қилади. Агар шу жиҳатлардан биронтаси қатнашмаса, бундай ўзгариш Р. деб ҳисобланмайди. Р. натижасида объектда янги сифат ҳолати

вужудга келади. Р.нинг 2 шакли мавжуд: объектнинг секин-аста содир бўлувчи миқдор ўзгаришлари билан боғлиқ эволюцион Р. ва объект тузилмасидаги сифат ўзгаришларидан иборат инқилобий Р. Р.нинг прогрессив, тараққиёт тури билан регрессив, таназзул тури фарқланади. Р. мазмунига кўра, икки жиҳатни қамраб олади. Булар эволюция ва революциядир.

**РИМ КЛУБИ** — халқаро жамоат ташкилоти. 1968 й. италян иқтисодчиси Аурелли Печчеи томонидан илмий-техника инқилоби даврида инсоният тараққиётини тадқиқ этиш мақсадида ташкил этилган. Турли мамлакатларнинг 100 дан ортиқ олим, жамоат арбоблари, ишбилармонларини бирлаштиради. Тадқиқот лойиҳаларини рағбатлантиради ва уларни Р.к. маърузалари сифатида эълон қилади. Бу маърузалар ўз эътиборини глобал масалаларга қаратди ва қизғин мунозараларга сабаб бўлди. Кейинги йилларда Р.к.нинг маърузалари, асосан муқобил лойиҳаларга қаратилган бўлиб, улар ривожланиш муаммолари ва ривожланаётган мамлакатлар келажагига бағишланди.

Р.к.нинг ташаббуси билан ўн саккизта маъруза тайёрланди ва тадқиқотлар мавзуси жаҳонда бўлаётган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда доимо кенгайиб ва янгиланиб бормоқда. Клуб фаолиятининг асосий йўналишлари янги инсонпарварлик тафаккурини шакллантириш, умумбашарий тизимни янги-ча идрок этиш, бу идрокни бутун дунё халқларига ёйиш, умуминсоний муаммоларни ҳал қилишда халқаро ҳамкорлик соҳасидаги янги ташаббусларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

**РОЗИЙ**, Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий (865.28.8 — Рай –925.26.10) — Шарқнинг қомусий олими, табиб ва мутафаккир. Ёшлик чоғида адабиётга қизиқиб, шеърлар ёзган ва мусиқа билан шуғулланган. Кейинчалик фалсафа, риёзиёт, астрономия ва кимё билан шуғулланади. Ёшлик чоғиданоқ табобат соҳасида чуқур билимларни эгаллаганлиги учун ўз даврининг Жолинус (Гален)и сифатида тан олинган. У бир неча муддат Рай ва Бағдод ш.ларидаги касалхоналарнинг мудири бўлиб ишлаган. Унинг «Китоб ал-ҳовий фиттиб» («Тиббиётга оид билимлар мажмуаси») деб аталган машҳур асари ўша давр тиббий билимларнинг ўзига хос доиратулмаорифи, яъни қомуси эди.

Р. бир неча йил Марказий Осиё шаҳарларида яшаб, бу ердаги илм вакиллари билан яқин алоқада бўлади. Унинг илмий фаолияти Абу Райҳон Беруний қарашлари ва фаолиятига маълум даражада таъсир ўтказди. Марказий Осиёда Берунийдан кейин яшаган йирик мутафаккирлар ижодида ҳам Р.нинг таъсири сезилиб туради. Р. ҳаётининг сўнги йилларини Рай шаҳрида ўтказди ва ўша ерда вафот этади. Р. табиий илмий ва фалсафий билимлар билан бирга, илоҳиёт масалалари билан ҳам жиддий шуғулланган, кишиларнинг руҳий камолотида диний ақидаларнинг ўрнини холис баҳолаб берган. Унинг модда, табиат ва жисмларнинг таркибий тузилишидаги атомлар (бўлинмас зарралар) мавқеи ҳақидаги фикрлари дунёвий фанлар ривожига муҳим аҳамият касб этган. Р. билишда ақлнинг аҳамиятига юқори баҳо берди ва унга ҳам табиатшунослик соҳаларига қаралгандек жиддий муносабатда бўлишга чақирди. Р.нинг «Китоб тибб ар-руҳоний» («Руҳий

шифо топиш китоби»), «Китоб-сийрат ал-фалсафийя» («Фалсафий ҳаёт тарзи ҳақидаги китоб») каби рисолатари ва «Мақола фи аморат иқбол ва-д-давла» («Давлатмандлик ва бахт-иқбол ҳақидаги мақола») мақоласи етиб келган. Улар Р. фалсафий қарашларини ўрганиш учун манба вазифасини ўтайди.

**РОЗИЙ** Фахриддин (тўлиқ исми Фахриддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бин Умар ибн ал-Ҳусайн) (1149, Рай – 1209, Ҳирот) – машҳур калом олими ва диний фалсафа намояндаси, йирик илоҳиётчи ва ҳуқуқшунос. У тириклик вақтидаёқ «Имом» ва «Фахриддин» («Дин факри») фахрий унворларини олган. Хоразм, Бухоро ва Самарқандда, кўп йиллар Ҳиротда яшаган. Форобий ва Ибн Сино асарларини чуқур ўрганган. Мантиқ, фалсафа, таъбабат, психология, ҳуқуқшунослик ва б. фанлар соҳасида муҳим асарлар ёзган. Ибн Синонинг «Ал-ишорат ва-т-танбеҳот» («Ишоралар ва танбеҳлар») асарига шарҳ бўлган «Шарҳ ал-ишорат» асари ижодининг илк даврига оиддир. Шунингдек, у «Мунозирот ул-аллома Фахриддин» («Аллома Фахриддин мунозаралари»), «Китоби Муҳассал афкор ал мутақаддимин вал мутааххирин» («Олдинги ва замондош олимлар фикрларидан намуналар»), «Мафотиҳ ул-ғайб» («Ғайб сирларини очувчи»), «Маноқиб ал-имом аш-Шофий» («Имом Шофий маноқиб»), «Китоб ал-маҳсул», «Чаҳордах рисола» («Ўн турт рисола») асарлари ҳамда «Жомеъ ул-улум» («Илмлар тўплами») энциклопедик асар муаллифи. Р. қаерда бўлмасин, мунозаралар уюштирар, ўзининг қизгин баҳслари билан уларда иштирок этар, муҳолифларининг турли фал-

сафий ҳамда илоҳиётчилик қарашларига нисбатан ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилар эди. Р. илмий мактаб яратиш ташаббускорларидан ва бу мактабнинг раҳбари бўлган. Р. маълум давр йирик мутакаллим Абул Ҳасан Ашъарий таъсирида бўлган. Лекин ҳеч маҳал унинг мутаассиб издоши бўлмаган. Ҳатто, кўпинча мутакаллимларга қарши чиққан файласуфларнинг қарашларига хайрихоҳлик билдирган. Иккинчи томондан Р. муътазиллийларнинг айрим фикрларини танқид қилгани билан ҳеч маҳал уларнинг таълимотини бутунлай инкор қилмаган. Ўз қарашларида бутунлай ақл ҳукмига таянувчи рационалист сифатида муътазиллийлар билан ҳамфикр бўлган. Шунинг учун мутакаллимларни танқид қилишда кўпинча муътазиллийлар таълимотидан гоявий манба сифатида фойдаланган. У танқидий фикрлаш усули билан муътазиллийлар таълимотидаги рационал гояларни ўз қарашларига татбиқ қилган. У ўз фикр ва мулоҳазаларини старли далил ҳамда исботлар билан асослаб бера олмайдиган юзаки, саёз илоҳиётчиларни кескин танқид қилган.

Р. ўзининг «Жомеъ ул-улум» асарида мусулмон шарқидаги 60 фан ҳақида дастлабки маълумотларни беради. Муаллиф фанларни нақлий (калом, фикҳ, мазҳаб, тавсир ва ҳ.к.) ва ақлий (тарих, грамматика, аруз, мантиқ, физика, алгебра, астрономия, сиёсат, давлат бошқаруви ва ҳ.к.), фурууий (бошқа фанлардан ҳосил бўлувчи) ва аслий (асосий) қисмларга бўлади. Ҳар бир фан асослари 3 га бўлиниб оддийдан мураккабгача тамойили асосида тушунтирилади: оддий асослар, мураккаб асослар, такрорлаш учун саволлар.

## С

**САБАБ ВА ОҚИБАТ** — нарса ва ҳодисалар ўртасидаги умумий зарурий алоқани ифодаловчи тушунчалар. Ҳодисалар занжирида узидан бошқа яна бир ҳодисани келтириб чиқарадиган сабаб, пайдо бўлган ҳодиса эса оқибат дейилади.

С. ва о. ўртасидаги алоқадорлик сабабият саналади. Сабаб, биринчидан, вақт жиҳатдан оқибатдан олдин келади, иккинчидан, оқибатни тугдирувчи, яъни оқибатнинг вужудга келишида зарурий шарт бўлиб хизмат қилади. Мас., фарзанднинг сабабчиси ота-она. Фарзанд ота-онадан илгари дунёга келиши мумкин эмас, яъни ота-она шу фарзанднинг вужудга келишидаги зарурий шарт ҳисобланади. Сабаблар турли кўриниш, шакл ва ҳолатларда намоён бўлиши мумкин. Фалсафа тарихида нарса ва ҳодисалар ўзаро сабабий боғланишда деб билувчилар детерминистлар, бунинкор этувчилар индетерминистлар деб аталади. Сабабнинг асосий ва асосий бўлмаган, ташқи ва ички, объектив ва субъектив шакллари бор. Сабаб оқибатни вужудга келтирганидек, оқибат ҳам сабабга таъсир кўрсатиши мумкин. С. ва о. алоқадорлиги бўйича Аристотель, Форобий, Ибн Синолар махсус асарлар ёзишган. Диний таълимотларда эса, бирламчи сабаб ёки ҳамма нарсанинг сабабчиси худо деб таъкидланади.

**САНКЪХЯ** (санкритча айнан — сон, ҳисоблаш) — ведаларни эътироф этувчи қадимги ҳинд 6 ортодоксал фалсафий мактаблардан бири. Асосчиси донишманд Капила (тахм. мил. ав. 7-а.). У «Санкхья сутра» номли асар ёзган, лекин асар бизгача етиб келмаган. Бизгача фақат мил. 5–6-а.ларда яшаган Ишваракришна ёзиб қолдирган «Санкхья қарика» асари етиб

келган. С. фалсафий мактаби таълимотига кўра, олам асосида 2 ибтидо — пракрити (материя) ва пуруша (руҳ) ётади. Практик фаолдир. У барча нарсаларнинг асосини ташкил этувчи субстанция бўлиб, абадий ва бир бутундир. У ҳеч ким томонидан яратилган эмас. Практикнинг ҳаракати ҳам абадийдир. Унинг на боши, на охири бор. Пуруша — руҳий субстанциядир. У пассив, ҳеч нарсани яратишга қодир эмас. Бу фалсафий мактаб сабаб ва оқибат категориясига ҳам катта эътибор қаратган. Ҳар қандай нарса ва ҳодиса сабаб ва оқибат орқали содир бўлади. Нарса ва ҳодиса ўзининг оқибатига эга. Оқибат сабабнинг ичида яширинган бўлади. С. таълимотига кўра, пракрити учта қучдан иборат: сатва (онг), ража (фаоллик), тамас (пассивлик). Бу учта қуч табиатдаги барча нарса ва ҳодисаларда муайян нисбатда мавжуддир.

**САРТР** Жан Поль (1905.21.6 — Париж — 1980.15.4) — француз ёзувчиси, файласуф ва публицист. Француз экзистенциализми намояндаси. Ўз асарларида немис файласуфлари Э. Гуссерль, М. Хайдеггер қарашларини ривожлантирган. Асосий асарларидан бири — «Борлиқ ва ҳеч нарса» асарида инсон борлиқ даҳшатига қарама-қарши қилиб қўйилади. С.нинг идеалистик фалсафаси инсон мавжудлигининг таҳлилига қаратилган атеистик экзистенциализмнинг кўриниши бўлган. С. инсон ва табиат ўртасидаги тафовутни инсоннинг мавжудлиги ва ўз олдидаги мажбуриятлари доирасидан чиқиб кета олмаслигига боғлайди. С.нинг инсон маънавияти ва моддий олам ўртасидаги тафовутни енгишга қаратилган ҳаракатлари аслида антропология ва

психоаналитик усулларнинг йигиндисидан иборат. Ўзининг нафосат ва адабиётга бағишланган «Адабиёт нима» (1947), «Бодлер» (1947), «Авлиё Жене, масхарабоз ва жафокаш» (1952) каби асарларида оз-моз бўрттириб бўлса ҳам, ёзувчининг ҳоз. замон тарихида рўй бераётган барча ҳодисалар учун жавобгар эканлигини қатъий таъкидлаб ўтган. «Кўнгил айнаш» (1938), «Девор» (1939), «Озодлик йўллари» (1945–49), «Ёпиқ эшик ортида» (1945), «Иблис ва Худо» (1951), «Альтона маҳбуслари» (1960) каби асарларида фалсафий фикрларини ҳаётини тажриба билан, афсонани журналистларга хос бўлган реалистик қарашлар билан бирлаштиришга ҳаракат қилган. С.нинг ижоди Франция ва б. мамлакатларнинг маънавий ҳаётига ўз таъсирини кўрсатган. Нобель мукофоти лауреати (1964).

**СЕЗГИ** — оламдаги нарса ва ҳодисалар айрим хоссаларининг миёдаги инъикоси; инсонни ташқи дунё билан боғлаб турувчи бир восита, дунёни билишнинг бошланғич босқичи. объектв дунёнинг бевосита субъектив тарзда акс эттирилишидир. Ташқи дунё нарса ва ҳодисалари инсон организмнинг периферик нерв системасини қўзғатади, бу таъсир нерв йўллари орқали бош мия пўстлогига узатилади ва бош мия пўстлогига С. пайдо бўлади. С.лар асосида ҳиссий билишнинг идрок, тафаккур каби шакллари юзага келади. Ташқи қўзғавчиларнинг ўзига хос хусусиятларига қараб, барча С.лар кўриш С.си, бадан С.си, эшитиш С.си, таъм билиш С.си, билиш С.си ва б. турларга бўлинади. С. физик, физиологик, психологик жараёнларда пайдо бўлади. Физик жараёнда ҳар қандай нарса ва ҳодисалар С. аъзоларига таъсир этиб, тегишли сезувчи нервнинг

чекка учларини қўзғатади. Физиологик жараёнда қўзғалиш нервнинг ўтказувчи йўли орқали бош мия пўстининг тегишли марказий хужайралар тизимига ўтади. Психологик жараёнда нерв қўзғалишида бизга таъсир этган қўзғатувчининг анализи пайдо бўлади ва у синтезга айланади — С. пайдо бўлади. С. аъзолари мия катта ярим шарлари фаолияти билан боғлиқ. С.нинг ҳар бир гуруҳи ўзига хос модаллик — сифатлар мажмуига эга ва бу сифатларни С.нинг бошқа гуруҳ сифатлари билан тенглаштириб бўлмайди. Мас., ранглар товушлар ёки ҳидларга ўхшамайди. Кўриш С.си С.нинг энг ривожланган туридир. Ундан кейин бадан С.си, эшитиш С.си, таъм билиш С.си, ҳид билиш С.си келади. С.ларнинг қаерда жойлашганлигига қараб 3 га ажратиш мумкин: 1) экстрорецепторлар — булар организм сиртида бўлади, уларга кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш, бадан С.лари киради; 2) интерорецепторлар — танамиз ичидаги С.лар, буларга ичак, жигар, ўпкадаги С.лар киради; 3) проприорецепторлар — мускул, пай, бойламларда бўлади. С.ларнинг ҳаммаси ўзига хос хусусият ва қонуниятларга эга.

**СЕКУЛЯРИЗАЦИЯ ВА САКРАЛИЗАЦИЯ** (лот. saecularis — дунёвий, sacer — муқаддас) — диний-фалсафий тушунчалар. Ушбу тушунчалар орқали диний ва дунёвий қарашларнинг ўзаро муносабати ифодаланadi. Секуляризация жараёнида диний қарашлардан дунёвийлик устун қўйилса, сакрализацияда диннинг мавқеи кучайиши эътироф этилади. **СЕМИОТИКА** (юн. semeiotikos — белгилар ҳақидаги таълимот), семиология — ахборот, маълумотларни сақлаш ва узатиш учун хизмат қилadиган белги ва белги тизимларининг



умумий хусусиятларини ўрганувчи фан. Гуманитар фанларда муҳим методологик аҳамиятга эга. С. табиий (инсон тили, ҳайвонларнинг белги тизимлари) ва сунъий (ясама, сунъий тиллар, дастурлаш тили, физика, кимё, математика ва мантиқдаги рамзлар тизими) белги тизимлари билан шуғулланади. С. фани 19-а.нинг охирида вужудга келди. Унинг асосчиси америкалик мантиқшунос Ч.С.Пирс ҳисобланади. С. ютуқлари компьютерлаштиришда, телемеханика, телекоммуникация, уяли телефон тизимлари, космик алоқа йўлдоши, автоматик бошқарув тизимлари ва б. соҳаларда кенг фойдаланилади. С. инсон тили ва тафаккури билан боғлиқ бўлганлиги учун унинг фалсафий жиҳатлари, хусусан, эвристик, гносеологик, аксиологик ва социологик жиҳатлари ҳоз. замон фалсафасида кенг тадқиқ этилади.

**СЕНСУАЛИЗМ** (лот. *sensus* — сезги, ҳис) — билиш назариясида сезгиларни билишнинг асосий манбаи деб эътироф этувчи йўналиш. Билишнинг моҳиятини сезги органларининг фаолиятига боғлаб тушунтиради. С. *рационализм*га қарама-қарши бўлиб, ҳиссий ва рационал билимларнинг ўзаро алоқадорлиги, имкониятларини ўзича талқин этади. С. вакиллари билимлар одама туғма равишда берилмаган, у ҳаётини тажриба давомида шаклланиб, ривожланиб боради, деб ҳисоблайди. илмий билиш жараёнида индуктив хулоса чиқаришни дедуктив хулоса чиқаришдан устун қўяди. С.нинг «ҳисларда бўлмаган нарса ақлда бўлмайди» деган асосий тамойилига ҳиссий билишлар объектив дунё билан боғлиқ деб ҳисоблаган материалистлар (П.Гассенди, Т.Гоббс, Ж.Локк, К.Гельвеций, Д.Дидро, П.Гольбах ва б.) ҳам, ҳиссий билиш ташқи дунё билан боғ-

ланмаган, ўз-ўзидан мавжуд соҳа деб билган идеалистлар (Ж.Беркли, Д.Юм) ҳам қўшилганлар. Шарқ фалсафаси, хусусан, Форобий ва Беруний асарларида ҳам сенсуалистик фикрлар мавжуд. С. шунингдек, гедонизм, утилитаризм, эмотивизмда намоён бўлади. 20-а. фан фалсафасида ҳам С.нинг эмпиризм йўналишидаги талқинлари учрайди.

**СИЁСАТ** — *давлат*ни бошқариш санъати. С. турли ижтимоий-сиёсий ин-тлар, ижтимоий қатламлар, табақа ва гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ. Унинг моҳиятини давлат ҳокимияти шакллари, уни амалга ошириш ва бошқариш ташкил этади. С. кенг маънода жамиятнинг сиёсий тизими, сиёсий ҳаёти, давлат ҳокимияти, унинг ички ва ташқи фаолияти, сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатларнинг ҳокимиятга муносабати, уни бошқаришда сиёсий манфаатларни амалга оширишнинг устувор йўналишларини ўзида ифода этади. Шунга кўра адолатли ва адолатсиз, холис ва нохолис, инсонпарвар ёки инсон манфаатларига зид С., демократик ва авторитар С. кўринишларини бошқарувда кузатиш мумкин.

Қадимда С.га жамият ва шаҳар-давлат (полис)ни бошқариш туғрисидаги фан (Платон ва Аристотель) сифатида қаралган бўлса, ҳоз. вақтда С. деганда давлатни бошқаришнинг вазифа ва мақсадлари ҳамда бу мақсадларни амалга ошириш учун мавжуд ёки зарур бўладиган ижтимоий-сиёсий ин-тлар, жамоат бошқаришдаги ишгироски тушунилади. Амалий С. одамларнинг сайловчи, депутат, вазир ва ш.к. сифатида давлат ҳаётида фаол иштирок этишини аниқлатади.

С. уз таъсир этиш объектига кўра 2 га: ички ва ташқи С.га бўлинади. С. ижтимоий ҳодиса сифатида жамият ҳаёти соҳалари: иқтисодий, ижтимо-

ний, миллий, илмий-техникавий, экология, маданият, ҳарбий ва б. соҳаларни қамраб олади. Шу тарзда иқтисодий С., ижтимоий С., миллий С., демографик С., аграр С., техникавий С., экологик С., маданий С., кадрлар С.и, ҳарбий С. ва б. йўналишларда намоён бўлади. С. субъектлар оғради ҳам ифодаланади. Мас., давлат С.и, партиялар ва жамоат бирлашмалари ва ҳаракатлари С.и ва ҳ.к.

С.ни тушунишга турли хил ёндашувлар бор. Улар теологик, табиий, социал, рационал-танқидий йўналишларда С.нинг табиатини тушуниш ва тушунтириш билан боғлиқ қарашлардир. Мустабил шўро даврида С.ни ижтимоий-синфий нуқтаи назардан тушуниш, унинг устувор йўналишини белгилашда муайян ижтимоий қатлам (пролетариат) манфаатидан келиб чиққан ҳолда баҳолаш одат бўлган. Бундай ёндашув С.нинг моҳиятини ноҳолисона тушунишга олиб келди ва инсон С.нинг пассив объектига айлантирилди. Натижада инсон С. билан эмас, балки С. инсон билан шуғуллана бошлади. Охир оқибатда С. синфий манфаатлар асосида ҳаддан ташқари мафкуралашиб кетди. С. демократик, умуминсоний тамойиллардан ажратилиб, миллий-маънавий хусусиятларни ҳисобга олмайдиган ҳолга келтирилди, асл моҳиятига зид бўлган маъно касб этди. С. «бошқариш санъати»га эмас, аксинча, зўрлик, таъқиб этиш воситасига айланди. Давлат бошқарувида манфаатлар уйғунлиги бузилди. Сиёсий ҳаётда «давлат – жамият – инсон» муносабати қарор топиб, давлат манфаати жамият ва инсон манфаатилан устун бўлиб қолди.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон Республикасининг давлат С.и янгича маъно ва мазмун касб эта

бошлади. Бу С. аввало, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосланмоқда. Мамлакатимизда демократиянинг умуминсоний принципларига риоя қилиниши, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва б. дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Бу ҳол бугунги Ўзбекистон олиб бораётган С.нинг асосий моҳиятини, унинг инсонпарвар С. эканлигини белгилайди.

**СИНЕРГЕТИКА** (юн. *sunergtikos* – ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик) – системаларнинг ўз-ўзидан ташкил бўлиш назарияси, ўз-ўзини бошқариш, но-чизиқли ҳодисаларни ўрганиш, дунёни янгича изоҳлаш, табиий ва ижтимоий-иқтисодий мураккаб тизимли жараёнлар табиатини билишга қаратилган илмий йўналиш, тафаккур услуби. Асосий илмий йўналиш сифатида 20-а.нинг 60–70-й.ларида шаклланди. С.ни 21-а. бўсағасида пайдо бўлиб, тараққиётнинг янги қирраларини тушунишга ёрдам бераётган янги тафаккур услуби, деб баҳолаша бўлади. С. жамият, инсон ҳаёти, фан тараққи ётида илгари учрамаган янги муносабатларни фалсафий таҳлил қилишга қаратилган илмий йўналиш сифатида пайдо бўлди. С.нинг энг муҳим томони шундаки, у ижтимоий ва ўз-ўзини бошқарувчи системаларда фаолият кўрсатаётган тадқиқотчи-олимлар ишини маълум бир йўналишда бирлаштиришга хизмат қилади. С. тараққиётнинг эволюцион тамойилини ўз қарашларига асос қилиб олади. С. эволюцияни борлиқнинг умумий қонуни сифатида нафақат инсон билан инсон ўртасидаги, балки инсон билан табиат ўртасидаги бирлик ва муштарақлик, ҳамкорлик ҳам деб қарайди. С. тараққиёт жараёнида беқарор ҳолат билан барқарор ҳолат,

мувозанатсизлик билан мувозанат уртасидаги қонуниятга, тартиб билан тартибсизлик, чизиқлилиқ билан чизиқсизлик орасидаги алоқадорлик шаклининг мазмунига таянади. С. беқарорлик ва тартибсизлик категорияларининг ўзаро муносабатини ҳам ўрганади. С.нинг асосий мавзуси қуйидаги ғояларда ўз ифодасини топади: емирилувчилик ва бунёдкорлик, деградация ва эволюция жараёнлари коинотда тенг ҳуқуқлидирлар; бунёдкорлик жараёнларида мураккаблиқ ва тартибликнинг ўсиши ягона алгоритм асосида рўй бериб, системаларнинг моҳиятига боғлиқ эмас. Ҳар қандай система С.нинг объекти сифатида ўрганилиши мумкин эмас. С. объекти бўлиши учун система очиқ, яъни ташқи муҳит билан модда ёки энергия алмашинуви бўлиб туриши керак, мувозанатсиз ёки термодинамик мувозанат ҳолатидан узоқда жойлашган бўлиши керак.

**СИСТЕМА** (юн. *sistema* — яхлит, қисмлардан таркиб топган) — муайян тарзда ўзаро боғланган ва бир қадар яхлитликни ҳосил қилувчи унсурлар мажмуи. Мавжуд адабиётларда «С.» тушунчасининг 40 дан кўпроқ таърифи бўлиб, юқорида берилган таъриф илмий муомалада кўпроқ ишлагилади. С. тушунчасидан биринчи бўлиб стоиклар оламдаги мавжуд тартибни ифода қилиш учун фойдаланишган. Кейинчалик С. Ф.Шеллингнинг борлиқ ҳақидаги, Г.Гегелнинг борлиқ билан айнан бир хил деб ҳисоблаган тафаккур ҳақидаги таълимотида муҳим ўрин эгаллаган. 19-а.нинг 2-ярмидан бошлаб С. тушунчаси илмий билимларнинг турли соҳаларига кириб борди. 19-а. охири — 20-а. бошларида биологияда С.дан организм назариясини яратишда методологик восита сифати-

да фойдаланишга уринишлар бўлган. Худди шундай ҳолни психологияда ҳам кузатиш мумкин. Фалсафада С. тушунчасидан фойдаланиш борлиқнинг асосини ташкил этувчи унсурларни қидиришга чек қўйди. 20-а. бошларида С. тушунчаси ва у билан боғлиқ бўлган С.ли ёндашув янги умумий методологик тамойил сифатида илмнинг турли соҳаларига тез суръатлар билан кириб келди. Хусусан, тилни С. сифатида олиб қараш тилшўносликда структурализмнинг пайдо бўлишига, математика объектларига С.ли ёндашув турли хил формал С.ларнинг яратилишига сабаб бўлди. 20-а. ўрталаридан бошлаб кибернетиканинг ривожланиши туфайли «С.» унинг марказий тушунчасига айланди. Фан ва техниканинг мураккаб объектларини ўрганишга ўтиш С.ли ёндашув методининг кенг тарқалишига, уни турли соҳаларда қўлланилиши умумлаштирувчи С. концепциясини яратишга ундади. 20-а. бошларида А.А.Богданов тектология (ташқил этишининг умумий тамойиллари ҳақидаги фан)сида баён қилинган С. таҳлилининг конкрет илмий тамойиллари, 1950-й.ларда Л.Берталанфининг «системаларнинг умумий назарияси»ни тузиш дастури бу соҳадаги муҳим тадқиқотлар ҳисобланади. С.ларнинг турли хил шаклларини ўрганиш С.га хос бўлган қатор умумий хусусиятларни аниқлашга имкон берди. Хусусан, ҳоз. пайтда С. умумий ҳолда ўзаро алоқада бўлган унсурларнинг яхлит мажмуаси сифатида тушунилади. Ҳар қандай моддий ёки идеал объект С. сифатида олиб қаралиши мумкин. Бунда билиш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда бир объектни турли хил қисм ва унсурларга ажратиш мумкинлигини ёддан чиқармаслик керак. Бу ҳолат ҳар қан-

дай С.нинг нисбий характерга эга эканлигидан далолат беради. С. унсури шу С. доирасида бўлинмас деб ҳисобланади. Шу билан бирга бир С. ўз ичига бошқа С.ни олиши ва ўзининг бошқа С. таркибига кириши мумкинлигини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Ҳар қандай С. уни ўраб олган муҳит билан бирга мавжуд. Бу эса тартибга солинган С. унсурлари яхлит тўнламининг муҳит билан ўзаро таъсирини намоён қилади. Мураккаб тузилишга эга С.ларда бошқарув жараёнлари мавжуд бўлиб, у С.ни урганишга фақат ашёвий ёки энергетик нуқтан назардангина эмас, балки ахборот нуқтан назардан ҳам ёндашиш заруриятини келтириб чиқаради. Бошқарув С. табиатининг нисбатан мустақил ҳолда мавжуд бўлишини таъминлайди. С. тушунчаси ҳоз. пайтда бутун ва қисм, тузилма, ахборот каби категориялар билан биргаликда илмий ва фалсафий билишда кенг қўлланилади. Ҳоз. давр фан ва техника тараққиёти хўжаликни бошқариш ва миллий миқёсда ахборотлар тўнлаш ҳамда урганишнинг автоматлаштирилган С.ларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллашни талаб этмоқда.

**СИФАТ** — объектнинг муҳим белгиларини ифодалайдиган фалсафий тушунча. С. объект таркибий қисмларининг ўзаро турғун муносабатларини акс эттиради, бу муносабатлар бир объектни иккинчи объектдан ажратиб турадиган ўзига хос томонларини англатади. Шу билан бирга С. бир турдаги объектларга хос умумийликни ҳам ифодалайди. С. тушунчасини дастлаб Аристотель таҳлил қилган. У С.ни нарсаларга нисбатан акциденция (бирор нарсанинг муҳим бўлмаган хоссаси) деб таърифлайди. Ибн Сино эса С.ни нарсаларнинг ажралмас хусусияти, ўз-ўзича мав-

жуд эмас деб ҳисоблайди. Янги давр фалсафасида бирламчи ва иккиламчи сифатлар тушунчаси шаклланган. Гегель С.га борлиқ билан айнан бўлган муайянлик деб таъриф берган. Унинг фикрича, С. йўқолиши билан предметнинг ўзи ҳам йўқолади. Объектив оламдаги нарсалар ўзгаришда ва ривожланишда бўлиши билан бирга, улар нисбатан барқарор яхлитликка эга бўлиб, муайян буюм ёки нарса кўриниши (сифат)да намоён бўлади. Бирон нарсанинг айнан шу нарса эканлигини кўрсатувчи жиҳати унинг С.идир. С. предметнинг ички моҳиятини, ички ва ташқи алоқадорликлари бирлигини ифодалайди. С. предметнинг миқдор хусусиятлари билан чамбарчас боғланган. Мас., сув кимёвий таркибига кўра 2 водород атомининг 1 ксилород атомига бирикишидан ҳосил бўлган. Агар атомлар нисбати ўзгарса сув бошқа сифатли кимёвий моддага айланиши ҳам мумкин. Сувнинг физик хоссасига кўра у 0° дан +100° гача бўлган ҳароратда ўзининг суюқлик сифатини сақлайди, 0° дан past ҳароратда музга айланади, +100° дан юқори ҳароратда буг, яъни газ ҳолатига ўтади. Бу ерда миқдор ўзгаришининг сифат ўзгаришига айланишини кузатиш мумкин. Ҳоз. замон фалсафасида С. нарсаларнинг ички ва ташқи муайянлиги, нарсанинг бир қатор хосса, белги, хусусиятлари бирлигини ифодалайди, деб таърифланади. С.ни предметнинг хоссалари, белги ёки хусусиятлари билан аралаштирмалик лозим. С. предметнинг нисбий барқарорлиги, доимийлигини, умумийлигини ифодадаласа, хосса ва хусусиятлар предметнинг муайян томон ва белгиларини, бошқа предмет ва ҳодисалар билан алоқадорликларида намоён бўладиган жиҳатларини ифодалайди.

Фалсафада С.лар табиий С.лар ва ижтимоий С.ларга ажратилади. Табиатда нарса ва ҳодисаларнинг муайян жиҳатларини, жисмийлигини, фазо-вақт тузилишини, энергетик ҳолатини, таркибини ифодаловчи С. табиий С. дейилади. Инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган, кишиларнинг бир-бири ва табиат билан алоқадорликлари натижасида вужудга келган С. ижтимоий С. дейилади. Ижтимоий С. индивидуал ва ижтимоий онг воситасида инсоннинг меҳнат фаолияти туфайли вужудга келади. Ижтимоий С. ўз навбатида функционал ва системавий С.ларга бўлинади. Функционал С.га эга бўлган объектлар мажмуаси иккинчи табиат деб ҳам аталади. Унга инсон томонидан яратилган нарсалар (уй, миҳ, трактор, самолёт ва б.) киради. Кишиларнинг муайян ижтимоий муносабатлари мажмуини ифода этувчи С. системавий С. дейилади. Бундай С. муайян буюмда ижтимоий алоқадорликлар шароитидагина мавжуд бўлади, бундай алоқадорликлардан ташқарида эса у йўқолади. Олам нарсаларнинг вужудга келиш, ривожланиш, емирилиш, яъни бошқа С.ларга эга бўлган янги нарсаларга айланиш жараёнларидан иборат. С.нинг ўзгариши муайян объектнинг бошқа объекта айланганлигини билдиради. С. тушунчаси инсоннинг объектив реалликни билишидаги маълум босқични ифодалайди. Билиш С.дан миқдорга ва сўнг уларнинг бирлиги — меъёрга қараб боради. Ҳар қандай предмет С. ва миқдор бирлигидан иборат (яна қ. *Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонуни*).

**СКЕПТИЦИЗМ** (юн. skeptikos — кўриб чиқувчи, тадқиқ қилувчи) — ҳақиқатнинг бирон ишончли мезони мавжудлигига шубҳа билан қарай-

диган фалсафий нуқтаи назар. Унинг вакиллари объектив воқеликни идрок қилиш мумкинлигига шубҳа қиладилар. С. антик жамият инқирозга юз тутган даврда юзага келди. С.нинг ўта шакли *агностицизм*дир. Унинг ривожланишини 3 даврга ажратиш мумкин: илк С. (Пиррон), Платон академияси С.и (Аркесилай, Карнеад), сўнгги давр С.и (Энесидем, Секст Эмпирик ва б.). С.нинг йирик намоёндаларидан бўлган Д. Юм фикрича, гарчи объектив реаллик мавжуд, деган ишонч кучли бўлса-да, бу ишончни на фан, на амалиёт тасдиқлади. Юм табиат ва ундаги ҳодисаларни билишда шубҳаланади. Унингча, табиат ўз сирини одамлардан узоқда тутади. Янги давр (16—18-а.лар)да С. хурфидеячилик, диний ва фалсафий ақидаларнинг танқиди (М.Монтень, П.Вейль ва б.) синонимига айланган.

**СОКРАТ**, Сократ (мил.ав. 470/469 — Афина — 399) — юнон файласуфи, диалектика асосчиларидан бири. С. диалектикани саволлар асосида ҳақиқатни излаш методи деб тушунган. Бу сократча метод, деб ҳам аталган. С. Афинада истиқомат қилган ва дарс берган, унинг дарсларини кўп шогирдлари: Платон, Антисфен, Аристипп, Эвклид тинглаганлар. С. ҳеч қандай асар ёзиб қолдирмаган. У ўз таълимотини оғзаки баён қилган. С. ўз фалсафий тадқиқотларига ахлоқий масалаларни асос қилиб олган. С. таълимотининг мазмуни унинг замондош ва шогирдлари Ксенофонт, Платон, кейинроқ Аристотель асарларида баён этилган. С. таълимотига кўра, фалсафанинг мақсади ўз-ўзини билиш бўлиб, бу эса чин эзгуликка эришиш йўлидир: эзгулик билим ёки доноликдир. С. инсонда ўрта миёналик, мўтадиллик (яъни, эҳти-

росларни жиловлай билиш), довуораклик (яъни, хавф-хатарни енга билиш), адолат (яъни, илоҳий ва инсоний қонун-қоидаларга риоя эта билиш)ни энг асосий эъзулик ва яхшилик белгиси деб ҳисоблаган. Унингча, оламнинг тузилиши, нарсаларнинг физик табиатини билиб бўлмади, биз фақат ўз-ўзимизни билишимиз мумкин. Билиш предметини бундай тушунишни С. «Ўз-ўзингни бил», деган тезис билан ифодалаган. Билимнинг олиғ вази-фаси назарий эмас, балки амалий вази-фадан — яшамоқ санъатидан иборат. С.нинг фикрича, билим умумийлик ҳақидаги фикр, тушунчадир. Тушунчалар таърифлар орқали очилади, индукция орқали умумлаштирилади. С.нинг ўзи ахлоқ-одоб тушунчаларини таърифлаш ва умумлаштириш намуналарини берган (мас., шафқат, адолат). Тушунчани таърифлашдан олдин суҳбат келади, бу суҳбат давомида ҳамсуҳбатга кетма-кет берилган бир қанча саволлар билан зиддиятлар фож этилади. Зиддиятлар очилиши билан сохта билим бартараф қилинади, бунда ақлда бўладиган нотинчлик эса фикрни, чин ҳақиқатни излаб топишга ундайди. С. ўз тадқиқот усулларини «доя кампир маҳорати» билан таққослаган. Унинг ақидавий саволларга танқидий қарашини назарда тутадиган саволлар методи «сократча киноя» деб ном олган. С. таълим-тарбия амалиётидаги ҳар қандай ақидапарастликни қаттиқ қоралаган. Таълимнинг маъруза ўқиш шаклидан воз кечиб, суҳбат ва мунозаралар орқали ҳақиқатни излаб топишни асосий услубга айлантирган. Педагогикада мажбурлаш, зўравонликдан воз кечиш тарафдори бўлган. Унингча билим беришнинг асосий воситаси —

ишонтиришдир. С. «янги худоларга сажда қилиш» ва «ёшларни йўлдан оздириш»да айбланиб, улимга ҳукм этилган (заҳар ичирилган).

**СПЕНСЕР** Герберт (1826.27.4, Дерби — 1903.8.12, Брайтон) — инглиз файласуфи ва социологи, *позитивизм* асосчиларидан бири. О.Конт изидан бориб социология асосига эволюция ғоясини қўнган. Эволюциянинг моҳиятини у алоқадорликнинг ўсиб боришида, деб билган. Унинг «Социология асослари» асарининг узагини биологик ижтимоий организмлар ўртасида ухшашлик мавжуд, деган қоида ташкил этади. Бу масалада Платон ва Т.Гоббс каби мутафаккирлар билан баҳсга киришади. Унинг фикрича, индивидуал организм «конкретлилик», ижтимоий организм эса «дискретлилик» хусусиятига эга. Демак, жамият алоҳида олинган шахсни «ютиб» юбора олмайди. С. шахснинг бутунлай ижтимоий бир бутунликка бўйсунган жамиятдан уни ташкил этувчи индивидларга «хизмат қилувчи» ҳолатга ўтишини ижтимоий тараққиётнинг муҳим улчови, деб билган. С. қарашларида эволюцион-тарихий ёндашув структурали функционал ва тизимли ёндашувлар билан бирлашиб кетган. Унинг фикрича, ижтимоий организм учта асосий «тизим»дан иборат: «регулятив», «ҳаёт учун воситалар ишлаб чиқувчи», «тақсимловчи». Синфий тафовутлар маънаини ғолибларнинг ҳукмрон синфга айланиши, маълумларнинг қул ёки муте бўлиб қолиши ташкил этади. «Регулятив» тизимни таҳлил қилар экан, С. эътиборни «ижтимоий назорат» воситаларига қаратади. Хусусан, сиёсий бошқарувни ижтимоий назоратнинг бир тури сифатидагина қараган. Бу тартиботлар ибтидоий жамиятдаёқ

мавжуд бўлган шакллардан юзага келган ва аста-секин ривожланиб борган. Ҳар қандай ижтимоий тартибот ижтимоий ҳаракатларнинг мустаҳкам тузилмаси сифатида шаклланади. С. эволюцияни тарихий жараёнга татбиқ этар экан, баъзи янги ҳодисаларни тушунтиришда мураккабликлар сезган. Мас., капиталистик эркин рақобат даврининг тугагини ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосий мезони деб билган. Шунинг учун у ҳарбийлаштирилган ва бюрократлашиб бораётган жамият ичидаги хавфни тасвирлашга ҳаракат қилган. С. социологик таълимотининг баъзи гоялари (жамиятнинг органик концепцияси, мувозанат назарияси ва б.) замонавий социология, хусусан, Т.Парсонснинг структурали функционал таҳлили, социобиология мактаблари томонидан нухта ўзлаштирилган.

**СПИНОЗА** Бенедикт Барух (1632.24.11, Амстердам — 1677.21.2, Гаага) — нидерланд файласуф-пантеисти. Диний ҳурфикрлиги учун Амстердам яҳудийлар жамоасидан ҳайдалган. Асосий асарлари «Илоҳий-сиёсий трактат» ва «Этика». С. фалсафада геометрик метод асосчиси. С. Ф.Бэкон ва Р.Декарт билан бирга билимнинг мақсади табиатга ҳукмронлик қилишни кулга киритиш ва инсонни камолотга етказишдан иборат, деб ҳисобларди. Ўз издошлари таълимотини эркинлик ҳақидаги таълимот билан тулдириш ва эркинликка табиатни билиш орқали эришиш мумкин деган фикрни баён қилди. С. Декарт дуализмидан фарқли ўлароқ, фақат табиат мавжуддир, у ўз-ўзига сабабчи ва ўзининг борлиги учун бошқа ҳеч нарсага муҳтож эмас, деб ҳисоблади. С. пантеистик нуқтаи назардан

фикр юритиб, худо билан табиат айнан бир нарса — ягона, абадий ва чексиз бўлган субстанция деб билди. Унинг фикрича, субстанцияга чексиз кўп атрибутлар хос, лекин инсон уларнинг 2 таси — масофа ва тафаккурни била олади. Чексиз турли-туман айрим нарсаларнинг реаллигини эътироф этиб, С. уларни модуслар жаммуи — ягона субстанциянинг айрим кўринишлари деб тушунди. Субстанция яккаю-ягонадир, модуслар эса беҳисоб кўпдир. С.нинг субстанция атрибутлари ҳақидаги таълимоти умуман олганда, метафизик таълимотдир, чунки у ҳаракатни субстанциянинг атрибути деб ҳисобламайди. С. фикрича, инсон бир зот, унда кўлам модуси танага, тафаккур модуси руҳга мувофиқ келади. Ҳар иккала модус бўйича ҳам инсон табиатнинг бир қисмидир. Руҳ модуси ҳақидаги таълимотида психик ҳаётнинг бутун мураккаблигини ақл ва эътирослардан ёки аффектлардан иборат қилиб қўйган. Иродани у ақл билан бирдай қилиб кўрсатган. С. фикрича, ўзини сақлашга интилиш ва ўз фойдасини кўзлаш инсоннинг худқ-атворини ҳаракатга келтиради. С. ирода эркинлиги ҳақидаги таълимотида ирода ҳаминша мотивларга боғлиқ, деб эътироф этади, лекин шу билан бирга у эркинлик, заруриятни билишга асосланувчи хатти-ҳаракат сифатида юз бериши мумкин, деб ҳисоблайди. Билиш ҳақидаги таълимотида рационализм йўлини давом эттиради. У ақлга асосланувчи, интеллектуал билимни қўйи турдаги билимдан — ҳиссий билимдан юқори қўйган ва тажрибанинг аҳамиятини камситган. У ҳақиқатни бевосита мушоҳада қилишнинг ёки ақл интуициясини интеллектуал билимнинг энг юқори тури, деб

этироф эди. Шу билан бирга, у Декартга эргашиб равшанлик ва якқолликни ҳақиқат мезони, деб эълон қилди. Диний ва илмий ҳурфикрлиликни ривожлантиришда С.нинг мавқеи катта. Жамият ҳақидаги таълимотида С. Гоббснинг давомчисидир. С.нинг Гоббсдан фарқи шундаки, у монархияни эмас, балки демократик идора усулини ҳокимиятнинг олий шакли деб ҳисоблади ва давлатнинг мутлақ ҳокимлигини эркинлик талаблари билан чеклаш тарафдори бўлди.

**СТРАТИФИКАЦИЯ** (лот. stratum — қатлам ва facio — бажараман) (социологияда) — қ. *Ижтимоий стратификация*.

**СТРУКТУРАВИЙ-ФУНКЦИОНАЛ ТАҲЛИЛ** — ижтимоий ҳодиса ва жараёнларни тизим сифатида тадқиқ қилиш принципи; унда структуранинг ҳар бир унсури муайян вазифа (функция)га эга бўлади. Асосий структуравий категориялар — ижтимоий-иқтисодий формация, меҳнат тақсироти, жамият соҳалари (иқтисодийёт, сиёсат, мафкура ва б.). Ҳоз. замон социологиясидаги структуравий-функционал мактабнинг асосий вакиллари — Т.Парсонс, Р.Мертон ва б.

**СУБЛИМАЦИЯ** (лот. sublimo — юқорига кўтараман) — энергияни ижтимоий ва маданий жиҳатдан номақбул (қуйи, тубан) мақсад ва объектлардан мақбул (юқори, олийжаноб) бўлган ижтимоий ва маданий объектларга ўтказиш ҳодисаси. С. ғояси 18-а. ғарб ёзувчилари Г.Штеллинг ва Новалис асарларида, шунингдек немис файласуфлари А.Шопенгауэр ва Ф.Ницше тадқиқотларида ўз аксини топган. 20-а.нинг бошларидан С. тушунчаси психоанализда кенг фойдалана бошланди. З.Фрейд назариясига кўра, С. шаҳвоний қувватни ҳирсий қони-

қишлардан узоқ бўлган бошқа мақсадларга йўналтириш ва ҳирсий туйғулар энергиясини ижтимоий ва ахлоқий жиҳатдан фойдали фаолиятларга ўзгартиришдир. Фрейд диний ибодат ва маросимларнинг пайдо бўлиши, шунингдек санъат ва ижтимоий институтларнинг шаклланишини ҳам С. ҳодисаси орқали қараб чиқади. Фрейд таълимотига кўра, жамиятда аксарият одамларнинг ҳаёти ва камолоти давомида уларнинг табиий мойиллик қуввати меҳнат фаолияти, ақлий ва ижодий фаолиятига қаратилади, сарф этилади. Бунда С. психологик ҳимояни таъминловчи омил сифатида қатнашади. Жамият ва шахсга мутаносиб психиканинг ирсий кўринишларини узатиш йўли билан низоли вазиятдаги жиддийлик, зўриқишни камайтириш ҳодисаси унинг вазифаси ҳисобланади. Ҳоз. вақтда файласуф, психолог ва санъатшунослар инсондаги биологик ва ижтимоий жиҳатлар муносабатини, индивид билан жамиятнинг ўзаро боғлиқлигини, шахснинг ижтимоийлашиш босқичини, маданий-тарихий жараёнлар оқимининг хусусиятларини, ижодийётнинг табиати ва хусусиятини изоҳлашда С. ғоясига тез-тез мурожаат қилмоқдалар.

**СУБСТАНЦИЯ** (лот. substantia — моҳият) — нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини, асосини ифодаловчи тушунча. Одатда, материя, модда сўзининг синоними сифатида қўлланилади. С. фалсафада хилма-хил оламнинг, объектв реалликнинг, табиат, жамият, инсон ва унинг тафаккури тарихини, инсон билимларининг натижаларини ҳам ўзига қамраб олувчи конкретликнинг назарий инъикоси, билиш назариясининг асосий тушунчаси сифатида талқин этилади. Бундай



универсал моҳият муайян нарса, ҳодисалар ва уларнинг ўзаро алоқа-дорликлари орқали намоён бўлади. Юнон файласуфлари С. деб нарсаларнинг доимий, туб ва ўзгармас хусусиятини, асл моҳиятини англашган, унга акциденция тушунчасини қарама-қарши қўйишган. Кейинчалик схоластлар бутун мавжудотнинг асл моҳиятини ташкил этувчи С. – худолар деган ғояни илгари сурдилар. Оламнинг моддий сабаби ва илоҳий С. ҳақидаги дуалистик талқинини Р. Декарт олға сурди, у *Спиноза* фалсафасида янада ривожлантирилди. И. Кант С.ни тафаккурнинг априор шакли, яъни тажрибадан олинган билимларни синтезловчи шакли деб изоҳлади. Унинг фикрича, С.нинг доимийлиги барча вақт мобайнида ўткинчи бўлган нарсаларга нисбатангина намоён бўлади. Гегель С.ни нарсалардаги ўзгарувчан, ўткинчи томонларнинг яхлитлиги сифатида таърифлаб, уни «ҳар қандай ҳақиқий ривожланишнинг асосидир», дейди.

Шарқ фалсафасида Форобий С.ни энг умумийлик сифатида тушунтирган. Ибн Сино С.ни «субстанционал умумийлик ва акцидентал умумийлик»нинг ўзаро муносабати доирасида талқин этиб, уларнинг бир-бири билан боғланганлигига, бири иккинчисиз мавжуд бўла олмаслигига эътиборни қаратди. С.ни тушунишда ҳам материалистик, ҳам идеалистик қараш бор. Материалистлар С. деб объекти реалликни, материяни, идеалистлар эса, худони, мутлақ ғояни, руҳни, умуман моддий бўлмаган асосни тушунадилар. Позитивистлар С.ни мавҳум тушунча сифатида таърифлаб, бу тушунча тадқиқотчини чалғитиб, унинг фикрини йўқ нарсага боғлаб қўяди, аслида олам хилма-хилликлар ва улар-

нинг бирликларидан иборат, бунга эса моддийлик ҳам, маънавийлик ҳам киради деб ҳисоблашади. Ҳоз. ҳамон табиатшунослиги учун С. фақат расмий тушунча бўлиб, ҳодисаларни ифодаловчи деган маънони билдиради.

**СУБЪЕКТ** (лот. subjectus – остида, пастда, асосида турувчи) – фаол фаолият кўрсатувчи, билувчи, онг ва иродага эга бўлган индивид ёки ижтимоий гуруҳ. «С.» тушунчасини юнон файласуфлари *субстанция* тушунчаси билан бир хил маънода тушунишган. Аристотель асарларида С. тушунчаси субстанция билан айнанлаштириб, индивидуал борлиқ сифатида берилган. 17-адан С. тушунчасини гносеологик маънода талқин этиш бошланди. Янги давр материалистлари С.ни объектив ва азалий мавжуд бўлган ташқи воқеликни пассив аке эттириш, идрок қилиш, ундан нухса олиш билангина чегараланган билувчи материя сифатида тушунтиришган. Улар С.нинг моҳиятида ётувчи ҳақиқий фаолликни, яъни билиш жараёнида айнан шу фаоллик воқеликни чуқурроқ, кенгроқ, батафсилроқ, мукамалроқ билиб олишга имкон яратишини тушуниб ега олишмади. Чунки у даврда С. фаоллигининг замнирида унинг аниқ фаолияти ётиши ҳақидаги гносеологик тамойил яратилмаган эди. Идеалистлар *объект*нинг мавжудлиги С. фаолиятининг натижаси деб талқин этишди. Улар С.ни индивид онги, худо, ғоя ва б. тарзида тушунтириш асосида унинг билиш жараёнидаги фаоллик ролини изоҳлашга ҳаракат қилишди. Ҳоз. замон гносеологик тадқиқотларида С. объект билан боғлиқликда олиб қаралади, айрим концепцияларда объектнинг С.дан мустақил ҳолда мавжудлиги таъкид-

ланади. Айни пайтда С. объектга фаол ўзгартирувчи таъсир қилади ва С. объектни «инсонийлаштиради». Бундай С. билан объектнинг ўзаро алоқадорлиги асосида ижтимоий-тарихий амалиёт ётади. С. ҳисобланган индивид ва унинг онги ҳам тадқиқот объекти бўлиб келиши мумкин. Индивид С. сифатида жамиятнинг бир аъзоси, тарихий жараённинг бир вакили сифатида у мансуб бўлган жамият аъзоларига ҳос билимларга эга ва шу нуқтаи назардан оламга қарайди. Индивид ижтимоий мавжудот, шу маънода С. ижтимоий мазмун касб этади, яъни жамият аъзоси бўлган айрим индивид ҳам, жамиятнинг ўзи ҳам С. бўлиб келиши мумкин. Жамият уни тадқиқ этувчи тадқиқотчи учун эса объектдир, ўзидан ташқи олам учун уни урганувчи С.дир. Инсон ўз эҳтиёж ва амалий ҳаёт талабларидан келиб чиқиб, ташқи оламни ўзгартириш, ўзига мослаштириш асосида иккинчи табиатни яратди. Бу ҳолат С. объектни ўз хоҳишига қура ўзгартирганлигининг оқибатидир. Бу жараёнда С.нинг ўзи ҳам ўзгариб боради.

**СУБЪЕКТИВИЗМ** — воқеликни субъектга қараб биланган, яъни онгни бирламчи яратилган, бошқа ҳамма нарсалар онгнинг шакли, мазмуни ёки унинг ижоди маҳсули ҳисобланади деб изоҳловчи қараш. С. гушунчасини *Декарт* жорий қилган. *Ж.Беркли* идеализми бундай С.нинг энг кескин шакли ҳисобланади. Кантчиликни шу хилдаги С.нинг ўртача кўриниши дейиш мумкин. Непозитивизмнинг турли кўринишлари ҳам бир жиҳатдан шундай С.га яқин келади. С. сўзи тор маънода — интеллектуал ҳақиқатнинг, шунингдек, ахлоқий ва эстетик қадриятларнинг соф субъектив-

лиги, уларнинг мутлақ аҳамият касб этишини инкор қилиш тўғрисидаги таълимотдир.

**СУННИЙЛИК** (араб, сунна — одат, анъана хатти-ҳаракат тарзи) — иелом динидаги 2 асосий йўналишдан бири ва энг кенг тарқалгани. Жаҳондаги барча мусулмонларнинг тахм. 93% и С.ка (қолган 7% и *шиаликка*) мансуб. С. тарафдорлари, асосан, Осиё ва Африкада (Покистон, Бангладеш, Хиндистон, Индонезия, Малайзия, Хитой, Афғонистон, Туркия, Арабистон ярим ороли ва Форе кўрфани атрофидаги араб мамлакатларида, Сурия, Ливан, Иердания, Шим.-Шарқий ва Фарбий Африка мамлакатларида), Болқон мамлакатлари, Кипр ва АҚШда яшайди.

Иелом дастлабки даврда ҳеч қандай йўналиш, маъжаб ва оқимларга бўлинмаган. 7-а.нинг ургаларида турли снёсий сабабларга қура, мусулмонлар сафида бўлиниш пайдо бўлди. Аввал шиалар, кейин хорижийлар мусулмонлар оммасидан ажраб чиқдилар. Улар ўзининг ҳақиқини исбот қилиш учун ўз фикрини, йўналишини ҳимоя қила бошлади, шу тариха ҳар гуруҳнинг ўзига ҳос ақида-си шакллана берди.

С. бунча Абу Ханифа (Имоми Аъзам)нинг «ал-Фиҳр ал-акбар» асарини энг нодр илмий мерос саналади. Бу ишда Абул Ҳасан Ашърий билан Абу Мансур Мотуридийларнинг хизматлари беқиёсдир. С. йўналишида шу икки аллома асос солган ақидавий мактаблар барча сунний уламолар томонидан эътироф этилган. С. тамойиллари, асосан, қуйидагилардан иборат: 1. Мавжудотларнинг ҳақиқат ва моҳияти бор нарса бўлиб, уларни билиш мумкин. Билиш воситалари — бешта сезги аъзолари, илоҳий манбалар ва ақл. 2. Олам қадим эмас, балки қачондир Аллоҳ тарафи-

дан яратилган. 3. Бутун борлиқни яратган Аллоҳнинг зоти битта, у ўзига хос азалий ва абадий кўпгина сифатларга эга. 4. Зотий сифатлари саналмиш илм, қудрат, ҳаёт, ирода, эшитиш, кўриш, гапириш Аллоҳнинг азалий ва абадий сифатларидир. Унинг зоти ҳам, сифатлари ҳам ўзи яратган махлуқот ва мавжудотларнинг сифатларига асло ўхшамайди. Унинг сифатлари нуқсонсиз, баркамолдир. 5. Аллоҳнинг исмлари кўп. Ҳадисда 99 та гузал исмлари зикр этилган. 6. Аллоҳнинг адолатли экани. Ҳидоят ва залолат йўлларини кўрсатиб кўйган, адашган ва қуфр йўлини танлаганларни жазолаши адолат ҳисобланади. Борди-ю, залолат йўлидан асраб қолса – бу Унинг фазли, марҳамати. Асрамаса адолати ҳисобланади. 7. Пайгамбарларнинг ҳаммасини барҳақ деб тасдиқ этиш. Уларнинг аъдди гарчи баъзи ҳадис ва ривоятларда кўрсатилган бўлса-да, муайян бир адал қатъий деб ҳисобланмагани маъқул. Пайгамбарларнинг биринчиси – Одам (алайҳиссалом), охиригиси – Муҳаммад (саллоллоҳу алайҳу васаллам). 8. Пайгамбарларнинг муъжизаларини ҳақ деб эътиқод қилиш. Шунингдек, авлиёларнинг кароматлари ҳам ҳақ ва ростдир. Ҳеч бир авлиё пайгамбар даражасига ета олмайди. 9. Исломнинг беш рукни – имон қалимаси, намоз, рўза, закот, ҳаж ҳар бир мусулмон зиммасига фарзи айн экани. Фарзлардан бирортасини беузр тарк этса ёки шаръан тақиқланган ишларга қўл урса қаттиқ гуноҳкор бўлини, лекин қофир бўлмаслигини тасдиқ этиш. 10. Имон – Муҳаммад (саллоллоҳу алайҳу васаллам) Аллоҳ таоло томонидан келтирилган барча хабар ва маълумотларни ҳақ ва рост эканига тил билан иқрор этиб, дил билан тасдиқлаш деб билиш. Солиҳ амал-

ларни кўп қилганда имон нури кўпайиб, гуноҳ ишларни кўп қилганда имон нури озайиб туришини тасдиқлаш ва ҳ.к.

С.да 4 та диний-ҳуқуқий мазҳаб (ҳанафийлик, моликийлик, шофийийлик, ҳанбалийлик) мавжуд. С. исломда анъанавий эътиқод йўли деб эътироф этилиб келган.

С. билан шиалик ўртасида ҳокимият масаласида, айрим диний маросим ва анъаналарда бирмунча тафовутлар бор. Ўзбекистонда, асосан, С.ка эътиқод қилинади.

**СЦИЕНТИЗМ** (лот. scientia – билим, фан) – фалсафий дунёқараши тури. Унинг асосида илмий билим маданиятнинг энг олий қадрияти деган тасаввур ётади. С.га илм-фанни мутлақлаштириш, уни фалсафа ва маданиятнинг бошқа шакллариغا қарама-қарши қилиб кўйиш, барча муаммоларни ҳал қилиш воситаси сифатида ёндашиш хос. С. икки типдаги кўринишга эга: биринчи кўриниш аксиологик кўриниш бўлиб, унда илм-фан маданиятнинг энг юксак қадрияти деб тушунилади, инсон ўз фаолиятида маданиятнинг фақат шу шаклига таяниши лозим, ижтимоий ва маданий тараққиёт илм-фаннинг ривожланишидан келиб чиқади, деган ақида илгари сурилади; иккинчи кўриниш методологик жиҳат бўлиб, у аниқ ва табиий фанларни мутлақлаштиради, уларнинг методологиясини универсал деб ҳисоблайди.

Ҳоз. даврда илм-фаннинг ривожланиши, ишлаб чиқаришга янги технологиялар, компьютер техникасининг кириб келиши сциентистик дунёқарашни кучайтириб юборди. Шундай қилиб, С. аниқ фанлар тафаккур услубини мутлақлаштириш хусусияти билан ажралиб туради; С. учун фан энг юксак қадрият деб қабул қилинади.

## Т

**ТАБИАТ** — одамнинг пайдо бўлгунча ҳам, одам иштироки билан ҳам мавжуд борлиқ. Умуман — бу дунё, олам, коинот; микро-макро-мегадунёлар; жонсиз ва жонли борлиқ. Тор маънода — табиат фанлари ўрганилган объект. Т. одамга, жамиятга боғлиқ бўлмаган қонуниятга бўйсунди. Одам Т.нинг бир қисми. Одам Т. қонунларини ўзгартира олмайди, фақат қонунлардан фойдаланиб, Т. элементларини, қисмларини узлаштириши мумкин. Т. тушуничаси инсоният жамияти яшаши табиий шароитларининг мажмуи сифатида ҳам қаралади. Инсон яшаши учун меҳнат қилади, меҳнат (мас., деҳқончилик, қурилиш, саноат), мия фаолияти ва б. эса Т.нинг баъзи жиҳатларини ўзгартиради. Одам томонидан, яъни ижтимоий меҳнат жараёнида яратилган моддий бойликлар шартли равишда «иккинчи Т.» дейилади. Мас., водороддан урангача бўлган 92 та кимёвий элемент табиийдир, ундан кейинги кашф этилганлари сунъийдир. Барча сунъий синтетик кимёвий бирикмалар, одам яратаётган атом ва ядро элементлари «иккинчи Т.»га киради.

Одамнинг Т.га муносабати тарихда ўзгариб ва ривожланиб борди. Антик фалсафада Т.га стихияли кучлар (*Демокрит*), идеал дунёнинг инъикоси (*Платон*), уйғун жараён (*Пифагор*), мукаммаллик (*Аристотель*) деб қаралган. Диний таълимотларда Т. руҳий ибтидонинг моддий гавдаланиши деб ҳисобланган ва худо Т.дан юқори туради деб тушунилган. Уйғониш даврида Т.га ҳамма табиий уйғунлик ва мукамалликнинг юзага чиқиши сифатида қаралди. Янги даврда Т.га бўлган

муносабат Т.нинг илмий ўрганиш объектига айланишида катга роль ўйнади.

Т. объекти фазо ва вақтда мавжуд модда, материядир. Улар чексиз маълум нарсаларнинг (элементар зарралар, антизарралар, қум, тош, тупроқ, сув, ҳаво, жонсиз ва жонли мавжудот, сайёралар, юлдузлар, галактикалар ва б. самовий jismlar, физик майдонлар) мажмуидан иборатдир. Бир вақтлар (фаннинг сунъий маълумотлари бўйича бундан 20 миллиард йил аввал) бу jismlar бошқа кўринишда бўлган. Бўлажак миллиард йилларда у яна ўзгариб боради. Т. одамнинг, жамиятнинг ватани. Одамнинг ҳаёти Т.нинг, биосферанинг уйғун шароитига боғлиқ. Бу шароит салбий томонга ўзгартирилса, одамнинг нормал яшашига путур етказилади, экологик муаммолар пайдо бўлади. Илмий-техника ютуқларидан нотўғри фойдаланиш — биосферанинг бузилишига олиб келади. Бинобарин Т.ни пухта билиб, ундан самарали фойдаланиш, унга тўғри ва оқилона муносабатда бўлиш лозим. Инсоннинг Т.га бундай муносабатда бўлишида фан асосий омил бўлиб келмоқда. Ер ва коинотда инсоннинг фаолияти фаоллашмоқда. Коинотнинг узоқ-узоқ жойлари (мас., метагалактикалари)да юз бераётган ҳодисаларни кенгроқ ва чуқурроқ билиш Т. ҳақидаги тасаввурларни кенгайтиради.

**ТАБИАТШУНОСЛИК** — табиат ҳақидаги фанлар тизими, табиий фанлар мажмуи. Табиатнинг инсон онгидаги акси бўлган Т. жамиятнинг ривожланиши билан мукаммаллашади. Т.нинг мақсади — табиат ҳодисаларининг моҳиятини аниқ-

лаш, табиат қонунларини билиш ҳамда улардан амалда фойдаланиш имкониятларини очиб бериш. Т., асосан, механика, физика, кимё ва биологиядан ташкил топган. Астрономия, геология, тиббиёт фанлари, қишлоқ хўжалик фанлари ва ш.к. кўплаб билим тармоқлари мазкур фанлар ҳосиласидир. Т. техника, технология, қишлоқ хўжалиғи, тиббиётнинг назарий негизи ҳамда табиат диалектикасининг илмий асосидир. Т. табиат, жамият ва тафаккур ҳақидаги илмий билимларнинг асосий соҳаларидан бири. Ижтимоий ҳаёт ривожланиши билан Т. ҳам мукамаллашади ҳамда ўзининг ички мантиқий қонуниятига биноан тақомиллашади. Т. тарихи умумжамиyat тарихи билан мустақкам боғлиқдир. Т.нинг алоҳида фан сифатида ривож топиш тарихи Аристотелнинг «Физика» ва «Метафизика» асарларидан бошланган, дейиш мумкин. Т.ни алоҳида фан сифатида ўрганиш ғоялари Форобий, Ибн Сино рисоаларидан маълум. Абу Райҳон Беруний эса Т.ни мустақил фан сифатида ривожлантиришга ҳисса қўшган. Математика Т.нинг бир соҳаси сифатида келиб чиққан. Евклид, Герон, Хоразмий, Улугбек, Коший каби олимлар математик қонунларни Т. қонунлари асосида кашф этдилар. 17-адан назарий Т. яратилди. Бунинг негизида Галилей-Ньютон классик механикасининг уч аксиомаси ётади. Айниқса, иккинчи аксиома ( $F=mdv/dt$ )си 18-ада Т. соҳасида кашф этилган муҳим қонунларни математик равишда исботлашга имкон яратди. Бу даврда Лагранж, Лаплас, Бернулли ва б. олимлар кашф этган қонунлар аслида бутун Т.нинг эмас, балки унинг бир соҳаси бўлган механиканинг қонунлари эди. Бунинг

фарқига бормаслик натижасида механика қонунлари хато равишда табиий фанларнинг ҳаммасига, ҳатто, ижтимоий ҳаётга нисбатан ҳам татиб қилина бошланди. Бу уринишлар кейинчалик механицизмнинг шаклланишига олиб келди. Аммо табиатга механистик метафизик қараш тобора кенг ёйилиб келаётган диалектик қарашга бардош бера олмади. И. Кантнинг космогоник гипотезаси, Ч. Лайелнинг геология, Ж. Кювьенинг палеонтология, К. М. Бэрнинг эмбриологияга оид назариялари табиатга диалектик муносабатда бўлиш йулида янги қадам бўлди ва Т. мазмунини бойитди. 19-ада Т. соҳасида қўлга киритилган уч буюк кашфиёт (энергиянинг сақланиш ва бир турдан иккинчи турга ўтиш ҳақидаги таълимот, ҳужайралар назарияси, дарвинизм) табиий фанларда диалектика мавқеини мустақкамлади. Амалиёт нуқтаи назаридан табиат ҳақидаги фанлар ҳал қилувчи аҳамият касб этиб, ҳоз. замон фан-техникасининг ривожланишига ёрдам бермоқда.

**ТАЖРИБА** — воқеликни амалий жиҳатдан ҳиссий-эмпирик билиш жараёни. Т. кенг маънода — укув, малака ва билимнинг бирлигидан иборат. Шунингдек, фалсафада билишнинг эмпирик усулларидан бири — эксперимент усули ҳам Т. деб аталади. Т. қадимдан фалсафа тарихида муҳим тадқиқот объекти бўлиб келган. Шарқ фалсафасида бирор нарсадаги муайян хосса ёки хусусиятни текшириб кўриш мақсадида ўтказилган синов ҳам Т. деб аталган. Абу Райҳон Беруний Т.ни эксперимент ва кузатиш билан боғлаб тушуштириш тарафдори бўлган. У Ибн Сино билан мунозарада фикран фарз қилиб кўришга нисбатан амалий эксперимент ишончлироқ маъ-

думот беришини таъкидлаб, фикрий мулоҳазалар оғиздан-оғизга утиш билан ўзгариб бориши ва асл маъносини йўқотиши мумкин деб, амалий Т.нинг аҳамиятини юқори қўйган. *Эмпиризм* ва *сенсуализм* вакиллари билимларимизнинг энг ишончли ва ягона манбаи ҳиссий маълумотлардир, деб ҳисоблашган. Уларнинг фикрича, билимларда сезгилардан илгари бўлган нарсаларнинг ўзи йўқ, ҳамма билимлар энг аввало сезгилар орқали ҳосил қилинади. Идеалистик эмпиризм намояндалари Д. Юм, Ж.Беркли, Т. асосида объектив реаллик ётишини инкор этиш асосида уни сезгилар мажмуасидан иборат деб билишган. Ф.Бэкон, Гоббс, Локк, Дидро, Гельвецийлар эса Т.нинг манбаи моддий олам деб материалистик эмпиризм нуқтаи назарида туришган. *Рационализм* вакиллари Декарт, Спиноза, Лейбниц фикрича, оламни маънавий билишда Т.га эҳтиёж йўқ, чунки Т. узук-юлук, бир томонлама, саёз ва юзаки, но-мукаммал билимларни беради. Бундай билимларни системалаштириш, умумлаштириш, чуқурлаштириш учун ақлий тафаккур керак бўлади деб, билишда Т.нинг ролини камситишади. И.Кант Т.ни тушунишда рационализмни ҳам, эмпиризмни ҳам жиддий танқид қилган. Унинг фикрича, одамлар мушоҳаданинг шундай бир априор (тажрибагача бўлган) шаклига эгаки, унинг ёрдамида сезгилар орқали элинган маълумотлар синтез қилинади ва улар тасаввурдаги бунича қатъий тартибга солинади. *Гегель* билишни кўп босқичли деб тушунади, у одамнинг билиш жараёнида эришган натижалари билан қўйган мақсади ўртасида доимо фарқ бўлади, яъни эришилган на-

тижалар мақсадга етмайди, оқибатда билувчи истаган нарса билан эришган натижани таққослаш асосида предметга қараш ҳам ўзгариб боради ва шу тарзда предмет ҳақидаги янги билимлар пайдо бўлади, ана шу янги билимларнинг ҳосил бўлиш жараёни Т.дир, деб ҳисоблайди. Прагматист ва инструменталистлар фикрича, Т. нарсалардан «инструментал» маънода фойдаланишдир, экзистенциалистлар Т.ни субъектнинг бевосита ички кечинмалари дунёси сифатида талқин этади, неопозитивистлар Т.ни субъект онгининг турли ҳолатлари деб ҳисоблашади.

Кишиларнинг ҳаёти мобайнида орттирган билимлари, уқув ва малакалари мажмуаси бўлган Т. авлоддан авлодга утиб боради. Т. фанни бойитишнинг, назария ва амалиётни ривожлантиришнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади.

**ТАРАҚҚИЁТ** — ривожланишнинг оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига йўналган шакли, унинг юксалиши. Т. борлиқнинг энг умумий хоссаларидан бири бўлиб, у предметнинг янги сифат ҳолатига утишида, таркиби ва структурасининг хоссалари, алоқалари ва муносабатларининг ўзгариши ва ш.к.ларда ўз ифодасини топади. Вақт Т.нинг муҳим хусусиятлари қаторига кириди. Ҳар қандай Т. реал вақтда содир бўлади ва бу унинг орқага қайтмас йўналишга эга ўзгариш эканлигини намоян қилади. Т. фалсафини алабёнларда прогрессив ривожланиш тарзида қўлланади. Одатда ривожланишнинг 2 муҳим йўналиши бўлиб, бири Т. (прогрессив ривожланиш), иккинчиси инқироз (регрессив ривожланиш) дейилади. Т. нисбийдир. Ривожланиш бир система учун Т. бошқа систе-

ма учун регресс бўлиши мумкин. Ҳар қандай система ўзининг ривожланиши мобайнида Т.ни ҳам, инқирозни ҳам бошилан кечиради. Системанинг равақ топиши Т.ни англатса, унинг емирилиши инқирозни англатади. Т. жонсиз, анорганик табиатга ҳам, жонли, органик табиатга ҳам, жамиятга, инсон тафаккурига, руҳиятига ҳам хос бўлган табиий ва зарурий жараёндир. Т. микро-макро-мегадунёда ҳам содир бўлади. Т. гоёсининг шаклланиши ва асосланишида янги даврда экспериментал фанларнинг вужудга келиши, айниқса илмий космологиянинг пайдо бўлиши, биология ва геологияда эволюция назарияларининг яратилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Немис классик фалсафасида, хусусан Г.Гегель системасида бу гоё ҳар томонлама чуқур урганилди ва унинг натижаси сифатида Т. ҳақидаги яхлит фалсафий таълимот — диалектика назарияси шаклланди. Унда Т. манбаини зиддиятлар, Т.нинг амалга ошиш механизмини миқдор ва сифат ўзгаришларнинг узаро алоқадорлиги, Т. йўналишини диалектик инкорга асосланган абстрактликдан конкретликка томон бўлган ҳаракат ташкил этиши ҳақидаги чуқур маънога эга фикрлар мантиқан асосланган. 20-а.да илмий билишнинг ривожланиши, айниқса биология, маданият тарихи соҳаларида эришилган муваффақиятлар таъсирида Т.нинг ички механизмлари ҳақидаги тасаввурлар кенгайди. Хусусан, Т. ўзининг катта йўналишларида, мас., органик дунё эволюцияси ёки цивилизация ривожидан бир жинсли эмаслиги, турли хил тенденциялар: прогресс, регресс, турғунлик каби жараёнлардан ташкил топиши (мас., организм ва цивилизациянинг баъзи турлари-

нинг йўқ бўлиб кетиши, бошқаларининг пайдо бўлиши, мавжудларининг модификацияга учраши) маълум бўлди.

**ТАРИХИЙ МАТЕРИАЛИЗМ** (тарихни материалистик тушуниш) — марксизмнинг жамият тараққиёти туғрисидаги қараши. Жамият тараққиётининг энг умумий қонунларини ўрганувчи фан сифатида талқин қилиб келинди. Асосий гоёларини К.Маркс, Ф.Энгельс ва В.И.Ленин илгари сурган. Т.м. жамият моддий ҳаёти — ижтимоий борлиқнинг ижтимоий онга нисбатан бирламчилигини эътироф этади; жамият тараққиётининг асосида моддий ишлаб чиқариш усули ётади, деган гоёга асосланади. Ишлаб чиқариш муносабатларини усткурманни белгиловчи иқтисодий структура (жамиятнинг базиси) сифатида ажратиб кўрсатади; тарихни ижтимоий-тарихий формацияларнинг алмашинуvidан иборат қонуний табиий-тарихий жараён, унинг натижасида коммунизм қарор топади, деб тушунади. 20-а.нинг 20—30-й.ларидан Т.м. догмалаштирилди ва схемалаштирилди, коммунистик партиялар сиёсатига бўйсундирилди. Унда синфий бўлишнинг сақланиши, синфий кураш, ижтимоий инқилоб каби воқеаларнинг қонуний эканлиги ва антагонистик формацияларга хоёлиги уқтириб келинди. Т.м. жамият тараққиёти, унинг ривожланиши қонунларини бир ёқлама ёки бурштириб талқин этган, инсон омилига етарли эътибор бермаган.

**ТАСАВВУФ**, с у ф и й л и қ — ислонда инсонни руҳий ва ахлоқий жиҳатдан комиллик сари йўлловчи таълимот. Т. сузининг узаги ва мазмуни ҳақида олимлар турли фикр ва тахминлар билдиришган. Улар ичида Ибн Халдуунинг фикри ҳақиқатга яқин деб эътироф этилган. У «Му-

қадима» асарида Т. «сувф» – «жун», «пўстин» сўзидан олинган бўлиши керак, зеро қадимдан таркидунё қилган зоҳидлар жундан туюқилган кийим ёки пўстин кийиб юришни одат қилганлар, бу билан улар башанг кийиниб юрвчи аҳли дунёлардан фарқли ҳаёт тарзини ўзларида намоён этганлар, дейди. Т. ва «суфий» сўзлари 9-а.нинг бошларида яшаган Абу Ҳошим Суфийдан бошлаб жорий этилган. Ундан олдинги даврларда бу атама ўрнида «зуҳд» («зоҳидлик», «таркидунёчилик»), «тақводорлик», «парҳезкорлик» каби сўзлар ишлатилган. Ибн Халдуннинг фикрига кўра, саҳобалар, тобеинлар ва улардан кейинги аср кишиларида ҳидоят, ибодат, тақво ва зоҳидлик каби ҳис-туйғулар мужассам бўлган. Лекин ҳижратнинг 2-асри ва ундан кейинги даврга келиб, одамларнинг кўпчилигида мазкур хусусиятлар ўрнида дунёпарастлик, дин ишларига бепарволик, кибр ва рижкорлик каби салбий хусусиятлар пайдо бўла бошлагандан кейин обидлик ва зоҳидлик ихтиёр қилган бир гуруҳ кишилар Т. ва суфийлик номи билан ажралиб чиққанлар. Т. турлича талқин қилинган. Мас., Маъруф ал-Кархий (815 й. вафот этган) фикрича, «Т. – ҳақиқат сари интилиш, одамлардан тамагирлик қилмаслик ва фақирликни ихтиёр этишдир». Зуннун ал-Мисрий (859 й. вафот этган) «Суфий бойлик истаб узини чарчатмас ва йўқотган бойлигига ачиниб, безовта бўлмас», деса. Жунайд ал-Бағдодий (909 й. вафот этган) «Т. – қалбни соф тутмоқ, туғма заифлик ва нохуш ахлоқлардан фориг бўлиб, ҳайвоний ва нафсоний туйғулар усидан галаба қилмоқ», деб таъриф берган. Яна у «Т. бир уй бўлса, шариат унга кирадиган эшикдир», де-

ган. Мисерлик олим Иброҳим Басуний «Исломда тасаввуфнинг пайдо бўлиши» китобида ҳижрий 3- ва 4-а.ларда яшаб ўтган олимларнинг Т. ҳақидаги 40 та таърифини келтиради. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Т. ислом шариати талабларини ҳам ихлос билан бажарган ҳолда зуҳд, тақво, камтарлик каби олийжаноб фазилатларни ўзида мужассам этиб, нафси поклаш йўли билан комил инсон даражасига эришишга ҳаракат қилишдан иборат. Т.да ҳам бир неча тариқатлар шаклланган. Машҳурлари – тайфурия, жунайдия, ҳакимия, қодирия, ясавийлик, маломатийлар, рифоия, кубровийлик, суҳравардийлик, чиштия, акбария, шозилия, бектошия, мавлавия, нақшбандия, санусия тариқатларидир. Мустақиллик йиллари мамлакатимизда Т. тариқатларини ўрганиш, унга доир асарларни таржима қилиш, атоқли машоойихларнинг мақбараларини қайта қуриш ва таъмирлашга аҳамият берилмоқда. Ҳаким Термизий, Нажмиддин Кубро, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Ҳожд Аҳмад Ясавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳроп Валий, Шайх Зайниддин, Занги ота, Шайх Хованда Тоҳур ва б. кўплаб Т. тариқатларига мансуб пири комилларнинг ҳаёт ва ижодларини чуқур ўрганиш, қолдирган асарларидан халқимизни баҳраманд этиш борасида муайян ишлар қилинди.

**ТАСНИФ** (араб. – саралаш, тартибга солиш), классификация – илм ёки инсон фаолиятининг бирор соҳасига оид ўзаро бир хил тушунчалар системаси. Т. ҳар бир фанга хос муҳим мантиқий амал бўлиб, унинг воситасида шу фан доирасида тўпланган билимлар қатъий тартибга солинади. Фанни ўрганишда бун-



дай Т. қулайлик туғдиради. Т.да бўлинувчи ва бўлувчи тушунчалар ўзининг қатъий ўрнига эга бўлади. Т. натижасида фанда муҳим аҳамият касб этувчи жадваллар, чизмалар, графиклар, кодекслар вужудга келади. Табиий ва сунъий Т.лар бир-биридан фарқ қилади. Табиий Т. объектларнинг муҳим белгиларига асосланади (мас., кимёвий элементларнинг даврий системаси). У илмий тадқиқотнинг натижаси ва муҳим воситаси бўлиб, билиш жараёнида катта аҳамиятга эга. Сунъий Т. асосида объектларнинг номуҳим белгилари ётади ва турли-туман предметларни тартибга солиш учун хизмат қилади (мас., кутубхонада китобларни алфавит бўйича жойлаштириш). Т.да мантиқдаги бўлиш қоидаларига қатъий риоя қилиш лозим. Т.лаш давр ўтиши билан ўрганилаётган объект ҳақидаги билимларимизнинг ривожланишига мос равишда такомиллаштириб, тузатилиб, ривожлантириб борилади. Т.лаш ҳар бир тушунчанинг тафаккур тизимидаги ўрнини аниқлаб беради. Т.лаш натижасида ҳосил бўлган билим предметнинг асосий хусусиятлари ҳамда улар ўртасидаги муносабатларни аниқлашга имкон яратади ва бу билимлар тартибга солинган билим ҳисобланади.

Билимларнинг келиб чиқиши, илмлар тартиби, структураси ва ўзаро муносабатини ўрганишда фанлар Т.и муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу масала билан ўтмишда кўп олимлар, жумладан, Аристотель, Форобий, Ибн Сино, Ф.Бэкон, Декарт, Милль, Спенсер, Кант шуғулланган.

**ТАФАККУР** — объектив олам инъосининг олий шакли; объектив воқеликнинг онгда акс этиш жараёни. Т. жараёнида инсонда фикр, мулоҳаза, гоя, фараз кабилар вужудга келади ва улар шахснинг онгида ту-

шунча, ҳукм, хулосалар шаклида ифодаланади. Т. кишиларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида пайдо бўлади. Т.нинг биологик асосини, физиологик механизмларини олий нерв фаолияти ташкил этади. Лекин уни физиологик жараён билан тўла-тўқис изоҳлаб бўлмайди, чунки Т. ижтимоий тараққиётнинг маҳсулидир. Барча ижтимоий ҳодисалар каби Т. услуби ҳам ижтимоий шарт-шароитлар билан белгиланади. У ишлаб чиқариш усули, жамият ижтимоий таркиби, мафкуравий қарашлар ва б. ижтимоий муносабатларга бевосита боғлиқдир. Т. меҳнат ва нутқ фаолияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолдагина мавжуддир. Шу сабабли инсон Т.и нутқ билан жуда маҳкам боғланган ҳолда амалга ошади ва унинг натижалари тилда қайд қилинади. Т. жараёнининг натижаси ҳаммиса бирон-бир фикрдан иборат бўлади. Т. ўзининг умумийлиги ва мавҳумлиги билан ажралиб туради. Т. шакллари ни тушунча, муҳокама, хулоса ташкил этади. Инсон Т.и физиология, мантик, психология, гносеология, фалсафа, педагогика, кибернетика ва б. фанлар томонидан ва турли методлар ёрдамида ўрганилади. Т. муаммолари хорижда ривожланган неопозитивизм фалсафасида катта ўрин эгаллаган. Ижодий ишлар, кашфиётлар, ихтиролар, таклифлар Т.нинг маҳсули ҳисобланади.

**ТАҚДИР** (араб. — олдиндан белгиланган ҳаёт йўли), қ и с м а т — ҳар бир инсон ҳаёти ва фаолияти ҳамда оламдаги барча ҳодисаларни ягона яратувчи — Аллоҳ амрига боғловчи диний ақида. Т. ислом ва христианликда худонинг азалий илми ва қудрати тарзида изоҳланади. Аксарият одамлар орасида «Тақдири азалдан қочиб қутилиб бўлмайди», деган та-

саввур кенг тарқалган. Исломга кўра, Аллоҳ таоло раҳматидан умилни узиш ва унинг азобларидан хотиржам бўлиш кайфияти куфрдан бошқа нарса эмас. Дунё ва охиратдаги ҳар бир нарса Аллоҳнинг истак-хоҳиши билан бўлади. Лекин, шу билан бирга Аллоҳ бу дунёни бир синов сифатида яратганлиги эътироф қилинади. Шундай экан, унинг берган неъматларига шукур қилмаган ҳамда берганига шукур қилган ва йўғига қаноат қилган одамларга булган Аллоҳнинг жазоси ва ажри — мукофоти ҳам шунга яраша бўлади, деб таъкидланади. Шунини алоҳида кўрсатиб ўтиш жоизки, Т. исломий таълимотлар ривожи тарихида узлуксиз равишда кескин баҳс-мунозараларга бўй бўлиб келди. Умар Хайём бу ақидага ўз муносабатини қуйидаги шаклда ифодалайди: «Ё раб, лойимники қорган ўзингсан, уриш-қароимни ўрган ўзингсан. Ёмонманми, яхши, мен қандоқ қилам? Тақдир мангайини берган ўзингсан». Т.га қадарийлар, жабарийлар, муътазиллийлар ва мутакаллимларнинг муносабати ҳам ўзига хосдир. Исломдаги илк илоҳийёт оқимларидан бири — қадария мутлақ фатализм тарафдорлари бўлган жабарийларга қарши чиқиб, одилликни Аллоҳнинг асосий сифатларидан бири, деб талқин қиладилар. Шундай экан, гуноҳ ва савобни у олдиндан белгилаб қўйиши мумкин эмас, ундан фақатгина, адолатли ишни кутиш мумкин, гуноҳ эса одамларнинг эркин фаолияти билан боғлиқ, деган фикрда булганлар. Бандалар ҳаракатларининг барчаси Аллоҳнинг иродаси, истак хоҳиши, ҳукми, қазоси ва тақдири туфайлидир. Лекин, шу тақдир туфайли уларга ихтиёрий ҳаракат эркинлиги ҳам бе-

рилган. Бундай ҳаракатлар натижаси баъзан савобга, баъзан куфрга тўғри келади. Айнан шу натижага қараб, улар охиратда мукофотга ёки жазога лойиқ топиладилар. Аллоҳнинг бандалар қилган яхши ва гузал ҳаракатларига ризоси бор, аммо уларнинг чиркинликларга олиб келган ҳаракатлари жазосиз қолмайди. **ТЕИЗМ** (юн. theos — худо) — оламни худо томонидан яратилганини тан олган диний-фалсафий таълимот. Худо оламдан ташқарида туради, оламни ўз иродаси билан яратган ва унда мавжуд бўлган мутлақ шахс деб тушунади. Нариги дунёдаги худонини тан олиш Т.ни пантеизмдан, худонинг доимий фаоллигини тан олиш эса деизмдан фарқлантириб туради. Т. келиб чиқиши жиҳатидан ўзаро яқин бўлган иудаизм, христианлик ва ислом динлари учун хосдир. «Т.» атамасини дастлаб инглиз файласуфи Р.Келворт (1617–88) қўллаган. **ТЕХНИКА** (юн. technē — маҳорат, санъат) — ишлаб чиқариш жараёнлари ва жамиятнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжларини амалга ошириш мақсадида инсон фаолияти билан яратиладиган воситалар мажмуи. Асосий вазифаси — инсон меҳнатини энгиллаштириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш. Одамзотнинг яшаш учун кураш воситалари (мас., тошдан турли асбоб-ускуналар)ни яратиш санъати тахм. 2 миллион йиллик тарихта эга. 17-адан бошлаб Ғарбий Европада машина меҳнати шакллана бошлади ва у 20-ага келиб инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларини камраб олди. Бундай шароитда «Т.» атамаси ўзининг илгариги тор маъноси доирасидан чиқиб, одамларнинг эҳтиёж ва истакларига мувофиқ равишда муайян нарсаларни мақсадли ўзгарти-

риш, уларга шакл бериш, жисмоний ва ақлий ишларнинг иложи борича асосий қисмини машиналар ёрдамида бажаришга қаратилган барча фаолият йўналишлари маъносини англатадиган бўлиб қолди. Одамзот меҳнатини енгиллаштириш, турмуш қулайликларига эришиш, табиатнинг стихияли кучлари устидан ҳукмронликни кучайтириш йўлида табиат қонунларини каниф этиш ҳоз. замон техникаси ва технологияси ривож ҳамда уларнинг такомиллашуви учун шартшароит яратиб берди. Бу ҳол аввало, табиётшунослик ва кейинчалик Т. фанларининг мисли қурилмаган даражада ривожланишига олиб келди. Атомнинг парчаланиши аён бўлган, зарралар сир-асрори ичига кириб бориш туфайли ишлаб чиқаришни ялпи автоматлаштириш, бошқаришни компьютерлаштириш даври бошланди. Инсоният эндиликда информатика даврига қадам қўймоқда. Натижада, индустриалланган жамиятлар вужудга келиб, Т. қудрати олдидан сажда қилиш етакчи майлга айланиб бормоқда. Одамзот ҳаёти ва фаолиятининг Т. интирок этмаётган биронга соҳаси йук. Т. тараққиёти туфайли бир томондан мисли қурилмаган даражада турмуш қулайликлари вужудга келиб инсоннинг чинакам инсондай яшаш имконияти кенгайиб бораётган бўлса, иккинчи томондан Т. ривож тасбирида у ўзининг ижтимоий моҳиятидан тобора узоқлашиб, анъанавий турмуш тарзининг тарих синовларидан утган маънавий-ахлоқий жиҳатларининг кўндалан маҳрум бўлиб бормоқда. Ҳоз. замон Т. си оқимларининг мудрийан ихтисослик бўйича уюшган жамоасидан чуқур билим, етук малака ва қаттиқ интизомни тақозо этади. Шу

туфайли индивид тор, чекланган соҳа билимдони ва малакали иш бажарувчи бўлишга интилиб, унинг ҳаёт маъноси ва мақсад-муддаоси тўғрисидаги тасаввурлари чекланиб қолмоқда. Жамиятни индустриаллаштириш жараёни натижасида Ғарб мамлакатларида юзага келган цивилизация бўҳронининг олдини олиш, истиқболдаги муқаррар ҳалокат туфайли юзага келиши мумкин бўлган келажакка умидсизлик, ишончсизлик ва ваҳима руҳининг чекланишига эришиш учун турли лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Ғарбча техноген жамиятларни Шарқ донишмандлиги билан қўшиб ягона чинакам инсоний цивилизацияга асос яратиш имконияти мавжуд, деган фикр илгари сурилмоқда. Шунинг учун биосферанинг ноосфера билан узвий боғлиқлик даврини инсоният ақл-заковати ва унинг меваси — фан-техника муваффақиятиларини фақат бунёдкорлик, яратувчилик томонга буриб юборишга буюк ишонч руҳида камол топтириш, тарбияланган янги авлодни шакллантириш фавқуллодда аҳамиятли умуммиллий ва умумбашарий вазифа бўлиб қолаётганини англаш даври келди.

**ТЕХНОКРАТИЯ** (юн. *techné* — маҳорат, санъат ва *kratos* — ҳокимият) — жамиятда техника мутахассислари урни ва аҳамиятининг борган сари ошиб бораётганлиги, бунинг зарурлиги ва муқаррарлигини асословчи ижтимоий-фалсафий ва иқтисодий концепция. Т. назарияси тарафдорларининг фикрича, давлатдаги иқтисодий ва сиёсий ҳокимият технократлар — инженерлар, менежментлар, ишлаб чиқариш ташкилотчилари назорати остида бўлиши керак. Т. тўғрисида дастлаб 20-а.нинг 20-й.ларида америкалик иқтисодчи ва социолог

Т.Веблен асарларида илгари сурилди. Унинг фикрича, техника мутахассислари саноат ва ижтимоий тараққиётнинг олга сурувчилари бўлиб, келажакда улар саноатда етакчи ўринларни эгаллашлари керак. Кейинчалик Т. концепцияси А.Берл, А.Фриш асарларида ривожлантирилди. Америкалик социолог Ж.Бёрнхем ўзининг «Бошқарувчилар инқилоби» асари (1941)да бошқарувчилар бир қанча мамлакатларда «технологик инқилоб» натижасида ҳақиқий кучга айланиб, эндиликда капитализм ўрнига социализм эмас, балки «бошқарувчилар жамияти» келаятганлигини алоҳида уқтириб ўтади. Бу назария Ж.Гольбрейтнинг «Янги индустриал жамият» (1969), «Иқтисодий назариялар ва жамият мақсади» (1976) номли асарларида ҳар томонлама ишлаб чиқилди ва давлат капитализмининг ҳоз. босқичида технократик тизим шаклланаётганлиги исбот қилиб берилди. Ҳоз. босқичда барча ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларнинг компьютерлашуви, информацион инфраструктура ва технологияларнинг бутун дунёда кенг қулоч ёйиши натижасида Т. назарияси ва технократларнинг аҳамияти ҳамда таъсири ошиб бормоқда. Бу шароитда техника мутахассисларининг эксперт ва маслаҳатчилар сифатидаги аҳамияти ҳам ортмоқда.

**ТИПОЛОГИЯ** (юн. *typos* — из, нуса, намуна ва *logos* — сўз) — илмий билиш методи. Умумлашган, идеаллашган модель ёки тип ёрдамида объектларни системалар орқали фарқлаш, гуруҳларга бўлиш, изоҳлаш ва қиёслашдир. Т. муаммолари барча фанларда мавжуд бўлиб, хилма-хил кўплаб объектлар билан муносабатда бўлади ва бу кўпликни тартибли таърифлаш ҳамда изоҳлаш вазифасини бажаради. Т. ўрганилаётган

объектларнинг ўхшаш томонларини аниқлаш ва фарқли томонларини ўрганиш, ухшашликнинг ишончли усулларини излаш, назарий мукамал шаклда тадқиқот тизимининг тузилишини тасвирлаш, ҳозирча ноаниқ бўлган объектлар мавжудлигини башорат қилиш. унинг қонуниятларини аниқлашга интилади. Т. тузилиш жиҳатидан эмпирик ва назарий Т.га бўлинади. Эмпирик Т. асосида тажрибадан олинган билимларни умумлаштириш, индуктив метод билан аниқланган барқарор, ўхшаш ва фарқли белгиларни эътироф этиш, олинган билимларни бир тизимга солиш ва изоҳлаб бериш ётади. Назарий Т. одатда тизимни ташкил қилувчи алоқаларни аниқлаш, объектни унинг тузилиш даражалари ҳақидаги тасаввурлар билан боғлиқ бўлган тизим сифатида тушунишга таянади. Бундай Т. объектни тушунтириш ва унинг назариясини яратишнинг асосий воситаларидан биридир. Т.нинг илмий билишда қўлланиладиган турли шакллари мавжуд. Булардан морфологик Т. қандайдир ўзгармас «архетип»ли тузилиш режасини излашга қаратилган бўлиб, у биологик тадқиқотларда кенг қўлланилади. Илмий билишда тарихий ёндашишнинг тан олиниши билан биргаликда қиёсий-тарихий Т. шакллланган бўлиб, унинг мақсади тизим тараққиётини ёритишга қаратилган. У биологияда филогенетик тизим, тилшуносликда ҳинд-европа тиллари генеологик йўналишининг яратувчисини сифатида намоён бўлади.

**ТОЛЕРАНТЛИК** (лот. *tolerantia* — чидам, сабр-тоқат), бағрикенглик — ўзгаларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, одатлари, ҳис-туйғулари, фикр-мулоҳазалари, гоёлари ва эътиқодларига нисбатан тоқатли, чидамли бўлиш. Бу бир-бирига ўхшамаган

одамларнинг бирга аҳилликда яшашга интилишидир. Бирор-бир инсонда ёки бирор-бир бегона маданиятда бизга нимадир ёқмаслиги мумкин, бироқ улар ўзгаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зиён етказмаса, жорий қонунларни бузмаса уларнинг мавжудлиги ва ривожланишини тан олишимиз керак. Яъни, Т. бу ўзгаларнинг фикри, қарашлари ва хатти-ҳаракатига пассив, табиий равишда бўйсунганини аниқламайди. Балки, алоҳида одамлар, турли гуруҳлар, халқлар, ижтимоий гуруҳлар ўртасида бир-бирини тушуниш, ижобий ҳамкорлик йўлидаги фаол ахлоқий нуқтаи назар ва психологик ҳозирликни аниқлатади. Ҳоз. глобаллашув жараёнида Т. энг муҳим умуминсоний қадриятлардан бири сифатида танилганлигини ЮНЕСКО Беш конференцияси томонидан 1995 й.да қабул қилинган «Толерантлик тамойиллари декларацияси» яққол кўрсатади. Т. хилма-хилликдаги уйғунликдир. Бу жаҳон маданиятининг хилма-хиллиги, ўзлгимизни намоён қилиш шакллари ва инсоний фазилатларни ифодалаш усулларига ҳурмат ва уни қабул қилишидир. Шу билан бирга, Т. дунёқараш сифатида зўравонлик кўриниши бўлган экстремизмга қарама-қаршидир. Жамиятда турли халқлар, миллатлар ва динларнинг ўзига хос хусусиятларига нисбатан Т. муносабатини Ўзбекистон мисолида кўриш мумкин. Мамлакатимизда турли тоифадаги одамлар, сиёсий кучлар ва партиялар ўртасидаги ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик тамойили ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим омиллари-дан биридир. Ўзбекистондаги 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари-нинг 15 дан зиёд конфессияга мансуб дин вакиллари тинч-осойишта, ҳамкор, ҳамжиҳат яшаб келаётгани Т.нинг

яққол намунаси-дир. Халқимиз Т.и Ўзбекистонда миллий ҳамжиҳатлик руҳини таркиб топтирди. Турли миллат вакиллари Ўзбекистонни ўз ватани деб ҳис этиб миллий маданияти, санъати, диний муносабатлари ва эътиқодини намоиш этишда кенг имкониятларга эга бўлдилар. Ўзбекистонда иш юритаётган 130 дан ортиқ миллий-маданий марказлар ва уларнинг фаолиятлари ана шундан далолат беради.

**ТРАНСЦЕНДЕНТАЛ ВА ТРАНСЦЕНДЕНТ** (лот. transcendentis — босиб ўтиш, чегарадан чиқиб кетиш) — баъзи бир фалсафий таълимотларда учрайдиган тушунчалар. Турли хил ғайритабиий нарсаларни ифодалаш учун ишлатилган (трансценденталлар 16-а.да пайдо бўлган). Хусусан, схоластик фалсафада уларни борлиқнинг универсал хусусиятлари — яққолиги, ҳақиқатлилиги ва ш.к.ларни акс эттирувчи энг умумий тушунчалардан иборат деб ҳисоблашган. Схоластлар фикрича, бу хусусиятлар ғайритабиий тусга эга бўлиб, уларни тажриба йўли билан билиб бўлмайди, унга фақат интуиция орқалигина эришиш мумкин. И.Кант фалсафасида трансцендентал тушунчаси инсон онгини, унинг билиш қобилиятини ифодалаш учун қўлланилади. Кант фикрича, трансцендентал онг «соф» онг бўлиб, у барча кишиларда бир хилдир. У ўзида априори (инсон тажрибасига қадар мавжуд бўлган билим) категориялари (мас., макон ва замон)ни мужассамлаштирган бўлиб, улар ёрдамидагина тажрибани вужудга келтириш, билиш жараёнини амалга ошириш мумкин. Трансцендент тушунчасидан Кант онг ва билиш чегарасидан ташқарида ётган нарсаларни — «нарса ўзида» олами-ни ифодалаш учун фойдаланади. Унинг фикрича, «нарса ўзида» (бу

олам) мавжуд, лекин уни билиб бўлмайди. Трансцендент (ирода эркинлиги, жоннинг улмаслиги, худо)-ни билиш мақсадида тажриба доирасидан четга чиқиш ақлни ҳал қилиб бўлмайдиган зиддиятлар — антиномияларга дуч келтиради. Трансценденталар ҳақидаги таълимотларни фалсафа тарихида бир қатор мутафаккирлар, хусусан Т.Гоббс ва Б.Спиноза қаттиқ танқид қилган.

**ТУРМУШ ТАРЗИ** — шахс, ижтимоий гуруҳ, элат, миллат, халқнинг кундалик ҳаётини ифодаловчи тушунча. Т.т.га турли жиҳатлар: фалсафий, социологик, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-гуруҳий ва б. нуқтаи назардан ёндашилади. **Шахс**, ижтимоий гуруҳ Т.т. муайян давр шарт-шароитларининг бутун мажмуаси билан белгиланади. Т.т. ижтимоий категория. У турмуш даражаси деб аталадиган иқтисодий категорияга нисбатан кенгдир. Турмуш даражаси, асосан, миқдор кўрсаткичига эга бўлса, Т.т.нинг моҳияти, мазмуни ва намён бўлиш шакллари кўп ҳолатда кишиларнинг ҳаёт кечирishi, меҳнати, соғлиги ва ҳатто хулқ-атвори билан ифодаланади. Муайян элат, миллат ва халқнинг Т.т. уларнинг яшаш жойлари билан боғлиқ ҳолда шаклланиб ўзгариб боради. Ўзбек халқи ўз ҳаёт фаолиятида камтарлик, катталарга ҳурмат, меҳнатсеварлик, бағрикенглик, софдиллик каби ахлоқий ҳислатларга алоҳида эътибор беради. Ўзбек халқидаги бундай фазилатлар мизлий урф-одат ва анъаналарда, кундалик Т.т. ва миллатлараро муносабатларда акс этган. Халқимиз ҳаётида одоб-ахлоқ меъёрлари асосидаги расм-русумлар, анъаналар ва одатларнинг аҳамияти беқиёсдир. Ўзбек халқи азалдан жамоа бўлиб яшаб, маҳалла, қўшничилик удуми-

га қатъий риоя қилган. Оилада туғилган ҳар бир гўдакка яхши ният билан исм қўйилган, саводини чиқариш учун уни устоз-муаллим қўлига топширилган. Фарзандларни ҳунарли ва уй-жойли қилиш ота-оналар фаолиятининг энг муҳим вазифасига айланган. Одамларнинг, хусусан, ёшларнинг юриш-туриши, улар амал қиладиган тамойиллар ҳамиша жамоа назарида бўлади.

**ТУШУНЧА** — нарса ва ҳодисаларнинг муҳим ҳусусиятлари, алоқалари ва муносабатларини акс эттирувчи тафаккур шакли. Т. билиш маҳсулидир, бу билиш оддийдан мураккабга кўтарила бориб, эски Т.ларни мукаммаллаштиради, аниқлаштиради ва янгиларини шакллантиради. Т.нинг асосий мантикий вазифаси бирон нарсани бошқа нарсдан фикран ажратишдан иборат. Предметларнинг туркумларини ажратиш ва бу предметларни Т.да умумлаштириш табиат қонунларини билишнинг зарур шартидир. Ҳар бир фан муайян Т.лар билан иш қуради, уларда билимлар жамланади. Т. ҳиссий билиш шаклларида фарқ қилиб, инсониясида тўғрилиқ-тўғри акс этмайди. У таққослаш, анализ, синтез, абстракциялаш, умумлаштириш каби мантикий усуллардан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинади. Т.нинг шаклланиши сўз билан боғлиқ. Улар ўртасидаги узвий алоқадорлик тафаккур ва тил ўртасидаги боғланишнинг аниқ тарзда намён бўлишидир. Т.лар сўз ва сўз бирикмалари ёрдамида ифода қилинади. Ҳар қандай Т. — абстракциядан иборатдир, бу ҳол Т.да воқеликдан узоқлашгандек туюлса-да, ҳақиқатда эса Т. ёрдамида воқеликнинг муҳим томонларини ажратиб, тадқиқ қилиш йўли билан чуқурроқ билиб олинади. Т.ларнинг ўзаро алоқадорлиги ва бир-бирига

утиб туриши диалектик мантиқнинг Т. ҳақидаги қойдасининг муҳим томонларидан биридир.

**ТУФМА ҒОЯЛАР** — фалсафадаги концепция. Унинг моҳиятини тажрибага қадар ғояларнинг мавжуд бўлиши, улар борлиқ ва билишнинг универсал тамойиллари эканлиги ҳақидаги тасаввурлар ташкил этади. Мазкур концепция турли хил кўринишларда мавжуд. Хусусан, Платон фикрича, Т.ғ., билимлар инсон онгида тайёр ҳолда унинг билиш фаолиятини амалга оширилишига қадар мавжуд, лекин у турли хил тўсиқлар таъсирида ҳамма вақт ҳам уларни тўғри англаш имконига эга бўлавермаймиз. Р.Декарт концепциясига мувофиқ, Т.ғ. субъектда потенциал ҳолда мавжуд бўлиб, улар фақат баъзи бир ташқи шарт-шароитлар таъсиридагина реаллашиши, яъни билимлар ҳосил қилишга олиб келиши мумкин. Т.ғ.лар субъект онгига тегишли ҳодиса сифатида талқин қилинганлиги учун мазкур концепциялар-

да объектив борлиқни билиш масаласини тушунтиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу масала бўйича баъзилар инсон туғилгунга қадар унинг «жони» мавжуд нарсаларни мушоҳада қилиш имконига эга бўлган деса, бошқалар Т.ғ.ларни билиш объектларнинг реаллигини кўрсатувчи мезонларга эга, яъни Т.ғ.ларнинг ўзлари билиш объектларини яратадилар, деган фикрни илгари сурадилар. Фалсафада Т.ғ.лар концепциясига яқин турган турли хил таълимотлар мавжуд, уларни бир-биридан фарқлаш зарур. Мас., И.Кант априоризми Т.ғ. концепциясидан фарқ қилади: унда билимларнинг мазмуни эмас, фақат шакли тажрибага қадар мавжуд, деб таъкидланади. Т.ғ. концепциясини ҳоз. пайтда америкалик лингвист А.Н. Хомский қайта тиклашга уринмоқда. Унинг фикрича, нутқда бевосита намоён бўлмайдиган универсал тил унсурлари мавжуд бўлиб, улар Т.ғ.лар ҳақидаги тасаввурларнинг тўғрилигини тасдиқлайди.

## У

**УАЙТХЕД** Альфред Норт (1863.15.2, Рамсгит, Буюк Британия — 1947.30.12, Кембриж, АҚШ) — инглиз-америка файласуфи, математиги, неореализм вакили. Кембриж ун-тида таҳсил олган ва дастлаб шу ерда илмий иш билан шуғулланган. Рамзий мантиқ масалаларини (Б.Рассел билан ҳамкорликда), математика асосларининг мантиқий таҳлилини ишлаб чиққан. 1890-й.ларда кардинал Ж.Ньюмен (1801—1890) ижоди таъсирида англиканлик ёки католицизм йўналишини танлаш жараёнида диний дунёқараш инқирозини бошидан кечирган. У. 40 ёшгача фалсафа масалалари билан алоҳида шуғулланмаган. Унинг фалсафа соҳасидаги

биринчи илмий иши неореализмга оид бўлган. 1910 й. Лондонга кўчиб келган ва Лондон ун-ти ва б. таълим муассасаларида проф. сифатида ишлаган. 1924 й. АҚШдаги Гарвард ун-тининг фалсафа ф-тига ишга ўтган ва у ерда 76 ёшигача — истейфога чиққунча ишлаган.

У.нинг фалсафий доктринасини аниқлаш қийин. Ўз фалсафасини платонизм билан аристотелизм оҳангидаги спекулятив (мушоҳадали, абстракт) фалсафа (метафизика) деб таърифлайди. Аслида У. санъат, дин, фалсафа тизими доирасида фанни рационал асослаш билан, сўнгги йилларда «фалсафий организм», «хужайралар назарияси долзарбли-

ги», «жараён фалсафаси» (фалсафанинг бунёд этилиши) каби кенг ва кўп қиррали масалалар билан шуғулланган. У. фалсафасининг кенг қамровлилиги, ижодий мавзу ва доминантлар (асосий белги ва устун турган ғоялар) алмашинувига қарамай, унинг ижоди ҳақида бир бутун ҳодиса сифатига гапириш мумкин. У.нинг фалсафаси 1960-й.ларда АҚШ, кейинчалик Европа фалсафасида — «Уайтхед ренессанси» деб аталган. Унинг дунёқараши Н.Гартман танқидий онтологияси билан ҳамоҳанг.

Ҳоз. кунларда У.нинг ғояларига қизиқиш ортган бўлиб, у фалсафий ва ижтимоий фанлар (эстетика, социология) миқёсида тадқиқ этилмоқда. Мас., унинг ижтимоий символизми талқини неореализм асосида танқидий натурфалсафани яратди.

У.нинг фалсафаси асрлар давомида ҳукмронлик қилаётган фалсафанинг онтологик тузилишидан фарқ қилади. Бу фанда баъзи тушунчаларга икки асос орқали танқидий ёндашувни талаб этди: фалсафий монизм тамойиллари кетма-кетлиги асосида уларни (тушунчаларни) «ҳақиқий тажрибага» яқинлаштириш. Унинг фикрича, ҳақиқий борлиқ бу мунтазам бунёдкорлик, ҳар қандай объективлик эса доимий, мунтазам бунёдкорликнинг гаровидир. Унинг фикрича, тил абстракциялар (мавҳумликлар) гипотезалари билан боғлиқ ҳолда ҳақиқатни соддалаштиради, баъзида мазмунан ўзгартириб юборади. Шу сабабдан У. тилнинг символик концепциясини ишлаб чиқди ва уни фанга киритилишини таклиф этди. У. ҳақиқатни ҳиссиёт билан реаллик нисбати деб тушунади. У фанни алоҳида, мустақил ривож этишини инкор этади ва фан ривожи учун хизмат қиладиган интенциялар синтези лозимлигини

қайд этади. Олим фан фалсафий тафаккурсиз мавжуд бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлайди.

### УЗЛУКЛИЛИК ВА УЗЛУКСИЗЛИК

— материянинг тузилиши ҳамда ривожланиши жараёнини ифодаловчи фалсафий категориялар. Узлуклилик материянинг фазо ва вақтда тузилиши ва ҳолати, унинг элементлари, кўринишлари ва яшаш шакллари, ҳаракати ва ривожланиши жараёнининг «дона-доналиги» (дискретлиги)ни билдиради. У ривожланиш жараёнидаги материянинг бўлиниш хусусияти ва маълум даражада ички дифференциацияланиши ҳамда унинг таркибидаги барқарор элементлар, муайян сифатларга эга бўлган тузилмалар (мас., элементар зарралар, ядролар, атомлар, молекулалар, организмлар, сайёралар ва б.)нинг нисбатан мустақил мавжудлигига асосланади.

Узлуксизлик эса, аксинча, маълум даражада мураккаб системалар таркибидаги элементларнинг бирлиги, ўзаро боғланиши ва бир-бирини тақозо қилишини билдиради ва муайян объектнинг нисбий барқарорлиги ва бўлинмаслигига асосланади. Ҳар қандай предмет ёки жараённинг структураси У. ва у.нинг бирлиги сифатида намоён бўлади. Уларнинг бирлиги турли ҳодисаларнинг ривожланиш жараёни учун ҳам ҳосдир. Бунда узлуклилик муайян системанинг янги сифатга ўтишини билдирса, узлуксизлик унинг нисбий тургунлигини, маълум меъёр доирасида бўлишини билдиради. У. ва у.ни бир-бирдан ажратиш, уларни бир-бирига қарши қўйиш ёки бирортасининг аҳамиятини бўрттириб юбориш уларнинг ўртасидаги бирлик, ўзаро боғланишнинг узилиши, йўқолишига олиб келади. **УЗЛУКСИЗЛИК** — қ. *Узлуклилик ва узлуксизлик.*



**УЙҒОНИШ ДАВРИ**, Ренессанс – Марказий Осиё, Эрон, Хитой (9-12 ва 15-а.лар), Фарбий Европада юз берган алоҳида маданий ва тафаккурий тараққиёт даври. «Ренессанс» атамаси дастлаб Италиядаги маданий-маънавий юксалиш (14–16-а.лар)га нисбатан қўлланилган, уни ўрта асрчилик турғунлигидан янги даврга ўтиш босқичи деб баҳолаганлар. Ренессанснинг асосий аломатлари: тафаккурда ва илму ижодда догматизм, жаҳолат ва мутаассибликни ёриб ўтиб, инсонни улуглаш (қ. *Гуманизм*), унинг истевдоди, ақлий-фикрий имкониятларини юзага чиқариш; антик давр (юнон-рум) маданиятига қайтиб, уни тиклаш, бойитиш; черков схоластикасида кутулиб, адабиёт ва санъатда дунёвий гузаллик, ҳаёт тароналарини қизғин куйлаш; инсон эрки, ҳурфикрлилик учун курашиш. Бунинг натижаси ўлароқ, ижодий қудрат ва тафаккур кучини намойиш этадиган улугвор бадиий асарлар, салобатли бинолар яратилди, илм-фан ривожланди. Италияда шoir Петрарка ва Данте, рассом Жотто, адиб ва мутафаккирлар Боккаччо, Ариосто, Тассо, Бёме Ренессанс ғояларининг жарчилари бўлиб майдонга чиқдилар. Кейинчалик Микеланжело, Рафаэль, Шекспир, Сервантес Европанинг турли мамлакатларида буни давом эттирдилар.

Аммо Ренессанс, яъни Уйғониш фақат Европа ҳодисаси эмас. Дунё маданиятини яхлит олиб ўрганган олимларнинг ишлари шуни кўрсатдики, Осиё марказида жойлашган Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эронда Италияга қараганда бир неча аср олдин (9–12-а.лар) улкан маданий кўтарилиш юз берган, илм-фан, фалсафа, адабиёт кучли ривожланиб, илгор инсонпарварлик ғоялари жа-

мият фикрини банд этган, ақлий ва ижодий фаоллик гуркираган. Бу давр дунё илмида «Мусулмон Ренессанси» (А. Мец) ёки «Шарқ Уйғониши» (Н. И. Конрад) номи билан аталиб келинмоқда. Шарқ У.д.да Европа У.д.нинг асосий белгилари мужассам: жўшқин ижодий фаолият, улкан бунёдкорлик ишларининг амалга оширилгани, ақлни ҳайратга солувчи бемисл асарларнинг яратилгани шундан далолат беради. Шарқ У.д. ҳам улуг алломалар, қомусий билим соҳиблари, машҳур мутафаккирларни етиштирди. Аниқ фанлар соҳасида Муҳаммад Хоразмий, Абу Бақр Розий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад ал-Фарғоний, Умар Хайём, Мирзо Улуғбек жаҳоншумул кашфиётлар қилдилар. Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Ибн Рушд, Муҳаммад Ғаззолий, Насафий Азизиддинларнинг фалсафий асарлари тафаккур хазинасини бойитди, олам, одам ва жамият яхлитликда тадқиқ этилиб, янги қонуниятлар очилди, ақлий билим уфқлари кенгайди, фозил жамият ва комил инсон назарияси чуқур ишлаб чиқилди. Шейриятда Абу Абдулло Рудакий, Абулало ал-Мааррий, Абулқосим Фирдавсий, Жалолоддин Румий, Ҳофиз Шерозий, Низомий Ганжавий, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий каби даҳо ижодкорлар етишиб, ўлмас асарлар яратдилар. Миниатюра рассомчилигида бир неча мактаблар шаклланди, бунда Камолоддин Беҳзод расмлари янги ижодий йўналишга асос солди. У.д.нинг яна бир белгиси халқ руҳини ифодалайдиган «Минг бир кеча», «Калила ва Димна», «Қирқ вазир», «Тўтинома», «Синдбоднома», «Жомеъул ҳикоёт» каби қизиқарли саргузаштларга тўла, шавқу завқ қўзғатадиган асарларнинг кўпайгани, иккинчи томондан «Хамса»ларда бўлга-

нидай, инсоний идеалларни мужасам этган ҳикмат ва фалсафага бой умумбашарий гоёларнинг тасвирла-нишидир.

Эрон ва Марказий Осиё халқла-ри бир неча минг йиллик цивилиза-ция тарихига эга. Зотан, қадимияти, қадимги давлатчилиги бўлмаган халқ-да У.д. ҳам бўлмади. Марказий Оси-ёда 9–13-а.ларда ўз халқининг қадимиятига қайтиш, Авесто фалсафаси-ни Қуръон маърифати билан уйғун-лаштириб, қайта тиклашга интилиш тасаввуф таълимоти, «ишроқ» фал-сафасида намоён бўлган. Шу асосда турли назариялар, таълимотлар юзага келиб, фикрий хилма-хиллик ривож-ланди. Тасаввуфий-орифона таъли-мотнинг қарор топиши, тариқаглар ҳам, аслида, ҳурфикрлик ва инсон камолотига бўлган ишончнинг ни-шонаси эди. У.д. вакиллари динга эмас, балки динни схоластика ва жаҳолат манбаига айлантирган киши-ларга қарши курашганлар.

Тафаккурдаги икки: ақлий (раци-онализм) ва важдий (иррациона-лизм) йўналиш намояндалари зоҳи-ран ўзаро келишмай келган бўлсалар-да, амалда Европа У.д.да бўлганидек, инсон онгини бедор этиш, уни ақидапарастлик (тақлидчилик) губо-ридан тозалашда ҳамкорлик қилди-лар. Шу боис ҳурфикрли мутафак-кирлар орасида рационалист олим-лар билан бирга, ориф суфийлар ҳам бор эди. Шарқ У.д. ютуқлари Ғарбий Европадаги У.д.га бевосита таъсир этган. Чунки 12–14-а.ларда мусулмон олами билан Европа давлатлари ора-сида алоқа кучайган эди. Мусиқада ҳам У.д. жараёнига хос юксалиш даст-лаб Шарқда юз берди. Форобий ва унинг издоши Ибн Сино мусиқанинг назарий, фалсафий ва эстетик маса-лаларини атрофлича тадқиқ этиб, умумшарқий таълимотни яратишган.

Форобийнинг «Китоб ул мусиқа ал-кабир» («Мусиқага доир катта ки-тоб») ва, айниқса, Ибн Синонинг «Жавомеъ илм ул-мусиқи» («Муси-қага оид илмлар тўплами») каби асарларида юнон олимлари (Пифа-гор, Аристоксен ва б.)нинг қараш-лари бойитилиб, товушлар балан-дастлиги муносабатлари математик услубда ифодаланган. 12–13-а.ларда ижодий ва ақлий кучлар ривожини намойиш этган Ўн икки мақом ти-зими юзага келди. Амир Темур (14-а.) ва Темурийлар (15–16-а.лар) мусиқанинг барча жабҳаларида янги У.д. юзага келишини таъминлаб бе-ришди. Мазкур соҳаларда наинки муайян касб эгалари, балки ўзга ба-дий ижод соҳиблари, хусусан, Мир-зо Улугбек, Жомий, Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Бобурлар ҳам ном чиқаришган.

Европа мусиқасида У.д. тамойил-лари дастлаб 14-а.да ташкил топган илғор йўналиш — «Арс нова» намо-яндалари (айниқса, Италиядаги ва-киллари — Ф. Ландино ва б.) ижоди-да ўз ифодасини топди. Улар дунё-вий мазмундаги илк профессионал вокал мусиқа шакллари (баллада, мадригал, качча ва б.)ни ижод қилишди, шеърый матнлар мазмуни-га алоҳида аҳамият бериб ифодали, эркин тузилишдаги куйлар яратиш-ди. У.д. чолғу мусиқанинг дастлабки мустақил шакл ва жанрлари (ричер-кар, прелюдия, фантазия, токката) юзага келди, айниқса лютня, клавесин ва клавиборд мусиқаси кенг ривож топди. Ижодкорлар ва мусиқа назариётчиларининг антик давр ба-дий меросига қизиқиши туфайли янги жанрлар (мас., юнон трагедия-сини «тиклаш» жараёнида — опера), кўп овозли мусиқада полифониянинг қатъий услуби, кейинчалик гомофо-ния услуби қарор топди.

Удда театр санъати ҳаёт кўзгуси ҳисобланиб, кўпқиррали инсон характери, реал воқелик зиддиятларини ақс эттиришга алоҳида аҳамият берди. Бу давр театр намоёндалари антик драма тажрибаларидан фойдаланиб халқ томоша санъати анъаналарини ривожлантирдилар, кундалик ҳаёт завқ-шавқини идрок қилишга даъват этилган дунёвий саҳна асарларини яратишга ҳаракат қилдилар (Л. Ариосто, А. Полициано, Н. Макиавелли ва б.). Удда театр санъати профессионал омиллари кучайди, драматургия ва актёрлик санъати назарияси қарор топди, илк театр бинолари қурилди.

Уд. меъморлиги қадимги анъаналарни ўзлаштириб, уни янги мазмун билан бойитди, янги меъморий қурилмаалар вужудга келди, кўп қаватли уйлар, янги қиёфадаги жамоат бинолари қад кўтарди. Бинони ташқи ва ички томонларини безаш, кенгликни ташкил этиш борасида ҳам муайян ютуқларга эришилди. Бу ўзгаришлар Италиянинг Флоренция, Пиза, Сиена, Генуя, Милан, айниқса, Венеция ш.ларида жуда сезиларли бўлди.

Италия меъморлигида пайдо бўлган янги анъаналар Уд.нинг буюк меъморлари ишларида уз аксини топди. Жумладан, Филиппо Брунеллески катта гумбазли бино қуриш муаммосини ҳал қилди (диаметри 42 м бўлган 8 қиррали гумбазли Санта-Мария дель Фьоре собори), Л. Альберти ўзи яратган янги меъморий композицияларини илмий назарий баён қилган «Меъморлик туғрисида 10 китоб» асари билан назарийчи олим сифатида намоён бўлди. Д.Браманте, Рафаэль, Микеланжело ва б. мураккаб меъморий мажмуаларида юксак маҳорат, бой илм ва назарий фикр, уткир тафаккурни намоён қил-

дилар. Нидерландия ва Германияда Уд. меъморлиги сўнгги готиканинг тараққий этган даврига тўғри келди (Антверпендаги ратуша, 1561–65, меъмори К. Флорис; Германиянинг Гейдельбергидаги сарой, 1556–59). 16-а. ўрталарида Францияда антик даврга ҳамда Италия Уд. меъморлигига асосланган ўзига хос меъморий услуб шаклланди (Шамбор қасри, 1519–40, меъмори Т. ва Д. Сурдо, П. Нево ва б.). Испания, Чехия, Польша, Венгрия Уд. меъморлиги ўзига хос миллий хусусиятларга эга бўлган (Прагадаги Бельведер ёзги саройи, 1535–63, меъмори Ж. Спацио ва б.).

Уд.нинг буюк ғоялари, айниқса, тасвирий санъатда ёрқин ифодаланди. Антик давр меросини ижодий ўзлаштирган италий рассомлари замонасининг илм-фан ютуқларига таяниб инсон ва уни ўраб турган муҳитни ҳаққоний ақс эттиришга уриндилар. Улар санъатни перспектива, пропорция, нурсоя, ритм, рангшунослик, ҳажм, ракурс ва ҳ.к. ҳамда одам ганасти тузилиши ҳақидаги аниқ билимлар билан бойитдилар, иконадан каргинага ўтилди, ҳайкалтарошлик мустақил жанрга айланди, фреска санъати юксалди. Янги даврнинг илк хусусиятлари 13–14-а.лар рассомлар (рассом Жотто, ҳайкалтарош Н. Пизано) ижодида кузатилди, 15-а. бошларида янги бадиий дунёқараш рассом Мазаччо, ҳайкалтарош Донателло ижодида ёрқин намоён бўлди. Юксак Уд. Италия санъатида нисбатан қисқа даврни ўз ичига олади, лекин мазмунан жуда улуг булиб, Италия санъатининг «олтин асри» ҳисобланади. Бу давр Леонардо да Винчининг психологик таъсирчан асарларида, уйғунликда ишланган Рафаэль полотноларида, кураш руҳи билан йўғрилган Микеланжело ранг-

тасвир ва ҳайкалтарошлик асарларида, Жоржоне, Тицианнинг колоритга бой ҳаётбахш картиналарида ва б.да намоён бўлди.

15-а. нидерланд rassomлари Я. Ван Эйк ва Х. ван дер Гус, кейинчалик бошқа rassomлар оддий одамларни тасвирлашга катта эътибор берди. Германияда кескин сиёсий ва ғоявий курашлар даврида ўткир ижтимоий ҳусусиятга эга бўлган графика ва рангтасвир кенг тарқалди (А. Дюрер, Х. Хольбейн Кичкина ва б.). Францияда ўта уйғунлашган дунёвий мазмундаги У.д. ривожланди, психологик портретлар ва монументал безак ҳайкалтарошлиги тарқалди (rassom Ф. Клуэ, Ж. Фуке, ҳайкалтарош Ж. Гужон, Ж. Пилон ва б.). У.д.га хос ҳусусиятлар Испания, Чехия, Польша ва б. мамлакатларда ҳам намоён бўлди.

У.д. адабиётида Рабленинг «Гаргантюа ва Пантагрюэль» романи (1532–52), Шекспир драмалари, Сервантеснинг «Дон Кихот» романи (1605–15) ва б. тенгсиз бадиий қимматга эга бўлган асарлар яратилди. Бу асарлар ўзида антик даврга қизиқишни халқ маданиятига мурожаат қилиш билан турмушдаги кулгили нарсаларни фожа билан узвий равишда бирлаштирган эди. Петрарканинг сонетлари, Боккаччо новеллалари, Ариосто, Тассонинг қаҳрамонлик дostonлари, фалсафий гротесклар (Эразм Роттердамскийнинг «Овсарлик мақтови», 1511 ва б.), Монтеннинг эсселари – У.д. ғояларининг турли жанрларда, индивидуал шаклларда ва миллий вариантларда гавдалантирди.

У.д.да *неоплатонизм* (Фичино) ва *пантеизм* (Патрици, Бруно ва б.)нинг фалсафий ғоялари тарқалди, география (буюк географик кашфиётлар), астрономия (Коперникнинг оламнинг гелиоцентрик системасини

ишлаб чиқиши), анатомия (Везалий) соҳаларида буюк илмий кашфиётлар қилинди. У.д. ғоялари феода-л-диний тасаввурларнинг барбод бўлишига ёрдам берди.

У.д. Европа мамлакатларининг маданий ва ғоявий ҳаётида катта ижобий роль ўйнади. бу даврда жаҳон маданиятининг энг нодир ва бебаҳо асарлари яратилди. Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам У.д. инсоният тараққиётининг беназир давридир. У.д.нинг кўп ғояларини 18-а. маърифатпарварлик вакиллари мерос қилиб олди.

**УЛУҒБЕК** (тахаллуси; асл исми Муҳаммад Тарағай) (1394.22.3, Султония, Эрон Озарбайжони – 1449.27.10, Самарқанд) – буюк ўзбек астрономи ва математики, давлат арбоби. Темурийлар ҳукмдори Шохрухнинг ўғли, йирик давлат арбоби, буюк саркарда, кучли, марказлашган давлат асосчиси, илм-фан ва маданият ҳомийси, Соҳибқирон Амир Темурнинг набира-си. 1410 й.дан Мовароуннахрни Туркистон вилояти билан бирга идора этган. У. Ўрта Осиё халқлари илм-фанни ва маданиятини ўрта аср шароитида дунё фанининг энг юқори поғонасига олиб чиқди. Унинг қилган энг буюк иши Самарқанд илмий мактабини – уша давр академиясини барпо этганлиги бўлди. Бу илмий мактабда 200 дан ортиқ олимлар фаолият олиб борди. Улар орасида Қозизода Румий, Ғийсиддин Жамшид Коший каби йирик олимлар бор эди. У.нинг илмий мактаби ўз фаолиятида ўртао-сиёлик машҳур олимлар Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад ал-Фаргоний, Абул Аббос ал-Жавҳарий, Ибн Турк ал-Хутталий, Холид ал-Марваррудий, Аҳмад ал-Марвазий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Берунийлар бошлаб берган илмий анъ-

анага асосланган эди. У. шунингдек, Самарқанд яқинида астрономик муассаса – расадхона барпо қилди.

У. академиясидаги йирик олим – Али Қушчини У. ўзининг «Зижи Кўрагоний» асари сўзбошисида «фарзанди аржуманд», яъни «азиз фарзандим» дейди. Аслида у У.нинг садоқатли шогирди бўлиб, «Зиж» устида ишлар поёнига етказилгунига қадар устозига ёрдам берган.

У. Самарқандда 2 та мадраса барпо қилган: бири – Регистон ансамбли таркибида, иккинчиси Гўри Амир ансамбли таркибида. Бошқа йирик олимлар қатори У.нинг ўзи ҳам бу мадрасаларнинг ҳар бирида ҳафтада бир маротаба маъруза ўқиган. Бошқа вақтини кўпроқ астрономик кузатишлар, «Зиж» устида ишлаш ва давлат ишларига бағишлаган. Илми бўлиш, илм ҳақиқатини ечиш инсон учун олий фазилат эканлигини алоҳида таъкидлаган. Фанда кузатиш методи ва илмий асбоблар аҳамиятига катта эътибор қаратган. Илмий тадқиқотда математик восита ва мантикий методлар ўрнини алоҳида қайд этган.

У.нинг «Рисолаи Улуғбек» деб аталган математик асари ҳам мавжуд бўлиб, унинг 1-нусхаси Ҳиндистондаги Алигарх ун-ти кутубхонасида сақланади. Рисола ҳали урганилмаган. Балки у ҳам ҳисоблаш математикасига алоқадордир.

У.нинг фан ва маданият тарихида сўнмас из қолдирган илмий мероси унинг «Зижи Кўрагоний» асаридир. Бу асар сайёралар, Қуёш ва Ой ҳаракатини талқин қилиш, юлдузлар каталоги ва унда қўлланилган математик усуллари бўйича ўрта асрлардаги астрономик асарларнинг энг мукаммали бўлганлиги учун, аввало, у мусулмон мамлакатлари олимлари диққатини жалб қилган. У. бу асарида

жаҳон халқларининг йил ҳисоблари, вақтни аниқлаш, экватор, эклиптика, азимут, самовий jismlar координатлари ва ҳаракат хусусиятлари, юлдуз ва сайёралар нурлари, Қуёш ва Ой тутилишлари каби масалалар тарихда қандай бўлган деган саволларга жавоб берган. У. астрономияси геоцентризмга асосланган бўлса-да, унинг астрономияга тегишли математик мулоҳазалари ҳануз илм ривожига хизмат қилмоқда. У. илмий меросини ўрганишга биринчи бўлиб Европа олимлари алоҳида аҳамият беришган. Поляк, инглиз, француз астрономлари, кейинчалик немис шарқшунослари ва Европанинг бошқа йирик олимлари унинг асарларини атрофлича ўргандилар ва нашр эттирдилар.

Яқин йилларгача У. фақат астроном ва математик деб ҳисоблаб келинарди. Лекин 20-а. охирига келиб унинг ижоди серқирра эканлиги, тарих, шеърият ва мусиқа бобида ҳам қалам тебратганлиги маълум бўлди.

Тарихчи Мирзо Муҳаммад Ҳайдар «Тарихи Рашидий» асарида «Мирзо Улуғбек тарихнавис донишманд (ва) «Тўрт улус» (тарихини) (ҳам) ёзиб қолдирган эди», деб ёзган. У.нинг туркийда ёзган «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») асари Чингизхон босиб олган мамлакатларнинг 13–14-а.лар 1-ярмидаги сиёсий ҳаётини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. У. ташкил этган бой кутубхонада турли фан тармоқларига оид 15 минг жилддан ортиқ китоб бўлган.

Узоқ ва яқин ўтмиш муаллифлари (Дарвишали Чангий, Фитрат ва б.)нинг таъкидлашича, У. ёшлигидан ўзга фанлар қатори мусиқа илмидан сабоқ олиб, бир қатор куй ва усуллар яратган, бу соҳага оид рисола ҳам ёзган.

У. сиймоси Плуково расадхонаси. Москва ун-ти конференц залларида дунёдаги машҳур олимлар портретлари қаторидан жой олган. Самарқандда У.нинг мемориал музейи ташкил этилган. Тошкентда Ўзбекистон Миллий ун-ти, туман, планетарий, кўча, маҳалла, метро бекати, истироҳат боғи, шаҳарча У. номи билан аталади. Самарқанд архитектура-қурилиш ин-тига, Китоб халқаро кенглик станциясига, қишлоқ, мактаб ва бошқаларга У. номи берилган.

**УМУМЛАШТИРИШ** — инсоннинг воқеликни билиш, тадқиқ этишдаги муҳим фикрий амалларидан бири; нарса ва ҳодисаларнинг ўхшаш ҳамда муҳим белги, хусусиятларини, боғланишларни фикран муайян тушунчага бирлаштириш жараёни ва унинг натижаси. У. — илмий билишнинг муҳим воситаларидан ҳисобланади. У да айримликдан умумийликка ўтилади (мас., «несиқлик» тушунчасидан «энергия» тушунчасига ўтиш) ва умумий тушунча, ҳукм, назариялар ҳосил қилинади (сабзи, пиёз, қарам — сабзавот; олма, нок, ўрик — дарахт). Бундай тушунчалардан юзага келган умумий билим моддий оламни чуқурроқ ақс эттириб, унинг моҳиятини англаб олишга ёрдам беради. Воқелик тўғрисидаги тушунчаларни, уларга асосланган билимларни умумлаштирмасдан фанларнинг асосий категорияларини яратиб бўлмайди. У.сиз билимларимизни системага солиш мумкин эмас. У.сиз фан ва илмий билимлар тараққий эта олмайди. Барча илмий категориялар, улар ёрдамида ифодаланувчи қонун ва тамойиллар, тажрибада тўпланган эмпирик тушунчалар У. натижасида ҳосил қилинган.

**УЧИНЧИСИ ИСТИСНО ҚОНУНИ** — формал мантиқнинг асосий қонунларидан бири. Бу қонунга кўра, бир

хил вақт ва муносабат доирасида айтилган ўзаро зид мулоҳазалардан бири албатта чин бўлади. У.и.қ. зиддият қонунининг мантиқий давоми бўлиб, фикрнинг тўлиқ мазмунини қамраб олиб баён қилинган икки зид фикрдан бири чин, бошқаси хато, учинчисига ўрин йўқ эканлигини ифодалайди. Бу қонун «А ёки В ёки В эмас» формуласи орқали ифодаланади. У.и.қ. тушунчалар ўртасидаги зид муносабатларни ифодалайди. Агар зид муносабатлар тушунчанинг тўлиқ мазмунини қамраб олмаса, икки зид белгилардан бошқа белгиларнинг ҳам мавжудлиги маълум бўлса, унда У.и.қ. амал қилмайди. У.и.қ. қуйидаги ҳолатларда қўлланилади: 1) Алоҳида олинган якка буюмга нисбатан бир хил вақт ва муносабат доирасида ўзаро зид фикр билдирилганда, мас., Тошкент — Ўзбекистоннинг пойтахти. Тошкент — Ўзбекистоннинг пойтахти эмас. Бу мулоҳазалар биргаликда чин ҳам, хато ҳам бўла олмайди. Улардан бири чин, иккинчиси хато, учинчи мулоҳазага ўрин йўқ. Лекин, У.и.қ. ўзаро зид умумий мулоҳазалар доирасида амал қилмайди. Чунки, умумий мулоҳазаларда буюмлар синфига ва шу синфга мансуб ҳар бир буюмга нисбатан фикр билдирилади. Мас., ҳамма файласуфлар нотикдир, ҳеч бир файласуф нотик эмас. Бу мулоҳазалардан бирининг хатолигидан (мас., ҳеч бир файласуф нотик эмас) иккинчисининг чинлиги ҳақида хулоса чиқариб бўлмайди. Бундай ҳолатда «баъзи файласуфлар нотикдир», деган учинчи бир мулоҳаза чин ҳисобланади. 2) Сон ва сифатига кўра, ўзаро зид мулоҳазалар баён қилинганда, яъни буюм ва ҳодисаларнинг синфи ҳақида тасдиқлаб баён қилинган мулоҳаза билан шу синф буюм ва ҳодисалари-

нинг бир қисми ҳақида инкор этиб баён қилинган мулоҳазалардан бири чин, иккинчиси хато, учинчисига ўрин бўлмайди. Мас., ҳамма файласуфлар табиатшуносдир. Баъзи файласуфлар табиатшунос эмас. Бу икки мулоҳаза бир вақтда чин ҳам, хато ҳам бўла олмайди. Улардан бири (баъзи файласуфлар табиатшунос эмас) албатта чин, иккинчиси хато, учинчи мулоҳазага ўрин йўқ. Демак, У.и.қ. икки зид якка мулоҳазаларга нисбатан, умумий тасдиқ ва жузъий инкор мулоҳазаларга нисбатан, умумий инкор ва жузъий тасдиқ мулоҳазаларга нисбатан қўлланилади. У.и.қ.нинг амал қилиши учун олинган зид муносабатларни ифодаловчи тушунчалардан бири тасдиқ, иккинчиси инкор бўлиши ёки бири мусбат ва бошқаси манфий бўлиши шарт эмас. Олинган икки тушунча ёки мулоҳаза бир-бирини ҳажм жиҳатдан тўлиқ инкор этиши кифоя. Мас., эркак ва аёл тушунчаларининг

ҳар иккиси мусбат бўлиб, улар инсон тушунчасининг тўлиқ мазмунини қамраб олувчи зид белгиларни ифодалайди. У.и.қ.да ҳам зиддиятсизлик қонунидаги каби вақт, муносабат, объект айнанлигига риоя этиш шарт, акс ҳолда, бу қонун ўз кучини йўқотади, фикрнинг изчиллигига зарар етади ва мантиқсизликка йўл қўйилади. У.и.қ. бошқа мантиқий қонунлар сингари зиддиятли мулоҳазаларнинг чин ёки хатоллигини аниқлаб беролмайди. Бунинг учун воқеа ва ҳодисаларни, уларнинг ривожланиш қонуниятларини билиш талаб қилинади. Инсон ўз билимларига асосланган ҳолда ўзаро зид мулоҳазалардан қайси бири чин ёки хато эканлигини аниқлайди. Бу қонун ўзаро зид мулоҳазалар бир вақтда чин бўлмаслигини тасдиқлайди. У.и.қ. билиш, муҳокама юритишда тўғри хулоса чиқариш учун муҳим бўлиб, ўзаро зид қарашларни аралаштириб юборишга йўл қўймайди.

## Ф

**ФАЗО ВА ВАҚТ**, макон ва замон – борлиқнинг умумий яшаш шакллари; ф а з о дунёни ташкил этувчи объектлар ва улардаги таркибий нуқталарнинг ўзаро жойлашиш тартиби, кўлами ва миқёсини ифода этса, вақт дунёда содир бўлувчи ҳодиса ва жараёнларнинг кетма-кет рўй бериши ва давомийлигини ифодалайди. Ф. ва в.нинг табиати ҳамда моҳияти ҳақида қадимдан файласуфлар хилма-хил нуқтаи назарни илгари сурган. Уларни умумлаштириб 2 га: субстанциал ва реляцион концепцияга ажратиш мумкин. Субстанциал концепцияда Ф. ва в.нинг мутлақ жиҳатлари, реляцион концепцияда эса уларнинг нисбий жиҳатлари мутлақлаштирилади. Субстанциал ёнда-

шув тарафдорлари (Демокрит, Платон, Эроншахрий, Закариё ар-Розий, Беруний, Патриций, Кампанелла, Гассенди, Ньютон, Эйлер ва б.)нинг фикрича, фазо — материя ва моддий алоқадорликлардан ташқарида, уларга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган мустақил субстанциядир; у моддий объектларнинг жойлашиш макони, фазо мутлақдир. Вақт эса борлиққа, фазо ва ҳаракатга жиддий таъсир кўрсатади. Ф. ва в.ни мустақил субстанция деб ҳисоблаганликлари учун уларнинг ёндашуви фанга субстанциал концепция номи билан кирган. Реляцион ёндашув вакиллари (Аристотель, Августин, ал-Киндий, Ибн Сино, Носир Хисрав, Фахриддин Розий, Насриддин Тусий,

Декарт, Лейбниц, Толанд, Юм, Фихте, Кант, Гегель)нинг фикрича, фазо—моддий дунёнинг таркибий тuzилиши тартибининг намоён бўлиши, жисмларнинг ўзаро жойлашиш ўрни ва моддий нарсаларнинг мавжудлиги тартибини ифодалайди. Фазо жузвий ҳолда ҳам, умумий ҳолда ҳам моддий дунёнинг ҳолатига боғлиқ; материя фазонинг мавжудлиги учун асосий воситадир, вақт эса материянинг атрибути (ажралмас хусусияти), у материядан ташқарида мавжуд бўлиши мумкин эмас, у нисбийдир. Фанда узоқ давр мобайнида фазони вақтдан ажратиб тушуниш ҳукмронлик қилиб келди. Шу жиҳатдан вақтга нисбатан динамик ва статистик қарашлар ҳам мавжуд. Динамик қараш бўйича, вақтнинг фақат ҳоз. замонигина реал мавжуд, ўтмиш ўтиб кетган, келажак эса ҳали йўқ. Статистик қараш вакилларининг фикрича, вақтнинг барча лаҳзалари бир йўла, яхлит ҳолда, бир вақтда мавжуддир, вақтнинг лаҳзаларини ҳар бир субъект ўз бошидан кечиради ва унга гуёки вақт оқиб ўтаётгандек туйилади. Фан ютуқлари Ф. ва в.нинг хусусиятлари микро-, макро- ва мегадунёларда бир-биридан фарқ қилинишини исботлади. Ҳоз. замон фанлари аниқлаб берган Ф. ва в.нинг хусусиятларини 2 турга ажратиш мумкин. 1-турга тегишли ўлчов асбоблари (линейка, рулетка, соат каби-лар) билан ўлчаш мумкин бўладиган, турли ҳисоб тизимларида турлича намоён бўладиган нисбий хусусиятлар кирази ва улар метрик хусусиятлар деб аталади. Бундай хусусиятларга фазонинг кўлами, бир жинслилиги, изотроплилиги, эгилганлиги, вақтнинг бир жинслилиги, бир хиллиги, давомийлиги, анизотроплиги ва б. кирази. 2-турдаги хусусиятлар Ф. ва в.нинг туб моҳиятига

алоқадор бўлган, барча ҳисоб тизимларида бир хилда намоён бўладиган, ўзгармас, фундаментал хусусиятлардир. Улар топологик хусусиятлар деб аталиб, фазонинг узлуксизлиги (ёки дискретлиги), ўлчамлилиги, тартибланганлиги, компактлигида, вақтнинг эса узлуксизлиги, бир ўлчовлилиги, орқага қайтмаслиги, чизиқли боғланганлигида ва б.да намоён бўлади.

Ф. ва в.нинг метрик хусусиятлари борлиқнинг миқдорий муносабатларини ифода этса, топологик хусусиятлари эса туб сифат жиҳатларини акс эттиради. Шу сабабли фалсафада Ф. ва в.нинг метрик хусусиятлари — миқдорий хусусиятлар, топологик хусусиятлари эса сифатий хусусиятлар деб аталади. Ф. ва в.нинг метрик хусусиятлари ўзгарганда воқеликда жиддий структуравий ўзгаришлар рўй бермаслиги мумкин, топологик хусусиятларнинг ўзгариши эса воқеликни, албатта, тубдан структуравий ўзгартиради. Ф. ва в.ни англашда реал, перцептуаль ва концептуаль Ф. ва в.ларни бир-биридан ажрата олиш лозим. Объектив воқеликдаги реал, жисмоний, физик объектлар, нарса ва ҳодисаларнинг ўзига хос Ф. ва в. алоқадорликлари реал Ф. ва в. дейилади. Реал Ф. ва в.нинг инсон тасавурида идрок этилиши — перцептуаль Ф. ва в. бўлса, реал Ф. ва в.нинг математик тенглама ва ҳисоб-китобларда моделлаштирилиши — концептуаль Ф. ва в.дир. Перцептуаль ва концептуаль Ф. ва в. реал Ф. ва в.нинг инъикоси эканлигини ҳисобга олиш лозим, уларни айнанлаштириш кишини чалғитиши мумкин. Ҳоз. даврда борлиқнинг турли ташкилий структура даражаларига алоқадор физик, кимёвий, геологик, биологик, физиологик, ижтимоий (социологик), психологик Ф. ва в. ҳақида-



ги концепциялар ҳам яратилмоқда. Уларда оламнинг тузилиш жиҳатдан хилма-хиллиги ва бирлиги, кўп қирралилиги ва чексизлиги, мураккаблиги ва ниҳоясизлиги асосланмоқда. 20-а.нинг охири – 21-а.нинг бошларида назарий физика, топология, чизиқли алгебра, квант физикаси, релятивистик космология каби фанларнинг ривожланиши Ф. ва в. ҳақидаги тасаввурларни жиддий ўзгартирди, Ф. ва в.нинг турли-туман моделларини тадқиқ қилишга кенг йўл очилди. Бу тадқиқотлар оламдаги ягона энг умумий, универсал ва фундаментал алоқадорлик – Ф. ва в. алоқадорлигидир, деб хулоса чиқаришга асос берди.

**ФАЛЕС** Милетлик (мил.ав. тахм. 625 – тахм. 547) – юнон файласуфи, антик фалсафа ва фаннинг илк намояндаси. Милет мактабига асос солган. Ф. савдогар, сиёсий арбоб, мунажжим, физиолог. сув муҳандиси сифатида ҳам таниқли эди. У кўпгина мамлакатлар (жумладан, Миср ва Бобил)да бўлиб, уларнинг маданияти, фани, фалсафий мероси билан яқиндан танишган. Турли соҳаларда, хусусан, астрономияда кашфиётлар қилди (мас., Юнонистонда 1-бўлиб Куёшнинг мил.ав. 585 й.да тутилишини олдиндан айтиб берган). Ф.нинг фикрича, Ойнинг ёруғи Куёш нури-нинг ундаги инъикосидир. У шунингдек, Куёшнинг 1 й. давомида ҳаракати 365 кунга тенг эканлигини исботлаган. Ф. таълимотига кўра, табиатдаги турли-туман нарса ва ҳодисалар дастлабки ибтидо – сувдан пайдо бўлган ва пировардида сувга айланади. У 1-бўлиб, оламнинг моддий бирлиги ҳақида, бу моддий бирликнинг доимий ҳаракатда ва ўзгаришда эканлигини айтган.

Ф. асарлари сақланмаган. У ҳақидаги маълумотни Аристотель асарлари-

дан топиш мумкин. Жумладан, Ф. «Куёшнинг ҳаракати ҳақида», «Тенг кунлик ҳақида» китобларини ёзганлиги маълум.

**ФАЛСАФА**, философия – инсоннинг дунёда тутган ўрни ва дунёқарашининг яхлит тизимини ифодаловчи маънавий фаолиятининг бир шакли. Мил. 2–3 а.ларда ўтган юнон файласуфи Диоген Лаэртийнинг шохидлик беришича, юнон мутафаккири *Пифагор* биринчи бўлиб, ўзини «философ» деб атаган. Бу сўз *Гераклит*нинг фалсафий таълимотида нарсаларнинг табиатини тадқиқ этишга нисбатан қўлланилган, тадқиқотчининг ўзи эса «философ» деб аталган. Кейинчалик «философ» сўзи ҳар тарафлама кенг, тушунарли ва ҳаққоний фикр юритишга интилувчи кишига нисбатан қўлланилган. Тарихий маълумотлар юнонча *philosophia* сўзи арабчага «фалсафа» бўлиб ўтганлиги, араблар бу фанни «ҳикма» деб аташи, русчага «философия» тарзида ўтганлигини тасдиқлайди, демак фалсафа билан философия сўзлари бир хил маънога эга.

Ф.га ҳақиқатга элтувчи таълимот сифатида ёндашган сократчилар мактаби вакиллари нуқтаи назаридан қарасак, «ҳақиқатга муҳаббат», «ҳақиқатни севиш» деган маъно келиб чиқади. Ф. ҳақида фан тарихида турлича, ҳатто бир-бирига қарама-қарши қарашлар мавжуд. Ф.га ҳамма фанларнинг бошланиши, оламнинг асл моҳияти ва универсал қонуналарини очувчи фан деб ёндашишдан тортиб уни ўз тадқиқот объекти ва предметига эга бўлмаган мавҳум ва ўта умумлашган, инсон учун фойдасиз билимлар мажмуи деб ҳисобловчилар ҳам учрайди. Инсоният фойдаланаётган барча билимлар Ф.дан бошланиб, фалсафий хулоса билан яқунланади. Ф.ни фан даражасига

олиб чиққан *Платон* уни «мавжудликни, мангуликни ва доимийликни билиш», *Аристотель* «нарсаларнинг сабаблари ва асосий тамойилларини тадқиқ этувчи фан» деб билган, стоиклар уни назарий ва амалий тафсилотларга интилиш деб, эпикурчилар унга «ақл воситасида бахтга эришиш йўли» деб қараган. *Форобий* Ф.ни «ҳикматни қадрлаш» ёки фикрлаш санъати деб билган. Ўрта асрлар христиан Ф.сида у «табiiий ақл нури воситасида эришила-диган дунёвий донолик» (теология эса илоҳийлик нури воситасида эри-шиладиган илоҳий донолик) деб таърифланган.

Ф. *Бэкон* ва *Р. Декарт* Ф.ни «тушунчалар шаклига бурканган яхлит, ягона фан» деб ҳисоблашган. *Кант* Ф.га «дунёни қандай тушуниш ҳақидаги, бутун билишнинг инсон ақлининг туб мақсадларига муносабати ҳақидаги фан» сифатида ёнда-шишни таклиф этади. *Фихте* Ф.га «қалб маърифати, маънавий маърифат» деб баҳо берган бўлса, *Шеллинг* воқеликнинг бутун кўлами ва теран-лигини ўз тажрибасига кўра билиб олишни Ф. деб ҳисоблаган. *Гегель* предметларни фикрлан қараб чиқиш-ни Ф. деб атаб, унга «ўз-ўзига эрга-шувчи ақл ҳақидаги фан» сифатида таъриф берган.

Ф.нинг таркибий қисмларига бор-лиқ тўғрисидаги таълимот (онтология), билиш назарияси (гносеология), мантиқ, этика, эстетика, ҳуқуқ Ф.си, натурфалсафа, фан Ф.си, та-рих ва маданият Ф.си, сиёсат Ф.си, дин Ф.си, психология ва б. киради. Булардан ташқари, ҳоз. замон Ф.си-да тиббиёт, тилшунослик, мусиқа, кибернетика ва б. аниқ фанларнинг умумметодологик жиҳатларини ўрга-нувчи Ф. йўналишлари вужудга кел-моқда. Ф.нинг дунёқарашлик, гносе-

ологик, методологик, социологик, аксиологик, антропологик, мантиқий, психологик ва мафкуравий функцияси бор.

Ф. тарихи — инсон тафаккури та-раққийёти тарихидир. Ф. тарихига оид адабиётларда инсоният тарихида хи-той Ф.си, ҳинд Ф.си, Европа Ф.си ажратиб кўрсатилади. Йирик диний таълимотлар сифатида ҳиндуйлик Ф.си, христианлик Ф.си, буддавий-лик Ф.си, ислом Ф.сини кўрсатиш мумкин.

Илк фалсафий таълимотлар Қадимги Ҳиндистон, Хитой, Мар-казий Осиё ва Юнонистонда пайдо бўлган, кейин ғарб мамлакатларига ёйилган. Қадимги Ҳиндистондаги фалсафий мактаблар 2 турга бўли-ниб, бири ведалардан келиб чиққан ва уларга суянувчи мактаблар (ведан-та, йога, вайшешика, ньяя, санк-хья), иккинчиси ведаларни рад этув-чи мактаблар (жайнизм, буддизм, локаята) ҳисобланади. Қадимги Хитойдаги дастлабки фалсафий таъ-лимотлар мил. ав. 7-ада вужудга кел-ган. У Қадимги Хитой ёзма манбала-рида учраб, бу манбаларга «Қушиқ-лар китоби», «Баҳор ва куз» каби қадимги ёдгорликлар ва *Конфуций*-нинг «Афоризм»ларини, даосизмни киритиш мумкин.

Марказий Осиёдаги фалсафий қарашлар қадимги туркий ёзувлар, Тангрита эътиқод қилиш тамойилла-рида ва зардуштийликнинг муқаддас китоби Авестода ўз ифодасини топ-ган. Бундан ташқари, Шарқ халқла-рининг табиатнинг асосий унсурла-ри ер, сув, ҳаво ва оловни эъзозлаш ҳақидаги натурфалсафий қарашлари ва гоёлари Яқин ва Ўрта Шарқ мам-лакатларига кенг ёйилиб Қадимги Миср, Бобил, Лидия мамлакатлари халқларининг тафаккур тарзига син-гиб кетган. Юнонистоннинг илк фал-

сафий мактаби — Милет мактаби ҳам ўз гоёларини Шарқдан олганлиги тадқиқотчиларга маълум. Мил. ав. 2—1-а.ларда Марв, Балх, Термиз, Сигноқ, Самарқанд, Бухоро заминини ўзига қамраб олган ҳудудда кушонлар салтанати қарор топиб, унда будда дини ҳукм суради, унинг фалсафаси бу жойда яшовчи халқнинг тафаккур тарзига ўз таъсирини ўтказди. Аммо Авесто гоёлари халқ онгидан бутунлай чиқиб кетмайди. Мил. 3-а.га келиб тенглик гоёларини илгари сурувчи монийлик таълимоти пайдо бўлди. Бу таълимот маздакийлар ҳаракатининг маънавий таянчи бўлган.

Юнонистондаги фалсафий мактаблар, асосан, мил. ав. 6—5-а.лардан вужудга кела бошлади ва унинг тараққиёт босқичлари классик эллинизм ва рим-эллинизм даврларига бўлинади. Эллинистик Ф. даври сократгача давр (Милет мактаби, Элея мактаби) ва классик (аттик) Ф.ни (Сократ, Платон, Аристотель) ўз ичига олади. Сократгача давр Ф.си космологик (гилозоистик) Ф. ва антропологик даврларни ўзига қамраб олади. Дастлабки космологик фалсафий таълимот Фалесга тегишли. У Анаксимандр, Анаксимен, Ферекид, Диоген билан биргаликда Иония натурфалсафа мактабига мансуб. Улардан сунг борлик ҳақидаги таълимот билан Ксенофан, *Парменид*, *Зенон* (элеялик), Мелисс шугулланганлар. Улар билан бирга Пифагор мактаби (Пифагор, Филлолай, Алкмеон, Архит; мил. ав. 6—4-а.лар) фаолият кўрсатган. Бу даврда антропологик софистика мактаби вакиллари Протагор, Горгий, Гиппий, Прodik ижод қилишган. Мил. ав. 3—2-а.ларда стоиклар (Зенон Китионлик), эпикурчилар (Эпикур, Лукреций), неоплатончилар (Пло-

тин) юнон Ф.сига ўз ҳиссаларини қўшишган. Айниқса, Сократ, Платон, Аристотель Ф.си юнон Ф.сининг шухратини оширади. Юнон Ф.сидаги асосий қарашлар Александр Македонскийнинг Шарққа истилочилиқ юришлари даврида Марказий Осиёга ҳам кириб келди.

Исломи дини ёйилган мамлакатлардаги фалсафий таълимотлар қуйидагича ўрганилади: илк ислом Ф.си (6—8-а.лар), шарқий ислом Ф.си (Мовароуннаҳр ва Хуросондаги фалсафий таълимотлар), ғарбий ислом Ф.си (Шим. Африка ва Испаниядаги фалсафий таълимотлар).

Илк ислом Ф.си даври юнон Ф.сининг араб ва сурёний тилларига таржима этилиши, бу таржималарда яҳудийлик ва христианлик ақидаларининг устуворлик қилиши билан ажралиб туради. Бу даврда исломдаги жабарийлар билан қадарийлар, муътазиллийлар билан мутақаллимлар ўртасида фалсафий қарама-қаршиликлар бўлган. Шарқий ислом Ф.сида дунёвий ва исломий гоёларнинг турли халқ ва цивилизацияларнинг тафаккур тарзи синтезлашган. Шунингдек, табиатшунослик илмларидаги йирик кашфиётларни (мас., кимё илмининг вужудга келиши) фалсафий асослаш, ҳисоблаш маданиятининг тубдан ўзгариши (Хоразмий системаси) билан боғлиқ белгилар кўзга ташланади. Шарқий ислом Ф.си (Мусо Хоразмий, Фаргоний, Киндий, Абу Бакр Розий, Мотуридий, Ашъарий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Носир Хисрав, Юсуф Хос Ҳожиб, Умар Хайём, Ғаззолий, Замахшарий, Фахриддин Розий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ибн Халдун ва б.) ва ғарбий ислом Ф.си (Ибн Туфайл, Ибн Божа, Ибн Рушд) файласуфларининг муслмон олимлари томонидан қайта ишлан-

ган, таржима қилинган асарларининг Европага қайта тақдим этилиши бу ерда Уйғониш даврининг бошланишига таъсир кўрсатган. Ф.нинг кейинги равнақ топиши Марказий Осиёда теурийлар даври билан бошланади. Амир Темур фалсафий ғояларнинг мамлакат истиқболига хизмат қилишини билган ҳолда илм-фан равнақига раҳнамолик қилди. Бу даврда Марказий Осиёда тасаввуф Ф.си, табиатшунослик Ф.си, мантиқ Ф.си ва ахлоқий таълимотлар ривожланди (Рудакий, Фирдавсий, Низомий, Саъдий, Жалолиддин Румий, Тафтазоний, Журжоний, Улуғбек, Хожа Аҳрор, Фузулий, Насимий, Жомий, Навоий, Муҳаммад Қози, Махдуми Аъзам, Бобур, Машраб, Бедил ва б.). Шуни қайд этиш лозимки, ислом Ф.си ўздан илгари ўтган барча динлар билан боғлиқ илмий анъаналарни қабул қилган. Ислому Ф.си ривожига иудаизм, христианлик, буддизм ва б. диний таълимотлар таъсир кўрсатган.

Европа Ф.си эса ўздан олдинги барча фалсафий фикрни илмий билимларни жамият тараққиётига хизмат қилдириш билан боғлаган. Тўғри, Европадаги диний-схоластик фалсафий ғоялар жамият тараққиётига салбий таъсир қилди. Лекин, араб олимларининг таржималари тўғрисида антик давр фани ва Ф.си, қадриятларини кўлга киритган европалик олимлар жамиятни бамисоли қайта уйғотишди. Европа Ф.си схоластика даври, Уйғониш даври, янги давр ва немис классик Ф.си даврига бўлинади. Схоластика даври схоластика равнақи ва схоластика инқирози даврига бўлинади. Уйғониш даврида итальян гуманизми, реформация, табиатшунослик Ф.си, ижтимоий ҳаёлий назариялар илгари сурилган. Янги даврда Ф.Бэкон, Р.Де-

карт, Т.Гобсс, Ж.Локк, Спиноза, Лейбниц, Ж.Беркли, Д.Юм, Ш.Монтескё, Вольтер, Руссо, Дидро, Ламетри, П.Гольбах ва б. файласуфлар ижод қилишган. Немис классик Ф.си Кант, Фихте, Шеллинг, Гегель, Фейербах номлари билан боғланган.

Ф. тарихидаги фалсафий мактаб ва оқимлар ўзлари илгари сураётган фалсафий ғоянинг мазмунига қараб қуйидаги йўналишларга бўлинади: эмпиризм ва рационализм, номинализм ва реализм, материализм ва идеализм, скептицизм ва антискептицизм, агностицизм ва антиагностицизм, догматизм ва релятивизм кабилар. 19-а. ўрталари – 20-а. бошларида анъанавий Ф.дан ўз муаммолари, унга ёндашувлари, нуқтаи назарлари билан фарқланувчи марксизм, эмпириокритицизм, ҳаёт Ф.си, илк фрейдизм ва б. фалсафий оқимлар вужудга келди. Ҳоз. замон Ф.тизимида экзистенциализм, феноменология, психоанализ Ф.си, фан Ф.си, антропологик постмодернизм ҳамда неотомизм, неогегелчилик каби оқимлар мавжуд.

Ўзбекистон Ф.си Шарқ Ф.сининг таркибий қисми, ўзбек халқининг ўзига хос бўлган тафаккур тарзининг намоён бўлишидир. Унинг тарихий илдизларига қадимги Турон ва Туркистондаги халқ оғзаки ижодига оид ҳикमतлар, дostonлар, мақол ва ривоятлар, мутафаккирларнинг фалсафий асарлари, Авестодаги эзгулик ғоялари, тарихимизда ўтган монийлик, маздакийлик, буддавийлик, яҳудийлик, христианлик динларидан кириб келган ҳикматлар, ислом Ф.си, исломнинг муқаддас китоблари, тасаввуф Ф.си, мотуридийлик таълимоти, суннийлик оқими, кубровийлик, яссавийлик, нақшбандия тамойиллари, ватанпарварлик ғояла-

ри, маънавий-ахлоқий қадриятлар киради. Бу Ф. жаҳон фалсафий мероси дурдоналаридан озиқ олади. Ўзбекистон Ф.си ўзбек халқининг тафаккур тарзи сифатида 20-ада шаклланди. Унда Ўзбекистонда яшовчи турли миллат ва элат вакиллари иштирок этишган. Унинг намояндалари жадидлардан Бехбудий, Фитрат, Абдулла Авлоний, Мунавварқори, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Исҳоқхон Ибрат, Сўфизода ва б. Шарқ Ф.си анъаналарини, миллий-маънавий, ахлоқий-маърифий қадриятларни шўролар даврида ҳам сақлаб қолиш ва ривожлантиришга интилишди, лекин бу интилишлар уларнинг коммунистик тузум қурбонига айланишига сабаб бўлди. Совет тузумини ёқлаган илм соҳибларигина қатагонлардан омон қолишди. Халқимиз азалдан фалсафий тафаккур тараққиётига оид муаммоларга қизиқиб келишган. Шу сабабли Ағишер Навоийнинг фалсафий гояларини таҳлил этувчи навоийхонлик, Машрабнинг суфийлик гояларининг замирини чақувчи машрабхонлик, Мирзо Бедилнинг пантеистик гояларини акс эттирувчи рубойларининг мағзини чақиш билан қизиқувчи бедилхонлик анъаналари 20-а.гача давом этган. Бу халқимизнинг Ф.га нақадар қизиққанлигини кўрсатади. Совет даврида Ф. фани чуқур мафкуравий инқирозга учради, коммунистик тузумнинг хизматкорига айлантирилди. Ёзувнинг арабча графикадан лотин графикасига, ундан кириллча графикага ўтказилиши миллий фан ва Ф. тараққиётига салбий таъсир кўрсатди. Наим Саид, К. Ерзин, Ҳаким Неъмат, Р. Холмуродов (Маллин) сингари олимлар Ф. соҳасида фаолият кўрсатдилар. 2-жаҳон уруши даврида Ўзбекистон ФА ташкил этилиши ижтимоий фанлар, хусусан, Ф. фани та-

раққиётига туртки берди. Бу даврда И.Мўминов, С.Валиев, Ж.М.Бобоев, Ҳ.Ф.Расулов, А.Т.Аюпов, С.Азимов, В. Зоҳидовлар Ф. фанига сезиларли ҳисса қўшишди. Ўзбекистонда Ф. фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган олим акад. И.М.Мўминовдир. Бу олим Ўзбекистонда Ф. тарихи (В.Зоҳидов, М.М.Хайруллаев, М. Баратов, Ҳ.Ф.Воҳидов, Р.Носиров, А.Шарипов), табиатшунослик Ф.си ва билиш назарияси (О.Файзуллаев, Б.Исмоилов, Ж.Туленов, К.Иванова, М.Абдуллаева), мантиқ (М.Хайруллаев, К.Ҳақбердиев, М.Х.Нурматов, Л.Е.Гарбер), маданият Ф.си (К.Содиқов, С.Шермухамедов, М.Аҳмедова, О.Умрзоқова, Н.Ғойибов), дин (С.Азимов, А. Ортиқов, М.А.Усмонов, Ж.Бозорбоев), ахлоқ (Й. Жумабоев, Ҳ.Аликулов, Х.Шайхова), ижтимоий Ф. ва сиёсатшунослик (Э.Юсупов, Р.Абдушуқуров, А.Валиев, Ҳ.Пўлатов, С.Турсунмухамедов, Қ.Хоназаров) йўналишлари бўйича тадқиқотлар олиб борувчи фалсафий мактабнинг шаклланишига, Ўзбекистон ФА фалсафа ва ҳуқуқ ин-тининг вужудга келишига ва мазкур ин-тда фалсафа жамиятининг ташкил этилишига сабабчи бўлган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Ф. фани олдида уни коммунистик мафкура асоратларидан тозалаш, жамият тараққиётининг қонуниятларини фалсафий таҳлил этиш, миллий истиқлол гоясининг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш, республикада шаклланаётган ҳуқуқий, демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг ривожланиш хусусиятларини очиб бериш каби вазифалар пайдо бўлди. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов 1998 й.да «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига берган жавобда янги жамиятни бунёд қилишда миллий

мафкура ва у таянадиган миллий Ф.нинг ролига катта баҳо берар экан, гоёга қарши фақат гоё, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш кераклигини таъкидлади.

Ҳоз. даврда республика файласуфлари олдида ижтимоий воқеликнинг қонуниятларини тадқиқ этиш, мамлакатнинг истиқболи учун хизмат қилувчи гоёвий заминни яратишдек муҳим вазифалар турибди.

Ўзбекистонда Ф. бўйича илмий тадқиқотлар олий ўқув юрғлари Ф. кафедраларида, Фалсафа ва ҳуқуқ институтида олиб борилади. ЎЗМУда Ф. факультети мавжуд. Республикада Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти фаолият кўрсатмоқда. Ф.га оид илмий тадқиқотлар «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» (Ўзбекистон ФА нашри), «Фалсафа ва ҳуқуқ» (Ўзбекистон ФА фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамиятининг нашри), «Тафаккур» журналларида чоп этилади. **ФАН** — дунё ҳақидаги объектив билимлар тизими, ижтимоий онг шаклларида бири. Ф. табиат, жамият ва тафаккур ҳақидаги янги билимлар ҳосил қилишдан уларни татбиқ қилишгача бўлган фаолиятни ўз ичига олади. Киши организми, атроф-муҳит, бепоён олам сирлари ва ривожланиш механизмларини ўрганиб, улардан кишилик жамиятининг равнақи учун фойдаланиш илм-фаннинг бевосита мақсадидир. Кенг маънода Ф.нинг вазифаси воқеликни назарий акс эттиришдир. Тарихий тараққиёт жараёнида Ф. жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучига айланиб боради. Ф. билан санъат, дин ва ахлоқ ўртасида муайян муносабат мавжуд. Ҳозирги Ф. улкан ютуқларга эришган шароитда дин Ф. натижаларидан фойдаланади. Аксинча, Ф. ҳам диний дунёқараш-

лардан фойдаланмай иложи йўқ. Санъат ва ахлоқ ҳам Ф.га ижобий таъсир кўрсатади. Ф. билан фалсафа ўртасидаги ўзаро боғланиш мураккаб муносабатга эга. Фалсафа озми-кўпми Ф. методологияси вазифасини бажаради, фалсафа ва Ф. ютуқлари биргаликда илмий дунёқарашни ифодалайди. Ф.нинг илк куртаклари кишилик жамиятининг пайдо бўлиши билан боғлиқ ҳолда майдонга келди. Дастлабки билимлар бевосита амалий тусга эга бўлган. Тафаккур тизимининг куртаклари мифология сифатида қадимги Шарқ ва Юнонистонда пайдо бўла бошлади. Мифология Ф.га ўтиш бўсағасида маълум босқич вазифасини бажарган. Ривожланиш давом этиши фалсафа мифология ўрнини натурфалсафа эгаллади. Зенон, Демокрит, Аристотель ва б. қадимги замон мутафаккирлари табиат, жамият ва тафаккурни гоҳ биргаликда, гоҳ айрим-айрим равишда баён этишга урина бошладилар. Дунёни бир бутун, деб ифодаловчи тушунчалар, исботлаш усули пайдо бўлди. Эллинизм даврида Евклид, Архимед, Птолемей томонидан геометрия, механика, астрономия соҳасида дастлабки назарий тизимлар яратилди. Ўрта асрда Шарқ ва Ўрта Осиё олимлари Ф. ривожига улкан ҳисса қўшдилар. Улар қадимги Ф. ютуқларини, илмий асарларни сақлаш, таржима қилиш ва уларни тарқатиш масаласига катта эътибор бердилар. Шунингдек, улар Ф.ни янги ютуқлар билан бойитдилар, кашфиётлар қилдилар. Ўрта Осиёнинг машҳур олимлари илм-фаннинг янги тармоқларини яратдилар ва янги қонун-қоидаларни кашф этдилар. Муҳаммад ал-Хоразмий тенгламалар ҳақидаги Ф. сифатида алгебра ва илк алгоритмларни яратди. Аҳмад Фарғоний астрономияга система тарзини берди.

Аҳмад Марвазий (9-а.) тригонометрияни бойитди. Абу Наср Форобий фалсафий фикрни юксалтирди. муслиқанинг математик назариясини яратди. Ҳамид Хужандий (10-а.) куб тенгламалар назариясини чуқурлаштирди. Маҳмуд Қошғарий ўз даврининг энциклопедияси — «Девону луготит турк»ни ёзди. Абу Райҳон Бериуний геодезия, минералогия, фармакогнозияни яратди. Абу Али Ибн Сино табобатнинг илмий заминини қўйди (11-а.). Улугбек, Фиёсиддин Қоший, Али Қушчи сонлар назариясига муҳим ҳисса қўшдилар ва кузатиш астрономиясини юқори поғонага кўтардилар (15-а.). Улугбекнинг илмий ғоялари бошқа мамлакатлар (мас., Туркия, Ҳиндистон)да қисман давом эттирилди. Европада Уйғониш даври арафасида, 12-а.нинг бошларидан Хоразмий, Ибн Сино, ал-Киндий, Ибн Рушд ва б.нинг асарлари логин тилига таржима қилина бошланди. Леонардо да Винчи, Р.Бэкон, Т.Гоббс, Н.Коперник, Р.Декарт каби олимлар табиат ҳақидаги фанларни ривожлантирдилар. Астрология ўрнини астрономия, алкимё ўрнини кимё эгаллади.

Янги даврда Ф.нинг ижтимоий аҳамияти янада ошди. У маданиятнинг муҳим тармоғи ва техниканинг назарий асосига айлана бошлади. 16–17-а.ларда классик физиканинг назарий пойдевори қурилди. Ф.нинг назария даражасига кўтарилганлиги тафаккурнинг индуктив ва дедуктив ривожланишига йўл очиб берди. Мавжуд илмий далиллар И.Ньютон томонидан динамиканинг асосий қонунлари сифатида таърифланди. Бу умумлаштирилган қонунлардан 16–19-а.ларда хусусий қонуниятлар кашф этилди. Лагранж, Эйлер ва б. ижоди механиканинг моддий нуқталар системаси тарзида шаклланишига олиб келди.

19-а.да табиат қонуниятларидан бири — энергиянинг сақланиш ва айланиш қонунининг кашф этилиши (Ю.Р.Майер, Ж.Жоуль, Г.Гельмгольд) физика ва кимёнинг барча соҳаларини умумий асосга келтиришга сабаб бўлди. Хужайралар назариясининг кашф этилиши (Т.Шванн, М.Шлейден) барча жонли организмларнинг тузилиши бир хил асосга эга эканлигини кўрсатди. Ч.Дарвиннинг эволюцион таълимоти биологияга ривожланиш ғоясини олиб кирди. Геометрия соҳасида янги таълимот яратилди: асрлар давомида ҳукм суриб келаётган Евклид геометрияси ягона эмаслиги, балки ноевклид геометриялар ҳам борлиги Н.Лобачевский томонидан баён этилди ва кейинчалик исботланди. Д.И.Менделеевнинг даврий системаси ҳар хил кимёвий элементлар орасидаги ички боғланишни ифodalади.

20-а. бошларида А.Эйнштейннинг хусусий, сунгра умумий нисбийлик назарияси таъсирида квант механикаси, молекуляр генетика, атом-ядро энергетикаси, космонавтика, алгоритмлар назарияси, синтетик материалшунослик, кибернетика, синергетика фанлари кашф этилди.

Фан тизими куйидаги катта гуруҳларга бўлинади: табиий Ф.лар, гуманитар Ф.лар, техника Ф.лари ва ижтимоий Ф.лар. Бу гуруҳларнинг ҳар қайсисидан жуда кўп мустақил Ф. соҳалари ажраллади. Мустақил Ф.лар бир-бирига боғлиқ соҳаларда илмий изланишнинг йирик ва истиқболли муаммоларини ечишга тўғри келади, бу ҳол ҳоз. пайтда фанларро ва комплеке тадқиқотларни кенг авж олдиришни тақозо этади. Табиатни муҳофаза қилиш муаммоси бунга яққол мисол бўла олади. Бу муаммо техника Ф.лари, Ер тўғрисидаги Ф.лар, биология, математика, тиббиёт,

иктисодиёт ва б. билан қўшилиб кетган. Бу хилдаги илмий ва илмий-техник муаммоларни ҳал қилиш учун ҳоз. фанларда тадқиқотларни дастурий-мақсадли ташкил этиш методи кенг қўлланилади. Илмий тадқиқотларни 2 га: фундаментал ва амалий тадқиқотларга ажратиш қабул қилинган. Табиат, жамият, тафаккурга ҳос қонунларни билиб олиш фундаментал тадқиқотларнинг, бу тадқиқотлар натижаларини билим орттириш ва ижтимоий-амалий муаммоларни ҳал қилиш учун қўйлаш амалий тадқиқотларнинг вазифасидир. Фундаментал тадқиқотлар, одатда, амалий тадқиқотлардан олдинда боради ва улар учун назарий асос яратади. Фундаментал ва амалий тадқиқотлар уртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш, илмий ютуқлар натижаларини амалиётга тезроқ жорий этиш — ҳоз. давр Ф.и учун муҳим вазифалардан биридир.

Ҳоз. даврда Ф. жамият тараққиётини олға силжитувчи куч ва восита бўлиб қолаётганлигини кузатиш мумкин. Халқ ва миллат дунёқарашини шакллантириш, таълим-тарбия, ахлоқ нормаларини вужудга келтириш, маънавий баркамол инсонни тарбиялашда Ф. алоҳида ўрин тутмоқда.

Мустақиллик шароити Ўзбекистонда Ф.нинг ривожига катта ижобий таъсир кўрсатди. Аввало, Ф.имиз структураси кескин ўзгарди: маънавий Ф.лар ҳисобланувчи тасаввуф илми тикланди, ҳадис билимларига йўл очилди, бинобарин, зиёдиларимиз, талабаларнинг руҳий дунёси анча бойиди, янги олий ўқув юртлири, ун-тлар ташкил қилинди; илм аҳли чет элдаги олимлар билан мустаҳкам ижодий алоқалар ўрнатди. Бунинг натижасида табиат ва техника-технология ҳақидаги Ф.ларимиз ҳам жаҳон андозаси даража-

сига кўтарила бошлади. Олимларимиз илм-фаннинг долзарб соҳаларида тадқиқотлар олиб боришга киришдилар. Табиий ва ижтимоий жараёнларни математик моделлаш, информатика ва ҳисоблаш техникаси ҳамда эҳтимоллар назарияси соҳасидаги, геологик жараёнлар қонуниятлари, молекуляргенетик, генхужайра соҳасидаги, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, пахта селекциячилигидаги, моддаларнинг комплекс физикавий-кимёвий хоссаларини ўргатиш билан боғлиқ, энергиянинг ноанъанавий турларини яратиш — Куёш энергиясини комплекс ва самарали суратда бошқа турдаги энергияга айлантириш борасидаги тадқиқотлар ана шулар жумласидандир.

**ФАНШУНОСЛИК** — фаннинг вужудга келиши ва тараққиёти қонуниятлари, структураси ва динамикаси, унинг бошқа ижтимоий омиллар ва жамиятнинг моддий ҳамда маънавий ҳаёт соҳаси билан боғлиқлигини ўрганувчи тадқиқот тармоғи. Ф.нинг айрим унсурлари (фанлар таснифи ва илмий ижод масалалари) қадимдан фалсафа ва ҳусусий фанлар томонидан ўрганилган. Аристотель ўз асарлари номини «Физика», «Метафизика», «Аналитика» деб қўйиши фан таснифи соҳасида дастлабки ғоялардандир. Ал-Хоразмий илмий ижод кашфиёт, илмдаги қийинчиликни енгиллаштириш, хатоларни тўғрилаб кетишдан иборат деб билган. Форобий ва Ибн Сино фанлар таснифи тўғрисида қизиқарли фикрлар айтишган. Берунийнинг илмий тадқиқот методлари, жумладан тарихий ахборотлар ҳақидаги мулоҳазалари, Маҳмуд Кошғарийнинг фан асосларини мужассамлаштирувчи «Девону луготит турк» асари катта аҳамиятга эга.



И.Ньютоннинг 17-а.да яратган «Табийй фалсафанинг математик принциплари» асари фаннинг ички мантикига ижобий таъсир кўрсатди. 18-а.да Ж.Л.Лагранж, Л.Эйлернинг фан асосларига янгича муносабатлари, 19-а.да Г.Гельмгольц, Т.Гексли, Н.И.Лобачевскийларнинг ўзларидан аввал ўтган олимларнинг фаолияти ҳақидаги илмий фикрлари Ф.нинг айрим масалаларини ёритди. 20-а.нинг 1-яримида Ф.нинг баъзи соҳалари, чунончи фаннинг ривожланиш дастурини яратиш, илмий фаолиятнинг ижтимоий ва психологик томонларини ўрганиш ривожланди. АҚШ, Буюк Британия, Франция ва б. мамлакатларда Ф. тадқиқотнинг мустақил тармоғи сифатида шаклланди. Ф. предмети ва вазифаларини ифодаловчи тушунчалар ҳамда Ф. муаммоларини ўрганувчи илмий жамоалар вужудга келди. Ф.нинг фан иқтисодиёти, фан психологияси, фан социологияси каби тармоқлари ривожланди. Тадқиқотларнинг таҳлилий ва меъёрий йўналишлари пайдо бўлди. Фан тараққитининг ички қонуниятлари, билимлар тизимининг генезиси, фан тармоқларининг тузилишини ўрганиш таҳлилий йўналишнинг мақсадини ташкил қилади. Фаннинг таҳлилий ўрганиш натижаларига Ф.нинг меъёрий тадқиқотлари асосланади. Ф.нинг тадқиқот методи фан тармоқларининг барча методларидан фойдаланишдан иборатдир. Айниқса, тарихий ўзгарувчан тизим бўлган фанни ифодаловчи ҳар хил компонентларнинг ўзаро таъсири муносабати тизим назариясини қўллаш имконини бермоқда. Йирик комплекс тадқиқот бирлашмалари ва марказлари ташкил топмоқда. Космос, Жаҳон океани, экология муаммолари ахборот хизматини кенг

миқёсда такомиллаштиришни, кадрларни тайёрлаш ва улар орасидаги муносабатларни комплекс тадқиқот талабларига жавоб бера олиш асосида социологик ва психологик жиҳатдан ўрганиш масаласини қўймоқда. Фан объектларининг глобал хусусияти халқаро илмий муносабатларни ўрнатиш ва ривожлантириш лозимлигини тақозо қилади.

**ФАОЛИЯТ** – инсон мавжудлигининг муҳим хусусиятларидан бири, кишиларнинг ташқи дунёга фаол муносабати шакли. инсоннинг ўзини ўзи мақсадга мувофиқ тарзда ўзгартириш усули. Ф. онгли хусусиятга эга бўлиб, у мақсад, восита, натижа ва жараённинг ўзини қамраб олади. Фалсафада Ф. тамойили антик давр мутафаккирлари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у ўзига хос шаклда намён бўлган. Платонда коинот ва моддий буюмлар дунёсини яратган худо инсон Ф.ининг асоси ҳисобланади. Уйғониш даври файласуфлари Ф. ва унинг амал қилиш жараёнида қўлга киритиладиган эркинликни инсон моҳиятини билиш билан боғлайдилар. Ф. тамойилининг илк шаклларида бири немис классик фалсафасида кўрсатиб ўтилган. Бу ерда Ф. унинг амалга оширувчиси жиҳатидан ижтимоий, гуруҳий ва шахсий кўринишларда намён бўлишига эътибор берилган. Ўзгаришларнинг амалга оширилиши хусусиятига кўра, Ф.нинг репродуктив (қайта ишлаб чиқарувчи) ва продуктив (янгини яратувчи) турлари ажралиб туради. Ф. манбаи унинг ўзидан келиб чиқади. Бу ўз-ўзидан амалга ошувчи жараёндир. Лекин, у ўзига етарли даражада таъсир кўрсатувчи муайян табиий ва ижтимоий шарт-шароитлар тизимида амалга ошади. Инсон ва жамият эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, Ф. шакллари қуйидагича турқумлаша-

ди: моддий Ф. (инсоннинг ўз хавфсизлигини таъминлаши, озиқ-овқат, кийим-кечакка бўлган дастлабки эҳтиёжларининг қондирилиши ва меҳнат қуроллари орқали ташқи табиатнинг ўзгартирилиши); ижтимоий-сиёсий Ф. (ижтимоий муносабатларга, ижтимоий ҳаётга таъсир кўрсатиши); маънавий Ф. (илм-фан, санъат, дин ва б. соҳалардаги Ф.). Инсон Ф.и шакллари, турлари, аввало, меҳнат тақсимоти, одамлар, жамият эҳтиёжининг ўсиши жараёнида ўзгариб, ривожланиб боради.

Ф. унсурларини одамлар, уларнинг эҳтиёжлари ва манфаатлари, Ф. предмети, мотивлари, Ф.нинг мақсадлари, амалга ошириш йўллари, воситалари ва усуллари ташкил этади. Жамият ҳаётида Ф. ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи субъектлар, сиёсий, ҳуқуқий ва б. ижтимоий ин-тлар тизимида муҳим аҳамият касб этади. Ҳар қандай Ф. махсус тайёргарлик, тажриба, мутахассисликни талаб қилади. Ф. муайян яхлит жараён сифатида ўзида мавжуд оламни, ижтимоий борлиқни, амалиётни ўзгартириш ва тушунтириш дастури ҳамда ундан келиб чиқадиган ҳаракатлар мажмуини муҳасамлаштиради.

Кейинги даврларда Ф. функцияларининг мураккаблашуви, турларининг ортиши ва чуқурлашиши кузатилиб, у илмий, амалий, ижтимоий аҳамиятга молик масалага айланди. Шу боис Ф. бир қанча фанлар: психология, социология, сиёсатшунослик, экология, иқтисодий назария, ҳуқуқшунослик, хусусан, фалсафанинг ҳам махсус объекти саналади.

**ФАРҒОНИЙ**, Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний (тахм. 797, Фарғона — 865, Миср) — астрономия, математика, география ва б. илмий йўна-

лишларда фаолият кўрсатган ўзбек қомусий олими. Шарқда Ал-Фарғоний, Европада Алфраганус тахаллуслари билан машҳур. Муҳаммад Мусо Хоразмий билан бирга Бағдоддаги «Байт ул-ҳикмат» илмий марказида илмий ишлар билан шугулланган.

Ёзма манбаларда қайд этилишича, Ф. илк ўрта аср фалакиёт, риёзиёт ва география илмлари йўналишида бир қанча илмий ва амалий асарлар ёзиб қолдирган. Унинг асосий астрономик асари — «Китоб ал-ҳаракот ас-самовийа ва жавомий илм ан-нужум» («Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум китоби»). Бу асар «Астрономия асослари ҳақидаги китоб» номи билан ҳам маълум бўлиб, 1145 ва 1175 й.ларда Европада лотин тилига таржима этилади. Шундан сўнг, Ф. номи лотинлаштирилиб, «Алфраганус» шаклида Фарбда шуҳрат топади. Унинг «Астрономия асослари ҳақидаги китоб» асаридан бир неча асарлар давомида Европа ун-тларида астрономия фани бўйича асосий дарслик сифатида фойдаланилган, чунки бу китоб замонасидаги астрономия ҳақидаги энг муҳим ва зарур бўлган билимларни ўз ичига олган. Унинг географияга оид бўлми Ер юзидаги мамлакатлар ва шаҳарлар ҳақидаги энг бошланғич ва зарурий билимларга бағишланган бўлиб, «Ердаги маълум мамлакатлар ва шаҳарларнинг номлари ва ҳар бир иқлимдаги ҳодисалар ҳақида» деб аталади. Асарда фалакиёт ва география илмларининг асосий мазмуни, вазифалари ва қисмлари тушунарли далиллар асосида содда қилиб баён этилади. Хусусан, Ернинг думалоқлиги, бир хил осмон ёритқичларининг турли вақтда кутарилиши, тугилиши ва бу тугилишнинг ҳар бир жойдан турлича кўриниши, масофалар ўзгариши билан уларнинг кўри-

ниши ўзгариши ҳақида қимматли мулоҳазалар билдирилади. Самовий жисмлар ҳаракатини Ньютон ва Лаплас масса ҳаракатининг динамикаси шаклида, Кеплер геометрик йусинда баён этган бўлсалар, Ф. улардан бир неча аср аввал жадваллар қонунияти шаклида изоҳлаган. Стереографик проекциялар назариясининг кашфиётчиси ҳам Ф.дир. Куёш. Ой, сайёра ва юлдузларнинг, умуман осмоннинг бўлажак манзарасини билиш учун геометрик-кинематик усул астрономия фанининг умумий усули сифатида қабул қилинган бўлса, жаҳон мунажжимлик фанининг бундай умуммахражга келишида Ф. топган устурлаб асбобининг аҳамияти катта бўлган. Бу асбоб илгари ҳам бўлган, лекин унинг назариясини фақат Ф. кашф этган. Умуман Ф.нинг «Астрономия асослари ҳақидаги китоб» асари ўрта аср мусулмон Шарқи мамлакатларидаги, сўнг Испания орқали Европа мамлакатларидаги астрономия илмининг ривожини бошлаб берди. Қадимги юнон илми, жумладан, астрономик илмлар ҳам биринчи бор арабчадан таржима қилинган рисолатлар орқали маълум бўлди. Ф. асарининг лотинча таржимаси биринчи марта 1493 й.да топ босма усулида нашр этилди. 1669 й. машҳур голланд математиги ва арабшуноси Якоб Голиус Ф. асарининг арабча матнини янги лотинча таржимаси билан нашр этганидан сўнг Ф.нинг шуҳрати янада ордди. Ф.нинг шунингдек, «Фаргоний жадваллари», «Ой Ернинг устида ва остида бўлганида вақтни аниқлаш рисолати», «Устурлаб билан амал қилиш ҳақидаги китоб», «Етти иқлим ҳисоби», «Устурлаб ясаш ҳақидаги китоб» асарлари ҳам маълум. Европада Уйғонинг даврининг машҳур олими Региомонтан 15-а.да Австрия ва Ита-

лия ун-тларида астрономияга доир маърузаларини Ф. асарлари асосида ўқиган. Ф. номи Данте (14-а.) ва Шиллер (18-а.) томонидан тилга олинади.

Бизнинг давримизгача Ф.нинг 7 асари сақланиб қолган (лекин булар ҳоз. замон тилларига таржима қилинмаган). Асарларнинг қўлёзмалари жаҳоннинг турли шаҳарлари — Берлин, Душанба, Лондон, Париж, Техрон, Тошкент, Машҳад, Патна, Рампур, Ҳалаб ва Қоҳирадаги йирик кутубхоналарда сақланмоқда.

Ф.нинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш Ўзбекистонда мустақилликдан кейин бошланди. 1998 й. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан Ф.нинг 1200 й.лиги халқаро миқёсда кенг нишонланди.

**ФАТАЛИЗМ** (лот. *fatalis* — тақдирга оид) — ҳамма воқеаларнинг азалдан белгилаб қўйилганлиги тўғрисидаги таълимот; маъхум *тақдирга* (антик стоицизм), «пешонага ёзилган» тақдири азалга (*ислом* ва б.динлар) ва ш.к. га ишониш. Ф. нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиши, шу жумладан, инсоннинг ҳаёти ва олдидан белгиланганлиги ва бинобарин, янги имкониятларнинг пайдо бўлишини инкор этади. Фалсафа тарихида Ф.ни ирода эркинлиги қандай ҳал қилинганлигига қараб 3 асосий турга ажратиш мумкин: мифологик Ф. — иродани ақлдан ташқарида, «қоронғи тақдир» деб қарайди; теологик Ф. — тақдир худо қудратига боғлиқ, инсон туғилишидан олдин унинг ким бўлиши, нималар қилиши пешонасига ёзиб қўйилган дейилади. Бу назария *каюм*нинг энг муҳим ақидаларидан ҳисобланади, у кальвинизм ва янсенизмда ўзининг изчил ифодасини топган; рационалистик Ф. (механистик детерминизм билан

қўшилувчи) — тасодифни ва инсон иродасини азалий тақдирнинг зарур шарти деб қарайди. Унинг намояндалари (пифагорчилар, Демокрит, Ницше ва б.) доиравий айланишнинг муайян даврасида воқеалар мутлақ такрорланишини таъкидлайди.

**ФЕЙЕРБАХ** Людвиг Андреас (1804.28.7, Ландсхут, Бавария — 1872.13.9, Рехенберг, Нюрнберг яқинида) — немис файласуфи. Ф. 1823 й.да Гейдельберг ун-тининг илоҳиёт ф-тига ўқишга кирди, лекин уни 1824 й.да тарк этиб, 1827—28 й.ларда Берлин ун-тида Г.Гегелнинг фалсафа бўйича маърузаларини тинглай бошлади. 1928 й.дан Эрланген ун-тида ўқитувчилик фаолиятини бошлади. 1830 й.да чоп этилган «Ўлим ва мангулик: ҳақида фикрлар» номли асари туфайли мазкур ун-дан қувгин қилинди. Ф. умрининг охирига қадар Тюрингиядаги қишлоқлардан бирида яшади.

Ф. ўзининг фалсафий таълимотини материалистик таълимот сифатида талқин этилишини хуш кўрмаган, уни антропологик фалсафа деб атаган. Унга кўра, тана ва руҳ дуализми рад этилади, руҳий ва моддий, психологик ва физиологик жараёнларнинг ўзаро бирлигини эътироф этиш мақсадга мувофиқдир. Борлиқ, табиат, материя, воқелик мазмун жиҳатидан бир хил тушунчалардир. Табиат ҳодисалари хилма-хилдир, улар умумий негиз тамойилига бўйсунмайди. Табиат абадийдир, пайдо бўлиш эса айрим ҳодисаларга хосдир. Ф.нинг билиш назарияси субъект ва объект, инсон ва табиат, инсон ва инсон ўзаро бирлиги тўғрисидаги тамойил асосига таянади. Воқелик билиш объектидир. Билишнинг субъекти мавҳум ақд эмас, балки инсон саналади. Инсондаги мавжуд сезги абзолари оламни тўлалигича инъикос этишга етарлидир. Табиат

уларнинг миқдорини кўпроқ ёки озроқ қилиб яратмаган. Бордию уларнинг сони кўпроқ бўлган тақдирда жараёнлар моҳиятини ҳозиргидан зиёдроқ очиб берар эдик, деган фикри хатодир. Ф.нинг фикрича, инсон ахлоқ-одооб бобида ҳиссиёт талабларига ҳамоҳанг тарзда ҳаракат қилади. Ҳиссиёт шакллари хилма-хил бўлиб, улар ҳаётга муҳаббат, бахт-саодатга интилиш, манфаат, эгоизм, инсон ҳиссий табиатини қондиришга бўлган эҳтиёж, муайян ноз-неъматлардан лаззатланишдан иборатдир. Инсоннинг ўз табиий манфаатдорлигига кўра, бахт-саодатга интилиши зарурий ҳаракатдир. Унга эришиш эркинлик орқали рўёбга чиқади. Мас., қуш ҳавода, балиқ сувда, инсон эса унинг бахт-саодатга эришишига монелик қила олмайдиган шароитдагина эркиндир. Ф. ўзининг инсонпарварликка асосланган ижтимоий қарашларини ахлоқий тамойиллар кўмагида ишлаб чиқишга уринади. Унинг фикрича, ҳар бир инсон манфаати жамият манфаатига мос тушади. Бу борада эгоизм, саҳоват ва мурувват тушунчалари муҳим аҳамият касб этади. Эгоизм — айрим шахснинг мол-мулкка қул бўлиши эмас, балки инсоний эҳтиёжларнинг намоён бўлиши. Адолатли жамиятда эҳтиёжлар рақобат, саҳоват ва мурувват орқали ҳал этилади. Ф. таъбирича, эгоизмни тан олмаган инсон — калласиз инсон, мурувватдан йироқ инсон эса қалбсиз инсондир. Ҳар бир инсон ўз ҳолича бахтли бўла олмайди, унинг бахти бошқаларнинг бахтиёрлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Ф.нинг антропологик фалсафаси немис классик фалсафасини ниҳоясига етказди. Унда қўрилган муаммолар ва уларнинг ечими Ф.гача бўлган кўпгина фалсафий қарашлардан, жумладан Гегель ва марксизм фалса-

фасидан қатор жиҳатлари билан фарқ қилади. Унинг асарларида гоят сермазмун гоълар билан бирга чуқур таҳлил талаб фикр-мулоҳазалар ҳам ўрин олган. Ф.нинг асосий асарлари: «Гегель фалсафасининг танқидига доир» (1839), «Христианликнинг моҳияти» (1841), «Келажак фалсафасининг асослари» (1842), «Фалсафа ислоҳига доир тезислар» (1842).

**ФЕНОМЕНАЛИЗМ** — фалсафий таълимот; бевосита билиш объекти сезгиларнинг ўзидангина иборат деган нуқтаи назарга таянади. Бу таълимот вакиллари фалсафа тарихида ашаддий ва муътадил Ф. тарафдорларига ажратиб ўрганишади. Ашаддий Ф. концепцияси дунёни «гоълар» мажмуаси, «сезгилар комплекси» деб ҳисобловчи (Беркли, эмпириокритицизм) субъектив идеализм оқимиға ёки дунёни билиш мумкинлигини инкор этувчи агностицизмға олиб боради. Бундай концепция тарафдорлари фикрича, «сезгилар ортида нималар яширинганлигини билишимиз мумкин эмас» (Юм). Муътадил Ф. вакиллари орасида сезгиларда намоён бўлувчи объектларнинг реал мавжудлигини тан олувчи ва бундай объектларни (Локк сингари) моддий объектлар деб ҳисобловчи ноизчил материалистларни ҳам, бу объектларни билиб олиш мумкин бўлмайдиган «нарса ўзида»дир деб ҳисобловчи кантча агностицизм тарафдорларини ҳам (Кант, Мияль, Спенсер) учратиш мумкин. Ф. 19–20-а.ларда ўтган барча позитивистик таълимотларга ҳам хосдир. Ф. *неопозитивизм* оқимида лингвистик ва умуман семиотик шаклда намоён булади, чунки бу оқимнинг асосий даъвоси тажрибани «объектли» ёки «феноменалистик» тилда ифодалаб беришдан иборатдир. Ф. инглиз-америка неореализмига ҳам хосдир.

**ФИЗИКАЛИЗМ** — неопозитивизм концепцияларидан бири. Концепция конкрет фанлар қоида ва тушунчаларини физика тили — «физикалий»га таржима қилиш талабидан иборат. Яъни, барча фанлар учун ягона тил физика эканлигини уқтиради. Асосий вакиллари — О.Нейрат, Р.Карнап. Дастлабки вақтда Ф. анча оммалашди, бироқ тезда ўз мавқеини йўқотди. Чунки, мавжуд бўлган барча илмий билимлар, шунингдек турли хил фанлар ўртасидаги ўзаро таъсир муносабатларини ягона физика тили билан ифодалаш мумкин эмаслиги равшан бўлди. Классик фалсафада универсал фан гоъсини қайта тиклашга уринадиган Ф. тугалланган ва чегараланган билимлар тизими сифатида қаралади. Мантиқий позитивизмда «муътадил физикализм» концепцияси ишлаб чиқилди. Янги унификациялаштирилган фан тилини яратиш ва мавжуд барча билимлар тизимини шу тилга таржима қилишга уриниш ижобий натижа бермаганлигини Ф. тарафдорларининг ўзлари ҳам, уларнинг мухолифлари ҳам таъкидтадилар.

**ФИХТЕ** Иоганн Готлиб (1762.19.5, Рамменау — 1814.29.1, Берлин) — немис файласуфи, жамоат арбоби. Йена ва Лейпциг ун-тларида уқиган. Йена (1794–99), Берлин (1810 й.дан) ун-тлари проф. Ф. ўзининг бутун фалсафий фаолияти даврида амалий фалсафани тарғиб қилди. Ф. И.Кант изидан бориб, ўз фалсафий тизимини яратишга интилган. Унингча, ахлоқий ирода инсон фаолиятининг изчил илмий тизимиға суянгандагина амалға ошиш имкониятиға эға бўлиши мумкин. Ф. таълимотича, «танқидий фалсафа»нинг ибтидоси тафаккур қилувчи «Мен»дир. Ундан сезги ва тафаккурнинг бутун мазмунини аниқлаш мумкин. «Мен» учун икки томонлама — амалий ва назарий фа-

олият хос. Бу билан Ф. амалиёт тушунчасини ўзининг назарий тизими-га киритади ҳамда назария ва амалиётнинг бирлиги муаммосини ишлаб чиқади. Бу нарса субъект ва объектнинг, яъни объектив борлиқнинг ўзаро алоқаси масаласига келиб тақалади. Ф. таълимотида объектив борлиқ фикрловчи «Мен»дан вужудга келган «Мен эмасман» сифатида қаралади. Ф. фалсафасидаги фан таълимида «Мен мени тақозо қилади» деган тасдиқ биринчи асосни ташкил қилса, «Мен мен эмасни тақозо қилади» деган тасдиқ иккинчи асосни ташкил қилади. «Мен эмас» — ҳиссий қабул қилинадиган нарса. Ф. таълимотида, ўзининг яратувчанлик фаолиятида умумий «Мен» ҳиссий «Мен» ва ҳиссий «Мен эмас»га ажралади. Шунинг учун фан таълимининг учинчи асоси бу — умумий «Мен»дир. Биринчи асос гезис бўлса, иккинчи асос антитезис, учинчи асос эса синтездир. Ф. фалсафасида умумий «Мен» гайриинсоний дунёвий руҳ ҳисобланади. Ўз фалсафий таълимотини танқидийлик деб атаган. Ф.нинг ахлоқий таълимоти эркинлик тушунчаси асосига қўйилган. Инсоннинг ахлоқий бурчи — бошқаларнинг эркинлигини ҳурмат қилган ҳолда ўз фаолиги воситасида эркин бўлишдир. Эркинлик ахлоқий қонунларга ихтиёрый амал қилишдан иборатдир. Инсон эркинлик ҳолатида ҳам, эркин бўлмаган ҳолатда ҳам умумий табиатга эга бўлган зарурият орқали ҳаракат қилади.

Ф. таълимотида, инсоният парокандалик ва бўзуклик даврларидан ўтиб, дастлабки бегуноҳлик ҳолатидан онгли ақл ҳукмронлигига кўчади. Асосий асарлари: «Умумий фан таълимининг асослари» (1794), «Ахлоқийлик ҳақидаги таълимот тизими» (1794).

**ФОРМАЛЛАШТИРИШ** (лот. forma — кўриниш) — билимлар мажмуаси, мазмунини муайян шакл ёрдамида сунъий тил белгилари орқали ифодалаш. Турли хил Ф.лар орасида мантиқий Ф. методи аҳамиятлидир. Ф. тасаввур қилинган (хаёлий) мазмунни мантиқий шакллар орқали ифодалайди. Янги замон математикасида ҳарфий ҳисобларнинг яратилиши ва мантиқий ҳисоб гоёси (Г.Лейбниц)нинг пайдо бўлиши Ф. методининг ривожланишида катта босқич бўлди. 19-а. урталаридан бошлаб математик мантиқда мантиқ ҳисобларининг тузилиши, унинг воситаларини фаннинг бутун-бутун соҳаларини Ф.га татбиқ этиш имкониятини берди. Лекин, етарли даражада мазмунга бой назария формаллаштирилса, шу шароитда ҳам бу назарияни формал тизимда тула аке эттириш мумкин эмас (К.Гёдель на зарияси). Назарияда ҳамшиша аниқланмаган, формаллаштирилмаган қолдиқ қолади. Мантиқий Ф.дан электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар тузишда фойдаланилади. Ф.нинг ғносеологик метод сифатидаги ҳусусияти шундан иборатки, унинг ёрдамида мазмунни очиш ва қайт этиш имконияти содир бўлади. Ҳар қандай Ф.да ҳамшиша жонли, ривожланувчи воқеликнинг «дағалланиш» лаҳзаси ҳозир бўлади. Бироқ бу «дағалланиш» билиш жараёнининг зарур томони, тафаккур жараёнининг дискретлик тутрисидаги далили ҳисобланади. Демак, Ф. ёрдамида янги билишларга эришиш мумкин.

**ФРЕЙД** Зигмунд (1856.6.5, Фрайберг, Австрия-Венгрия — 1939.23.9, Кемпстед, Буюк Британия) — австриялик руҳшунос врач ва психолог, руҳий таҳлил (психология)нинг асосчиси. 1902 й.дан Вена ун-ти проф., 1938 й.дан Англияда, Ф. наза-

риясининг концептуал ядросини онгсизлик гоёсига асосланган психоневроз ва психик аппарат таълимоти концепцияси ташкил этади. Ф. 19-а.нинг 80-й.ларида неврозлар муаммосига, 90-й.ларнинг уртасидан бошлаб руҳий таҳлил (психоанализ) асосида неврозларни даволаш усулига эътиборини қаратди. Индивидуал психосексуал ривожланиши назариясини такомиллаштирди, феъл-атворнинг шаклланиши ва унинг патологиясида болалик даври кечинмаларини асосий ўринга қўйди. Ф. психикани моддий шароитлардан ажратиб, мустақил, онг доирасидан ташқаридаги ҳолат деб ҳисоблади. У инсоннинг психик ҳолатларини, шунингдек тарихий воқеа ва ижтимоий ҳодисаларни онгсиз ҳамда сексуал интилишлар сифатида ташқиқ этди. Психоанализ қоидаларини инсоният маданиятининг турли соҳалари — мифология, фольклор, бадний ижод, дин ва б.га жорий қилди. Ф. назариясининг бошқа муҳим нуқтаси либидо ва болалар сексуаллиги ҳақидаги таълимот ҳисобланади. Либидо ҳақидаги таълимотга қўра, инсоннинг руҳий ривожланиши ўз моҳиятида биологик детерминланган сексуал инстинктнинг айланиш жараёнидир. Ф. таълимоти энг аввало, инсоннинг махсус англаци ва маданияти билан боғлиқ. Унинг замирида Ф.нинг инсондаги табиий ибтидолар антагонизми, онгсизликнинг сексуал ва агрессив импульслари ва маданияти этади. Асосий асарлари: «Тушлар табири» (1900) «Қўчаллик ҳаёт психопатологияси» (1904) «Психоанализга кириш бўйича маърузалар» (1910), «Мен ва У» (1923) ва б.

**ФРЕЙДИЗМ** — 3. *Фрейд* фалсафий-антропологик ва психологик концепциясининг ва шу асосда ривожланган жами таълимотлар ва мактаблар-

нинг умумий номи. Ф. инсон, жамият ва маданиятга тааллуқли ҳодисаларни тушунтириш учун Фрейднинг психологик таълимотини қўллашга ҳаракат қилади. Ф. инсондаги 2 хил инстинктга катта эътибор беради: биринчиси — ҳаётни давом эттиришга қаратилган жинсий инстинктлар, иккинчиси — ҳаётни барбод қилишга йўналтирилган вайронкор (деструктив) инстинктлар. Бу инстинктлар гуруҳининг ҳар бири ўз қувват манбаига эга. Биринчисиники — нафс (либидо), иккинчисиники — тажовузкорлик. Фрейдга қўра, инсон ҳаётида жинсий нафс ва тажовузкорлик қуввати ижобий эврилишга учрайди, яъни ижтимоий-маданий қадриятлар яратишга қаратилади, эврилишнинг турлари спортда, ақлий меҳнатда, ижод ва б. соҳаларда намоён бўлади. Цивилизацияни айнан шу ижтимоий эврилишга дуч келган «тубан» биологик қувватлар яратади. Ф. вакиллари — А. Адлер, К.Г. Юнг ва б. 20-а.нинг 30-й.лари охирида *нео-фрейдизм* келиб чиқди. У психоанализ билан АҚШ социологик ва этнографик назариялари қўйилиши жараёнида вужудга келди.

**ФРОММ** Эрих (1900.23.3, Франкфурт-Майн — 1980.18.3, Муральо, Швейцария) — немис-америкалик психолог, социолог, *неофрейдизм* асосчиси. 1929—32 и.ларда Франкфурт-Майндаги Ижтимоий таълимотлар ин-тида ишлаган. 1933 й. АҚШга муҳожир бўлиб кетган. Ҳаётининг сўнгги ўн йилида Швейцарияда яшagan. Фалсафа, психология, антропология, дин социологияси ривожланишига катта ҳисса қўлган. У таълимотини «гуманистик психология» деб атаган. Фрейд биологизмдан чекиниб, шахс шаклланишида психологик ва ижтимоий омилларнинг ўзаро алоқаларини очиб беришга

интилан. Гуманизм нуқтаи назаридан психоаналитик ижтимоий соғломлаштириш усуллари ёрдамида, хусусан, АҚШда, ҳар томонлама уйғун бўлган «соғлом жамият»ни вужудга келтиришни таклиф этган. Асосий асарлари: «Эркинликдан қочиш» (1941), «Психоанализ ва дин» (1950), «Унутилган тил» (1951), «Севиш санъати» (1956), «Инсон қалби» (1964), «Инсон вайронкорлигининг анатомияси» (1973), «Эга бўлмоқ ёки бор бўлмоқ» (1976).

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ** — конституциявий ҳуқуқ назариясида ҳуқуқ ва демократияга асосланган ижтимоий ҳаётнинг зарур оқилона усули: инсонга унинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти шакллари эркин танлаш кафолатланадиган, қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари қарор топадиган, кун партиявийлик, сиёсий ин-тлар, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги таъминланадиган ҳамда ўзини-ўзи бошқариш органларининг мавқеи баланд бўлган ижтимоий тузум. Бунда мамлакатнинг ҳар бир фуқароси сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий жиҳатдан ўз эҳтиёжларини жамоат бирлашмалари ва фондлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ишида фаол иштирок этиб, улар орқали қондирадilar. Ф.ж.да фуқаролар давлат фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатадилар, давлатнинг кўпгина ваколатлари жамоат ташкилотлари зиммасига юкланади. Давлат ҳокимияти эса мамлакатнинг умумий тараққиёт режаларини тузади, унинг стратегиясини ишлаб чиқади, мудофаа, миллий хавфсизлик, давлат мустақиллиги ва чегаралари дахлсизлигини, унинг суверенитети-

ни таъминлаш, пул-молия, солиқ, банк сиёсати, ташқи сиёсат ва жаҳон ҳамжамияти билан алоқалар тизимини яратади, уни бошқаради. Ф.ж.ни қуриш кучли давлатдан кучли жамият сари босқичма-босқич ўтиш орқали рўй беради.

Ф.ж. ҳақида илк тасаввурлар Аристотелнинг «Сиёсат» асарида баён этилган. Унга кўра, инсоннинг эркин яшаш ҳуқуқи кишилик жамиятининг адолат ва қонун устуворлиги асосида ташкил этилиши орқали таъминланиши лозим. Жамиятни бошқаришда қонунларнинг тўғри ва адолатли бўлишига алоҳида эътибор берилади. Бу ғоялар 17-а.га келиб кенг ривожланди. Жумладан, Т.Гоббс асарларида тақомиллаштирилди. 18-а. Буоқ француз инқилоби даврида Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси эълон қилиниши билан эса Ф.ж. тушунчаси кенг тарқала бошлади. Чунки жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари — «фуқаролар» тушунчаси пайдо бўлди, улар жамият ва давлат манфаатлари билан боғланган шахсий манфаатларини англай бошладилар. Кант, Руссо, Гегель, Поппер илгари сурган фикрлар Ф.ж.нинг янгидан-янги қирраларини, умуминсоний қадрият сифатидаги моҳиятини очиб берди.

Шарқда Ф.ж.нинг ўзига хос талқини мавжуд. Бу, бевосита ахлоқ, маданият ва маънавиятнинг ҳуқуқ билан уйғунлашган, феъл-атвор, хатти-ҳаракатлар ва қоида-меъёрларнинг узвий уйғунлашган шакли билан боғлиқ. Жумладан, энг қадимги маданий тарихий-ҳуқуқий ёдгорлик — Авестода кишиларнинг уюшиб яшashi, ўзаро муносабатлар ва алоқаларнинг ахлоқ ва меъёрларга таяниши каби ғоялар илгари сурилган. Бунда ўз-ўзидан жамиятда қонун устуворлигига эришиш, жамиятни



шахс томонидан эмас, қонун бошқариши каби Ф.ж.нинг илк белгилари намоеън бўлган. Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асарида мамлакатни бошқаришда адолатли қонун зарурлиги, фаол Ф.ж.ни шакллантириш моҳияти чуқур таҳлил этилган. Қонунлари мукамал бўлган мамлакатда адолат, инсон ҳуқуқлари устувор бўлиши муқаррар эканлиги баён қилиб берилган. Форобийга кўра, «Шаҳар (мамлакат) аҳолиси хушхулққа эга бўлмаган тақдирда ҳокимиятга эҳтиёж туғилади», жиноятчилик, безорилик, қонунбузарлик қонунлар заиф, аҳоли ахлоқий-маънавий жиҳатдан баркамол бўлмаган шароитда авж олади. Бундай халқни тартибга чақириш учун кучли таъсир ўтказувчи ҳокимият керак бўлади. Бу каби ғоялар Ибн Сино, Беруний, Хоразмий, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур ва б. томонидан ҳам илгари сурилган ва амалиётда кенг қўлланилган.

Узоқ тарихий ривожланиш натижасида Ф.ж.ни ҳозирги замонавий тушуниш шаклланди. Унга кўра, Ф.ж.да мулкчилик шаклларининг хилма-хил ва тенг бўлиши, меҳнат ва тадбиркорликнинг эркинлигига йўл қўйилиши, мафкуравий хилма-хиллик ва ахборот эркинлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг дахлсизлиги, ривожланган ўзини ўзи бошқариш, маданийлашган ҳуқуқий ҳокимият бўлиши ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонун устуворлиги таъминланиши муҳим ҳисобланади. Ўзбекистонда Ф.ж.ни қуриш тарихий анъана бўлса-да, у бутунлай янги тарихий шароитларда жаҳон давлатчилиги илғор тажрибалари ва кўп минг йиллик миљлий анъаналарнинг синтези сифатида дунёга келмоқда. Яъни эркинлик ва ахлоқ, озодлик ва тарбия, қонунга итоаткорлик ва сиёсий ҳуқуқий фаоллик, ҳуррият ва қатъий тартиб-интизом уйғунлигида Ф.ж. шакллантирилмоқда.

## Х

**ХАЙДЕГГЕР** Мартин (1889.26.9 – Мескирх, Баден – 1976.26.5) – немис файласуфи, немис экзистенциализми асосчиларидан бири. Фалсафанинг ноиррационал (ноанъанавий) йўналиши тарафдори. 1923–28 й.ларда Марбург ун-ти проф. 1929 й.дан Фрейбург ун-ти фалсафа кафедраси мудири, 1933–34 й.ларда Фрейбург ун-ти ректори. Кейинчалик Брейсгау ун-ти проф. Ўз фалсафасида Аристотель ва айниқса, И.Кант фалсафий анъаналарига таянади. Унинг файласуф сифатида шаклланишига Августин, М.Лютер, Б.Паскаль, Г.Гегель, Ф.В. Шеллинг, Ф.Ницше, С.Кьеркегор, Ф.Гельдер-

лин, Р.М.Рильке, Ф.М. Достоевский иждодий мерослари таъсир этган. Устозлари – Э.Гуссерль ва Г.Риккерт. Ўзининг илк маърузаларида объект, субъект, билиш, руҳ, материя тушунчаларига назарий жиҳатдан ўзгача мазмун бера бошлаган ва онгнинг феноменологик тизимини таҳлил қилган. Фалсафа фанига «феномен», «дасейн» («инсон онги борлиги, олами») тушунчаларини киритган. Х. «феномен» тушунчасини очиб бериш учун ҳодиса ва моҳият ўртасидаги муносабатни янгича талқин қилади, унинг фикрича, ҳодиса ўздан олдинги бошқа бир вазият ёки нарсaga боғланади ва ундан келиб чиқади.

Ўзининг «Борлиқ ва вақт» асари (1927)да борлиқни «...инсон вужудининг ҳақиқий мазмуни» деб таърифлайди ва очиқ намоён бўлувчи борлиқ масалаларини фалсафанинг долзарб масалалари қаторига қўяди. У инсон борлигини бошқа борлиқлардан ажратиб олади. Ички борлиқни «экзистенция» деб атайди. Х. фалсафасида фикрлар орасида яширинган феномен — ички руҳий ҳиссиётни таҳлил қилиш асосий масаладир. Х. Р.Декартнинг ҳақиқат асосий мезони унинг очиқлиги ва равшанлигида деган фикрига аввал қўшилиб, кейинчалик (1935) «Гельдерлинг ҳақида»ги мақоласида ҳақиқат «қанча очиқ ва равшан бўлса, шунчалик яширинган ва мавҳум бўлади» деб таъкидлайди. Х. 1947 й. «Гуманизм ҳақидаги хат»ида «экзистенциялар» тушунчасини очиб беради ва уни инсон борлигининг «экстаз» ҳолати (яъни, илоҳий куч билан гайритабиий қўшилиш жараёни) деб таърифлайди. Х. фалсафасида ўзликни англаш — инсоннинг чекланган борлиги асосида ётиши қайд этилади. Х. инсон онги шаклланишини лойиҳа деб атайди ва бу жараёни уч босқичда [дунёдаги борлиқ (инсон онгини олам билан чамбарчас боғлиқлиги), олдинга ўтиш (инсон руҳини борлиқдан ажралиши), гоёлар сифатида] шаклланишини таҳлил қилган. Х. тил (сўз) ҳақида — у борлиқнинг «уйи», яъни ҳақиқати, мавжудлиги, деб таъкидлайди. Олимнинг «вақт» тушунчаси (утмиш, ҳозир ва келажакнинг боғлиқлиги, уйғунлиги) унинг фалсафасида катта ўрин эгаллайди. «Йўқлик» масаласида олим уни ҳаётий вазият деб билади ва шу вазиятда инсоннинг асл моҳияти очилишини таъкидлайди. Х.нинг машҳур шогирди француз экзистенциалисти Ж.П.Сартрдир.

**ХАОС** (юн. chaos — тартибсизлик) — юнон мифологиясида азалий чексиз фазо. Оламнинг яратилишига мавжуд бўлган. Х. — коинот манбаи, у Гея (Ер), Эрот (севги), Эреб (қоронғилик) ва Нюкта (тун)ни яратган, улардан эса гўё Ерда яшовчи барча нарса пайдо бўлар эмиш. Кўчма маънода — бошдан-оёқ тартибсизлик, чигаллик. **ХАРИЗМА** (юн. charisma — мурувват, илоҳий қобилият) — инсоннинг ўта қобилиятли ва ўзига хослиги. Социология фанига Э.Трельч томонидан киритилган. М.Вебер Х.ни илмий тушунча сифатида чуқур тадқиқ қилиб, уни «худо берган неъмат» деб номлаган.

**ХОЛИЗМ** (юн. holos — бутун, яхлит) («яхлитлик фалсафаси») — дунёни ижодий эволюция натижаси деб қаровчи таълимот; бунга кўра, эволюция номоддий «яхлитлик омили» билан йўлга солиб турилади. Х. асосчиси жанубий африкалик Я. Смэтс (1870—1950).

**ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ** — Хоразмда II-а. бошларида фаолият кўрсатган илмий муҳит. Гурганжда тўпланган олимлар гуруҳи асосида Хоразмшоҳ Али ибн Маъмун ташаббуси билан ташкил топган (1004). 10-а.нинг охири — II-а.нинг бошларида Хоразмдаги сиёсий барқарорлик, иқтисодий ва ижтимоий юксалиш. Хоразмнинг қадимги ва ниҳоятда бой илмий-маданий анъаналари Хоразмшоҳ маъмунийлар томонидан фан ва илм аҳли қўллаб-қувватланиши, уларга қулай шароит яратилиши, ўша даврдаги жаҳон ва маҳаллий йирик фан вакилларида бир гуруҳининг ушбу минтақада тўпланиши Х.М.а.нинг вужудга келишини таъминлади. Х.М.а.да илмнинг барча соҳалари — астрономия, математика, табобат, кимё, география, минералогия, тарих, фалсафа, адабиёт, тилшунослик, ҳуқуқ

бўйича тадқиқот ва изланишлар олиб борилган. Академияда жаҳон фанининг йирик намояндалари қомусчи алломалар Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, йирик олимлар Абу Наср ибн Ироқ, Абулхайр ибн Ҳаммор, Абу Саҳл ал-Масиҳий, Абу Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ибн Мискавайҳ, адиллар Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Саҳрий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳолид ал-Хоразмий ва б. фаолият кўрсатган. Маъмун академияси аъзоларининг фалсафа соҳасида ҳам ютуқлари улқандир. Фалсафа соҳасидаги ютуқлар, аввало, олиб борилган илмий-табиий тадқиқотларнинг чуқур фалсафий мазмунга эгаллиги, бевосита йирик фалсафий муаммолар бўйича тадқиқотлар олиб борилганлиги, бошқа халқлар ижтимоий-фалсафий тафаккурининг муҳим томонларини ўрганганликлари билан белгиланади. Академия намояндалари аввал олиб борилган фалсафий изланишларни давом эттирдилар ва қатор янги асарлар яратдилар, уларда кўтарилган муаммолар бўйича муҳим тадқиқотларни амалга оширдилар. Хусусан, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино фалсафага доир илгари ёзган асарларида турли муаммолар бўйича фалсафий изланишлар олиб бордилар. Алломаларнинг ўша даврда фалсафа соҳасидаги ютуқларидан энг йириги уларнинг фалсафа, натурфалсафа бўйича ўзаро ёзишмаларидир. Ушбу ёзишмалар баъзи хорижий фан тарихчилари томонидан ўша даврдаги фалсафа тарихида энг муҳим ҳодисалардан бири, деб таърифланади. Ёзишманинг мазмуни ва моҳияти муаллифларнинг Аристотель табиат фалсафаси ижобий томонларини очиш билан бирга унинг баъзи бир заиф ҳолатларини танқидий кўриб чиқшдан иборат. Келажак янги давр ривожланишининг баъзи бир муҳим йўналишларини башорат қилган ушбу

ёзишма жаҳон фалсафий ва табиий-илмий тафаккури ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Академиянинг йирик хизматларидан бири унинг доирасида турли миллат, диний мазҳаб, илмий мактабларга мансуб олимларнинг тўплаганлиги билан белгиланади.

Умуман олганда Х.М.а. илмий фаолиятининг кенг қўламлилиги, унинг аъзолари эришган улкан ютуқларини ҳисобга олган ҳолда уни ўша даврдаги энг йирик илмий марказлардан, дастлабки илмий академиялардан бири деб аташ мумкин. 1017 й. султон Маҳмуд Ғазнавийнинг Хоразмга бостириб кириши ҳамда катта қирғин ва талон-тарождиклари натижасида Х.М.а. тугатилган. Академиянинг йирик олимлари Ғазнага мажбуран олиб кетилган, баъзилари Хоразмнинг ўзида ёки бошқа мамлакатларда ўз тадқиқотларини давом эттирганлар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги фармони (1997 й. 11 ноябрь) Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятини юксалтириш, унинг жаҳон илмий ҳам-жамиятидаги ўрнини мустаҳкамлаш, минтақаларда фанни янада ривожлантириш ҳамда истеъдодли ва фидойи олимларни қўллаб-қувватлаш, юқори интеллектуал муҳит яратишдаги миллий анъаналарни ривожлантиришда қўйилган муҳим қадам бўлди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 й. 9 ноябрдаги қарорига мувофиқ, 2005 й. Х.М.а.нинг 1000 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди.

**ХОРАЗМИЙ**, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ал-Хоразмий (997 й. вафот этган) — илк ўрта асрлар даврининг йирик қомусий олими, Шарқда муҳим умумилмий, хусусан фал-

сафий аҳамиятга эга дастлабки қомуслардан бирининг муаллифи. Хоразмда туғилган ва шу ерда таълим олиб, йирик олим даражасига етган. Хуросон, Бухорода маълум муддат истиқомат қилган, уша ердаги машҳур олимлар билан ҳамсуҳбат бўлган. Бизгача «Мафотиҳ ал-улум» («Илмлар калити») номли асаригина етиб келган. Ушбу асар ўрта асрлардаёқ маърифатли кишилар орасида кенг тарқалиб, муаллифга шуҳрат келтирган ва замонавий фанда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Асарни 1895 йда голландиялик шарқшунос Ван Флотен илк бор нашр этган. «Мафотиҳ ал-улум» асари уша даврга оид деярли барча фан соҳаларини қамраб олган. Китоб ўзида илоҳий-ирфоний, ижтимоий, табиий-илмий ва аниқ фанлар ҳолатини акс эттирган бўлиб, урта аср шароитида уларни ўрганишга катта ёрдам бера оладиган асосий манбалардан бири бўлган. Асарнинг фалсафий аҳамияти унда мусулмон Шарқида кенг тарқалган ва кўп асрлар давомида ривожланиб келган илмлар таснифини янгича таърифлаш, муаллиф томонидан ҳамма фанларга ўзига хос концептуал-таҳлилий ёндашувни қарор топтириш ва энг муҳими бевосита фалсафа фанининг уша замондаги ҳолати, унинг асосий тушунча ва тамойилларини акс эттирилганлиги билан белгиланади. Х. ўз даврида амалда булган фанларни муайян таснифга солиш ва таърифлашда уларни икки йирик қисмга бўлади. Унинг таъбири билан айтганда, биринчисини «шариат ва у билан боғлиқ араб илмлари», иккинчисини эса «араб бўлмаган илмлар» ташкил этади. Биринчисига фикҳ, калом, грамматика, иш юритиш, шеърийят ва аруз, тарих фанлари киритилган. «Араб бўлмаган» фанларни фалсафа деб

умумий ном билан атайди ҳамда уни назарий ва амалий фалсафага бўлади. Ўз навбатида назарий фалсафани ҳам 3 қисмга бўлади: қуйи илмлар [адабиёт, физика, тиббиёт, об-ҳавони аниқлаш (метеорология), минералогия, кимё, механика], ўрта илмлар [арифметика, ҳандаса (геометрия), илмунужум (астрономия), мусиқа], олий илмлар (илоҳиёт ва мантиқ). Амалий фалсафа ҳам 3 қисм [этика (инсон ўзини бошқариши), иқтисод (уйни бошқариш) ва сиёсат (шаҳар, давлатни бошқариши)]дан иборатлиги кўрсатилади. Фалсафа фанига таъриф беришда Аристотель, Абу Наср Форобий ва мусулмон Шарқининг бир қатор йирик мутафаккирлари қарашларини ижодий ривожлантирган. Илоҳиётнинг асосий муаммоларини ёритишда борлиқни зарурий (худо) ва мумкин бўлган (мавжуд олам) каби қисмларга бўлади. Х. оламда мавжуд бўлган нарсаларнинг асосида модда (материя) ва шаклнинг ўзаро ажралмас муносабатлари ётишини қайд этади. Ушбу нарсалар икки кўринишда, яъни, элементлар (олов, ҳаво, сув, тупроқ) ва мураккаб жисмларда намоён бўлади. Х. бир қанча муҳим фалсафий категория ва тушунчалар (мас., ақд, модда, шакл, фазо, вақт, жисм, табиат ва б.)ни таърифлаб, бу тушунчалар орқали уша даврдаги энг муҳим фалсафий оқимларга баҳо беришга ҳаракат қилган. Х.нинг «Мафотиҳ ал-улум» асарида ўз аксини топган фалсафий гоялари, ўзига хос илмлар таснифи, қомусий илмлар соҳиби эканлиги Шарқда илм-фан, хусусан фалсафанинг ривожиди муҳим ўрин эгаллаб келган ҳамда ундан кейинги даврларда яшаб, унумли ижод этган кўпгина мутафаккирларнинг ижтимоий-фалсафий ва табиий-илмий қарашларига самарали таъсир кўрсатган.

**ХОРАЗМИЙ**, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783, Хива — 850, Бағдод) — ўртаоғиёлик буюк математик, астроном, географ, фан тарихидаги илк қомусий олимлардан. Бағдоддаги «Байт ул-ҳикмат» илмий марказини бошқарган. Х. илму фан соҳасида бир қанча шоҳ асарлар яратган. Х.нинг бизгача ўнгача асари тўлиқ, қисман ёки айрим парчалар тарзида етиб келган. Х. алгебра фанига асос солган, бу фан атамаси унинг «Китоб мухтасар мин ҳисоб ал-жабр вал-муқобала» («Ал-жабр вал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб») асари номидан келиб чиққан. Х.нинг китоби, биринчи навбатда, алгебраик ҳисобга бағишланган. Бу шундан ҳам кўринадик, китоб номи икки муҳим алгебраик амал — ал-жабр ва ал-муқобала билан аталган. Х. алгебраик амалларни, аввал тенгламаларни ечишда қандай қўлланишни баён этиб, сўнг алгебраик шакл алмаштиришларига ўтган. «Ал-жабр ва вал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб» алгебра асослари ҳамда алгебрани амалда таъбиқ этишга бағишланган мукаммал дарслик бўлган. Бугун умумбаънарий маданиятнинг энг оддий унсурига айланиб кетган сонларни ўнли саноқ системасида ёзиш ва улар устида арифметик амалларни бажариш қоидалари Х.нинг «Арифметика» асари туфайли жорий бўлган. Х.нинг буюк хизмати шундаки, у ўнли саноқ системасининг аҳамиятини биринчи бўлиб пайқаб, содда ва лўнда услубда баён қилиб берган. Шу туфайли Х.нинг китоби ҳам, ўнли саноқ системаси ҳам тез орада Шарқий Туркистондан Испаниягача бўлган ҳудуддаги мусулмон дунёсига, 12-адан бошлаб Европага тарқалди. Шунинг учун Х.ни бугун инсониятни арифметикага ўратган устоз ҳисоблаш мумкин.

Ўрта асрларда математика, астрономия ва б. фанлар соҳасида ёзилган юзлаб олимларнинг китоблари орасида айнан Х. асарлари Шарқда ҳам, Фарбда ҳам энг кўп тарқалгани ва умуминсоний тараққиётга энг кўп ҳисса қўшгани билан ажралиб туради. Бунга Х. кенг қўйлаган оригинал баён услуби сабаб бўлган. Бу услуб тагида алгоритм ғояси ётади. Х.нинг нисбаси алгоритм атамасига айланган тарихий адолатдир.

Х.нинг фан тараққиётида чуқур из қолдирган яна бир асари «Зиж»дир. У назарий астрономия ва астрономик жадваллардан иборат бўлиб, арабча қўлёзмалари сақланмаган. Х. «Зиж»и ўрта асрлар фанидаги астрономияга оид дастлабки асар бўлиб, унда турли тақвимлар, хронология, Қуёш, Ой, сайёраларнинг ҳаракати, буржлар ва б. ҳақида маълумотлар келтирилган. Х.нинг «Китоб амал бил-астурлобот» («Астролябиялар билан амаллар ҳақида китоб») асарида қадимги ва ўрта аср астрономиясининг асосий кузатув асбоби бўлган астролябия яшаш ва ундан фойдаланиш, осмон ёритқичларининг баландлиги, буржларга кириш вақти, бир кунлик ҳаракати ва эклиптик координаталари, географик объектларнинг координаталари, янги Ой чиқиш муддатларини аниқлаш ва б. аниқ ва лўнда қоидалар тарзида (алгоритмик услубда) баён қилинган. Х. юнон олими Птолемейдан кейин яшаган буюк географлардан биринчиси саналади. Унинг «Сурат ал-Арз» асари фан тарихидаги муҳим манбалардан биридир. Унда биринчи марта Ер сиртини етти иқлимга бўлиш илмий ёндашув билан, иқлимларнинг географик катталиклари асосида берилган ҳамда 2402 географик объект ҳақида маълумотлар, хусусан, уларнинг кенглиги ва узунлиги келтирилган.

Х.нинг «Китоб ат-тарих» асарида Муҳаммад (алайҳиссалом) ҳаёти билан боғлиқ саналар, ислом тарихидаги муҳорабалар, Қуёш тутилишлари, 713 й. 10 мартда Антиохия ш.да юз берган даҳшатли zilзила, халифаликдаги сиёсий ҳодисалар қайд этилган.

Х. асарлари 12-а. бошидаёқ Европа шаҳарларига кириб боргани маълум. Китобларга эҳтиёж кучайганидан сўнг улар лотинчага таржима қилинган. Х.нинг «Алгебра», «Арифметика», «География»си ва «Зиж»и 16-а.гача дарслик вазифасини утаган. 1983 й.да буюк олим таваллудининг 1200 йиллигига бағишлаб ўтказилган Халқаро илмий анжуман (Москва, Тошкент ва Урганч ш.да) Х.нинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрнини белгилашда муҳим таъбир бўлди.

1983 й.да Х. таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан унинг барча асарлари рус тилида ҳамда Танланган асарлари ўзбек тилида нашр этилди.

**ХОССА** — нарсаларнинг бошқа нарсаларга ўхшаш ва улардан фарқ қилувчи томонлари, уларнинг жиҳатларини ифодаловчи фалсафий категория. Х. нарсаларнинг ўзаро таъсир ва муносабатлари жараёнида намоён бўлади. Х. нисбий табиатга эга бўлиб, у турли aloқадорликлар жараёнида намоён бўлади.

**ХОТИРА** — инъикос этилган нарса ва ҳодисаларни ёки ўтмиш тажрибаларини эсда қолдириш ва зарур бўлганда тиклашдан иборат психик жараён; тасаввур ва тушунчаларнинг ҳиссиётдан сўнг сақланиб қолиши. Ҳисрлаш жараёнида Х. булмаганда инсон хулоса, ҳукм чиқара олмас, эмпирик ҳаётдан бошқани билмас эди. Х. психологияда индивиднинг олам билан ўзаро таъсири натижаларини сақлаб қолиши, бу сақлаб қолиш маз-

кур натижаларни кейинги фаолиятда қайта ҳосил қилиш ва улардан фойдаланиш, уларни қайта ишлаб, системаларга бирлаштириш имкониятини беради; у воқеликнинг муайян индивид томонидан тузилган психик моделлари руҳий намуналарининг мажмуидир. Х. ҳақидаги дастлабки илмий қарашлар Шарқ мутафаккирлари ва юнон файласуфлари (*Аристотель* ва б.)да учрайди. Хусусан, *Форобий* Х.га билишдаги ақлий жараённинг таркибий қисми сифатида қараб, Х.ни фақат инсонга эмас, ҳайвонга ҳам хос хусусият эканини aloҳида таъкидлаган. Х.нинг физиологик механизмлари ҳоз. вақтда жалаб илмий таъқиқотлар мавзуй бўлиб қолди. Х. тафаккур ва ундан ҳосил бўлган фаолият турлари билан маҳсулнинг жараён билан aloқаси каби боғлиқ бўлади. Индивид билан муҳитнинг бевосита муносабатларида таркиб топадидан воқеликнинг психик моделлари тайринутқий оддий Х.нинг мазмунини ташкил этади. Бу моделларнинг тузилиши вақт ичида объектлар таъсирларининг туташлигига ва ўзаро таъсир табиатини белгилувчи эҳтиёжнинг қайси хилда эканлигига боғлиқдир. Оддий Х. устида вуждга келувчи олин нутқий Х.да нарсалар объектив муносабатларининг моделлари мустаҳкамланиб қолади. Нутқ туфайли инсон моделлаштирувчи объектларнинг бевосита таъсирисиз, англаб олинган мақсад таъсири остида Х.нинг мазкур шакли тузилишини қайта ҳосил қилишга қодирдир. Бу эса, широварида Х.ни нарсаларнинг объектив мантигига бўйсунлишига олиб келади, яъни мазмунни эсда қолдирилган ва қайта ҳосил қилишнинг бўлади. Физиологик таъқиқотларда қисқа ва узоқ муддатли Х.лар қайд этилган. Қисқа муддатли Х.да ахборотлар бир неча дақиқадан бир неча ун минутгача сақланади.

Узоқ муддатли Х.да ахборотлар одам умри бўйи сақланиб турли таъсирларга чидамли бўлади. Қисқа муддатли Х. аста-секин узоқ муддатли Х.га айланади.

Х. намоён бўлишдаги шаклига кўра, шартли равишда эмоционал Х. (ҳис-туйғуни эсда тутиш), образ Х.си (нарсаларнинг тасвири ва хусусиятларини эсда тутиш), сўз-мантқиқ Х.си (нарсаларнинг моҳияти, мазмунини сўз билан ифодаланган ҳолда эсда тутиш) каби турларга бўлинади. Психологияда, шунингдек ихтиёрий ва ихтиёрсиз Х.лар фарқ қилинади. Ихтиёрий Х.да муайян материални эсда олиб қолиш олдиндан мақсад қилиб қўйилади; ихтиёрсиз Х.да бундай мақсад бўлмайди — бирор фаолиятда (мас., меҳнат жараёнида) уз-ундан эсда сақлаб қолинади.

**ХРИСТИАНЛИК** — жаҳонда кенг тарқалган динлардан бири. Европа, Америка мамлакатларида, Австралияда, фаол миссионерлик ҳаракати натижасида Африка, Яқин Шарқда ва Узоқ Шарқнинг бир неча мингтақаларида кенг ёйилган. Жаҳонда бу динга тахм. 2 миллиард киши эътиқод қилади. Х.нинг асосий ғояси худо-одам — Иисус Христос (Исо масиҳ) ҳақиқати ривоятлар билан боғлиқ. Х. таълимотига кўра, Худо ягона, лекин у муқаддас учлик (троица)да намоён бўлади. Исо келажакда тириклар ва уликлар устидан ҳукм чиқариш учун охираг кунни ерга қайтиб келади. Унинг ўғитларига, васиятларига амал қилганлар, ҳаёт машаққатларига у каби бардош берганларгина нариги дунёда ажр (мукофот) га эришадилар. Х.нинг ақидалари, эътиқод талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий нормалари, чеклаш ва тақиқлари Библия ва 5. муқаддас китобларда ўз ифодасини тошган. Х. 1-а.нинг 2-ярмида Рим империясининг шарқий қисмида яшов-

чи яҳудийлар ўртасида пайдо бўлган. Илк Х. дастлаб иудаизмдан ажралиб чиққан. Шарқ динларига хос айрим тасаввурлар ҳам унда уз ифодасини топган. Христиан жамоаларининг ижтимоий таркиби вақт ўтиши билан руҳонийлар (клир) ва оддий жамоа аъзолари (мирян)га бўлинган. Айрим-айрим жамоалар ўртасидаги алоқаларнинг мустақкамланиши епископ бошлиқ черковнинг таркиб топишига олиб келди. Черков катта бойлик тўплаб, сиёсий кучга айланиб борган. Дастлаб христианларни таъқиб этган Рим императорлари кейинчалик Х. тарафдорлари бўлдилар. 4-а.да Х. Рим империясида мавжуд ижтимоий тузум ва унинг тартибларини ҳимоя қилувчи давлат динига айланди. Рим империясининг ғарбий ва шарқий қисмидаги ўзига хос тарихий тараққиёт Х. черковини иккита: католицизм (империянинг ғарбий қисми) ва православиега (шарқий қисми) бўлинишига олиб келди. Х.нинг бу бўлиниши 1054 й.да расман эъгироф этилган бўлса-да, бироқ бу жараён 13-а.нинг бошларида тугалланган. 16-а.да Реформация натижасида Европадаги қатор черковлар католицизмдан ажралиб чиқиб, Х.нинг учинчи асосий оқими — протестантизм юзига келди. 19-а.нинг охирида христиан черковларининг миссионерлик фаолияти кучайди.

Милоднинг бошларидаёқ Х. Марказий Осиё, айниқса, Марв ва Бақтрияда кенг тарқалган эди. Ана шу даврда христианларнинг Марказий Осиёда мавжуд бўлиганини черков, монастыр, Х.ка оид буюм, қаброш ҳамда тапта каби тарихий ашёвий далиллар исботлайди. Араблар бу ҳудудни эгаллаганидан сўнг христиан жамоаларининг фаолияти тўхтаган. Х.нинг Туркистон улкасида кейинги пайдо бўлиши 19-а.нинг 40-й.ларига тўғри келади. Ўрта Осиёда

муқим православ черковларининг биринчиси 1847 й.да Сирдарё вилоятидаги Раим истехкомида курилди. Шундан кейин Авлиёота (1866), Жулек ва Марки (1866), Туркистон (1866), Чиноз (1868), Ўратепа (1867) истехкомлари, Тошкент (1865), Чимкент (1868), Жиззахда (1866) православ жамоалари ташкил қилиниб, уларда доимий ҳарбий руҳонийлар фаолият олиб бордилар. Сўнгра Зарафшон округига қарашли Самарқанд ва Каттакўргонда ҳам жамоалар шаклланди. 1871 й. Россия императорининг фармонида биноан, Туркистон епархияси ташкил этилиб, унинг маркази Верний (ҳоз. Олмаота) ш.да жойлашди. 20-а. бошларига келиб Туркистонда 306 православ черкови бор эди. Бундан ташқари, ўлкада 10,1 минг старообрядчилар, 8,2 минг лютерчилар, 7,8 минг католик, 26 минг яҳудочилар, 17,1 мингга яқин бошқа динга мансуб кишилар истиқомат қилар эди. 1916 й. охирига келиб епархия маркази Тошкентга кўчирилди. Бу вақт Тошкентда 16 та черков фаолият кўрсатар эди. 1936 й.да Рус Православ черкови Патриархининг қарорига асосан, епархия Тошкент ва Ўрта Осиё ҳамда Олмаота ва Қозоғистон епархияси номи билан 2 га ажратилди. Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси тасарруфига Ўзбекистондан ташқари Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистондаги рус православ черковлари ҳам кирди. Ҳоз. кунда Ўзбекистонда Х.нинг турли оқимларига мансуб диндорлар қашайди.

**ХУДБИНЛИК** — ўз манфаатини бошқа кишилар манфаатидан юқори қуйиш. Салбий ахлоқий сифат деб баҳоланади. Х. манфаатпарастлик ва шахсиятпарастликни ўз ичига олади. Худбин одам ўз манфаати йўлида ҳеч кимни, ҳеч бир жамоани, ҳеч

қандай жамиятни тан олмайди. Х. жумардлик (олийжаноблик)нинг акси. Х.ни шахснинг ўзига бўлган муҳаббати билан чалкаштирмаслик лозим. Имом Ғаззолий муҳаббатнинг 5 тури ҳақида фикр юритиб, инсоннинг ўзига, ўзининг аъзоларига, саломатлигига бўлган муҳаббатини биринчи ўринга қўяди. Унингча, бу муҳаббат Аллоҳ, ота-она, қариндош-уруғ, дўст-биродар, муҳтож-эҳтиёжмандлар хизматида бўлишга имкон яратувчи восита ҳисобланади. Х. муҳаббат ҳиссига эмас, нафсга, ҳирсга асосланади, ўзини адолатсизлик, инсофсизлик, бераҳмлиқ каби иллатларда намоён этади. Жумардлик ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди, лекин инсоннинг ўзига бўлган муҳаббати, бошқаларда ҳам ўзига шундай муҳаббат борлигини инкор этмаслик керак, бу қоида бузилган жойдан Х. бошланади.

Х. аввало ўзини ўзи сақлашнинг табиий инстинкти сифатида пайдо бўлганлигини эътироф этиш лозим. **ХУЛОСА** — мантиқий тафаккур шакли. Муҳокама давомида бир ёки бир неча ҳукм (асос)дан янги ҳукм — хулоса чиқарилади. Бу ҳукм Х. ёки натижа деб аталади ва мантиқий равишда асослардан келиб чиқади. Асослардан Х.га ўтиш мантиқнинг муайян қоидаси билан амалга оширилади. Х.нинг асосларини ва натижани ажратиш ҳамда унинг таркибини аниқлаш Х. чиқаришнинг мантиқий таҳлилини ташкил этади. Айни бир Х. қоидалари ва мантиқ қонунлари билан амалга оширилган Х. мантиқий шаклдаги Х. ҳисобланади. Ҳар қандай тўғри Х. шундай бир шартни қондирмоғи лозим: агар унинг асослари чин бўлса, мантиқ қонунлари ва Х. қоидалари бузилмаган ҳолда унинг Х.си ҳам чин бўлмоғи керак. Мав-



жуд тафаккур жараёнида кўпинча Х.нинг асосларидан баъзилари тушиб қолади ва унинг асосидаги Х. қондалари ва мантиқ қонунлари очик ифодаланмайди. Бу ҳол Х.даги хатоларга йўл қўйиш имкониятини беради. Мантиқ тўғри Х.ларни нотўғри Х.лардан фарқ қилиш усуллари ни белгилаб беради ва шу билан мантиқий хатоларнинг олдини олиш ва уларни тузатишга ёрдамлашади. Одатда муҳокама ва исботлар Х. занжирдан иборат бўлади, бу занжирда Х.ларнинг ҳар хил турлари ишлатилиши мумкин. Асосларининг сонига кўра, бевосита ва бавосита Х., Х.нинг чинлик даражасига кўра, зарурий ва эҳтимолий Х., фикрнинг ҳаракат йўналишига кўра, дедуктив, индуктив ва аналогия каби турларга бўлинади.

**ХУЛҚ**, х у л қ - а т в о р – ахлоқшунослик тушунчаларидан бири. Инсоннинг феъл-атвори билан боғлиқ ахлоқий ҳодиса бўлиб, киши феълининг ахлоқийлик доирасида намоён бўлиши тушунилади. Инсоннинг ахлоқийлик доирасидаги хатти-ҳаракатлари Х.дан ташқари одоб ва ахлоқни ўз ичига олади. Одоб инсон ҳақида ёқимли таассурот уйғотадиган, лекин оила, жамоа, жамият ва инсоният ҳаётида ўзгариш ясайдиган даражада аҳамият касб этмайдиган хатти-ҳаракатлардан иборат бўлса, ахлоқ — муайян жамият, замон, инсоният тарихи учун таъсир эта оладиган турли хатти-ҳаракатлар мажмуи, инсоний камолот даражасини белгиловчи маънавий ҳодиса. Х. қарровлилик жиҳатидан ана шу икки ҳодиса ўртасидаги хусусиятларга эга; у одобдан кенг, ахлоқдан тор маънога эга бўлиб, ахлоқ сингари жамият, замон, тарих миқёсидаги воқеликка таъсир кўрсата олмайди. Лекин,

оила, меҳнат жамоаси, маҳалла-кўй доирасида сезиларли даражада кўзга ташланади. Ахлоқ ўзини эзгулик ва ёвузлик, адолат, инсонпарварлик, фидойилик сингари ижтимоийлашган тушунчалар ва тамойилларда намоён қилса, Х. яхшилик ва ёмонлик, бурч, жумардлик, меҳмондўстлик каби тушунчаларда акс этади, одоб эса камтарлик, инсофлилик, босиқлик, ҳалоллик, ростгўйлик ва б. ахлоқий меъёрларда ифодаланади. Шарқ фалсафаси ва ахлоқ илмида мазкур уч ахлоқий ҳодиса жуда қатъий чегараланган бўлмаса-да, бир-биридан фарқли тарзда олиб қаралган. Европада эса Х. билан ахлоқ кўп ҳолларда айнанлаштирилади ёки улар бир-бирига синоним тушунчалар сифатида талқин этилади.

Х. ўзича, «соф» олинганда мавҳум ахлоқий ҳодиса, у инсон хатти-ҳаракатларида аниқлик касб этади; ижобий хатти-ҳаракатларда намоён бўлиши — хушхулқилик, салбий аъмоллардаги кўриниши — бадхулқилик деб аталади. Хушхулқ инсон мулоҳим, ширинсухан, меҳрибонлик билан муносабатда бўлса, бадхулқ одам кўпол, оғзи шалоқ, бемехр ва ҳ.к. бўлади.

**ХУНУКЛИК** — эстетика тушунчаси. Инсон гўзаллиги, шаъни, қадр-қиммати ва идеал тасаввурларга хилоф келадиган хусусият, нарса ва ҳодисани ифодалайди. *Гўзаллик*нинг акси. Х. кишида турли хил салбий ҳис-туйғу, нохуш кайфият, таассуф ва нафрат кўзгатади. ёқимсиз таассурот қолдиради. Х. — ўзида нуқсонни ифодалайди. У. — инсоннинг интеллектуал ва ирода кучига бўйсунishi мумкин булган, шахс, жамият учун тўғридан-тўғри хавф туғдирмайдиган, келажақда инсоний имкониятлар доирасида шаклан ёки

мазмунан ижобий ўзгариш касб эта оладиган муваққат хусусият. Шу нуқтаи назардан гўзаллик билан узвий боғлиқ. Қадимги хитой до-нишмандлари Х.нинг ҳам ўзига хос аҳамияти борлигини таъкидлаб, одамлар Х.орқати гўзаллик нимали-гини англаб етадилар, деган фикр-ни билдирадилар (Лао Цзи). Юнон мутафаккирлари гўзалликнинг Х.ка утиб туриши мумкинлигини айта-дилар, бу фикрни ёш. гўзал йигит-нинг кейинчалик касал қарияга айланиши билан изоҳлайдилар

(*Аристотель*). Шу маънода Х.ни қадрнинг қадрсизланиши тарзида талқин қилиш мумкин. Х. санъат асарига кўчганида, санъаткор ма-ҳорати ва санъат қонуниятлари во-ситасида ўзининг объектдаги жир-кантирувчи жиҳатларини йўқотади, гўзалликка айланади, айни пайтда, мазкур объектга бўлган инсондаги салбий муносабат онгида сақланиб қолаверади. Бу ҳолат бадиий асар-чи идрок этувчи кишининг ахло-қий-эстетик тарбиясига таъсир кўрсатади.

## Ц, Ч, Ш

**ЦИВИЛИЗАЦИЯ** (лог. civilis – фука-роликка, давлатга таслуқли), та-мад дун – 1) кенг маънода – онгли мавжудотлар мавжудлигининг ҳар қан-дай шакли; 2) маданият сўзининг си-ноними; 3) маданиятнинг замон ва маконда чегараланган тарихий типи (Миср Ц.си ва б.); 4) ёввойиллик ва ваҳшийликдан кейинги ижтимоий тараққиёт босқичи. Ц. тушунчасини шотланд тарихчиси ва файласуфи А.Фергюссон (1723-1816) жаҳон та-рихий жараённинг маълум бир бос-қичини ифодалаш учун, француз маъ-рифатпарварлари ақл-идрок ва адо-латга асосланган жамият маъносида ишлатганлар. Ундан кейин ҳам Ц. ту-шунчасига турлича мазмун берилган. Айрим ҳолда уни маданиятнинг, баъ-зан фақат моддий маданиятнинг си-ноними сифатида ишлатган бўлсалар, немис файласуфи О.Шпенглер уни техникавий – механик мажмуа деб ҳисоблайди. О.Шпенглер фикрича, Ц. ҳар қандай маданият тараққиётининг муайян тугал босқичини билдиради. Инглиз социологи ва тарихчиси А.Тойнби эса ўзига хос ва нисбатан ёпиқ бўлган жамиятларни ифодалаш

учун ишлатган. Ц. тушунчасининг ҳажми ва мазмунини белгилашда ҳар хиллик ҳоз. вақтда ҳам сақланиб қол-моқда. Бу тушунча шунингдек, маъ-лум бир ижтимоий-иқтисодий фор-мация (мас., кулдорлик Ц.си)ни, гео-график жиҳатдан фарқланувчи бир-ликлар (мас., Европа ёки Осиё Ц.си)-ни, диний мансублигига кўра фарқ-ланувчи маданий бирликлар (мас., христиан ёки ислом Ц.си)ни, келиб чиқиши ва сайёраларга мансублигига кўра фарқланувчи бирликлар (мас., Ер Ц.си, Ердан ташқаридаги Ц.лар)-ни ифодалаш учун қўлланилади. Ц. нинг асосий белгилари қуйидагилар-дир: мураккаб меҳнат тақсимоти, дав-латнинг мавжудлиги, бозор иқтисоди-ёти, ривожланган маданиятнинг мав-жудлиги.

**ЧАРВАКА-ЛОКАЯТА** – мил. ав. 7-ада Ҳиндистонда юзага келган фалсафий таълимот. Асосчиси донишманд Бри-хаспатидир. Чарвака сўзининг луғав-вий маъноси тўрт унсур. Лока сўзи-нинг луғавий маъноси бу дунё, яъни моддий дунё. Бу икки таълимотнинг мазмуни бир бўлгани учун Ч.-л. деб атала бошланди. Ч.-л. таълимотига

кўра, олам асосида тўрт унсур ётади, биз яшаб турган моддий дунёдан бошқа дунё йўқ, инсон ўлиши билан унинг жони ҳам ўлади, танадан ташқарида жон йўқ. Инсон ҳам тўрт унсур (гупроқ, сув, ўт, ҳаво)дан ташкил топган. Тўрт унсурни сезгиларимиз орқали қабул қиламиз. Улар ҳеч ким томонидан яратилмаган. Тўрт унсурнинг турлича бирикиши натижасида организм, ноорганик моддий нарса ва ҳодисалар ташкил топади. Инсонда ҳиссий билиш муҳим аҳамият касб этади. Бу таълимот вакиллари агар сезги абзоларимиз бўлмаганда, олам ҳақида билимга эга бўлмаган бўлар эдик, дейишади. Улар ақлий билишни ҳам тан олганлар. Лекин, ақлий билиш ҳиссий билишдан келиб чиқади, дейилади. Ч.л.чиларнинг ахлоқий қарашлари ҳам диққатга сазовор. Улар ердаги гўзал ҳаёт моҳияти худо билан бирлашиш эмас, балки бу дунёда роҳатланишдир. деганлар. Улар жамият аҳлини табақаларга бўлишга қарши чиққанлар ва барча инсонлар тенг, деган ғояни илгари сурганлар.

**ШАХС** — алоҳида индивид, моҳиятан яхлит ижтимоий-ахлоқий олам. У ўзида инсон моҳиятини, унинг мавжудот сифатидаги қадриятини муҷассам этади. Ш. ижтимоий-гуманитар фанларда ўз йўналиши, тадқиқот объекти ва мақсади нуқтаи назаридан турлича талқин этилади. У ўта мураккаб, зиддиятли, қарама-қарши, ўзини ўзи инкор этадиган мавжудот сифатида, биологик, физиологик, ижтимоий, маънавий, руҳий, ахлоқий ва эстетик ақл-идрок, тафаккур объекти сифатида, ҳатто, фалсафий ва мантиқий, яшаш ҳуқуқи ва ҳаёт мангиги жиҳатидан тадқиқот манбаига айланиши мумкин.

Ш.нинг шаклланиш омиллари кўп ва хилма-хилдир. Мас., генетик

(наслий), биологик-табiiй, маданий, ижтимоий ҳаёт тажрибаси, ўз турдошлари билан муносабатлар ва б. Ш.нинг генетик жиҳати унинг наслий асоси, аجدодларидан етиб келган физиономия, феъл-атвор билан, биофизиологик жиҳати эса яшаш учун қувват олиш, овқатланиш, жинсий алоқага киришиш ва насл қолдириш сингари индивидуал эҳтиёж билан белгиланади.

Ш., моҳиятига кўра, маданийлашган, онг. ақл орқали фаолиятини бошқариш имкониятига эга бўлган, ижтимоий-тарихий анъана, турмуш тарзи ва тажрибага асосланган муайян авлодлар вакили. Ш. феномени инсон оламининг бутун мураккаблиklarини ўзида муҷассам этади. Уни ҳар томонлама ўрганиш мақсадида турли даврларда тадқиқот олиб борилган. Айниқса, Шарқда у юксак ахлоқий-маънавий меъёрлар орқали тушунилган ва олий хиққат, бебаҳо қадрият деб ҳисобланган. Инсон Ш. сифатида комилликка интилади, ҳаёт маънунини бойитади, шу асосда кизилик жамиятининг гўзал ва фаровон бўлишига эҳтиёж сезади.

Ш.нинг ҳаёт тарзи бевосита жамият ҳаётига дахлдор ва ҳаёт неъматларидан тўла фойдаланишга ҳақли. Ш. тушунчаси инсон тушунчасининг юксак кўриниши, олий мақомидир. Ҳар қандай одам табiiй мавжудлиги, яшаш ҳуқуқи ва ҳаёт қадриятига эга бўлган жонзотдир. Бироқ у ҳамма вақт ҳам тўлақонли Ш. бўлиб етилмаслиги мумкин.

**ШВЕЙЦЕР** Альберт (1875.14.1, Кайзерсберг, Эльзас — 1965.4.9, Ламбарене, Габон) — немис-француз мутафаккири, *ҳаёт фалсафаси*нинг намояндаси, илоҳиётчи, шифокор, муסיқашунос ва органчи. Страсбург, Берлин, Париж ун-гла-

рини тугатган. 1913 й. рафиқаси — ҳамшира Элен Бреслау билан бирга ўз маблағи ҳисобига Габоннинг Ламбарене қишлоғида шифохона очиб, умрининг охиригача маҳаллий аҳолини даволаш билан шугулланди. Тинчлик соҳасида Нобель мукофоти лауреати (1952), мукофот пулига Ламбаренеда лепрозорий (моховлар шифохонаси) қурди. Франция Ахлоқий ва сиёсий ФА нинг (1952), Англия Қироллик тиббиёт жамиятининг (1955) аъзоси.

Ш. дунёқараши бўйича, ҳаёт — табиат яратган энг олий неъмат сифатида буюк ҳурматга сазовордир. У «ҳаёт олдида сажда қилиш» бутун фалсафанинг тамойили бўлиб қолмоғи лозим, деб ҳисоблаган. Ш. бу тамойилни цивилизациянинг салбий оқибатларига қарши ўзига хос «фильтр» деб қараб, унда инсониятнинг ахлоқий камолоти истиқболлини кўрган. Ш. наздидаги эзгулик — тирик жонни сақлаб қолиш, ҳаётга кўмаклашиш; ёвузлик эса — жонлини жонсиз қилиш, ҳаётга зарар етказиш. Ҳар бир шахс шу тамойилга амал қилганидагина, у одам ва олам уйғунлигига, яхлитлигига эришади. Тўғри, табиатда бир ҳаёт 2-ҳаёт ҳисобига яшайди, ҳар нарсанинг кушандаси бор, лекин Ш. фақат ҳаётни «исроф қилиш»га қарши. Ш. олга сурган ҳаётга эҳтиром ахлоқий таълимоғи инсонни шафқатли, мурувватли зот бўлиб умр кечиришга чорлайди. Айти пайтда у замонавий инсонда экологик маданиятнинг юксалишига, умумжаҳон ахлоқий муҳит — этосферанинг яратилишига хизмат қилади. Асосий асарлари: «Кантнинг дин фалсафаси» (1899), «Раймардан Вредегача. Исо Масих ҳаётини ўрганиш тарихи» (1906), «И.С.Бах» (1905), «Маданият фалсафаси» (1923), «Насронийлик ва

жаҳон динлари» (1923), «Хаворий Павелнинг мистикаси» (1929), «Ҳинд мутафаккирларининг қарашлари» (1995).

**ШЕЛЛИНГ** Фридрих Вильгельм Йозеф (1775.27.1, Леонберг — 1854.20.8, Рагац, Швейцария) — немис файласуфи. Диний семинария ва Тюбенген илоҳиёт институтида таҳсил олган. 1798 й.да Йена ун-тида фалсафа кафедрасига раҳбарлик қилган. Кейинчалик Эрланген, Берлин, Мюнхен ун-тлари проф. Ш. фалсафасини бир неча даврга ажратиш мумкин: натурфалсафа (1790-й.лар ўрталаридан) даври, трансцендентал ёки эстетик идеализм (1800—61) даври, «айният фалсафаси» (1804 й.гача) даври, эркинлик фалсафаси (1813 й.гача) даври, ижобий фалсафа (умрининг охиригача) даври. Ш. натурфалсафий қарашларда ўз даври табиатшунослигида эришилган йирик кашфиётларга суянади. У табиатни қандайдир қарама-қаршиликлар бирлиги, деб қаради. Бу қарама-қаршиликлар дунё қонунилари сифатида турли шаклларда намоён бўладилар. Булар магнит қўтблари, электрнинг мусбат ва манфий зарядлари ва ҳ.к. Ш. қарама-қаршиликлар ҳақидаги қарашларини жонли табиатга ҳам татбиқ қилади. Унингча, қарама-қаршиликларга бўлиниш тирик куч, онгсиз руҳ тўғрисида юз беради. Табиатдаги онгсиз руҳ бир неча босқичларни босиб ўтиб, инсонда онгни вужудга келтиради. Ш.нинг трансцендентал фалсафаси унинг натурфалсафасига қарши бўлмасдан, балки уни маълум даражада тўлдиради. Бу фалсафанинг предмети — субъектив, бирламчи «Мен» бўлиб, ундан объектив нарсалар вужудга келади. Ш.нинг трансцендентал идеализми субъектив идеа-

лизм эмас. Чунки, у субъективликни сезги ва тафаккурнинг субъектив жараёни деб тушунмайди. Унингча, субъективлик предметни ақл билан бевосита англаш, яъни билишнинг махсус қуролидир. Натурфалсафа ва трансцендентал идеализм орқали руҳ ва табиатнинг ўхшашлиги, уларнинг ўзаро мос келиши ҳақидаги Ш. ғояси унинг фалсафий таълимотининг асосий мағзи ҳисобланади. Ш. қандайдир мутлақ ақлни эътироф этади ва ундан бошқа ҳеч нарса йўқ деб ҳисоблайди. Бу мутлақ ақлда объект ва субъект бир-бирига шундай ўзаро боғланганки, улар бир-бирларидан ҳеч фарқ қилмайдилар. Ш. фалсафа субъектив ва объектив нарсаларнинг мос келиши сифатида намоён бўладиган моҳиятни ҳақиқий «ўзида»ни ўрганади, деб таъкидлайди. Мутлақда ҳамма нарса мос келади, мослик ўтиш сифатида юз беради. Мос келишлик Мутлақда абалдий ва мукамалдир. Ўз ривожланиш жараёнида Мутлақ мақсадга мувофиқ ҳаракат қилади. Мутлақ руҳ ҳамма нарса бўлиш имкониятига эга бўлган моҳиятдир. Ўз имкониятларига эга Мутлақ бутун коинотга айланади. Натижада, Мутлақдан коинотнинг эманацияси (илоҳий нурланиш) юз беради. Коинотнинг Мутлақдан вужудга келишини ақл фаолияти сифатида эмас, балки ироданинг фаолияти сифатида тушунириш мумкин. Онгсиз ирода, бу қандайдир ноаниқ, иррационал нарсалардир. Шунинг учун ирода фалсафа предмети бўлиши мумкин эмас, чунки у бошланғич иррационал фаолиятдир. Фалсафа, бу — ҳамма мавжуд нарсаларнинг ривожланиши жараёнини ақл ёрдамида билиш демақдир. Ш. умрининг сўнгги йилларида айният фалсафа-

сидач воз кечади ва мифология ҳамда дин тарафига ўтиб, ўзининг диний-фалсафий таълимотини яратади. Ш. ўзининг «ижобий фалсафаси»ни «мифология фалсафаси» ва «муқаддас китоб» фалсафасига ажратиб, улар ёрдамида эътиқод ва билимни бирлаштиришга ҳаракат қилади. Асосий асарлари: «Табиат фалсафаси учун ғоялар» (1797), «Табиат фалсафаси тизимининг дастлабки хомакиси» (1799), «Табиат фалсафаси тизими дастлабки хомакисига кириш» (1799), «Трансцендентал идеализм тизими» (1800), «Санъат фалсафаси» (1802–05), «Янги фалсафа тарихига доир» (1822–27) ва б.

**ШИАЛИК** (араб. — гуруҳ, тарафдорлар) — исломдаги 2 асосий йўналишдан бири. Ўзининг тарқалиши ва тарафдорларининг миқдори жиҳатидан *сунийлик*дан кейинги ўринда туради. Жаҳондаги барча мусулмонларнинг тахм. 7% Ш.ка мансуб. Ш. 7-а. ўрталарида ислом жамоаси ичида олий ҳокимият масаласида пайдо бўлган ихтилоф натижасида вужудга келган. Шиа сўзининг тўлиқ шакли «ши'ат Али» («Али партияси») бўлиб, бу ном Али ибн Абу Толиб ва унинг авлодларига эргашганларга нисбатан берилган. 7-а. охирларига келиб Ироқ ва Эронда кенг тарқалган ва исломдаги мустақил йўналишга айланган. Ш. аввал фақат сиёсий ҳаракат сифатида шаклланган бўлсада, кейинчалик ақидавий ва фикҳий масалаларда турли ўзига хос жиҳатлар пайдо бўлди. Бунинг натижасида Ш. ҳам мустақил оқим сифатида фаолият кўрсата бошлади. Ш.да мусулмонлар жамоаси ёки давлатида фақат Муҳаммад (саллоллоху алайҳу васаллам) авлоди (Али ва Фотимадан тарқалган авлодлари) ҳукмрон бўлиш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

Уларнинг таълимотига кўра, раҳбар жамоа томонидан сайланмай, раҳбарлик мерос сифатида ўтади. Имомлик пайгамбарлик кабиилоҳий мансаб ҳисобланади. Ш.ка кўра, пайгамбар вафотидан кейин халифаликка ҳаққи киши Али бўлган. Абу Бакр, Умар ва Усмон эса бу ҳуқуқни ундан зўрлик билан тортиб олишган. Ш. тарафдорлари (шиалар) суннийлар каби Қуръонниилоҳий деб эътироф этади, лекин уларнинг айрим ўта реакцион рўҳдаги вакиллари халифалар даврида Қуръоннинг айрим қисмлари тушириб қолдирилган деб ҳисоблайди. Ш.илоҳиётчилари Қуръоннинг мазмунини мажозий тарҳлаш орқали ўз таълимотларини асослайди. Улар фақат Али ва унинг авлодлари томонидан ривоят қилинган ҳadisларни тан олади. Бундай ҳadisлардан иборат тўплам тузилиб, у аҳбор деб аталган. Ш.да 8 та ақидага эътиқод қилинади. Булар – таъҳид (Аллоҳнинг ягоналигини эътироф этиш), адл (адолат, Аллоҳнинг одиллиги, яъни тақдир ақидаси), нубувват (пайгамбарлик), имомат (имомлик – имомлар ҳокимиятини эътироф этиш), Амри маъруф (яхшиликка буюриш), Наҳйи мункар (ёмонликдан қайтариш), тавалло (Аллоҳ дўстларини дўст тутиш), габарро (Аллоҳ дўшманларидан узоқлашиш). Ш.да Али ва унинг авлодларидан иборат ўн икки имом ҳокимияти тан олинади. 874–878 й.лар орасида 7–9 ёшида бедарак йўқолган 12-имом Муҳаммад ал-Маҳдийни шиалар «яширинган» ҳисоблайди, замона охир бўлганда унинг қайтиб келишини ва адолат ўрнатишини кутади (имоми Маҳдий, имоми охир замон). Ш.да 12 имомлик (исноаширия) Али ибн Абу Толибдан бошланиб, унинг Фотимадан бўлган ўғиллари Ҳасан ва Ҳусайнга ўтади ва Муҳаммад ал-Маҳ-

дийга бориб тугайди. Шунинг учун Ш.даги исноаширийлар фирқаси «ўн икки имомни эътироф қилувчилар», деб номланган. Исноаширийларнинг баъзилари Алини Пайгамбардан афзал деб эътиқод қиладилар ҳамда Али ва унинг 11 авлоди инсонларга ризқ бериб туради, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, Али ва унинг авлодлари Пайгамбардан кейинги Аллоҳнинг ҳужжатларидир. Уларнинг буйруқлари, тақиқлари Пайгамбарнинг буйруғи, тақиқидир, уларга итоат қилиш – Пайгамбарга итоат қилишдир, уларга бўйсунмаслик – Пайгамбарга исён қилишдир. Уларнинг жасадлари нуронийликларни сабабли қабрларда чиримайдиган ёки баъзиларининг эътиқодига кўра, осмонга кўтарилади. Шиалар суннийлар каби Макка ва Мадина муқаддас ҳисоблаш билан бирга, Карбало, Нажаф ш.ларида жойлашган Ш. имомлари қабрларини ҳам зиёрат қилади. Ш.да 1 та диний-ҳуқуқий маҳаб – жаъфарийлик мавжуд. Шиалар имом Ҳусайнга мотам тутади, «шахсей-вахсей» деб ном олган мотам юришлари ўтказиши ва ҳ.к. Ўрта асрларда Ш. ичида ихтилофлар юз берган, натижада кўп фирқалар вужудга келган. Бундан зайдийлар, исмоилийлар, ибодийлар ва б. ҳозир ҳам мавжуд. Ш. ҳозирги вақтда Эронда ҳукмрон эътиқод ҳисобланади. Ироқ, Сурия, Ливан, Афғонистон, Ҳиндистон ва Покистонда шиалар бор. Озарбайжон ва Тожикистонда (Помирда исмоилийлар) аҳолининг муайян қисми Ш.ка эътиқод қилади. Самарқанд ва Бухорода шиа жамоалари мавжуд.

**ШОВИНИЗМ** (фран. chauvinisme) – миллатчиликнинг ўта агрессив шакли. Бошқа миллатларни менсимаслик ва ўз миллатининг уларга нисбатан устунлигини асослашга қаратилган

говий-назарий қарашлар тизими ва амалиётини ўзида мужжасам этади. Ш. атамаси француз ёзувчилари ака-ука И. ва Т.Коньярнинг «Уч рангли кокарда» номли комедияси қахрамонларидан бири, ўзининг тажовузкор миллатчилиги билан ажралиб турадиган Никола Шовен номи билан боғлиқ ҳолда 19-а.нинг 30-й.ларида пайдо бўлган. Наполеон I нинг босқинчилик урушлари ветерани буюк Францияни яратгани учун императорга сажда қилиш руҳида тарбияланган ўта миллатчи бўлган реал шахс ушбу бадний образнинг прототипи ҳисобланади.

Ш. бошқа миллатларнинг жаҳон тарихида тугган ўрни, бугунги кунда кишилик жамияти ривожини таъминлашдаги мавқеи, маънавий-маданий ҳаётининг ўзига хос томонларини менсимасликда яққол кўринади. Ш. кўп миллатли давлатда кўпинча бир миллатнинг устуворлигига, чексиз имтиёзларга эга бўлишига олиб келади. Базан эса муайян давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий манфаатларини миллий манфаатлар ниқоби остида намоён этиб, ўзга давлатга тазйиқ ўтказиши ҳам мумкин. Бу ҳол буюк давлатчилик Ш.и сифатида таърифланади. Буюк давлатчилик Ш. бир давлатнинг бошқа давлат устидан сиёсий, мафкуравий, иқтисодий ва ҳарбий ҳукмронлигини ўрнатишга қаратилган назария ва амалиёт сифатида Ш.нинг ўзига хос кўриниши ҳисобланади. Буюк давлатчилик Ш. гайриинсоний характерга эга бўлиб, бошқа халқларни қарам қилиш, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётда уларни камситишнинг ўзига хос шаклидир. Тарих иқтисодий имкониятлари зайфлашган, ижтимоий тотувлик мустаҳкам бўлмаган, ички зиддиятлар кучайган, Ватан, мил-

лат тақдиридан ўзининг шахсий ва тор гуруҳ манфаатларини устун қўядиган, ҳокимиятга даъвогарлик қилишда ўзаро келиша олмаётган сиёсий кучларнинг мавжуд муаммоларни ташқи кучлар ёрдамида ҳал қилишга уриниши ҳамда маънавий-руҳий парокандалик, эртанги кунга ишончсизлик туйғулари ҳукмрон бўлган мамлакатлар буюк давлатчилик Ш.и «ўлжаси»га айланишини кўрсатади. Буюк давлатчилик Ш.и ҳамиша куч ишлатишга, ҳарбий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-мафкуравий тазйиққа, зуравонликка асослангани учун ҳам миллатлар ва давлатлараро муносабатларда ишончсизлик ва душманлик кайфиятларининг чуқур илдив отишига сабаб бўлади.

**ШОПЕНГАУЭР** Артур (1788.22.2, Данциг — 1860.21.9, Франкфурт-Майн) — немис файласуфи, Гёттинген ун-тида табиатшунослик ва фалсафани ўрганган. Берлин ун-тида приват-доцент (1820—31). Ш. ўзини *Кант*нинг шогирди, издоши ҳисоблаган. Айни пайтда фалсафий қарашлари норационал тафаккур тарзига мойил. Ш. назлда олам ихтиёр ва тасаввур сифатида намоён бўлади. Ихтиёр — мутлақ ибтидо, бутун мавжудликнинг асоси, нарса ўзида: тасаввур — воқелик, ҳис этиш, тафаккур, ҳаётот, ниҳоят, бутун оламнинг ўзи: уни субъект ҳиссий абзолари ва онги билан кўз ўнгида гавдалантириши мумкин. «Олам — менинг тасаввурим», дейди у; инсон кўз очиши билан дуч келган ҳидлар рангларга, товущулару суқунатга, иссигу совуққа тула олам фақат тасаввурдан иборат. Ихтиёр тасаввурга ўхшамайди, у сирли, ҳали кашф этилмаган, эҳтимол, умуман кашф этиб бўлмайдиган нарса. У макон ва замонда яшайдиган мавжудотларнинг пайдо

булишини таъминлайдиган куч, лекин ўзи макон ва замонга бўйсунмайди. Инсон энг аввало, ихтиёр этгувчи, истагувчи, ҳирс қўйгувчи ва шундан кейингина билгувчи, фикрловчи мавжудот. Инсоннинг яшашга бўлган ихтиёри, истаги гоятда кучли, у яшаш истагида янгидан-янги ихтиёр исканжасига тушаверади. Ихтиёр чангалидан қутулиш учун одам барча хоҳиш-истаклардан юз ўгирмоғи керак. Шунда у ҳақиқий хотиржамликка, истаксиз умрга эришади. Буни Ш. будда дини билан боғлиқ ҳолда изоҳлайди. Бу диннинг баъзи гоёларини Ш. Фарб учун бўлажак модель сифатида олиб қарайди. Чунончи нирванага етишиш гоёсига ихтиёр ва тасаввурлар нуқтаи назардан ёндашади. Ш. оламни Будда каби руё деб билади. Ш. фикрича, инсондаги худбинликни ижтимоий тузилмаларнинг ўзи енга олмайди, бу иллатдан санъат ёрдамида қутулиш мумкин. Ш. шафқат ҳиссини ахлоқнинг асоси деб билади. Ш. гоёлари 20-а. фалсафасидаги турли оқимлар — *ҳаёт фалсафаси*, психоанализ, интуитивизм ва б.га асос бўлди. Асосий асарлари: «Олам — ихтиёр ва тасаввур сифатида» (1819—44), «Ахлоқшуносликнинг икки асосий муаммоси» (1837—39), «Ҳаёт мактабининг ҳикматлари» (1851).

**ШПЕНГЛЕР** Освальд (1880.29.5, Бланкенбург, Гарц — 1936.8.5, Мюнхен) — немис файласуфи, тарихчи, маданият фалсафаси асосчиларидан бири, *ҳаёт фалсафаси* вакили. Ш. таклиф қилган ягона маданият морфологияси тизимининг шаклланишига А.Шопенгауэр, Ф.Ницше, А.Бергсон гоёлари ҳамда В.Воррингернинг эстетик таълимоти таъсир кўрсатган. Ш. «Европанинг сўниши» номи дастлабки йирик асари (1918—22)ни 1-жаҳон уруши таъсирида

ёзган. Унда маданият ҳақидаги таълимотини илгари сурган. Шу давргача археология, этнография, қиёсий тилшунослик ва б. фанлар томонидан йиғилган билимлар ёрдамида Ш. халқларнинг тарихий шаклланиши ҳақидаги тарихий-фалсафий асосни яратишга интиланган. Ш. анъанавий тарихшунослик фанлари чегарасини ўзгартириб, бошқа маданиятлар ичида европача маданиятнинг ўрнини аниқлашга ҳаракат қилади. Маданиятни у «организм» сифатида талқин қилади ва ягона, умуминсоний маданият йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Ш. 8 та маданиятни: Миср, Бобил, Ҳинд, Хитой, «апполон» (юнон—рум), «афсунгарлик» (византия—араб), «фауст» (Фарбий Европа) ва майя маданиятини ажратиб кўрсатади. Уларнинг мавжудлигини ягона дунёвий тарихий жараён орқали боғлаш мумкин эмас, аксинча коинотдаги ягона ҳаётнинг намоён бўлиши, деб қараш мумкин. Тартибсиз ва чексиз макон ва замонда бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлган маданиятлар дунёси циклик ривожланишга асосланган доиравийлик гоёсига таянади. Улар бир-бири билан муносабатга кириша олмайди. Бу эса ўз ўрнида уларнинг индивидуаллигидан, ўзига хослигидан, ички ягоналигидан далолат беради. Ш. маданият тарихини ўрганишда морфологик таҳлил методидан фойдаланади. Ш.га кўра, ҳар бир маданий «организм»га унинг ички ҳаётий циклига боғлиқ ҳолда олдиндан муайян муддат (минг йилга яқин) белгилаб берилади. Маданият ўлиб бориб ўрнини *цивилизация* эгаллайди. Маданиятдан цивилизацияга ўтиш ижодкорликдан унумсизликка, тиклана боришдан қотиб қолишга, қаҳрамонона ишлардан оддий ишга



ўтишни англатади. Ш.нинг фикрича, цивилизация кириб келиши билан бадий ва адабий ижоднинг кераги бўлмай қолади. Шунинг учун у маданиятга доир нарсаларни йиғиштириб қўйиб, соф технизмга берилишни таклиф этади. Фан фалсафаси соҳасида Ш. илмий концепцияларнинг тарихий-маданий шартлигига урғу беради. Дунё манзарасини ҳаракатлантирувчи тарихий элементларни бўрттириб кўрсатади. 20-а. бошида шаклланган дунёқараш манзараси динамикасини тушуниш учун табиий фанлардаги кашфиётлар аҳамиятини юқори баҳолайди. Ш. концепциясида маънавий анъаналар роли мутлақлаштирилади. фан ортидаги мавжудликнинг объектив билиш вазифаси инкор қилинади. Ш. илмий тафаккурнинг антропоморф, илоҳий, ғайритабиий асосини таъкидлаб ўтади. Шу билан бирга фанни ўз-ўзини англашда тарихийлик томон йўл олганлигини кўрсатади. Ш. ижтимоий-тарихий билим соҳасида энтропия назариясининг айрим хоссаларини қўллайди. Бу эса Ғарб маданиятининг апокалипсисини асослашга олиб келади. Ш. фаннинг кўпгина ҳодисалари, мас., баъзи бир фанларнинг методологик бирлашуви, алоҳида фанларнинг келажакда қўшилиб кетиши, илмий тилнинг тимсолий белгилар орқали муракблашиши ва ҳ.к. ҳақида ўз фикрларини баён қилади. Унинг 1920–30 й.ларда ёзилган асарларида кўпроқ сиёсий тусдаги реакцион мотивлар устуворлик қилади. Веймар Республикасининг қулаши арафасида у фашизмга яқинлашади, лекин 1933 й.да национал-социалистларнинг бирга ишлаш таклифини рад этади. Кейинчалик Ш. ҳокимият сиёсатини танқид қилади,

бу эса натижада унинг исмини матбуотдан олиб ташлашларигача олиб келади, асарлари тақиқланади.

Ш. биринчилардан бўлиб тарихда техниканинг аҳамияти ва ўрни ҳақидаги муаммони ўртага ташлади. Шунингдек, олим техникани табиат ва жамият ҳаётига умумий-универсал таъсир этишини ҳам кўрсатиб кетди. Ш.нинг техника тараққиётининг махсус қонуниятлари, маданиятнинг умумий тарихий ривожланиш жараёнида техниканинг фундаментал таъсирини таҳлил қилиш тезиси ҳам катта аҳамиятга эга. Ш. таълимотининг турли қирралари кўпгина файласуфлар томонидан қабул қилинган. **ШУҲРАТПАРАСТЛИК** — шон-шўҳрат кетидан қувишда намоён бўладиган ахлоқий иллат. Шўҳратпараст инсон доимо атрофдагилар ва жамият диққат марказида туришга, сохта обрў қозонишга, машҳурликка интилади. Ўзини бошқалардан баланд тутишга ҳаракат қилади. Бу ҳол оқибатида уни жамиятнинг ахлоқий талаблари билан индивид сифатидаги ўз биологик ва маънавий-интеллектуал имкониятлари билан мутлақо ҳисоблашмайдиган ижтимоий нафс бандасига айлантириб қўяди. Натижада у мавжуд воқеликни, атрофдагиларнинг ўзига бўлган асл муносабатини ҳақиқий баҳолай олмайдди, ҳаётдаги ўз инсоний вазифасини бажармай қўяди. Манман, мақтанчоқ кишига айланади. Фақат ном чиқаришни ўйлайди. Ш. «касали»га мубтало бўлган инсон тимсоли сифатида Герострат тилга олинади. У мил.ав. 356 й.да тарихда номи қолиши ва абадий шўҳрат қозониш учун оламнинг 7 муъжизасидан бири — Эфес ш.даги Артемида ибодатхонасига ўт қўйган. Ҳоз.гача унинг номи таажжуб, ҳайрат ва айни пайтда нафрат ва лаънат билан тилга олинади.

**ЭВДЕМОНИЗМ** (юн. eudaimonia — роҳат-фароғат, бахт-саодат) — бахт-саодатга интилишни инсон ахлоқий фаолиятининг мезони ҳамда асосий ҳаракатлаттирувчи кучи деб ҳисобловчи ахлоқий таълимот, ахлоқ-одобнинг *гедонизмга* яқин услубий тамойили. Э. антик дунё ахлоқий назарияларида тулиқ намоён бўлган (*Демокрит, Сократ, Аристотель*). Э. бахт-саодатга интилишни ахлоқ-одоб мезони ва инсон ахлоқий ҳагги-ҳаракатининг асоси деб ҳисоблайди. Шахсий бахтга интилиш — индивидуалистик Э., ижтимоий бахтга интилиш ижтимоий Э. дейилади.

18-а. француз материалистлари (Гельвеций, Дидро) қарашларида ҳам Э. ғоялари маъжур. Улар инсон бахти ҳар қандай жамият ва ҳар қандай инсон фаолиятининг туб мақсадидир, деб чиққанлар. Эвдемонистик этика ўз инсонпарварлиги билан христианлик этикасида беқиёс юқори туради, чунки у охирада эмас, балки бу дунёда бахтга эришишга даъват этади. Эвдемонистлар инсон ҳам маънавий, ҳам жисмоний соғломликка интилса, ўзи ва ўзгаларнинг барча эзгу хусусиятларининг ивақлланишига ёрдам берса ҳамда бу билан замондошлар ва келажак авлод обрў-эътиборига сазовор бўлса, бундай инсонни бахтли ва комил деб эътироф этганлар. Э. бахт-саодатни жисмоний ва бир лаҳзали ҳузур, лаззат билан тенглаштирмайди, балки уни кенг маънода, яъни жисмоний ва маънавий қадриятларнинг мажмуи тарзида тушунади. Э. таълимотида кура, ўз шахсида мазкур қадриятларни мужассамлаштира олган кишигина чинакам бахт-саодат соҳибидир, шундай бахтгина инсонга ҳақиқий лаззат,

фароғат бахш этади. Э. бахт-саодатни ҳуқуқ-атворининг ахлоқий принципи даражасига кўгаради. Э.нинг ижтимоий хусусиятларини инглиз файласуфи И. Бентам ишлаб чиққан. Алоҳида индивиднинг барча эзгу фаолияти қанчалик кўп кишиларни бахтли қилиш даражаси билан аҳамият касб этади. Ижтимоий Э.нинг моҳияти жамиятдаги барча кишилар бахтига интилиш билан изоҳланади. Давлат ва унинг барча институтлари, уларнинг тадбир ва қонунилари мана шу буюк мақсад йўлидаги восита, ҳолос. Ижтимоий Э. охиρ-оқибат утилитаризмга олиб келади

**ЭВОЛЮЦИОН ЭПИСТЕМОЛОГИЯ** — эпистемология йўналиши. Э.э. билимни тирик табиат эволюциясининг бир лаҳзаси ва натижаси сифатида тадқиқ этади. Э.э. атамасини илк бор тадқиқотчи Д.Кемпбелл К.Поппер қарашларини таҳлил этишига бағишланган мақоласида қўллаган ва илмий муомалага киритган. Э.э. йўналишининг кўга кўринган вақиллари — Кемпбелл, Поппер ва К.Лоренц ҳисобланди. Э.э. ғоялари илк бор Э.Мах ва А.Бергсон фалсафий қарашларида учрайди. Бу йўналиш турли биологик даражаларда билиш жараёни иерархияга эгаллигини таъкидлаб, инсон билишининг ривожланиш механизми ва хусусиятларини эволюцион нуқтаи назардан ўрганади ва шу асосда фанни эволюцион назарияени яратишга интилади. Э.э.ни тўр маънода билишнинг «генетик» назариясини ифодалаб, асосий эътибор инсон ва б. мавжудотларнинг билиш фаоллигидаги ўхшашлик(бевоситалик, хатога йўл қўйиш, креативлик)ларга қаратилади. Э.э. фан фалсафасини бир йўна-

лиши сифатида эволюциянинг умумий моделини илмий билимларнинг ривожланиш жараёнига татбиқ этишга интилади. Э.э.нинг асосий мақсади купгина гносеологик ва эпистемологик муаммолар ечимини берган ҳолда, фан ривожланишининг умумий назариясини яратишдан иборат. **ЭВОЛЮЦИЯ** (лот. *evolutio* – авж олиш) – тадрижий ривожланиш. Умумилмий ва фалсафий таълимот. Ривожланиш тушунчасининг синоними. Табиат, жамият ва рухий-маънавий ривожланиш концепцияларини умумлаштириб ифода этишга хизмат қилади. Ушбу тушунча фалсафага немис файласуфи Г.В. *Лейб-ниц*нинг табиат аста-секин эволюцион равиюда ривож топини ҳақидаги таълимоти туфайли кириб келган. Кейинчалик немис файласуфи И. *Кант* бу тушунчани жамиятга нисбатан ҳам қўлади. Кенг маънодаги Э. тушунчаси тирик ва нотирек табиатда, шунингдек, ижтимоий тизимларда содир бўладиган ўзгаришлар жараёнини ифодалайди. Э. атамаси купинча танланиш муносабатлари воситасида тартибга солинмаган, бир вақтда кўп жиҳатларни ўз ичига оладиган биологик объектлар ривожланишини ифодалаш учун қўлланади. Ижтимоий тизимларга нисбатан эса Э. тушунчаси одатда, жамиятнинг ўёки бу ижтимоий birlikлари – муассасалари, маданияти, мафкураси ва б. жиҳатларининг умумжамият қисми сифатида ривож топини нисбатан қўлланилади. Тор маънода Э. инқилобга нисбатан қарама-қарши тушунча сифатида интилади. Реал ҳаётий жараёнларда Э. ҳам, инқилоб ҳам биргаликда бири-бирини тақозо этган ва тулдирган ҳолда қатнашади.

20-ада Э.нинг янги «универсал эволюциявий» тушунчаси вужудга

келди. Унга кўра, табиатшунослик ва маданият соҳаларидаги барча ўзгаришларнинг услубий асоси Э.дир. У барча фалсафий дунёқараш муаммоларини узил-кесил ҳал қилишга қаратилгандир.

**ЭВРИСТИКА** (юн. *heurisko* – излайман, топаман) – кашф этиш маҳорати. Э. беш хил маънода қўлланилади: 1) фанда аниқ математик моделларга қарама-қарши масалалар ечишнинг махсус усулларини билдиради. Масалаларни бу усул ёрдамида ечиш анъанавий усулга нисбатан вақтинч анча тежаш имконини беради. Лекин, бу усуллар ҳар доим ҳам кутилган натижани беравермайди; 2) самарали ижодий фикрлаш жараёнини ташкил қилиш. Психология ва маънавий фанлари туташиган нуқтада шаклланаётган фан бўлиб, фикрлаш жараёни самардорлигини ошириш учун табиий ва ижтимоий фанлар соҳасида қўлга киритилган ютуқлардан фойдаланади. Бу фан ижодий тафаккур тўғрисидаги фан, деб ҳам аталади; 3) эвристик фаолият тўғрисидаги фан. Унинг объекти экстремал ва нестандарт ҳолатларда муаммо ечимини топиш жараёни ҳисобланади; 4) педагогика фанида қўлланиладиган махсус ўқитиш усулини англатади. Бу усул мураккаб масалаларни жамoa бўлиб ечиш йулларини ургатади. Мураккаб муаммолар устида жамoa бўлиб бош қотирилганда шу жараёни қатнашчиларида ижодий фикрлаш қобилияти тез шаклланади ва ривожланади. Қадимда бу усулдан Сократ ва Аристотель перипатетиклар мактабида фойдаланганлар. Ҳоз. кунда «Бошқарув психологияси» фани ва амалиётида «ақлий ҳужум» ёки брейнсторминг номи билан маълум бўлган усул мана шу эвристик усулнинг амалда

қўлланилишидир; 5) электрон-ҳисоблаш машиналари (компьютерлар) учун дастурлар тузиш усули.

**ЭГОИЗМ** (лот. ego – мен) – ўз фойдаси, манфаатини кўзловчи ҳатти-ҳаракат, ўз манфаатини бошқа кишилар манфаатидан устун қўйиш. Э.нинг акси – *альтруизм*. Ўз-ўзини қадрлаш, севиш, шахсий «мен»и тўғрисидаги фикрларига асосланган феъл-атворни англатади. Э. аввало ўз-ўзини муҳофаза қилишдан иборат табиий инстинктнинг намоён бўлишидир. Шу маънода у одоб-ахлоқ маромларига зид эмас. Zero, индивид ўзида мавжуд бўлган салоҳиятни англаши ва уни рўёбга чиқаришга интилиши, бинобарин жамoa ва жамият олдидаги бурчини ado этиши, шахсий қобилиятлари ва истеъодларини тағ омиллантириш учун ўз кадр-қимматини билиши ва уни муҳофаза эта олиши учун «мен»нга солиқ қолиши лозим. Бирок, шу аснода бошқаларнинг ҳаёти ва кадр-қимматини назар-писанд қилмаслик одоб-ахлоқ маромлари доирасига сифмайди, бундай ҳолатда эгоистнинг «мен»и индивидуализмга айланиб кетади. Ўзини бошқалардан устун қўйиш, ўз эҳтиёжлари ва манфаатларини устувор, деб билиб одоб-ахлоқ маромларини четлаб ўтиш, бошқалар манфаати ва инсоний кадр-қимматини назар-писанд қилмаслик, кибр-хавога берилиш ва б. қусурлар Э.нинг кўринишларидир (яна қ. *Худбишиқ*).

**ЭКЗИСТЕНЦИАЛИЗМ** (лот. existentia – ялаш, мавжудлик), мавжудлик фалсафаси – фалсафадаги йўналиш. 20-а. бошида Россияда, 1-жаҳон урушидан кейин Германияда, 2-жаҳон уруши даврида Францияда, урушдан кейин бошқа мамлакатларда пайдо бўлган. С.Кьеркегор (1813–55) таълимоти, *ҳаёт фалсафаси*, феноменология

Э.нинг гоаявий маънаи ҳисобланади. Диний Э. (К. Ясперс, Г. Марсель, Н.А. Бердяев, Л. Шестов, М. Бубур) ва атеистик Э. (М. Хайдеггер, Ж. П. Сартр, А. Камю) бир-бирдан фарқланади. Марказий тушунчаси – экзистенция (инсон мавжудлиги). Инсон мавжудлиги асосан ғамхўрлик, кўрқиш, қатъийлик, виждон кабиларда намоён бўлади. Даҳшат, кўркув, улим инсон яшашичинг асосини ташкил этади. Инсон ўзини экзистенция сифатида англагандан кейин эркинликка эришади, бу эркинлик ўз-ўзини, ўзининг моҳиятини танлашдан иборат бўлиб, инсонга оламда юз бераётган барча нарса учун маъсулият юклайди. Э. борлиқнинг фожиаллигини, унинг маънада хилофлигини, инсон ихтиёрида эмаслигини тарғиб қилади. Э. оқим сифатида тутақандлигига қарамай, ҳоз. кунда унинг асосий тамойиллари Европа халқлари менталитетига сиқиб кетган. У тарб адабиёти ва санъатига катта таъсир кўрсатган.

**ЭКЗИСТЕНЦИЯ** (лот. existentia – мавжудлик) – экзистенциализмнинг асосий тушунчаларидан бири. Бу тушунча инсон борлигини, моҳиятини ва мавжудлигини билдиради. Бу атамани шу маънода биринчи марта даниялик файласуф С.Кьеркегор ишлатган. Экзистенциалистларнинг фикрича, Э. инсон «мен»ининг шундай марказий мағзини ташкил этадики, шу туфайли мазкур «мен» шунчаки айрим эмпирик индивид ва «фикрловчи ақл», яъни ялпи умумий (умуминсоний) бир нарса сифатида эмас, балки муайян, тақдорланмас шахс сифатида майдонга чиқади. Э. инсоннинг моҳияти эмас, чунки экзистенциалистларнинг (Ж.П.Сартр) назариясига кўра, моҳият қандайдир муайян, илгаридан маълум бўлган бир нарсани билдиради. Э. эса, ак-

синча, «очиқ имкониятдир». Э.нинг энг муҳим таърифларидан бири уни объективлаштириб бўлмастидир. Инсон ўз қобилияти, билими, ҳунарларини амалий равишда ташқи предметлар шаклида объективлаштира олади. Сўнгра у ўз психик фаолияти, тафаккури ва ҳ.к.ларни назарий жиҳатдан объективлаштириб, ўзи қараб чиқадиган объектга айлантириши мумкин (яна қ. *Экзистенциализм*).

**ЭКЛЕКТИКА** (юн. *eklektikos* – танловчи) – турли хил, ҳатто бир-бирига қарама-қарши гоя, қараш, назарияларнинг «энг яхшиси»ни танлаб олишга интилиш. Э.ни кенг маънода тартибсиз, муайян асоси бўлмаган брилик, бир-бирига алоқаси бўлмаган қарашлар, тамойиллар йиғиндиси деб тушунтириш мумкин. Дастлаб сўнги юнон фалсафасининг фалсафий оқимлари таълимотида ўз ифодасини топди. Мас., ўрта стоицизмда платонизм ва аристотелизм унсурлари мавжуд. Рим Э.сининг ёрқин намояндаси – Цицерон. У юнон фалсафасида мавжуд бўлган барча қимматли гояларни йиғиб, Юнонистон файласуфларининг ўз ҳақиқат тушунчаларини римликларга етказиб бериш учун шароит яратиб берди. 19-а. бошларида Э. Францияда ривож топди. Бу давр вакилларининг фикрига кўра, ҳеч бир таълимот ўзида ҳақиқатни тўла-тўқис акс эттира олмайди, фақат унинг муайян бир қисмига эга бўла олади. Шунинг учун турли гоя ва таълимотларни мужассамлаштириш даркор. Ушбу фикр фалсафага ҳам, сиёсатга ҳам тааллуқлидир. Кейинчалик Э. тушунчаси баъзи бир фалсафий оқимларда кенг қўлланила бошланди.

**ЭКОЛОГИК ИНҚИРОЗ** – тирик организмлар, бир бутун ижтимоий-табiiй тизимлар яшаш табiiй шарт-шароитининг ноқулай томонга ўзга-

риши, динамик барқарорликнинг издан чиқиши ва умуман шаклланиб келган ҳаёт шаклининг мавжуд бўлишини ноаниқ қилиб қўювчи экологик жараён. Э.и. ўз моҳиятига кўра экологик вазиятнинг бир кўриниши сифатида «табиат-жамият» тизимидаги экологик зиддиятнинг кучайишини, улар ўртасидаги динамик барқарорликнинг бузилишини ифодалайди. Э.и. воқеликка айланиши потенциал характерга эга бўлган имкониятдаги экологик хавфлиликдир. Бу – табiiй муҳитнинг маълум бир тизимли параметрлари, унинг физик-кимёвий, биологик барқарорлигининг сифатий ўзгаришидир. Э.и.ни икки тури ажратиб кўрсатилади. Биринчи ҳолатга кўра, «табиат-жамият» тизимидаги динамик барқарорликнинг бузилиш чегараси бошланғич чегарадан чиқиб тизимнинг ички алоқдорлигини сифатий ўзгаришига ва охири оқибат барқарорликни йўқолишига олиб келади. Инқирознинг бундай кўриниши «табиат-жамият» тизимининг кейинги ривожланиш тамойилларини бутунлай ўзгартириб юборувчи асосий омил бўлиши ёки туб асосларини тамомил эмирилишига олиб келиши мумкин. Иккинчи ҳолати «табиат-жамият» тизимининг шундай ривожланиш ҳолати, унда қайтарилмас жараён белгиловчи мезон сифатида роль ўйнаб, табиатга нисбатан салбий антропоген босим чегарадан чиқиб табiiй муҳитнинг бузилиши қайтарилмас жараёнга айланади, натижада «табиат-жамият» тизимини парчаланишига олиб келади, барқарорликнинг кескин йўқолиши юз беради. Инқирозни бундай кўриниши ҳалокат деб номланиб, бу ерда инқироз кўлами ва унинг ижтимоий-табiiй ривожланиш жараёнларга таъсирини олдиндан айтиб бўлмайди.

**ЭКОЛОГИЯ** (юн. *oikos* – жой, уй, макон ва *logos* – таълимот, тушунча) – организмлар ва улар билан атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганувчи фан. Э. атамаси фанга биринчи марта 1866 й. немис биологи Э. Геккель томонидан киритилган. Ҳар қандай организм тури эволюция давомида ўзининг яшаш шароитига мослашишда, ноорганик табиат ва ҳаётнинг бошқа шакллари, шу шароитда яшовчи бошқа турдаги жонзотлар билан ҳамма боғланишларда ўзига керакли устунликка эга бўлишга интилади. Тарихдан маълумки экологик қарашлар икки йўналишга бўлинган: 1) табиатни инсон таъсиридан ўрганиш; бунда инсонни ўсимлик ва табиат олами каби органик мавжудот деб қараш; 2) инсон фаолиятини табиий жараёнлар ҳаракатининг асоси, деб қараш. Э. соҳасидаги интенсив тадқиқотлар унинг табиий фан сифатидаги мавқеини ўзгартирди. Бунда тирик табиат билан муҳит ўртасидаги муносабатларни инсонсиз ўрганиш етарли бўлмади қолди. Биосфера ўзгаришида энг муҳим омиллардан бири антропоген таъсир эканлиги маълум бўлди. Технологиянинг ривожланиши натижасида табиий жараёнларга таъсир кучайди, инсон манфатларига мос равишда табиий муҳит унсурлари сунъий муҳит билан алмаштирилди. Бундай техникавий ёндашув табиатни инсон ўз иродасига бўйсундиради, деган антропоцентрик қарашга асосланган. 20-а. охирига келиб, инсон томонидан яратилган сунъий техносфера Ер биосфераси билан тенглашди. Бунда сунъий техномасса табиий биомассадан ошиб кетди. Ҳоз. замон оламшумул муаммолар ва янги ижтимоий-маданий детерминациялар

анъанавий экологик воқеликни акс эттирувчи парадигмаларни тубдан ўзгартириб юборди. 21-а. бўсағасида экологик хавфсизлик муаммоси янада кескинлашди ва уни ҳал қилишнинг янги парадигмаларини яратишга мажбур қилди. Бу парадигмалар замонавий цивилизация асосларини ифодалаб, инсонпарварлик руҳи билан суғорилган. Булар «оламшумуллик» ҳисси, «витал қадрият», «барқарор ривожланиш» концепцияси ва б.дир. Минг йиллар давомида эволюция натижасида жонли табиатда динамик мувозанатдаги тизим – биосфера юзага келди. Инсоннинг амалий саноат ва ижтимоий фаолиятининг ривожланиши билан унинг табиий муҳитда содир бўлган боғланишларга фаол таъсир этиш миқёси кенгайиши оқибатида биосферага путур етказилди, табиий жараёнлар мувозанати бузилди (сув ва ҳаво муҳитининг, ер қатламнинг заҳарланиши, ўрмонларнинг камайиши, чўлларнинг пайдо бўлиши ва б.). Буларнинг ҳаммаси Э. олдига табиатга оқилона таъсир этиш чегараларини аниқлаш вазифасини қўяди, чунки унинг мувозанатли тизими сифатида яшаши инсоният яшаш шароитининг табиий негизини ташкил қилади. Фан сифатида Э. ташқи муҳитга таъсирнинг шундай услўбларини қидириши ва тавсия эгиши керакки, улар фақат ҳалокатли оқибатларнинг олдини олибгина қолмасдан, балки Ер юзида инсон ҳаёти ва ижтимоий ривожланиш шароитини жиддий яхшилаш имкониятини ҳам яратсин.

**ЭКСПЕРИМЕНТ** (лот. *experimentum* – тажриба, синов) – фанда нарса ва ҳодисаларни сезги-предмет фаолияти билан тадқиқ қилиш, ўрганиш. Э. кузатишга қараганда юқорироқ

даражадаги билиш усули. Э. тегишли тажриба мосламаларини татбиқ қилиш ёрдамида объектга таъсир кўрсатади. Тадқиқотчи ўзини қизиқтирган объект томонларини ўрганиш учун Э. усули билан унга фаол таъсир кўрсатади. Бунинг учун сунъий шароитлар яратади, тажрибалар олиб бориб, маълумотлар тўплайди. Э. усули нарса ва ҳодисаларнинг муҳим белги ва хусусиятларини, уларнинг бошқа нарса ва ҳодисалар билан муносабати, алоқа ва боғланишларини чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради. Бу усул тадқиқотчига табиий шароитда кузатиш орқали ҳосил қилиши мумкин бўлмаган билимларни олиш имкониятини беради. Э. кузатиш билан узвий боғланган. Илмий тадқиқот соҳаларига қараб, предметларни ўрганувчи Э. турлича бўлиши мумкин. Мас., у механик, физик, кимёвий, биологик, ижтимоий, фикрий бўлади. Э. усули У.Гильберг, Г. Галилейлар томонидан қўлланилган. Фалсафий мазмунини биринчи бўлиб Ф.Бэкон очиб берган ва уни таснифлаган. Бирон-бир назариянинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлаш учун ҳам Э. қўлланилиши мумкин. Бундай Э. ҳал қилувчи Э. деб аталади. Э. эмпирик билишда қўлланиладиган мураккаб ва самарали усулдир. Билишда назарий Э. деган тушунча мавжуд бўлиб, у Ж.Милль номи билан боғлиқ.

Э.да нарса ва ҳодисалар «соф» ҳолатда ўрганилиб, уларга таъсир қилувчи четдаги омиллар ажратиб олинади, нарса ва ҳодисаларнинг табиий ҳолатларда кўринмайдиган хоссалари сунъий, яъни яратилган шароитларда ўрганилади, кўзланган натижани олиш учун шароитлар ўзгартирилади, ўрганилаётган жараёнларни қайта-қайта куришга имконият яратилади. Сўнгги йилларда

ижтимоий ҳодисаларни ўрганишда Э. усулининг зарурилиги ва унинг кўп қўлланилаётганлиги таъкидланмоқда. Ижтимоий ҳодисаларда Э., асосан, жамиятни бошқаришда муҳим ўрин тутади. Ижтимоий Э.ни амалга оширишда амалдаги ҳуқуқий, ахлоқий, сиёсий метёр ва мезонларни ҳисобга олиш керак.

**ЭЛЕМЕНТ** (лот. *elementum* — унсур, дастлабки модда) — материянинг бирламчи, энг оддий дастлабки зарраларини билдирувчи тушунча. Табиат шу турли-туман зарраларнинг муайян тартиб, алоқа ва усулда қўшилишидан таркиб топади, мавжуд бўлади ва ривожлана боради. Қадимги замонлардан бошлаб файласуф ва табиатшуносларнинг бир томондан материянинг энг оддий, майда, ягона Э.ларини топишга интилишлари билан, иккинчи томондан материянинг битмас-туганмаслиги сабабли табиатда бундай Э.лар йўқлиги тўғрисидаги фикрлар ўртасида зиддият бўлиб келган. Бу фикрлар ўртасидаги зиддиятларнинг аниқланиши ва ҳал қилина бориши туфайли материя тузилиши ҳақидаги инсон билимлари бойиб борди. Чунончи, юнон файласуфлари материянинг ягона Э.и деб сувни (Фалес), ҳавони (Анаксимен) ёки оловни (Гераклит) эътироф этишган. Демокрит, Левкипп, кейинчалик Эпикур материянинг энг майда, бўлинмас зарралари сифатида атом ҳақидаги таълимотни илгари сурдилар. Қадимги Миср, Ҳиндистон, Хитой, Эрон ва Ўрта Осиёда оламнинг асосида тупроқ, олов, сув ва ҳаводан иборат бўлган тўрт унсур — медда ётади деган қарашлар мавжуд бўлган. Бу қарашларни Шарқнинг буюк мутафаккирлари Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий ва б. ҳам ривожлантир-

## ЭЛЕЯ МАКТАБИ

ганлар. 19-а. охирларида қилинган буюк табиий-илмий кашфиётлар материя тўғрисидаги эски қарашларга, хусусан унинг бирламчи ва структурасиз зарралари мавжудлиги ҳақидаги ҳукмрон тасаввурларга пугур етказди. Ҳоз. замон физикаси электронлар, нейтронлар ва б. «Элар» зарраларнинг мураккаблигини исбот қилиш орқали табиатнинг бениҳоялиги, чексизлиги тўғрисидаги илмий-фалсафий гоияни яна бир бор исботлади. Мас., ҳозирги замон физикасида мавжуд бўлган «элементар зарралар» тушунчаси муайян жараёнларда бир бутун сифатида ўзаро таъсир қилувчи энг оддий микрообъектларни ифодалайдики, уларнинг 250 дан ортиқ хилма-хил кўринишлари бор. У яхлит тизим сифатидаги бутун таркибида ўзаро алоқада бўладиган нарса ва ҳодисаларнинг нисбатан булинмас қисми. Бу маънода Э. тушунчаси бутун ва қисм фалсафий категориялари ўртасидаги муносабатни ифодалайди. Э. фалсафадан ташқари математика, табиатшунослик, техника ва ижтимоий-гуманитар фанларда ҳам кенг қўлланилади.

**ЭЛЕЯ МАКТАБИ** — юнон фалсафий мактаби. Мил. ав. 6—5-а.ларда Элея ш. (Жанубий Италия)да пайдо бўлган бу мактаб ривожланиб борган сари Э.м. фалсафасига хос тамойиллар ҳам кучая борган. Асосий намояндалари: Ксенофан, Парменид, элеялик Зенон ва самослик Мелис. Э.м. вакиллари Милет мактаби ва Гераклитнинг нарсаларнинг ўзгарувчан бош асоси ҳақидаги стихияли диалектикасига қарши чин борлиқнинг ўзгармас моҳияти ва кўзга кўринувчи барча ўзгаришлар ҳамда тафовутларнинг хаёлий эканлиги ҳақидаги таълимоти илгари сурган. Бу қоида билиш асослари бўлмиш ҳиссий тажрибани

камситишга олиб келди ва кейинчалик Платон идеалистик таълимоти манбаларидан бири бўлиб хизмат қилган. Э.м.нинг диалектикага қарши далиллари (айниқса, Зенон апориялари) уларнинг метафизик табиатда бўлишига қарамай, диалектиканинг кейинги ривожланишига ижобий таъсир этган. Улар ҳаракатнинг зиддиятли табиатини мантиқий тушунчаларда қандай ифодалаш керак, деган муаммони кескин ўртага қўйганлар. Хуллас, Э.м. билишда тафаккурга асосий аҳамият бериб, уни ўткинчи ва беқарор ҳиссий идрокка қарама-қарши қўйган, фалсафа тарихида биринчи бўлиб ягона борлиқ гоиясини илгари сурган, уни узлуксиз, ўзгармас, бўлинмас деб воқеликнинг ҳар қандай майда унсурини мавжуд бўладиган, нарсаларнинг кўплигини ва улар табиатини истисно қилувчи ҳол, деб тушунган.

**ЭМЕРЖЕНТ ХУСУСИЯТЛАР** (лот. emergent — тўсатдан юз бермоқ, пайдо бўлмоқ) — кишилар гуруҳ ёки жамоага бирлашганида тўсатдан юзга келадиган уларга хос бўлган умумийлик. Мазкур гуруҳга кирувчи кишилар тавсифи бу хусусиятлар тавсифи билан айнан бўлиши шарт эмас деб қарашни аниглайди.

**ЭМПИРИЗМ** (юн. empiria — тажриба) — ҳиссий тажрибани билишнинг бирдан-бир манбаи деб ҳисобловчи фалсафий оқим. *Рационализм*га қарши туради. Тажрибани, ҳиссий билишни мутлақлаштириш, рационал билиш (тушунчалар, назариялар) аҳамиятини пасайтириш Э.га хос жиҳатларидир. Э. *сенсуализм*га яқин. Э. яхлит гносеологик таълимот сифатида 17—18-а.ларда шаклланган (Ф.Бэкон, Г.Гоббс, Ж.Локк, Ж.Беркли, Д.Юм); Э.нинг айрим белгиларини *позитивизм*, *неопозитивизм* (мантиқий Э.)да кўриш мумкин.



**ЭМПИРИОКРИТИЦИЗМ** (юн. *empeiria* – тажриба ва *kritike* – танқид) – фалсафий оқим. Асосчиси – Р.Авенариус, Э.Мах. 19-а. охири – 20-а. бошида пайдо бўлган. Э.нинг асосий моҳияти билиш жараёнида тажриба усуллари рад этишдир. Э. борлиқни «бетараф элементлар», яъни сезгилар мажмуидан иборат, деб ҳисоблайди. Бунда тажриба сезгилардан иборат бўлиб, субстанция, материя сабабият ва субъектдан ташқарида мавжуд бўлади. Э. объектив оламнинг мустақил мавжудлигини рад этади, уни фақат ҳиссиётларга боғлаб қўяди, «соф тажриба»ни тарғиб қилади. Ҳоз. вақтда Э. *непозитивизм* томонидан қўллаб қувватланмоқда.

**ЭПИКУР** (мил.ав. 341, Самос ороли – мил.ав. 270, Афина) – юнон файласуфи. 306 й.дан Афинада яшаган, ўз номи билан аталган фалсафа мактабига асос солган. Э. 300 дан ортиқ асар муаллифи ҳисобланади. Лекин унинг бир неча хати, афоризмлари ва эсдалигигина сақланиб қолган. Э. фалсафани физика (табиат тўғрисидаги таълимот), каноника (билиш тўғрисидаги таълимот, унда Э. *сенсуализмга* амал қилган) ва этикага бўлган. Э. физикада *Демокритнинг* атомистика таълимотига эргашди. Сон-саноксиз оламлар орасидаги фазоларда яшаётган бифарқ худолар мавжуд деб бияди, лекин уларнинг коинот ва одамлар ҳаётига аралашувини инкор этди. У *Платоннинг* «ғоялар дунёси», Аристотелнинг «биринчи туртки» ва б.нинг ғайритабиий кучлар ҳақидаги ғояларига қўшилмади, олам сон-саноксиз, чексиз, доимий ҳаракатда ва ўзгаришда деб ҳисоблади. Э.нинг фикрича, жон моддий, тана билан боғлиқ, тана ўлиши билан у ҳам ўлади.

Э. каноникага доир қарашларида дунёни илмий билиш мумкинлигини эътироф этди. У канониканинг мақсади ҳақиқатни билиш, ҳақиқат мезонларини топиш ва аниқлашда деб тушунди. Э. этикасида адолат, дўстлик, донишмандлик тушунчалари муҳим ўрин эгаллайди. Адолат тушунчасини ўзгага зарар етказмаслик ва ундан зарар кўрмаслик деб билди. Унинг фикрича, дўстликнинг асосида индивиднинг шахсий эҳтиёжи ётади: ақллилик – муваққат эзгулик, дўстлик – абадий эзгулик.

Одамлардан йироқ бўлиб яша, деган фикр Э.нинг шиори бўлган. У. азоб-уқубатларнинг бўлмаслиги, таннинг соғломлиги ва руҳнинг беташвишлиги (атаракция)ни ҳаётнинг мақсади деб билган. Унинг фикрича, табиатни билиш қўрқувдан, улим даҳшатидан, ирим-сиримлар ва, умуман, диндан халос қилади.

**ЭПИСТЕМОЛОГИЯ** (юн. *episteme* – билим ва *logos* – таълимот) – фалсафа бўлими бўлиб, билиш жараёнининг моҳияти, билимнинг воқеликка бўлган муносабати, билиш жараёнининг умумий асослари, унинг ҳақиқатлиги, шарт-шароитлари каби масалаларни тадқиқ этади. Билим нима, билим қандай тузилган, билимнинг қандай турлари мавжуд каби масалалар ҳам Э.га тегишли. Э. учун аксарият ҳолларда билиш жараёнининг барча хусусиятларини билиш муҳим аҳамиятга эга эмас. Э.да воқеликнинг реал ҳолатларини ифодаловчи ҳаққонийлик хусусиятига эга билимларнинг ўзига хосликлари инобатга олинади. Э.нинг асосий масалалари: билимнинг тузилиши, турлари, умумий қоидалари, ўзгаришлари ва ривожланиши, илмий-назарий ва амалий фаолиятида унинг объективлиги ва жорий этиш механизмларининг моҳияти ва

б. Э. тўғрисидаги тасаввур антик даврда шакллана бошлаган. 20-а.га қадар Э. ўзининг институтцион шакллариغا эга бўлмаган, унинг масалалари асосан гносеология ва мантиқ доирасида инглиз аналитик анъаналари асосида ривожланган. 19-а. охирида Э. масалалари гносеологиядан ажрала бошлади. Билимни тадқиқ этиш методлари, аналитик, операция, норматив, структуравий-функционал йўналишлари ривожлана бошлади. 1970-й.ларда К.Поппер Э. эркинлигини онтологик жиҳатдан асослаб берди, «учинчи дунё» (билимнинг объектив моҳияти) ва билиш жараёнини билувчи субъектсиз концепциясини таклиф қилди.

Э. билиш жараёни объектив мавжуд бўлган воқеалар тўғрисидаги билимларга эга бўлиш йўллари тавсифлайди ва шу билан ҳаққонийлик белгисига эга эканлигини акс эттиради. Ҳар бир замонавий фалсафий йўналишнинг ўзига хос Э.си мавжуд. Сциентизм (неопозитивизм, танқидий рационализм, неореализм ва б.), антисциентизм (экзистенциализм, фалсафий антропология, фалсафий-диний йўналишлар ва б.) оқимларида эпистемологик изланишлар нисбатан кўпроқ қўлланилади. Ҳоз. замон фалсафасида ижтимоий Э. асосида олиб борилаётган изланишлар кенгайиб бормоқда. Ижтимоий Э. билимни ижтимоийликка, ижтимоийликни билимга бўлган муносабатини, ижтимоий ин-тларни қайта қуриш масалалари кабиларни ўрганади.

**ЭСТЕТИКА** (юн. *aisthetikos* — ҳис қилувчи, ҳиссий тарбияга доир) — инсон билан дунё ўртасидаги қадрият муносабатининг ўзига хос томонларини ва кишиларнинг бадиий фаолияти соҳасини ўрганувчи фалсафий фан. «Э.» терминини немис файласу-

фи А.Баумгартен (1714—62) илмий муомалага киритган. Э.нинг синоними сифатида гўзаллик фалсафаси, санъат фалсафаси, бадиий ижод фалсафаси иборалари қўлланиб келинган. Кейинги пайтларда нафосатшунослик ёки нафосат фалсафаси атамалари ҳам Э.ни англатадиган бўлди. Э. ўз ичига санъат Э.си, табиат Э.си, техника Э.си, дизайн, спорт Э.си, турмуш Э.си, атроф муҳитни гўзаллаштириш ва б. соҳаларни қамраб олади.

Э. нафосат, дид, гўзаллик, хунулик, улугворлик, тубанлик, фожиавийлик, кулгиллик, мўъжизавийлик, ҳаёлилик сингари категориялар билан иш қўради. Улар орасида нафосат тушунчаси алоҳида ўрин эгаллайди. У бир томондан, эстетик англашнинг барча жиҳатларини (эстетик ҳиссийёт, эстетик завқ, эстетик дид, эстетик муҳокама ва б.), иккинчи томондан, эстетик хусусиятларни — амалдаги гўзаллик, улугворлик, фожиавийлик, кулгиллик ва ҳ.к. жиҳатларни ўз ичига олади. Ана шу кейинги жиҳати билан нафосат баъзан Э.нинг предмети сифатида ҳам қабул қилинади.

Э.нинг тадқиқот объектилари ичида санъат алоҳида ўринни эгаллайди, у қадимдан то ҳоз. кунгача энг кўп тадқиқ этилган эстетик соҳа ҳисобланади. Э.нинг бу борада санъатшунослик фанларидан фарқи шундаки, у ўз объектига фалсафий-назарий жиҳатдан ёндашади. Э. санъатни санъаткор, санъат асарни, санъат асарини идрок этувчи шахедан иборат яхлит тизимда олиб ўрганади, барча санъат турлари учун зарур бўлган умумий қонунқоидаларни ишлаб чиқади. Мас., адабийгўзалликдаги ҳофия назариясини мусиқага ёки ҳайкалтарошликка нисбатан қўллаб бўлмади. Э.даги композиция ёки услуб назарияси эса мейморликдан тортиб бадиий сурат-

кашликкача бўлган ҳамма санъат турларига тааллуқдир. Айни пайтда Э. санъатнинг табиати, унинг ижодийлиги ва б. жиҳатларини тадқиқ этади; бадий оқимлар ва йўналишларнинг, ижодий услубларнинг моҳиятини ўрганади.

Э. фалсафий илм сифатида кўплаб ижтимоий ва табиий фанлар билан алоқадордир. Унинг *этика* билан алоқаси алоҳида диққатга сазовор. Бу иккала фаннинг ўзаро яқинлиги, аввало, инсон хатти-ҳаракатининг кўп ҳолларда ҳам ахлоқийлик, ҳам нафосат уйғунлигидан иборат эканлигида; 2-дан, Э.нинг асосий тадқиқот объекти бўлмиш санъат моҳияти эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курашнинг бадий инъикоси сифатида доимо долзарб ахлоқий муаммоларни кўтариб чиқади; 3-дан, Э.нинг баъзи тушунчалари *этика* учун ҳам бирдек хизмат қилади; 4-дан, Э. урганадиган хулқий гузаллик соҳаси *ахлоқ* билан бевосита боғлиқ. Айни пайтда иккала фан бир-бирига жула ўхшаш экан деган таассурот туғилмаслиги керак. Э. ҳар бир объектга аниқ, муайян ёндашувни талаб қилади, *этика* эса ҳамма учун умумий бўлган қонун-қоидаларни, ҳикमतларни ишлаб чиқади. Э.нинг психология билан алоқаси ҳам жуदा муҳим: ҳар иккала фан руҳий ҳолатларни ўрганади. Ҳар иккала фан учун умумий бўлган санъат психологияси ва бадий ижод психологияси деган махсус йўналишлар мавжуд. Э. ва социологиянинг ўзаро муносабатларида санъатни ҳамкорликда ўрганиш масалалари муҳим. Санъат асари алоҳида инсон шахсига эътибор қилгани ҳолда, жамиятни ижтимоий муносабатлар тизими, ижтимоий тузилма сифатида бадий тадқиқ этади, айни пайтда социологик тадқиқотлар учун ўзига хос материал

бўлиб хизмат қилади; социология жамият билан санъатнинг ўзаро алоқаларини, санъатнинг ижтимоий вазифаларини, санъаткорнинг жамиятдаги ўрни, мавқеи, китобхон ва томошабинларнинг ижтимоий-демографик ҳолатларини, шахс ижтимоийлашувида санъатлар ва санъат асарининг аҳамиятини таҳлил қилади. Мазкур муаммоларни ўрганиш учун Э. ва санъат социологияси соҳаси мавжуд. Э.нинг диншунослик билан алоқаси ҳам катта аҳамиятга эга; *дин* ва санъат доимо бир-бирини тўлдириб келади, кўп ҳолларда бири бошқаси учун яшаш шarti бўлиб хизмат қилади. Э.нинг педагогика билан боғлиқлиги эстетик тарбия масалаларига бориб тақалади; педагогика ҳам эстетик тарбия билан шуғулланади. Лекин у алоҳида-алоҳида, мустақил қисмларга бўлинган ҳолда, турли ёш ва соҳалар учун махсус белгиланган тарбия тарзида олиб борилади. Мас., мактабгача тарбия, ўқувчилар тарбияси, жисмоний тарбия ва ҳ.к. Э. эса нафосат тарбиясининг умумий қонун-қоидаларини ишлаб чиқади — инсон туғилганидан бошлаб, то ўлимигача ўтадиган умр босқичлари учун тааллуқли бўлган тарбия фалсафаси сифатида иш куради. Э.нинг семиотика (белгилар ва белгилар тизимлари ҳақидаги фан) билан алоқадорлиги кейинги пайтларда янада теранроқ тадқиқ этилмоқда. Шунингдек, Э. барча санъатшунослик фанлари ҳамда табиат Э.си нуқтаи назаридан экология, ахборот назарияси жиҳатидан кибернетика билан алоқадорликда иш куради.

Э. тарихининг ибтидоси Сумер (Шумер), Бобил, Қадимги Миср, Қадимги Хитой ва кейинроқ юнон мифларига бориб тақалади. Бундан 5—6 минг йил аввал илк ёзув — миҳ хат-

да битилган Сумер гилтаҳталаридаги матнларда «ғўзаллик», «санъат», «му-сиқа» сингари сўзларда акс этган даст-лабки эстетик тушунчаларни учратиш мумкин. Зардуштийлик динининг му-қаддас китоби *Авестода* илгари сурил-ган эстетик гоёлар кейинчалик Ҳин-дистонда, ундан сунг Юнонис-тонда Э. ривожига таъсир кўрсатди. Қадимги Шарқдаги эстетик гоёлар дастлаб фойдалилик (нима фойдали бўлса — уша ғўзал), кейинроқ ахло-қийлик (нима эзгу бўлса — уша ғўзал) тамойиллари асосида шаклланди. Юнон мумтоз Э.си намояндалари, айниқса, Аристотель ғўзалликнинг фойдалиликдан ва эзгуликдан алоҳи-да ҳолда мавжуд бўлиши мумкинли-гини айтиб ўтди; бу жиҳатдан унинг «Поэтика» («Шеърят санъати») аса-ри эътиборга молик. Ўрта асарларда мусулмон шарқи тасавуф Э.си бу гоёларни такомилга етказиб, янги босқичга кўтарди. *Уйғонши даври* ва Янги давр Э.си тараққиёти учун на-зарий асос бўлиб хизмат қилди. Э. Бёрк, Д.Юм, И.Кант ва б. меросида бунга яққол кўриш мумкин. Мас., Кантнинг ғўзаллик ҳақидаги машҳур 4 тамойилдан 3 таси шарқ файласуф-лари назариялари асосига қўрилган. Маскур 3 тамойил — ғўзалликнинг беғараз манфаатсиз муносабатга асо-сланганлиги; унинг заруратга айланган муҳаббатнинг объекти эканлиги (Ғаз-золий); ғўзалликни оддий мантиқий ёндашув орқали билишимиз мумкин эмаслиги (Форобий) Кантни. ғўзал-лик биз учун ўзини мақсад шаклида эмас, мақсадга мувофиқлик шаклида намоён этади деган 4-тамойилни яра-тишга олиб келди. Кантдан сунг не-мис рационал Э.сида Шиллер, Шел-линг, Гегель назарияларининг Э. та-раққиёти учун аҳамияти катта бўлди. Шопенгауэр, Ницше, Дильтей син-гари нораціонал йўналишдаги фай-

ласуфларнинг эстетик қарашларида ҳам ўзига хос янги гоёлар илгари су-рилди, мас., Шопенгауэр Э.га янги — «қизиқарлилик» категориясини ки-ритди. Ницше эса санъатни икки — аполлонча ва дионисийча турга аж-ратиб ўрганишни таклиф этди. Энг янги давр Э.сида, З.Фрейд, айниқса, К.Юнг таълимотида санъат асари ва санъаткорнинг ўзаро муносабатлари-ни руҳий типлар асосида ўрганили-ши олға ташланган янги қадам бўлди. Шунингдек, Ж.П.Сартр, А.Камю, Г.Марсель, Х.Ортега -и- Гасет ва б. мутафаккирлар индустриал жамият-да ғўзаллик ва санъатнинг тақдири масалалари билан қизиқдилар. Ҳоз. Э.нинг миқёсийлашув жараёнида тех-ника, табиат ва турмуш Э.сига ҳам жиддий эътибор берилмоқда; ҳуққий ғўзаллик муаммоси янада муҳим ўрин эгаллай бошлади.

Ўзбек миллий Э.си тараққиёти тарихан минтақавий табиатга эга бўлиб, унинг илдизлари дастлаб *Авесто*, кейин монийликнинг муқад-дас китоби *Хуастуанифт* (3-а.)га бо-риб тақалади. Ислом дини қабул қилинганч, миллий-минтақавий Э. Куръони карим оятлари ва Ҳадиси шарифдаги «Аллоҳ ғўзал ва У ғўзал-ликни севади» деган тамойил асо-сида ривожланди. Бунда машшоийийун-лик (Форобий, Ибн Сино) билан ёнма-ён тасавуф Э.сида кубровий-лик (Нажмиддин Кубро), жўмардлик (Паҳлавон Маҳмуд), нақшбандия (Алишер Навоий) сингари тариқат мутафаккирларининг ғўзаллик, санъ-ат ва санъаткор борасидаги қараш-лари муҳим аҳамият касб этди. Ўзбек Э.си тарихида, айниқса, Темурийлар даври алоҳида ўринга эга. Навоий-нинг «Маҳбуб ул-қулуб», «Мажолис ун-нафоис», «Мезон ул-авзон» асар-лари, 15–16-а.ларда қатор тазкира-лар ва мусиқа назарияси борасидаги

рисолалар ўзбек Э.си ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Хонликлар ва чоризм мустамлакаси даврида эса ўзбек Э.си кўпроқ тазкираларда (Фазлий) ва шеърӣй шаклларда (Фурқат) ўз ифодасини топди. Ўзбек миллий Э.сидаги юксалиш 19-а. охирилари – 20-а. бошларига тўғри келади. Бу даврда маърифатчи-жадид мутафаккирлар янгича эстетик гояларни ўртага ташладилар. бадиий адабиётда драматургия жанрига ва замонавий театр санъатига асос солдилар. Анбар Отиннинг «Қаролар фалсафаси» (1910), Фитратнинг «Оила» (1914), кейинроқ «Адабиёт қондалари» (1926) рисоалари юзага келди. Чўлпоннинг бадиий адабиёт, театр санъатига бағишланган туркум мақолалари эълон қилинди. Лекин шўролар ҳукмронлиги давридаги тоталитаризм барча фалсафӣй фанлар қатори Э.ни ҳам синифийлик ва партиявийлик тамойиллари асосида бирёқламаликка, маҳдудликка, сохталikka маҳкум қилди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг Э.га алоҳида эътибор берилди бошланди. эстетик маданият (М.Нурматов, М.Абдуллаев), эстетик кадриятлар (Т.Маҳмудов) борасида йирик тадқиқотлар эълон қилинди. Ҳоз. вақтда Э. назарияси ва тарихига доир жиддий изланишлар олиб борилмоқда (Т.Маҳмудов, А.Қурбонмамалов, Э.Умаров, А.Шер, Б.Ҳусанов). Мамлакатимизда фуқароларнинг эстетик тарбиясига тааллуқли турли талбирлар, уларнинг эстетик дидини юксалтиришга қаратилган маънавий-маърифӣй ишлар мунтазам олиб борилди.

**ЭСХАТОЛОГИЯ** (юн. eshatos – сўнгги ва logos – таълимот) – инсон ва инсониятнинг охири тақдири, оламнинг охири ва қиёмат кунини ҳақидаги диний таълимот. Э. асосида табиатда яширин ҳолда мавжуд

бўлган яхши ва ёмон кучлар, нариги дунёда гуноҳкорларнинг жазоланиши, яхши амаллар қилганларнинг мукофотланиши тўғрисидаги қарашлар ётади. Эсхатологик қарашлар жуда қадимий илдиларга эга бўлиб, мифологик дунёқараш бағрида шаклланиган. Дунёнинг пайдо бўлиши ва ҳалокати, табиатдаги кучларнинг яширин кураши ҳақидаги қадимги тасаввурлардан келиб чиққан. Э. гоялари барча динларда мавжуд (мас., христианликдаги Апокалипсис, исломдаги қиёмат кунини тўғрисидаги қарашлар). Эсхатологик кайфиятлар одатда ижтимоий ва сиёсий тангликлар авж олган даврда кенг тарқалади. Бугунги кунда эсхатологик қарашлар турли хил секталар томонидан фаол қўлланилмоқда. Хусусан, глобаллашув жараёнлари тобора чуқурлашиб бораётган, турли хил ахборот оқимларининг кишилар онига таъсири шиддатли тарзда усаётган ҳоз. даврда охираат кунини белгилаш масаласи марказий ўринни эгаллайдиган секталар ҳам борлигини таъкидлаш зарур. Улар аҳолининг диний билим даражаси пастигидан фойдаланиб, охираатнинг яқинлиги билан қўрқитиш, асосан ёшлар ва моддий аҳволи ночор бўлган шахслар орасидан ўз тарафдорларини кўпайтиришга ҳаракат қиладилар. Бундай секталарга асос солган «авлиё»лар ўз издошларини қўрқитиш, алдаш йўли билан уларнинг мол-мулкларига эгаллик қилишга уринадилар.

**ЭТИКА** (юн. ethos – ҳулқ, одат) – ахлоқ ва унинг шахс ҳамда жамият ҳаётидаги ўрнини ўрганувчи фалсафӣй фан. Э. ахлоқшуносликнинг фалсафӣй-назарий муаммоларини ва ахлоққа доир дидактик-амалий асарларни ўз ичига олади. У инсоният ўз тажрибаси орқали эришган донишмандлик намуналарини ҳикоятлар,

ҳикматлар, нақллар, мақоллар тарзида баён этади, кишиларга ахлоқнинг моҳиятини тушунтириб, фалсафий хулосалар чиқаради, уларга ахлоқий қонун-қоидаларни ўргатади.

Э.нинг қуйидаги мезоний тушунчалари — категориялари бор: фазилат ва иллат, яхшилик ва ёмонлик, ҳалоллик, ростгўйлик, камтарлик, адолат, бурч, виждон, номус, идеал, бахт, ҳаётнинг маъноси ва б. Ахлоқ инсон ва жамият ҳаётининг барча (шахсий, жамоавий, касбий ва ҳ.к.) жабҳаларини қамраб олганлиги туфайли уни ўрганувчи Э. барча фанлар билан алоқадор. Айниқса, унинг маънавият тизимидаги фанларга таъбири катта. Э.нинг эстетика билан боғлиқлиги санъат воситасида рўй беради; ҳар бир санъат асарида ахлоқнинг долзарб муаммолари кўтариллади, санъаткор ўз даври ахлоқий даражасини ва унга муносабатини бадиий қиёфалар орқали бевосита ёхуд билвосита аке этиради. Демак, эстетика ўрганилаётган ҳар бир бадиий асар айни пайтда Э. нуқтаи назаридан ҳам тадқиқ этилаётган бўлади. Э.нинг диншунослик билан муносабати ҳар иккала фаннинг ахлоқий мезонлар муаммосини ҳал этишга қаратилгани билан боғлиқ. Бунда дин — восита, ахлоқ — мақсад тарзида намоён бўлади. Ҳар бир диннинг муқаддас китоби худонинг бандаларини ҳам этиқодий, ҳам ахлоқий инсонлар қилиб тарбиялашга йўналтирилган. Шунингдек, комил инсон муаммоси ҳар иккала фан учун умумий ҳисобланади: фарқ шундаки, Э. бу муаммога замонавий тарбия нуқтаи назаридан ёндашади. Э. ҳуқуқшунослик билан чамбарчас боғлиқ; кўп ҳолларда ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлар моҳиятан бир хил бўлади, улар фақат ёндашувда — санкцияларнинг

жорий этилишидаги усул орқали фарқланади. Шунга кўра, ахлоқни жамоатчилик асосидаги ҳуқуқ, ҳуқуқни эса қонунийлаштирилган ахлоқ деб аташ мумкин. Э.нинг ҳуқуқшунос одоби деб аталган маҳсуус соҳаси ҳам мавжуд. Э. ўзининг назарий ва айниқса, амалий жиҳатлари билан педагогика фанининг асоси ҳисобланади; таълим тизимидаги таълим-тарбия ўзини ҳар қадамда ахлоқий тарбия сифатида намоён қилади. Шунингдек, Э. психология, социология, сиёсатшунослик, экология каби қатор фанлар билан ҳам мустаҳкам алоқадор, улар муаммоларини ҳал қилишда ахлоқий нуқтаи назар, ахлоқшунослик назариялари муҳим аҳамиятга эга.

Э.га доир дастлабки тушунчалар шумерликларнинг «Ме» қонунлар мажмуида учрайди. Ундаги «намлул» тушунчаси инсонпарварлик, эзгулик маъноларини англатган. Бобил подшоҳи Хаммурапи қонунларида, «Пхатоген уғитлари», «Миср маййитлар китоби», Авесто каби қадимги ёдгорликларда ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар қонунлар, этиқодий даъватлар шаклида берилган; Ҳиндистоннинг «Ману қонунлари», «Дхаммапада», «Патанжали» каби ёдгорликларида эса панднома ва ҳикмат усули устувор. Қадимги Хитой даоци-донишмандлари инсонни табиатнинг бир қисми сифатида олиб қарайдилар ва унинг вазифаси фазилат йўлидан бориш эканини, барча ёвузликлар, бахтсизликлар инсоннинг табиат жорий этган қонунлардан чекинши оқибати эканини таъкидлайдилар. Конфуций ва унинг издошлари фазилат эгаси бўлишни урф-одатларга сўзсиз буйсунишда кўрадилар. Қадимги Шарқдаги, хусусан, Миср ва Ҳиндистондаги ахлоқий гоёлар, қарашлар антик давр эстетикасига илмий-назарий асос

бўлди; юнон мутафаккирлари Сократ ва Платон қарашларида инсонга ахлоқийлик азалдан берилганлиги таъкидланса, Аристотель инсон камолотга билиш фаолияти, воқеликка фаол муносабати орқали, ҳирсу эҳтирослар устидан ҳукмронлик қила олиши туфайли эришади, дейди. Ўрта асрлар Э.сида қадимги Шарқ мутафаккирлари (Розий, Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд) асарлари ва фикрий тасаввуфий йўналишларда Абу Лайс Самарқандий, Ғаззолий, Румий, Азизиддин Насафий, Навоий, Кошифий томонидан ёзилган китоблар Э. тараққиётга катта ҳисса бўлиб қўшилди: *Уйғонши даври* файласуфлари ўз ахлоқий қарашларида улардан самарали фойдаландилар (Валла, Монтень). Бу таъсири янги давр ахлоқшунослигида ҳам яққол сезиш мумкин: Гоббс, Спиноза, Гельведий, Гольбах, Руссо каби маърифатчилар ахлоқнинг шахс ва жамият ҳаётидаги ўрнига, демократик ўзгаришларнинг ахлоқий индизларига эътиборни қаратдилар. Бу даврда немис мумтоз ахлоқшунослиги алоҳида аҳамиятга эга бўлди. у бир томондан рационал назарияларни (Кант, Шиллер, Фихте, Шеллинг, Гегель, Фейербах), 2-томондан, но-рационал қарашларни (Кьеркегор, Шопенгауэр, Ницше) ўртага ташлади; Кант бурчга асосланган императив (қатъий амр) ғоясини илгари сурди, Гегель ахлоқнинг миқёсийлигини, ҳуқуқнинг асоси, жамиятнинг қони ва жони эканини, Фейербах ахлоқий хатти-ҳаракатларда ҳиссиётнинг, айниқса, муҳаббат ҳиссининг аҳамиятини таъкидладилар. Нораціонал йўналиш тарафдорлари инсонни тушунчалар (ақл) ёрдамида билиш мумкин эмаслигини, ёвузликнинг эзгуликдан ғолиб келаётганлиги ахлоқсизликни ахлоқий ниқоб билан беркиштишга доимий уриниш билан

боғлиқлигига, инсон ихтиёр исканжасида, манфаат ва ҳукмронлик йўлида ҳеч нарсадан тоймайдиган жонзотга айланиб бораётганига диққатни қаратдилар. 19-а.нинг 2-ярми – 20-а. бошларидаги рус мумтоз ахлоқшунослиги ахлоқийликни динийлик билан яхлитликда олиб қаради (В.Соловьёв, Ф.Достоевский, Н.Бердяев, Б.Вишеславцев), эзгулик билан ёвузликнинг диалектик алоқадорлиги масаласини ўртага ташлади. Этик тафаккурлар тарихида ахлоқ табиати ҳақидаги турли таълимотлар вужудга келган. Ҳоз. пайтда гайризўравонлик ахлоқшунослиги (Ганди, Кинг, Шарп, Гусейнов) муҳим аҳамиятга эга. У ёвузликка қарши зўравонлик ишлатмасдан курашишни тавсия этади – террор қилиш, қон тўкиш, исён кутариш билан эмас, муҳаббат, кечиримлик, юксак ахлоқийлик, эзгу ихтиёр ва ирода воситасида иш тутиш лозим. Шунингдек, бугунги кунда ҳаётга эҳтиром ёки универсал Э. (А.Швейцер), янги тасавуф Э.си (М.Кутку, М.Жўшон) инсоният олдига долзарб ахлоқий вазифаларни қўймоқда. Ҳаётга эҳтиром инсондан мавжудликдаги ҳар бир жонзотга – ўсимликка ҳам, ҳайвонларга ҳам ўз ҳаёти каби олий қадрият деб қарашни талаб этса, янги тасавуф ахлоқшунослиги индустриал жамиятда нафсга қарши курашишнинг муҳимлигини исботлаб беради.

Эндиликда Э. олдида қатор глобал муаммолар турибди; инсоният ҳозир ноосфера (техникавий муҳит)да яшаб, биосфера (биологик муҳит)дан тобора узоқлашиб бормоқда. инсон тафаккури вужудга келтирган фан-техника тараққиёти эндиликда инсоннинг ўзига, унинг мавжудлигига қарши хавф сифатида ҳам майдонга чиқмоқда: атом, водород, нейтрон бомбарининг, ядровий, каллакли балли-

тик ракеталарнинг яратилиши, оламий океаннинг, ер ости ва ер усти сувларининг заҳарланиши каби ҳодисалар экологик тозаликдан ҳам кўра ахлоқий покликни талаб қилмоқда. Клонлаштириш, бир инсон аъзосини бошқа инсонга кўчириб ўтказиш, эвтанизия (беморнинг ўз ўлимини тезлаштириш тўғрисидаги илтимосини қондириш) ва б. муаммолар ҳам ахлоқий аралашувга муҳтож.

Ўзбек миллий Э.си бошқа фалсафий фанлар каби минтақавий табиатга эга бўлиб, унинг илдишлари *Авестога* бориб тақалади. *Авестода* илгари сурилган 3 фазилат — эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал яхлитлигидан иборат ахлоқий гоё барча даврлар ўзбек Э.си учун умумий тадқиқий асос бўлиб келди. Тасаввуфий Э.да мазкур яхлитлик 4 фазилат яхлитлиги (эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал ва маърифат) шаклида намоён бўлди (Азизиддин Насафий, Кошифий). Нақшбандия тариқати ахлоқшунослигида эса асосий эътибор инсоннинг замон ва макондаги ролига, ахлоқий хатти-ҳаракатнинг замон эҳтиёжларини ҳисобга олиши, илохий ва инсоний фазилатларнинг уйғунлиги масаласига қаратилди (Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий). Ўрта асрлар ўзбек Э.сида назарий фикрлар билан панднома усулидаги ҳикоятлар омухталиги кўзга ташланади (Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Яссавий, Пошшо-хожа). Бу жиҳатдан теурийлар давридаги пандномалар, айниқса, Навоийнинг «Маҳуб ул-қулуб» асарини ҳисобланади. Кейинги даврлардаги энг эътиборли панднома Гулханийнинг «Зарбулмасал» асаридир. Жадидчилик ҳаракати даврида ахлоқшуносликка эътибор янада кучайди; жадидлар миллий озодликка эришиш йўлини халқ ахлоқий дара-

жасини ва маърифатни юксалтиришда кўрдилар: Анбар Отиннинг «Қаролар фалсафаси», Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ», Фитратнинг «Наҳот йўли», «Оила» асарларида шахс ахлоқий ҳаётининг жамият тараққиётига таъсири, янгича турмуш тарзининг ахлоқийлик билан боғлиқлиги масалалари кўтарилди. Ахлоқийликни синфийлик ва партиявийлик каби тамойилларга бўйсундирган шўролар даври Э.си сохта фан сифатида ўз вазифасини ўтай олмади. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, ахлоқий қадриятлар, анъанавий урф-одатлар, миллий ва ахлоқий тамойил ҳамда меъёрлар жамиятда ўз ўрнини эгаллагач, Э. фани ҳам тараққиёт йўлига кирди. Э. тарихи ва назариясига доир ийрик тадқиқотлар эълон қилинди. Ҳоз. пайтда олимлар (Х.Шайхова, А.Шер, Ф.Загритдинова, М.Маҳмуд ва б.) Э. тарихи ва назариясининг долзарб муаммоларига доир янги тадқиқотлар олиб бормоқда.

**ЭТНОЦЕНТРИЗМ** (юн. *ethnos* — қабила, халқ ва лот. *centrum* — марказ) — ўз халқи хулқи, маданияти, урф-одат ва қадриятларининг бошқа халқларга хос бўлган шундай хусусиятларни баҳолаш учун асос қилиб олиниши. Э. кундалик ҳаётда ва алоҳида олинган шахс даражасида «биз — улар» тарзида қарама-қарши қўйишда кўринади. У турли омиллар, шу жумладан, миллий анъаналар руҳида тарбияланиш, миллий адабиёт ва санъат таъсирида ҳам шаклланиши мумкин. Ҳар бир миллат, элатнинг ўзи ноёб бўлганидек, уларнинг маданияти ва маънавияти ҳам ўзига хос ва бетакрор характерга эга. Шундай экан, бир қадриятлар тизими бошқа қадриятлар тизимини баҳолаш учун



эталон, мезон сифатида олинishi мумкин эмас. Умуман олганда Э. ўз моҳиятига кўра миллийлик, миллий қадриятлар атрофида бирлашишга хизмат қилса-да, бу бирлашув бош-қа халқларнинг ўзига хосликларини инкор этиш асосига қурилагани учун ҳам уни қабул қилиш мумкин эмас.

**ЭЪТИҚОД** — одам онги, руҳияти билан боғланиб кетадиган, оламдаги нарса, ҳодиса, жараёнларга алоҳида муносабатни қарор топтирадиган маънавий-руҳий ҳолат. Э. муайян гоё, дунёқарашга ҳис-ҳаяжонли ёндашув маъносида иймонга яқин туради. Шунинг учун ҳам баъзан иймон тушунчасининг синоними ёки уни тулгазадиган тушунча маъносида ҳам қўлланилади. Э. муайян нарса, ҳодиса, жараёнга ихлос сифатида кенг қамровли тушунча ҳисобланади. Одам табиий ва ижтимоий муҳитда яшаб улардаги баъзи нарсаларга ихлос кўяди. Шу жараёнда ўша нарсага ҳис-ҳаяжонли муносабатда бўлгани учун Э. пайло бўлади. Олам нарса, ҳодиса, жараёнларга ўз Э.идан келиб чиқиб баҳо беради ва муносабатини белгилайди. Мас., одам бирон касб-ҳунарга Э. кўйди, дейлик. У ана шу Э.и нуқтаи назаридан туриб, ўша касбни ардоқлайди, қадрлайди ва оқибатда ҳаётини, тақдирини ўзи танлаган касб билан узвий боғлайди. Бироқ, Э. тушунчасида фақат ижобий жиҳатларнигина кўриш тўғри эмас. Инсон табиати, феъл-атвори, фаолият йўналиши серқирра бўлгани учун баъзи одамларда моддий нарса, безак, урф-одатларга меъёридан ортқ ихлос кўйиш, ҳар бир нарса, ҳодисага моддий бойлик нуқтаи назаридан туриб муносабатда бўлиш улар маънавиятининг қашшоқлашишига

олиб келади. Бундай одамларнинг Э.и ғайрининсоний йўналишга тушиб, пировардида улар халқ назаридан қоладилар.

**ЭҲТИЁЖ** — яшаш ва фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган нарсаларга талаб, муҳтожлик. Э. фақат инсон организми учун эмас, балки ўсимликлар дунёси, корхоналар, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва б. ҳар қандай табиий ва ижтимоий тизимларга ҳам хосдир. Эларнинг моҳияти ва мазмунини тўлароқ тушуниш учун уларнинг турли кўринишларини ҳисобга олиш лозим. Фанда Элар бир неча мезонларга кўра тасниф қилинади. Жумладан, объектига қараб Эларнинг биологик, моддий-иқтисодий, руҳий-маънавий турлари фарқланади. Бу турлар ўзaro узвий боғлиқ ва бир-бирларига ўтиб туради. Биологик Элар барча биологик тур ва индивидларнинг Элари ҳисобланади. Бундай Элар одамларда ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг биологик тур ва индивид сифатида мавжудлиги билан боғлиқ бўлади. Биологик Элар сув, ҳаво, ҳаракат каби нарса-ҳодисаларга, шунингдек уйқу, насли давом эттириш зарурати каби жиҳатларни қамраб олади. Моддий-иқтисодий Элар инсон ва ижтимоий тизимлар учун хос бўлиб, озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, транспорт, бутловчи қисмлар, хом ашё, ишлаб чиқариш воситалари, техника ва технологияга бўлган зарурат кабиларни ифодалайди. Руҳий-маънавий Элар сирасига санъат, адолат, қадрият, яхшилик, эътиқод, муҳаббат, дўстлик муносабатларини киритиш мумкин. Бундан ташқари, Элар субъектига кўра, якка (шахсий), гуруҳий, жамоавий, ижтимоий Эларга бўлинади.

## Ю, Я

**ЮМ** Дейвид (1711.7.5 – Эдинбург – 1776.25.8) – англиз файласуфи, тарихчиси, иқтисодчиси. *Агностицизм*-нинг асосий принципларини таърифлаб берган. Сабабларини билиб бўлмайдиган «таассуротлар» оқими бўлган ҳиссий тажриба (билимлар манбаи) тўғрисидаги таълимотни ривожлантирган. Борлиқ билан руҳнинг муносабатини ҳал қилиб бўлмайдиган масала деб ҳисоблаган. Субстанция тушунчасини инкор этган, уни бамисоли сароб деб билган. Ғоялар ассоциацияси назариясини ишлаб чиққан. Этикада утилитаризм концепциясини ривожлантирган, сиёсий иқтисодда А.Смит илгари сурган қийматнинг меҳнат назариясига қўшилган. Ю. таълимоти И.Кант фалсафаси, позитивизм ва непозитивизм манбаларидан бири ҳисобланади. Асосий асарлари: «Инсон табиати тўғрисида рисола», «Табний дин тўғрисида мулоқот», «Жоннинг абадийлиги ҳақида», «Стоик», «Скептик».

**ЮНГ** Карл Густав (1875.26.7, Базель – 1961.6.6, Цюрих) – швейцариялик психолог, файласуф, аналитик психология асосчиси. Ю. фикрига кўра, онгсизлик инсоннинг тарихий ривожланиши жараёнида онгдан қувгин этилган қора нуқсонлар океани ва жисмоний интилиш эмас, балки бу ўтган умр ҳақида эсдаликлар, шунингдек, интуитив қабул қилиш аппарати бўлиб, онгли фикрлаш имкониятидан анча ортиқдир. Онгсизлик инсонга зарар етказмай, балки ҳимоя вазифасини бажариб, айни вақтда шахс ривожланишининг маълум bosқичига ўтишга имкон яратади. Ю. ўзининг дастлабки ишларидаёқ замонавий психологиядаги ғоялардан бири – жамоа онгсизлик архетипла-

ри ғоясини илгари суради. Бу қандайдир афсонавий сиймо бўлиб, бутун инсоният учун умумий ва инсон заруриятлари, эҳтиёжлари, инстинктлари, интилишлари ва имкониятларининг адекват ифодасидир. Бу сиймолар вақт ва бўшлиқдан ташқари пировард натижада инсоният тарихининг ибтидосидир. Бунда архетип тушунчаси Платон ғояларига яқинлашади. Ю. тадқиқотларининг иккинчи муҳим мавзуи европалик кишининг руҳий ҳаёти ҳамда инсон шахси ва жамият иррационал бузилишини келтириб чиқарадиган сабабларни аниқлашдир. Бу мавзу бўйича муаллиф фикрлари асосий асари – «Психологик типлар» (1921)да баён этилган. Ю. онгнинг тўрт қутбини ажратади: фикрлаш, ҳис-туйғу, сезиш ва интуиция. Улар онгда алоҳида мавжуд бўлмаса ҳам, уларнинг ҳар бири шахс ҳаётида муҳим мавқега эга. Фикрлаш сезги, ҳис-туйғу, интуиция билан мустаҳкамланади. Ю. жамоа гайришуурийлик таълимотни ривожлантириб, гайришуурийлик тимсолларини умуминсоний рамзиятнинг шу жумладан, афсоналар ва туш кўришнинг манбаи деб билган. «Метаморфозалар ва либидо рамзлари» асари (1912)да инсон руҳи табиатини очиб берадиган ғоя ва фикрларни илгари сурди.

**ЯСПЕРС** Карл (1883.23.2, Ольденбург – 1969.26.2, Базель) – немис файласуфи ва психиатр, диний экзистенциализм вакили. Германиянинг бир неча ун-тида тиббиёт ва психологияни ўрганган. 1921–37 ва 1945 й.дан Гейдельберг ун-ти, 1948 й.дан Базель ун-ти проф. Фалсафа фанига «ўқ вақт» тушунчасини киритган. Эпистемология, дин, сиёсат фалсафаси билан шуғулланган. Немис социологи, тарих-

чи М.Веберни ўзининг устози деб билган. Я. фалсафасига диний қарашлар катта таъсир ўтказган. Я. М.Хайдеггердан фарқли «экзистенция»ни — инсоннинг борлиги, унинг ички оламининг сабаби, «дасейн»ни эса — унинг айрим хусусияти, деб таъкидлайди. Билиш масаласи тўғрисида у, кундалик ҳаётда инсон илоҳий кучни ҳис қилишга қодир эмас ва фақат гайритабиий ҳолатлар (қўрқув, оғир йўқотиш, нажот ҳолати)да илоҳий кучга яқинлашади, деб таъкидлайди. Унинг фикрича — билиш жараёни объектлар моддий оламининг инъикосидир, инсон турли шубҳаларни йўқотиш учун билимга интилади, лекин бунинг фожиали деб ҳисоблайди, чунки бу жараён инсонни чексиз изтиробга маҳкум этади. Лекин шу билимга эришган инсон ё руҳан юксалади, ёки тубанлашади. Я. инсон борлиги ташқи борлиқдан ажралса, бегоналашув содир бўлади, деб таъкидлайди. У бегоналашувдан чиқиб кетиш йўллари худого бўлган ишонч ва ундан қўрқиш ҳолатидан ахтаради. Шу сабабли Я. фалсафасини диний фалсафа деб атайдилар. Я.нинг фикрича, фалсафа яхлит бир соҳа билими бўла олмайди ва у файласуфнинг ички олами ташқарисида ҳосил бўлмайди. Унинг фикрича, фалсафа бу борлиқни қидиришидир, борлиқнинг эса уч тури мавжуд: оламда бўлиш (моддий борлиқ), экзистенция (инсон борлиги, мавжудлиги), трансценденция (борлиқ ва тафаккурнинг уйғунлиги, фалсафа эътиқоди). Йирик асарлари: «Фалсафа» (3 китобдан иборат, 1932), «Ақл ва экзистенция» (1935), «Ницше»(1936), «Декарт ва фалсафа» (1937), «Экзистенциал фалсафа» (1938), «Ҳақиқат тўғрисида» (1947), «Фалсафий ишонч» (1948), «Тарихнинг мазмуни ва моҳияти» (1949), «Фалсафага кириш» (1950).

**ЯХШИЛИК ВА ЁМОНЛИК** — ахлоқшунослик фанининг жуфт тушунчаси. Одамларнинг хатти-ҳаракатларига, ижтимоий ҳодисаларга берилган ижобий ёки салбий баҳони ифодалайди. Яхшилик — энг муҳим фазилат бўлиб, инсон фаолиятининг асл ва азалий моҳиятини англатади. У инсонга кучли руҳий лаззат бағишлаши баробарида, уни шахсга айлантирадиган ҳақиқий бахтга олиб боради. Шунинг учун ҳам «эгу (яхши) фикр», «эгу (яхши) сўз», «эгу (яхши) амал» тушунчалари *Авесто*дан тортиб, барча муқаддас китобларда етакчи ўрин эгаллаган. Яхшилик инсоннинг ахлоқий ва амалий фаолиятида юзага чиқиб, унда камтарлик, очиққўнғиллик, мардлик, ҳалоллик, инсофлик, адолат, ростгўйлик каби фазилатлар мужассам бўлади. Ёмонлик — яхшиликнинг зидди, шахс ва жамият тараққиётига тўсқинлик қилувчи иллат. Ёлгончилик, пасткашлик, мунофиқлик, беҳаёлик, раҳмсизлик, номардлик, хиёнат каби тушунчаларда намоён бўлади. Диний нуқтаи назардан яхшилик илоҳий иноят, ёмонлик эса инсондаги шайтоний ва ҳайвоний хислатларнинг ифодаси тарзида талқин қилинади: яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам инсоннинг ихтиёр эркинлигидан қай даражада фойдаланишининг оқибати саналади. Қуръонда яхшилик қилиш инсоннинг табиий бурчи экани, Аллоҳ инсонга ўзининг неъматлари билан эҳсон қилганидек, инсон ҳам бошқаларга яхшилик қилиши лозимлиги таъкидланади. Мусулмонлар тасаввурига кўра, одамлар бу дунёдаги яхши ишлари учун нариги дунёда мукофоти олиди, яъни ҳузур-ҳаловатга муяссар бўлади, ёмон ишлари учун дўзах азобида дучор этилади. Қуръонда «Агар чиройли амаллар қилсангизлар —

Ўзларингизга яхшилиқ қилган бўлур-сизлар. Агар ёмон, гуноҳ амаллар қилсангизлар ҳам ўзларингиз учундир», дейилади (17-сура, 7-оят). Кейинги даврларда Я. ва ё. инсон ўз манфаатларини ҳимоя қилишда тўғри ёки нотўғри йўл тутиши натижасида юзага келади, деган фикр ўртага ташланди. Мутафаккирлар ёмонликни инсон ҳаётидан чиқариб ташлаш учун уни вужудга келтирувчи ижтимоий шароитни йўқ қилиш зарур деб таълим беради. Я. ва ё. тушунчалари инсон фаолиятини баҳолаш хусусиятига эга: уни инсоннинг улуглиги ёки тубанлигини ўлмайдиган муқаддас тарозига

ўхшатиш мумкин. Инсон шахсидаги ютуқ ва камчиликлар, жамиятнинг такомилга эришган ёки эришмагани шу мезонлар билан ўлчанади. Қайси жамиятда яхшилиқ кўпайиб, ёмонлик камайиб борса, ўша жамият аллоқий юксакликка, фаровонликка, тараққиётга тезроқ эришади; шахсий муносабатларда хиёнат, газаб, кибр, ҳасад, қасд, мунофиқлик каби иллатлар аста-секин йўқолиб, хушхулқлик, ширинсуханлик, ҳалоллик, бағрикенглик сингари фазилатлар кўпроқ ўрин эгаллаб боради, натижада жамиятда яхшилиқнинг устувор бўлишига олиб келади.

## Ў, Қ

**ЎЖАРЛИК** – атрофдаги одамларнинг маслаҳатлари, илтимослари, кўрсатмалари ва ақлий мушоҳадаларига қаршилик кўрсатишдан иборат шахс иллати. Ў, одамнинг ўз билганидан қолмасликда, шахсиятпарастларча интилишда намоён бўлади. У газаб, жаҳл, қасос олиш, кўнгил огриш туйғулари тўфайли юзага келиши мумкин. Одамнинг ташаббускорлик, мустақиллик хислатларининг қандайдир сабаблар таъсирида поймол қилинишига нисбатан норозилик ҳам Ў.ни келтириб чиқаради. Ў, одамлар даврасида ўзини ўзи тан олдириш, танитиш истагига ҳамоҳанг хулқ-атвор шакли. Ў, кўпинча жаҳлдор, аламзада, шижоаткор кишиларда юзага келади. Болалар ва усмирларда Ў.нинг пайдо бўлишига асосий сабаб – турмушдаги ноқулай шарт-шароитлар, тарбиявий таъсирнинг заифлиги, уларнинг эҳтиёжларини қондирмаслик, ўзаро муносабатларда қўполлик, ҳамиятига тегиш омиллари ва б. Улар ҳақ-ҳуқуқларининг поймол этилиши, жисмоний ва

ақлий камолоти камситилиши Ў, сари етаклайди. Ўсмирларнинг кўпинча ноўрин, асоссиз қарорга келиши феъл-атворининг иллатига айланиб қолиш хавфини тўтдиради. Ў.ни бартараф этишни шахснинг ўзи англаб етса ижобий ўзгариш, иллатни йўқотиш имкони юзага келади.

**ЎЗАРО БОҒЛАНИШ** – бирон-бир нарса-ҳодисанинг иккинчи нарса-ҳодиса билан боғлиқлигини ҳамда шу нарса-ҳодисанинг мавжудлигини ифодалайдиган тушунча. Боғланиш бир ва икки ёқлама бўлиши мумкин. Икки ёқлама боғланиш – Ў.б. Нарса-ҳодисаларнинг ўзаро алоқаси (бир-бирига таъсири) Ў.б. дейилади. Ў.б. оламдаги нарса ва ҳодисалар умумий алоқадорлигининг ўзига хос кўриниши ҳисобланади. Борлиқдаги жами нарса ва ҳодисалар, жараёнлар бир-бирлари билан ўзаро муайян алоқадорлик (боғланиш)да бўлади. Ў.б. нарса ва ҳодисалар мавжудлигининг объектив шакли ҳисобланади. Ў.б. икки маънода қўлланилади: 1) ҳеч бир

нарса-ҳодиса ёки жараён ўз-ўзича бошқаларсиз бошқа нарса ва ҳодисалардан ҳоли (мустакил) тарзда мавжуд бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир нарса бошқа нарсалар билан муайян боғланишда бўлади. Бунда Ў.б. олам намоён бўлишининг муайян шакли маъносидан ишлатилди. 2) Ў.б. диалектика таълимотининг тамойили маъносини ифодалайди. Маълумки, ўзаро умумий, универсал боғланишлар *диалектиканинг* энг умумий тамойили сифатида борлиқнинг барча кўринишига ҳосил. Ў.б. нарса ва ҳодисаларнинг бир-бирларига кўрсатадиган таъсирида намоён бўлади. Бу жараён ўзаро таъсир ва акс таъсир, деб юритилади. И.Кант Ў.б. нарса ва ҳодисалардаги умумийликни, борлиқни ифодалайди деб кўрсатган. Окказионализм фалсафасида, Г.Лейбниц, Р.Лотце қарашларида Ў.б. метафизик жиҳатдан талқин қилинган. Психологияда Ў.б. руҳ ва жисм, психик ва жисмоний омилларнинг таъсири мисолида акс этган. Пенхофизик параллелизм назарияси тарафдорлари томонидан илгари сурилган «икки сабаб – икки оқибат» (фарзига кўра, ҳар қандай жисмоний ва руҳий жараён икки сабаб (руҳий ва жисмоний) ва икки оқибат (руҳий ва жисмоний)ни келтириб чиқаради. Ў.б. ва алоқадорлик шакллари оддий зарралар таъсири ва акс таъсири, сайёралар орасидаги боғланиш, тирик организмлардаги модда алмашинуви, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидаги алоқадорлик, табиат ва жамиятнинг боғланиши, ижтимоий алоқадорлик қабилардан ташкил топади. Ижтимоий объектларнинг ўзаро бир-бирларига муносабатлари ўзаро ижтимоий боғланиш (алоқадорлик) ҳисобланади. Ўзаро ижтимоий алоқадор-

ликка жамият ҳаётидаги ишлаб чиқариш ва истеъмол, жамият ва шахс, моддийлик ва маънавийлик орасидаги муносабатлар мисол бўла олади. Ў.б.ларни аниқлаш ва тадқиқ этиш билиш жараёнининг муҳим томонини ташкил этади. Нарса ва ҳодисаларни ўрганишда уларнинг бошқа нарса ва ҳодисалар билан алоқадорлигини аниқлаш катта аҳамиятга эга, зотан нарса ва ҳодисаларни ҳар тарафлама, барча алоқа ва боғланишларини ўрганмай туриб, улар ҳақида тўғри ва тулиқ билим ҳосил қилиш мумкин эмас. **ЎЗАРО ТАЪСИР** – фалсафий тушунча. Объектларнинг бир-бирига таъсир этишини, уларнинг ўзаро боғлиқлигини ва бир объектнинг бошқа объектни вужудга келтириш жараёнларини англатади. Ў.т. ҳаракат, тараққиётнинг объектив ва универсал шакли бўлиб, ҳар қандай моддий системанинг мавжудлиги ва маълум тартибда тузилишини белгилаб беради. **ЎЛЧАШ** – билиш жараёнида нарсанинг миқдорий жиҳатларини аниқлаш усули. Одатда ўрганилаётган буюмни аниқ қайд этилган ҳосса ва белгиларига эга бўлган бирон-бир буюм билан қиёслаш йўли орқали амалга оширилади. Ў. усули орқали буюмларнинг ҳоссаларини, мас., уларнинг мустақкамлиги, мураккаблиги, миқдорий жиҳат ва б. томонларини аниқлаш мумкин. Ў. метрология фани билан боғлиқ. Нарса ва ҳодисаларга Ў. нуқтаи назардан ёндашилганда ҳам уларнинг ҳоссаларини яхши билиш талаб қилинади. Кишилик жамияти пайдо бўлиши билан Ў. ҳам пайдо бўлган. Ҳоз. замонда яратилаётган мураккаб Ў. воситаларининг яратилиши фанларнинг ниҳоятда тез суръатлар билан ривожланишига таъсир кўрсатмоқда. Мас., физика, кимё, биология ва

б. фанлар тараққиёти бунга яққол мисол бўла олади. Инсон ўзининг кундалик ҳаётида оддий Ўларга дуч келса ҳам унинг мураккаблиги ва тарихини махсус фан орқали мунтазам урганмаса, уни тасаввур қила олмайди. Ў. ўлчов бирликлари орқали ифодаланади. Ў. бевосита ва билвосита бўлади. Ў. жараёни ҳам асосан уч қисмдан иборат бўлади: 1) ўлчаниши керак бўлган объект тизими; 2) ўлчаниши керак бўлган объект тизимининг хоссаси; 3) ўлчайдиган мослама, асбоб-ускуна. Ў. жараёнида албатта сонларда, ўлчов бирликларида ифодаланган натижа олинади. Агар шундай натижа олинмаса, унинг кузатиш ва эксперимент – тажриба бўлолмаслиги табиий. Ў. жараёнида (айниқса, жуда кичик объектларни Ў.да) маълум бир хатоликларга йўл қўйиш мумкин. Бу хатолик тасодифий ва сурункали тусга эга бўлади. Алоҳида олинган объектни Ў.да ташқи ва тасодифий хатоларни аниқлаш осонроқ, ахборотларни статистик умумлаштиришда эса хатоларни аниқлаш бирмунча қийинроқ кечади.

**ҚАДРИЯТ** — воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умумбашарий, умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланидиган фалсафий-социологик ва аксиологик тушунча. Жамият, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарса, ҳодиса ва воқеалар: эркинлик, эзгулик, тенглик, тинчлик, ҳақиқат, маърифат, маданият, моддий ва маънавий бойликлар, обида-ёдгорликлар, гўзаллик, ахлоқий ҳислат ва фазилатлар, анъана, урф-одат, удум ва б. Қ. ҳисобланади.

Қ.лар умумбашарий, умуминсоний, миллий, минтақавий, шахсий бўлиши мумкин. Қ.лар ижтимоий-

тарихий тараққиёт маҳсули сифатида уз тарихий илдизи, ривож, ворислик жиҳатларига эга тушунча бўлиб, аввало, ишлаб чиқариш, меҳнат соҳасидаги фаолият, инсонлар ўртасидаги муносабатлар учун фойда келтирадиган нарсалар, ҳодисалар, хатти-ҳаракатлар мажмуаси сифатида юзага келиб, айрим кишилар, ижтимоий гуруҳлар фаолияти, хатти-ҳаракатини маълум йўналишга бурадиган, тегишли метёрга соладиган маънавий ҳодисага айланади. Инсон бутун умри давомида сон-саноксиз Қ.лар оламида яшайди.

Инсониятни ўраб турган бориқ, табиий ва ижтимоий атрофмуҳит, тирик ва нотирик табиатнинг энг муҳим томонларини ифодалайдиган Қ.лар умумбашарий хусусиятга эгадир. Бундай Қ.лар жамият учун ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайдиган абадий, мутлақ ва муқаддас Қ.лардир.

Одамзоднинг яшаши, умргузаронлиги, фарзандлари ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий, маънавий ва ахлоқий соҳаларига тааллуқли бўлган умумжамият миқёсидаги Қ.лар бутун инсоният ва жамиятга тегишли бўлганидан умуминсоний Қ.лар, деб аталади. Шундай Қ.лар ҳам мавжудки, улар муайян бир миллат, элат ва халқ ҳаёти, турмуш тарзи, уларнинг ўтмиши, келажаги ва яшашган ижтимоий муҳити билан боғлиқдир. Улар миллий Қ.лар дейилади. Энг олий Қ. инсон, унинг фаолияти, турмуш тарзи, хатти-ҳаракати, ишонч-эътиқоди, умр маъноси, хулқ-одоби билан боғлиқ шахсий Қ.дир. Аммо, умумбашарий ва умуминсоний Қ.лар бошқа Қ.лар учун умумий мезон вазифасини ўтайди. Қ.ларнинг мазмун ва тусига қараб, ижобий ёки салбий жиҳатларга ажратиш мумкин.

Қ, аксиологиянинг асосий категориясидир. Қ, буюм ёки нарсаларнинг иқтисодий қиммати ни эмас, инсон учун бирор аҳамиятга эга бўлган воқеликнинг шакллари, ҳолатлари, нарсалар, воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар, сифатлар, талаб, тартиблар ва б.нинг қадрини ифодалаш учун ишлатилади..

Қ, тушунчасининг кундалик ҳаётдаги маъноси кишилар ўртасидаги мулоқот, оммавий ахборот воситаларида ўзига хос равишда намоён бўлмоқда, яъни, кўпчилик назарида табиат ҳодисалари, ижтимоий воқеалар, анъана ва маросимлар, маданий бойликлар, нарсалар (мас., қимматбаҳо буюмлар) ва б. Қ, сифатида тушунилади. Бундан ташқари, одамлар ўзлари интилиб яшайдиган мақсад, орзу ёки идеалларга ҳам Қ, тушунчасини қўллайдилар.

Қ,лар жамият ривожини ва кишилар ҳаётининг турли давларида турлича аҳамият касб этади, тарихий заруриятга қараб гоҳ у, гоҳ бу Қ, ижтимоий тараққиётнинг энг олдинги поғонасига чиқиб олади, бошқаларини хиралаштиргандай бўлиб туюлади. Натижада, ижтимоий ривожланиш ва тараққиёт қонуниятларига мос равишда олдинга чиқиб олган Қ,ни барқарор қилишга нисбатан интилиш кучаяди. Мас., юртни ёв босганида — озодлик, империя ҳукмронлигини ниҳоясида — истиқлол, уруш даврида — тинчлик, тутқунликда — эркинлик, касал ва беморлик онларида сиҳат-саломатлик, иқтисодий жиҳатдан танглик кучайган даврда — моддий таъминланганлик қадри ошиб кетади, уларга интилиш кучаяди. Қ,лар комил инсонни тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**ҚАРАМА-ҚАРШИЛИКЛАР БИРЛИГИ ВА КУРАШИ ҚОНУНИ** — диалектиканинг қонунларидан бири. Уни Гегель ишлаб чиққан. Бу қонунга кўра, зиддият, қарама-қарши томонлар, кучлар ўртасидаги кураш ҳаракат ва ривожланишнинг сабаби, манбаи ҳисобланади. Ривожланиш зиддиятларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва бартараф қилиниши жараёндан иборат, бу эскининг йўқолиши ва янгининг пайдо бўлишига олиб келади. Қарама-қаршилик деб инсон ва ҳодисаларнинг бир-бирини тақозо этувчи томонлари, кучларнинг ўзаро муносабатига айтилади. Қарама-қаршиликлар бирлигини нисбий, ўткинчи, яъни у нарса ва ҳодисадаги икки қарама-қарши кучнинг маълум нисбий вақт ичида бирга мавжуд бўлиб туришини англатади. Қарама-қаршиликлар кураши эса абадий, яъни ривожланишнинг манбаи сифатида доим, ҳар қандай шароитда барча жисм ва ҳодисаларга хос. Қонуннинг моҳияти ва амал қилиш жараёнини ўрганишда ички ва ташқи, асосий ва асосий бўлмаган зиддиятларни бир-бирдан фарқ қилиш зарур, лекин улар ўртасида мутлақ чегара ҳам йўқ. Воқеликда улар ўзаро чирмашиб кетади, бир-бирига ўтади ва тараққиётга хилма-хил таъсир қилади. Шунинг учун зиддиятларнинг ҳар бирига конкрет ёндашиш, зиддият намоён бўладиган шароитни, муҳитни, вазиятни, у ўйнайдиган ролни ҳисобга олиш зарур.

Собиқ Иттифоқнинг мафкураси даражасига кўтарилган марксизм таълимотида, асосан, зиддиятларга кўпроқ эътибор берилар ва мутлақлаштирилар, улар ўртасида мурося бўлиши ҳақидаги Гегель фиклари инкор этилган эди. Мавжуд жамият тақдири ишчилар синфининг буржуазия

устидан галабаси билан яқунланади, деб қилинган «башорат» асосиз бўлиб чиқди. Ишчилар билан иш бевуричлар ўртасида муайян консенсус (келишув) вужудга келди. Одамзод азалдан зиддиятлар камроқ бўлган, кишиларнинг хилма-хил интилиш ва мақсадлари бир-биридан фарқ қиладиган гоёлар уйғунлашган, барқарорлик устувор бўлган жамият қуришга интилади. Зиддиятларга бой бўлган ҳоз. мураккаб даврда келишмовчиликларни консенсус асосида ҳал қилиш зарурлиги гоёси муҳим методологик аҳамиятга эга.

**ҚАТБҲИЙ ИМПЕРАТИВ** (лот. imperativus — буюрувчи) — И.Кант этикасидаги ахлоқий қонун-қонданни тавсифловчи асосий тушунча. Кант ўз фалсафий таълимотида амалий ақлни назарий ақлга нисбатан устун қўяди. Амалий ақл деганда кенг маънода у этика, давлат, ҳуқуқ назарияси, тарих фалсафаси, дин ва антропологияни, тор маънода ахлоқий хулқ-атвор тамойиллари ва қоидаларини яратувчи ақлни тушунади. Кант «Амалий ақл танқиди» асарида ўзининг ахлоқий назариясини баён этган. Кант таълимотига кўра, фақат Қ.и. тамойил ва қоидаларига мос келадиган хулқ-атворгина ахлоқий саналади. У синтетик ҳуқуқ бўлиб, унинг асосий қонунига кўра, шундай хулқ-атворнинг субъектив тамойили асосида ҳаракат қилиш керакки, у ўз навбатида барча учун умумий қонун бўлиб қолсин. Бу ерда ҳуқуқий қонун эмас, барча инсонлар учун бажарилиши шарт бўлган муайян ахлоқий қоидаларнинг умумий асоси назарда тутилади. Кант Қ.и.ни мантиқий таҳлил қилганда унинг мазмунидан қуйидаги хулосалар келиб чиқади: 1) муайян шахс шундай шароит ва хоҳишга мос келадиган иш қилиш

имконияти ва мажбуриятига эгаки, ҳар бир инсон хоҳлаган бошқа инсонга нисбатан шу ишни қилиши мумкин бўлсин; 2) муайян шахс бошқа кишиларга шундай ҳуқуқни бериш имкониятига эга бўлиши мумкин ва бериши лозим ҳамда шу ҳуқуқларни амалга оширишда уларга ёрдам бериши керак; 3) ҳар бир шахс шундай интилишларга мос келмайдиган ҳаракатлардан сақланиши ва унга йўл қўймаслиги керак. Умуман олганда, Кант Қ.и.и Т.Гоббснинг «Ўзингга раво кўрмаган нарсани бировга раво кўрма», Ж.Локкнинг «Бошқаларга ўзингга раво кўрган нарсангни қил!», деган қоидаларига ўхшаб кетса ҳам аслида унинг мазмуни улардан анча кенг-роқдир. Кантнинг Қ.и. таълимотига кўра, инсон ўз сабъ-ҳаракатида ўзи учун муайян манфаатни кўзламаздан, «соф» ахлоқий бурчга таяниши лозим. Унинг фикрича, кишиларнинг бош мақсади умумий ижтимоий бурчни бажаришдан иборат бўлсагина барчага яхшилик келтириш мумкин. Кант ҳар бир инсоннинг бурчи оламда эгуликни амалга оширишдан иборат бўлиши лозим, деб ҳисоблаган. Кант Қ.и.ининг бошқача талқинида қуйидаги таърифни беради: ўзингга ва б. инсонларга восита сифатида эмас, мақсад сифатида қарагин, чунки инсон ҳаёти ўзида олий мақсадни мужасамлаштирган. Унинг таълимотига кўра, ахлоқий қонунларга ҳурмат билан қараш инсонларнинг ўз-ўзини ҳурмат қилишга, бурч тақозоси эса шахсий мукамаллик ва б.нинг бахтига сабаб бўлади. Ахлоқийлик фақат бурчни англаш эмас, балки бурчни амалий жиҳатдан бажаришни ҳам талаб этади. Кант муайян мақсадни кўзлаб бажарилган бурчни шартли гипотетик императив, деб



атайди. Аввало, ҳар қандай мақсад ҳамиша ҳам ахлоқий бўлавермайди. Иккинчидан, энг эзгу мақсадни амалга оширишда ҳам самарали, баъзан эса ахлоқга зид воситалардан фойдаланишга тўғри келади. Шунинг учун, Кант фикрича, гипотетик императив ҳамиша ҳам ахлоқийликка мос келавермайди. Кант ахлоқни инсон борлигидан, тарихдан, жамиятдан келтириб чиқармайди, балки инсон тажрибасигача унинг идрокида азалдан берилган борлиқ, оламнинг алоҳида ўлчови сифатида тушунади.

**ҚИЁСИЙ-ТАРИХИЙ МЕТОД** — қиёслаш йўли билан тарихий воқеа-ҳодисалардаги умумийлик ва хусусийликлар, ўхшашлик ва тафовутлар, улар тараққиётидаги босқич ва тамойиллар аниқланадиган илмий тадқиқот методи; тарихий методнинг бир кўриниши. Қ.-т.м. ўрганилаётган воқеа-ҳодиса тараққиётидаги муайян босқичларни, рўй берган ўзгаришларни аниқлаш ва ўзаро қиёслашга, ривожланиш тамойилларини белгилашга ёрдам беради. Бу методнинг қўйидаги шакллари мавжуд: қиёсий-чоғиш тирма метод турли-туман объектлар табиатини аниқлайди; тарихий-типология қиёслаш генезис ва ривожланиш шароитлари бир хил булган, келиб чиқишига кўра боғланмаган воқеа-ҳодисалар ўхшашлигини тушунтириб беради; тарихий-генетик қиёслашда воқеа-ҳодисалар ўхшашлиги уларнинг келиб чиқишига кўра қариндошлиги натижаси сифатида изоҳланади; турли-туман ҳодисаларнинг ўзаро таъсирини қайд этувчи қиёслашлар ҳам мавжуд. Қ.-т.м. 19-а. бошларида тилшуносликда ва этнографияда шаклланган; кейинчалик жамиятшунослик (социология), адабиётшунослик, ҳуқуқшу-

нослик, маданиятшунослик ва б. соҳаларда кенг қўллана бошлаган. Фарб социологиясида Қ.-т.м.нинг қўлланиши француз файласуфлари О.Конт, Э.Дюркхейм, англиз файласуфи Г.Спенсер ғоялари билан боғлиқ. Қ.-т.м. маданиятлар ва уларнинг тараққиёт босқичларини қиёслаб ўрганишда, турли ижтимоий тузилмалар (давлат, оила ва ш.к.)ни таққослашда қўлланади. Бунда Қ.-т.м. тарихий воқеа-ҳодисалар структураси ва вазифаларини ўрганиш билан қўшилиб кетади. Бу жараёнда қиёсий-тарихий тадқиқот методологияси янги воситалар билан бойиб боради.

**ҚОБИЛИЯТ** — инсоннинг индивидуал салоҳияти, имкониятлари. Қ. *билм*дан кескин фарқланади, билим мутолаа натижаси ҳисобланади. Қ. шахснинг психологик ва физиологик тузилишининг хусусияти саналади. Қ. кўникма, малакадан фарқ қилади. Аксарият илмий манбаларда моҳирлик билан Қ. айнанлаштирилади. Қ. инсон томонидан кўникма ва малакаларнинг эгалланиши жараёнида такомиллашиб боради. Ҳар қандай Қ. тури шахсга тегишли мураккаб психологик тушунчадан ташкил топган бўлиб, у фаолиятнинг талабларига муносиб хусусиятлар тизимини ўз ичига олади. Шунинг учун Қ. деганда бирорта хусусиятнинг ўзини эмас, балки шахс фаолиятининг талабларига жавоб бера оладиган ва шу фаолиятда юқори кўрсаткичларга эришишни таъминлашга имконият берадиган хусусиятлар синтезини тушунмоқ лозим. Барча Қ. учун таянч хусусият — қузатувчанликда, яъни инсонни фаҳмлаш, объектдан у ёки бу аломатларни кўра билиш, ажрата олиш кўникмасидир. Қ.нинг етакчи хусусиятларидан бири — нарса ва ҳодисалар моҳиятини ижодий тасаввур қилишдир. У шахснинг шаклла-

ниши ва ривожланиши натижаси бўлиши билан бирга, табиий манбага ҳам эга. Бу табиий манба кўпинча зехн тушунчаси билан юритилади. Зехн муайян бир фаолиятга ёки кўпгина нарсаларга нисбатан ортиқча қизиқувчанликда, мойилликда, интилишда намоён бўлади. Зехн нишонлари деганда Қ. ички имкониётларининг табиий асосини тушуниш лозим. У иштиёқ, мойиллик, меҳнатсеварлик, ишчанлик, талабчанлик кабиларнинг маҳсулидир. Қ. умумий ва махсус туркумларга ажратилади. Умумий Қ. деганда юксак ақлий имконият ва тараққиёт тушунилади. Қ. табиий равишда шаклланиши ва муайян режа асосида ривожлантирилиши мумкин. Қ.ни маълум фаолиятга мойиллик ёки интилиш орқали, табиий зехн нишонларини аниқлаш, мутахассис раҳбарлигида узлуксиз фаолиятга жалб этиш, Қ.ни такомиллаштиришнинг махсус воситаларини қўллаш, шахсининг фаоллик аломатларини максимал даражада ривожлантириш, инсон шахсига алоҳида ёндашувни умумий талаблар билан уйғунликда олиб бориш ва б. орқали ривожлантириш йўллари мавжуд. Қ.нинг юқори даражаси истеъдод ва даҳликда намоён бўлади.

**ҚОНУН** – муайян шарт-шароитда воқеалар ривожининг хусусияти ва йўналишини белгилайдиган, маълум бир қатъий натижани тақозо этадиган, теварак-атрофдаги нарса ва ҳодисаларнинг муҳим, зарурий, умумий, нисбий барқарор муносабатларини ифодалаш учун ишлатиладиган фалсафий категория. Қ. нарса ва ҳодисалардаги ички, муҳим, умумий, зарурий такрорланадиган боғланишлардир. Қ. ҳодиса ва боғланишлар маълум воқеаларнинг маълум шароитида қатъий, шубҳасиз содир бўлишини белгилайди. Мас., кун-

нинг тун билан алмашинуви қонуний характерга эга, чунки Ернинг ўз ўқи атрофида айланиб туриши куннинг тун билан алмашинувида олиб келади. Ер ўз ўқи атрофида ҳаракат қилмаганда бу ҳодиса зарурий тартиқасида бўлмас эди.

Табиат ва жамиятнинг ҳар қандай Қ.и ўзининг уч томони билан тавсифланади, чунончи: а) оламдаги турли хил нарса ва ҳодисалар, жараён ва воқеалар ўртасидаги муҳим, умумий ва нисбий барқарор муносабатларни ифодалайди; б) табиат ва жамиятдаги ҳар қандай Қ. воқеаларнинг ривожланиш хусусияти ва йўналишини белгилаб беради, воқеалар оқими қатъий, аниқ йўналишда бўлишини тақозо этади; в) Қ. муайян шароитда намоён бўлади ва воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг мавжудлиги ҳамда ривожланиши учун мажбурий ҳисобланади.

Қ. ўзининг хилма-хиллиги билан таърифланади. Табиат ва жамият Қ.лари объектив жараёнларни акс эттиришига қараб бир-бирларидан фарқланади. Табиат Қ.лари Ер юзиде инсон бўлмаган даврда ҳам мавжуд бўлган. Жамият Қ.лари эса, инсон фаолияти натижасида пайдо бўлган шарт-шароитлар билан боғлиқ равишда юзага келган. Жамият Қ.лари кишиларнинг ижтимоий муносабатларидаги муҳим, зарур, умумий боғланишни ифодалайди. Яна бир фарқи шундаки, жамият Қ.ларига нисбатан табиат Қ.лари астасекинлик билан ўзгариб боради. Ижтимоий Қ.лар эса маълум давр мобайнида амал қилиб, сўнгга ўз ўрнини янги Қ.ларга бўшатиб беради, баъзилари ўз кучини йўқотади. Ҳаракат қилиш доирасига қараб Қ.лар энг умумий, умумий ва хусусий Қ.ларга бўлинади. Энергиянинг сақланиш ва айланиш Қ.и умумий

Қ.ларга, физикадаги Кулон Қ.и, кимёдаги Менделеевнинг кимёвий унсурларнинг даврий системаси кабилар хусусий Қ.ларга, фалсафий Қ.лар энг умумий Қ.лар туркумига киради. Қ.ларнинг намоён бўлишига қараб, статистик ва динамик Қ.ларга бўлинишини ҳам инобатга олиш керак. Статистик Қ.лар мутлақ маънодаги зарурий Қ.лар эмас, улар эҳтимоллик назариясига мувофиқ кўп сонли бўлакларда ўртача натижа сифатида намоён бўлади.

Статистик Қ.лар маълум шароитда бўлиш эҳтимолини билдиради. Динамик Қ.лар бир-бирига боғлиқ, узаро алоқада бўлган ҳолда эски Қ.лар ҳаракатини давом эттиради, лекин унинг мавжуд доираси чегараланган бўлади, шароитга қараб у узгариши, кенгайиши мумкин. Динамик Қ.лар ташқи таъсирларга камроқ боғлиқ бўлиб, нисбатан озроқ сонли бўлакларга эга булган барча тизимларда ўзига хос тарзда амал қилади.

## Ғ

**ҒАЗЗОЛИЙ**, Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий (1058 — Тус, Эрон -- 1111) — мусулмон Шарқининг йирик файласуфи, ислом илоҳиётчиси. Дастлабки таълимни Тусда олган ва Журжонда давом эттирган. Ўз даврининг машҳур олими — Абу Наер қўлида, кейинчалик Нишопур ва Бағдодда таълим олган. У ерда исломий илмлар билан биргаликда дунёвий илмлар, жумладан, мантиқ, фикҳ, фалсафани чуқур ўрганган. Ғ. кейинчалик Бағдоддаги «Низомия» мадрасасида фикҳ, мантиқ, ислом фалсафасидан дарс берди. Ҳаётининг сўнгги йиллари зоҳидликка берилиб, ижод билан шугулланди. Ғ.нинг фикҳга оид «Босит», «Вожиз», «Восит», ақидага доир «Қавоид ал-Ақоид» («Ақидаларнинг қоидалари»), «Рисолат ал-қудсия» («Қудсия рисоласи»), мутасаввифлар учун «Мукошафат ул-қулуб» («Қалблар кашфиёти») каби асарлари нафақат ўз ватанида, балки барча мусулмон мамлакатларига кенг ёйилган. Бу асарлар мадрасаларда ўқитилиб келинган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ғ.нинг бутун мусулмон дунёсига та-

нилишида калом йўлидан чекинган ҳамда исломни заифлаштириш йўлидан борган муътазилийлар, ботинийларга қарши ёзган «Фадойк ал-Ботиния», «Таҳофут ал-фаласифа» («Файласуфларни рад этиш») каби асарлари унга катта шухрат келтирган. Ғ. ўзининг «Иҳйа улум ад-дин» («Диний илмларни тириттириш») ва б. асарларида ислом таълимотининг яхлит тизимини ишлаб чиққан ва уни фалсафий жиҳатдан асослашга уринган. Ғ. билишни инкор этмаган бўлсада, Аллоҳни ақл билан эмас, махсус руҳий, жисмоний ҳаракатлар — сизгиниш ва ибодатлар орқали англаш мумкин деган. У ўзининг «Таҳофут ал-фаласифа» асарида ўтмишдош файласуф алломалар — Форобий ва Ибн Синони Платон ва Аристотель фалсафий таълимотлари таъсирида бўлганликлари, уларнинг қарашларини қабул қилганликлари учун қаттиқ танқид қилган. У ўзининг мазкур асарида Форобий ва Ибн Синонинг исломий илмларини, хусусан, Қуръони Каримни инсон ақлий билимлари тарозиси билан ўлчашларини қоралаб, инсонларнинг ақлий билимларини Қуръон таълимоти асо-

сида урганиш керак деган. «Ихйа улум ад-дин» асарида билиш инсоннинг дилида юзага келади ва мужассамланади, деган фикрга келади.

Ғ.га кўра, дил илоҳий неъмат, уни оддий жиёмий юрак маъносиде тушунмаслик лозим. Жон Аллоҳ сингари оламдан ташқарида, олам эса Аллоҳ томонидан яратилган. У ислом ақидаларини мистик-неоплатоник ғоялар билан қориштирди. Ғ.нинг бу қарашларини ўрта аср даврининг йирик файласуфи Ибн Рушд «Раддияга қарши раддия» асарида қаттиқ танқид остига олди. Ғ. ўз асарларида тасаввуф таълимотига ҳам катта қизиқиш билан қараган. У тасаввуфни калом таълимоти билан бирлаштириш йўлидан борди. Бу билан у амалда ислом илоҳийгисис сифатида ғоявий кураш майдонига чиқди.

**ФОЛИБ МИРЗО**, Мирзо Асадуллаҳон Ғолиб [1797.27.12, Акбаробод (ҳоз. Агра) — 1869.15.2, Деҳли] — шоир, файласуф, тарихчи, дугатшунос олим. Форсий ва урду тилларда ижод қилган. Ҳиндистонда яшаган. Асли самарқандлик. Буваси Мирзо Қўқонбек Хон 1748–49 й.ларда Самарқанддан Ҳиндистонга келди ва Лоҳурда лашқарбоши этиб тайинланади. Отаси Абдуллабек Хон Лақҳнау, Ҳайдаробод ва Алварда ёлланма аскар бўлиб хизмат қилган. Бу ҳақда Ғ.М. ўз байтларидан бирида шундай ёзади:

«Асл насабимни сўрасангиз сиз агар,

Самарқанд фуқаросиман.

Касб-коримиз деҳқончиликдир».

Кейинчалик, ўспиринлик чоғида ота-онаси билан Деҳли ш.га кўчиб келишди. Ғ.М. болалик чоғлариданок Шарқ санъати, жумладан шеърятни катта ҳавас билан ургана бошлади. Айниқса шеърятга ҳаваси эрта уйғонган. Гарчанд Ғ.М. зодагонлар оила-

сидан чиққан бўлса ҳам онги, вужуди уни янги, хур ҳаётга чорларди. Унинг шеърлари гам-андуҳга тўлган эди. Ҳаётбахш инсонпарварлик, янгилликларни ҳормай-толмай тарғиб этиш, инсоний ҳақ-ҳуқуққа ишонч Ғ.М. ижодининг ўзагини ташкил этади. Ғ.М. «Куллиети назми форси» («Фореча шеърлар тўплами»), урду тилида «Девони Ғолиб», «Қитъалар» тўплами, «Панж оҳанг» («Беш оҳанг»), «Достону Бу», «Меҳри нимрўз» («Пешин кўеши»), «Урдуие муалло» («Олий урду»), «Мактублар» ва б. асарлар муаллифи. Унинг фалсафий-ахлоқий қарашлари мазмунан ислом руҳида бўлган. Лекин, жамиятда дин ҳукмронлигидан қатъий назар, у диний догматизмдан, фанатизмдан ҳалос бўлиш йўлини ахтарди. Унинг бу фикрини талайгина замондошлари ва тарихчи олимлар хурфикр деб аташди. Ғ.М. дунёқарашининг марказида идеалистик монизм ётади. Унинг идеалистик монизми икки асосий тамойилдан иборат: 1) Таухид — бирлик; 2) Ваҳдат ал-вужуд — борлиқнинг бирлиги, яъни Аллоҳнинг танҳолиги. Бу тамойиллар Ғ.М.ни дин, фалсафа, табиат ва инсонга бўлган муносабатини билдиради. Бу тамойилга биноан Ғ.М. барча динларнинг моҳияти бир деган ҳулосага келади. Табиат Ғ.М. ижодида реал ҳаққонийлик касб этади. Унинг реаллиги шундаки, табиат ва худо бир демакдир. Моълий дунёнинг барча қуриниши ҳақиқий илоҳий моҳият қўринишидир. Борлиқнинг бирлиги Аллоҳнинг бирлигидир. Бу айнан суфийлар назариясидир. Лекин, Ғ.М. тасаввуф таълимотини тўла қабул қилмай, аксича, ундаг чекинаси. Ғ.М. фикрича, борлиқ реаллигининг мезони унинг руҳий моҳиятини билишдир. Баъзан, у инсоннинг худо билан мистик мулоқотда бўлишини рад этиб, бир неча бор ақлга катта эътибор беради. Ғ.М. дунёқарашини ўзига хос ҳуеу-

сиятга эга. У борлиқни, дунё моҳиятини таърифлар экан, уларни сира хувиллаб қолган ҳолда кўрган эмас. Олам доимо ўзгаришда ва у қарама-қарши ҳодисалар бирлиги ва курашидан иборат, дейди. Бу birlik ва қарама-қаршиликни ҳар ерда, яъни табиатда, жамиятда, инсоннинг шахсий дунёсида кўради. Яратилиш ва емирилиш шакллари, яхшилик ва ёмонлик, қарама-қаршиликлар бирлиги F.M.нинг бутун ижодидан ўрин олган. F.M. фикрича, биздан ташқарида дунё бору, аини вақтда дунё йўқ. Чунки, у мутлақлик аксидир, мутлақлик акси майда заррачалардан, яъни атомлардан иборат дейди. Унинг фикрича, зарралар онгда булса ҳам уларнинг ҳаракат қилиши, бўйсунishi, йўналиши мутлақ руҳга бўелиқ. F.M. дунёқараши, гарчи у изчил булмаса-да, нафақат ўзи яшаган давр, балки кейинги даврда ҳам катта аҳамиятга эга бўлган.

**FOЯ** — 1) турли фалсафий тизимларда кенг қўлланиладиган тушунчалардан бири: F.нинг мазмуни, келиб чиқиши, унинг воқеликка мос келиши ёки келмаслиги масаласи турли фалсафий тизимларда турлича талқин этилиб, доимий баҳс-мунозара объекти бўлиб келган. F. тушунчаси аксарият фалсафий тизимларда руҳ (кейинроқ билим) ривожланишининг юксак тараққий қилган шаклига нисбатан ишлатилган. Хусусан, уни предметларнинг инъикоси натижасида шаклланган ҳиссий образ, объектив воқеликнинг субъектив инъикоси деб талқин қилиш мавжуд. Аини пайтда уни барча нарсаларнинг объектив мавжуд булган моҳияти сифатида талқин этувчи объектив идеалистик ёндашув ҳам бор. Мас., Г.Гегелда F. ҳамма нарсанинг мазмуни ва яратувчисидир. У ўз мангикий ривожи давомида объектив, субъектив ва абсолют босқичларни босиб ўтади. F. тушунчаси Платон фалсафасининг

марказий категорияларидан бири ҳисобланади. У ҳақиқий оламнинг трансцендент дунёсини ифодалайди, айнан шу оламнинг образи бўйича ҳақиқий олам нарсалари мавжуд бўлади. Бундай ёндашув кейинроқ неоплатонизм ва ўрта аср фалсафасида ривожлантирилди ва F. идеал шакл сифатида талқин этила бошланди. Бу шакл намунаси сифатида илоҳий ақл оламдаги нарсаларни ярата бошлаган. Шундай қилиб антик даврдан Уйғониш давригача F. онтологик, янги даврдан эса инсоннинг оламини билишига хизмат этувчи шакллардан бири сифатида гносеологик талқин қилинган. Бундай баҳс-мунозара рационализм ва эмпиризм ўртасидаги курашда ҳам намоён бўлди. И.Кантгача бўлган рационализм F.ни «туғма», бошданроқ субъектга тегишли ва тажрибага бориб боғланади, деб ҳисоблади. Эмпиризм эса бундан фарқли равишда F.да ҳиссий маълумотларнинг умумлашувини куради, субъектни эса воқеликнинг пассив инъикоси сифатида қарар эди. Кейинги даврларда ҳам F. тушунчаси марказий ўринни эгаллаб келган. Кант фалсафаси бўйича, F. бу ақл тушунчасидир, унга тажрибага ҳеч нарса мувофиқ келмайди. F.лар ақлнинг ҳиссий тажриба чегарасидан ташқарига чиқишга уриниши натижаси сифатида юзага келади ва Кант томонидан улар билишнинг мақсадини белгилайдиган принциплар сифатида талқин этилади. Гегель учун эса абсолют F. билиш ривожланишининг олий шаклидир. У ўзида билишнинг олдинги барча шакллари-ни қамраб олади ва шунинг учун ҳам олий объектив ҳақиқат ҳисобланади. Бунда тафаккур ва воқелик бир-бирига мос келади. 20-а. фалсафасида F.нинг юқоридаги каби талқинлари барҳам топиб, у асосан илмий билиш шакли, тушунчанинг синоними сифатида кенг қўлланила бошлади.

2) Илмий билишнинг ўзига хос шакли. Ғ. илмий далил, муаммо, фараз, назария каби воқеликни аке эттириш шаклларида бири. Теварақ оламни ўрганиш натижасида ҳосил бўлган муайян фикр, билим шаклида чиқувчи Ғ.да шу воқелик бундан кейин қай йўналишда ўрганилиши зарурлиги ҳақидаги кўрсатма ботиний тарзда мавжуд бўлади. Шу нуқтан назардан қараганда, у улкан йўналтирувчилик ролини ўтади. Мас., атомларнинг мавжудлиги ҳақидаги Ғ. асрлар давомида илмий изланишларни уни топиш, хусусиятларини тадқиқ этиш, дунёнинг тузилишидаги ўрнини аниқлашга йўналтириб келди. Натижада атом кашф қилинди ҳам. Бу кашфиёт инсониятнинг оламнинг тузилиши тўғрисидаги тасаввурларини бутунлай ўзгаришига олиб келди. Аммо тарихда илмийликка даъвогарлик қилган бўлса-да, ўз моҳиятига кўра ғайриилмий бўлган ва илм-фан тараққиётида ўта салбий из қолдирган Ғ.лар ҳам кўп бўлган. Ўз даврида кибернетика ва генетикани «ёлгон фан»лигини асослашга қаратилган Ғ.нинг устувор бўлгани бу фанлар ривожини бир неча ўн йилга орқага суриб юборгани бунга далил бўла олади. Ғ. тараққиёт омилига айланиши учун маълум бир шарт-шароит – жамиятнинг умумий билим даражаси юзага келган, янги билимни қабул қилишга тайёр бўлиши, уни текшириб кўриш, тасдиқлаш ёки инкор этиш имконияти, қуруллар, воситалар, моддий-молиявий ресурсларга эга бўлиши лозим. Аке ҳолда у маълум маданий-маърифий ҳодиса сифатида қолиб кетади. Берунийнинг «Ғарбий ярим шарда қуруқлик бор» деган Ғ.си шундай бўлди. Жамиятнинг қабул қилишга тайёр эмаслиги туфайли ўша пайтда бу Ғ. ўзининг ҳақи баҳосини топмади. Орадан бир неча аср ўтган-

дан сўнг Ғарбий ярим шарда қуруқликнинг борлиги ҳақиқатан ҳам тасдиқланди. Бу қуруқлик – материк кейинчалик кашф қилиниб, Америка номи билан юритила бошланди. Ғ.нинг ўзига хос шакли бу ижтимоий Ғ.дир. У табиий-илмий Ғ.га хос бўлган юқоридаги хусусиятлар билан бир қаторда улкан уюштирувчилик ролини ҳам ўтади. Ижтимоий Ғ. табиий-илмий Ғ.лардан фарқли равишда ижтимоий жараёнларга бевосита таъсир ўтказа олади. Ижтимоий Ғ. кимнинг манфаатларини ҳимоя қилишига, асослашига қаратилганига қараб фарқланувчи хилма-хил шакллари ўз моҳиятидан келиб чиққан ҳолда жамият тараққиётига турлича, хусусан, ўта салбий таъсир қилиши ҳам мумкин. Хусусан, олий ирққа мансублиги ва шу туфайли дунёда ҳукмронлик қилиши зарурлиги ҳақидаги Ғ. нафақат немис халқи, балки бутун инсоният тақдирида фожиали из қолдирди. Ижтимоий Ғ.ларнинг жамият ҳаётида ўта зиддиятли роль ўйнаганини исботловчи мисолларни истаганча топиш мумкин.

3) Кенг маънода олдин мавжуд бўлмаган, ўзида янгиликни ташувчи фикр. Бу ҳал қилиниши зарур бўлган масалани ечишга интилиш натижасида пайдо бўлган яхлит ҳулоса-фикр. Бундай ҳолат «Менда бир Ғ. пайдо бўлди» деган фикрда ёрқин ифодасини топади. Аммо ҳар қандай фикр ҳам Ғ. бўлолмайди. Ҳар кунги воқеа, ҳодиса, жараёнлар ҳақидаги фикр алмашиш бунга мисол бўла олади. Зеро, бунда аксарият ҳолларда кўпчиликка маълум нарсалар ҳақида фикр юритилади. Бундай фикрлар Ғ. бўла олмайди. Чунки, Ғ. ўзида янгиликни ташиши лозим, унда олдин маълум бўлмаган фикр мужассамлашган бўлиши керак.

## Ҳ

**ҲАЁ** — ахлоқшунослик тушунчаси. Муҳим ахлоқий меъёр, айти пайтда хулқий гўзалликнинг асосий белгиларидан бири. Ҳ. уят ҳисси билан ўхшаш бўлса-да, аслида андиша ва ибога яқин фазилат тарзида намоён бўлади, у нафосат билан уйғунлашиб кетади. Уят ҳиссида инсоннинг ўзи содир этган ёки бошқалар воситасида амалга оширилган ахлоқийликка зид хатти-ҳаракатларидан ноқулай вазиятга тушиш, унғайсизланиш ҳолати пайдо бўлади, бу ҳолат хатти-ҳаракат содир этгандан сўнг ҳам давом этади ва кўп ҳолларда виждон азобини кўзгатади. Ҳ.да эса мазкур ҳолатлар соф маънавий характерга эга бўлиб, улар хатти-ҳаракат содир этилаётган пайтдагина юзага чиқади.

Ҳ.нинг инсоний сифат тарзидаги мавжудлиги ҳаёлилик бўлиб, кишининг маънавийлиги, маърифатлиги, номуслиги, очиқ кўнгилли эканини англатади, унинг зидди — беҳаёлик (ҳаёсизлик) эса, аксинча, маънавийтсизлик, нопокликка мойиллик, қалби қаттиқлик, виждонсизлик каби иллатлар билан характерланади. Ҳоз. кунда турли цивилизацияларнинг ўзаро алоқалари, баъзан эса омухталашуви, урбанизация, модапарастлик сингари замонавий ижтимоий ҳодисалар Ҳ.лиликка маълум маънода салбий таъсир кўрсатаётир, айниқса хотин-қизлар ва ёшларнинг ўзини тутишида, муомаласида, кийинишида бу таъсирни яққол сезиш мумкин. Оиладаги ва мактабдаги тарбияда Ҳ.ли бўлишлик — хулқий гўзаллик, назокат экани, беҳаёлик — хулқий хунуклик ва қўполлик эканини уқтириш, шахс эркинлиги доимо ўзгалар олдидаги масъулият билан боғлиқлигини тушунтириб бориш муҳим вазифалардан биридир.

**ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ** — ҳаёт мазмуни, мақсади, қадр-қиммати ҳақидаги муаммоларни тадқиқ ва талқин этувчи фалсафий оқим. 19-а. охири — 20-а. бошларида Германия ва Францияда пайдо бўлган. Вакиллари — Ф.Ницше, В.Дильтей, Г.Зиммель, А.Бергсон, О.Шпенглер, А.Клагес ва б. Классик рационализмга муқобил оқим ва механик табиатшунослик инқирозига жавоб сифатида шакллланган. Немис романтизми анъаналарига суянган. Ҳ.ф. ҳаётга дастлабки реаллик, ягона органик жараён сифатида қаради ва кейинчалик у материя, руҳ, онг ва борлиққа ажралиб кетувчи тизимлар деб баён қилди. Ҳ.ф. тарафдорларига кўра, ҳаёт тушунчаси кўп мазмунли ва мураккаб, ўзининг аниқ талқинига эга эмас. Шу сабаб табиий-биологик (Ницше, Клагес), космологик (Бергсон), маданий-тарихий (Дильтей, Зиммель, Шпенглер) тушунча сифатида талқин қилинади.

Ницшеннинг «ирода фалсафаси»да дастлабки ҳаётий реаллик «ҳокимиятга интилиш иродаси» орқали намоён бўлади (бунда Ницше А.Шопенгауэр қарашларига таянади). Бергсон таълимотида ҳаёт фазовий ҳаётий шиддат, унинг моҳияти «онг ва юқори онгда» намоён бўлади. Улар ички онгли руҳий жараён кечинмаларида очилиб боради. Дильтей ва Зиммелда ҳаёт — бу кечинмалар оқимидир, лекин бу кечинмалар тарихий-маданий жиҳатдан шартланади. Барча талқинларда ҳаёт узлуксиз, ягона, ижодий, доимий шаклланиш, ривожланиш жараёни сифатида кўрилади. Бу жараён механик, ноорганик турларга, ҳар қандай аниқликка, қотиб қолганликка, «муқимликка» қарши қўйилади. Ҳ.ф.нинг

ноилмийлиги (антисциентизми) шундаки, вакилларининг фикрича, ақл ўз табиатига кўра ҳаётдан тубдан узилагандир, мушоҳадавий-механик билимга асосланган фанлар фақат нарса-буюмларнинг муносабатини аниқлаши мумкин. лекин нарсаларнинг ўзини била олмайди. Рационал билим Ҳ.ф. томонидан амалий эҳтиёжларни қондириш учун хизмат қилади, деб эълон қилинди. Илмий билишга ноинтеллектуал, интуитив, тимсолли-рамзий, ўзининг асосига кўра нораціонал ҳаётий реаллик қарама-қарши қўйилади (Бергсон, Ницше ва Шпенглердаги интуиция, Дильтейдаги тушуниш ва ҳ.к.). Ҳ.ф. ижодкорлик жараёнидаги интуитив-онгеиз асосларга, миф-афсоналарга диққат эътиборини қаратади. Кўп ҳолларда фалсафанинг ўзи афсоналарга яқинлашади (Ницше, Шпенглер). Ницшенинг асосий фалсафий тасаввурлари миф-афсона шаклига киради (унинг «аъло одам» ва «абдий қайтиш» ҳақидаги таълимотлари). Ҳ.ф. намоёндалари кўпинча баён қилишнинг метафорали, афоризмли услубларини қўлайдилар. Бу билан ҳаёт феномени, жараёнини анъанавий фалсафий категориялар орқали тўлақонли ифодалаб бўлмаслигини қатъий талаб, принцип сифатида қўядилар.

Ҳ.ф. учун ижод муаммоси марказий масалалардан бири ҳисобланади, чунки у ички зиддиятга эга, унда рационал ва интуитив билиш бир-бирига зид қўйилади. Индивидуал ижод, инсоннинг ўз-ўзини намоён қилишнинг ниҳоятда муҳим аҳамиятини таъкидлаган ҳолда, ижод жараёнини биологик мослашув натижасидир, деб тасвирлайди. Ҳ.ф.нинг асосий жиҳатларидан яна бири вақт масаласидир, у ижод, шаклланиш ва

ривожланиш моҳияти сифатида кўрилади. Вақт органик тушунча сифатида механик. «кинематографик» (Бергсон) илмий вақтга қарши қўйилади. Вақтга нисбатан бундай ўткир, чуқур нигоҳ тарих ва тарихий ижодга ҳам тааллуқдидир.

Фалсафа ва фан антиномияси Ҳ.ф. «баён қилувчи» ва «тушунтирувчи» психология (Дильтей), тарихий ва табиий-илмий билиш услубларида намоён бўлади. Бунда гуманитар билим, тарихий тадқиқотлар, «руҳ ҳақидаги фанлар» биринчи даражага кўтарилади. Неокантчиликка яқинлашган ҳолда, Дильтей ва Зиммель ўзгача методологик тамойилларни илгари сурадилар, неокантчиликдаги гносеологизм чегараларини янада кенгайтирадилар. Дильтей «табиат ҳақидаги фанлар» билан «руҳ ҳақидаги фанлар» антитезисини ривожлантириб, таянчни «тушунтирувчи», экспериментал-тажрибавий, рационал услублардан фойдаланувчи, сабабийлик тушунчаларини қўлловчи психологиядан эмас, балки «баён қилувчи» психологиядан топади. Унга кўра, бирга изтироб чекиш, бевосита ҳодисалар моҳиятига кириш ёрдамида «руҳий боғлиқликка» эришиш мумкин. Фалсафий билимлар методологияси ҳисобланган «баён қилувчи» психология «руҳ ҳақидаги фанлар»нинг назарий асоси сифатида намоён бўлади. Шпенглер таълимотида тарихий билим интуиция, ҳис қилиш усули сифатида ҳам намоён бўлиб, тарихий ҳодисалар ҳақидаги бевосита билимни беради, тарихий тадқиқотларга бундай ёндашув мутлақлаштирилса, субъективизмга олиб келади.

Ҳ.ф.да тарих туғилишдан ўлимгача бўладиган биологик даврийликка ўхшаш жараёнларни бошидан кечирадиган ноёб ва такрорланмас «ма-



даний организмлар» сифатида намоён булади. Шпенглерга кўра, ҳар бир маданият ўзига хос руҳиятнинг очи-лишига қараб ривожланиш жараёни-да цивилизацияга айланади, унда ҳаракат сокинлик билан, ижод бе-маҳсуллик билан аралашиб кетади ҳамда уларнинг ўзаро органик ало-қалари механик ҳаракатларга айла-нади ва ҳ.к. Тарихий жараён «тақдир»-га бўйсунди, табиат бундан мустас-но, чунки унда сабабийлик қонуни ҳукмрондир (Шпенглер, Зиммель). Шу йўл билан тарих табиатдан фарқ-ли равишда, объектив қонуниятлар ҳукмронлигидан озод қилинади. Ҳ.ф.га кўра, маданий организмлар-нинг тарихий ривожининг даврийлик ху-сусиятига эга булади. Маданиятни тушуниш мутлақ ўзига хос, бир-би-рига ўтмайдиган организм сифатида релятивизмга айланади, бунда инсо-ният ривожининг ягона тарихий жа-раён сифатидаги талқини инкор қилинади. Ҳ.ф. вакиллари томонидан ижтимоий организмнинг ўзига хос томонларини баён қилиш анъанала-ри (мас., Шпенглердаги «цивилиза-ция» ҳақидаги тасаввур, Бергсонда-ги «ёпик жамият» ҳақидаги қараш-лар) кейинчалик «омма жамияти» ҳақидаги таълимотларга асос бўлди. Унга кўра, у «оммавий маданиятга» эга, у индивидни эркинликдан маҳ-рум қилади, ижодкорлик йўқолади, бегоналашади, ҳаёт тарзи рационал бюрократ механизмга айланади. Ҳ.ф.да бу анъана «элитар» мадани-ятни демократия босимидан ҳимоя қилиш шаклида рўбга чиқади, клас-сик буржуазия демократиясининг инқирози шаклида амалга ошади. Ницше бу инқирознинг сабабини христианликнинг рационаллашиб кетишида деб билди. Унга кўра, «тўда-вийлик» инстинктлари, «кучсизлик қадриятлари» ҳимоя қилинади. Ниц-

ше нигилизмнинг моҳияти шунда очилади. У ҳамма қадриятларни қатъ-ий равишда қайта баҳолаб чиқишга мажбур қилади. Буни «табиий» ҳаёт меъёр-лари орқали амалга оширишни так-лиф қилади. «Сара одам» ҳақиқий «ҳаётий» қадриятларни ўзида жам қилган инсон сифатида намоён бўла-ди. Шпенглердаги нигилизм мадани-ятнинг гуллаб яшнаган давридан кей-ин уз «сўнгига», «Улимига» йўл ол-ган ҳолат, маданий организмларнинг инқирози, «халқ»нинг ўзига хос фа-олияти билан «омма»га айланишида намоён булади. Бергсон Ницшедан фарқли равишда «очиқ жамиятда» амалга ошадиган идеал евангелия қадриятларини илгари суради. Уму-ман олганда, Ҳ.ф.нинг ижтимоий та-саввур ва қондалари, Ҳ.ф. вакиллари сиёсий қарашларининг хусусиятлари кенг қамровдир, у буржуазия ре-аллиги танқидини ўз ичига олади, «келажак инсони»нинг романтик утопиясини илгари суради. Ҳ. ф. 20-а.нинг 1-ярмида куп ижтимоий йўна-лишларга кучли таъсир кўрсатди, кенг тарқалди ва назарий маъна сифатида хизмат қилди. Кейинчалик унинг тамойиллари персонализм ва экзистенциализм томонидан ўзлаш-тирилди.

**ҲАРАКАТ** — моддий ва маънавий борлиқнинг мавжудлик шакллари-дан бири, муҳим атрибуту. Энг умумий тарзда Ҳ. умуман ўзгаришдан, объек-тларнинг ўзаро таъсиридан иборат. Ҳ. табиат ва жамиятда юз бераётган ҳамма жараёнларни ўз ичига олади. Қадимги замонларда сув, тупроқ, ҳаво, олов каби моддий унсурлар ҳар доим ўзаро муносабатда ва ўзгариш-да булади, деб тушунилган. Аристо-тель Ҳ.ни билмасдан туриб табиатни ўрганиш мумкин эмаслигини уқти-риб ўтган. Қадимги замон ва ўрта аср-ларда Ҳ. дейилганда механик Ҳ. ту-

шунилган. Ибн Сино «Донишнома» асариди умумий Ҳ. фазодаги механик Ҳ.га қараганда кенгроқ тушунилмоги кераклигини айтган. Форобий Ҳ. боғ-ланишларни ифодалайди, деб тушунган. Беруний Ҳ.нинг айланма ва тўғри чизиқ шакллари, Ҳ. ва Ҳ.сизлик орасидаги зиддиятни кенг тадқиқ қилган. Ҳ. табиатини ўрганишга П.Гольбах, Г.Лейбниц, Р.Декарт, И.Ньютон, Г.Гегель муайян ҳисса қўшганлар. Ҳ. мезонлари ҳақида Лейбниц ва Декарт тарафдорлари орасида тортишув бўлиб ўтган. Ҳ. кинетик энергия ҳамда ҳаракат миқдоридан иборат мезонга эга эканлиги кўрсатилди. Бу эса Ҳ. йўқдан бор бўлмайди ва бордан йўқ бўлмайди, балки бир шаклдан иккинчи шаклга ўтади деган хулосага олиб келади.

Ҳ.нинг умумий хусусиятлари ва унинг махсус шакллари ҳақидаги тасаввурлар 20-а. илмий ютуқлари заминида тез ривож топди. Хусусан Ҳ. фазо ва вақтда рўй бериши маълум бўлди. Ҳ. мутлақдир, тинч ҳолат эса нисбий, Ҳ.нинг ўткинчи ҳолатидир. Ҳ. ҳамма вақт зиддиятни ифодалайди. Ўзгарувчанлик ва устуворлик муҳим зиддиятлардан бўлиб, бир-бирисиз бўлмайди. Лекин, улар ривожланишни аниқлайдиган ўзгарувчанликлардир. Қўйдан юқорига бўладиган Ҳ. ривожланиш дейилади, акси регрессив Ҳ.дир. Фалсафа тарихида Ҳ. турлича бир-бирига муқобил тарзда талқин қилинган. Мас., илк файласуфлар булмиш милетликлар (Фалес, Анаксимен, Анаксимандр) ва пифагорчилар фикрига кўра, барча нарсалар доимий Ҳ.да ҳамда ўзгаришдадир. Элея мактаби вакиллари эса ушбу фикрни инкор қилганлар. Уларнинг фикрига кўра, борлиқ ўзгармас ва Ҳ.сиздир. Бундан фақатгина фикрланадиган нарсалар мавжуд ва фикрлан мавжуд нарсалар бор, деган ху-

лоса чиқариш мумкин. Ушбу гоёлар юнон файласуфи элеялик Зеноннинг «Ахиллес ва тошбақа», «Ўқ-ёй» каби апорияларида ўз ифодасини топган. Бу мантиқий мураккабликнинг моҳияти Ҳ. тушунчасининг бир-бирини истисно этадиган икки жиҳатини – ўзгарувчанлик ва ўзгармасликни бир вақтда ўзига жо этишида намоён бўлади. Шу маънода Ҳ. ўзгарувчанлик ва ўзгармасликнинг узвий бирлигидан иборатдир. Ҳ.нинг онтологик мақомини қайд этган фалсафий таълимотларда уни борлиқнинг атрибути, умумий универсал хусусиятидир, деб қайд этадилар.

Энергия турғисидаги таълимот – энергетизм вакиллари (В.Оствальд) Ҳ.ни руҳий ҳодиса (феномен), модда субстрат тизимини шакллантиришга хизмат қиладиган маънавий сабаб деб билади. Материализм Ҳ.ни материянинг атрибути, мавжудлик шакли, деб билади (Ж.Толанд, Д.Дидро, П.Гольбах, Ф.Энгельс, М.Борн, Х.Альвен). Лейбниц ва Гегель Ҳ. оддий механик ўрин алмашиш эмас, у қарама-қаршиликлар, чизиқсиз тафаккур туфайли юзага келадиган сифат узгариши, деб таъкиллайди. Демак, 18-а. Фарб фалсафаси ва табиий-илмий билимларида Ҳ.ни конкрет англашда муайян натижага эришилади. Лекин, бу даврда Ҳ. тушунчаси тор маънода, ўша даврда энг ривож топган фан соҳаси – механика қонунлари табиатидан келиб чиққан ҳолда талқин қилинар эди. Шунга кўра, Ҳ.ни, асосан, моддий объектларнинг фазода бир жойдан бошқа жойга ўтиши маъносидаги тушунишга ургу берилган. Ваҳоланки, фаннинг кейинги ривожини Ҳ. фақат механик шаклда эмас, балки унинг турли-туман шаклларда намоён бўлишини кўрсатди. Ҳ. шакллари деганда миқдорий ўзгаришлар (предмет ва ҳодиса-

ларнинг янги сифат ҳолатига олиб бормайдиган Ҳ.) ва сифат (айланиш, амал қилиш) тараққиёти назарда тутилади. Шунингдек, Ҳ.нинг механик, физик, кимёвий, биологик, ижтимоий шакллари мавжуд. Ҳоз. даврда турли хил ҳаракат шакллари даражалари таснифланади. Бу ҳолда биологик Ҳ. кимёвий Ҳ.га нисбатан юқори, ижтимоий Ҳ.га нисбатан қуйи бўлади. Ҳ.нинг ҳар бир юқорироқ шакли қуйи шакли асосида пайдо бўлади ва уни ўз ичига олади. Ҳ.нинг барча шакллари манбаи — оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро бир-бирига таъсир утказиши. Ҳ.нинг юқори шакли ўзига хос, янги интегратив (умумлашма), қуйи шакллarga таъсир кўрсата оладиган хусусиятга эга бўлади. Борлиқнинг турли-туман кўринишлари, тамойилларига Ҳ.нинг ушбу муайян шакли мувофиқ келади. Ҳ. нисбий, чунки у фазонинг бирон-бир нуқтасига нисбатан олинганда Ҳ. ҳисобланади; худди шунингдек, турғунлик ҳам нисбийдир. Ҳ. узлуклилик билан узлуксизлик, мутлақ ва нисбий ҳолатнинг бирлигидан иборат. Умумий тарзда борлиқнинг мавжудлик шакли сифатида олганда, Ҳ. абсолют (мутлақ), лекин, у нисбий шаклларда намоён бўлади. Умуман, ўзгариш ва тараққиёт Ҳ. йўналишлари ҳисобланади. Ҳ. (ўзгариш) осойишталик (сокинлик) ни инкор этмайди. Осойишталик нарсаларнинг нисбий барқарорлиги, мувозанат шаклида намоён бўлади. Осойишталик бутун борлиққа эмас, балки ундаги алоҳида объектларга хос бўлади. Осойишталик предмет ва ҳодисалардаги вақтинча ҳолат. Биз осойишта ҳолатда деб қарайдиган ҳар қандай жисм ҳақиқатда қандайдир муайян бир жиҳатдангина осойишта бўлиб, бошқа жиҳатдан ўзгариб туради. Замонавий фанда Ҳ. вақт ва энергия феноменлари контексти (махсус

ва умумий нисбийлик назарияси)да тушунтирилган антик давр фалсафасида шакланган Ҳ. билан боғлиқ.

**ҲАҚИҚАТ** — воқеликнинг киши онгига тўғри акс этиши, билимларимизнинг объектив реалликка мос келиши. Ҳ. инсоннинг борлиқни билишдаги асосий мақсадларидан бири. У асосан инсон билимлари билан борлиқдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги муносабат масаласини ўз ичига олади. Антик давр мутафаккирлари (Эпикур, Демокрит, Лукреций) Ҳ.ни билимларимизнинг нарса ва ҳодисалар моҳиятини ифодалашга мос келиши сифатида тушунганлар. Бундай тушуниш янги давр файласуфларига (Ф.Бэкон, Б.Спиноза, К.Гельвеций, Д.Дидро, П.Гольбах, М.В.Ломоносов, Л.Фейербах) ҳам хосдир.

Ҳ.нинг объектив, мутлақ, нисбий шакллари бор. Амалиёт тасдиқлаган ҳар қандай билим объектив Ҳ.дир. Бунда оламдаги нарса ва ҳодисалар моҳияти инсон онгига боғлиқ эмас (Ҳ. мазмунан объектив, лекин шаклан инсон тафаккури фаолиятининг натижаси сифатида субъективдир). Борлиқдаги нарса ва ҳодисалар ҳақидаги тўлиқ, аниқ, мукаммал билимлар мутлақ Ҳ.дир. Нисбий Ҳ. объектив Ҳ.нинг баъзи томонини, бўлагини, қисмини акс эттирувчи билимдир, у объектни тўла, мукаммал акс эттира олмайди. Билиш нисбий Ҳ.лардан мутлақ Ҳ.лар томон ривожланиб боради. Ҳар қандай мутлақ Ҳ. нисбий Ҳ.ларнинг чексиз ривожланиб боришидан вужудга келади, ҳар бир нисбий Ҳ.да эса мутлақ Ҳ.нинг зарраси мавжуд бўлади. Илмфан тараққиётида ҳар бир янги босқич нисбий Ҳ.лар сифатида мутлақ Ҳ.нинг мазмунига янги-янги зарралар кўшиб боради. Борлиқ бепоён ва чексиз бўлгани каби, инсоннинг уни

билиши ҳам чексиз давом этади. Ҳ. ҳамиша конкретдир, мавҳум Ҳ. йўқ. Ҳар бир билимнинг ҳақиқатлиги маълум жойга, вақт ва вазиятга, киши билишининг имкониятига ва даражасига боғлиқ.

Билиш жараёнида нисбий ва мутлақ Ҳ.лар нисбатини тўғри тушунамаслик, Ҳ.нинг конкретлигини ҳисобга олмаслик билиш назариясида 2 та янглиш қараш — догматизм ва релятивизмга олиб келади.

Ҳ. тушунчаси фақат гносеологик масала эмас, балки аксиологик жиҳатга эга. У «адолат», «яхшилик», «гўзаллик» тушунчалар каби умуминсоний кадрният ҳисобланади.

**ҲЕЧ НАРСА**, ҳеч нима — ҳар қандай сифатнинг, муайян объектнинг ва умуман бор бўлган нарсаларнинг йўқлигини, мавжуд эмаслигини ифодаловчи фалсафий тушунча. У мавжудлик, борлик, нимадир деган тушунчаларнинг қарама-қаршиси. У — йўқликдир. Йўқлик — Ҳ.ндир. Борлик тушунчаси ниманингдир мавжудлигини ифодаласа, йўқлик тушунчаси эса ўша жойда ниманингдир мавжуд эмаслигини аниқлаб, ниманинг акси бўлган Ҳ.н.ни ифодалайди. Йўқлик деб утмишдаги ва келажакдаги ҳодисаларнинг ҳоз. замонда (айнан шу вақтда) йўқ эканлигига айтилади. Бугунги ҳодиса кеча йўқ эди, аммо потенциал (имкониятдаги) борлик сифатида мавжуд эди. Эртанги ҳодиса ҳам ҳозирча йўқлик, аммо потенциал борликдир. Биз ўтмишни бугунги кунда қолдирган изига қараб, келажакни эса бугунги ҳодисалардаги ўзгариш суръатига ва тенденцияларига қараб фарз қиламиз. Бугунги воқеалик эртага эса йўқликка айланади, бугун тирик бўлган кўпгина жониворлар эртага ўлик бўлади. Мутлақ йўқликнинг ўзи йўқдир. Ҳ.н.ни гносеологик маънода ҳам тушуниш мум-

кин. Биз йўқ деб ҳисоблаган объектлар ҳозирча бизнинг фикр доирамиздан (билиш чегарасидан) четда қолган бўлиши ҳам мумкин. Ўтган асрларда электромагнит майдонининг, купгина элементар зарраларнинг мавжудлиги ҳақидаги тасавуурлар йўқ эди. Аниқроғи, биз уларнинг мавжудлигини билмас эдик. Улар биз учун «йўқлик» ҳисобланар эди.

Ҳ.н. тушунчаси ҳақида қадимдан мутафаккирлар фикр юритиб келишадди. Демокрит ҳаракат ва ўзгаришлар бўлиши учун борлик (атомлар) ва бўшлиқ (Ҳ.н.) бўлиши лозим, деб таъкидлаган. Софист Горгий Ҳ.н. борлиқнинг тескари томонидир дейди. Платон ва Аристотель фикрича, Ҳ.н. ўз-ўзича имконият, пассив боғлиқлик бўлиб, бу сифатлар ҳар бир конкрет нарсада мужассамлашган бўлади. Плотин фалсафасида Ҳ.н., яъни йўқлик ёмонлик билан айнанлаштирилади. Шарқ фалсафасида, калом таълимотида, Форобий ва Ибн Сино асарларида Ҳ.н. азалий борлиқдан ташқаридаги проза сифатида талқин этилади ва у ҳамма нарсанинг ибтидоси ва интиҳосидир деб таъкидланади. *Ҳаёт фалсафасида* ҳамма балолар йўқликдан келиб чиқади, дейилади.

Гегель «Мантиқ фани» асарида Ҳ.н. соф борлиқнинг қарама-қаршиси, категориялар ҳаракатининг дастлабки босқичидир деб ҳисоблаган. 19-а. охири — 20-а. бошларига келиб альянавий метафизика таълимотининг сусайиши туфайли Шопенгауэр, Ницше, Бергсон томонидан Ҳ.н. маъносиз тушунча сифатида фалсафий истеъмоладан чиқариб ташланди. Аммо, замонвий космологик концепцияда ҳамма нарса ўша Ҳ.ндан вужудга келган дейилади. Шундай экан, Ҳ.н. аслида ҳамма нарсанинг ибтидоси ва интиҳоси, асоси ва да-

вомчиси, сабабчиси ва оқибати, яратувчиси ва йуқотувчисидир.

**ҲИНДУИЙЛИК**, ҳиндуизм — дунёда кенг тарқалган динлардан бири. Ҳ.га эътиқод қилувчилар асосан Ҳиндистонда (95% га яқини) яшайди. Покистон, Бангладеш, Непал, Шри Ланкада, шунингдек, Жанубий Африкада, Жануби-шарқий Осиёда ҳам учрайди. Ҳ.ка 780 млн. киши эътиқод қилади. Милоннинг I-минг йиллигида шаклланган. Ҳ. веда дини ва браҳманизм ривожланиши ва унга кейинчалик халқ эътиқоди, урф-одатлари, маросимлари сингиб кетиши жараёнида пайдо бўлган. Ўрта асарларда ҳукмрон мафкурага айланган.

Ҳ.нинг асосида жоннинг янги шаклга кириши (сансара) ҳақидаги таълимот ётади. Унга кўра, киши ўлгандан кейин жони (руҳи) янги ўсимлик, ҳайвон ёки инсон танасига кириб олади ва қайта тугилади. Янги руҳнинг қай даражада бўлиши карма қонунига, яъни кишининг ҳаёт давридаги ҳуяқ-атвори, ҳатти-ҳаракати-га боғлиқ. Ҳ.нинг асосий мақсади — инсонни мана шу қайта тугилиш занжиридан, азоб-уқубатидан халос қилиш, яъни моқшага эришиш. Ҳ.даги турли диний-фалсафий таълимотлар моқшага эришишнинг йўллари ва воситаларини ишлаб чиқдилар. Хусусан, веданта Ҳ.ка фалсафий асос бўлиб хизмат қилди. Ҳ.ка эътиқод қилувчилар қайси кастага мансублигига қараб диний расм-русумларни бажаришда фарқланади. Улар вафот этганларида ерга кўмилмайди, балки оловда куйдирилади. Ҳ.га кўра шундай қилинса марҳум покланади, гуноҳлари бу дунёда қолади. Олов у дунёга гуноҳлардан холи бўлган жоннинг узини олиб кетади. Бу диннинг ақидаларига кўра, одамзот яратилишидаёқ ижтимоий жиҳатдан тенгсиз яратил-

ган. Шунинг учун бу тенгсизликни реал ҳаётда тугатишнинг иложи йўқ. Чунки унга таъсир этишга қодир бўлган кучнинг ўзи йўқ. Ҳ.да аждодлар руҳига топиниш алоҳида ўрин тутади. Вафот этган аждод худого тенглаштирилади. Аждодлар руҳи бу дунёда яшаётган қариндош-уруғларини қўриқлайди, уларнинг оиласи ва ҳаётини муҳофаза қилади.

Ҳ.нинг муқаддас китоби ведатар, «Маҳобхарата» (айниқса унинг «Баҳавадгита» ва «Рамаяна» қисмлари) ва б. Ҳ.да асосий худолар — Шива, Вишну, Браҳмага сизинилади. Уларнинг кўриниши сифатида кўплаб маҳаллий худолар эътироз этилади. Ҳ.да тоғлар, дарёлар (хусусан, Ганг), ўсимлик (мас., нилуфар), ҳайвонлар (маймун, фил, илон ва айниқса, сизир) муқаддас саналади ва уларга топинилади. Турли гайритабиий ҳодисалар ҳам сизиниш объекти ҳисобланади. Диний маросимлар ибодатхоналарда, уйлардаги меҳроблар ёнида, муқаддас жойларда адо этилади. Ҳозирги Ҳ. 2 оқим — вишнуизм ва шиваизм шаклида мавжуд.

**ҲИССИЁТ** — шахснинг воқеликдаги нарса ва ҳодисаларга, кишиларга ҳамда ўз-ўзига бўлган муносабатлардан келиб чиқадиган кечинмалари. Шахс тирик мавжудот бўлиши билан бирга жамият аъзоси ҳамдир, шунингдек, яқка инсон сифатида теварак-атрофдаги нарса ва ҳодисаларга муносабатини ҳолисона акс эттиради. Инсон муносабатлари унинг миясида ҳис-туйғулар, эмоционал ҳолатлар, юксак ички кечинмалар тарзида акс этиши Ҳ.ни юзага келтиради. Ҳ. тушунчаси кундалик турмушда ва илмий манбаларда ҳар хил маъноларда қўлланади. Кундалик турмушда Ҳ. тушунчаси ўрнига сезгилар, анланмаган майллар, хоҳишлар, тилақлар, талаблар,

мақсадлар атамаларидан фойдаланилади. Илмий манбаларда эса, шахснинг эҳтиёжини қондирувчи ва унга монелик қилувчи нарсаларга, кишиларга нисбатан ўз муносабатини миясида акс эттириш маъносида қўлланади. Ҳ. билан эмоция бир хил маънода ишлатилиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Киши тана аъзоларида рангларнинг ўзгариши, лабларнинг титраши, кулги, йиғи, гамгинлик, иккиланиш ва б. эмоция ифодаси ҳисобланиб, ватанпарварлик, жавобгарлик, масъулият, виждон, севги каби юксак хислатларни эмоция таркибига киритиш гайритабиий ҳодиса ҳисобланар эди. Ушбу ҳиссий кечинмалар ўзининг моҳияти, кучқуввати, давомийлиги, таъсирчанлиги, йўналганлиги билан бир-биридан кескин фарқ қилади. Шу боис уларнинг муҳим фарқи шундаки, биринчиси (Ҳ.) ижтимоий, иккинчиси (эмоция) хусусий аҳамият касб этади. Шахснинг фаолияти, ҳуққатвори, муомаласи ҳамда жамият учун аҳамиятли ҳисобланган нарса ва ҳодисаларни акс эттирувчи муносабати Ҳ.да мужассамлашади. Эмоция фақат инсонларга эмас, мавжудотларга ҳам тааллуқли руҳий ҳолатдир. Ҳ. ижтимоий муҳитдаги кишилар томонидан ўзлаштирилган ғоялар, меъёрлар, қонун-қоидалар, низомлар, қадриятларни акс эттирувчи англанилган ҳис-туйғулар, мураккаб кечинмаларнинг вужудга келиши жараёнидир. Ҳ.да юксак ҳис-туйғулар онгли ҳаракатларни бажа-

ришнинг мазмуни билан уйғунлашган шахс ҳолатининг мураккаб таркибида кечади. Мас., меҳнатдан лаззатланиш ҳислари, ахлоқий, ақлий, нафосат туйғулари Ҳ.нинг ўзаги бўлиб ҳисобланади. Жониворлар эса бундай имкониятларга эга эмас. Ҳ.нинг физиологик асоси бош мия катта ярим шарлари пўстида ва пўстлоқ ости қисмида юзага келадиган нерв жараёнларидир.

**ҲУКМ** — нарса ва ҳодисаларга маълум бир хусусиятнинг хослиги ёки хос эмаслигини ифодаладиган тафаккур шакли. Ҳ. нарса ва ҳодисаларнинг маълум бир томони ҳақидаги фикрни ифодалайди. У нисбатан тугалланган фикрдир. Ҳ.лар чин ёки хато ёхуд ноаниқ бўлиши мумкин. Ташқи дунёга мос келган, тўғри ифодаланган Ҳ. чин бўлади, акс ҳолда у хато бўлади. Айни вақтда чинлигини ҳам, хатолигини ҳам аниқлаб бўлмайдиган Ҳ.лар ноаниқ Ҳ.лар дейилади. Ҳ.лар асосан дарак гап орқали ифодаланади. Ҳ.лар тузилишига кўра, оддий ва мураккаб турларга бўлинади. Ҳ. атамалари (субъект ва преликат) биттадан бўлса оддий Ҳ., бирдан ортиқ бўлса, мураккаб Ҳ. дейилади. Субъект (S) фикр қилинаётган нарса ва ҳодисани билдиради. Предикат (P) эса нарсага хос хусусиятни, муносабатни, нарса ҳақидаги янги билимни билдиради. Ҳ.нинг учинчи зарурий унсурини мантиқий боғловчидир. У субъект ва предикатни бир-бири билан боғлайди, натижада Ҳ. ҳосил бўлади.

## Муаллифлар рўйхати

Абдуллаева М.  
Абдурашидов М.  
Абдусатторов А.  
Абилов Ў.  
Азизқулов А.  
Алемасов В.  
Алиқулов Ҳ.  
Аюпов А.  
Аҳмедов С.  
Аҳмедова М.  
Баратова М.  
Бегматов А.  
Бердимуродова А.  
Бобоев Ҳ.  
Бозоров Д.  
Валиев А.  
Валиева С.  
Вафоева Ж.  
Давронов З.  
Ёқубова М.  
Жалолов А.  
Жалолова Г.  
Жўраев М.  
Зиёвуддинова Х.  
Идиоров У.  
Иззетова Э.  
Имомалиева Р.  
Ирисов У.  
Исломов А.  
Йўлдошев М.  
Йўлдошев С.  
Йўлдошева Л.  
Каримов Б.  
Каримов И.  
Каримов Р.  
Комилов Н.  
Комилова С.  
Комилова Т.  
Майбурова С.  
Маликов А.  
Мамадалиев Ш.  
Мансуров А.  
Маҳмудов Т.  
Мўминова О.  
Наврўзова Г.  
Назаров Р.  
Назаров Қ.  
Ниёзимбетов М.  
Низомов Ф.  
Носиров Р.  
Олимов С.  
Отамуродов С.  
Очилдиев А.  
Покачалов Г.  
Пўлатова Д.  
Ражабов Қ.  
Раззоқов Д.  
Раззоқов С.  
Расулов Э.  
Расулова Г.  
Раҳимов И.  
Рўзматова Г.  
Саидахмедова А.  
Сайдалиева Н.  
Сангинов С.  
Сафаева С.  
Соифназаров И.  
Туленов Ж.  
Туленова Г.  
Туленова К.  
Турсунов Б.  
Тўраев Б.  
Усмонов М.  
Усмонов Ф.  
Файзихўжаева Д.  
Файзуллаев О.  
Хан В.  
Холбеков А.  
Холматова М.  
Худойқулов Й.  
Хўжаева Б.  
Шайхова Х.  
Шарипов А.  
Шарипов М.  
Шермухамедова Н.  
Шеров А.  
Шоабдурахимова Ш.  
Шораҳмедов Д.  
Эмирова С.  
Эшмуродова З.  
Яхшиликков Ж.  
Қаҳҳорова Ш.  
Қодиров А.  
Қодиров М.  
Қодирова З.  
Қўшоқов Ш.  
Ғаффорова Г.  
Ғозиев Э.  
Ҳайитов Ш.  
Ҳайдаров У.  
Ҳасанов А.  
Ҳидоятев М.  
Ҳоппимова И.

# ФАЛСАФА

## энциклопедик лугат

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»  
Давлат илмий нашриёти  
Тошкент—2010  
(Тошкент, 100129, Навоий кўчаси, 30-уй).

Муҳаррир *А. Мажидов*  
Бадий муҳаррир *А. Бурҳонов*  
Саҳифаловчи *С. Исломова*

2010.03.06. да босишга рухсат этилди. Қогоз бичими 60x90<sup>1/16</sup>. Офсет қоғозда офсет усулида босилди. Тайме гарингураси. 21.5 шартли босма табоқ, 25.87 нашриёт-ҳисоб табоғи. Адади 2000. Баҳоси шартнома асосида. 172-буюртма.

Китобнинг оригинал-макетни “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”  
Давлат илмий нашриётининг дизайни ва компьютер булимиди тайёрланган.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Фафур Фулом номидаги нашриёт-  
матбаа ижодий уюнда босилди (Тошкент, 100128, Шайхонтоҳур кўчаси, 86-уй)

ISBN 978-9943-07-115-5

